МИХАИЛ ШОЛОХОВ

АСАРЛАР ТЎПЛАМИ
САККИЗ ТОМЛИК

ТИНЧ ДОН

ТЎРТ КИТОБЛИ
РОМАН

ЎЗ ССР ДАВЛАТ БАДИИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ — 1963

www.ziyouz.com kutubxonasi

МИХАИЛ ШОЛОХОВ

АСАРЛАР ТЎПЛАМИ

ТОМ

ТИНЧ ДОН

УЧИНЧИ КИТОБ

ЎЗССР ДАВЛАТ БАДИИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИ
Тошкент — 1963

www.ziyouz.com kutubxonasi

Р
Ш76

Одил Шаропов
таржимаси

„Тинч Дон" романининг учинчи китобида Дондаги гражданлар уруши — 1919 йил март ойидаги Дон вилоятининг шимолий қисмида рўй берган Дон казаклари қўзғолони тасвирланади.

Шолохов М.

Асарлар тўплами. 8 томлик. ш. 4 Т., Ўзадабийнашр, 1962. Т. 4 Тинч Дон. 4 китобли ромэн. К. 3-и. О. Шаропов тарж. 1962. 504 бет.

Шолохов М. Собрание сочинений. т. 4.

Р2

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нақадар шуҳратлисан улуғ дарёйи азим,
Бизнинг Дон Иванович, отахон тинч оқар Дон,
Меҳру саховат билан тўлиқ дарёйи азим,
Бизга сув, нон, жон берган меҳрибон тинч оқар Дон.
Бир вақтлар тез оққансан, тез оққан маҳали ҳам
Игна тушса топгудек сувларинг тиниқ бўлган.
Ўша етук таърифинг тилда қолиб, ҳали ҳам
Атроф донгу довруғинг, овозинг билан тўлган.
Энди-чи, Дон, энди сен бурунги шаштинг қайтиб
Тинч оқасан, сувларинг лойқаб кетиб бўтана.
Шуҳратли тинч оқар Дон сўйлайди жавоб айтиб:
«Ахир нега лойқамай, лойқамай иложим на,
Шунқорларим кетдилар, ёлғиз қолдим ҳувиллаб,
Ёлғиз қолдим айрилиб Дон казаги — эрлардан.
Уларсиз қирғоқларим ўприлар-да, шувиллаб
Сариқ қумлар тўқилар, сув кемирган ерларда.»

(Қадимий казак қўшиғи)

www.ziyouz.com kutubxonasi

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОЛТИНЧИ ҚИСМ

I

1918 йилнинг апрелига келиб Дон казаклари узил-кесил икки гуруҳга бўлинди: шимол томондаги Хопер, Усть-Медведицкий ва қисман юқори Дон округларидаги фронт кўрган казаклар чекинаётган қизил аскарларга қўшилиб кетишди: қуйи округларнинг казаклари уларни қувиб, то вилоят чегараларига довур суриб бордилар.

Хоперликларнинг қарийб ҳаммаси, устьмедведицаликларнинг ярми, юқори донликларнинг озчилик қисми қизиллар билан кетди.

Фақат 1918 йилдагина юқори ва қуйи донликлар узил-кесил ажралиб кетишди. Шундай бўлиши қадим замонлардаёқ сезилган, бундан неча аср илгари ора бузилишга келган эди, чунки шимол томонда яшовчи казаклар унчалик ўзига тўқ эмасди: улар Азов бўйининг серҳосил ерларидан, токзорларидан, овчилик ва балиқчилик даромадидан маҳрум эдилар; ора-сира пайт топиб, Черкасскдан чиқишар, великорослар яшаган жойларга бостириб киришарди; булар Степан Разиндан тортиб Секачгача, ҳамма исёнчиларнинг суянган тоғи эди.

Ҳатто, яқин замонларда ҳам, ҳокими мутлақ зулмидан эзилган бутун лашкар орасида норозилик туғилган пайтларда юқори Дон казаклари ўз атаманларининг раҳбарлигида ошкора қўзғалиб, подшоҳ ҳукумати негизига болта урарди: тождорнинг аскарлари билан қирғин жанг қилиб, Дондан ўтган карвонларни талашарди, Волга томонларга довур бориб, енгилган Запорожьени исён кўтаришга ундашарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Апрель ойининг охирларида қизил аскарлар Доннинг учдан икки қисмини ташлаб чиқиб кетишди. Вилоят учун янги ҳукумат тузиб олиш зарурати аниқ сезилгандан кейин, жанубда курашаётган жанговар қисмларнинг раҳбарлари Кенгаш чақиришни таклиф этдилар. 28 апрелда Новочеркасск шаҳрида Дон Муваққат ҳукумати аъзоларининг, ҳамда станца ва ҳарбий қисм делегатларининг йиғилишини чақириш мўлжалланди.

Вёшенская атаманидан Татарск қишлоғига келган хатда, Ҳарбий кенгашга вакил сайлаш учун ушбу ойнинг 22-куни Вёшенская станицасида йиғилиш чақирилганлиги ёзилган эди.

Мирон Григорьевич Коршунов йиғинда шу хатни ўқиб эшиттирди. Қишлоқ аҳли уни, Богатирев бобони ва Пантелей Прокофьевич Мелеховни Вёшенскаяга юборди.

Станица йиғилишида бошқалар қатори Пантелей Прокофьевич ҳам кенгашга вакил бўлиб сайланди. У ўша куниёқ Вёшенскаядан қишлоққа қайтди ва эртасига барвақтроқ Новочеркасскка етиб олиш учун, Миллеровогача қудасининг аравасида кетишга қарор қилди (Мирон Григорьевич Миллероводан керосин, совун ва шунинг сингари майда-чуйда нарсалар олмоқчи, бир йўла Моховнинг тегирмони учун элак, баббит ола келиб, фойдасига сотмоқчи эди).

Тонг ёришганда йўлга чиқдилар. Мирон Григорьевичнинг зулукдай қора отлари аравани илдам судраб борарди. Қудалар бежама гулдор ўриндиқда ёнма-ён ўтириб олишган. Арава тепаликка чиққандан сўнг икки қуда гапга тушиб кетди; Миллеровода немислар борлиги учун Мирон Григорьевич хавотирланиб сўради:

— Германлар ишимизни пачава қилмасмикин, қуда? Улар жудаям бемаза одамлар, бўйнинг узилгурлар!

— Йўғ-э,— деб тасалли берди унга Пантелей Прокофьевич.— У куни Матвей Кашулин ўшаққа борган экан: «немислар юрак олдириб қўйибди» дейди... Казакларга тегишга қўрқишармиш!

— Э, гапингни қара-ю!—соқоли сариқ тулкининг

www.ziyouz.com kutubxonasi

тукига ўхшаш Мирон Григорьевич мийиғида кулдида, қўлидаги олчадан қилинган қамчи дастасини қимирлатиб қўйди, афтидан, кўнгли жойига тушди шекилли, гапни бошқа томонга бурди:— Қанақа ҳукумат қуришни ўйлаб кўрдингми, қуда?

— Атаман сайлаймиз. Ўзимизникилардан қўямиз! Казакдан!

— Илоё, шундоқ бўлсин! Энг яхшисини сайланглар! Генералларни роса текшириб чиқинглар, лўли отни қандай синчиклаб текширса, сиз ҳам шундай синчиклаб текширинг. Ҳеч иллати бўлмасин.

— Яхшисини топиб сайлаймиз. Донда эси бутун одамнинг уруғи қуриб кетгани йўқ.

— Шундай-ку-я, қуда... Ақилли одамниям, аҳмоқниям уруғи бўлмайди, ўзидан-ўзи кўпаяверади.— Мирон Григорьевич кўзини қисди, сепкил юзида маъюслик аломати пайдо бўлди.— Мен Миткамни одам қилмоқчийдим, офицерликка ўқитмоқчи эдим, лекин боласи тушмагур ибтидоий мактабниям битирмай, иккинчи йилиёқ мактабдан қочиб кетди.

Икки чол большевиклар кетидан қувиб кетган ўғилларини ёдлаб, бирпас жимиб қолишди. Қатқалоқ йўлда арава сакраб-сакраб кетар, ўнг томондаги қора арғумоқ янги тақасини тарақлатиб дамба-дам қоқилиб тушарди; ўриндиқда ёнма-ён ўтирган икки қуда тебранишиб қўтандаги қўйдай бир-бирига суйканишарди.

— Казакларимиз қаерларда юрган экан?— деб уҳ тортиб қўйди Пантелей Прокофьевич.

— Хопердан ўтишган эмиш. Федотка Қалмоқ Қумилжен станицасидан қайтиб келибди, оти нобуд бўбди. «Тишанская станицаси томонга қараб жўнашган бўлса керак»,— дейди.

Яна жим қолишди. Орқадан муздай шамол урарди. Орқа томонда, Доннинг нари ёқларида ўрмонлар, ўтлоқлар, кўллар, дала-ю дашт тонгги алвон шафақка ғарқ бўлган эди. Катта қум тепа қизариб кўринади, ўркачсимон барханлар бронза рангига кирган.

Баҳор. Ўрмонларнинг оч кўк туси аллақачон ўзгариб, дарахтлар яшил барг чиқарган, дашт гулзорга айланган, пастлик жойлардаги сон-саноқсиз йилти-

www.ziyouz.com kutubxonasi

роқ кўлобчалардан ташқари, ҳеч ерда ёғин сувларидан асар қолмаган, бироқ, шунга қарамай, жар ва ўралардаги қорлар ҳали эриб кетмаган, илма-тешик бўлиб кетса ҳам тупроққа тармашиб олган.

— Қудалар иккинчи куни кечқурун Миллеровога етдилар ва элеваторнинг ёнгинасида истиқомат қилувчи *украин оғайниларининг уйида тунадилар.* Эрталаб нонуштадан сўнг Мирон Григорьевич арава қўшиб, магазинга жўнади. Темир йўлни кесиб ўтадиган жойдан омон-эсон ўтиб олди, умрида биринчи марта немисни шу ерда кўрди. Учта ландштурмчи унинг йўлини тўсиб келаверди. Қулоғигача *малла соқол босиб* кетган паканароғи қўли билан имлаб чақирди.

Мирон Григорьевич хавотирланиб тизгинни тортди, саросималикдан тамшаниб тураверди. Немислар яқин келди. Новча бўйли, семиз пруссак[1] тишининг оқини кўрсатиб илжайди-да, ўртоғига:

— Асл казакка йўлиқибмиз-ку!— деди.— Буни қара, уст-боши ҳам казакча! Бунинг ўғиллари бизга қарши урушган бўлиши керак. Тириклайин Берлинга жўнатмаймизми? Антиқа томоша бўларди-да!

— Бизга унинг оти керак, ўзини бошимизга урамизми?— деди ҳалиги малла соқол кулмасдан.

У қўрқа-писа олисдан отни айланиб ўтди-да, арава ёнига келди.

— Қани туш, чол. Бизга сенинг отларинг керак, манави тегирмондан ун ортиб, вокзалга оборамиз. Қани бўл, туш деяпман сенга! Отларингни комендатурадан оласан,— немис кўзи билан имлаб тегирмонни кўрсатди ва эътироз билдиришга йўл қўймайдиган ишора билан аравадан тушишини талаб этди.

Қолган икки немис орқасига ора-чўра қараб, кула-кула тегирмон томонга бурилди. Мирон Григорьевич қизариб-бўзариб кетди. Тизгинни ўтирғич четига ўради-да, аравадан дадил сакраб тушиб, отларнинг олдига ўтиб олди.

«Аксига қудам йўқ,— деган фикр миясига бир келиб кетди.— Отлардан айриладиган бўлдим! Хаҳ,

---

[1] Пруссиялик. (*Тарж.*)

www.ziyouz.com kutubxonasi

касофат-эй! Мени бу ёққа шайтон бошлаб келган экан-а!»

Немис лабларини чирт юмиб, Мирон Григорьевичнинг енгидан ушлади ва имо-ю ишора билан тегирмон томонга юришни буюрди.

— Қўйвор!— Мирон Григорьевич юлқинди, ранги ўчиб кетди.— Ҳаром қўлингни урма! Отни бермайман!

Унинг нима деганини немис овозидан тушунди. Бирданига ғазабдан кўзларининг пахтаси чиқиб, тишларини ғижирлатди ва овози борича, чинқириб дўқ қила бошлади. Немис милтиғининг дастасига тармашиб, елкасидан олмоқчи бўлганда, Мирон Григорьевич йигитлик чоғини эслаб туриб, солдатча зарб билан жағига солиб қолди. Зарбнинг қаттиқлигидан немиснинг бўйни қайрилиб, энгак остидаги каска тасмаси узилди. У чалқанчасига қулади ва ўрнидан турмоқчи бўлиб қимирлаганда оғзидан лахта-лахта қон келди. Мирон Григорьевич яна бир марта энсасига мушт солди-да, у ёқ-бу ёққа кўз ташлаб туриб энгашди-ю, немиснинг милтиғини шартта тортиб олди. Ўша аснода унинг ақли ниҳоятда тез ва аниқ ишлади, чол отларни кетига бураркан, немис кетидан ўқ узолмаслигини яхши билар, лекин темир йўл девори орқасидаги ёки йўл ёқасидаги қоровулларнинг кўриб қолишидан қўрқар эди.

Қора арғумоқлар пойгада ҳам бу қадар қутуриб тез чопмаган эди! Ҳатто тўйларда ҳам арава ғилдираклари бунчалик тарақламаган эди! «Худоё, ўзинг асра! Қўлга туширма, худо! Баҳаққи руҳи муқаддас!..»— деган сўзлар Мирон Григорьевичнинг оғзидан тушмас, қўли отга қамчи босишдан бўшамас эди. Сал бўлса, очкўзлиги бошига етай деди. У қўнган уйида қолган шолчасини ола кетмоқчи бўлди-ю, бироқ оқибати нима бўлишига ақли етиб, аравани четга бурди. «Орехово слободасига довур йигирма чақирим йўлни Илёс пайғамбар аравасида чопгандан ҳам тез босиб ўтибман»— деб гапириб юрди кейинчалик у. Ореховода украин танишиникига ҳовлиқиб кирди, жони ҳалқумига келиб, бўлган воқеани уй эгасига гапириб берди, отларини ва ўзини бирон жойга яшири-

www.ziyouz.com kutubxonasi

шини сўради. Украин яширишга рози бўлди-ю, бироқ:

— Майли, яширай, лекин Григорий, билиб қўй, мени қаттиқ қийнайдиган бўлишса, айтиб бераман,— деб писанда қилди у,— бошимни балога қўйиб нима қиламан! Уйимга ўт қўйишади, қолаверса, ўзимниям дорга осишади.

Мирон Григорьевич аравасини бостирма остига тортиб киргизар экан:

— Мени яширмасанг бўлмайди, жон биродар! Мен сени қуруқ қўймайман, нима десанг бераман! Фақат ўлимдан қутқарсанг бас, бир иложини қил, бир қўра қўй бераман! Ўнта бўрдоқи қўй сендан айлансин!— деб ялиниб ваъдалар қиларди.

Чол кетидан немислар қувиб келишидан бало-ю қазодан қўрққандай қўрқарди. Кеч киргунча украиннинг ҳовлисида бўлди-да, қоронғи тушиши билан жўнаб қолди. Ореховодан чиққач, раббимсан деб ҳайдаб қолди. Отлар терга ботиб, ўнг-сўлга кўпик сачратар, арава тарақлаб ўқдай учар, тегарчиклари бирлашиб кетгандай кўринарди. Нижне-Яблоновога яқинлашгандагина чол эс-ҳушини йиғиб олди. Қишлоққа кираверишда ўтирғич остидан ўлжа милтиқни олиб, тасмасининг терс томонига, кўк қалам билан ёзилган хатларига қараб чиқди-да, енгил тин олди:

— Қалай, қувиб етдингларми, шайтондан тарқаганлар? Ҳали ёшлик қиласиз!

Украинга ваъда қилинган қўйларни паққос еб кетди. Кузакда йўли тушиб уникига келганда, жонига оро кирган одамнинг савол тарзида тикилиб турганини кўриб:

— Қўйларимиз қирилиб кетди. Қўй масаласи чатоқ,— деб қутулди.—Лекин яхшилигинг учун сенга ўз боғимда етилган ноклардан обкелдим!— Йўлда захэ еган ноклардан икки челакчасини аравадан олиб берди ва беҳаё кўзларини обқочиб:— Ўзиям жуда аломат нок-да, ҳил-ҳил пишган...— деди-ю, хайр-маъзур қилиб жўнаб қолди.

Мирон Григорьевич Миллероводан қочган маҳалда қудаси вокзалда эди. Ёшгина немис офицери Пантелей Прокофьевичга пропуск ёзиб берди, таржимон

www.ziyouz.com kutubxonasi

орқали бир-икки оғиз гап сўради, сўнгра арзон баҳо сигарасини тутатиб, жонкуяр одамдек насиҳат қилди:

— Майли, боринг, лекин сизлар учун доно ҳукумат кераклигини унутманг. Майли, президент сайланг, пошшо сайланг, ким бўлса бўлсин, ишқилиб, давлат миқёсида ақл-идрокка эга бўлган кишини, Германия ҳукуматига нисбатан дўстона сиёсат юргизадиган одамни сайланг.

Пантелей Прокофьевич немисга ёвқараш қилиб қараб-қараб қўйди. Унинг билан гаплашиб ўтиришга раъйи йўқ эди, пропуск қўлига теккани ҳамон, поездга билет олгани чиқиб кетди.

Новочеркасскда ёш-ёш офицерларнинг кўплиги уни ҳайратда қолдирди: улар гала-гала бўлиб кўчаларда дайдишар, ресторанларда ўтиришар, қизлар билан сайр этишарди, атаманнинг саройи олдида ҳамда Кенгаш очиладиган суд маҳкамасининг биноси атрофида санғиб юришарди.

Делегатлар ётоқхонасида Пантелей Прокофьевич станицалардан келган одамларни ва улар орасида Елан станицасида турадиган танишини учратди. Делегатларнинг кўпчилигини казаклар ташкил этарди, офицерлар оз, станица зиёлиларининг вакиллари ҳаммаси бўлиб ўттиз-қирқтадан ошмасди. Музофот ҳукуматига одам сайлаш масаласида делегатлар орасида ҳар хил миш-миш гаплар кўпайган эди. Аммо, атаман сайлаш керак деган фикр рўйирост олға суриларди. Машҳур казак генералларининг номлари тилга олинар, кандидатуралар муҳокама қилинарди.

Келган куни кечқурун, чойдан кейин Пантелей Прокофьевич ўз ҳужрасига кириб, уйидан обкелган таомларидан тамадди қилмоқчи бўлди. У қоқланган сазанни олдига олиб қўйди, нондан кесди. Иккита мигулинлик унинг ёнига келиб ўтирди, яна бир неча киши қўшилди. Гап фронтдаги аҳволдан бошланиб, секин-аста ҳукумат сайлаш масаласига ўтди.

— Раҳматлик Калединдай одам топилмайди!— деб хўрсинди кул ранг соқол шумилинлик казак.

— Рост айтасан,— деб қўшилди еланлик.

Гапга қулоқ солиб турган подъесаул қизишиб кетди. У Бессерген станицасидан келган делегат эди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Нега муносиб одам топилмас экан? Нима деяпсиз, жаноблар? Генерал Краснов-чи?

— Қайси Краснов?

— Ие, тағин қайси дейишади-я! Сўрашга қандай тилингиз боради, жаноблар! Машҳур генерал, Учинчи суворий корпуснинг командири, георгий ордени кавалери, ақлли, талантли лашкарбоши.

Подъесаулнинг оғзини кўпиртириб, энтикиб гапириши фронтнинг аллақайси бир қисмидан келган делегатни ғазаблантирди:

— Лекин, мен сизга гапнинг пўскалласини айтсам: унинг таланти қанақалигини биламиз. Ношуд бир генерал! Герман урушида унча-мунча иш кўрсатган. Агар революция бўлмаганда, бригада генераллигича қолиб кетарди.

— Ҳой, биродар, генерал Красновни танимай туриб гапираверасизми? Ҳамма ҳурмат этган бир генерал шаънига бу хилда гап айтишга нима ҳақингиз бор-а? Ёки анчайин бир казак эканлигингизни унутдингизми?

Подъесаул дағдаға қилиб, жеркиб гапирар, ҳар бир сўзи казакни ер билан яксон қилгудай бўларди; бечора казак довдираб қолди, шахтидан тушиб чулдирай бошлади:

— Жаноби олий, мен ахир, ўша кишининг қўл остида хизмат қилганман... Австрия фронтида бизнинг полкимизни тиканли симга рўпара қилган ўша киши бўлади! Шунинг учун биз уни ношуд одам деб ҳисоблаймиз... Тағин ким билади дейсиз... Балким, бунинг тамомила аксидир...

— Ношуд бўлса, унга георгий крести беришармиди? Ҳей, аҳмоқ!— Пантелей Прокофьевичнинг томоғига балиқ қилтаноғи тиқилиб қолди, йўталиб бўлгач, фронтовик казакка ёпиша кетди:— Аҳмоқона хаёлларга берилиб, ҳаммани бадном қилишга устасанлар, санларга қолса ҳамма ёмон. Хўп ғалати расм чиқарибсизлар. Қамроқ гап сотсанглар-ку, бунчалик харобгарчилик бўлмасди. Ақлларинг ошиб-тошиб кетганга ўхшайди. Сафсатабозлар!

Черкассликлар билан қуйи томоннинг одамлари ёппасига Красновни ёқлаб чиқди. Георгий кавалери

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлган бу генерал қарияларнинг кўнглига ниҳоятда маъқул бўлди; чунки кўплари у билан рус-япон урушида қатнашган эдилар. Офицерлар Красновнинг ўтмишдаги ишларига маҳлиё бўлиб қолишган эди. Ахир у гвардиячи, сарой аҳлларидан, маълумотли генерал бўлган, саройда, император ҳазрат олийлари ҳузурида хизмат этган эди-да. Либерал зиёлиларга маъқул бўлган нарса Красновнинг ёлғиз генераллик томони ёки ўтакетган ҳарбийлардан эканигина эмас, балки, ёзувчи деган номи эди; унинг «Нива» журналида босилган офицерлар ҳаётига оид ҳикояларини бир вақтлар маза қилиб ўқишар эди; модомики ёзувчими у, маданиятли киши бўлади.

Ётоқхоналарда Красновни ёқлаб кучли ташвиқот юргизиларди. Унинг исми шарифи олдида бошқа генералларнинг номлари бир пул бўлиб қоларди. Генерал Африкан Богаевский тўғрисида, Краснов тарафдори бўлган офицерлар: «Деникин билан Богаевский ҳамтовоқ, мабодо Богаевский атаман сайланадиган бўлса, большевиклар енгилиб, Москва олингандан кейин казакларга берилган имтиёз ҳам, автономия ҳам зер-забун бўлади» деган миш-миш гап тарқатишарди.

Красновнинг рақиблари ҳам бор эди. Бир ўқитувчи — делегат генерал номини ерга урмоқчи бўлиб, кўп уринди-ю, бироқ натижа чиқмади. У делегатлар турган ҳужраларга кириб, казакларнинг сержун қулоқларига ғинғиллаб, заҳарли гаплар айтиб кўрди:

— Краснов-чи. Расво генерал, ношуд бир ёзувчи: бир пулга олган ҳам ўғри, сотган ҳам. Билгани — икки букилиб таъзим қилиш, сарой аҳлининг товонини ялаш! Унинг мақсади: ҳам миллий сармоя эгаси бўлиш, ҳам демократик иффатни сақлаб қолиш. Мана кўрасиз, биринчи учраган харидорга Донни кўтарасига сотади, бор барака қилади-қўяди! Паст одам! Сиёсат масаласида алифни калтак деёлмайди. Агеевни сайлаш керак! У тамоман бошқача одам.

Бироқ ўқитувчининг гапларига ҳеч ким қулоқ солмади. Кенгаш очилишининг учинчи куни — 1 майда делегатлар орасидан.

— Генерал Краснов таклиф этилсин!

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бажону дил...
— Бош устига...
— Сўраймиз!
— Шонли генералимиз!
— Марҳамат қилсин, бизларга турмуш масаласини гапириб берсин!— деб каттакон зал ғовур кўтарди.

Офицерлар қасир-қусур қарсак чалдилар, уларга қараб казаклар ҳам билар-билмас, секин-аста кафтни кафтга ура бошладилар. Ишда ийланавериб қорайиб кетган қўллардан жиқ-жиқ этган хунук қарс, қулоққа ёқмайдиган ғалати садо кўтариларди — бу галерея ва коридорларга тиқилишган қизлар ва хонимларнинг, офицер ва ўқувчиларнинг лўппи қўлларидан чиқаётган майин қарсаклар музикасининг тамоман тескариси эди.

Ниҳоят, мундир кийган, кўкси тўла кресту медаль, эполет ва генераллик шоп-шалоплари таққан, ёши қайтган бўлса ҳам, ҳали чиройли, новча ва хушбичим генерал парадга чиққандай шахдам қадам ташлаб саҳнага чиққанда зални қасира-қусур чапак билан қийқириқ босиб кетди. Қарсаклар бора-бора гулдурос олқишга айланди. Зал шодланиб кетган делегатларнинг қий-чувига тўлди. Саҳнада ҳаяжонланиб, кўнгли эриб, суратдай қотиб турган бу генерални кўриб, кўп одамлар империя собиқ қудратининг соясини кўргандай бўлдилар.

Пантелей Прокофьевичнинг кўзи ёшланди, фуражкасининг ичидан қизил рўмолчасини олиб, анчагача бурнини қоқиш билан овора бўлди. «Генерал деб мана буни айтадилар! Асл одам экани кўриниб турибди! Императорнинг нақ ўзгинаси, салобати ундан ҳам ошиб тушади. Важоҳатидан худди раҳматлик Александрга ўхшайди-я!»— деган хаёллар ичида чол, минбар ёнида турган Красновни кўнгли ийиб томоша қиларди.

«Донни ҳалокатдан асрайдиган кенгаш» деб аталган кенгаш шошилмай мажлис олиб борарди. Мажлис раиси ясовул Яновнинг таклифи билан, ҳарбийларга берилган погон ва даража белгиларини тақиб юриш тўғрисида қарор чиқарилди. Краснов ниҳоятда устомонлик билан дабдабали нутқ сўзлади. У

www.ziyouz.com kutubxonasi

зўр ҳаяжон билан «Большевиклар хўрлаган Россия» тўғрисида, унинг «қадимги куч-қудрати» тўғрисида, Доннинг тақдири тўғрисида гапирди. Ҳозирги шароитни тасвирлаб бўлгандан кейин, немис оккупациясига қисқача тўхталиб ўтди. Нутқининг охирида, большевиклар енгилгандан кейин Дон музофоти ўз бошига мустақил бўлишини шавқ-завқ билан гапирганда, бу фикр ҳаммага маъқул тушиб, залда ғовур-ғувур кўтарилди.

— Дон музофотини Давлат Ҳарбий кенгаши идора қиладиган бўлади! Бизнинг революциямиз халос этган казаклар ўлкаси — казаклар ҳаётидаги қадимги гўзал анъаналарни, ажойиб расм-русумларни қайтадан тиклайди, ўшанда биз ота-боболаримиз сингари, қадимги оҳангдор, қудратли овозимиз билан: «Гранит Москвада оқ пошшо давр сурсин, тинч Донда биз, казаклар!»— дегаймиз.

3 май кечки мажлисда бир юз етмиш овоз билан генерал-майор Краснов лашкар атамани қилиб сайланди; ўттиз киши қарши чиқди, ўнта одам бетараф қолди.

Краснов шарт қўйиб, лашкар ясовулидан атаманлик чўқморини олмади: олдин кенгашга ўзи таклиф этган асосий қонунларнинг тасдиқланишини ва ўзига тўла атаманлик ҳуқуқи берилишини талаб қилди.

— Мамлакатимиз емирилиш арафасида турибди! Атаманга батамом ишонилган тақдирдагина мен чўқморни оламан. Ҳозирги шароит, зиммадаги масъулиятини адо этишда ишонч ва мамнуният билан иш бошлашни талаб этади, шунинг учун Дон хоҳишини ифодаловчи олий ҳакамнинг — ушбу Кенгашнинг менга батамом иноғанини билишим лозим, ана ўшандагина большевистик анархия билан бебошликка, бузғунчиликка хотима берилиб, мустаҳкам ҳуқуқ нормалари жорий қилинади.

Краснов тақдим этган қонунлар палапартиш қайта тузилган, у ёқ-бу ёғи тузатилган собиқ империя қонунларининг ўзгинаси эди. Шундай қонунларни Кенгаш қабул қилмасинми! Мамнуният билан қабул қилишди. Тамомий нарса, ҳатто наридан-бери ўзгартирилган байроқ ҳам: узунасига тикилган кўк, қизил

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва сариқ йўллар (казаклар, ўзга ерликлар ва қалмоқлар) эски даврни эслатарди, ёлғиз давлат герби, казакларнинг раъйига мувофиқ тубдан ўзгартирилди: энди гербга икки бошлиқ қонхўр бургут ўрнига папоқ кийган, қиличу, милтиқ ва аслаҳа таққан яланғоч казакнинг вино бочкасига миниб ўтирган сурати солинган эди.

Лаганбардор ва содда муғомбир делегатлардан биттаси ялтоқланиб савол берди:

— Асосан қабул қилинган қонунларга, балким жаноби олийлари бирор ўзгариш ёки тузатиш киритишни таклиф қилурлар! Марҳамат, гапирсинлар.

Краснов илтифот билан кулимсираб, кези келганда, икки оғиз ҳазил-тоифа гап қистириб кетишни лозим топди. У кенгаш аъзоларига маъноли назар ташлаб чиқди-да, кўпчиликнинг эътиборини ўзига жалб этиб ўрганган тантиқ одам сингари жавоб қайтарди:

— Майли, қонуннинг қирқ саккиз, қирқ тўққиз ва эллигинчи моддаларидаги байроқ, герб ва гимн ҳақида таклиф киритмоқчиман. Сизлар менга қизил рангли байроқдан ташқари, истаган байроқни, беш қирралик яҳудийлар юлдузи ёки бирор масонлик белгисидан ташқари — истаган гербни, «Интернационал»дан ташқари — истаган гимнни таклиф этишингиз мумкин, мен қабул қилаверaман.

Кенгашдагилар кула-кула қонунларни тасдиқлади. Атаманнинг аскияси анчага довур одамлар оғзидан тушмади.

5 майда Кенгаш тарқади. Сўнгги нутқлар садоси сўнди. Жанубий группа қўмондони, Красновнинг ўнг қўли — полковник Денисов энг яқин фурсат ичида большевиклар фитнасини таг-томири билан қуритишга ваъда берди. Кенгаш аъзолари бопта атаман сайланганидан ва фронтдаги аҳвол сводкаларидан суюнишиб, хотиржам уйларига жўнадилар.

Пантелей Прокофьевич қаттиқ таъсирланиб, хурсандлигидан терисига сиғмай Дон пойтахтидан жўнаб кетди. У, атаманлик чўқмори ишончли кишининг қўлига текканига, большевиклар яқин орада тор-мор келтирилишига ва ўғлонлари қайтиб, хўжаликни тебратишига қаттиқ инонганди. Чол вагон деразаси ол-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дида столчага суяниб ўтирарди; қулоқларидан Дон гимнининг хайрлашув садолари ҳали ҳам кетмас, далда берувчи сўзлари мия-мияларигача сингиб кетган ва назарида, чиндан ҳам «православ тинч Дон» қўзғалгандай, жумбушга келгандай туюларди.

Лекин Новочеркасскдан бир неча километр узоқлашмасданоқ, Пантелей Прокофьевич деразадан бавария отлиқ аскарларининг аванпостини кўриб қолди. Бир тўда отлиқ немис темир йўл четидаги йўлдан поезд томон келарди. Букчайган суворийлар эгарда бемалол ўтиришарди, семиз сағриси кенг отлар чўлтоқ думларини ликиллатишиб, қуёшнинг ўткир нурида товланарди. Пантелей Прокофьевич энгашиб, аламидан паришонҳол қошини чимириб, деразага тикиларди, казаклар ерини ғолибона тепкилаётган немис отларини кўздан кечирарди; сўнгра у, орқасини деразага ўгириб олди-да, не вақтгача пишиллаб, гавдасини кўтара олмай букчайиб қолди.

II

Буғдой уни, тухум, ёғ ва қорамол ортган қаторқатор қизил вагонлар Дондан Украина орқали Германияга кетма-кет жўнатиларди. Қозирёксиз фуражка, кул ранг куртка кийган, милтиқ учларига найза қадаб олган немислар ҳамма майдонларни эгаллаган эдилар. Пухта, сариқ чармдан тикилган немис этикларининг метиндай нағал пошналари Дон кўчаларини шиббалар, Бавария суворийлари эса Донда бемалол отини суғорар эди... Украина чегарасида бўлса, Персиановкада таълим олиб яқиндагина байроқ остига тўпланган ёш казаклар петлюрачилар билан жанг қилишарди. Қайтадан тузилган 12-нчи Дон казаклар полкининг қарийб ярми — Украина ерларининг бир бўлагини Дон музофотига қўшиб оламан деб, Старобельск шаҳри ёнида қирилиб кетди.

Шимолда эса, Усть-Медведица станицаси қўлдан қўлга ўтиб турарди: бир ёқдан уни Глазуново, Ново-Александрово, Кумилжен, Скуришен қишлоқларидан ва бошқа станицалардан тўпланган қизил казаклар отряди ишғол қилса, орадан бир соат ўтмай, офицер

www.ziyouz.com kutubxonasi

Алексеевнинг оқ партизан отряди уларни суриб чиқарарди, бундай пайтда кўча-кўйни оқларнинг асосий қисмини ташкил этган шинелли гимназистлар, реалистлар, семинаристлар босиб кетарди.

Шимол ёқда юқори Дон казаклари станицадан станицага дув-дув кўчиб юришарди. Қизиллар Саратов губерниясининг чегарасига чекинмоқда эдилар. Улар Хопер округини деярли бутунлай ташлаб кетгандилар. Милтиқ кўтаришга лаёқатли ёш-яланг, қари-қартанг казаклардан тузилган Дон армияси ёз охирида чегарага келиб ўрнашди. Новочеркасскдан келган офицерлар билан тўлдирилган бу армия йўл-йўлакай қайтадан тикланиб, ҳақиқий армия тусига кирмоқда, станицалар юборган майда дружиналар унга қўшилмоқда эди; Германия урушида омон қолган одамларни тўплаб қадимги мунтазам полкларни тиклашга киришилди; полклардан дивизиялар тузилди; штабларда хорунжийлар ўрнини туллак полковниклар эгаллаб олдилар; бошлиқлар состави ҳам астасекин ўзгара бошлади.

Ёз охирида Мигулин, Мешков, Казан ва Шумилин станицаларининг казак сотняларидан ташкил топган жанговар қисмлар, генерал-майор Алферовнинг буйруғига биноан Дон музофотининг чегарасидан чиқдилар ва Воронеж губерниясига қарашли дастлабки слободалардан бири — Донецкоени ишғол этиб, уезд шаҳри Богучарни қамал қилдилар.

* * *

Тўрт кечаю тўрт кундуздан бери Петро Мелехов командаси остидаги татарскийлик казаклар қишлоқма-қишлоқ, станицама-станица йўл босишиб, Усть-Медведица округининг шимол томонига силжишарди. Улардан сал ўнгроқда қизиллар шошилинч равишда темир йўл яқинига жангсиз чекинмоқда эдилар. Шу давр ичида татарскийлик казаклар бирон марта ҳам қизилларни учратмади. Петро ва умуман ҳамма казаклар ўлишга шошмоқнинг нафи йўқ, деб ўзаро бир қарорга келишгани учун манзил ораларини ўттиз чақиримдан узайтиришмасди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бешинчи куни Кумилжен станицасига етдилар. Дундуково қишлоғи ёнида Хопер дарёсидан ўтдилар. Дашт устида дока парда сингари чивинлар булути жимирлашарди. Ғинғиллаган ингичка титроқ садо тобора кучаярди. Лак-лак чивин атрофда ғужғон ўйнаб, ғиж-ғиж бўлиб ёпирилиб от ва одамларнинг кўзу, қулоқ, бурунларига кирарди. Отлар типирчилар, пишқиришарди, казаклар қўл силтаб елпинишар, тамаки тутатиб уларни қочиришарди.

Христоня енги билан ёшланган кўзини артаётиб:

— Ана майнабозлик, вой, тухуминг қурғур-эй?— деб ғудранди

— Бир бало бўлдими?— деб кулди Григорий.

— Кўзимни ачиштириворди. Лаънати заҳарли экан!

Христоня қизил қовоғини ағдариб, ғадир-будур панжаси билан кўз соққасини силади, лабини чўччайтириб олиб, қўлининг орқаси билан анчагача кўзини ишқалаб қолди.

Григорий у билан ёнма-ён борарди. Йўлга чиқилган кундан бошлаб иккиси топишиб олган эди. Сўнгра уларга Аникушка қўшилди; кейинги вақтларда у яна ҳам семириб кетган ва шунинг учун афт-башараси баттар ҳезалакнамо бўлиб қолган эди.

Отряддаги одам сони юзга тўлмасди. Петронинг ёрдамчиси — Татарск қишлоғидан қиз олган Латишев исмли вахмистр эди. Григорий взвод командири эди. Унинг взводидаги аксарият казаклар, қишлоқнинг пастки маҳалласидан бўлиб, булар: Христоня, Аникушка, Федот Бодовсков, Мартин Шамиль, Иван Томилин, қаққайган Боршев билан айиққа ўхшаб лапанглаб юрадиган Захар Королев, Прохор Зиков, лўливачча лақабли Меркулов, Епифан Максаев, Егор Синилин ва яна ўн беш чоқли тенгқур ёш-яланг йигитлар эдилар.

Иккинчи взводнинг командири Николай Қошевой, учинчиники Яков Коловейдин эди, тўртинчи взводга эса, Подтелков қатл қилингандан кейин генерал Алферов томонидан шошилинч суратда старший урядник даражасига кўтарилган Митька Коршунов командирлик қиларди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Казаклар даштда отларини йўрттириб боришарди. Йўл сув босган жойларни айланиб ўтар, гоҳ майда тол ва қиёқ ўсган жарларга тушиб кетар, гоҳ пичанзор орасида илон изи бўлиб кўриниб қоларди.

Орқа қаторда Яков тақачининг бесўнақай хохолгани ва унга қўшилиб ингичка товуш билан пиқирлаган Андрей Қашулиннинг кулгиси эшитиларди, у ҳам Подтелков сафдошларининг қонини тўкиб, урядниклик нишони олган эди.

Петро Мелехов Латишев билан сафлар ёнбошида келмоқда эди. Иккиси алланима тўғрисида пичирлашарди. Латишев қиличининг янги боғини ўйнарди, Петро чап қўли билан отини силарди, қулоқларининг орқасини қашларди. Латишевнинг лўппигина юзлари билинар-билинмас табассумдан жилмаяр, тамакидан сарғайган ва чўкиртак бўлиб қолган тишлари сийрак мўйлови орасидан қорайиб кўринарди.

Ҳаммадан ортда Антип Авдеевич оқсоқ ола байталини йўрттириб келарди; бу ўша Лофчининг ўғли бўлгани учун казаклар уни Антип Лофчиевич деб чақиришар эди.

Баъзи казаклар ўзаро ҳангомага тушиб кетишган, баъзилари сафни бузиб, беш кишидан қатор бўлиб олишган эди, қолганлари бу нотаниш ерларни, пичанзорлар орасида ола-чавкар бўлиб жимирлаган қўлларни, қатор-қатор яшил-кўк толу теракларни томоша қилишарди. Аслаҳа-анжомларидан казакларнинг узоқ сафарга чиққани кўриниб турарди: халталари қаппайган, хуржунлари ул-булга тўла, шинеллари бўктармага маҳкам танғилган эди. Эгар-жабдуқлар ҳам буни тасдиқларди: ҳаммаси тикилган, йиртиқ-ямоғи батамом қўлдан чиққан эди. Бундан бир ойгина муқаддам уруш бўлмайди, деб инонган казаклар ҳозир: «қон тўкилмай илож йўқ» деган ғамгин хаёллар ичида тақдирга бўйсуниб, йўл босишарди. «Бугун тирикман, эртага ким билади, ўлигимни жанг майдонида қарға-қузғун чўқийдими»,— деб ўйларди ҳар ким.

Крепци қишлоғидан ўтдилар. Томи қамиш билан ёпилган яккам-дуккам уйлар ўнг қўлда қолиб кетди. Аникушка чалвори чўнтагидан бўғирсоқ олди-да, оғ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

зини оч бўридай очиб, майда тишлари билан ярмини тишлади ва қуёндай шоша-пиша чайнай бошлади.

Христоня хўмрайиб унга қаради:

— Ютоқиб кетдингми?

— Бўлмасам-чи... Хотиним пишириб берган.

— Йилинг овқатми дейман-а! Қорнингда тўнғизнинг қорнидагидақа гижжа бўлса керак.— У Григорий томонга юзини ўгириб, жаҳл билан, нолигансимон сўзида давом этди:— шунақанги мечкайки, ҳеч тўймайди! Шунча овқат қатига сиғаркан? Шу кунларда унга разм солиб юрибман, еган овқатини кўрсам мени ваҳим босади: ўзи кичкинагина одаму, аммо қурдим дарёга ўхшайди, қанча овқат бўлса кўрдим демайди.

— Еб қолганинг ғанимат. Кечқурун битта қўйни поққос уриб олсанг, эрталаб қарабсангки, қорнинг яна қулдураб турибди-да. Биз нима тўғри келса, еяверамиз, ишқилиб, томоқдан ўтгани фойда.

Аникушка хохолаб кулар ва ирганиб тупураётган Христоняни Григорийга имлаб кўрсатар эди.

— Петро Пантелеич, қаерда тунаймиз? Муни қара, отлар чарчади, ахир!— деб қичқирди Томилин.

Меркулов ҳам унга қўшилди:

— Қўнадиган вақт бўлди. Кун ботяпти.

Петро қамчи силтади.

— Ключида тунаймиз. Балким, Кумилженгаям етиб олармиз.

Қоп-қора жингалак соқолли Меркулов мийиғида кулиб, Томилиннинг қулоғига шивирлади:

— Алферовга яхши кўринмоқчи, бу қанжиқ! Шошилишини кўр...

Аллақайси бир ҳазилкаш Меркуловнинг соқолини тузатмоқчи бўлиб, чиройли, жингалак соқолни жўрттага калта ва қийшиқ кесиб қўйган эди. Бу тахлит соқолдан Меркуловнинг тасқараси чиқиб, шериклари уни ҳар қадамда мазах қилишарди. Бу гал ҳам Томилин ҳазилини қўймади:

— Ўзинг ҳам яхши кўриниш пайида юрибсан-ку!

— Мен нима қилиппан?

— Соқолингни генералга тақлид кестирганинг-чи. Балким: «Генералникига ўхшатиб соқол қўйсам, мен-

www.ziyouz.com kutubxonasi

га дивизия беришади» деб ўйлагандирсан-а? Шмилдириқни беришади, тушундингми?

— Аҳмоқ, шайтон! Мен жиддий гапирсам, аския қилади.

Гангир-гунгур гаплашиб, кулишиб Ключи қишлоғига кириб келдилар. Жой тайёрлаб туриш учун олдинроқ жўнатилган Андрей Қашулин энг четки қўра ёнида сотняни кутиб олди.

— Бизнинг взвод, орқамдан юринг! Биринчи взводга — мана бу уч ҳовли, иккинчиники — чап томонда, учинчиники — ҳув анави қудуқлик ҳовли, қаторасига тушган тўрт ўй ҳам ўшаники.

Петро унинг олдига келди.

— Ҳеч гап йўқми? Суриштириб кўрдингми?

— Бу ерда уларди қорасиям йўқ. Аммо, лекин, асалди кони шунда экан, оғайни. Бир кампирникида уч юз яшигини кўрдим. Кечаси, албатта биттасини синдириб дабдала қиламиз!

— Ҳай-ҳай, аҳмоқлик қилма! Тағин ўзингни дабдала қилмай!— Петро қовоғини солиб, отига қамчи босди.

Ҳаммаси жойлашди. Отларни боғладилар. Қоронғи тушди. Ўй эгалари казакларга кечки таом қўйдилар. Дарвоза олдида, ходалар устида ҳарбий казаклар билан қишлоқ казаклари тизилишиб ўтирдилар. Ундан, бундан ҳангома қилишиб, ухлагани тарқалдилар.

Эрталаб қишлоқдан чиқиб кетишди. Кумилженга етай деб қолганларида сотнянинг кетидан чопар қувиб келди. Петро пакетни очиб, хатни олди ва эгарда чайқала-чайқала қўлидаги бир варақ қоғозни, бамисоли оғир юк кўтарган одамдай кучаниб-қийналиб анчагача ўқиди. Григорий унинг олдига келди.

— Буйруқми?

— Ҳа.

— Нима гап?

— Ишлари қурсин... Сотняни топшир дейишибди. Менинг ёшимдаги ҳамма казакни чақиришибди, Казанкада Йигирма саккизинчи полк тузишмоқчимиш. Тўпчиларни ҳам, пулемётчиларни ҳам чақиришибди.

— Қолганлар қаёққа боради?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Қаёққалиги мана бунда ёзилган: «Қолганлар Арженовга, Йигирма иккинчи полк командирининг ихтиёрига етиб борсинлар. Шошилинч суратда йўлга чиқилсин». Гапини қара-я! «Шошилинч суратда» эмиш!

Латишев етиб келиб, Петронинг қўлидан буйруқни олди. У, қалин лабларини қимирлатиб, қошини чимириб, ўқий бошлади.

— Чу, де!— деб буюрди Петро.

Сотня қўзғалди, отлар секин-аста юриб кетди. Қазаклар ўгирилиб Петрога астойдил тикилишар, унинг фикрини билмоқчи бўлишарди. Кумилженга етгандан кейин Петро буйруқни ўқиб эшиттирди. Ёши катта казаклар орқага қайтиш тараддудига тушиб қолдилар. Станицада тунаб эртаси тонг отгач, икки ёққа бўлинишга қарор қилдилар. Куни бўйи укаси билан гаплашмоқ учун пайт пойлаб юрган Петро Григорий тушган уйга келди.

— Юр, майдонга чиқайлик.

Григорий индамай дарвозадан чиқди. Митька Коршунов ҳам эргашган эди, бироқ Петро совуққина тўхтатди уни:

— *Сен қол, Митька. Укам билан холи* гаплашмоқчиман.

— Хўп, м-майли.— Митька тушунгандай қилиб илжайди-да, жойида қолаверди.

Петрога кўз қирини ташлаб келаётган Григорий, акасининг аллақандай бир муҳим нарсани гапиришга чоғланганини пайқади. Шундай бўлса ҳам, пайқаганлигини сездирмаслик учун жўрттага гапни бошқа томонга бурди:

— Қизиғ-а, уйдан юз чақирим узоқлашдик, лекин бу ёқнинг одамини таниб бўлмайди. Тили ҳам бошқача, сира бизникига ўхшамайди, иморатлари ҳам бошқача, полипонларникига ўхшаб кетади. Дарвозаларини қара, ҳаммасининг усти тахта билан ёпилган, худди мезанага ўхшайди. Бизда бунақа эмас. Анавини кўр,— Григорий ёнидаги ҳашаматли уйни кўрсатди,— пойдевор атрофи ҳам тахта билан ўраб чиқилган, ёғочи чиримасин деб шундай қилинганмикин?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Қўйсанг-чи, бу гапларни...— Петро қовоғини осилтирди.— Муддаони гапирмаяпсан, ука... Тўхта, четан девор ёнига ўтиб олайлик. Одамлар қараяпти.

Майдондан келаётган хотин-халаж ва казаклар қизиқсиниб уларга тикилишарди. Белида белбоғ, эгнида кўк кўйлак ва эскирган пушти гардишли казакча фуражка кийган чол тўхтади.

— Дам оляпсизми?

— Ҳа, дам олмоқчимиз.

— Емларинг борми?

— Оз-моз бор,— деди Петро.

— Керак бўлса, меникига киринглар, бир-икки челак сули бераман.

— Имонингни берсин, бобо!

— Худо халлоқ... Бемалол киравер. Ҳув, ана менинг уйим, кўк тунука томли.

Григорий сабрсизланиб, қовоғини осилтириб:

— Хўш, нима гапинг бор?— деб сўради.

— Гапим кўп...—Петро гуноҳкор одамдек қийналиб, зўр-базўр илжайди, лабининг бир чети билан малла ранг мўйловини тишлади.— Замон ёмон, Гришатка, балки, кўришолмасмиз...

Григорийнинг қалбида акасига нисбатан онгсиз равишда уйғонган душманлик ҳисси бир хуруж қилди-ю, лекин Петронинг шу хилда ожизона кулимсираб тургани ва ёшлик чоғидаги каби «Гришатка» сўзини тилга олгани учун дарҳол сўнди. Петро укасига жавдираб термулар, ҳали ҳам, боягидек илжайиб турар эди. Ниҳоят, лабини қимирлатиб, илжайишини қўйди, афти ўзгариб, қовоғи солинди.

— Буни қара, халқни иккига ажратиб ташлади бу аблаҳлар! Худди ўртасидан омоч солиб ўтгандай — ярми у ёқда, ярми бу ёқда қолди. Турмуш эмас бу, ит кунидан баттар бир кунга қолдик, замон ҳам нозик! Одам одамни танимайди... Масалан, сен,— деб қўққисдан гап бошлади Петро,— сен туғишган укамсану, бироқ қанақалигингни сира тушунмайман! Борган сари мендан узоқлашаётганингни сезаман... Гапим рост эмасми?— деб савол бериб, жавобини ҳам ўзи айтди:— Рост! Қийноққа тушгансан, ука... Қизилларга қўшилиб кетмасанг деб хавотирман... Сен

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳали, Гришатка, ўз йўлингни топиб ололганинг йўқ.

— Сен топдингми?— деб сўради Григорий; унинг кўзлари Хопер дарёсининг нариги томонидаги ноаниқ уфқларга, бўр тоғининг орқасига ботаётган қуёшга, ловиллаб ёнган шафаққа ва лахтак-лахтак бўлиб, ўша ёқдан келаётган қора булутларга тикилган эди.

— Топдим. Мен ўз йўлимни топганман. Бу йўлдан мени ҳеч ким оздиролмайди! Мен сенга ўхшаб, Гришка, бошим оққан томонга кетавермайман.

— Ҳо?— Григорий жаҳл билан кулимсиради.

— Ҳа, шундай!..— Петро зарда билан мўйловини буради, кўзи қамашган одамдай ҳадеб кўзларини пирпиратиб аланглай бошлади.— Бўйнимдан боғлаб судрашса ҳам, мен қизилларга қўшилмайман. Казаклар қизилларга қаршими, демак, мен ҳам қаршиман. Қўпчиликнинг юзига оёқ қўймайман ва қўймоқчи ҳам эмасман! Сирасини айтганда... Уларга қўшилишимнинг ҳожати йўқ, мақсадлари менга тўғри келмайди.

— Бу гапларни қўй,— деб илтимос қилди Григорий ҳорғин овозда.

Григорий олдинроқ қўзғалди, бир-бир босиб, букчайинқираган кифтини қимирлатиб, уйи томонга юрди.

Петро дарвоза олдида қадамини секинлатиб сўради:

— Гапирсанг-чи, ахир, мен билайин... гапир, Гришка, улар томонга қочиб ўтмайсанми?

— Қайдам... Билмадим.

Григорий бўшашиброқ истар-истамас жавоб берди. Петро уҳ тортди, лекин қайта савол бермади. У ҳаяжонланган, ранги сўлган ҳолда изига қайтди. Иккисининг орасига совуқчилик тушгани, то шу дамгача бирга юрган, бирга босган йўлларига фалокат оралагани, кўнгилларини боғлаб келган ипнинг узилгани унга ҳам, Григорийга ҳам равшан бўлди. Гўёки, эчки туёқларидан тушган ён бағирдаги илон изи йўл сингари бориб-бориб, тўсатдан бурилди-ю, жар тагига етганда чўрт узилди-қолди — у ёғида чакалак бўлиб ётган бурганзор кўринади, холос, йўл йўқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

... Эртаси куни Петро сотнянинг ярмини олиб Вешенскаяга қайтди. Қолган ёш казаклар Григорийнинг командирлиги остида Арженовкага жўнадилар.

Эрталабданоқ офтоб аямай куйдира бошлади. Дашт дўзахдай ёнар, устида қўнғир сароб жимирлар эди. Хопер атрофидаги тоғларнинг бинафшасимон этаклари орқа ёқда кўкариб кўринар, заъфарон тусда товланган қумлар ётарди. Отлар терлаб-пишиб, бир меъёрда қадам ташларди. Казакларнинг юзлари бўзарган, офтоб урган эди. Эгар кўрпачалари, узангилар, юганларнинг азбаройи қизиб кетганидан қўл теккизиб бўлмасди. Ҳатто, ўрмон ҳам салқин эмас, ҳаво ниҳоятда дим, ёмғир ҳиди келар эди.

Диққатпазлик ахийри Григорийни енгди. Кун бўйи у эгарда чайқалиб, келажаги нима бўлишини ўйлаб, пойма-пой хаёлларга бориб келди; Петро айтган сўзларни тасбеҳнинг шиша мунчоғини ўгиргандай бирма-бир миясидан ўтказар, баттар юраги сиқиларди. Тахир шувоқ ҳиди лабларни ачитар, йўл эса, иссиқдан бўрсилларди. Қуёшнинг аёвсиз тиғи остида сариқ, қорамтир чўл ястаниб ётар эди. Гармсел эсиб йўлларни титар, қовжираган ўтларни силкитар, қуму, чангларни тўзитар эди.

Кечга томон қуёш юзини кўкимтир булут қоплади. Ҳаво бўзариб, айниб қолди. Ғарб томонда баҳайбат булут пайдо бўлиб, жимжимадор уфқ чизиғи устига жулдур этакларини ёйганича, ҳавода муаллақ қотиб қолди. Ниҳоят, шамол уни қўзғатди: қорамтир думи судралди, уст томони оқариб-ярқираб кетди ва шу алпозда ваҳима солиб кўкда суза бошлади.

Отряд иккинчи дафъа Кумилга дарёсини кечиб ўтди-да, қалин теракзор ичига кириб кетди. Шамолда терак барглари ўнг-терс буралиб ўйин тушар, ғоҳ яшил, ғоҳ сутдай товланиб кўзни қамаштирар, бир-бирига жўр бўлиб шилдирарди. Ранг-баранг камалак белбоғ боғлаган ялтироқ оқ булут этакларидан, Хопернинг нариги бетидаги аллақайси жойга қиялама ёмғир аралаш дўл қуйиб, ерни савалай бошлади.

Казаклар ҳувиллаб ётган кичкина бир қишлоққа қўндилар. Григорий отини боғлади, эгарини олиб қўйди-да, асалари яшиклари турган жойга борди. Уй

www.ziyouz.com kutubxonasi

эгаси соч-соқоли жингалак, кекса бир казак эди; у соқоли орасига кириб қолган арини олаётиб, Григорийга безовталаниб гапира бошлади:

— Мана бу яшикни яқинда сотиб олдим. Уйга олиб келаётганимда, негадир, ҳамма болачаси ўлиб қолибди. Кўрдингми, ўлигини ташишяпти,— чол яшик олдида тўхтаб, кичкина тахта супачани кўрсатди: арилар ўлик болачаларини судраб, тешикдан кетма-кет чиқар ва ғинғиллаганча уларни кўтариб учарди.

Хўжайин ачиниб, қизарган кўзларини сузар, пушаймон еган бўлиб, лабларини чапиллатарди. У қўлларини саланглатиб, тез-тез у ёқдан-бу ёққа юрарди. Гавдаси бесўнақайлигига қарамай, бирпас ҳам тек турмас, безовталаниб типирчилар, ҳамжиҳат бўлиб бир маромда секин-аста қимирлаётган ва ўз ишини пишиқ-пухта бажараётган сон-саноқсиз арилар маконида бу чол ортиқчадек кўринарди. Унга Григорий нафратланиб қараб турарди. Чунки, тиниб-тинчимаган мана шу кенг яғринли кекса казакнинг важоҳати беихтиёр кўнгилни ғаш қиларди; у хириллаб, тез-тез гапирарди:

— Бу йил кўп асал олдим. Исириқ қийғос гуллади, арилар шунга ёпирилишди. Яшикка ром қўйсанг — даромади кўпроқ бўларкан. Ишқилиб, тирикчилик...

Григорий қуюқ ва елимдай ёпишқоқ бол билан чой ичарди. Асалдан исириқ, ялпиз ва яна аллақандай гулларнинг ҳиди келарди. Чойни хўжайиннинг қизи — баланд бўйли, чиройли жувон қуяр эди. Куёви қизилларга қўшилиб кетганидан қўрқиб, чол ноилож меҳмондўстлик қилар, тишини тишига қўйиб жимгина ўтирарди. Қизи юпқа лабларини қисиб, киприк остидан Григорийга тез-тез қараганини чол сезмасди. Жувон қўлини чойнакка узатганда, унинг қўлтиғидаги қоп-қора жингалак жунларга Григорийнинг кўзи тушарди. У бир неча марта жувон синчков назар ташлаб, қўйнига қўл солаётгандай тусмоллаб тикилганини кўрди. Ҳатто кўзи кўзига тушганда, назарида ёш казак қизнинг юзлари қизариб кетгандай, кулгиси лабининг бурчида ўйнаб тургандай бўларди.

—Сизга меҳмонхонага жой солиб қўяман,— деди чойдан кейин жувон. У ёстиқ, шолча кўтариб Григо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рийнинг ёнидан ўтаётганда, суқтой кўзлари билан ўтдай ўртаб, рўйирост унга тикилди. Ёстиқни тўғрилаётиб, шунчаки, ўзича гапираётгандай шоша-пиша:— Мен бостирма тагида ётаман... Уй жуда дим, бурга талаб, безор қилади...— деб қўйди.

Чол хуррак ота бошлагандан кейин Григорий этигини ечди-да, бостирма тагига кетди. Олдинги ғилдираклари олиб ташланган арава устида ётган жувон унга ёнидан жой берди, барра пўстинни устига тортиб ёпди ва оёқларини Григорийга теккизиб, жим ётди. Унинг қовжираган лабларидан пиёз иси билан аллақандай ҳидлар келарди. Григорий унинг ингичка ва қорамағиз қўлларига бош қўйганича тонг оттирди. Жувон уни эркалатиб тўймас, зўрлаб бағрига тортар ва ҳазиллашиб, кулиб туриб лабларини тишларди, бўйнини, кўксини, кифтларини сўриб-ўпавериб, кўкартириб юборди, майда-майда ўткир тишларининг изини қолдирди. Хўроз уч чақиргач, Григорий меҳмонхонага кириб ётмоқчи бўлган эди, бироқ у кеткизмади.

Қора мўйлови осилиб қолган Григорий, мийиғида кулимсираб, секин-аста унинг қўйнидан чиқиб кетмоқчи бўлиб:

— Қўйвор, жоним, қўйвор, эркатойим!— деб ялиниб кўрди.

— Яна бирпас ёт... Бирпасгина!

— Кўриб қолишади ахир! Қара, тонг отай деб қолди!

— Майли, ҳечқиси йўқ!

— Дадангдан қўрқмайсанми!

— Дадам билади.

— Қанақа қилиб билади?— Григорий ҳайрон бўлиб, қошлари пириллаб кетди.

— Билади-да...

— Ана холос! Қаёқдан билади, ахир?

— Биласанми, у... ўзи кеча менга: «агар офицер қистаса индамай қўйнига киравер, йўқса, Герасимнинг касрига отларимизни олиб кетишади ё бир балога гирифтор қилишади» деган эди... Эрим Герасим қизилларга қўшилиб кетган...

— Шундай дегин!— Григорий истеҳзоли қилиб илжайди, бироқ кўнгли анча ранжиган эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Лекин унга жувоннинг ўзи тасалли берди. Унинг қўлларини ошиқона силаб туриб:

— Эримга кўнглим йўқ, у сендақа эмас...— деди титраб-қақшаб.

Григорий уйқуси қочган кўзларини оқариб келаётган осмонга тикканича:

— Хўш, қанақа?— деб қизиқсиниб сўради.

— Асти сўрама... латтадан баттар...— деди-да, Григорийга эркаланиб суйканди, унинг овозидан кўзига ёш келгани сезилиб турарди. Унга тегиб роҳат кўрмадим... Хотинга тоби йўқ...

Шабнам сувини шимиб очилган гул каби, содда кўнгил бегона одамга ёрилди-қўйди. Бу гапдан Григорий эриб кетиб, бир оз раҳми келди. Григорий тасодифан йўлиққан бу жувонга ачиниб, унинг тўзган сочларини силар, чарчаган кўзларини юмарди.

Бостирманинг қамиш томлари орасидан сўнаётган ой нури ғира-шира тушиб турарди. Бирданига юлдуз учиб, уфқ томонга шўнғиганча кетди, кул ранг осмонда йилтираб сўнаётган изи қолди. Ҳовуз томонда мода ўрдак ғағиллади, хирилдоқ овоз билан ошиқи унга жавоб қайтарди.

Ҳорғин вужуди ором олиб, аъзойи бадани енгиллашган Григорий меҳмонхонага қайтди. Жойига ётаркан, жувон лабларининг шўртанг мазаси лабида қолганлигини сезган ҳамда унинг эркалашга ўч баданини, баданидан анқиган ҳар хил бўйларни: исириқ ҳиди келиб турган асалнинг, ҳарорат аралаш чиққан тернинг ҳидларини эслаб уйқуга кетди.

Икки соатдан кейин уни казаклар уйғотишди. Прохор Зиков унинг отини эгарлаб, дарвозага олиб чиқди. Григорий уй эгасининг қовоғидан қор ёққанига, ёвдан баттар хўмрайиб тикилганига бардош бериб хайрлашди-да, уй томонга ўтиб кетаётган хўжайин қизига ҳам бош қимирлатиб «хайр» дегандай имо қилди. Жувон бошини қуйи солди, билинар-билинмас қилиб бўялган юпқа лаблари билан кулимсираб, армонда қолганлигини билдириб қўйди.

Григорий тор кўчада аланглаб борар эди. Тор кўча ҳам худди ўша ҳовлини айланиб ўтарди; Григорий кечаси тўшига тортган жувоннинг четан девор ора-

www.ziyouz.com kutubxonasi

сидан қараб, офтобда қорайган кичкина кафтини соябон қилиб тикилиб қолганини кўрди. Бехосдан юраги жизиллаб, ғамгин бурилиб қаради, жувоннинг чеҳрасини, қадди-қоматини кўз олдига келтирмоқчи бўлиб, кўп уринди, бироқ эслай олмади. Фақат оқ рўмол ўраган бошнинг секин-аста бурилаётганини кўрди, холос. Бу худди кунгабоқар бошининг қуёш юрган томонга мунтазир бўлиб ўгирилишига ўхшарди.

* * *

Михаил Кошевойни Вёшенскаядан этапма-этап ҳайдаб, фронтга жўнатишган эди. Федосеев станицасига етганда, станица атамани уни бир кун ушлаб турди-да, эртаси конвой билан яна Вёшенскаяга қайтарди.

— Нега орқага қайтаряпсиз?— деб сўради Михаил станица мирзасидан.

— Вёшкиндан шундай буйруқ олинди,— деб истар-истамас жавоб берди мирза.

Маълум бўлишича Михаилнинг онаси қишлоқ йиғинида, қариялар олдида тиз чўкиб, ялиниб-ёлвориб кўз ёши қилган, шунда кексалар оилани Михаил Кошевойдан бошқа боқадиган ҳеч ким йўқ, шунинг учун уни йилқибоқар қилиб тайинлашни сўраймиз деб арзнома ёзишган экан. Мирон Григорьевич арзномани олиб, ўзи Вёшенская атаманининг олдига борган ва уни кўндирган экан.

Станица идорасида атаман, солдатчасига қотиб турган Мишкани сўкди, сўнгра шахтидан тушиб, зарда билан:

— Большевиклар Донни мудофаа қилишига биз ишонмаймиз! Яйловга жўнайсан, йилқи боқасан, у ёғини кейин кўрамиз. Кўзингни каттароқ оч, итвачча! Онангга раҳмим келади, бўлмаса-ку... Бор!

Мишка энди конвойсиз қизиб ётган кўчаларда пиёда юриб келарди. Ўроғлиқ шинели елкасини қиярди. Юз эллик чақирим йўл босиб чарчаган оёқлари чалишиб кетар эди. У қош қорайганда зўрга қишло-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ғига етди, онанинг кўз ёши-ю, эркалашларига қонди, бироқ онасининг юзи ҳалитдан бужмайганини, сочида бир тола оқ пайдо бўлганини биринчи марта пайқади ва унинг сиймосини хотирида маҳкам сақлаб, эртаси куни яйловга жўнади.

Қаргин станицасининг жанубида, узунаси йигирма саккиз ва эни олти чақирим келадиган бўз ер — қадим замонлардан бери ҳайдовсиз ётган дахлсиз дашт бор эди. Неча минг ботмон келадиган улкан бир қўриқ станицадаги айғирларни ўтлатиш учун атайин ажратиб қўйилган ва шу сабабдан бу ер яйлов деб аталар эди. Ҳар йили Егорьев кунида[1] йилқичилар Вёшенская отхоналарида қиши билан боқувда турган айғирларни ҳайдаб, яйловга жўнашарди. Яйлов жойнинг қоқ ўртасига станица пулига ўн саккиз охурлик очиқ бостирма, унинг ёнига йилқибоқарлар ҳамда назоратчи билан ветеринар фельдшер учун ёғочдан казарма солинган эди. Вёшенская округининг казаклари қочирадиган бияларини шу ерга ҳайдаб келишарди, фельдшер билан назоратчи бияларнинг бўйи икки газдан, ёши тўртдан кам бўлмаслигини текшириб қабул қилишарди. Соғломларини ажратиб, қирқтасини бир уюр қилишарди. Ҳар бир айғир ўз уюрини даштга бошлаб, бияларни жон-жаҳди билан қўриб юрарди.

Мишка пешонасига битган якка-ю ягона бияни миниб йўлга чиқди. Онаси уни кузатаётганда, кўз ёшларини этагига суртиб тайинлади:

— Балки, бия қочиб қолар... Уни эҳтиёт қил, кўп минаверма. Яна битта от жудаям керак!

Туш пайти Мишка сой устида жимирлашган саробнинг нариги ёғидаги тунука томлик казармани, отхонанинг ёғингарчиликдан ўнгиб кетган тахта томини, ғовларни кўрди. У бияни тезроқ юргизди: дўнгга чиқилгандан кейин иморатлар ва унинг ортидан кўкаламзор аниқ кўринди. Даштнинг кун чиқиш томонида, қуюндай учиб бораётган бир уюр йилқининг қораси кўзга ташланарди, уларнинг ёнида йилқибоқар от чоптириб отларни суғоргани ҳовузга ҳайдаб борар-

---

[1] Қалдирғочлар келадиган пайт, 23 апрель. (*Тарж.*)

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди. У узоқдан қўғирчоқдек кичкина, худди ўйинчоқ от миниб кетаётгандек бўлиб кўринарди.

Мишка қўрага кириб, отдан тушди ва бияни зинапоя олдига боғлади-да, уйга кирди. Кенггина коридорда юзига сепкил тошган ўрта бўйли йилқибоқар казакка дуч келди.

Қазак Мишкага бошдан-оёқ разм солиб чиқди.

— Ким керак?— деб сўради у зарда билан.

— Назоратчига учрашмоқчи эдим.

— Струковгами? У йўқ, чиқиб кетган. Сазонов бор, ёрдамчиси, анави уйда. Чап қўлдаги иккинчи эшик... Нима ишинг тушди? Қаердан келдинг?

— Йилқи боқишга келдим.

— Дуч келган одамни юборавераркaнлар-да...

У минғиллаб, эшик томонга юрди. Елкасига ташланган арқоннинг учи ерда судралиб борарди. Эшикни очди ва Мишкага тескари туриб олиб қамчисини бир силтади-да, шахтидан тушиб, мулойим сўзлай бошлади:

— Бизда, ука, хизмат жудаям оғир. Гоҳида икки суткалаб отдан тушмаймиз.

Мишка унинг букчайган елкасини ва тарвайган эгри оёқларини томоша қиларди. Қазакнинг бесўнақай гавдасидаги ҳар бир чизиқ эшикдан тушиб турган ёруғда равшан ва бўртиб кўринарди. Унинг тўғиндай эгри оёқларини кўриб, Мишканинг кулгиси қистарди. У «қирқ йил қимирламай, бочка устида ўтирган одамга ўхшайди»,— деб ўзича илжаяр ва қўли билан эшикнинг тутқичини қидирарди.

Сазонов янги келган йилқибоқарни дабдабали суратда, мамнуният билан қабул қилди.

Сал орада барваста бир казак, Атаман полкининг вахмистри, назоратчи Афанасий Струков ҳам аллақаёқдан етиб келди. У Қошевойни ҳам овқатга қўшиб қўйиш тўғрисида буйруқ берди-да, у билан бирга офтобда ёнган пешайвонга чиқди.

— Хом отларни ўргата оласанми? Миниб кўрганмисан?

— Шу ишдан хабарим йўқ,— деб чинини айтди қўйди Мишка, лекин ўша заҳотиёқ назоратчининг иссиқдан сўлиган ҳорғин чеҳраси бирданига жонланга-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нини, юзида норозилик аломати пайдо бўлганини пайқади.

Назоратчи қийшайиб, терлаган орқасини, икки курагининг орасини қашлар, бақрайганча Мишканинг пешонасига тикиларди.

— Арқон ташлашни биласанми?

— Биламан.

— Отга юрагинг ачийдими?

— Ачийди.

— Отлар ҳам одамга ўхшаган бир махлуқ, фақат тили йўқ. Отни аягин,— деб буюрди ва ўзидан-ўзи тутоқиб бақирди.— Аяш керак, уларга озор берма!

Бирдамда юзига қон югуриб, ғайрати қўзигандай жиддий тусга кирди, лекин ўша заҳотиёқ ҳафсаласи пир бўлиб, бепарволик аломати юзида зоҳир бўлди.

— Уйланганмисан?

— Йўқ.

— Вой аҳмоқ! Уйлансанг бўларди,— деб кулди назоратчи.

У нимагадир, тараддудланиб, жимиб қолди, кўксини кериб ётган кенг далага бирпас тикилиб турди-да, эснаб уйга кириб кетди. Мишка йилқибоқар бўлиб юрган бир ойлик хизмати давомида назоратчидан шундан бошқа бир оғиз ҳам сўз эшитмади.

Яйловда ҳаммаси бўлиб эллик бешта айғир бор эди. Ҳар бир йилқибоқарга иккитадан, учтадан уюр тўғри келарди. Бахар номли ҳайбатли кекса айғир бошлаб юрган каттакон уюрни, ҳамда Баналь номли айғирга қарашли йигирматача бия тўпланган кичикроқ бир уюрни Мишкага топширдилар. Назоратчи йилқибоқарлар орасида энг чаққон ва энг довюрак ҳисобланган Илья Солдатовни қошига чақириб:

— Мана бу Татарск қишлоғидан келган янги йилқибоқар, Қошевой Михаил. Баналь билан Бахарнинг уюрларини кўрсатиб қўй, қўлига арқон бер, сенинг капангда туради. Билмаганини ўргатасан. Боринглар,— деб тайинлади.

Солдатов индамай папиросини тутатди-да, Мишкага имлади:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Кетдик.

Пешайвонда кўзи билан ишора қилиб, офтобда шалпайиб турган Мишканинг биясини кўрсатди.

— Сеникими?— деб сўради.

— Меники.

— Бўғозми?

— Йўқ.

— Бахардан қочиргин, зотли айғир, Королёв заводидан обкелганмиз, она томони инглиз зотидан тарқаган. Унақа учқир от қайда!.. Қани, мин.

Иккиси ёнма-ён боришарди. Отлар тизза бўйи ўт орасида секин-аста юрарди. Казарма билан отхона анча олисда, ортда қолиб кетди. Олдинда эса, энг нозик ва нафис ҳаво ранг пардага бурканган азим дала жимжит ётарди. Қуёш қоқ тепада интизор бўлиб, бир парча сийрак булут орқасидан мўраларди. Қизиган кўкатлардан кўтарилган муаттар ҳид ҳамма ёқни босиб кетган эди. Ўнг томонда, ғира-шира кўзга чалинган жарнинг нариги ёғида Жиров ҳовузининг суви жимирлар эди. Чор атроф, кўз илғамас жойгача чўзилган ям-яшил поёнсиз дала ва тушки жазирама иссиқда куйиб ётган кўҳна дашт устида сароб жимирлайди, уфқда эса баҳайбат булут афсонавий қўрғонга ўхшаб кўринади.

Кўкатларнинг паст томони қалинлигидан тим яшил бўлиб кўринар, учи қуёш нурида кўкимтир-сарғиш тусда товланар эди. Ҳали пишмаган попукли бўз ўт ҳурпайиб турар, зарпечак илон сингари унга чирмашиб олган эди. Ёввойи буғдой донга тўлган бошоғини азод кўтариб, қуёш томонга толпинарди. Ундабунда ерга тармашиб олган пакана бўйли қўзиқулоқ, ора-сира унга аралашиб ўсган чўл ялпизлар кўринади, қолган ҳамма ерни бўзўт босиб кетган, гоҳ бўзўт, гоҳ ранг-баранг гулга кирган: ёввойи сули, сариқ тўзғоқ, суткўкат ҳамда бошқа ўтларга кун бермайдиган зўравон чингиз беда учрайди.

Икки казак от устида жимгина боришар эди. Мишка кўпдан бери кўрмаган оромбахш манзаранинг гаштини сурарди. Даштнинг жимжитлиги, улуғворлиги уни бутунлай мафтун этган эди. Ҳамроҳи бўлса, худди ибодат маҳалида қўл қовуштирган одам сингари,

www.ziyouz.com kutubxonasi

сенкилдор қўлларини эгар қошига қўйиб, от ёлига энгашганича, бемалол ухлар эди.

Оёғи остидан пар этиб чуррак кўтарилди ва оппоқ патларини офтобда йилтиратиб жар усти билан кетди. Чамаси, Азов денгизида изғиб юрган шамол эрталабдан бошлаб жануб ёқдан секин-аста эсиб, кўкатлар қаддини бука бошлади.

Ярим соатдан кейин, Ари ҳовуз ёнида ўтлаб юрган уюрга дуч келдилар. Солдатов уйғонди, эгар устида керишиб олди-да, эринчоқлик билан:

— Пантелей Ломакиннинг уюри,— деб тушунтирди.— Ўзи қайси тўрдайкин, кўринмайди.

Мишка Дон зотли бўйдор саманга завқ билан тикилиб:

— Айғирининг оти нима?— деб сўради.

— Фразер! Жудаям асов, бадбахт! Кўз олайтиришини қара! Ана қўзғалди!

Айғир четга бурилди, биялар ёппасига унга эргашди.

Мишка ўзига белгиланган уюрни қабул қилиб олди, ашқол-дашқолини капага киргизиб қўйди. Унгача капада уч киши: Солдатов билан Ломакин ва ёлланиб ишловчи, анча ёшга борган Туроверов деган камгап бир казак турарди. Солдатов буларнинг каттаси эди. У Мишкани бажариладиган вазифалар билан бажону дил таништириб чиқди; эртаси куни ҳар қайси айғирнинг қилиғи ва феъли-ҳуйини бирма-бир сўзлаб берди, сўнгра, илжайиб туриб, шундай маслаҳат берди:

— Қоидага қараганда сен ўз биянгни миниб юришинг керак, бироқ уззукун минаверсанг, сулайтириб қўясан. Сен биянгни уюрга қўйиб юбор, бошқа бировникини эгарлаб мин, тез-тез алмаштириб тур.

Мишканинг кўз олдида у, биялардан бирини уюрдан айирди-да, отда қувиб бориб эпчиллик билан унга арқон ташлади. Унга Мишканинг эгарини урди ва қалт-қалт титраб орқа оёқларини букиб тихирлик қилаётган бияни унинг олдига етаклаб келди.

— Мин. Эгар кўрмаган бўлса керак, ўлгудай асов экан!— У ўнг қўли билан жиловни маҳкам тортиб, чап қўли билан пишқираётган биянинг тумшуғини ёпар экан, жекирди:— Минсанг-чи! Отларни аяб

www.ziyouz.com kutubxonasi

мингин. Айғирга отхонада бақиришинг мумкин: «Четга» десанг бас, бир четга сиқилиб тураверади, аммо, лекин, бу ерда ҳазиллаша кўрма! Айниқса Бахарга ҳушёр бўл, яқинига бора кўрма, абжағингни чиқаради,— деди у бир қўли билан узангини ушлаб ва бир қўли билан типирчилаб турган биянинг қора атласдай силлиқ ва тўлиқ елинини силаб.

III

Кун бўйи отдан тушмаса ҳам, бир ҳафта ичида Мишка яхшигина дам олди. Дашт уни мафтун қилди, бу ерда у ибтидоий одамлар сингари кун кечиришга, дуч келган нарса билан қорнини тўйғазишга мажбур бўлди. Уюр нарироқда ўтлаб юрар, Мишка эса ё эгарда мудрар, ё бўлмаса кўкаламзорга ағнаб, осмонда шамол ўтлатиб юргандай кўринган оппоқ барра булутлар уюрини лоқайд томоша қиларди. Дастлабки кунлари бу хилдаги ёлғизлик унга хуш келган, эл кўзидан йироқда, яйловда яшашлик унга жуда ёққан эди. Бироқ ҳафтанинг охирига келиб, янги шароит билан яхшигина танишиб олгандан кейин кўнглида аллақандай ноаниқ ваҳим пайдо бўлди. Унинг кўзи очила бошлади: «У ёқда мен тенги одамлар ўзининг ва ўзгаларнинг тақдирини ҳал қилишяпти-ю, мен бўлсам бу ерда бия боқиб юрибман. Бу нима деган гап? Тезроқ кетиш керак, йўқса расво бўламан»,— деб ўйларди у. Бироқ кўнглида: «Ўша ёқда урушаверсинлар, у ёқда ҳар қадамда ўлим хавфи, бу ёқда ажойиб осмон, кўкаламзор дашт — жоннинг роҳати. У ер адоватнинг кони, бу ер тинчлик макони. Бошқалар билан нима ишим бор?..» — деган фикр ҳам йўқ эмасди. Мишканинг хаёлига ҳар хил фикр келиб, уни безовта қила бошлади. Шунинг учун у ёлғиз туролмайдиган, ҳадеб одамлар ёнига боргиси келадиган бўлиб қолди; дастлабки кунларга қараганда у ҳозир, Дударев ҳовузи атрофида уюрини ўтлатиб юрган Солдатов билан тез-тез учрашишни, унинг билан ошна бўлишни кўпроқ истар эди.

Солдатов бўлса, афтидан, ёлғизлик нималигини билмасди. У капада камдан-кам ётар, кўпинча уюр-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг бошида ёки ҳовуз бўйида ётиб қолаверарди. У бўри сингари яшарди, ўз овқатини ўзи топиб ерди, бу соҳада шу қадар уддабурон эдики, умр бўйи шу касб-кор билан шуғулланган бўлса керак, деб гумон қилиш мумкин эди. Бир куни Мишка Солдатовнинг қилдан тўр тўқиётганини кўриб қолди. Қизиқсиниб, савол берди:

— Нима тутмоқчисан?

— Балиқ.

— Қаерда бор?

— Ҳовузда. Товонбалиқ.

— Чуволчанг билан тутасанми?

— Нонми, қуртми, бўлаверади.

— Пиширасанми?

Солдатов:

— Офтобда қуритиб, ейвераман,— деб чалворининг чўнтагидан бир дона қоқ балиқ олди-да, самимият билан:— Ма!— деб Мишкага узатди.

Бир куни Мишка уюр орқасидан бораётиб, тузоққа илинган базғалдоқнинг устидан чиқиб қолди. Ўша ерга усталик билан қотирилган базғалдоқ жасади қўйилган эди, тузоқлар қозиққа боғланиб ўт орасига яхшилаб яширилган эди. Ўша куни кечқурун Солдатов базғалдоқни қўрга кўмиб пиширди. Мишкани ҳам кечки овқатга таклиф этди. Хушбўй этни тўғраётиб илтимос қилди:

— Минбаъд тузоққа қўл теккизма, бутун овимни расво қиласан.

— Бу ерга қандай келиб қолгансан?— деб сўради Мишка.

— Бутун бошли бир оилани мен боқишим керак.

Солдатов жим бўлди ва бирданига:

— Менга қара, одамлар сени қизил бўлган дейишади, ростми шу?— деб сўради.

Бундай саволни кутмаган Кошевой хижолат бўлди.

— Йўқ... Ҳм, нима десамикин... Ҳа, мен уларга қўшилган эдим... Кейин тутиб олишди.

— Нега қўшилгансан? Нима қидирдинг?— деб кўзларини ўқрайтириб савол берди Солдатов ва секин-секин кавшана бошлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Иккиси тунда жар тепасидаги дўнгда, гулхан ёнида ўтирар эдилар. Тезак бурқсаб, кул тагида чўғ ялтюлт этарди. Сўлган шувоқ ҳиди димоқларига урилларди. Қорамтир осмон қўйнида юлдузлар учарди. Учган юлдуз кетидан пахмоқ йўл тушиб, анчагача йилтираб турар, бу чизиқ худди отга қамчи босганда сағрисида қолган изга ўхшарди.

Мишка ҳадиксираб, Солдатовнинг гулхан шуъласи тушиб яллиғлаб турган юзларига тикилди-да, жавоб берди:

— Мен ҳақиқат қидириб борган эдим.

— Ким учун?— сапчиб тушди Солдатов.

— Халқ учун.

— У қандай ҳақиқат экан? Гапириб бер-чи.

Солдатовнинг овози ўзгариб, тилёғламалик қилаётгани сезила бошлади. Мишка бир лаҳза тараддудланиб қолди: «Солдатов ҳадигини яшириш ва юзини кўрсатмаслик учун жўрттага оловга тезак қалаяпти»,— деган хаёлга ҳам борди. Лекин гапиравершга қарор қилди:

— Ҳамма тенг ҳуқуққа эга бўлиши керак, билдингми! Анави пан, манави хизматкор деган айирмачилик бўлмаслиги лозим. Тушундингми? Бу ишга барҳам берилади ҳали.

— Қадетлар енголмайди деб ўйлайсанми?

— Енголмайди.

— Демак, ҳали шунақа ниятларим бор дегин...— Солдатов нафасини ростлаб, шартта ўрнидан турди.— Сен, итдан тарқаган, ҳали казакларни жуҳудларга қул қилиб бермоқчимисан?!— деб бақирди тутоқишиб.— Сен... Сенинг тумшуғингга тушириш керак, ҳамманг ҳам шунақасан, пайимизни қирқмоқчисан?! Ҳо-о, шундайми ҳали?.. Бутун даштни жуҳутлар фабрикаси босиб кетсинми? Ерларимизни тортиб олишса, ҳаммамизни кўчиришса ҳам майлими?

Мишка ҳайрон қолиб, секин-аста ўрнидан турди. Назарида, Солдатов урмоққа чоғланаётгандай бўлиб кўринди. Дарҳол ўзини четга олди, Солдатов қўрқиб тисланяпти деб ўйлаб мушт солди. Бироқ, Мишка унинг қўлидан тутиб қолди; билагини маҳкам сиқиб, дўқ аралаш насиҳат қилди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Сен бунақа қилиғингни қўй, амаки, худди абжағингни чиқариб қўяман-а! Нега ғовғо кўтарасан?

Иккиси қоронғида бетма-бет турарди. Гулхан оёқлар остида топталиб сўнди, фақат думалаб чеккага чиқиб қолган ёлғиз таппининг бир чети қизариб тутар эди. Солдатов чап қўли билан Мишканинг ёқасидан чангаллаб бўғар, турткилаб ўнг қўлини бўшатмоқчи бўлиб уринарди.

Мишка бақувват бўйнини буриб:

— Ёқани ушлама!— деб хирилларди.— Ёқани қўйвор, деяпман сенга! Солвораман, худди?..

— Йў-ў-ўқ, ўзингни... солвораман... шошмай тур ҳали!— деб ҳаллосларди Солдатов.

Мишка бир амаллаб унинг қўлидан бўшалиб олди-да, кучининг борича Солдатовни итариб юборди, уни ургиси, йиқитиб олиб, қўлининг қичиғи қонгунча дўппослагиси келиб турганига қарамай, қалтираб, кўйлагини тузата бошлади.

Солдатов унинг яқинига боролмасди. Тишларини ғижирлатиб, ҳақорат аралаш бақирар эди:

— Сирингни ошкор қиламан!.. Ҳозир назоратчига бориб айтаман! Шармандангни чиқараман!.. Газанда! Бадбахт!.. Большевик!.. Подтелковга ўхшатиб, сениям осиш керак! Дорга осиш керак! Бўйнингга чилвир солиш керак!

«Бориб айтади... Ёлғон-яшиқдан тоймайди бу... Турмага қамашади энди... Ўла қолса ҳам фронтга юборишмайди — демак, қизиллар олдига қочишнинг ҳам иложи йўқ. Расво бўлдим!» деган хаёллар ичида Мишканинг аъзойи бадани увушиб кетди, бу мушкул аҳволдан қандай қилиб қутулсам экан деб, ақли шошиб, гангиб қолди. «Ўлдириш керак! Хиппа бўғаман-қўяман... Бошқа илож йўқ...» Тўсатдан мияга келган бу қарорга у энди тамоман бўйсуниб: «Ўзи мени урмоқчи бўлиб ёпишди... Қўлим ҳалқумига тушиб қолган экан... Қизиқ устида, бехосдан... Фалокат-да...»— деб қутуламан деган важ ҳам топиб қўйган эди.

Мишка қалтираб, Солдатов томонга юрди, лекин у ҳалиям бақириб сўкинарди, агарда у шу маҳал қочганда қон тўкилиши муқаррар эди. Мишка ту-

www.ziyouz.com kutubxonasi

риб-туриб бўшашиб қолди, оёқлари қалтирай бошлади, орқасидан, қўлтиқларидан муздай тер чиқди.

— Шошмасанг-чи, ахир... Гапга қулоқ сол аввал, Солдатов, сабр қил. Ғалва қилмасанг-чи. Ахир елдин ўзинг бошладинг-ку...

Мишка обрўсини ерга уриб ялиниб-ёлвора бошлади. Унинг жағлари титрар, кўзлари ола-кула бўлиб кетган эди.

— Дўст бўлгандан кейин орада ҳар хил гап ўтадида... Сенга қўлимни ҳам теккизганим йўқ... Сен бўлсанг ёқага ёпишасан... Мен сенга бирон қалтис гап айтдимми? Исбот қилишни ҳам ўйлагин-да, ахир... Агар сени хафа қилган бўлсам, кечиргин... Худо ҳақи, кечир! Бўлдими?

Солдатов ҳовуридан тушди, сал бўшашди ва ниҳоят овози ўчди. Бирпасдан кейин у юзини ўгириб, қўлини Кошевойнинг муздай терлаган қўлидан суғуриб олди-да:

— Дарров думингни ликиллатибсан-а, газанда!— деди,— ҳа, майли, айтмайман. Нодонсан, шунга раҳмим келади, холос... Минбаъд кўзимга кўринма, дийдорингни кўришга тобим қолмади! Аблаҳ экансан! Жуҳудларга сотилибсан, мен пулга сотиладиган одам билан нони қатиқ емайман.

Мишка хокисор бўлиб ночор жилмаярди, лекин Солдатов қоронгида унинг юзини, борган сари тўлишаётган зилдай муштларини кўрмасди.

Иккиси чурқ этмай тарқалди. Кошевой ўз уюрини ахтарар, отини аямай қамчилаб, шамолдай учирарди. Шарқ томонда ялт-юлт чақмоқ чақар, устма-уст момақалдироқ гулдурарди.

Ўша кечаси яйлов устини қоп-қора булут босди. Ярим кечага борганда қутурган шамол пишқириб, ҳуштак чалиб, тўс-тўполон билан бостириб келди, унинг кетидан муздай шабада эсиб, осмон баравар чангу тўзон кўтарилди.

Ҳаво димиқиб, роса айниди. Ўркач-ўркач қора-қура булутлар бағрини чақмоқ ёндамасига тилимлар, жимлик чўкиб, ниҳоят, жуда олисларда гулдураган момақалдироқнинг овози келарди. Дона-дона қилиб сепалаган ёмғир томчиси ўтларнинг қаддини бука бошла-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди. Иккинчи марта чақмоқ чақиб, чор атрофга гир айлана шуъла сочганда Қошевой, ер билан осмон ўртасида муаллақ тўхтаб қолган, четлари қоп-қора, ваҳимали қўнғир булутни ва унинг остида ястаниб ётган ерда ғуж бўлиб турган митти отларни кўрди. Оламга даҳшат солиб момақалдироқ қарсиллади, чақмоқ шиддат билан ерга шўнғиди. Момақалдироқ яна бир қарсиллагандан кейин булутлар кўксини чок этиб, жала қуя бошлади, даштни шатир-шутур босиб кетди, Қошевой бошидаги ивиган фуражкани қуюн учириб юбориб, ўзини эгар қошига қапиштириб қўйди. Бир лаҳза сукунатдан кейин осмон-фалакда яна чақмоқ ялтираб, зим-зиё қоронғиликни ёритди, кейин яна ҳамма ёқни баттарроқ зулмат босди. Шундан кейинги момақалдироқ шу қадар кучли қарсиллади-ки, Қошевойнинг остидаги от чўккалаб қолди, сўнгра, ўзини ўнглаб олиб, осмонга сапчиди. Уюрдаги йилқилар тапир-тупур қилиб, типирчилаб қолишди. Қошевой кучи борича жиловни тортди ва уюрни тинчитмоқчи бўлиб:

— Так-эй!.. Дррр!..— деб бақирди.

Чақмоқ ярқ этиб булутлар сиртини иланг-биланг қилиб ёритганда Қошевой, бутун уюр ўзига томон бостириб келаётганини кўриб қолди. Отлар ялтиллаган тумшуқларини ер бағирлатиб, қутуриб чопарди. Бурун катаклари кенгайиб, пишқириб нафас олар, тақасиз туёқлари нам тупроқда тап-тап қиларди. Энг олдинда қуюндай учиб Бахарь келмоқда эди. Қошевой отини шартта четга бурди-ю, аранг жон сақлаб қолди. Отлар унинг ёнидан ўтиб, нарироққа бориб таққа тўхтади. Момақалдироқдан ҳуркиб, зўрга турган уюр Қошевойнинг бақирганидан баттар қутуриб, овоз келган томонга жон-жаҳди билан югурганда Мишка буни тушунмай, яна қаттиқроқ қичқирди:

— Тўхта! Так-так!

Бу сафар Миша, зим-зиё зулмат ичида боягидан ҳам баттар устига балодай ёпирилиб келаётган олатасир туёқлар товушини эшитди. Жон ҳолатда биянинг икки кўзи орасига қамчи босиб, «чу-чу»лади-ю, бироқ четга ўтиб олишга улгурмади. Аллақандай ҳовлиққан от биянинг қоқ сағрисига кўкраги билан келиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

урилганда, Қошевой эгардан чалпакдай учиб тушди. Ҳайтовур, унга ҳеч нима қилмади: уюрнинг асосий қисми ўнгроқдан ўтганлиги учун, у омон қолди, фақат аллақандай бир бия ўнг қўлини салгина босиб, лойга ботириб кетгани бўлмаса, бошқа ҳеч нарса рўй бергани йўқ. Мишка ўрнидан турди ва шарпа чиқармаслик учун, оҳиста-оҳиста юриб бир четга чиқди. У энди уюр шу ерда кутиб турганини, овозини чиқарса, яна қутуриб жон-жаҳди билан унга ташланишини билар, ҳамда Бахарнинг ўзига хос, ўзига мос овоз билан пишқиришини аниқ эшитар эди.

Қошевой тонготар маҳалда капага қайтиб келди.

IV

15 майда Дон музофоти Умум лашкарининг атамани Краснов оқсоқоллар совети раиси, хорижий ишлар бўлимининг бошлиғи генерал-майор Африкан Богаевский, Дон армиясининг генерал-квартирмейстери полковник Кислов ҳамда кубанлик атаман Филимоновлар билан бирга пароходда Манич станицасига келди.

Дон ва Кубань ерларининг хўжайинлари палубадан кеманинг пристанга келиб тўхташини, матросларнинг чоп-чопини, зинапоя атрофидаги лойқа тўлқинни зеркансимон томоша қилишарди. Ниҳоят, кемадан тушиб қирғоққа чиқишди, пристанга тўпланган оломон уларга кўз тикиб қараб қолди.

Еру кўк, уфқ — ҳамма ёқ кўкимтир тусга кирган. Ҳатто Дон ҳам бу гал кўкимтир бўлиб кўринар, оппоқ булутлар тип-тиниқ сувда, ойнада акс этгандай акс этарди.

Ловиллаган офтоб, қақраган шўртупроқ ва моғорлаган бултурги пичан ҳидини шамол учириб юборди. Оломон орасида пичир-пичир гап. Маҳаллий ҳукумат томонидан кутиб олинган генераллар майдон сари жўнадилар.

Бир соатдан кейин станица атаманининг уйида Дон музофот ҳукумати ҳамда кўнгилли армия вакилларининг мажлиси бошланди. Кўнгилли армиядан генерал Деникин билан генерал Алексеев ҳамда

www.ziyouz.com kutubxonasi

унинг штаб бошлиғи генерал Романовский, полковник Ряснянский ва полковник Эвальд ҳам келган эдилар.

Мажлис жуда совуқ ўтди. Краснов нуқул обрў сақлашга интиларди. Алексеев мажлис аҳли билан кўришиб чиққач, стол қошига бориб ўтирди; оппоқ кафтларини салқиган бетларига тираб олди-да, бемалол кўзларини юмди. Автомобилда йўл юриб, шалоғи чиққан эди. Қарилик ва бошига тушган ташвишлар уни адойи тамом қилганга ўхшарди. Қақраган оғзининг икки чети бужмайиб, лаб-даҳани осилиб тушган, томир босиб кетган каваклари шишинқираган ва салқиган эди. Бирталай майда ажин икки чаккасини елпиғич сингари қоплаганди. Буришган бетига маҳкам тиралган панжаларининг учи сарғайган калта сочининг орасига кириб турарди. Полковник Ряснянский стол устига авайлаб карта ёя бошлади, Кислов унга ёрдамлашди. Романовский стол ёнида картанинг четини жимжилоғи билан босиб турди. Богаевский пастак деразага суяниб олди-да, ичи ачишиб, Алексеевнинг бениҳоя ҳорғин юзига тикила бошлади Унинг афти гипсдан ясалган маскага ўхшарди. «Қариб кетибди-я! Жудаям қарибди шўрлик!»— деб Богаевский хаёл сурар, ёшланган бодом кўзларини Алексеевдан узолмасди. Аҳли мажлиснинг стол атрофига жойлашиб ўтириб олишини ҳам кутмай, Деникин Красновга қарата ҳовлиқиб, ачитиб гапира кетди:

— Мажлисни очишдан олдин мен сизга қуйидагиларни маълум қилишим керак: Батайск шаҳрини ишғол этиш тўғрисида берган диспозициянгизда сиз, ўнг томондаги колоннада немис батальони ва тўплари қатнашади деб кўрсатгансиз; бу нарса бизни ғоятда таажжублантиради. Очиғини айтсам, улар билан бу хилда ҳамкорлик қилиш меним учун ниҳоятда ғалати туюлди... Менга шуни гапириб беришингизни илтимос қилардим: ватан душманлари — энг хоин душманлар билан сиз нима мақсадда алоқа боғлаганингизни, улардан нечук ёрдам олганингизни билсам мумкинми? Ҳар ҳолда сиз, иттифоқчилар бизга ёрдам беришга тайёр эканини яхши биларсиз? Кўнгилли армия немислар билан ҳамкорлик қилиш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни Россияни қайтадан тиклаш мақсадига хиёнат қилиш деб ҳисоблайди. Дон ҳукуматининг хатти-ҳаракатларига кенг иттифоқчи доиралар ҳам шундай баҳо бермоқдалар. Изоҳ беришингизни илтимос қиламан.

Деникин жаҳл билан қошларини чимириб, жавоб кутарди.

Краснов фақат ўзини тута билиши ва аристократча феъл-атвори туфайлигина сир бой бермай, хотиржам ўтирарди, бироқ барибир ғазаби юзига тепди: асаби қўзиганидан қоп-қора мўйлов остлари пир-пир учиб, оғзи қийшая бошлади. У зўр эҳтиром билан, қизишмасдан жавоб берарди:

— Тамомий ишимизнинг тақдири ҳал бўлаётган бир пайтда, собиқ душманлар ёрдами ҳам асқотади. Сўнгра, умуман айтганда Дон ҳукумати ҳеч кимга қарам эмас, яъни беш миллион суверен халқ устидан турган ҳукуматнинг ихтиёри ўзида, унинг зиммасига казакларни ҳимоя қилиш вазифаси юкланган, шунинг учун казаклар манфаатига муносиб, ўз билгича ҳаракат этишга ҳақи бор.

Гап шу ерга етганда Алексеев кўзини очди, афтидан, астойдил зеҳн қўйиб эшитмоқчи бўлди. Краснов, асаби қўзиб шопдай мўйловини бураётган Богаевскийга кўз ташлаб олди-да, сўзида давом этди:

— Сизнинг мулоҳазаларингизда, жаноб олийлари, масаланинг этика томонларига кўпроқ эътибор берилмоқда. Бизнинг шаънимизга қарата сиз айтган нозик ибораларга қараганда, гўёки биз Россияга ҳам, иттифоқчиларга ҳам хиёнат қилаётган бўлиб чиқаётирмиз... Лекин менинг билишимча, кўнгилли армия биздан олган тўп ўқлари аслида немислардан сотиб олинганлиги жанобларига маълум бўлса керак.

— Илтимос қиламан, мутлақо алоқаси йўқ бир масалани ҳозирги ишга аралаштирманг! Немислардан қайси йўл билан ўқ-дори олишингизнинг менга ҳеч қандай алоқаси йўқ, бироқ, уларнинг аскарига суяниб иш қилишлик!..— Деникин аччиғланиб кифтини қисди.

Краснов нутқини тамомлаётиб, Деникинга қатъиян билдириб қўйиш мақсадида, у энди австро-германия фронтида Деникин кўрган қадимги бригада гене-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рали эмаслигини гап орасида усталик билан қистириб кетди.

Краснов нутқидан кейин орага тушган ноқулай жимликка Деникин хотима бериб, устомонлик билан Қўнгилли ва Дон армияларини бирлаштириш ҳамда бирлашган қўмондонлик жорий қилиш масаласига гапни буриб юборди. Бироқ орада ўтган ҳалиги қаттиқ-қурум гаплар кўпдан бери кескинлашиб келаётган муносабатларнинг янада кескинланишига сабабчи бўлди, кейинчалик Краснов ҳукумат тепасидан кетар олдида ораларидаги алоқа бутунлай узилди.

Краснов айёрлик қилиб, тўғри жавоб бериш ўрнига, Царицинга биргаликда ҳужум бошлашни таклиф этди, бунинг билан аввало, энг катта стратегик марказ эгалланишини ва иккинчидан, уни қўлга олинса, урал казаклари билан бирикиш мумкин бўлишини айтди.

Бундан кейинги суҳбат шу йўсинда давом этди:

— ...Царициннинг аҳамияти биз учун нақадар катта эканлигини сизга гапириб ўтирмасам ҳам бўлади.

— Қўнгилли армия немислар билан учрашиши мумкин. Мен Царицинга бормайман. Аввало мен кубанликларни озод этишим лозим.

— Тўғри, лекин қандай бўлмасин, Царицинни қўлга киритиш энг муҳим вазифадир. Дон Умумлашкар ҳукумати сиз жаноби олийларидан шу тўғрида илтимос қилишликни менга топширган эди.

— Такрор айтаман: кубанликларни ташлаб кетишим сира мумкин эмас.

— Фақат Царицинга ҳужум бошлашга розн бўлингандагина бирлашган қўмондонлик тўғрисида гаплашмоғимиз мумкин.

Алексеев бунга рози бўлолмай, тамшаниб олди.

— Мумкин бўлмаган нарса! Кубанликлар ўз вилоятидан ташқари чиқмайди, ҳали Кубань большевиклардан батамом тозаланганн йўқ. Қўнгилли армияда икки ярим минг аскар бор, холос, шуниям учдан бир қисми сафга яроқсиз — ярадор ва касаллардан иборат.

Оддийгина тушки таом тепасида ҳаммасининг ҳафсаласи совуб, бир-бирига бўлар-бўлмас гап отишарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Хуллас, битимга келиш мумкин эмаслиги очиқ-ойдин маълум бўлган эди. Полковник Ряснянский аллақандай бир марковликнинг ярми латифага, ярми чинга ўхшаган кулгили саргузаштини сўзлаб берди, тушлик овқатга қизиқ ҳикоя қўшилиб, иккисининг таъсири орқасида орадаги жиддият секин-аста йўқолди. Бироқ овқатдан кейин, ҳамма ўз ҳолига меҳмонхонага тарқалиб, папирос чека бошлаганда, Деникин Романовскийнинг елкасига туртди ва кўз қисиб Красновни кўрсатиб:

— Вилоят миқёсидаги Наполеон... Бемаъни одам экан,— деб шивирлади.

Романовский кулимсираб, дарҳол жавоб қилди:

— Кенасликни қўмсаб қобди... Шўрлик бригада генерали подшолик кайфини сурмоқчи. Менимча, ҳазил-ҳузул гаплардан чиқиб қолганга ўхшайди...

Ҳар икки томоннинг бир-бирига адовати ва душманлиги ортиб шу аҳволда тарқалдилар. Шу кундан эътиборан Кўнгилли армия билан Дон ҳукумати орасидаги муносабат кескин тус олди, сўнгра, Красновнинг Германия императори Вильгельмга ёзган хатининг мазмуни Кўнгилли армия қўмондонлигига маълум бўлгач, оралари бутунлай бузилди. Новочеркасскда ётган ярадор кўнгилли аскарлар Красновнинг автоном бўлишга интилишини ҳамда казаклар турмушини қадимги изига солишга ожиз эканини сўзлаб мазах қилишар, уни ерга уриш учун «хузяин» деб аташарди, бунинг устига, Дон Умумлашкарига «умуммасхара» деган лақаб тўқишган эди. Бунга жавобан донлик автономпарастлар уларни «Сайёра созандалар», «юрти йўқ ҳокимлар» деб масхара қилишарди. Кўнгилли армия «улуғларидан» аллақайсиси Дон ҳукумати шаънига: «Немислар қўйнига кириб кун кечираётган фоҳиша» деган хунук гап қилибди. Генерал Денисов бунга дарҳол: «Дон ҳукумати фоҳиша бўлса, Кўнгилли армия фоҳишанинг маблағига яшайдиган лўтти» деб жавоб қайтарибди.

Бу жавобда, Германияда Дон ҳукумати учун юборилган ўқ-дорининг бир қисми Кўнгилли армияга берилаётганига шама қилинган эди.

Ростов билан Новочеркасск Кўнгилли армиянинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

суянган шаҳарлари бўлиб, ғуж-ғуж офицерга тўлган. Минг-минг офицерлар чайқовчилик қилишар, сон-саноқсиз ҳарбий идораларда хизмат этишар, қавми-қариндош ва таниш-билишларникида кун кўришар, сохта ҳужжат билан ярадорлар қатори госпиталларда ётишарди... Юрагида ўти бор мардлар жангда ҳалок бўлмоқда, тиф билан оғриб қирилмоқда, жароҳати тузалмай ўлмоқда эдилар, қолганлари бўлса революция йиллари давомида виждону, номусини йўқотиб, жўшқин дарё бетидаги гўнг сингари, ахлат каби сузиб юришарди. Булар унчалик иш кўрмаган, боқувдан эндигина чиққан офицер кадрлар эди, бир вақтлар Россияни мудофаа қилишга даъват этиб Чернецов койиган, шармандасини чиқарган офицерлар худди шулар эди. Буларнинг аксарияти «фикр юритувчи зиёлилар» деб аталган тоифанинг айниган энг ёмон хили — ҳарбий мундир кийиб олганлар бўлиб, большевиклардан қочиб, оқларга қўшилолмай бир нав кун кечиришар, Россиянинг тақдири тўғрисида ўзаро баҳслашар, бола-чақанинг ғамини ейишар ва урушнинг тамом бўлишини интизорлик билан кутишарди.

Улар учун мамлакатни ким идора қилса барибир — Красновми, немисми, большевикми, ишқилиб, уруш тугаса бўлгани.

Аммо, кундан-кунга ваҳимали ҳодисалар юз бермоқда эди. Сибирда — чехословаклар қўзғолон кўтарган, Украинада — Махно кучга кириб немисларга қарши уруш бошлаган эди. Кавказ, Мурманск, Архангельск... Бутун Россия олов исканжасида... Бутун Россия улуғ ўзгаришлар тўлғоғида...

Июнь ойида чехословаклар немис аскарларига қарши ҳужум бошлаш учун Волга бўйлаб Шарқий фронт тузиш мақсадида Саратов, Царицин ва Астрахань шаҳарларини ишғол этармиш, деган миш-миш гап шамол сингари Донга дув тарқалди. Қўнгилли армияга қўшилмоқчи бўлиб, Россиядан келаётган офицерларни Украинадаги немислар осонликча ўтказмай қўйдилар.

«Шарқий фронт» тузилибди, деган овозалардан ваҳимага тушган немис қўмондонлиги ўз вакилларини Донга юборди. 10 июнь куни Новочеркасскка гер-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ман армиясининг майорлари — фон Қокенхаузен, фон Стефани ва фон Шлейниц келишди.

Ўша куниёқ атаман Краснов генерал Богаевский иштирокида, уларни саройда қабул қилди.

Большевиклар билан курашда ва музофот чегарасини қайтадан тиклаш масаласида немис қўмондонлиги Дон Умумлашкарига ҳар жиҳатдан ёрдам берганини, ҳаттоки қурол кучи билан аралашганини майор Қокенхаузен эслатиб ўтди-да: «Агар чехословаклар немисларга қарши уруш бошласа, Дон ҳукумати нима қилмоқчи?» деган савол берди. Краснов, казаклар бетарафликка қаттиқ риоя қилишини, ўз ерларини мутлақо уруш майдонига айлантиришга йўл қўймаслигини айтиб уни иионтирди. Майор фон Стефани: «Атаманнинг бу жавоби қоғозда ўз ифодасини топса яхши бўларди», деган хоҳиш билдирди.

Шунинг билан қабул маросими тугади, эртаси куни Краснов Германия императорига қуйидаги хатни ёзди:

«Жаноби император ва қирол ҳазрат олийлари! Менким, Дон атаманидирман, ушбу мактубни топширгувчи шахсни, яъни, Дон Умумлашкар қароргоҳининг император ҳазрат олийлари қасридаги элчисини ҳамда унинг ҳамроҳларини, улуғ Германиянинг энг қудратли подшоси сиз жаноби император ҳазрат олийларини табрик этмоққа ҳамда қуйидагиларни сизга билдирмоқ-қа ўз томонимдан вакил этдим:

Шавкатли Дон казаклари икки ойдан бери ўз ватанининг озодлиги йўлида шу қадар мардонавор жанг қилмоқдаларки, худди герман халқига қон-қариндош бўлган бурларнинг яқиндагина инглизларга қарши олиб борган кураши сингари, бу курашда биз мамлакатимизнинг ҳамма фронтларида ҳам тўла ғалаба қозондик ва ҳозир Дон Умумлашкар ҳукуматига қарашли ерларининг ўндан тўққиз қисмини ваҳший қизил гвардиячилардан озод этдик. Мамлакат ичида давлат тартиби мустаҳкамланди ҳамда тўла равишда қонуният ўрнатилди. Сиз, император ҳазрат олийларининг аскарлари томонидан бизга кўрсатилган дўстона ёрдамлари туфайли музофотимизнинг жанубий чегарасида тинчлик ва осойишталик барпо қилинди, ҳозир мен мамлакат ичкарисида тартиб сақлаш ва душманларнинг сиртдан бўладиган ҳужумига қарши қўйиш мақсадида бир корпус казакларни тайёрлаб қўйдим. Ёш давлатнинг ёлғиз ўзи яшай олиши жуда қийин, шунинг учун ҳали ёш бўлган Дон Умумлашкар ҳукумати Астрахон ва Кубань қўшинларининг бошлиқлари — полковник князь Тундутов ҳамда полковник Филимонов билан мустаҳкам иттифоқ туздики, Астрахон ерлари ва Кубань вилояти большевиклардан тозалангандан кейин, федерация асосида мус-

www.ziyouz.com kutubxonasi

таҳкам бир давлат тузиш кўзда тутилади, бу федерацияга Дон Умумлашкари, Астрахон қўшини билан Ставрополь қалмоқлари, Кубань қўшини ҳамда Шимолий Кавказ халқлари киради. Мазкур ҳукуматлар бу ҳақда розилик билдирдилар; шундай қилиб, янгидан ташкил этиладиган давлат, Дон Умумлашкари билан бир фикрга келиб, ўз ерларининг қонли тўқнишлар майдонига айланиши учун йўл қўймасликни ҳамда бетарафлик сиёсатига қаттиқ риоя қилишни ўз зиммасига олди. Жаноби император ҳазрат олийларининг ҳузурларидаги бизнинг элчимизга қуйидаги масалалар юзасидан мен томондан ваколат берилгандир:

Дон Умумлашкари мустақил яшамоқликка ҳақли эканини, сўнгра Кубань, Астрахон, Терек қўшинларига ва Шимолий Кавказга қарашли ерлар ҳам озод этилиши билан — ўз ҳолига яшаш ҳамда Дон-Кавказ иттифоқи номи остида федерация тузиш ҳуқуқини инобатга олмоғингизни сиз, император ҳазрат олийлардан илтимос этишлик.

Сиз, император ҳазрат олийларидан Дон Умумлашкарига қарашли ерлар чегарасини қадимги географик ва этнографик миқёсда танишга рози бўлишни илтимос қилиш билан бирга, Украина билан Дон ўртасидаги низоли Таганрог масаласини Дон лашкари фойдасига ҳал этишда ёрдам қилишингизни сўраймиз, чунки Таганрог округи 500 йилдан буён Дон қўл остида бўлиб, биз уни Тмутараканнинг бир қисми деб ҳисоблаймиз, Дон лашкари эса аслида шу Тмутараканда вужудга келгандир.

Стратегик мулоҳазаларга кўра, Саратов губерниясининг Қамишин ва Царицин шаҳарларини, Воронеж шаҳри билан Лиски ва Поворино станцияларини Донга қўшиш масаласида ёрдамлашишни ҳамда қароргоҳимизда сақланган картага мувофиқ, Дон ерларининг чегарасини белгилаб беришни сиз, ҳазрат олийларидан сўрашлик.

Сиз, ҳазрат олийлардан Москвадаги Совет ҳукуматига тазйиқ қилишингизни, уни Дон ерларидаги ҳамда келгусида Дон-Кавказ иттифоқига кирадиган бошқа ўлкалардаги Қизил Армия талончи отрядларини олиб чиқиб кетиш тўғрисида буйруқ беришга мажбур этишингизни сўрагайки, шундагина Москва билан Дон ўртасида мўътадил, тинч алоқа ўрнатиш имконияти туғилади. Большевиклар босқинчилиги натижасида Дон аҳолиси ҳамда унинг савдо ва саноати кўрган ҳамма зарарларни Совет Россияси тўламоғи лозим.

Бизнинг ҳали ёш ҳукуматимизга замбарак, милтиқ, ўқ-дори ва инженерлик анжомларидан ёрдам қилиниши ва агар сиз маъқул топсангиз, Дон Лашкарига қарашли ерларда замбарак ва милтиқ заводлари, тўп ўқи ва милтиқ ўқи ясайдиган заводлар қуришни сиз, император ҳазрат олийларидан сўрашлик.

Улуғ Дон Умумлашкари ҳамда Дон-Кавказ иттифоқига кирадиган бошқа давлатлар герман халқининг дўстона хизматларини асло унутмаяжак, чунки, қадимдаги Уттиз йиллик уруш давомида ҳам дон полклари Валленштейн қўшинида герман аскарлари билан бирликда жанг қилишган, 1807—1813 йилларда эса, Дон казаклари ўз атамани граф Платов қўл остида Германия озодлиги учун курашганлар, эндиликда бўлса, Пруссия, Галиция,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Буковина ва Польшада қарийб уч ярим йилдан бери давом этган қонли уруш майдонида қазаклар ва германлар ўз аскарларининг матонат ва қаҳрамонлигини ҳурмат этишга ўргандилар ва ҳозир икки олижаноб ботир жангчи бир-бирига қўл бериб, азиз Дон юртининг озодлиги учун баравар курашмоқда.

Улуғ Дон Умумлашкари жаноби император ҳазрат олийларининг хизматлари эвазига, бутун жаҳон халқлар кураши давомида бетарафликка қаттиқ риоя қилишни ҳамда герман халқига душман бўлган қуролли кучларни ўз чегарасига йўлатмасликни зиммасига олади; бу ҳақда Аштархон қўшинларининг атамани князь Тундутов ва Кубань ҳукумати розилик бердилар, Дон-Кавказ иттифоқининг бошқа аъзолари ҳам бирлашгандан кейин, албатта, рози бўлурлар.

Улуғ Дон Умумлашкари ўз эҳтиёжидан ортган молларни, чунончи, дон, ун, чарм маҳсулоти, хом тери, жун ва балиқ маҳсулоти, ўсимлик ва ҳайвонот мойи ҳамда шулардан тайёрланган озиқ-овқат, тамаки, қорамол, от ва узум виноси, боғдорчилик ҳамда деҳқончилик маҳсулотларини олишда Германия империясига алоҳида кенг ҳуқуқ беради, бунинг эвазига Германия империяси: қишлоқ хўжалик машиналари, химия маҳсулоти ва тери ошлайдиган экстракт, қоғоз чиқариш давлат экспедицияси учун ускуна етказиб беради ва уни керакли материаллар билан таъмин этади, мовут ва ип-газлама фабрикалари учун ҳамда кўн, кимё, қанд ва бошқа заводлар учун ускуналар, электротехника асбоблари юборади.

Бундан ташқари, Улуғ Дон Умумлашкари ҳукумати Дондаги саноат корхоналарига ва савдо-сотиққа, айниқса, сув йўлларини ва бошқа йўлларни тартибга солиш ҳамда ундан фойдаланиш ишларида герман саноатининг маблағини ишга солиш учун унга алоҳида имтиёзлар беради.

Бу муҳим шартнома ҳар иккала томон учун баб-баравар фойда келтиргуси, жанговар герман ва казак халқлари жанг майдонларида тўккан қонлари билан суғорилган дўстлигимиз чамбарчас бўлғуси ва барча душманларимизга қарши курашимизда энг қудратли кучга айлангусидир.

Сиз, император ҳазрат олийларига ушбу хат билан мурожаат этувчи дипломат ёки халқаро ҳуқуқлар бобида ўткир ҳуқуқшунос эмас, балки, холисона жангда герман қуролини ҳурмат этишга ўрганган бир солдатдир, шунинг учун ҳеч қандай зеб бермасдан, очиқ кўнгил билан дангалини ёзганим учун мени кечирмоғингизни, дилим соф ва ҳисларим самимий эканига инонмоғингизни сўрайман.

Сизга ҳурмат билан

Петр Краснов, Дон атамани, генерал-майор.

* * *

15 июлда бу хат оқсоқоллар советида кўриб чиқилди, лекин ҳамманинг сукутга кетганига, ҳатто Богаевский билан яна бир неча ҳукумат аъзолари

www.ziyouz.com kutubxonasi

рўйи рост қарши чиққанига қарамай, Краснов хатни қароргоҳининг Берлиндаги элчиси герцог Лихтенбергский қўлига топширди, герцог Киевгача Красновга ҳамроҳ бўлиб борди ва у ердан генерал Черячукин билан Германияга жўнади.

Богаевскийнинг кўрсатмасига мувофиқ хат жўнатилмасдан бурун хорижий бўлимда машинкада бостирилиб, копияси олиб қолинди, шундай қилиб хатнинг копиялари қўлма-қўл ўтиб, ҳаммага тарқалди, ёнига қўшилган изоҳлар билан унинг мазмунини казак қисмларда ва станицаларда билмаган одам қолмади. Бу хат энг кучли ташвиқот қуролига айланди. Одамлар: «Краснов немисларга сотилди»— деб дангалига айтадиган бўлишди. Фронтларда ғалаёнлар кўтарилди.

Айни шу маҳалда ғалабалардан руҳланган немислар, рус генерали Черячукинни Париж яқинига олиб борган эдилар, у ҳам, немис генерал штабининг ходимлари билан бирга, Крупп заводидан чиққан оғир артиллериянинг ваҳима солишини, инглиз-француз аскарларининг қирилишини томоша қилмоқда эди.

V

Музли поход[1] вақтида Евгений Листницкий икки жойидан: биринчи марта — Усть-Лабин станицасини ишғол этишдаги жанґда, иккинчи марта — Екатеринодарга ҳужум пайтида ярадор бўлган эди. Икки марта ҳам жароҳати унчалик оғир бўлмай, сафга яна қайтиб келган эди. Бироқ, май ойида Кўнгилли армия қисқа муддатли дам олиш учун Новочеркасскда тўхтаган эди, Листницкий мазаси қочганлигини сезди-да, ҳаракат қилиб икки ҳафталик отпуска олди. Нечоғлик уйга боргиси келиб турса ҳам, йўлда анча вақти бекор кетишини ўйлаб Новочеркасскда дам олишга қарор қилди.

Унинг билан бирга ҳамвзвод ўртоғи, ротмистр Горчаков ҳам отпускага чиққан эди. Горчаков уни ўз уйига таклиф этди.

[1] Корниловчилар Ростовдан Кубанга чекинишларига «музли поход» деб ном қўйишган эди. *(Автор.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бола-чақа йўқ, уй тинч, хотиним қайтага хурсанд бўлади. Сени у билади ахир, хатларимда сен тўғрингда ёзган эдим-ку.

Жазирама тушки пайтда иккиси вокзал атрофидаги кўчаларнинг бирида қийшайган иморат олдида тўхтадилар.

Қора мўйлов, лайлак оёқ Горчаков типирчилаб қолди ва Листницкийга бурилиб:

— Қадимда мен мана шу кулбада турардим,— деб кўрсатди.

Унинг қоп-қора кўзлари ҳаяжон ва севинчдан ёшланар, грекларнйкидек сергўшт бурни жилмайганда осилиб тушар эди. У катта-катта қадам қўйиб, кул ранг шимининг қайтарма почаларини шитирлатиб ичкарига кирди, шу заҳоти уй ичини солдатларда бўладиган аччиқ ва қўланса ҳид босиб кетди.

— Оля қани?— Горчаков ошхонадан шоша-пиша чиқиб келаётган хизматкордан:— Ольга Николаевна қани?— деб сўради.— Боғдами. Юр, боққа чиқамиз.

Боғда, олма дарахтлари остига танга-танга ола-чипор соя тушган, яқин орада асалари уялари борлиги сезилади, қақраган тупроқ ҳиди келади. Листницкийнинг пенснеси ойнасига қуёш шўъласи тушиб ўтдай учқунланади, жимирлаб кўзни қамаштиради. Йўлда аллақайси бир изда турган паровознинг устма-уст бўкиргани эшитилади, Горчаков паравознинг бир оҳангда қичқираётган товушини бўлиб бақириб-чақиради:

— Оля! Оля! Қаёқдасан ахир?

Шу пайт ёнбошдаги хиёбон томонда, наъматак орқасида аллакимнинг қораси кўринди-ю, сарғиш кўйлак кийган бир хотин лип этиб чиқиб келди.

У чўчигандай бўлиб, бир лаҳза икки қўли билан кўксини босиб суратдай қотиб қолди, сўнгра, қўлларини чўзиб чинқирганича, улар томонга югурди. У шу қадар тез чопдики, Листницкий фақат, этаклари ичида пилдираган тиззаларининг думалоқ косаларини, туфлиларининг учли тумшуғини ва боши устида оловдай товланиб, тўзиб кетган тилла ранг сочларинигина ажрата олди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Хотин оёқ учида чўзилиб, офтобдан қизарган ялангоч қўлларини эрининг бўйнига ташлади-да, унинг чанг босган юзу кўз, бурун ва лабларидан, қуёш ва шамол қорайтирган бўйнидан ўпа бошлади. Чўлп-чўлп этиб ўпишган овоз барала эшитилди.

Листницкий атрофини ўраган муаттар чинни гул ҳидини искаб, пенснесини артар, мутлақо ярашмаганини ўзи сезиб турса ҳам, мажбуран илжаярди.

Гоҳ пасайиб, гоҳ авжига чиққан шодлик ҳаяжони ниҳоят босилгандан кейин Горчаков, бўйнига чирмашиб олган хотинининг қўлларини озор бермасдан шартта ажратди-да, уни кифтидан тутиб астагина ёнга бурди.

— Оля... дўстим Листницкий.

— Ҳа, Листницкийми! Ғоят мамнунман! Эрим менга ҳар хатида сизни...— Хотин энтикар ва кулиб турган бахтли кўзлари билан унга шунчаки қарарди.

Учови ёнма-ён боришарди. Горчаковнинг тирноғи ўсган, териси ёрилган сержун қўли хотинининг нозик белига чирмашиб олган эди. Листницкий қуёш ҳароратида хотин киши баданидан анқиган бўйлар аралаш чинни гул ҳидини искаб борар ва ҳар қадамда дўстининг қўлига кўз қирини ташлаб қўярди, у худди ёш бола сингари, ўзини жуда-жуда бахтсиз сезар, аллаким бекордан-бекорга қаттиқ ранжитгандай куйинарди. У устига тилла ранг соч толалари тушиб турган кичкина қулоқчанинг ним ранг солинчоғига тикилар, қўл чўзса етадиган юзининг ипакдай майин терисини томоша қиларди; кўзлари калтакесак кўзларидек жавдираб, кўксининг очиқ жойига тикилиб, сал-пал дўппайган, қаймоқдай сарғиш кўкрагини ва шалвайган қорамтир тугмачасини кўриб турарди. Ольга аҳён-аҳёнда ҳаво ранг кўзларини унга бир ташлаб қўярди, боқишлари ҳам ниҳоятда ёқимли, дўстона эди, бироқ, ана шу кўзлар Горчаковнинг қорамағиз юзларига тикилиб, тамоман ўзгача чарақлаганини кўрган сари, Листницкийнинг юраги эзилар, аллақандай бир нарса ичини таталагандай бўларди...

Листницкий фақат овқат маҳалидагина уй бекасини тўла-тўкис кўриб чиқди. Унинг келишган қад-қоматида ҳам, юзларида ҳам ўттиз йил умр кўргани, гўзал-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лиги сўна бошлагани кўриниб турарди. Лекин кулиб турган бепарво кўзларида, ҳар бир ҳаракатида ҳали ёшлик ғурури барқ уриб яшар эди. Унчалик бенуқсон бўлмаса ҳам, лекин жозибадор, ёқимтой юзи чиройли эди. Ёлғиз биргина ғарса кўзга дафъатан ғалати кўринарди, у ҳам бўлса, жанубда ўсган қорасоч жувонларникига ўхшаш лаълдек юпқа лабларининг тўқ-қизиллиги-ю, ёноқ пўстларининг пуштилиги билан қошларининг новвот ранглиги эди. У кулишга ишқивоз эди ва кулганида марвариддай тизилган майда тишлари кўриниб кетарди, бироқ кулгиси жўрттага кулаётгандай сунъийроқ кўринарди. Овози суст, хирароқ, рангбаранг оҳанглардан бенасиб эди. Икки ойдан бери, кир босган тиббий ҳамширалардан бўлак хотин бетини кўрмаган Листницкийга бу жувон ҳаддан зиёда соҳибжамол кўриниб кетганди. У Ольга Николаевнанинг турмакланган сочларига, мағрур кўтариб турган бошига тикилар, гапларига пойма-пой жавоб берарди, ниҳоят, чарчаганлигини баҳона қилиб, унинг учун тайёрлаб қўйилган хонага чиқиб кетди.

...Шундай қилиб ҳам роҳатда, ҳам диққатпазликда кунлар ўтаверди. Листницкий кейинчалик ўша дамларни ҳурмат ила бирма-бир ёдига оладиган бўлди, лекин ўша кунлари у ёш боладан баттар ўзини қийноққа солган, бекорчи телба хаёлларга борган эди. Эру хотин Горчаковлар бир жуфт кабутар сингари холи бўлиб олишган, ундан қочишар эди. Ётоқ бўлмасига туташ хонада турган Листницкийни «хонани ремонт қиламиз» деган баҳона билан бурчакдаги уйга кўчирдилар, Горчаков мўйлов учини тишлаб туриб, бу гапни айтаётганда соқоли олиниб хийла яшарган юзи кулиб турса ҳам, ўзини жиддий тутиб сир бой бермаган эди. Листницкий дўстига малол келаётганини билса ҳам, негадир, бирор танишиникига кўчиб ўтишни хоҳламасди. Кун бўйи олма тагида, соя-салқинда ётар, энг расво ўрама қоғозга палапартиш босилган газеталарни ўқиб вақт ўтказар, ухлар эди-ю, лекин чарчоғи ёзилмасди. Обдан ичи қизиб, юраги сиқилган Листницкийга, чиройли ола-чипор искович ит доимо ҳамдард эди. Эру хотин топишиб олганига бу тилсиз махлуқ рашк қилар ва Листницкийнинг олдига бориб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

хўрсина-хўрсина, ёнгинасига чўзиларди, Листницкий уни силар ва ҳаяжонланиб шивирларди.

Бир нуқтада қотиб қолиб хира сарғиш кўзларинг,
Ўй сурсанг-да, сурмасанг-да, барибир фойдаси йўқ...

У эсида қолган Бунин шеърларининг ширали сатрларини иштиёқ билан бирма-бир такрорлаб чиқиб, яна уйқуга кетарди...

Ольга Николаевна, фақат хотинлардагина бўладиган зийраклиги туфайли, унинг қандай аҳволга ва нима хаёлда қийналаётганини фаҳмлаб олди. Илгари ўзини жиддий тутиб юрган хотин, энди унинг билан муомалада биратўла сипогарчилик томонига ўтиб олди. Бир куни кечқурун шаҳарнинг истироҳат боғидан қайтаётганларида иккиси холи қолди (Горчаковни марковлик ҳамполк танишлари дарвоза олдида гапга тутиб қолган эдилар); Листницкий Ольга Николаевнанинг қўлтиғидан тутиб, тирсагини биқинига қаттиқ босиб уни безовта қилар эди.

— Одамга мунча тикиласиз?— деб сўради хотин кулимсираб.

У овозини пасайтиб гапирганини Листницкий: қочирим қиляпти, демак, кўнгли бор экан, деб фаҳмлади. Шунинг учун ҳам ҳазин бир байтни ўқиб беришга журъат этди (шу кунларда у поэзияга, бировларнинг дардмандлигини куйлаган байтларга ишқибоз эди).

У кулимсираб бошини эгди ва шивирлаб ўқий бошлади:

Асири бедор бўлиб танда тоқат тоқ,
Муштоқ бўлиб боқаман кўз узмай сира.
Сеҳр этувчи узоқлик ва узоқ қирғоқ,
Қора парда ичидан кўринар хира.

Хотин секингина қўлини тортиб олди-да, хушчақчақлик билан унга:

— Евгений Николаевич,— деди,— мен ёш бола эмасман... Кўнглингизда нима борлигини билиб кўриб турибман... Уялмайсизми? Шошманг, шошманг ахир! Мен сизни бир оз бошқачароқ... тасаввур этган эдим... Келинг энди, бу ишга барҳам берайлик. Орамиз очиқ бўлгани яхши, йўқса, инсофдан чиқиб кетилади... Бунақангги қалтис тажрибаларингиз учун мен

www.ziyouz.com kutubxonasi

намуна бўлолмайман. Вақтичоғлик қилгингиз келяптими?.. Яхшиси орадаги дўстона алоқа узилмасин, бемаъни хаёлларни бошингиздан чиқариб ташланг. Ахир мен «нотаниш жилвагарлардан» эмасман. Тушундингизми? Шундай бўлсин-а? Қани, қўлни беринг!

Листницкий артистлик қилиб, чиндан аччиқлангандай, ўзини оқлашга тутинди, бироқ бу найрангини охирига етказолмади, унга қўшилиб хохолаб кулиб юборди. Горчаков кетларидан етиб келгач, Ольга Николаевна жонланиб кетди, хурсандлиги яна ҳам ошди, бироқ Листницкийнинг дами ичига тушиб, уйга етгунча ўзини ўзи роса койинди.

Ольга Николаевна зийраклиги билан: «шу танбеҳдан кейин иккимиз дўст бўлиб кетамиз» деб астойдил инонарди. Листницкий унинг ишончини мустаҳкамлаш учун сиртини силаб, сир бермаса ҳам, ичдан унга нафратланиш даражасига етган эди, орада бир неча кун ўтар-ўтмас, Ольганинг феъли-атворидан, афтангор ва қад-қоматидан бирор нуқсон топмоққчи бўлиб, ўзини ўзи қийнаётганини пайқаб қолди-ю, кўнглида ҳақиқий, улкан бир ҳиссиёт уйғотганини ўшандагина тушунди.

Отпуска кунлари ҳам ғир этиб ўтди кетди, қайтага кўнгли хижил бўлгани қолди. Дамини олган ва янги куч билан тўлатилган Кўнгилли армия жангга тайёрланмоқда эди; Кубань уни оҳанграбодек ўзига тортарди. Сал ўтмай, Горчаков билан Листницкий Новочеркасскдан жўнадилар.

Ольга уларни кузатиб чиқди. Эгнидаги қора шойи кўйлак унинг сўниқ ҳуснига мос тушган эди, ўзи йиғлаб турса ҳам, кўзлари куларди, лаблари беўхшов чўччайиб кетганидан, юзи болаларникидай ҳаяжонли ва таъсирли кўринарди. Унинг шу тахлит сурати Листницкийнинг хотирига ўрнашиб қолди. У қон кечиб, жанг қилганида, ножўя ишлари тўғрисидаги хотиралари орасида бу порлоқ сўнмас образни зўр меҳр билан ёдида сақлади, не вақтгача унга сиғиниб, уни фаришталар даражасига кўтариб юрди.

Июнь ойида Кўнгилли армия жангга кириб кетди. Биринчи жангдаёқ уч дюймалик тўп ўқининг парчаси

www.ziyouz.com kutubxonasi

ротмистр Горчаковнинг ичак-чавоғини ағдариб юборди. Уни сафдан судраб олиб чиқдилар. Орадан бир соат ўтгач, аравада қону сийдигига буланиб ётган жойида Листницкийга шундай деди:

— Мен ажалим етди, демайман... Мана ҳозир операция қилишади... Хлороформ йўқ дейишяпти... Ўлиш керак эмас. Сен нима дейсан?.. Лекин ҳар эҳтимолга қарши... Эс-ҳушим жойидалигида сенга айтиб қўяй... Евгений, Леляни ёлғиз қолдирма... Икковимизнинг ҳеч кимимиз йўқ. Сен ҳалол ва яхши одамсан. Унга уйлан... Истамайсанми?

У Листницкийга нафрат аралаш илтижо қилиб тикилар, соқоли олиқсиз кўкарган бетлари титрарди. Қону тупроққа беланган кафтларини ёрилган қорнига авайлаб босар ва лабларидаги пушти ранг терни ялаб гапирарди:

— Сўз берасанми? Тирик бўлсанг... Леляни унутма... агар сениям... хумпар рус солдатлари шу кўйга солмаса... Сўз берасанми? Нега индамайсан! У яхши хотин,— деди-ю, чангак бўлиб қолди.— Тургенев айтган хотинлар хилидан... Ҳозир унақаси топилмайди... Нега индамайсан?

— Сўз бераман.

— Бор энди, қорангни ўчир!.. Хайр?..

У кафтлари қалтираб Листницкийнинг қўлини чангаллади, сўнгра жон-жаҳди билан силтаб, уни ўзига тортди ва кучанганидан баттар ранги ўчиб, ҳўл бошини кўтарди-ю, порсиллаган лаблари билан унинг қўлидан ўпди. Сўнгра, шинель этагини бошига тортиб, шоша-пиша юзини ўгириб олди, лекин қаттиқ таъсирланган Листницкий унинг лабларини қалтироқ босганини, бўзарган бетларини совуқ тер қоплаганини кўриб қолди.

Икки кундан кейин Горчаков ўлди. Орадан яна бир кун ўтгач чап қўли ва сонидан оғир яраланган Листницкийни Тихорецкаяга жўнатдилар.

Кареновская ёнида кети тугамас шиддатли жанг бошланган эди. Листницкий ўз полки билан икки дафъа атакага ва контратакага ўтди. Учинчи мартасида унинг батальони саф-саф тизилиб оёққа турди. Рота командирининг «Ётманглар!», «Бургутлар, ол-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ға!», «Корнилов учун, олға!» деган қийқириқларидан қизишган Листницкий, ўрилмаган буғдойпоя ичидан жудаям ҳовлиқмай югурди; милтиғини ўнг қўлида чангаллаб, чап қўли билан сапёрча куракни бошига қалқон қилиб олган эди. Бир ўқ курак темирини жаранглатиб ялаб ўтди, Листницкий курак дастасини ўнглаётиб: «Ҳайтовур тегмади!» деб суюниб кетди. Шундан кейин қақшатғич қисқа зарбдан қўли шартта қайрилиб тушди. Курак қўлидан учиб кетди, Листницкий жон аччиғида боши очиқ ҳолда яна ўн саржин жойгача чопиб борди. Милтиқни ўнглаб ушламоқчи бўлди-ю, бироқ қўлини кўтара олмади. Оғзидан қўрғошин қуйилгандай, томир-томиригача оғриқ югурди. Уватга ёнбошлади ва тоқат қилолмай, икки-уч марта чинқириб юборди. Бунинг устига, ётган жойида сонидан ҳам ўқ еб, секин-аста ҳушидан кетди.

Тихорецкаяда мажруҳ қўлини кесиб, сонидан қолган синиқ суяк парчани олиб ташладилар. Икки ҳафтагача оғриққа, диққинафасликка чидаб, ночор аҳволда ётди. Сўнгра уни Новочеркасскка кўчирдилар. Яна ўттиз кун хунобгарчиликда госпиталда ётди. Жароҳатини ҳар куни қайтадан боғлашарди, иод билан карболканинг аччиқ ҳидлари, ҳамшира ва докторларнинг башаралари жонига теккан эди. Ора-сира Ольга Николаевна келиб кетарди. Унинг ранги сарғайган эди. Мотам кийимининг қоралигидан, кимсасиз дашт сингари ҳувиллаб қолган, йиғлаб тўймаган ғамгин кўзлари янада киртайиб қолганга ўхшарди. Листницкий унинг киртайган нурсиз кўзларига узоқ тикилар, гапиришга журъат этолмас, уялганидан қўлсиз енгини кўрпа ичига беркитарди. Ольга, шунчаки сўрагандай қилиб, эрининг қандай ҳалок бўлганлигини суриштирар, паришонҳол қулоқ солар, кўзлари аланглаб каравотдан каравотга қаранаверарди. Листницкий лазоретдан чиқиб тўғри уникига борди. Ольга уни зинапоя ёнида кутиб олди. Листницкий оқиш қалин сочлари калта қилиб қирқилган бошини эгиб унинг қўлини ўпаётганда жувон юзини тескари ўгириб турди.

Листницкий соқол-мўйловларини яхшилаб олдирган, кўкимтир олифта френч эгнига қадимгидай яраш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган эди, фақат шалвиллаган бўш енг ғашига тегарди, бинт боғланган тўмтоқ қўлли енг ичида ликиллаб, тинчимасди.

Уйга киришди. Листницкий ўтирмай, гап бошлади:

— Борис ўлар олдида менга илтимос қилиб... сизни ёлғиз қолдирмаслик учун мендан ваъда олди...

— Биламан.

— Қаёқдан?

— Сўнгги хатидан...

— Иккимизнинг бирга бўлишимизни орзу қилган эди... Албатта бунинг учун аввало сизнинг хоҳишингиз, ногирон одам билан турмуш қуришга розилигингиз керак... Гапимга инонсангиз... Ҳозир ҳиссиёт тўғрисида оғиз очишлик... Лекин мен чин қалбимдан сизга бахт-саодат тилайман.

Листницкийнинг хижолат тортиб, ҳаяжонланиб айтган узуқ-юлуқ гаплари унга таъсир этди.

— Мен буни ўйлаб чиқдим... Розиман.

— Дадамнинг имениесига жўнаб кетамиз.

— Яхши.

— Расмият томонлари кейинроқ тўғриланса майлими?

— Майли.

Листницкий лаби учида унинг оппоқ қўлидан иззату икром билан ўпди-да, бошини кўтариб, жилмайиб қўйганини кўрди.

Ишқ билан шаҳвоний ҳиссиёт Листницкийни Ольганикига судрар эди. У ҳар куни уникига келадиган бўлди. Урушдан чарчаган кўнгли ором олгиси, ишқ эртагининг кайфини сургиси келарди. Холи жойга кириб олиб, классик роман қаҳрамони сингари, ўзи билан ўзи гаплашар, ўзида йўқ, ҳеч қачон ва ҳеч кимга нисбатан кўрилмаган аллақандай улуғвор, пок ҳиссиётларни энди топмоқчи бўлиб эринмай қидирарди, бунинг билан, балки у, анчайин ишқибозликка берилганлигини хаспўшламоқчи, уни чиройли қилиб кўрсатмоқчи бўлса ҳам ажаб эмасди. Аммо, эртакнинг бир учи ҳақиқатга тақалган эди: тасодифан йўлда учраган бу хотинга уни ёлғиз шаҳвоний ҳавасгина эмас, яна аллақандай англаб бўлмайдиган бошқа бир нарса ҳам жалб этарди. Бошига нима

www.ziyouz.com kutubxonasi

савдо тушганини, кўнгли нега беқарорлигини тузукроқ ажратолмасди, лекин: «Ногирон бўлганим, сафдан чиққаним учун менинг йўлим очиқ» деб қаттиқ инонган ва бу ножўя, бемаъни ҳиссиётга қадимгисидан баттар қул бўлган эди. Ҳаттоки у, Ольганинг жудолик ўтида бағри ўртаниб, мотам тутиб юрган азалик кунларида ҳам унинг ёнига боргиси, қўйнига киргиси келар, ўлган Горчаковга рашк қилар эди... Ҳаёт гирдоб сингари кўпирар эди. Ўқ ҳидини искаган ва хилма-хил ҳодисалардан кўру, кар бўлган одамлар энди бир кун бўлса ҳам яшаб қолишга, еб-ичиб тўйиб олишга интилишар, ҳар бир дақиқани ганимат билишарди, Евгений Николаевичнинг ўз ҳаётини Ольга билан мустаҳкам боғлашга шошганлиги, балки, шунинг учун бўлса ҳам ажаб эмасди, чунки ажал сари борғизган қадимги мақсадининг муқаррар барбод бўлишига ақли ета бошлаган эди.

У муфассал хат ёзиб, уйланишини ва яқинда хотини билан Ягодноега боришини отасига маълум қилди.

«...Мен энди ишларимни бас қилдим. Бир қўлим билан ҳам бу фитначи аблаҳларни тор-мор этишга қурбим келарди, шу бадбахт «халқ» учун Россия зиёлиларининг ўн йиллаб кўз ёши ва сўлак оқизганига ачинаман, лекин чинини айтсам, ҳозир меним учун бу нарса энг хунук, пуч хаёлга ўхшаб қолди... Краснов Деникин билан чиқишмайди; ҳар икки томонда ҳам фисқ-фужур, бузуқилик, шармандабозлик, бирбирининг пайини қирқишдан бошқа гап йўқ. Баъзан ўйласам юрагим орқасига тортиб кетади. Оқибат нима бўлиши мумкин? Мен энди соғ қолган ёлғиз қўлим билан сизни қучиш, сизнинг ёнгинангизда бўлиш ва курашни четдан туриб томоша қилиш орзусида уйга қайтаман. Солдатлик жойим қолмади дада, энди мен жисмоний ва руҳий бир мажруҳман, холос. Мен чарчадим, таслимман. Менинг уйланишга қарор қилганим ва «тинч яшаш» йўлини излаганимнинг боиси ҳам, эҳтимол, шундандир»,— у хатини шундай қайғули, кесатиқ жумла билан тамомланганди.

Бир ҳафтадан кейин Новочеркасскдан жўнашга қарор қилинган эди. Жўнашдан бир неча кун аввал

www.ziyouz.com kutubxonasi

Листницкий Горчакованикига бутунлай кўчиб ўтди. Иккиси қовушган тундан кейин Ольга ўзини хийла олдириб қўйди; ранг-рўйи ҳам бир ҳолат бўлиб қолди. Ҳар гал Листницкий хиралик қилавериб, ахири енгарди, лекин Ольга ўз аҳволидан қаттиқ изтироб чекар — қалби оёқ ости бўлганини сезарди. «Икки кишини бир-бирига боғлаган муҳаббатнинг ўлчови икки хил, лекин нафратники — битта», деган ҳақиқатни Листницкий ё билмас, ё билгиси келмасди.

Евгений жўнамасдан илгари Аксиньяни ора-чўра эсга олса олар, олмаса йўқ эди. Унинг тўғрисида ўйлашни истамас, хаёлан ўзини олиб қочаверарди. Лекин шунчалик қилса ҳам, ораларида ўтган алоқа, борган сари эсига тушадиган, чўлдаги чироқ сингари лип этиб, беихтиёр хаёлини чалғитадиган бўлиб қолди. Бир куни у: «Аксинья билан алоқани узмайман. Албатта кўнади»,— деган хаёлга ҳам борган эди. Лекин инсофга келиб бу раъйидан қайтди,— Ягодноега боргандан кейин гаплашиб, иложи топилса, у билан орани очди қилишга қарор қилди.

Тўртинчи куни кечга томон Ягодноега етдилар. Кекса пан қўрғондан бир чақирим нарида уларни кутиб олди. Отаси оёғини зўрға қимирлатиб, пойга аравадан тушганини, шапкасини қўлга олганини Евгений олисдан кўриб борарди.

— Азиз меҳмонларни кутиб олгани чиқдик. Қани, берироқ келинг, яхшилаб кўрайин...— деди чол келинини нўноқлик билан қучоқлаб, тамакидан сарғайган мўйлови билан бетларини қитиқлаб.

— Дада, бизнинг ёнимизга чиқиб олинг! Аравакаш, ҳайда! Ҳа, Сашка бобо, салом! Тирикмисан? Менинг ўрнимга ўтиринг дада, мен аравакаш ёнига жойлаша қолай.

Чол Ольганинг ёнига ўтирди-да, дастрўмолини олиб мўйловини артди ва сипогарчилик билан ўғлига мардонавор қиёфада қараб қўйди.

— Хўш, қалай, дўстим?

— Сиздан ниҳоятда хурсандман, дада!

— Ногиронман, дегин?

— Илож қанча? Ногиронман.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Чол жўрттага қовоғини солган бўлиб ўғлига дамба-дам боқар, юзига жиддий тус бериб, ичи ачишганини сездирмасликка, камарга қистирилган кўк мундирнинг қўлсиз енгига қарамасликка ҳаракат қиларди.

— Зарари йўқ, ўрганиб қолдим,— деди Евгений кифтини қимирлатиб.

— Бошга тушгач, ўрганасан,— деди шоша-пиша чол,— ишқилиб, бош омон бўлсин. Ғолиб қайтибсанку? Ё ундаймасми? Ғолиб қайтибсан, дейман. Ҳатто энг гўзал асирани ўлжа қилиб олиб келибсан, а?

Евгений отасининг нозик, бир оз эскича ҳазил гапларидан завқланиб кўзи билан Ольгага: «Ҳўш, чол қалай экан?»— деб савол берди. Унинг чеҳраси очилиб юз-кўзлари яшнаб кулиб турганидан отаси унга ёққанини сўзсизоқ тушунди.

Ҳайдама бўз отлар қия йўлда извошни қушдай учириб кетди. Дўнгдан иморатлар, чорбоғдаги кўмкўк дарахтлар, деворлари оқланган уй, деразаларни тўсиб турган садалар кўринди.

— Мунчаям чиройли-я! Оҳ, қандай соз!— деб, завқланарди Ольга.

Бир гала қора тозилар қўра томондан тиккасига учиб келаверди. Итлар извошни ўраб олди. Сашка бобо аравага ирғиётган биттасини қамчи билан солиб қолди-да:

— Ғилдирак тагида қоласан, бадба-а-ахт! Қоч!— деб тутоқиб бақирди.

Евгений извош олдида тескари ўтириб олган эди; отлар ўқтин-ўқтин пишқирар, шамол кўпик зарраларини кейинга учириб, Евгенийнинг бўйнига сачратарди.

У гоҳ отасига, гоҳ Ольгага кулиб боқар, бошоқлар тўкилган йўлни, йироқлардаги тепа билан уфқни тўсиб турган ён бағир дўнгни томоша қиларди.

— Қандай овлоқ жой-а! Ҳамма ёқ жимжит...

Ольга кулимсирар ва йўл устидан шарпасиз учиб ўтган зоғчаларни, ортда қолаётган қашқабеда ва шувоқларни кузатар эди.

— Бизни кутиб олгани чиқишибди,— деди пан кўзини қисиб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ким?

— Хизматкорлар.

Евгений аланглаб қаради, истиқболига чиққан одамларнинг юзини ажратолмаса ҳам, турган хотинлардан бири Аксинья эканини сезди-ю, қизариб кетди. У Аксиньянинг туси ўзгариб, ҳаяжонланишини кутган эди, бироқ извош ғизиллаганча бориб, дарвоза олдида тўхтаганда юрагини ҳовучлаб ўнгга бурилиб қараб, Аксиньянинг одоб билан кулиб турганини кўриб, ҳайрон қолди. Устидан тоғ ағдарилгандай бўлиб, кўнгли жойига тушди ва унинг саломига бош қимирлатиб қўйди.

— Шу қадар беибо ҳуснни энди кўрганим! Ким бу!.. Манаман деб турибди-я, шундай эмасми?— Ольга мафтун кўзлари билан имлаб, Аксиньяни кўрсатди.

Лекин Евгений ўзини босиб олганлиги учун хотиржам ва совуққина унинг фикрига қўшилди:

— Рост, чиройли хотин. Уй иши шунинг қўлида.

* * *

Ольганинг келиши уй ичидагиларнинг ҳаммасига таъсир эта бошлади. Илгари кун бўйи уйда ёлғиз ички кўйлак ва жун иштон билан юриб ўрганган кекса пан энди нафталин сепилиб ташлаб қўйилган сюртугини ва генералча шимини сандиқдан олишга буюрди. Илгари уст-бошининг исқиртлигига мутлақо эътибор бермайдиган бу одам, энди дазмолланган кийимида қитдай ғижимланган жойни кўрса Аксиньяга бақирадиган, эрталаб этигини тозаламай обкелгани учун ўқраядиган бўлиб қолди. У соқолини мунтазам олиб турганидан юзлари йилтираб, ўғлининг кўзига кундан-кунга яхши кўринарди.

Аксинья, бирор ёмон иш юз беришини сезгандай, ёш бекага манзур бўлишга ҳаракат этар, унинг хушомади учун парвона сингари атрофида ғир айланиб, бажону дил хизматини қиларди. Лукерья эса, овқатим мазали бўлсин деб жонини жабборга берар, таъми лазиз қайла-ю, қиёмлар пиширишда ажойиб ҳунарини кўрсатарди. Ягодноеда рўй берган ўзгаришларнинг таъсири ҳатто, ниҳоятда қариган иркит

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сашка бобога ҳам урди. Бир куни зинапоя олдида пан унга рўпара келиб, бошдан оёғигача разм солиб чиқди-да, ваҳимадор қилиб бармоғи билан имлади.

— Бу нима юриш, итвачча?— пан еб қўйгудай бўлиб, кўзларини ўқрайтирди.— Иштонингни қара, кўряпсанми?

— Нима қибди?— деб дағал жавоб қилди Сашка бобо, бироқ хўжайинда ҳеч кўрилмаган бунақа терговдан ва овози қалтираб чиққанидан бир оз хижолат бўлди.

— Уйимизда ёш хотин бор ахир, сен юзсиз мени шарманда қилмоқчимисан? Шимингни нега тугмалаб олмайсан, қўтир эчки? Хўш?

Сашка бобо кир панжалари билан шим тугмаларини санагандай бирма-бир силаб чиқди. У яна қўрслик қилиб, гап қайтармоқчи эди, бироқ хўжайиннинг ёшлигидаги ғайрати қўзиб, шу қадар ғазаб билан ер тепиндики, эски бичимда тикилган тумшуғи ингичка этигининг чарми кўчиб кетди.

— Отхонага йўқол! Марш! Лукерьяга тайинлаб, устингдан қайноқ сув қуйғизаман худди! Қирингни тозала, қирчанғи!— деб бақирди пан.

Евгений кун бўйи дам олар, милтиқ билан даштга чиқар, ўрилган тариқпоя ёнига бориб, каклик отарди. Лекин Аксинья масаласи тоғдай юк бўлиб, доим кўксини эзарди. Бир куни кечқурун отаси Евгенийни қошига чақирди; чол ҳадиксирагандай дам-бадам эшикка боқиб, кўзини унинг кўзидан олиб қочиб, гап бошлади:

— Биласанми мен... Сенинг шахсий ишларингга аралашганим учун мени кечирасан. Лекин билишим керак. Аксинья масаласини нима қилмоқчисан?

Евгений шоша-пиша папирос тортаётиб сирини билдириб қўйди. У, худди келган кунидаги сингари, тағин қизиша бошлади ва юзи қизарганлигини сезиб, баттар қизариб кетди.

— Билмайман... Ақлим етмай қолди...— деб чин кўнгилдан иқрор бўлди.

Чол кескин қилиб·

— Мен биламан,— деди.— Ҳозир бориб у билан

www.ziyouz.com kutubxonasi

ғаплашгин. Пул ваъда қилиб кўр, ҳақ-маҳрига,— чол мийиғида кулиб қўйди,— илтимос қил, кетсин. Биз бошқа биронтасини топармиз.

Евгений ўша заҳотиёқ хизматкорлар турган уйга борди.

Аксинья эшикка тескари туриб, хамир қормоқда эди. Икки кифт ораси тарновга ўхшар, икки курагининг қимирлагани билиниб турарди. Енги шимарилган қорамағиз қўлларининг биққа этлари селкилларди. Евгений унинг бўйнига, ҳалқа-ҳалқа бўлиб тушган жингалак сочларига қаради ва:

— Аксинья, бир минутга бу ёққа чиқа оласизми?— деди.

Аксинья дарҳол бурилиб қаради ва юзига қон югурганини билдиргиси келмай, ўзини бепарволикка солиб тураверди. Лекин енгини тушираётганда қўллари қалтираганини Евгений пайқади.

— Мен ҳозир...— Аксинья қўрқа-писа ошпаз хотинга кўз ташлади ва севинчини ичига сиғдиролмай, беорлик билан кулиб ўйнаб унинг ёнига борди.

Зинапояга чиқишганда Евгений унга:

— Боққа кирайлик. Гапим бор,— деди.

— Хўп бўлади,— деб бажону дил кўна қолди Аксинья, «қадимги алоқа яна бошланади» деган хаёлга бориб.

Йўлда Евгений шивирлаб сўради.

— Биласанми, мен сени нега чақирдим?

Аксинья қоронғида кулимсираб унинг қўлидан тутди, бироқ у қўлини шартта тортиб олди, шунда Аксинья ҳамма гапга тушуниб тўхтаб қолди.

— Нима демоқчи эдингиз, Евгений Николаевич? Бундан нарига бормайман.

— Майли. Шу ерда гаплашсак ҳам бўлади. Ҳеч ким эшитмайди...— Евгений ошиқар, гапидан адашиб ҳовлиқар эди.— Аҳволим нозиклигини тушунишинг керак. Энди сен билан қадимгидай юролмайман... Сенга ўйнаш бўлолмайман... Тушундингми? Ҳозир уйланганман, мен ахир покиза, ҳалол одамман, ёмон йўлга юришим асло мумкин эмас... Виждоним қабул қилмайди...— дерди у ва бу қадар дабдабали гаплардан ўзи ерга кириб кетгудай бўлиб уяларди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қорайган шарқдан тун эндигина тўнини ёпиниб келган.

Жануб осмонининг бир бўлаги қип-қизил чўғдай ялтирарди. Хирмонда чироқ ёқиб, «ҳаво ганимат» қабилида дон янчишарди, ўша ерда ишчилар қисталанги билан зўр бериб ишлаётган молотилканинг тақира-туқури эшитиларди; мечкай машина оғзига тўхтовсиз хашак ташлаб турган ишчининг: «Ҳа, бўл тезроқ! Бўшаш-ма-а-а!» деган хушчақчақ, хириллоқ овози келарди. Боғ жимжит. Қичитқиўт билан бўғдой ҳиди, шабнам иси анқирди.

Аксинья чурқ этмасди.

— Сен нима дейсан! Нега индамайсан, Аксинья?

— Нимасини гапираман?

— Мен сенга пул бераман. Бу ердан кетишинг керак. Менимча, рози бўларсан... Кўз олдимда бўлишинг менга жуда оғир.

— Бир ҳафта ишласам бир ой бўлади. Шунгача тура турсам майлими!

— Албатта, албатта!

Аксинья жим бўлди, сўнгра, зада бўлган одамдай, ёни билан, қўрқа-писа Евгенийга яқинроқ борди.

— Ҳа, майли, кетаман... Кетиш жафосига охирги марта хурсанд қилмайсанми? Турмуш мени шунақа беҳаё қилиб қўйган... Ёлғизлик ёмон экан... Айбга қўшма, Женя.

Унинг томоғи қақраб, овози жаранглаб чиқар эди. Евгений, гапи чин ё ҳазил эканини ажратолмай:

— Нима истайсан?— деб сўради ва энсаси қотиб йўталди.

Аксинья яна унинг қўлидан ушламоқчи бўлиб тимирскилаётганини бирданига сезиб қолди...

Беш минутдан сўнг у, шудринг босган хушбўй қорақат бутаси тагидан чиқиб келди ва панжара ёнига бориб, папирос ёруғида, шимининг тиззаларига юққан кўкат доғларини анчагача дастрўмоли билан тозалади.

Зинапояга чиқаётиб, кетига қаради. Хизматкорлар турадиган уйда, деразадан тушган сарғиш чироқ шўъ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ласида Аксиньянинг келишган қад-қомати кўринар: у қўлини орқасига қилиб, сочларини тузатар, чироққа қараб илжаяр эди...

VI

Бўзўт ҳам пишиб етилди. Кумуш ранг либос кийган дашт шамолда олисларга довур чайқалиб ётарди. Шамол кўкатларни ерга эгар, изғиб келиб алғов-далғов қилар, ҳурпайтирар, гоҳ жануб, гоҳ ғарбга томон югириб, кетида денгиз тўлқинига ўхшаш кўкмак симобдай из қолдирарди. Шамол қайси томонга оғса, бўзўт ўша ёққа букилиб салом қилар, кумуш ранг бошоқлари узра қорайган йўл тушиб, анчагача тарқалмасди.

Хилма-хил кўкатлар гулини тўккан. Дўнгда ўсган шувоқ, умри хазон бўлганига афсус егандай, бошини кўтаролмасди. Тунлар қисқариб, бирпасда тонг отарди. Қоракуядай зим-зиё осмонда кечалари сон-саноқсиз юлдуз чақнарди; тугай деб қолган ўроқ нусха ой бир чети биланғина ғира-шира ёритарди; поёнсиз Сомон йўли бошқа юлдузлар туркумига аралашиб кетганди. Гармсел турган, ҳаво оғирлашган, ҳамма ёқдан тахир шувоқ ҳиди келарди; ер ҳам ана шу касофат шувоқнинг аччиқ исидан заҳарланиб, муздай шабадага зор эди. Осмон тўла юлдуз-чироқлар лип-лип қиларди; қоратупроқдай қорайган осмон далаларига сочилган буғдой-юлдузлар униб-ўсмай, хазон бўларди; ойнинг ранги баттар ўчарди; дала-ю дашт қақраб ётар, қовжираган кўкатзор ичида бедананинг сайраши-ю, чигирткаларнинг чириллаши эшитиларди...

Кундузлари бўлса, жазирама иссиқ, дим ҳаво, яллиғланган ернинг ҳовури. Бўзарган осмонда қуёш ўт сочади, бир парчаям булут йўқ; ёлғиз бир калхатгина жигар ранг темир қанотларини ёйиб, сузиб юради. Даштда — кўз қамаштиргудай бўлиб йилтираган бўзўт ва сомондай сарғайиб ўртаниб ётган кўкатзор; осмонда — қияламасига учиб юрган калхат, ерда бўлса, кўкатлар устида шарпасиз сузиб юрган унинг каттакон сояси.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Юмронқозиқлар жон-жаҳди билан чийиллашади. Сариқ тупроқ уюлган инлар ёнида мудраган суғурлар кўринади. Дашт қайнайди, лекин жонсиз, теварак-атрофдаги тамомий нарса шишадай йилтирайди-ю, қимир этмайди. Ҳаттоки, кўз илғар жойда турган қўрғон ҳам хаёлий, афсонавий иморатга, тушдагига ўхшаб туюлади...

Жонажон дашт! Уюрдаги айғир ва бияларнинг ёлини яловчи аччиқ шамол! Шамолда пишқиравергани-дан отларнинг томоғи қақрайди, шунинг учун ҳам арғумоқ аччиқ ва шўртанг ҳид димоғига урганда ипакдай лабларини ялайди ва унда шамол билан офтоб таъми борлигини сезиб кишнайди. Пастаккина осмон остида барқ урган қадрдон Дон дашти ястаниб ётибди! Адир ва қирларнинг, жару, сойларнинг гўзаллиги, поёнсиз пичанзор орасидаги от туёқларининг чуқурча ҳосил қилган излари, ер остида ётган казаклар шуҳратини қўриқлаб донишмандлар сингари сукутга кетган қўрғонлар... Сенга фарзандларча букилиб таъзим қиламан, муқаддас казак қони билан суғорилган тупроғингни кўзимга тўтиё қилиб суртаман, эй, азиз Дон дашти!

* * *

Унинг калласи кичкина, худди илоннинг бошига ўхшайди. Қулоқлари калта-калта, чимирилган. Тўши бўлиқ, ниҳоятда етилган. Оёқлари ингичка, бақувват сағриси тирсиллаган, туёқлари сой тошидай силлиқ. Қуймуч томони сал-пал осилинқираган, думи йўғон, чиройли. Бу, Дон зотидан — асл зот айғир. Анчайин асл зотгина эмас, энг бориб тургани: томирида бир томчи бегона қон йўқ, асл зотлиги ҳамма жойидан билиниб турибди. Унинг оти Мальбурк.

Бир куни сувлоққа тушганда, ўз биясини ҳимоя қилмоқчи бўлиб, ўзидан хийла кучли, туллак айғир билан олишган ва ўшанда рақиби тақаси олинган бўлса ҳам, тепиб олдинги чап оёғини майиб қилган эди. Иккиси тик туриб, бир-бирини ғажишган, олдинги оёқлари билан тепишган, териларини тишлаб юлишган эди...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Аксига йилқичи йўқ эди, у офтобга орқасини бериб, чанг босиб қизиб кетган этикдаги оёқларини кериб, даштда ухларди. Рақиби Мальбуркни йиқитди, кейин жуда олис жойга қувиб борди-да, қонга бўялган жониворни ўша ёқда қолдириб, икки уюрни ўзи эгаллаб олди-да, Билқилдоқжар ёқаси билан ҳайдаб кетди.

Ярадор Мальбуркни отхонага боғладилар, фельдшер унинг майиб оёғини даволаб тузатди. Орадан олти кун ўтганда, назоратчига ҳисобот бергани келган Мишка Қошевой, ажойиб ҳодисанинг устидан чиқди: бияларга бош бўлиб ўрганган Мальбурк қамоққа чидолмай, нўхтасини гажиб узиб, отхонадан ўқдай чиқди-да, казарма ёнида тушовда ўтлаб юрган назоратчи, фельдшер ва йилқичилар минадиган бияларни олдига солиб, даштга ҳайдади,— олдин елишга солди, кейин, ортда қолганларини тишлаб, қисталанг қилиб, роса югуртирди. Йилқичилар билан назоратчи казармадан чопиб чиқишиб, фақат бияларнинг тушов ипи ширт-ширт узилишинигина эшитдилар.

— Ҳаром ўлгур, бизларни яёв қўйди-я!

Назоратчи сўкинди, бироқ ичида хурсанд бўлиб, узоқлашган отлар кетидан қараб қолди.

Туш пайти Мальбурк отларни сувлоққа бошлаб келди. Яёв қолган йилқичилар бияларини ажратиб олдилар, ўзини бўлса, Мишка эгарлаб минди-да, даштга олиб чиқиб илгариги уюрига қўйиб юборди.

Икки ой йилқибоқарлик хизмати давомида Қошевой, яйловдаги отларнинг феъл-ҳуйи, одатларини яхши билиб олган эди, шундан кейин у, йилқи жинсининг ақли-ҳушига, тантилигига зўр ҳурмат билан қарайдиган бўлди. У кўпинча бияга айғир чопганини кўрарди; лекин ибтидоий шароитда рўй берадиган бу азалий ҳодиса шу қадар табиий ва оддий кўринардики, Қошевой ўйлаб туриб, беихтиёр инсонлардан хафа бўларди. Лекин отлар ҳам, одамлар ҳам кўп жиҳатдан бир-бирига ўхшайди. Масалан, ёши қайтган, ўлгидай асов, бияларга азоб берадиган бераҳм айғир Бахарь, юлдуз қашқа, кўзлари чақнаб турадиган тўрт яшар чиройли бияга бошқача эътибор беришини Мишка пайқаб юрарди. Бахарь ўша биянинг ёнидан кетмас, доим

www.ziyouz.com kutubxonasi

безовталаниб, типирчилаб ҳушёр турар, доим уни бошқача бир кайфиятда искаб, ғалати-ғалати пишқириб қўярди. Уюр дам олаётган пайтларда у, ваҳимали бошини маъшуқасининг орқасига қўяр ва шу алпозда анчагача мудрар эди. Мишка бир четдан туриб, уни томоша қилар, қўлтиқ тагидаги безларининг билинар-билинмас дириллаганини кўрар ва хаёлан: Бахарь кексаларга хос ғамгинлик билан бу бияга чексиз муҳаббат қўйган бўлса керак, деб ўйларди.

Қошевой ўз вазифасини яхши бажарарди. Унинг ишга ихлос қўйганлиги тўғрисидаги хабар станица атаманининг қулоғига етди шекилли, назоратчи август ойининг дастлабки кунларида, Қошевой станица идораси ихтиёрига юборилсин, деган буйруқ олди.

Мишка бирпасда йўлга тайёр бўлди, пошшолик хазинасидан берилган анжомларни топшириб, ўша куни кечга томон уйига жўнади. У йўл-йўлакай биясини чу-чулаб, кўз очгани қўймади. Қунботар чоқда Каргиндан ўтиб, дўнг устида, Вёшенская томонга кетаётган аравага етиб олди.

Украин аравакаш чарчаган семиз отларни тез ҳайдаб бормоқда эди. Рессорли араванинг кетида шаҳарча пиджак кийган, кўк тивит шляпасини бостириб кийган, қад-қомати келишган, чорпаҳил бир одам ёнбошлаб ётарди. Мишка шляпалик одамнинг йўлнинг нотекислигидан дириллаган солинқи кифтларини, чанг босган ёқасини ортдан томоша қилиб, арава кетидан бораверди. Пассажирнинг оёғи ёнидаги саквояж билан қопчиқ устига ўроғлик пальто ташлаб қўйилган эди. Мишканинг димоғига аллақандай сигаранинг ўткир ҳиди уриб, ғашини келтирди. «Станицага бораётган бирон амалдор бўлса керак»,— деб гумон қилди Мишка биясини арава ёнига буриб. У кўз қирида шляпа остига қаради-ю, қўрқув ва таажжубдан оғзини очганча анқайиб қолди, эти жимирлаб кетди: аравада ёнбошлаб ётган одам — Степан Астахов эди; у тип-тиниқ ўйноқи кўзларини қисиб, оғзидаги қора сигара қолдиғини тоқатсизланиб ковшарди. Мишка ўз кўзига инонгиси келмай, бунчалик ўзгариб кетган ҳамқишлоғининг таниш башарасига яна қаради ва аравада чайқалиб келаётган одам Степаннинг худди ўзи экани-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ға имони комил бўлгандан кейин, ҳаяжонидан терлаб-пишиб, йўталиб:

— Кечирасиз, жаноб, сиз Астахов эмасмисиз?— деб сўради.

Аравадаги одам бош қимирлатиб, шляпасини пешонасига қўндириб олди; сўнгра бурилиб, Мишкага тикилди.

— Ҳа, Астаховман. Нимайди? Сиз мени... Шошма, сен ўзинг Кошевоймасмисан?— У гавдасини кўтариб, қирқилган малла мўйлови остидаги лабларининг бир чети билангина кулимсиради, солқиган юзини тамоман жиддийликка солиб, ҳам иккиланиб, ҳам суюниб қўлини чўзди:— Кошевой? Михаил! Учрашганимизни қара-я!.. Жудаям хурсандман...

— Э, тавба! Бу қандай бўлди?— Мишка жиловни қўйвориб, ҳайронликдан қўлларини ёйди.— Сени ҳалок бўлди деб гап тарқатишган эди... Қарасам: Астахов...

Мишканинг оғзи қулогигача илжайди, эгарда ўтиролмай, типирчилаб қолди, бироқ Степаннинг сиртқи кўриниши, гапи силлиқлиги уни таажжублантирди, ораларида, қандайдир, ноаниқ тафовут борлигини сезгандай, ётсирай бошлади; шунинг учун сансирашини қўйиб, кейинги муомалаларида уни «сизлаб» гапирди.

Иккиси гапга тушиб кетди. Отлар шошмай қадам ташларди. Ғарб уфқи лоладай қизарди, зангори булутлар тун қўйнига кириб бормоқда эди. Йўл ёнбошидаги тариқпоя ичида бедана патпалоқ отарди, кундузги шов-шув, тўполон, ташвишлардан қутулган дашт жимжит эди. Йўл Чукаринга ва Кружилинга айриладиган жойда сиренсимон осмон фонида қаққайиб турган мезана кўринарди; унинг қоқ тепасига тўпланган қора-қўнғир булутлар муаллақ осилиб турарди.

— Қаёқдан пайдо бўлдингиз, Степан Андреевич?— суюниб суриштиришга тушди Мишка.

— Германиядан. Мана энди ватанимга қайтдим.

— Нега бўлмаса, ҳамқишлоқ казаклар: «Степан кўз олдимизда ўлди» деган гап тарқатишди?

Степан сиполик билан, саволлар малол келаётгандай, силлиқ жавоб берарди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Икки жойимдан ўқ едим, казаклар бўлса... Казаклар одамми? Мени ташлаб кетишаверди... Асир тушдим... Немислар даволаб тузатишди, ишга юборишди...

— Чамамда, биронта хат ҳам келмади шекилли...

— Қимгаям ёзардим.— Степан сигара қолдиғини ташлаб, ўша заҳоти бошқасини олиб чекди.

— Хотинингиз-чи? Жуфтингиз соғ-саломат юрибди.

— Мен у билан бирга турмасдиму, билсанг керак.

Степаннинг гаплари қуруқ чиқар, унда сираям илиқ оҳанг йўқ эди. Хотини тилга олинганда ҳам у пинагини бузмади.

— Қалай, бегона юртда зерикмадингизми?— Мишка эгар қошига энгашиб олиб, савол беришини қўймасди.

— Олдин зерикдим, кейинчалик ўрганиб кетдим. Турмушим яхши эди.— Бир оз жимиб турди-да, яна давом этди:— Бира тўласи Германияда қолиб, немис фуқаролигига ўтмоқчи ҳам бўлган эдим. Бироқ уйни соғинган эканман, ҳамма нарсадан кечиб, келавердим.

Степан энди қовоғини очиб, биринчи марта кулимсиради.

— Бизнинг бу ерларда нима бўлаётганидан хабарингиз бордир?.. Ўзаро солишяпмиз.

— Ҳа-а-а... эшитдим.

— Сиз қайси йўл билан келяпсиз?

— Франциядан, кемада Марселдан чиқиб,— шунақа шаҳар бор,— тўғри Новороссийскка келдим.

— Сизни ҳам мобилизация қилишар?

— Эҳтимол... Қишлоқда нима янгиликлар бор?

— Янгилик кўп. Айтган билан адо бўлармиди?

— Уйим қулагани йўқми?

— Ҳозирча йўқ, лекин қулай деб турибди...

— Қўшнилар-чи? Мелеховнинг ўғиллари тирикми?

— Тирик.

— Биззи хотиндан нима хабар бор?

— Қадимги жойида, Ягодноеда юрибди.

— Ҳалиям... Григорий биланми?

— Йўқ, Григорий ҳозир қонунийси билан. Аксиньянгиз билан ажрашган...

— Шундай дегин... Эшитмаган эканман.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бирпас жимиб қолишди, Кошевой Астаховдан кўзини ололмасди. У эҳтиром билан уни мақтай бошлади:

— Турмушингиз яхши ўтгани кўриниб турибди, Степан Андреич. Уст-бошларингиз жойида, бойларникидан қолишмайди.

— У ёқда ҳамма озода кийинади.— Степан қовғини солиб, аравакашнинг кифтига қоқди:— Қани, чу де.

Аравакаш қамчисини астагина қимирлатиб қўйди, чарчаган отлар олдинма кетин юлқинди. Ғилдираклар тақирлаб ўнқир-чўнқир жойларда аравани чайқата бошлади, Степан ҳам гапни тамомлаш ниятида, Мишкага тескари ўгирилиб олди-да:

— Қишлоққа кетяпсанми? — деб сўради.

— Йўқ, станицага.

Айрилишда Мишка отни чапга бурди ва узанғида тиккайиб:

— Кўришгунча хайр, Степан Андреич!— деди.

Степан чанг босган шляпасининг четига беш панжасини қилиб, ажнабийлар сингари ҳар бир сўзини чертиб, совуққина:

— Саломат бўлинг!— деб қўя қолди.

VII

Филоново билан Поварино орасидаги фронт чизиғи тўғрилана бошлаган эди. Қизиллар кучларини бир ерга тўплаб, зарба бериш учун енг шимарганди-лар. Казаклар ҳужумни сусайтириб юборишган эди; ўқ-дори танглигини сезиб, вилоят чегарасидан нари ўтишга ҳаракат қилишмасди. Филоново фронтидаги жангларда гоҳ у томоннинг, гоҳ бу томоннинг қўли баланд келарди. Август ойи қисман жимжит ўтди, фронтдан қисқа муддатли отпускага келган казаклар, кузда яраш бўлиши тўғрисида гап юритишарди.

Айни шу кезлари станица ва қишлоқларда ғалла ўрими қизиган эди. Одам етишмасди. Ёлғиз хотин-халаж билан чолларнинг қўли қўлига тегмас, ишни уддалолмай қийналишар эди, бунинг устига, фронтга

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўқ-дори, озиқ-овқат ташиш учун доим: «арава бер, одам бер»лар жонларига теккан эди.

Наряд бўйича Татарск қишлоғидан қарийб ҳар куни Вёшенскаяга беш-олти арава юборилари, бу ерда аравалларга патрон ва тўп ўқлари солинган яшикларни ортишиб, Андропово қишлоғидаги тақсимловчи пунктга жўнатишар, баъзан, арава етишмаса, то Хопер бўйидаги қишлоққа довур элтиб беришга мажбур қилишар эди.

Қишлоқ алғов-далғов, нотинч эди. Ҳамманинг хаёли олисда, фронтда эди, юраклари эзилиб ўз казакларини ўйлашар, ваҳим ичида ҳар куни қора хат кутишарди. Степан Астаховнинг келиши бутун қишлоқни ҳаяжонлантирди: ҳар уйда, ҳар бир хирмон бошида фақат шуни гапиришарди. Ўлдига чиққан, ҳамманинг ёдидан кўтарилган, кампирлар «худо раҳмат қилсин» деб аллақачон попларга дуо ўқитган казак қўққисдан лоп этиб кириб келса-я! Бу мўъжиза эмасми?

Степан Аникушканинг хотининикига тушди, майда-чуйдаларини уйга киргизиб қўйди-да, уй бекаси овқат тайёрлаб бўлгунча, ҳовлисига борди. Оппоқ ой нурига чўмган қўрани одимлаб ўлчаётгандай, анчагача айланди, қулай деб қолган бостирмалар тагига кириб чиқди, уйига разм солиб қаради, четан қозиқларини қимирлатиб кўрди... Аникушканинг хотини пиширган қуймоқ совуб қолган, бироқ Степан ўт босиб кетган қўрасини кўздан кечирарди, бармоқларини қирсиллатиб, дудуқ одамга ўхшаб, ўзидан-ўзи ғўлдирарди.

Казаклар ўша куни кечқуруноқ ҳол-аҳвол сўрагани, асирлик ҳаётини суриштиргани унинг олдига келишди. Аникушканинг меҳмонхонаси хотин-халаж ва болаларга лиқ тўлган эди. Улар зич туриб, анқайганча Степаннинг гапларини тинглар эдилар. Степан, раъйи келмайроқ ҳикоя қилар, қартайган юзи тунд эди. Бирон марта чиройи очилмади. Турмуш уни бира тўла букиб қўйган, у жуда ўзгариб кетган эди.

Эртаси куни азонда, Степан меҳмонхонада ухлаб ётганида, Пантелей Прокофьевич келди. У ўҳў-ўҳўлаб ҳовучига йўталар ва меҳмоннинг уйғонишини кутарди. Меҳмонхона ичидан муздай салқинда зах ер, аччиқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

тамаки, ва узоқ йўл босган одамнинг бижиган ҳиди келарди.

Степан уйғонди: унинг гугурт чақиб, тамаки чеккани эшитилди.

— Кирсак майлими?— деб сўради Пантелей Прокофьевич, амалдор ҳузурига кираётган одамдай, Ильнична зўрлаб кийгизган янги кўйлагининг ғижимларини шоша-пиша тўғрилаб.

— Киринг.

Степан сигарасини сўриб, тутундан кўзларини қисиб, кийинмоқда эди. Пантелей Прокофьевич қўрқаписа остонадан ҳатлаб ўтди-ю, Степаннинг юзи бунчалик ўзгарганини, ипак елкабоғининг йилтироқ тўқаларини кўриб, қоп-қора қўлини узатганча қотиб қолди.

— Салом, ҳамсоя! Ўлмаган қулни...

— Салом!

Степан забардаст кифтларидан елкабоғни ўтказдида, елкасини учирди, сўнгра, сиполик билан қўлини чолнинг ғадир-будур кафтига қўйди. Иккиси бир-бирини наридан-бери қараб чиқди. Степаннинг кўкимтир кўзларида душманлик ўти учқунланарди, Мелеховнинг чақчайган ғилай кўзларида иззату икром билан бир оз масхара аралаш ҳайронлик аломати кўринарди.

— Қариб қобсан, Стёпа... анча қартайибсан, болахон.

— Ҳа, қариб қолдим.

— Ҳамма сени «ўлдига» чиқарувди, Гришканинг арвоҳигаям фотиҳа ўқиб қўювдик...— Бемаҳалда ўғлини тилга олганидан дами ичига тушиб, хатосини ҳаспўшлашга уринди:— Худога шукур, соғ-саломат қайтиб келди... Худойим ўзи меҳрибон! Гришатканиям «ўлдига» чиқариб, худойисини қилиб юрсак, ҳазрати Лазардай, тирик юрган экан. Ҳозир икки болалик бўлди, хотини Наталья ҳам, худога шукур, тузалиб кетди. Яхши хотин чиқди... Хўш, болажон, аҳволинг қалай, тузукми?

— Раҳмат, тузук.

— Каминаникида ҳам меҳмон бўлгин! Келгин, бош устига, гаплашамиз.

Степан йўқ деди, бироқ Пантелей Прокофьевич

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўпкалаб, қистаб қўймагандан кейин, кўнишга мажбур бўлди. Чиқиб ювинди, калта қўйилган сочини тепага қарата таради ва чолнинг: «Қокилингни нима қилдинг? ёки сотиб едингми?— деган саволига кулиб қўйди-да, шляпасини чаққонлик билан бошига илиб, чолнинг олдига тушиб, қўрага чиқди.

Пантелей Прокофьевич ҳаддан зиёд ширин гап, хушмуомала эди. Степан беихтиёр: «Эски аччиқ-аразларни кўнглидан кўтармоқчи...» деган хаёлга борди.

Ильинична эрининг кўз ишораларига амал қилиб, ошхонада югуриб-елар, Наталья билан Дуняшкани шоширар, таомларни дастурхонга ўзи қўярди. Иконалар тагида ўтирган Степан томонга хотинлар ора-сира кўз ташлаб, унинг пиджагини, ғалати ёқасини соатининг кумуш занжирини, *антиқа қилиб таралган сочини* томоша қилишар, таажжубланганликларини яширолмай, илжайишиб, бир-бирларига қараб қўйишарди. Қўра ортидан, лоладай қизарган Дарья кириб келди; уялгансимон кулимсираб, ингичка лабларини этагининг учи билан артди-да, кўзини сузиб тикилди:

— Вой, қўшни, сизмисиз, танимаппан-а! Қазакларга сираям ўхшамай қолибсиз.

Пантелей Прокофьевич, пайтни қўлдан бермай, бир шиша самогонни столга қўйди-да, шиша оғзига тиқиб қўйилган латтани шартта олиб ташлади ва чучмал ўткир ҳидини искаб, мақташга тушди:

— Мазасини тотиб кўр. Қўлбола шароб. Гугурт чақсанг, кўм-кўк бўлиб ёнади, худо ҳақи!

Суҳбат олди-қочди гаплар теварагида айланарди. Степан кўнгли тортмасдан ичарди, лекин оғзига текандан кейин, тезда *кайфи ошиб хийла мулойим бўлди.*

— Эндиликда хотин олишинг керак, қўшнижон.

— Йўғ-э! Эскисини нима қиламан?

— Эскисини... Униси эскирди энди... Эски хотин қиётматгача қаримайди дейсанми? Хотин деган нарса — биядай бир гап: тиши тушгунча минишинг мумкин... Биз сенга ёшгинасини топиб берамиз.

— Ҳаётимиз нотинч... Уйланиш кўнгилга сиғармиди ҳозир... Бир ярим ҳафталик отпускам бор, ундан кейин идорага йўлиқишим керак, ким билади, фронтга жўнатишадими ҳали,— дерди Степан, борган сари кайфи

www.ziyouz.com kutubxonasi

ошиб; у энди ажнабийча чертиб гапиришларини ҳам унутган эди.

Сал ўтмай Степан чиқиб кетди, Дарья хумор кўзлари билан кетидан тикилиб қолди. Уй ичидагилар унинг тўғрисида ҳар хил гаплар гапириб баҳслаша бошладилар.

— Жудаям маданийлашиб кетибди, баччағар! Гапларига қара! Худди ўлпончига ёки унданам каттакон амалдорга ўхшаб гапиради... Борсам, энди тураётганакан, ички кўйлаги устидан олтин тўқалик ипак шлейка тақди денг, ўлай агар рост! Худди отни танғигандай, елкасидан тортиб, то белигача сириб ташлади. Бу нимайкин? Бир балоси бормикин-а? Ўзиям худди олим одамга ўхшабди-қопти,— деб завқланарди Пантелей Прокофьевич; Степан эски адоватни унутиб, уйига кирганига ва ҳазар қилмай, ош-нонини еганига боши осмонга етиб суюнарди.

Гапларига қараганда, Степан аскарлик хизматидан қутулгандан кейин қишлоққа қайтиб келиш, уй ва рўзғорини тиклаш ниятида экани маълум бўлди. Гап орасида етарли пули борлигини ҳам қистириб кетди; пул дарагини эшитган Пантелей Прокофьевич хаёл дарёсига чўмиб, беихтиёр уни ҳурмат эта бошлади.

— *Пули борлиги аниқ.— деди Пантелей Прокофьевич* Степан кетгандан кейин,— дастмоя орттирган-да, муттаҳам. Бошқа казаклар асирдан увадага ўралиб қайтишяпти, бунинг уст-бошига қара... Ё бировни ўлдирган, ё ғазнани урган.

Дастлабки кунлари Степан камдан-кам кўчага чиқар, умрини Аникушканинг уйида ағнаб ўтказарди. Қўшнилар ундан кўз узмай, ҳар бир ҳаракатини кўз тагига олиб юришарди, ҳатто, Степан нима қилмоқчилигини билгилари келиб, Аникушканинг хотинини гапга солиб ҳам кўришди. Бироқ, у лабини буриб, сир сақлаб: «билмайман» деб қутулди.

Аникушканинг хотини Мелеховлардан от олиб, шанба куни эрта саҳар аллақаёққа жўнагандан кейин, қишлоқдаги миш-миш гаплар яна авжига чиқди. Гап нимадалигини ёлғиз Пантелей Прокофьевич сезди. Чол оқсоқ бияни аравага қўшаётиб: «Аксиньяни обкелгани боряпти»,— деб Ильиничнага кўз қисиб қўй-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди. Чол адашмади. Степан Аникушканинг хотинини «Аксиньянинг кўнглини билиб кел-чи: ўтган ишга саловот қилиб, мен билан тургиси борми ё йўқми?» деган топшириқ билан Ягодноега жўнатгани рост эди.

Шу куни Степан ўз оромини, сабру қарорини бутунлай йўқотиб, кечга довур қишлоқда санғиб юрди, не вақтгача Моховлар уйининг зинасида Сергей Платонович ва Цаца билан гаплашиб ўтирди; Германия тўғрисида, у ердаги ҳаёт тўғрисида, Франция ва денгиз орқали қайтганларини сўзлаб берди. Ўзи гапирар, Моховнинг ҳасратларини тинглар, лекин дамбадам безовталаниб соатга қарарди...

Аникушканинг хотини қош қорайганда Ягодноедан қайтди. Ҳовлидаги ёзги ўчоқда кечки овқат ҳаракатига тушди, кутилмаган хабардан Аксинья қўрқиб кетганини, Степан тўғрисида кўп суриштирганини, бироқ қайтишдан узил-кесил бош тортганини гапириб берди.

— Қайтиш зарур кебдими унга? Бойвуччалардай юрибди. Бирам силлиқ бўлиб етилибдики, юзлари оппоқ. Оғир юмушга қўл урмас экан. Тағин нимаси кам? Шундай ясанибдики — ҳайрон қоласан. Иш маҳалидаям эгнида оппоқ қордай юбка, қўллари топ-тоза...— дерди у энтика-энтика, тупукларини ютиб.

Степаннинг бетлари қизарар, ерга боққан кўзларида ғазабу ғам ўтлари гоҳ ёниб, гоҳ яна сўнарди. Қўллари қалтираб қошиқ билан идишдан зўрға қатиқ оларди. Жўрттага шошмасдан савол берар, гапи оғзидан тушиб кетаётганга ўхшарди.

— Демак, турмуши яхши экан-да?

— Яхшиям гапми? Бунақа турмушга ҳаммаям жон дер.

— Мендан гап очдими?

— Бўлмаса-чи! Келганингизни айтишим билан ранглари бўздай оқариб кетди.

Кечки овқатдан кейин Степан ўт босган қўрасига кирди.

Августнинг оқшом пайти бир зумда ўтди-кетди. Салқин тунда олисдан шамол машина парракларининг тақир-туқури, қичқирган овозлар эшитиларди. Хол-хол сарғиш ой шўъласида одамлар «бўл-чи, бўл» қилиб, зўр беришар: кун бўйи янчилган ғаллани шамолда

www.ziyouz.com kutubxonasi

совуришар, қоплаб омборга жўнатишарди. Қишлоқни бошдан-оёқ, янги янчилган буғдой ҳиди ва чори тўпони босиб кетган эди. Майдоннинг аллақайси ёғида ишлаётган буғ молотилканинг дукурлагани, итларнинг акиллагани эшитиларди. Олисдаги хирмонлардан мунгли қўшиқ овозлари келарди. Дондан рутубат кўтарилган эди.

Степан четанга суяниб, кўча ёқдан кўринган Доннинг шўх оқимига, ой шўъласидан дарё устига қияламасига тушган эгри-бугри йилтироқ чизиққа тикилганича қотиб қолди. Сув бети тангадай жимирлашиб ўйнар эди. Доннинг нариги қирғоғидаги тераклар жимжит мудрарди. Степан секин-аста ғам дарёсига ғарқ бўлди.

* * *

Тонг маҳалида ёмғир қуйди, лекин қуёш чиққач булутлар тарқаб кетди, орадан икки соат ўтмай, ҳамма ёқ қуриди; фақат арава ғилдирагига илашиб, из четига чиқиб қолган қуюқ лой палахсаларгина ёмғир ёғиб ўтганини эслатарди.

Степан эрталаб Ягодноега кириб борди. Ҳовлиқиб, отини дарвоза ёнига боғлади-да, шахдам юриб, хизматкорлар турадиган уй томон юрди.

Ўт босган каттакон ҳовлида ҳеч ким йўқ эди. Отхона олдида товуқлар гўнг титишарди. Қулаган четан устида қарғадай қоп-қора хўроз юрарди. У гўё четанда ўрмалаган хонқизларни териб еяётгандай, ёлғондака чўқир ва қуқулаб товуқларни чақирарди. Семиз-семиз тозилар извош турган бостирма ёнидаги сояда дам оларди. Олтита қора-чипор кучукча, биринчи марта туққан ёшгина қанжиқни чалқасига ётқизиб олиб, оёқларини тираб, нимжон эмчакларини тортиб сўришарди. Пан уйининг тунука томи,— кунга терс томони,— қировдан йилтирар эди.

Степан ўнг-сўлига қараб, хизматкорлар уйига кирди ва семиз ошпаз хотиндан:

— Аксиньяни кўрсам бўладими?— деб сўради.

— Ўзингиз ким бўласиз?— деди қизиқсиниб ошпаз хотин чўтир юзидаги терни этагига артиб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Қимлигимнинг сизга кераги йўқ. Аксинья қаерда?

— Паннинг ёнида. Бирпас кутасиз.

Степан ўтирди, роса чарчаган бир кайфиятда, шляпасини тиззасига қўйди. Ошпаз хотин печга қозончаларни қўяр, меҳмонга эътибор қилмай, ҳадеб оташкуракни тақирлатарди. Ошхона ачиган сузма билан хамиртуруш ҳидига тўлган эди. Печь зиҳларини, деворларни, ун сочилган стол устини қорамуғдай пашша босиб кетганди. Степан тиқ этган товушга қулоқ солиб кутарди. Ниҳоят, оёқ товуши келди, юришидан Аксиньялигини билиб, жойида сапчиб тушди. Ўрнидан турди, тиззасидаги шляпа думалаб кетди.

Аксинья бир даста тарелка кўтариб, кириб келди. Юзида на қон қолди-ю, на жон, лўппи лабларининг икки четини қалтироқ босди. У дармони қуриган қўлларидаги тарелкаларни кўксига босиб, чўчиган кўзларини Степандан узолмай, тахта бўлиб қолди. Ниҳоят бир амаллаб, жойидан қўзғалди-да, стол ёнига бориб тарелкаларни қўйди.

— Салом!

Степан уйқудагидай бир текис, шошмасдан, чуқур-чуқур нафас олар, зўраки кулимсираганидан лаблари қитдай очилган эди. У чурқ этмас, сал-пал букилиб, қўлини Аксиньяга узатганича тек турарди.

— Олдин ҳужрага кирайлик...— деб имо қилди Аксинья.

Степан ердан шляпасини оғир юк кўтараётган одамдай зўрға олди, бошига қон қуйиб кўзлари қоронғилашди. Ҳужрага киришиб, иккиси столнинг икки ёғига ўтиришгани ҳамон, Аксинья қақраган лабларини ялаб, ингграб савол берди.

— Қайси гўрдан пайдо бўлдинг?

Степан ғайри табиий шодлик билан, мастлар сингари ғалати қўл силтади. Севинч ва изтироб аралашган ҳалиги кулимсираши ҳали ҳам лабидан кетмаганди.

— Асирликдан... Сени йўқлаб келдим, Аксинья...

Степан жин теккандай шошқалоқлаб қолди, ўрнидан ирғиб турди-да, кичкина бир тугунчани чўнтагидан чиқарди, ўралган латтасини наридан-бери очиб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

қалтироқ панжалари билан кумуш билак соат ҳамда арзон баҳо кўк тош қадалган узук олди... Бу икки нарсани терлаган кафтига солиб, Аксиньяга узатди, бироқ у, ўзини хўрлаб, ноилож илжайиб турган бу севимсиз кишининг башарасидан кўзини олмай тикилиб тураверди.

— Ол, сенга атаб асраган эдим... Умид билан бир ёстуққа...

— Бошимга ураманми буни? Шошма...— деб шивирларди Аксиньянинг қонсиз лаблари.

— Ола қол... кўнглимни ранжитма... Эски аразларни йиғиштиришимиз керак...

Аксинья қўлини қалқон қилиб, ўрнидан турди-да, кичикроқ сўри ёнига борди.

— Сени «ўлди» дейишган эди...

— Ўлсам, суюнармидинг?

Аксинья жавоб бермади; у энди эрини бамайлихотир бошдан-оёқ қараб чиқди, яхши дазмолланган юбкасининг бурмасини бекордан-бекорга силади. Қўлини орқасига қилиб сўради:

— Аникушканинг хотинини сен юборувдингми?.. Мени чақирганмишсан... уйга қайтсин, дебсан...

— Қайтасанми?— деди Степан гапини бўлиб.

— Йўқ,— деди Аксинья қатъий қилиб.— Йўқ, қайтмайман.

— Нега энди?

— Ёлғизликка ўрганиб қолдим, пича вақтиям ўтган... Вақти ўтди.

— Рўзғорни тикласам, деган ниятим бор. Германияда юрганимда ҳам, йўлда ҳам шу тўғрида кўп ўйлаган эдим... Хўш, Аксинья, энди нима қилмоқчисан? Григорий ташлаб кетди... Ёки бошқасини топиб олдингми? Эшитишимча паннинг ўғли билан юрармишсан.. Ростми?

— Рост. Ўша билан топишганман.

— Мен юзингга солаётганим йўқ,— деди Степан гапи малол келишидан қўрқиб.— Бу гапдан оғиз очганимга бошқа сабаб бор: балки, бошинг айланиб, кети нима бўлишига ақлинг етмаётганмикин, дейман... Сен унга умрбод керак бўлмайсан, кўнгилхушлик учун юрибди, холос... Ана, кўзларинг тагига ажин ҳам ту-

www.ziyouz.com kutubxonasi

шибди... Сени ташлаб кетади, ахийри жонига тегасан, ҳайдаб юборади. Иннайкейин, қаёққа борасан? Оқсочлик жонингга тегмадими? Ўзинг ўйлаб кўр... Мен пул орттириб қайтдим. Уруш тамом бўлади, бекамкўст яшаймиз. Яна бирга бўлсак, деб ўйловдим. Эски гапларни унутмоқчи эдим...

— Илгари нега шуни ўйламадинг, азиз дўстим Стёпа?— деб Аксинья севинганидан кўзи ёшга тўлди, кейин стол ёнига келиб, бетма-бет туриб олди.— Ёшгина жонимни қийнаганингда, умримни хазон қилганингда, хўш, нега шуни ўйламадинг? Мени Гришкага топширган сенсан... Кўнглимни муздай совутган ҳам сенсан... Мени не кўйга солганларинг эсингда борми?

— Мен ўтган ишни юзингга солгани келганим йўқ... Сен... Қаёқдан биласан? Балки, мен ҳам, шунинг азобини тортгандирман... Балки, қилмишим эсимга тушиб, пушаймон бўлгандирман...—Степан стол устида чўзилиб ётган ўз қўлларини томоша қилар, тили танглайига ёпишиб қолгандай, гаплари оғзидан зўрға чиқарди.— Сени ўйладим, холос... Юрагим қонга тўлди... Кечаю кундуз хаёлимдан кетмадинг... У ёқда мен бир бева... немис хотин билан турдим... Ҳеч нарсадан камчилигим йўқ эди, баҳридан ўтдим... Уйни соғиниб қолдим...

— Тинчгина яшашни кўзлабсан-да?—деб сўради Аксинья бурнининг катаклари керилиб.— Хўжайин бўлгинг келяптими? Балки, бола кўргинг ҳам келар? Балки кирингни ювадиган, овқатингни пиширадиган хотин ҳам истарсан?— заҳрини сочиб, хунук илжайди.— Бас, энди, худо кўрсатмасин? Мен қариганман, ажинларимга ҳам кўзинг тушибди... Бола туғишни ёдимдан чиқариб юборганман. Бойваччанинг ўйнашиман, ўйнашга бола туғиш расммас... Шунақасига ҳушинг борми?

— Жудаям теринг юпқа бўб қобдими...

— Бўганим шу.

— Демак, йўқми?

— Йўқ, қайтмайман. Йўқ.

— Хайр, омон бўл.— Степан ўрнидан турди, билагузукни қўлида бир-икки айлантирди-да, яна стол ус-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тига қўйди.— Шахтингдан тушсанг, менга хабар қилгин.

Аксинья уни дарвозагача кузатиб чиқди. Анчагача кетидан тикилиб қолди: ғилдираклар остидан отилиб чиққан чанг булути Степаннинг кифтларини кўмиб юборгунча қараб турди.

Аксинья аччиқ кўз ёшлари тўкишдан ўзини тутиб қололмади. У бахти очилмай, рўшнолик кўрмай, ўтган умрига ачиниб, ўқтин-ўқтин пиқирлаб йиғлар, яна барбод бўлган умри учун аза тутарди. Евгенийга ортиқ даркор эмаслигини билгандан кейин, эри келганини эшитиб, уйга қайтишга, поймол бўлган бахтини бошқатдан тиклашга қарор қилган эди... Шунинг учун Степанни кутган эди. Бироқ унинг қулдан баттар бўйин эгиб келганини кўриши биланоқ, Ягодноеда ортиқ бир кун ҳам турмасликка қарор қилган Аксинья яна такаббурликка берилиб, оёғини тиради олди. Аламига чидолмай, тилини тиёлмай қолди. Тортган азоблари, шу одамдан кўрган хўрликлари, унинг гурзидай қўллари эсига тушиб кетди. Лекин ундан ажралишни истамаса ҳам, қилаётган ишига ичи ачишиб, нафаси тиқилиб, оқибати ёмон бўлишини билиб турса ҳам, тили заҳар сочиб: «Йўқ, сен билан турмайман. Йўқ»— дейишини қўймади.

Узоқлашиб кетаётган арава кетидан яна бир марта термулиб қаради: Степан қамчисини ўйнатиб, йўл бўйидаги сиренсимон шувоқзор ичида ғойиб бўлди.

* * *

Эртаси куни Аксинья хизмат ҳақларини олди-да, лаш-лушини йиғиштирди. Евгений билан хайрлашаркан, бир оз кўз ёши қилди:

— Эсингизга тушсам, сўкиб юрманг, Евгений.

— Қўй, ундай дема, жонгинам!.. Сендан кўп миннатдорман.

Евгений хижолатини яширмоқ учун шўх-шўх гапирарди.

Аксинья кетди. Кечқурун Татарск қишлоғига кириб борди.

Степан дарвоза олдида уни кутиб олди.

— Келдингми?— деб сўради у илжайиб.— Бутун-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лайми? Яна ташлаб кетмаслигингга ишонсам бўладими?

— Кетмайман,— деди жўнгина қилиб Аксинья; у қулай деб қолган уйини, бургану шўра босиб кетган қўрани юрак-бағри эзилиб кўздан кечирди.

VIII

Вёшенский полки Дурнов станицаси яқинида чекинаётган Қизил Армия қисмлари билан биринчи марта жанг қилди.

Григорий Мелехов бошчилигидаги сотня тушга яқин, чорбоғлари қаровсизликдан чакалакка айланган кичкина бир қишлоқни ишғол этди. Толлар тагидаги зах жойга, қишлоқ ичидан ариқча бўлиб оқиб ўтган зовур ёнида Григорий казакларни отдан туширди. Билқилдоқ қора балчиқ тагидан қайнаб чиқаётган булоқларнинг чулдураши эшитиларди. Сув муздай эди; казаклар фуражкаларига сув олиб, энтикиб симиришар ва чанқовлари босилгандан кейин уни терлаган бошларига бостириб кийиб олиб, роҳат қилишарди. Иссиқда мудраётган қишлоқнинг қоқ устида қуёш тиккага келиб туриб қолган эди. Жамики кўкатлар, барглар жазирама офтобда шалпайиб қолган, аммо чашма ёнидаги толзор ораси салқин бўлиб, кўм-кўк отқулоққа ва захкаш тупроқда ўсадиган ғалати ўтларга тўлган эди; халқоб жойларда ўсган нилуфарлар сув бетида қиз боладай кулиб турарди; муюлишнинг орқасида чўмилаётган ўрдакларнинг шатир-шутур қанот қоқишлари эшитиларди. Отлар пишқириб сувга интилишар, шалп-шулп балчиқ кечиб, кўлдан чиқиб, булоқнинг ўртасига боришар ва сувни лойқатиб, тумшуқлари билан тозароқ жойни қидиришарди. Осилган лабларидаги олмосдай дона-дона томчиларни иссиқ шамол учириб кетарди. Қўзғалган лою балчиқдан олтингугурт ҳиди кўтарилди, чириган тол илдизларига сув сачраб, ҳамма ёқни чучмал ва хушбўй ис босиб кетди...

Казаклар эндигина отқулоқ орасига ёнбошлаб, тамаки тортишиб, гапга тушган эдиларки, қоровулга чиққанлар қайтиб келишди. «Қизиллар» деган сўзни эшитиши биланоқ ҳамма сапчиб ўрнидан турди. Казак-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лар отларнинг айилини тортишар, яна булоққа бориб сувдонларини тўлдиришар ва: «Бундай ажойиб, ёш боланинг кўз ёшидай тип-типиқ сувни яна кўрамизми, йўқми?..» деган хаёлда қайта-қайта ичишарди.

Йўлга чиқдилар ва булоқдан ўтиб, тўхтадилар.

Қишлоқдан бир чақирим нарида, шувоқ босган қумлоқ дўнг тепасида қизиллар разведкаси кўринди. Саккиз отлиқ секин-аста қишлоққа томон тушиб келаверди.

— Тутиб оламиз! Рухсат этасанми?— деб сўради Митька Коршунов Григорийдан.

Митька ярим взвод казакларни олиб, айланма йўл билан қишлоқ орқасига ўтди; бироқ разведка казакларни пайқаб, қетига қайтди.

Бир соатдан кейин, полкнинг бошқа сотнялари ҳам етиб келгач, қўзғалдилар. Қоровулга чиққанлар, мингга яқин қизил аскар тўғри улар томонга келаётганини хабар қилдилар. Вёшенскийлик сотнялар ўнг томонда келаётган 33-нчи Елано-Букановский полки билан алоқани йўқотиб қўйдилар, лекин шунга қарамай, жанг қилишга қарор қилдилар. Казаклар дўнгдан ошиб, отдан тушдилар. Жиловдорлар, қишлоққа томон қия кетган каттакон жарга отларини яширдилар. Аллақаерда, ўнг томонда разведкачилар тўқнашиб қолиб, жанг бошлаб юбордилар. Қўл пулемётнинг олатасир тариллагани эшитилди.

Сал вақтдан кейин ёйилиб келаётган қизилларнинг сийрак қаторлари кўринди. Григорий ўз казакларини жар тепасига ёйди. Паст-паст буталар ўсиб ётган дўнг бағрида казаклар писиб ётдилар. Григорий пастаккина ёввойи олма тагидан туриб, олисдаги душман цепларига дурбин билан тикиларди. Энг олдинда келаётган икки цеп ва унинг кетида, экини ўрилиб йиғиштириқсиз ётган буғдойпоя ичида қорайган колоннанинг ёйилаётгани унга аниқ кўринарди.

Бўйдор оқ от минган одамнинг,— афтидан командирга ўхшарди,— биринчи саф олдида келаётгани Григорийни ҳам, казакларни ҳам таажжублантирди. Иккинчи қаторнинг олдида ҳам икки киши бир-биридан узоқроқ келишарди. Учинчи қаторга ҳам командир бош бўлди, унинг ёнгинасида ҳилпиллаган байроқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўринди. Сап-сариқ буғдойпоя фонида қизил туғ қитдай қон томчисига ўхшаб йилтирарди.

— Олдинда уларнинг комиссарлари келяпти!— деб ваҳиллади казаклардан бири.

— Қойил! Ботирлик деб мана буни айтадилар!— деб завқ билан хохолаб кулди Митька Коршунов.

— Кўриб ол, йигитлар! Қизиллар мана шунақа бўлади!

Деярли ҳамма казаклар гавдаларини кўтариб, гап сотишарди. Улар кафтларини соябон қилиб тикилиб туришарди. Овозлар ўчди. Ҳамма ёқни ажал ҳиди босиб, қиру жар устини улуғвор ва даҳшатли сукунат булут соясидай секин-аста қоплаб олди.

Григорий кетига қаради. Кўкмак толзорнинг орқа томонида, қишлоқнинг ёнбошида чанг бурқсиб кўтариларди: иккинчи сотня казаклари душманга ёндан ҳужум қилиш учун от қўйган эдилар. Ҳозирчалик булар жар панасида писиб келишар, бироқ тўрт чақирим юргандан кейин дўнгга чиқиб, кўриниб қолишлари муқаррар эди; Григорий орадаги масофани ва сотнянинг қизиллар биқинидан чиқиш вақтини чамалаб кўрди.

Григорий шартта бурилди-да, дурбинни ғилофига солаётиб:

— Етингла-ар!— деб команда берди.

У ўз сафининг ёнига борди. Казаклар чанг босган, офтобдан қорайиб ёғдай йилтираган башараларини унга ўгириб қарадилар. Улар кўз уриштиришиб, ёта бошладилар. «Тайёр бўл!» командасидан кейин милтиқ затворлари шарақлади. Казаклар тепасида турган Григорий фақат чўзилган оёқларни, фуражкаларнинг тепасини чанг босиб, терлаб яғири чиққан кўйлакларининг орқасини-ю, дўппайган куракларни кўрарди. Казаклар эмаклаб пана бўлиш учун қулай жой қидиришга тушдилар. Баъзилари қаттиқ ерни қилич билан кавлаб ҳам кўрди.

Шу аснода қизиллар томонидан эсган шамол ноаниқ қўшиқ садоларини олиб келди...

Қизиллар дам ўнгга, дам сўлга буралиб, чайқалиб саф тортиб келарди. Жазирама иссиқда уларнинг овози эшитиларди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Григорий юраги шиғ этиб, гоҳо дук-дук ура бошлаганини, гоҳо тўсатдан тўхтаб қолаётганини сезди... У илгари ҳам бу куйни эшитган, мокроусовлик матрослар Глубокаяда, ибодат қилаётгандай шапкаларини олиб, кўзларини чақнатиб кўтаринки руҳ билан шу қўшиқни айтганларини кўрган эди. Бирданига ваҳим босган одамдай саросималикка тушиб қолди.

Ёши қайтган бир казак хавотирланиб боши билан имлади:

— Улар нега бўкиришяпти?

Ўнг томонда ётган казак:

— Саловат айтиб келишяпти чоғим,— деб жавоб берди унга.

— Салавот-а, иблисга сиғинишяпти!— деб кулди Андрей Қашулин; у ёнида турган Григорийга хўмрайиб қараб:— Сен-ку, Пантелеич, уларнинг орасида бўлгансан, шу топда нечук қўшиқ айтишларини, балки биларсан? Худо билсин, ўзинг ҳам қўшилиб айтгандирсан?

«...Ерни эгаллашга!..» — деган шодиёна сўзлар олисдан мавж уриб қулоққа бир чалинди-да, даштни яна жимжитлик босди. Казаклар беҳуда суюндилар. Ўртада ётган аллаким хохолаб кулди. Митька Коршунов тоқатсизланиб минғиллади:

— Ҳой, эшитдингизми?! Ерни эгаллагилари кепқобди!..— шундай деб у хунук сўкинди.— Григорий Пантелеич! Рухсат эт, мен ҳув анави отдагини қулатай! Битта ўқ шундан айлансин!

Розилигини кутмасдан отди. Ўқ отлиқни салгина безовта қилди, холос. У отидан тушиб, отини бировга топширди-да, қиличини яланглатиб, саф олдига ўтди.

Казаклар ўқ уза бошладилар. Қизиллар ётиб олишди. Григорий пулемётчиларга ўт очишни буюрди. Пулемётлардан икки марта ўққа тутилгандан сўнг қизилларнинг биринчи сафи туриб олға югурди. Ўн саржин чамаси силжиб, яна ётди. Григорий қизил аскарлар белкурак билан ер қазиб, ўзларини панага олишаётганини дурбинда кўриб турарди. Уларнинг устида кўкиш чанг кўтарилди, саф олдида, суғур ини олдида тупроқ уюмларига ўхшаш кичик-кичик тепаликлар

www.ziyouz.com kutubxonasi

пайдо бўлди. Ўша ердан қизиллар баб-баравар ўт очдилар. Отишма қизиб кетди. Жанг тез тугамайдиганга ўхшаб қолди. Бир соатдан сўнг казаклар талафот кўра бошладилар: бир киши ўқ еб, тил тортмай ўлди, учтаси ярадор бўлиб, эмаклаганча жарга — жиловдорлар ёнига тушиб кетди. Иккинчи сотня жон-жаҳди билан, қизилларнинг ёнбош томонидан от қўйди. Бироқ қизиллар пулемётдан ўт очиб ҳужумни қайтардилар. Казаклар ваҳимага тушиб отларни кетига бурдилар, гоҳ тўпланиб, гоҳ ёйилиб қочишга тушдилар. Чекиниб бориб яна сафларини тузатдилар, қийқириқсиз, индамасдан яна от қўйдилар. Лекин бу гал ҳам пулемётнинг шиддатли ўқидан, шамол баргларни учиргандай ҳар ёққа тўзиб кетдилар.

Бироқ, устма-уст ҳужумлар қизил аскарларнинг тинкасини қуритди, олдинги сафдагилар аралаш-қуралаш бўлиб ортга чекинди.

Григорий ўқ узишни тўхтаттирмай казакларни турғизди. Улар тик туриб, олға юрдилар. Ҳозиргина ваҳима босиб, саросималикда ётган одамлар энди ўзига келган эди. Тўпларнинг айни вақтда етиб келиши ҳам уларнинг руҳини кўтарганди. Биринчи тўпчи взвод ўт очиш маррасига ўрнашиб олиб, ўт очди. Григорий отларни келтириш учун жиловдорларга одам юборди. У ҳужумга ўтишга тайёрланмоқда эди. Ёввойи олма тагида учинчи тўп передокдан туширилмоқда эди. Боя Григорий шу олма тагида дурбин билан қизилларни кузатган эди. Торгина галифе шим кийган офицер тўп ёнига югуриб бориб ивирсиган одамларга чинқирар, қамчиси билан этигининг қўнжига савалаб:

— Судрасанг-чи! Бўл! Ҳа, арвоҳ урсин санларни!..— деб койир эди.

Назоратчи билан старший офицер тўп турган жойдан ярим чақирим нарида отдан туриб, чекинаётган қизиллар қаторига дурбин билан тикилишарди. Телефончилар батарея билан кузатиш пункти орасига сим торта бошладилар. Батарея командири — кекса ясовул йирик-йирик бармоқлари билан дурбин мурватини ҳовлиқиб бурар эди (бармоқларидан бирида олтин никоҳ узуги ярақлаб кўринарди). У бекордан-бекорга биринчи тўп ёнида ивирсиб юрарди, ўқ визилласа,

www.ziyouz.com kutubxonasi

бошини чайқатар ва ҳар гал қаттиқроқ қимирлаганида ёнидаги эски сумкаси силкинарди.

Гумбурлаган қасира-қусур товуш кетидан Григорий, дастлабки тўп ўқининг бориб тушган жойини кўздан кечирди-да, бурилиб қаради: тўпчилар кучаниб, хириллашиб, замбаракни силжитмоқда эдилар. Мўлжал учун отилган биринчи ўқ, ўриқсиз ётган буғдойпояни қийратди, оппоқ бўлиб бурқсиб кўтарилган тутун кўм-кўк осмонда шамол тарқатиб юбормагунча қалқиб турди.

Пайҳон қилинган буғдойзорнинг орқа томонини тўртта тўп галма-гал ўққа тутарди, лекин бу тўпвозлик Григорий кутганча натижа бермади,— қизиллар сафида саросималик туғдирмади,— улар шошмасдан, тартибли суратда чекинмоқда ва тепадан ошиб казаклар кўзидан ғойиб бўлмоқда эдилар. Григорий эндиги ҳужумнинг нафи йўқлигини тушунса ҳам, батарея командири билан гаплашиб кўришга қарор қилди. У, лапанглаб командир олдига келди, офтобда куйиб, сарғайиб кетган жингалак мўйловининг учини чап қўли билан силаб, дўстона илжайди:

— Ҳужум қилсаммикан девдим.

Ясовул ҳафсаласи пир бўлган одамдай бош чайқади:

— Ҳужумга бало борми!— у козирёги остидан қуяётган терни кафтининг сирти билан артиб олди.— Тартиб билан чекинишларини кўряпсизларми? Хомтама бўлманг! Қайтага кулги бўлганимиз қолади, уларнинг шу қисмларидаги ҳамма бошлиқлар кадр офицерлардан. Менинг ўртоғим, аскар старшинаси Серов ҳам ўшалар орасида...

— Қаёқдан биласиз?— Григорий ишонмасдан қошини чимирди.

— Қочиб ўтганлар айтди... Ўт очиш тўхтатилсин!— деб буюрди ясовул ва ўзини оқламоқчи бўлгандай изоҳ берди:— Отишнинг фойдаси йўқ, ўқимиз ҳам оз... Сиз Мелеховмисиз? Танишайлик: Полтавцев.— У терлаган, куракдай дастпанжасини Григорийга тутқизди ва дарров, эпчиллик билан қўлини сумкасига тиқиб, папирос олди:— Марҳамат, чекинг!

Жиловдорлар отларни дукурлатиб жардан етаклаб

www.ziyouz.com kutubxonasi

чиқдилар. Тўплар тагликларга ўрнатилди. Григорий ўз казакларини отга миндириб, дўнгдан ошган қизиллар кетидан кетди.

Қизиллар нариги қишлоқни ишғол этдилар, лекин қаршилик кўрсатмасдан ташлаб кетдилар. Вёшенскийлик уч юз казак ва тўпчилар шу қишлоққа жойлашдилар. Қишлоқ аҳолиси қўрққанидан уйдан чиқмасди. Казаклар овқат ахтариб, қўрама-қўра изғиб юришарди, Григорий энг чеккадаги якка қўрғон ёнида отдан тушди ва ҳовлига кириб, отини зина олдига боғлади. Уй эгаси, кекса казак каравотда инграб ётар, муштдайгина бошини қўярга жой тополмай, кир ёстуқда у ёқдан-бу ёққа думалар эди.

— Тобинг йўқми?— деб кулимсиради Григорий сўрашиб бўлгандан кейин.

— Касал-ал-ман...

Чол ўзини касалликка солди, лекин кўзларининг бежо аланглашига қараганда касаллигига ҳеч ким ишонмаганини ўзи ҳам пайқаган эди.

— Казакларга овқат берасизми?— қатъий талаб этди Григорий.

— Неччи кишисиз?— кампири печь ёнидан қўзғалди.

— Бешта.

— Майлига, киринглар, борини қўяман, баҳам кўрасиз.

Григорий казаклар билан овқатланиб, кўчага чиқди. Тўплар жангга тайёр ҳолда қудуқ олдида турарди. Отлар бошига илинган тўрваларини силкитиб ем еярди. Жиловдорлар билан тўпчилар офтобдан қочиб, ўқ солинган яшиклар соясида, тўплар ёнида ўтиришар, баъзилари ёнбошлаб ётишарди. Тўпчилардан бири ерга бағрини бериб, оёқларини чалиштириб ётар ва уйқусида кифтини қоқарди. Олдин у салқинда ётган бўлса керак, лекин ҳозир соя кетиб, чўпу чор ёпишган жингалак сочлари офтобда қолган эди.

Отларнинг териси қайиш абзал остида жиққа ҳўл бўлиб, кўпириб терлаганидан йилт-йилт қиларди. Офицерлар ва жиловдорлар минадиган отлар четан деворга боғланганича, оёқларини букиброқ, бошини солинтириб турарди. Чанг босган, терга пишган казаклар

www.ziyouz.com kutubxonasi

чурқ этмай дам олишарди. Батарея командири билан офицерлар қудуқ тахтасига суяниб ерда ўтиришар, папирос чекишарди. Улардан сал нарироқда, қуриган ажриқ устида олти казак оёғини олти ёққа қилиб, юлдуз шаклида ётарди. Улар челакдан қатиқ ичишарди, аҳён-аҳёнда биттаси қатиқ аралаш оғзига илашган арпа донини четга тупурарди.

Офтоб аямай куйдирарди. Дўнггача чўзилган қишлоқ кўчаларида ҳеч ким кўринмасди. Казаклар омборхоналар соясида, бостирма тагида, четан девор ёнларида, отқулоқ соясида ухлар эдилар. Четан деворга боғланган эгарлоғлиқ отлар иссиқдан шалпайиб мудрашарди. Қамчисини зўрга қимирлатиб отлиқ казак ўтиб кетди. Кўча чўл-биёбондаги йўлдек ҳувиллаб қолди, ундаги яшил рангга бўялган тўплар, йўл азоби ва кун иссиғидан ҳориб-толиб ухлаётган одамлар мутлақо кераксиз ва тасодифий нарсага ўхшарди.

Григорий ўзини ҳеч ерга сиғдиролмай, энди уйга кирмоқчи бўлиб турганда кўча бўйлаб келаётган уч отлиққа — бошқа сотнялик казакларга кўзи тушди. Улар ўнга яқин қизил аскарни ҳайдаб келишарди. Тўпчилар ҳовлиқишиб, уст-бошларининг чангини қоқиб, тура бошладилар. Офицерлар ҳам турди. Қўшни ҳовли ёқда аллаким суюниб қичқирди:

— Йигитлар, асирларни обкелишди!.. Ишонмайсизми? Худо урсин!

Казаклар кўзларини ишқалаб, шоша-пиша кўчага чиқдилар. Асирлар яқин келди, булар терлаб, бижиб кетган, бошдан-оёқ чангга беланган саккизта ёш йигит эди. Казаклар уларни ўраб олишди.

Батарея командири асирларга совуққина назар ташлаб:

— Буларни қаерда қўлга туширдингиз?— деб сўради.

Ҳайдаб келган казаклардан бири мақтаниб кетди.

— Ўлгидай шуди йўқ одамлар экан! Буларни биз қишлоқ четидаги кунгабоқар орасидан тутиб олдик. Бедана калхатдан яширингандай, писиб ётишган экан. От устидан кўриб қолиб, роса қувладик-да! Биттасини ўлдирдик...

Қизил аскарлар қўрқиб, бир-бирларига суқилдилар. Ур калтакка қолиш, ваҳшиёна жазоланишдан

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўрқаётганлари аниқ эди. Кўзлари жавдираб, казаклар юзига тикиларди. Фақат битта ёши каттароғи, салпал ғилай қора кўзларини катта очиб, бошлар оша нафрат билан тикилар ва қонаган лабларини чирт юмиб турарди. Унинг бетларини офтоб урган, ёноқ суяклари бўртиб чиққанди, эгнида шўрлаб кетган гимнастёрка, оёғида титилиб кетган ўрама пайтава бор эди. У чорпаҳилдан келган, кенг яғринли одам эди. От ёлидай қаттиқ ва тим-қора жингалак сочлари устида чалпакнусха яшил фуражка, фуражкада Герман уруши вақтида тақилган бўлса керак, кокарданинг изигина қолган эди. У эркин турар, тирноқларида қон қотиб қолган йўғон бармоқлари билан ички кўйлагининг тугмасиз ёқасини ва қоп-қора жун ўсган қиррадор лўкидонини силарди. Сиртдан парвойи фалак одамга ўхшаб кўринса ҳам, кериб турган ўрама пайтавалик оёқлари совқотгандай секин-аста қалтирарди. Қолганларининг қути ўчиб туришарди. Ёлғиз шу одам бошқалардан ажралиб турар, келишган қадди-қомати, жасоратли мўғулча юзи диққатни жалб этарди. Эҳтимол, шунинг учун батарея командири унга мурожаат қилиб савол берди:

— Сен ким бўласан?

Қизил аскарнинг тим-қора кичкина кўзлари чақнади, кўз очиб юмгунча бутунлай ўзига келиб олди,

— Қизил аскар. Русман.

— Қаерликсан?

— Пензалик.

— Кўнгиллимисан, газанда?

— Йўқ. Эски армияда старший унтер-офицер эдим. Ўн еттинчи йилда қизилларга қўшилганман, ўшандан бери то шу дамгача...

Ҳайдаб келганлардан бири гапга аралашди:

— Бизга ўқ узди, бу газанда!

— Ўқ узди?— ясовул юзларини бужмайтирди, рўпарасида турган Григорий билан кўз уриштириб, асирни имлаб кўрсатди:— Буни қара!.. Отдингми-а? Сен нима, қўлга тушарман деб ўйламадингми? Сени ҳам ҳозир обчиқиб отсак нима дейсан?

— Ўқ узиб қутулмоқчи эдим...— Қалтакдан ёрилган лаблари кечирим сўрагандай илжайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Доғулилигини қара! Ундай бўлса, нега қутулмадинг?

— Ўқим тамом бўлди.

— Ҳа-а-а...— ясовулнинг кўзлари олайса ҳам, солдатни бошдан-оёқ завқ билан томоша қилиб чиқди.— Хўш, сиз қаерликсиз, итваччалар?— деб сўради у қолганларга шўх-шўх тикилиб ва овозини бутунлай ўзгартиб.

— Биз мобилизация қилинганмиз, жаноби олий, Саратовдан... Балашовдан...— деб нолиб кетди кўзларини пирпиратиб, новча, бўйни қилтириқ йигит, малла ранг патак сочларини қашлаб.

Григорий кўк форма кийган йигитларни, уларнинг қишлоқи башараларини, пиёда аскарга хос хароб аҳволини ичи ачишиб томоша қиларди. Ёлғиз ҳалиги мўғул башара кўнглига ёқмаган эди. Масхара қилиб, заҳрини сочиб, ўшани гапга солди:

— Отганимга иқрорман дегин? Сен ҳеч бўлмаганда, қизилларда ротани тебратгандирсан? Командирмисан? Коммунист? Ўқим тамом бўлди дедингми? Шу қилмишинг учун биз сени қилич билан тилимласак, қалай бўларкин?

Қизил аскар милтиқ қўндоғи мажақлаган бурнини чимириб, дадил жавоб берди:

— Мақтаниш учун бўйнимга олганим йўқ. Нимасини яшираман? Отдим, демак, иқрор бўлиш керак... Тўғрими ахир? Лозим топсангиз... ўлдиринг. Мен сизлардан...— яна кулимсиради,— яхшилик кутмайман, чунки, сизларни бекорга казак деган эмас.

Гапи маъқул тушиб, ҳамма илжайди. Григорий солдатнинг бамаъни мулоҳазаси ва ёқимли овозидан таъсирланиб четга чиқди. Асирлар сув ичгани қудуқ томонга кетдилар. Взвод-взвод бўлиб саф тортган пиёда аскарлар тор кўчадан чиқа бошлади.

IX

Полк кейинчилик илон изи фронт йўлларида кезиб юрганда, узлуксиз жанг қилган пайтларда Григорий ҳар гал душман билан тўқнашганида, унга бевосита яқинлашганида ана шу қизил аскарларга, ана шу ажойиб рус солдатларига нисбатан кўнглида бўлган

www.ziyouz.com kutubxonasi

зўр ҳиссиётдан, уларнинг қандай одамлигини билгиси келаверганидан — кўнгли безовта бўлишини аниқ сезар ва улар билан нега урушаётганини тушунолмай боши қотарди. Гўё тўрт йиллик урушнинг биринчи кунларидаги содда, лақма хаёлларидан ҳали ҳам қутулмаганга ўхшар, худди, Лешнюв ёнидаги қўрғондан туриб биринчи марта австро-венгер аскарларини ва араволарини томоша қилган пайтидагидай: «Бу қандай одамлар? Ким булар?»— деган саволлар унга тиним бермасди. Гўё, умрида ҳеч нарса кўрмаганга, ҳатто Глубокая ёнида Черенцов отрядига қарши жанг қилганини ҳам унутганга ўхшарди. Лекин у вақтда душман кимлигини, уларнинг турқи-атворини Григорий яхши биларди, уларнинг кўпчилиги донлик офицер, казаклар эди. Аммо бу ерда аллақандай бошқачароқ одамлар билан — рус солдатлари билан урушишга тўғри келарди, булар ёппасига кўксини қалқон қилиб, Совет ҳукуматини ҳимоя қилишар, Григорийнинг назарида, казакларнинг бутун еру сувини тортиб олишга интилишаётгандай туюларди.

Григорий бир куни қўққисдан сойдан чиқиб келаётган қизил аскарларга рўпара келиб қолди. У бир взвод казакни олиб, разведкага чиққан эди; сой икки ёққа ажралган жойга етганда ғовур-ғувур русча гаплар, шитир-шитир оёқ товушлари бирдан қулоғига кирди. Бир неча қизил аскар — биттаси хитой эди — жар тепасига чопиб чиқишди ва казакларни кўриб анқайганча қотиб қолишди.

— Казаклар!— деб биттаси қўрқув аралаш хириллаб бақирди-ю, қулади.

Хитой ўқ узди. Ўша заҳоти ҳалиги йиқилган одам лаби лабига тегмай энтикиб, яна чинқира бошлади:

— Ўртоқлар! «Максимка»ни обчиқ! Казаклар!..

— Бўлсанг-чи, ахир! Казаклар!..

Митька Коршунов хитойни наган билан отиб қулатди ва отини шартта буриб, Григорийнинг отини суриб, олдинга ўтиб олди-да, жиловни силтаб, қиялама жар ёқаси билан илон изи қилиб ура қочди. Унинг кетидан бошқа казаклар ҳам бири-биридан ўзиб, қоч-қочга тушдилар. Пулемёт ортларидан сайраб қолди, ўқлари жар ёқасида ўсган тоғолча ва қорақат барг-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларини шипириб кетди, сой тошларининг титиғини чиқариб юборди.

Яна бир неча марта Григорий қизиллар билан бетма-бет тўқнаш келди, казаклар ўқидан қизил аскарларнинг таппа қулашларини ва бегона ерларда жон беришларини кўп кўрди.

Бора-бора Григорийнинг кўнглида большевикларга қарши ғазаб уйғонди. Чунки у: «тинч ҳаётимни шулар бузди, еримдан, тирикчилигимдан шулар бездирди» деб гумон қиларди. Бошқа казаклар ҳам шу хаёлга мубтало бўлганини у билиб турарди. Бу урушнинг бунчалик чўзилишини ҳаммаси большевиклардан, вилоят тупроғига уларнинг бостириб кирганидан кўрарди. Мана шу ярми ўрилиб, ярми ўриқсиз қолиб кетган, от туёқлари тагида топталиб ётган буғдойзорларга қараган сари, ҳар қайсиси эгасиз қолган ўз хирмонини, ўз экинзорини эслар ва уйда куйиб-пишиб, дармони қуриб ишлаётган хотин-халажни кўз олдига келтириб баттар ғазаби қўзир, юраги тошга айланарди. Баъзан жанг пайтларида Григорийнинг назарида, мана шу тамбовлик, рязанлик, саратовлик мужик душманлари ҳам худди шу ниятда ер талашиб жанг қилаётганга ўхшарди. «Қайлиқ талашганда ҳам бунчалик бўлмас...»— деб ўйларди Григорий.

Асир олиш камайиб кетди. Асир тушганни ваҳшиёна ўлдириш расм бўлди. Фронт бўйлаб талончилик авжига чиқди; большевикларга хайрихоҳ деб гумон қилинганларни, қизил аскар оилаларини талашар, асирларни қип-яланғоч тунаб олишарди...

Дуч келган нарсадан қайтишмас: оту аравадан тортиб, мутлақо кераги йўқ буюмларни ҳам олаверишарди. Казаклар ҳам, офицерлар ҳам бир-бирларидан қолишмасдилар. Аравадан истаган нарса топиларди. Кийим-кечак, самовар, тикув машина, от абзали. Ишқилиб, кўзга илинадиган ҳамма нарса аравага ортилганди. Аравалардаги ўлжалар уйларига юборилади. Қавм-қариндошлари ўқ, озиқ-овқат ортиб бажону дил бу ерга келишар, талаб олинган буюмларни араваларига босиб қайтишарди. Хусусан отлиқ полкдагилар ҳаддан ошган эдилар. Пиёда аскарда ёлғиз халтадан бошқа буюм қўядиган жой қайда. Аммо от-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лиқ аскарнинг йўли бошқа, хуржунга, эгар қошига, бўктармага жойлаб олавергандан кейин остидаги жонивор ҳарбий отга эмас, юк ортган уловга ўхшайдиқолади. Шоввозлар жуда бебош бўлиб кетди. Казакларни урушга қизиқтирган, олға судраган энг муҳим куч таланчилик эди. Григорий буни ўтган урушларда қатнашган қарияларнинг ҳикоясидан билар, ўз тажрибасида ҳам кўрган эди. Германия билан уруш кетаётган ўша кезларда, полк Пруссия ичкарисида юрган кунларда, бригада командири, номи чиққан генерал, ўн икки юз казакни саф қилиб, қир тагига жойлашган кичкина шаҳарчани қамчиси билан кўрсатиб:

— Олсангиз, икки соатгача шаҳарни ўзларингга қўйиб бераман. Лекин икки соатдан кейин ким қўлга тушса, отиб ташлайман!— деган эди.

Лекин бу корибад Григорийнинг мижозига тўғри келмасди. У фақат ейдиган овқат ва отига ем оларди, холос. Бировнинг нарсасига қўл теккизишга ҳазар қилар, олган одамдан нафратланар эди. Айниқса у, казаклар казакларни талашига чидолмас: бу ўтакетган шармандагарчилик, деб тушунарди. Ўз казакларини у қаттиқ тергади. Унинг одамлари камдан-кам таланчилик қилишар, қилганда ҳам буни унга билдирмасдилар. У асир тушганни ечинтиришга, отиб ўлдиришга йўл бермасди. Ундаги ҳаддан зиёд раҳмдиллик казаклар ва полк бошлиқлари орасида норозилик туғилишига сабаб бўлди. Изоҳ бериш учун уни дивизия штабига чақиртирдилар. Амалдорлардан бири дағаллик билан унга бақира бошлади:

— Сен нега казакларни бузяпсан, хорунжий? Нега мунча либераллик қиласан? Ҳар эҳтимолга қарши ўзингни раҳмдил қилиб танитмоқчимисан? Эски қилиғинг қўзиб, иккиюзламаликка ўтиб олдингми?.. Нега сенга бақириб бўлмас экан?.. Бас, гап аралаштирма! Интизомни билмайсанми? Нима, бўшатиб қўяйликми? Бўшатамиз ҳам! Буюраман, шу бугуноқ сотняни топшир! Ҳа, жудаям ҳаддингдан ошма, ука!..

Ойнинг охирида полк ёнбош томонда келаётган 33-нчи Елан полкининг сотняси билан биргаликда Гремячий Лог қишлоғини ишғол этди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Жар тагида тол, сандип, терак аралаш узунасига кетган қалин дарахтзор, ён бағирда ўттизга яқин оппоқ уй жойлашган, атрофи сой тоши билан ўралиб, пастак девор олинган. Қишлоқ ортидаги дўнгда эски шамол тегирмон бор, қаёқдан ел турса ҳам ишлайверади. Тепа орқасидан бостириб келаётган оппоқ булутларнинг қорамтир қанотлари қийшайган бут шаклида қотгану қолган. Ҳаво булут, дамба-дам ёмғир қуярди. Жар ичида шамол ўйнар, сарғайган дарахт барглари шитирлатиб учириб юрар эди. Сершох қизил тол қип-қизил бўлиб товланади. Хирмонларда уйилиб ётган сомонлар йилтирайди. Чучмал ҳид анқиган ер бетини хазон босиб ётибди.

Григорий ишбоши кўрсатган уйга ўз взводи билан жойлашди. Уй эгаси қизилларга қўшилиб кетган эди. Тўладан келган кампир билан бўйи етмаган қизи казакларга манзур бўлиш учун югуриб-елиб хизмат қила бошладилар. Григорий ошхонадан меҳмонхонага ўтиб, уй ичига назар ташлади. Бу оиланинг ўзига тўқ яшагани кўриниб турарди: поллари бўялган, столстул, тошойна, деворларида ҳарбийларнинг суратлари, қора рамкада мактабдан берилган шаҳодатнома осиғлиқ. Григорий ивиган чакмонини печь ёнига осиб қўйди-да, тамаки ўради.

Прохор Зиков кирди, милтиғини каравотга суяб, бепарволик билан хабар қилди:

— Аравакашлар келди. Дадангиз ҳам бор, Григорий Пантелевич.

— Йўғ-э?! Валдирама!

— Рост. Уникидан бошқа, бизнинг қишлоқдан яна олтитача арава бор. Чиқиб кутиб ол!

Григорий шинелини елкасига ташлаб, уйдан чиқди.

Пантелей Прокофьевич отларни етаклаб, дарвозадан кириб келаверди. Арава устида хонаки чакмонга ўралиб, Дарья ўтирарди. Тизгин унинг қўлида эди. Ивиган чакмонининг бошлиғи тагидан Дарьянинг кўзлари йилтирар, Григорийга кулиб боқарди.

— Нучук худо ярлақади, ҳамқишлоқ?— деб кулди отасига Григорий.

— Ҳа, болам, тирикмисан? Меҳмонга келдик, шунинг учун сўрамасдан кириб келяпмиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Григорий бора солиб отасини қучоқлади ва пастромкаларни еча бошлади.

— Қутмаган бўлсанг керак, Григорий?

— Йўқ.

— Бизгаям арава солишганакан... Зўрлаб юборишди. Сизларга тўп ўқи обкелдик, ишқилиб, урушни бўшатманглар.

Отларни чиқараётиб, ота-бола у ёқдан, бу ёқдан гаплашишарди. Дарья егулиқ овқатларини ва от емини аравадан туширарди.

— Сен нега келдинг?— деб сўради Григорий.

— Отамга қарашиб келдим. Тоби йўқ, Спасдан бери ўзига келолмайди. Онам мени қўшиб юборди: бир гап бўлса, бегона ёқларда ёлғиз қолкетмасин деб қўрқди...

Пантелей Прокофьевич отларга кўм-кўк ва хушбўй пичан солди-да, Григорийнинг олдига борди, касалликдан қизарган кўзларини ола-кула қилиб, хириллаб, шивирлаб сўради:

— Хўш, ишлар қалай?

— Тузук. Урушяпмиз.

— Қазаклар чегарадан нари чиқмаймиз деганмиш. Тўғрими шу?

— Қуруқ гап...— деб мужмал жавоб берди Григорий.

Чол аразлагансимон чалакам-чатти гапириб кетди:

— Бу қандай гап, йигитлар? Бу нимаси, а? Қарияларсизларга ишонади... Сизлардан бошқа юртимиз Донни ҳимоя қиладиган кимимиз бор? Эндики сизлар, худо кўрсатмасин, урушдан бош тортадиган бўлсангиз... Бу қандай кўргилик? Аравакашларинг бўлмаҒур гапларни тарқатиб юришибди... Ғаломуслик қилишяпти, итваччалар!

Уйга киришди. Қазаклар тўпландилар. Олдин қишлоқ янгиликлари атрофида гап борди. Дарья уй бекаси билан шивирлашиб олгандан кейин халтани ечди, олиб келган овқатларини дастурхонга қўйди.

Пантелей Прокофьевич пахмайган соқолини мугиз тароқ билан тараётиб сўради:

— Сени юзбошиликдан бўшатишибди деб эшитдим, тўғрими?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Мен ҳозир взвод командириман.

Григорийнинг бепарволик билан берган жавоби, чол юрагига пичоқдай санчилди. Пантелей Прокофьевич пешонасини тириштириб, оқсоқланиб стол ёнига борди-да, шоша-пиша чўқинди ва чакмон этаги билан қошиқни артиб ўпкалагансимон сўради:

— Бунчалик қаттиқ кетишганининг боиси нима? Ёки бошлиқларингни хафа қилдингми?

Казаклар олдида Григорий бу гапдан оғиз очгиси келмай, аламига чидолмай кифтини қисиб қўйди.

— Янги одам келди... Маълумотли экан.

— Сен хизмат нималигини уларга кўрсатиб қўй, ўғлим! Одамнинг қадр-қимматини тезда билиб олишади! Ҳо, маълумотлиги керак бўлиб қобди-да! Мен Германия урушидан шундоғ билимдон бўлиб қайтганманки, унча-мунча кўзойнакликни бир чўқишда қочираман!

Чол аччиғланар, Григорий бўлса юзларини буриштирарди, атрофдагиларга кўз қирини ташлаб: «казаклар куляптимикин?» деб хижолат бўларди.

Амалдан пастлатилгани учун Григорий хафа бўлгани йўқ. У сотняни бажону дил топширди, чунки, ҳамқишлоқларининг ҳаёти учун жавобгарликдан қутулганини тушунарди. Шундай бўлса ҳам, кўнгли бир оз ранжиган эди, отаси шу тўғрида гап қўзғаб, ярасига баттар туз сепди.

Уй бекаси ошхонага чиқиб кетди, Пантелей Прокофьевич ҳамқишлоғи Богатиревнинг келишидан фойдаланиб ва унга суяниб, яна бояги гапни қўзғади:

— Демак, ростданам чегарадан нари чиқмаймиз деган хаёлдамисизлар?

Прохор Зиков бузоқ кўзларини пирпиратиб илжаяр, чурқ этмас эди. Митька Коршунов печь ёнида чўққайиб олиб, бармоқларини куйдириб, тамакисини сўрарди. Қолган уч казак сўрида ёнбошлаб ётарди. Богатирев хафа бўлиб қўл силтади-да, йўғон овоз билан:

— Ундай гапларга барибир булар парво қилмайди. Оламни сув босса, тўпиғига чиқмас...— деди.

— Чегарадан нари чиқиш зарурми?— деб сўради

www.ziyouz.com kutubxonasi

ювошгина касалманд казак Ильин.— Нега кераг-а? Менинг хотиним ўлган, болаларим етим қолган, бекорга ўлиб кетаверсам бўлар экан-да...

— Қазаклар юртидан душманни суриб чиқарамиз-у, ўй-уйимизга кетаверамиз!— деб унинг гапини тасдиқлади иккинчи казак.

Митька Коршунов кўзлари билангина кулди, ингичка майса мўйловини буради.

— Менга қолса, яна беш йил урушавераман. Ишқибозман!

— Чиқларинг!.. Отни эгарла!..— деган овоз келди ҳовлидан.

— Ана кўрдингизми?— деб аламзадалик билан хитоб қилди Ильин. — Кўряпсизми, оталар! Уст-бошимиз қуримай туриб чиқларинг! дейишади. Яна позицияга жўнатишади чоғим. Сиз бўлсангиз чегара дейсиз. Чегарани ким қўйибди! Уйга қайтиш керак! Сулҳ тузишга ҳаракат қилиш керак, сизни қаранг-ку...

Ёлғондакам тревога кўтарилгани маълум бўлди. Григорий дарғазаб бўлиб, отини ҳовлига етаклаб кирди, бекордан-бекорга унинг човига этиги билан тепди ва кўзларини ўқрайтириб бақирди:

— Жин тегдими, бадбахт? Оёгингга қараб юр!

Пантелей Прокофьевич эшик олдида тамаки тортар эди. Қазаклар кириб бўлгандан кейин:

— Нима экан?— деб сўради.

— Тревога!.. Подадаги сигирларни қизиллар деб гумон қилишибди.

Григорий шинелини ечиб, стол қошига ўтирди. Қазаклар инқиллаб ечинишар, қиличларини, милтиғу ўқдонларини курсига ташлашарди.

Ҳамма ётгандан кейин, Пантелей Прокофьевич Григорийни ҳовлига чақирди. Ота-бола зинапояга ўтирдилар.

— Сен билан гаплашмоқчи эдим.— Чол Григорийнинг тиззасига туртиб шивирлади.— Ўтган ҳафта Петронинг олдига борган эдим. Уларнинг йигирма саккизинчи полки ҳозир Қалач ёнида... Ишқилиб, қуруқ қайтмадим, болам. Петро — чакки бола эмас: рўзғор нималигини яхши билади! Менга бир қоп

www.ziyouz.com kutubxonasi

кийим-кечак, битта от, анчагина қанд берди... Бинойидай от...

— Шошма!— деб шартта гапини бўлди Григорий, отаси нимага шама қилаётганини фаҳмлаб,— менинг олдимга ҳам шунинг учун келдингми?

— Хўш?

— Нима, хўш?

— Ҳамма оляпти-ку, Гриша...

— Ҳамма, оляпти эмиш!— деб такрорларди Григорий ғазабидан бошқа сўз тополмай.— Ўзингизники камми? Хаҳ, сурбетлар! Герман фронтида, бунақа иш қилган одамни турган жойида отиб ташлашарди.

— Ўпкангни бос!— деб тўхтатди чол уни совуққина.— Сендан ҳеч нима сўраётганим йўқ. Менга ҳеч нарсанг керак эмас. Бугун тирикман, эртага йўқман... Сен ўзингни ўйла, ўз ғамингни егин. Сени қараю, роса бой бўб кетибсанми дейман! Уйда ёлғиз арава қолди, холос, сен бўлса... Қизилларга қўшилиб кетганларникини оловур-да, андиша қилиб ўтирасанми?... Олмасанг, қайтага гуноҳ бўлади! Рўзғорга ярайдиган нарса бўлса қўйма!

— Сен бу гапларингни менга айтма! Йўқса, шу топда думингни тугиб қўяман! Мен бундай иш учун казакларнинг тумшуғини ёрганман, энди ўз отам келиб, аҳолини талагин деб ўтирса!— Григорий қалтираб, энтикиб зўрға нафас оларди.

— Мана шу феълинг учун юзбошиликдан ҳайдашган-да!— деб узиб олди чол.

— Керак эмас менга мунақа амал! Взводидан ҳам кечиб юборавераман...

— Бўлмаса-чи! Ақлингга балли, ақлингга...

Иккиси жимиб қолишди. Гугурт чақиб, тамаки тутатар экан, хижолат тортган ва аразлаган отасининг башарасига Григорийнинг кўзи тушди. Отасининг бу ерга келиш сабабини ҳам энди тушунди. «Дарьяни ҳам ола келибди, имонсиз чол! Ҳаромдан орттирган буюмларга йўлда қоровул керак-да!»— деб ўйлар эди Григорий.

— Степан Астахов келди. Эшитдингми?— деди лоқайдлик билан Пантелей Прокофьевич.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Йўғ-э!— Григорий шошганидан папиросини тушириб юборди.

— Рост. Асир тушган экан, ўлмаган экан. Ўзиям роса битиб кетибди. Кийим-кечак, буюм демаганнинг сон-саноғи йўқ! Икки аравага босиб келди,— деб лоф урди чол, гўё, Степан билан қариндошдай, уни мақтаб.— Аксиньяни обкелди, хизматгаям ўрнашиб олди. Яхши вазифага тайинлашибди: аллақаердаям этап комендантимиш; Казанскаяда бўлса керак.

Григорий гапни бошқа ёққа бурди:

— Бу йил қанча дон олдинглар?

— Тўрт юз чорак.

— Невараларинг қалай?

— Ҳе, невараларим азамат, кўрсанг, ҳавасинг келади! Болаларингга совға юборсанг бўларди.

— Фронтда совға нима қилсин!—деб хўрсинди Григорий; унинг хаёли Аксинья билан Степанда эди.

— Биронта милтиқ топилмасмикин сенда? Ортиқчаси йўқми?

— Милтиқни нима қиласан?

— Уйга керак-да. Йиртқич ҳайвон, ёмон одам кўп. Кераклик тошнинг оғирлиги борми? Бир яшик лиқ тўла ўқ бекитиб қўйибман. Ташиётганда ўмариб қолган эдим.

— Обоздан ола қол. Бу хил матоҳдан топилади,— Григорий хунук илжайди.—Қани, кириб ёт! Мен ҳали заставага боришим керак.

Эрталаб полкнинг бир қисми қишлоқдан жўнади. Григорий кўнгли тўқ бўлиб: отасига қаттиқ танбеҳ берганига ва энди унинг қуруқ қайтиб кетишига иноннган эди. Бироқ Пантелей Прокофьевич казаклар кетиб бўлгандан кейин, тўғри омборхонага кирди-да, қозиқдаги хомуту от афзалларни олиб чиқиб аравасига босди. Уй эгасининг хотини унинг кетидан кўз ёши тўкиб эргашиб бақирар, кифтларига осилиб ялинарди:

— Вой, шўрим қурисин! Айланай! Худодан қўрқмайсанми? Етимларни нега хўрлайсан, ахир? Хомутни бер! Бер, дейман, худо ҳақи, бер!

— Бас-бас, худога тил теккизма!— деб чулдираб Мелехов хотинни итариб, оқсоқлана-оқсоқлана кетар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди.— Сизларнинг эрларингиз ҳам, пайтини топса, бизни талаб оларди. Сеники-ку, албатта комиссар-а?.. Қоч, дейман! Сеники-меники йўқ, ҳаммаси худоники, жим, кўп нолийверма!

Сўнгра, индамай қараб турган обозчилар кўз олдида сандиқ қулфларини синдирди-да, чалвор ва мундирларнинг яхши-яхшисини танлаб, ёруққа тутиб, ғижимлаб кўриб ажратди, бўхча-бўхча қилиб боғлади...

Чол пешинга яқин жўнади. Аравага тўлғизиб босилган тугунлар устида, юпқа лабларини чирт юмиб олган Дарья ўтирарди. Арава кетига каттакон қозон тўнтарилиб қўйилган эди. Пантелей Прокофьевич бу қозонни ҳаммом ўчоғидан бузиб олиб, арава ёнига зўр-базўр кўтариб борганда, Дарья.

— Б...данам қайтмайдиган бўбсан, ота!— деб сасиб берди.

— Овозингни ўчир, мочағар!— деб ўдағайлади.— Қозонни уларга қолдириб бўбман! Сен нимани билардинг, Гриша икковинг сира одам бўлмайсан! Менга қозон жуда асқотади. Шундай, ҳа!.. Қани, чу де! Нега лабингни чўччайтирасан!

Аравани чиқариб, дарвозасини беркитаётган, юзлари йиғидан шишган бечора хотин билан мулойим хайрлашди:

— Хайр, ойимтилла! Хафа бўлма! Ҳали бунақа буюмдан кўп топасиз!

X

Кунлар бир-бирига уланган занжир ҳалқасига ўхшаб кетма-кет ўтарди. Йўл юриш, жанг қилиш, дам олиш. Жазирама иссиқ. Ёмғир. Терлаган отларнинг ва қизиган эгар чармларининг ҳиди димоққа урилади. Диққатпазликдан, томирларга қон эмас, қиздирган симоб қуйиб қўйгандай туюлади. Доим уйқу чала бўлавергандан бош тўп ўқидай оғирлашиб кетади. Григорийнинг пича дам олгиси, тўйиб-тўйиб ухлагиси келади! Ундан кейин ўрнидан турса-ю, юмшоқ тупроқни босиб плуг кетидан юрса, ҳўкизларга «хўш-хўш» деса, мовий осмонда учиб ўтаётган турналар

www.ziyouz.com kutubxonasi

овозига қулоқ солса, юзига ёпишган мезонни оҳиста олиб ташласа ва ҳайдалган ернинг кузги ҳовурини, шарбатдек ҳидини искайверса, искайверса.

Лекин бунинг ўрнига экинзорларни қиличдай кесиб ўтган илон изи йўлларда саргардон бўлиб юрибди. Йўлларда гала-гала яланғоч, чанг босган, афт-башараси қоп-қорайиб кетган асирлар... Йўл чангитиб казаклар ўтади, тақалар остида экинзор яна пайхонланади. Қишлоқларда бўлса, пашшахўрдаликка ўрганган одамлар, қизилларга қўшилиб кетган казакларнинг уйларини титишади, уларнинг оналарини ва хотинларини қамчилиб савашади...

Кунлар диққинафасликда зўрға ўтар эди... Нималар бўлгани, қандай ҳодисалар рўй бергани эсларида турмас, ҳатто, энг муҳим воқеалар ҳам дарҳол эсларидан чиқиб кетар эди. Ўтган уруш пайтидагига қараганда, ҳозирги кунларнинг ҳеч қандай қизиқтирадиган жойи йўққа ўхшарди, балки бунга ҳамма нарсанинг илгаридан аёнлиги, кўрмаган ва билмаган нарса қолмаганлиги сабабдир. Аммо, кўпдан бери урушда юриб, ўрганиб қолган казаклар ҳозирги урушни писанд қилмасдилар. Кўлами жиҳатидан ҳам, унда қатнашган кучлар ва кўрилган талафот жиҳатидан ҳам — герман урушига солиштириб кўрилса — ҳозиргиси ўйинчоқдай бир гап эди. Ёлғиз бир нарса Пруссиядаги аҳволни эслатарди. У ҳам бўлса, юрагингни ҳовучлаб юришга мажбур этган ажал ваҳми эди.

— Шуям уруш бўбдими? Анчайин бекинмачоққа ўхшайди. Герман урушида немис демаганинг тўпга тутгандан кейин бутун бошлиқ бир полкни қириб ташларди. Энди-чи, сотняда икки одамга ўқ тегса бас — талафот, деб қичқиришади!— деб масхара қилишарди фронт кўрган эски казаклар.

Лекин мана шу бекинмачоқ уруш ҳам жонга теккан эди. Норозилик, чарчашлик, аламзадалик тобора ортарди. Казаклар орасида:

— Дон ерларидан қизилларни суриб чиқарамизу, бўлди қиламиз! Чегарадан нари ўтмаймиз. Россия ўз ҳолига, биз ҳам ўз ҳолимизча яшайверамиз, барибир биз Россияда ўз тартибимизни ўрнатолмаймиз, деган қатъий овозлар эшитила бошлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Филоновонинг ёнида бутун куз бўйи жанглар суст давом этди. Энг муҳим стратегик пункт Царицин бўлиб, оқлар ҳам, қизиллар ҳам энг яхши кучларини шу ёққа ташлаган, аммо шимолий фронтда ҳар иккала томоннинг қўли баравар; ҳар икки томон ҳам қатъий ҳужум бошлаш учун куч тўпламоқда эди. Казаклар ўзларида отлиқ аскарнинг кўплигидан фойдаланиб, мураккаб операция усулларини қўллашар, икки ёнбошдан бостириб киришар, орқа томонга ўтиб олишарди. Қаршиларида турган қизил аскарларнинг аксарияти яқиндагина фронт атрофидаги қишлоқлардан мобилизация қилинган хом ва оғмачи одамлар бўлгани учун, казакларнинг қўли баланд эди. Саратовликлар, тамбовликлар минг-минглаб асир тушардилар. Аммо қўмондонлик ишчилар полкини, матрослар отряди ёки отлиқ аскарни ишга солди дегунча, аҳвол тубдан ўзгарар, ташаббус қўлдан қўлга ўтиб, гоҳ у томон, гоҳ бу томон маҳаллий аҳамиятга эга бўлган ғалаба қозонар эди.

Григорий урушда қатнашгани билан, унинг қандай кетаётганига бепарво қарарди. Қишга довур фронт тугашига у қаттиқ ишонган эди; казакларда ярашиш кайфияти кучли эканини, урушни узоққа чўзиш мумкин эмаслигини ҳам биларди. Полкка аҳён-аҳёнда бир марта газета келарди. Григорий сап-сариқ ўров қоғозга босилган «Юқори Дон ўлкаси» номли газетани жирканиб қўлига оларди-да, наридан-бери фронт сводкаларини қараб чиқар, тишларини ғижирлатарди. Агар у лоф уриб мақтаб ёзилган қуйидаги сатрларни баланд овоз билан казакларга ўқиб берганида, ҳаммаси баб-баравар қотиб-қотиб кулишарди:

27 сентябрда Филоново томонидаги жангларда омад қўлдан қўлга ўтиб турди. 26-га ўтар кечаси шавкатли Вёшенск полки Подгорний қишлоғидан душманни суриб чиқарди ва уни изма-из қувиб, Лукьяновский қишлоғига бостириб кирди. Сон-саноқсиз ўлжалар ва жуда кўп асирлар қўлга олинди. Қизиллар тартибсиз чекинмоқда. Казакларнинг руҳи баланд, Дон аскари янги ғалабалар сари интилмоқда!

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Биз қанча асир олганмушмиз? Жуда кўп дебдими? Во-оҳ итваччалар-эй! Бор-йўғи ўттиз иккитаку! Обқочишини қара... хо-хо-хо-хо!..— деб кўларди Митька Коршунов, тишларининг оқини кўрсатиб, қўллари билан биқинини ушлаб.

«Кадетлар» нинг Сибирда ва Кубанда ғалаба қозонаётгани тўғрисидаги хабарларга ҳам казаклар ишонмасдилар. Чунки, «Юқори Дон ўлкаси» газетаси ёлғон-яшиқ гапларни ёзиши ҳаммага аён бўлиб қолган эди. Қўллари узун, новча бўйли Охваткин деган казак, чехословак қўзғолони тўғрисидаги мақолани ўқиб чиққач, Григорийнинг олдида шундай деди:

— Шошмай тур, чехларни босиб олсин, иннайкейин кўрасан: ўша ердаги тамомий аскари билан бизга қарши шундай ҳужум бошлайдики, сичқонни инини минг тангага оласан... Ўз оти билан — Расея! Расея билан ўйнашмоқчимисан!— деб тамомлади ваҳимали қилиб.

— Кўп ваҳима қилма! Бемаъни гапларни эшитсам энсам қотади,— деб қўл силтади Прохор Зиков.

Тамаки ўраётган Григорий ўйланиб туриб, қайтага суюнди ва ўзича: «Тўғри!» деган қарорга келди.

Ўша куни кечқурун Григорий кўйлак ёқаларини очвориб, энкайган ҳолда, стол ёнида узоқ ўтириб қолди; кўйлаги ҳам, елкасидаги пагонлари ҳам офтобдан ўнгиб кетган эди. Офтоб олган қорамағиз юзининг чуқурчаси ва ёноқ суяклари бети шишканликдан силлиқ кўринарди, қовоғи солиқ эди. У ҳадеб қорайган гўштдор бўйнини қимирлатар, жингалак бўлиб, офтобда сарғайиб кетган мўйловининг учини бурар ва қадимги ўйноқлигини бутунлай йўқотган ёвуз кўзларини бир нуқтага тикиб олганича хаёл сурарди. Мияси зилдай оғирлашган, ўйлаб ўйига етолмасди; ниҳоят, ётишга ҳозирланди ва ҳамманинг миясидаги саволга жавоб бергандай:

— Борарга жой қолмади!— деб юборди.

Тунн билан ухламади. Дамба-дам чиқиб отидан хабар олар ва зинапояда узоқ туриб қоларди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Хулласи калом, Григорийнинг юлдузи ҳали сўнмаган, осмонда липиллаб турган экан; демак, бу юлдузнинг жойидан кўчиши, осмон бағрида совуқ нур сочиб учиши учун ҳали вақт-соати бор экан. Бир кузнинг ўзида Григорийнинг остида уч от ўқ еб ўлди, шинели беш жойидан илма-тешик бўлди. Ажал қора қаноти билан уни елпиб ўтар, жўрттага ҳазиллашгандай бўларди. Ҳатто ўқ бир куни қиличининг мис дастасига келиб тегди, шокиласи чўрт узилиб кетди-да, учиб бориб, от оёғи тагига тушди.

— Биров сенинг ҳақингга кўп дуо қиляпти-да, Григорий,— деди Митька Коршунов, бироқ унинг хунук илжайганини кўриб ҳайрон қолди.

Фронт темир йўлдан нарига ўтиб кетган эди. Ҳар куни аравалар ўрам-ўрам тиканли сим олиб келар эди. Ҳар куни телегараф фронтга буйруқ ёғдиришини қўймасди:

Бугун-эрта иттифоқдошларимизнинг аскарлари етиб келади. Мададчилар келгунга қадар, музофот чегараларида маҳкам туриш, қизиллар сиқувига бардош бериш, ҳужумини тўхтатиш лозим.

Сафарбар этилган аҳоли лом ва чўкичлар билан музлаган ерни ўйишар, окоп қазишар, уларнинг атрофига тиканли сим тортишарди. Кечалари казаклар, окопларни ташлаб, исингани уй-уйга кириб кетишарди, дарҳол разведкачи қизиллар келиб, қозиқларни суғуришар ва казакларга қарата ёзилган хитобномаларни занглаган сим тиканларга илиб кетишарди. Казаклар буни, худди уйдан келган хатдай талашиб ўқирдилар. Аҳволки шу даражага етгандан кейин, урушни давом эттириш мумкин эмаслиги ҳаммага маълум эди. Гоҳ қаҳратон совуқ турар, гоҳ кун илиб қор ёғарди. Окопларни қор босиб қоларди. Окопда бир соат чидаб туриш амри маҳол эди. Казаклар тўнғишар, оёқ-қўлларини совуқ олар. Пиёда ва пластунчи қисмлардагиларнинг кўпчилиги этиксиз эди. Баъзилари бўлса, молнинг тагини тозалаш учун чиққан одамдай, юпқа чалвору чориқ кийиб уйдан жўнайверган. Иттифоқдошларга ҳеч ким ишонмасди. Бир ку-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни Андрюшка Қашулин аламига чидолмай: «Тошбақа миниб келишяпти!» деб масхара қилди. Ҳар гал разъездлар тўқиниш келганда, қизиллар олисдан туриб казакларни чақиришарди: «Ҳо-о-ой! ғариб ва мискин бандалар, қўлимизга туша кўрманг! Туёқларингни шиқиллатиб қолинглар, бўлмаса абжақ қиламиз!»— деб казакларга қичқириб, уларнинг жиғига тегишарди.

Ноябрь ойининг ўрталарида қизиллар ҳужумга ўтдилар. Улар казак қисмларни темир йўлга довур суриб борган бўлсалар ҳам, лекин фронтда қатъий бурилиш пайти кейинроқ бошланди. 16 декабрда қизил суворийлар, узоқ муддатли жангдан кейин, 33-нчи полкни улоқтириб ташладилар, бироқ Вёшенск полки жойлашган Колодезянск қишлоғининг ёнида шиддатли қаршиликка дуч келдилар. Қор босган ғарам четанларининг орқасига жойлашган вёшенскилик пулемётчилар, пиёда саф тортиб ҳужум бошлаган қизилларга қарши қирғин ўт очди. Каргинлик ўткир мерган Антиповнинг қўлидаги ўнг қанотга жойлашган пулемёт сидирғасига ўт сочар, чопиб ўтган цепларни қириб турар эди. Казаклар ўқ тутунлари ичида кўринмай қолди. Икки юз казак чап ёндан кесиб чиқмоқчи бўлиб қўзғалди.

Кечга томон, ҳужумни сусайтириб юборган қизил аскар қисмлари ўрнига, фронтга эндигина етиб келган матрослар отряди қўйилди. Матрослар шовқин-суронсиз тиккасига пулемётлар устига рўйрост ҳужум қилдилар.

Григорий тўхтовсиз ўқ узарди. Милтиқ тутай бошлади. Қувури қизиб, қўлни куйдирди. Григорий милтиқни совутиб, яна бир обойма ўқ жойлади-да, кўз қисиб туриб олисда қорайиб турган одамларни мўлжалга олди.

Матрослар уларни чекинишга мажбур этдилар. Казаклар отларига миниб қочдилар ва қишлоқдан ҳам ўтиб, тепага чиқдилар. Григорий кетига бурилиб қаради ва беихтиёр жиловни қўйиб юборди. Тепадан узоқ-узоқлардаги қор босиб ётган жимжит далалар, қор тагидан аранг бош кўтарган бурганлар ва четларини сиренсимон кечки соя қоплаган жарлар кўринарди. Жар бўйлаб тўрт чақирим жойгача, пулемёт қириб ташлаган матрослар ўлиги хол-хол бўлиб сочилган

www.ziyouz.com kutubxonasi

эди. Бушлатлик ва чарм курткалик матрослар олисдан худди қорга қўнган заҳчаларга ўхшаб қорайиб кўринарди...

Кеч кирганда, қизиллар ҳужумидан тўзиб кетган сотнялар, Еланск полки билан ҳам, ўнг томонларидаги Усть-Медведица округига қарашли номерли полк билан ҳам алоқаларини йўқотиб, Бузулук дарёсига қуйиладиган кичкина сой бўйидаги икки қишлоқда тунаш учун жойлашдилар.

Қоронғи тушганда Григорий, командирнинг буйруғига мувофиқ, чет-четга пистирма қўйиб келаётиб, тор кўчада полк командири ва полк адъютантига йўлиқиб қолди.

— Учинчи сотня қаерда?— деб сўради командир от жиловини тортиб.

Григорий жавоб берди. Икки отлиқ, қўзғалди.

— Сотняда талафот каттами?— деб сўради узоқлашган адъютант. Жавобни эшитолмай, қайта савол берди:— Қанча?

Лекин Григорий жавоб бермасдан кетаверди.

Аллақандай аравалар тун бўйи қишлоқдан тўхтовсиз ўтиб турди. Қазаклар билан Григорий қўнган ҳовли ёнида аллақандай батарея узоқ тўхтаб қолди. Бир қават дераза ойнасидан сўкишишлар, жиловдорларнинг қийқириғи, тапир-тупур овозлар эшитиларди. Тўпчилар билан полк штабининг ординарецлари исингани уйга кириб-чиқиб туришар, буларнинг қайси гўрдан пайдо бўлганини билиб бўлмасди. Ярим кечаси уч тўпчи уйга бостириб кирди-да, хўжайин билан казакларни уйғотди. Шу яқин орадаги сойга тўпи ботиб қолгани учун булар шу ерда тунамоқчи ва эрталаб уни ҳўкиз қўшиб чиқармоқчи эдилар. Григорий уйғонди ва тўпчилар оёқларига ёпишган қатқалоқ лойни инқиллаб тозалашганини, этикларини ечишганини, ҳўл пайтаваларини ёйишганини анчагача кузатиб турди. Сўнгра, юзу кўзларигача лой бўлган тўпчи офицер кириб келди. У ҳам тунашга ижозат сўради, шинелини ечди ва юзига сачраган лойларни, бўлганича бўлар дегандай қилиб, енги билан ишқалай бошлади.

Офицер чарчаган от сингари, кўзларини мўлтиллатиб, Григорийга боқди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Битта тўпимиздан ажрадик. Бугун худди Мачеха ёнидагидай яна қаттиқ жанг бўлди. Икки ўқдан кейиноқ, бизнинг қаердалигимизни пайқаб қолишди... Қасира-қусур уриб қолди, денг. Бир ўқ билан тўпнинг ўқини чўрт узиб ташлади! Ғарам ичига яшириб қўйилган эди-я! Мунақанги пана жой асло топилмас!..— Ҳар гапининг кетига одати бўйича уят сўз қўшиб кетар ва эҳтимол буни ўзи сезмасди.— Сиз Вёшенск полкиданмисиз? Чой ичасизми? Холажон, бизга самовар қўйиб берсангизчи.

У ниҳоятда сергап, гапираверib безор қиладиган улфатлар хилидан эди. Чой ичиб тўймасди. Орадан ярим соат ўтар-ўтмас ўзи Платов станицасидан эканини, реал мактабини тамомлаганини, герман урушида бўлганини, икки марта уйланиб, кейин ажралиб кетганини Григорий билиб олди.

— Энди Дон армиясининг куни битди деявер,— деди у лабларидаги терни қип-қизил тили билан ялаб.— Урушнинг кети кўриниб қолди. Эрта-индин фронтдагилар қоч-қочга тушади, икки ҳафтадан сўнг ҳаммамиз Новочеркасскда бўламиз. Яланг оёқ казаклар билан Россияга ҳужум қилмоқчи бўлдик-а! Ахир бу тентаклик эмасми! Қадр офицерлар бўлса-ку, ҳаммаси муттаҳам, худо урсин, рост гап! Сиз казаксиз-а? Шундайми? Ҳамма балога биз қалқон. Улар бўлса ялло қилиб юришибди!

У нурсиз кўзларини пирпиратиб, миқти гавдасини стол устига ташлаб, қимирлайверарди. каттакон оғзи очилиб, лаб-лунжи осилиб тушарди-ю, лекин чарчаган от сингари шумшайиб боқишини қўймасди, итоатгўйлик аломати юзидан кетмасди.

— Қадимги замонда, масалан, Наполеон даврини олиб қаранг, уруш эмас — маза экан! Икки армия бир ерга тўпланади, қиличбозлик қилади, яна тарқалиб кетаверади. На фронт бор, на окоп. Энди-чи? Эндиги операцияларнинг маънисига иблис ҳам етолмайди. Тарихчилар агар илгари сал-пал ёлғон аралаштиришган бўлса, энди урушни тасвирлашда роса оғиз кўпиртиришади денг!.. Уруш эмас, эртак бу, хуноббозлик! Қизиғи йўқ, гашти йўқ. Разиллик холос! Умуман айтганда, майнабозчиликдан бошқа нарса эмас. Менга қолса,

www.ziyouz.com kutubxonasi

ана шу икки саркорни мен бир жойга тўплардим-да: «Жаноб Ленин, мана сизга вахмистр,— қурол ишлатишни ундан ўрганиб олинг. Лекин сиз, жаноби Краснов, шуни билмаслигингиз уят»,—дердим. Довуд билан Голиаф сингари, иккиси солишиб кўрсин: қайсиси енгса, ҳукумат ўшаники бўлсин. Қайси бири ҳокимлик қилса ҳам, халқ учун барибир. Сиз нима деб ўйлайсиз, жаноб хорунжий.

Григорий жавоб бермай, унга хомуш тикилар, гўштдор кифти ва қўлларига, лаблари орасида илондай яланиб турган қип-қизил тилига мудроқ аралаш назар соларди. Унинг уйқуси келар, лекин елимдай ёпишқоқ бу енгил табиат офицер жаҳлини чиқарар, оёғининг сассиқ ҳиди кўнглини айнитарди...

Эрталаб Григорий аллақандай чалкаш хаёллар ичида ланж бўлиб ўрнидан турди. Эрта куздаёқ кўзи етган ва ўзи кутган нарса қўққисдан рўй берганидан у ҳайратда қолди. Илгари сотнялар ва полклар орасига билинар-билинмас ёйила бошлаган урушга қарши норозилик кайфиятлари йиғилиб-йиғилиб, ҳозир каттакон кучга — кучли оқимга айланган эди. Григорий мана шуни пайқамай қолганди. У ҳозир фронтни бирваракайига ялаб, емира бошлаган ёлғиз шу оқимнигина кўрарди.

Илк баҳор йўлга чиққан одам айнан шу аҳволни учратиши мумкин. Дашт. Қуёш нур сочади. Чор атроф оппоқ қор. Аммо қор тагида кўз илғамас, ажойиб ва азалий ҳаракат бошланиб, ер уйғонмоқда эди. Офтоб ялайвериб қорни илма-тешик қилиб юборади, тагидан секин-аста эриб жилға бўлиб оқа бошлайди. Кечаси буғ аралаш туман кўтарилади — қор бетини қоплаган юпқа яхмалак эрталабданоқ қисирлаб чўкади, кўм-кўк қор сувлари йўлларда ва арава изларида кўпириб ўйнайди, от туёқлари остидан чор атрофга ҳўл қор сачрайди. Ҳаво илиқ. Даставвал қумлоқ дўнгларда қор қолмайди, ҳамма ёқни бўз тупроқ ва чиринди ўт ҳидлари босиб кетади. Қоқ тушда сой бўйлари гувиллаган, шувиллаган овозга тўлади, жар ёқаларидаги қорларнинг гумбурлаб кўчгани эшитилади, бахмалсимон қорамтир шудгордан ҳовур кўтари-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лади. Қечга томон қарсиллаб муз ёрилади-да, даштдаги кичкина сой ийган елин сингари тўлиб-тошиб, лопиллаб оқа бошлайди, ана ўшанда, қишнинг бу қадар тез чиқишини кутмаган йўловчи сой бўйида ҳайрон бўлиб туриб қолади, олазарак бўлиб саёзроқ жой қидиради, терлаган ва қулоқларини чимирган отини сувга туширмоқчи бўлиб, қамчилайди. Атрофда эса, оппоқ қор йилтирайди, ҳамма ёқ сукутга чўмган...

Полк кун бўйи чекинди. Йўлларда аравалари шитоб билан елиб борар эди. Сал ўнгроқда, кул ранг булут қопланган уфқнинг нариги томонларидан замбарак товушлари гумбурлаб келиб турарди. Қазаклар эриб кетган ва гўнгга қорилган йўллардан боришар, отлари лой туёқлари билан пилчиллаган қор кечиб бораради. Йўл ёқалаб ординарецлар от чоптириб ўтишарди. Йилтироқ, кўкиш патли калта дум ва беўхшов қузғунлар, яёв қолган суворилар сингари, йўл бўйида гердайиб, лапанглаб юрар ва ёнларидан чекиниб ўтаётган отлиқ казакларни, уст-боши жулдур пластунчиларни ҳамда гала-гала араваларни параддагидай кўздан кечирарди.

Бу қадар бетартиб чекинишни энди ҳеч қандай куч тўхтата олмаслигини Григорий тушунди. Қулай пайт келганига суюниб, кечаси ўз ихтиёрича полкдан жўнаб қолди.

Григорийнинг шинель устидан плашч кийиб, қилич ва наган тақаётганига масхараомуз қараб турган Митька Коршунов:

— Қаёққа отланяпсан, Григорь Пантелев?— деб сўради.

— Нима ишинг бор?

— Сўрадим-да.

Григорийнинг жаҳли чиққанидан бетлари қизариб, жағлари пирпираб турса ҳам, вақтичоғлик билан кўз қисиб жавоб берди:

— Борса келмасга. Тушундингми?

Шундай деб уйдан чиқди.

Оти эгарлоғлиқ, тайёр турган эди.

Тунги аёзда туман босган йўллардан тонг отгунча тинмай отини чоптирди. «Ҳозирчалик уйга бориб турай, шерикларим қишлоққа яқинлашганларида яна

www.ziyouz.com kutubxonasi

полкка қўшилиб оларман» деган ҳаёлда, кечагина жангларда бирга бўлган ҳамроҳларидан безганлигини яшириб, ўзини овутмоқчи бўларди.

Эртаси куни кечга яқин Григорий, икки юз чақиримли йўл азобидан икки кун ичида озиб кетган, мадори қуриб гандираклаб қолган отини отасининг қўрасига етаклаб кирди.

XI

Ноябрь ойининг охирларида Новочеркасскка иттифоқдош давлатларнинг ҳарбий вакиллари келгани маълум бўлди. Новороссийск гаванида инглизларнинг кучли эскадраси лангар ташлагани, Салоникдан келтирилган жуда кўп десант қисмлар туширилаётгани, французларнинг африкалик ўқчи корпуси кемадан туширилиб бўлгани ва яқин кунлар ичида Кўнгилли армия билан биргалашиб ҳужум бошлаши тўғрисида миш-миш гап шаҳарга тарқалди.

Краснов фахрий қоровул учун лейб-гвардия Атаман полкининг казакларини юборишга буйруқ берди. Икки юз ёш атаманлиларга шоша-пиша баланд пошнали этик ва оқ тасмали шоп-шалоп кийдирдилар, кейин ёнларига юзта карнайчи қўшиб, шошилинч суратда Таганрогга жўнатдилар.

Жанубий Россиядаги инглиз ва француз ҳарбий миссиялари, сиёсий вазият қандайлигини билиш мақсадида Новочеркасскка бир неча офицер юбориб кўришга қарор қилдилар. Улар Дондаги аҳвол ҳамда большевикларга қарши кураш перспективалари билан танишиб чиқишлари керак эди. Англия томонидан капитан Бонд билан лейтенантлардан Блумфельд ва Монро, Франциядан, капитан Ошэн билан лейтенантлардан Дюпре ва Фор юборилган эди. Иттифоқдош ҳарбий миссияларнинг мана шу кичик амалдорлари, тақдир тақозоси билан «элчи» даражасига кўтарилиб, атаман саройида анча бесаранжомлик туғилишига сабаб бўлди.

Кўп иззат-икромлар билан «элчиларни» Новочеркасскка олиб келдилар. Умрида кўрмаган мулозимат ва лаганбардорликлардан оддий офицерларнинг боши айланиб қолди, ўзларини ҳақиқатан ҳам «улуғ» фаҳм-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лаб, номдор казак генералларини ва сохта республиканинг олий мансабдорларини назарга илмайдиган бўлиб қолдилар.

Ёш француз лейтенантлари казак генераллари билан гаплашганда юзаки хушмуомала, баодоблик ҳамда сийқаси чиққан французча сохта меҳрибонликдан ташқари, манманлик, димоғдорлик сингари совуқ қилиқларини ҳам кўрсата бошладилар.

Кечқурун саройда юз кишига зиёфат берилди. Кўпчилиги тенорлардан иборат бўлган ҳарбий ашулачилар хори ипакдай майин ва ажойиб казакча қўшиқларни куйлаб, залдагиларни сел қилиб юборди, духовой оркестр салобатли жаранглаб, иттифоқдошлар гимнини дамба-дам чалиб турди. «Элчилар» ўз қадр-қимматини ерга урмаслик учун ниҳоятда олифтагарчилик ва камсуқумлук билан таом ейишарди. Атаманнинг меҳмонлари мазкур пайтнинг тарихий аҳамияти борлигини сезиб, ер остидан «элчиларга» тикилишарди.

Краснов нутқ бошлади.

— Жаноблар, сиз ҳозир тарихий залда ўтирибсиз. Бу залнинг деворларидан илгариги халқ урушининг, яъни бир минг саккиз юз ўн иккинчи йил қаҳрамонларининг жонсиз кўзлари сизларга тикилиб турибди. Платов, Иловайский, Денисовлар образи бизга — Париж аҳолиси ўз халоскорларини, яъни Дон казакларини табрик этган муқаддас кунларни, харобага айланган ва ер билан яксон бўлган гўзал Францияни император Александр Биринчи бошқатдан тиклаган кунларни эслатади...

«Гўзал Франция» вакиллари эса, цимлянский виносидан кўпроқ ичиб қўйганлари учун кайфлари ошиб, кўзлари мижгон бўлиб қолган эди, аммо Красновнинг нутқини охиригача диққат билан тингладилар. «Ваҳший большевиклар томонидан эзилган рус халқининг» бошига тушган оғир мусибатларни атрофлича тасвирлаб бўлгандан сўнг, Краснов ҳаяжон билан нутқини тамомлади.

— ... Рус халқининг энг яхши намояндалари большевикларнинг зиндонларида ҳалок бўлмоқдалар. Уларнинг кўзлари сизда, улар сиздан ёрдам кутади-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лар, сиз уларга қўл чўзишингиз, Донга эмас фақат шуларга ёрдам қилишингиз лозим. Биз фахрланиб айта оламизки, биз озодмиз! Аммо бутун фикру зикримиз, курашдан мақсадимиз — улуғ Россияга қаратилгандирким, Россия ўз иттифоқдошларига содиқлик билан уларнинг манфаатларини ҳимоя этмоқда, уларни деб ўзини қурбон қилмоқда ва ҳозир уларнинг ёрдамларига ниҳоятда муҳтождир. Бундан бир юз тўрт йил муқаддам март кунлари француз халқи император Александр Биринчини ва Россия гвардиясини табриклаган эди. Ана ўша кундан эътиборан Франция ҳаётида янги давр бошланди ва уни биринчи даражадаги мамлакатлар қаторига кўтарди. Бундан юз тўрт йил муқаддам бизнинг атаманимиз граф Платов Лондонда меҳмон бўлган эди. Энди биз, сизни Москвада кутамиз! Биз сизлар билан биргаликда тантанали маршлар ҳамда гимнларимизнинг садолари остида Кремлга кириш, тинчлик ва озодлик лаззатларидан биргаликда баҳраманд бўлиш ниятидамиз! Улуғ Россия! Бутун орзу ва умидларимиз мана шу икки сўздадир!

Краснов гапини тамомлагач, капитан Бонд ўрнидан турди. Зиёфатда ўтирганлар инглизча нутқни жим ўтириб тинглади. Таржимон кўтаринки руҳ билан тушунтира бошлади:

— Капитан Бонд ўз номидан ҳамда капитан Ошэн номидан, Донда нималар бўлаётганини билмоқ учун иттифоқдош давлатлар томонидан расмий суратда юборилган вакил эканликларини Дон атаманига маълум қиладилар. Большевиклар билан мардона курашаётган Донга ҳамда Кўнгилли армияга иттифоқдош давлатлар бутун куч ва воситалар билан, керак бўлса, аскар билан ёрдам беражагига капитан Бонд ишонтиради.

Таржимон сўнгги жумлани тамомламаёқ, уч карра такрорланган йўғон «ура» товуши зал деворларини ларзага келтирди. Оркестрнинг шўх музикасига қадаҳларнинг жаранг-журунги қўшилиб кетди. «Гўзал Франциянинг» ҳамда «қудратли Англиянинг» тараққиёти учун, «большевиклар устидан ғалаба қозониш» учун ичдилар... Донда тайёрланган қўлбола мусал-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ласлар, вишиллайдиган ўйноқи эски винолар, қадимги майлар қадаҳларда кўпириб, жилваланиб ўйнар, ширин ва муаттар ҳид таратарди.

Ҳамма иттифоқдош миссия вакилларининг оғзига тикилган эди, капитан Бонд таранг қилмади:

— Мен улуғ Россия учун қадаҳ кўтараман, алалхусус мен шу ерда сизларнинг қадимги ёқимли гимнингизни эшитмоқни истардим. Биз унинг сўзларига у қадар аҳамият бермаймиз, мен фақат музикасинигина тингламоқчи эдим...

Таржимон унинг гапини таржима қилиб берди. Красновнинг ранги ҳаяжондан оқариб кетди, у юзини меҳмонлар томонга бурди-да, овози бўғилгудай бўлиб бақирди:

— Улуғ, мустаҳкам ва бўлинмас Россия учун, ура!

Оркестрнинг кучли ва равон садолари жаранглаб: «Э, бор худоё, подшоҳимизни асра» гимнини бошлади. Ҳамма ўрнидан туриб, қадаҳларни бўшатди. Кекса архиепископ Гермогеннинг кўзларидан тирқираб ёш оқди. Қайфи ошиб қолган Бонд эса: «Ниҳоятда гўзал бир манзара!»— деб завқланарди. Аллақандай олимақом меҳмонлардан биттаси азбаройи қаттиқ таъсирланганидан ўзини босиб ололмай, эзилган икра ёпишган салфеткани соқолига босиб, бўтадай бўзлаб юборди.

* * *

Ўша куни кечаси Азов бўйларидан турган шиддатли бўрон шаҳарни алғоқ-далғоқ қилиб чиқди. Жоменинг гумбази биринчи қор остида сағанадай бўзариб, шумшайиб қолди...

Ўша куни кечаси шаҳар орқасидаги ахлатхонада, соғ тупроқ жарлар ёнида ҳарбий суднинг ҳукми билан шахталик темир йўлчи большевикларни отиб ўлдирдилар. Қўлларини орқаларига боғлаб уларни иккитадан жар ёқасига олиб келишар, яқиндан туриб наган ва милтиқлардан ўт очиб қулатишар, лекин ўқ товушлари муздай шамолда, папирос учқунидай дарҳол сўнар, эшитилмас эди...

Лекин атаман саройининг эшиги олдида бўлса, қаҳратон аёзда, изғирин шамолда лейб-гвардия ата-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ман полклик казаклар тарашадай қотиб, фахрий қоровуллик қилишарди. Қазаклар кўкариб кетган, яланғоч қилич ушлаган қўллари кесакка айланган эди, совуқдан кўзлари ёшланар, оёқлари тўнгарди... Сарой ичкарисида мастларнинг қийқиргани, ҳарбий оркестрнинг гумбури ҳамда лашкар хорининг ингичка йиғлоқи товуши тонг отаргача тинмади.

* * *

Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмай энг мудҳиш ҳодиса рўй берди — фронтда бошбошдоқлик бошланди. Дастлаб, Қалачовск томонда жойлашган 28-нчи полк ўз позицияларини ташлаб кетди; Петро Мелехов ҳам шу полкда эди.

Қазаклар 15-нчи Инза дивизиясининг қўмондонлиги билан яширинча тил бириктириб, фронтдан жўнашга, қизил аскар қисмларини Юқори Дон округидан бемалол ўтказворишга қарор қилдилар. Яков Фомин деган калтафаҳм бир казак бу ғалаёнчи полкка бош бўлди, лекин номига у бошлиқ эди-ю, аслида ишни бошқариб турган, Фоминга раҳбарлик қиладиган, большевикларга хайрихоҳ бўлган бир группа казаклар бор эди.

Полк митингга тўпланди; офицерлар жангни давом эттириш зарурлигини исботламоқчи бўлсалар ҳам, биронтаси шартта отиб қўймасин деб хавотирланганлари учун унчалик жон куйдирмасдилар; лекин казаклар қаттиқ туриб олиб чулдирашар, уруш керак эмас, большевиклар билан ярашамиз деб ҳамманинг меъдасига тегиб кетган гапни айтиб, ёппасига бақиришарди. Митингнинг тўс-тўполони чиқиб, полк қўзғалди. Бир бекат йўл босилгандан кейин Солонки қишлоғи ёнида лашкар старшинаси Филиппов тун қоронғисида кўпчилик офицерларни эргаштириб, полкдан қочди ва дабдаласи чиқиб чекинаётган граф Мольернинг бригадасига тонг ёришганда келиб қўшилди.

28-нчи полкнинг кетидан 36-нчи полк ҳам ўз позициясини ташлаб жўнаб қолди. Бу полк офицерлари билан биргаликда бекам-кўст Қазанск станицасига кириб келди. Қазакларнинг товонини ялашдан тоймайдиган пак-пакана ўғри кўз командир бир гала

www.ziyouz.com kutubxonasi

отлиқларни эргаштириб, этап коменданти жойлашган уйнинг ёнига келиб отдан тушди. У қамчисини ўйнатиб, ғазаб билан уйга кирди.

— Ким комендант?

Степан Астахов ўрнидан қўзғалди.

— Мен комендант муовиниман,— деди у бўш келмасдан.— Эшикни ёпиб қўйинг, жаноб офицер.

— Мен ўттиз олтинчи полк командириман, лашкар старшинаси Наумов бўламан. Э... танишайлик... Менинг полкимга уст-бош, оёқ кийими керак. Одамларим яланғоч, яланг оёқ қолди. Эшитяпсизми?

— Комендант йўқ, усиз мен складдан бир жуфт пийма ҳам беролмайман.

— Нима-нима?

— Беролмайман.

— Сен!.. Ким билан гаплашаётганингни биласанми ўзинг? Қамаласан-а, жин ургур! Подвалга судранглар буни, йигитлар! Бу ерда семириб ётишини-чи буни! Омборхонанинг калити қани, итвачча?.. Нима, нима-а-а?— Наумов қамчисини столга урди-да, жаҳолатидан ранги қув ўчиб, манжурча барра папоғини энсасига бостириб қўйди.— Калитни чиқар, ғиринг демай беравер!

Ярим соатдан кейин склад эшикларидан чанг-тўзон аралаш бўхча-бўхча калта пўстинлар, боғлам-боғлам пийма-ю, этиклар чиқаверди, учиб келиб қор устига, уюлишган казаклар қўлига тушаверди; халта-халта қандлар қўлма-қўл талаш бўлиб кетди. Олағовур шодиёна овозлар анчагача майдонда эшитилиб турди.

Айни шу маҳалда 28-нчи полк казаклари, полкка командир бўлиб олган вахмистр Фомин бошчилигида Вёшенскаяга кириб келдилар. Уларнинг изидан ўттиз чақиримча орқароқда Инза дивизиясининг қисмлари ҳам келарди. Ўша куни Дубровка қишлоғига қизиллар разведкаси келиб кетган эди.

Шундан тўрт кун бурунроқ Шимолий фронт қўмондони генерал-майор Иванов штаб бошлиғи генерал Замбржицкий билан Каргин станицасига қараб шошилинч суратда қочган эди. Автомобили қорга тиқилавериб, Замбржицкийнинг хотини лабини тишлайвериб, болалари йиғлайвериб роса қийналишганди...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бир неча кунгача Вёшенскаяда ҳеч қандай ҳукумат бўлмади. «28-нчи полкка қарши курашиш учун Каргин станицасида аскар тўпланмоқда» деган гаплар тарқалди. Бироқ 22 декабрь куни Қаргиндан Вёшенскаяга Ивановнинг адъютанти келиб, генерал уйида унутиб қолдирган оқ, янги жез тамғани, ёзлик фуражкасини, соч тарайдиган чўткасини, кўйлак-иштон ва шунинг сингари майда-чуйдаларини кулакула олиб кетди...

Шимолий фронтда очилиб қолган юз километрча оралиққа 8-нчи Қизил Армия қисмлари бостириб кирдилар. Генерал Саватеев Дон томон жангсиз тисланмоқда, генерал Фицхалауровнинг полклари эса, шошиб-пишиб, Тали ва Богучарга чекинмоқда эдилар. Шимолий фронт бир ҳафтагача сув қуйгандай жимжит бўлиб қолди. Тўплар овози ўчган, пулемётларнинг дами чиқмасди. Шимолий фронтда жанг қилаётган қуйи дон казаклари, юқори донлик полкларнинг хиёнаткорона жўнаб қолганларини эшитиб қаршилик кўрсатмасдан, жанг қилмасдан чекинавердилар. Қизиллар эҳтиёткорлик билан секин-аста силжишар, йўлларида учраган ҳар бир қишлоққа разведка юбориб, миридан-сиригача текшириб чиқишарди.

Шимолий фронтда бу қадар зўр муваффақиятсизликка учраган Дон ҳукуматининг мотами бирдан севинчга айланди. 26 декабрда Новочеркасскка иттифоқдошлар миссияси келди; миссия аъзолари: Қавказдаги Британия ҳарбий миссиясининг қўмондони генерал Пул ва унинг штаб бошлиғи полковник Кисс ҳамда Франция вакиллари — генерал Франше-д'Эспере билан капитан Фукедан иборат эди.

Краснов иттифоқдошларни фронтга олиб борди. Қаҳратон декабрь совуғида, эрталаб Чир станциясининг перронида фахрий қоровул саф тортган эди. Мўйлови шалпайган, исқиртликка ўрганган, пияниста башара генерал Мамонтов бу гал озода кийиниб, ихчам бўлиб, соқоли олинган юзларини йилтиратиб, бир гала офицерлар билан перронда айланиб юрарди. Ҳамма поездни кутарди. Вокзал олдида ҳарбий оркестрнинг созандалари ер тепинишар, кўкарган бармоқларига ҳуҳлашарди. Ёшлари ва туслари ҳар хил

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлган қуйи станицалардан келган казаклар фахрий қоровулда суратдай қотиб қолган эдилар. Соқоли оппоқ кексалар қаватида мўйлови чиқмаган ёш-яланг ўспиринлар турар, ора-сира фронт кўрган кокилдор йигитлар кўринарди. Кексаларнинг кўксида Ловчи ва Плевна жанглари учун олган олтин ва кумуш медаллари, крестлари ялтирарди, ўрта яшар казаклар эса, Кўктепа ва Сандепага ҳамда герман уруши вақтида Перемишль, Варшава, Львовга қилган шиддатли ҳужумлари учун берилган крестларни қатор тақиб олгандилар. Ўспиринларнинг мақтанадиган ҳеч нарсаси бўлмаса ҳам, ўзларини мардонавор қилиб кўрсатишга, катталардан қолишмасликка ҳаракат этишарди.

Оппоқ буғлар ичида поезд гулдураганча келиб тўхтади. Пулман вагонининг эшиги очилмасдан туриб капельмейстер зарда билан қўлларини қимирлатди, оркестр Англия гимнини барала чалиб юборди. Мамонтов қиличини авайлаб ушлаганича вагон олдига югурди. Краснов очиқ чеҳра билан меҳмонларни тарашадай қотиб қолган казаклар ёнидан олиб ўтиб, вокзал томонга бошлади.

— Казаклар,— деди Краснов французчасига,— қизил гвардиячи ўғрилардан ватанни ҳимоя қилиш учун ёппасига қўзғалдилар. Сиз бу ерда уч авлоднинг намояндаларини кўрасиз. Булар Болқонда, Японияда, Австро-Венгрия ва Пруссияда жанг қилганлар, мана энди ватан озодлиги йўлида жанг қилмоқдалар.— У француз тилини сувдай ичар, назокат билан кулимсирар, подшоҳлар каби бош ирғатиб, ағрайганча қотиб қолган кексаларни кўрсатарди.

Юқоридагиларнинг буйруғига биноан фахрий қоровулга одам танлаш масаласида Мамонтовнинг қаттиқ киришгани бежиз эмасди. Бу анча-мунча таъсир қолдирди.

Иттифоқдошлар фронтни бориб кўрдилар, қаноат ҳосил қилиб Новочеркасскка қайтдилар.

Жўнаб кетаётиб генерал Пул Красновга:

— Аскарларингизнинг мардонавор қиёфасини, интизомини ҳамда руҳи баландлигини кўриб ғоят мамнун бўлдим,— деди.— Мен Салоникидан сизга сол-

www.ziyouz.com kutubxonasi

датларимиздан биринчи отрядини дарҳол юбортираман. Шуларга уч минг дона пўстин билан иссиқ этик тайёрлаб қўйишингизни илтимос қиламан, жаноби генерал. Ишонаманки, бизнинг ёрдамимиз билан сиз большевизмни бутунлай йўқота оласиз.

...Ошланган терилардан шоша-пиша пўстинлар тикилди, пиймалар тайёрлашга киришилди. Бироқ, Новороссийскка келадиган иттифоқдошлар десантидан дарак бўлмади. Лондонга кетган Пулнинг ўрнига бадфеъл, такаббур Бриг тайинланди. У Лондондан ола келган янги йўл-йўриққа асосланиб, генералчасига қатъият билан:

— Король ҳукумати Дондаги Кўнгилли армияга кенг кўламда моддий ёрдам кўрсатади, лекин биронта ҳам солдат юбора олмайди,— деб гапни узил-кесил қилди.

Масала ойдин, ҳеч қандай изоҳга ҳожат йўқ эди.

XII

Империалистик уруш вақтларида офицерлар билан казаклар орасида пайдо бўлган душманлик кайфиятлари унчалик ошкора тус олган бўлмаса ҳам, 1918 йил кузига келиб жуда авж олиб кетди. 1917 йилнинг охирларида, яъни, казаклар секин-аста Дон томонга силжиётган кезларда, офицерларни ўлдириш ёки тутиб бериш сингари ҳодисалар камдан-кам учрарди, лекин орадан бир йил ўтмай бу нарса оддий бир иш қаторига кириб қолди. Ҳужум пайтида казаклар ўз офицерларини, қизил командирлар сингари олдинда боришга мажбур этишар, сўнгра, кўзини шамғалат қилиб, секингина орқасидан отиб ўлдиришарди. Фақат георгий орденли Гундоров полкига ўхшаган қисмлардагина офицерлар билан казаклар иноқ эдилар, бироқ Дон армиясида бундай полклар кам қолганди.

Ўз фойдасини биладиган муғомбир, оғир карвон Петро Мелехов, казаклар билан муроса қилмаса ажали етишини аллақачоноқ тушуниб, кўпдан бери казаклар билан офицерлар орасидаги тафовутни йўқотишга, ўзини оддий аскарларга яқин тутишга астойдил

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳаракат қиларди. У ҳам казаклар сингари пайти келганда, урушдан ҳеч наф йўқлигини айтарди; аслида тили бошқа, дили бошқа бўлиб, ўлганининг кунидан ноилож шундай дер, аммо унинг риёкорлик қилаётганини ҳеч ким сезмасди: полкдагилар Фоминни сайламоқчи эканини сезган кундан эътиборан Петро ўзини большевиклар тарафдори қилиб кўрсатиш, Фоминга ҳаддан зиёда хушомад қилиб, унга яхши кўриниш кўчасига кириб олди. Бошқалар қатори у энди бошлиқларни сўкишдан, бировни тунаб олишдан таптортмасди, асирларга нисбатан сиртдан яхши муомала қилса ҳам, ичдан ғазабу нафрати жўш уриб, тутқаноғи тутгандай қалтираб, қўллари қичиб, отиб ўлдиргиси келиб зўрға турарди... Петро ўз вазифасида юмшоқ табиат, соддагина бир казак, гўё хорунжий эмас, ипакдай мулойим бир кимса! У устомонлик билан казаклар билан иноқ бўлиб олган, кўзбўямачилик қилиб уларни алдаб юрарди.

Солонки слободаси ёнида Филиппов офицерларни эргаштириб кетганда Петро полкда қолаверди. Ювошлигини, итоатгўйлигини тарк этмай, пақир киши панада дегандай ўртамиёна ҳаёт кечириб, полкдан ажрамай Вёшенскаяга етиб олди. Вёшенскаяда икки кунгина турди-да, тоқати тоқ бўлиб, штабга йўлиқмасдан, Фоминга қорасини кўрсатмасдан уйига жўнаб қолди.

Ўша куни эрталаб Вёшенская станицасида, эски черков ёнидаги майдонда митинг чақирилган эди. Полк Инза дивизиясидан келадиган делегатларни кутарди. Шинель кийган, авралик ва аврасиз нимча пўстин, куртка кийган, пахталик чакмон ёпинган казаклар майдонда гала-гала бўлиб юришарди. Пойма-пой кийинган шу оломонни кўрган одам, унинг ҳарбий қисмлигига, 28-нчи казаклар полки эканига мутлақо ишона олмасди. Петро маъюс бўлиб, бу тўпдан у тўпга ўтар, казакларга зимдан назар солиб тикиларди. Фронтда юрган вақтларида уларнинг устбошларига унчалик аҳамият берилмас, полкнинг ўзи ҳам бунчалик гавжум бўлиб бир ерга тўпланмасди. Бу ерда эса, Петро ўсиб кетган оқ малла мўйловини ғазаб билан тишлар, қиров ялаган башараларга тикилар, ранг-баранг попоқ, тумоғ, фуражка, барра телпак

www.ziyouz.com kutubxonasi

кийган бошларни томоша қиларди, сўнгра пастга тикилиб қарар, ундан ҳам галати-ғалати пойафзалларга, таги ейилиб кетган пиймаю этикларга, қизил аскарлар оёғидан ечиб олинган ботинкаларга, обмоткаларга кўзи тушарди.

Петро аламига чидолмай:

— Ялангоёқлар! Пасткаш мужиклар! Зоти пастлар!— деб сўкинарди ичида.

Деворларда Фоминнинг буйруқлари оқариб кўринарди. Кўчаларда одам боласи кўринмас, станица аҳолиси ин-инига уриб кетганди. Кўчанинг очиқ жойларидан оппоқ қор босган Доннинг ҳайбатли манзараси кўринарди. Доннинг нариги ёғидаги ўрмон қора қалам билан чизилган суратга ўхшарди. Қишлоқлардан эрини кўргани келган хотинлар қўққайган эски черков ёнига бир қўра қўйдай тўпланиб олишган эди.

Кўкрак чўнтаги кенг, сербар барра пўстин кийган Петро офицерча тикилган шу дардисар қоракўл папоқнинг дастидан (яқиндагина шу попоқни ҳаммага кўз-кўз қилиб юрган эди-я!) бошини кўтаролмас, одамларнинг кўз олайтириб, хўмрайиб қараётганини дамба-дам сезиб турарди. Улар еб қўядигандай бўлиб тикилишар, така-пука бўлиб турган юрагига баттар ваҳима солишарди. Майдон ўртасида тўнтарилиб ётган бочка устида, қиммат баҳо шинель ва яп-янги барра телпак кийган пакана бўйли қизил аскарнинг тўсатдан пайдо бўлиб қолганини Петро эс-эс биларди. Қизил аскар тивит қўлқоп кийган қўли билан бўйнидаги ҳаво ранг, қуён жунидан тўқилган шокилалик казакча шарфини тузатди-да, атрофига қаради.

— Ўртоқ казаклар!— деган хириллоқ бўғиқ овоз Петронинг қулоғига урилди.

Петро у ёқ-бу ёғига қараб чиқди: бу хил сўзни биринчи марта эшитган казакларнинг қаттиқ таажжубланганини, бир-бирларига маънодор қилиб кўз қисганини, ҳаяжонланиб атрофларига қараганларини кўрди. Қизил аскар Совет ҳукумати ҳамда Қизил Армия тўғрисида, казаклар билан алоқа қандай бўлишлиги тўғрисида узоқ гапирди. Айниқса бақирган овозлар, нотиқнинг гапини бўлиб берилган саволлар Петронинг эсида қолган эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ўртоқ, комуниянг қанақа ўзи?

— Бизни комунияга кирасан деб қистамасмикин?

— Комуническая партия деганинг нима?

Нотиқ қўлларини кўксига босар, чор атрофига бурилиб, шошмасдан тушунтириб берарди:

— Ўртоқлар! Коммунистлар партияси — ихтиёрий бир ташкилот. Қимики, ишчи ва деҳқонларни капиталистлар ва помешчиклар зулмидан озод этиш учун улуғ мақсад йўлида курашмоқчи бўлса, ўз ихтиёри билан партияга кира олади.

Бирпасдан кейин нариги бурчакдан:

— Коммунист нима-ю, комиссар нима, шуни тушунтириб беришингизни сўраймиз,— деган баланд овоз чиқди.

Қизил аскар саволларга жавоб берар, лекин орадан сал ўтгач яна аллаким йўғон товуш билан бўкирар эди:

— Комуния тўғрисидаги гапингга тушунмаяпмиз. Мағизини чақиб беришингни сўраймиз. Бизлар оми одамлармиз. Бизга гапнинг пўскалласини гапир!

Сўнгра Фомин чиқиб, узундан-узоқ гапириб ҳаммани безор қилди; у ҳар гапнинг бирида керак бўлса бўлмаса, «экуироваться» сўзини қўшиб кетар ва шунинг билан ўзини билимдон қилиб кўрсатмоқчи бўларди. Петро унинг пойма-пой нутқига қулоқ солар экан, 1917 йил февралида, худди Дарья келган куни, Петроград йўлидаги бир станцияда Фомин билан биринчи марта учрашганини эслади. Атаман полкли қочоқнинг хўмрайган башараси, ёшланиб учиб турган ўғри кўзлари, эгнидаги эски шинелининг урядниклик погонидаги ситилиб кетган «52» номери, айиқсимон лапанглаб юришлари дарҳол Петронинг кўзи олдига келди. Ўшанда Петро унинг «жонимдан тўйдим, укажон!»— деб минғиллаганини эшитган эди. «Ўзи қочоқ, Христонядек бир аҳмоқ бўлса-ю, тағин командирлик қилса, мен бояқиш ҳалиям хор-зор...»,— Петро кўзларини чақчайтириб, шу гапларни хаёлидан ўтказарди.

Икки елкасидан белигача пулемёт лентаси тақиб олган казак, Фоминдан кейин сўзга чиқди.

— Биродарлар! Мен Подтелковнинг отрядида

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлганман, худо хоҳласа, ҳали кадетларга қарши янг жанг қиламан деган умидим бор!— деб қўлларини пахса қилиб, бўғилиб бақирарди у.

Петро тез-тез юриб, қўшхона томон кетди. Отини эгарлаётиб станицадан жўнаётган казакларнинг уст-ма-уст ўқ узганини эшитди: қадимдан қолган одат бўйича ҳарбий хизматдагилар уйга қайтганда қишлоқларга хабар бериш учун шундай қилишарди.

XIII

Осуда кун қисқа бўлса ҳам, казаклар назарида кечга бориб саратондагисидан ҳам узайиб кетгандай туюла бошлади. Қишлоқлар одам ораламаган даштбиёбонга ўхшаб ҳувиллаб қолди. Дон атрофига вабо келганга, тамоми қишлоқлар қирилиб кетганга ўхшарди. Шу қадар хунук бир манзара кўзга ташланардики, гўё Дон атрофини қоп-қора ваҳимали булут қоплаб, ҳамма ёқ зулматга ботгандай сезилар, ҳаш-паш дегунча шиддатли бўрон туриб, момақалдироқ гулдураб, теракларни эгиб юборадиганга, Доннинг нарёғидаги оқ ўрмонни қийратадиганга, ана ундан кейин бўр тоғидан харсангларни қулатиб, оламга сурон солиб, қиёмат бошлайдиганга ўхшарди.

Татарскда эрталабдан бошлаб, ҳамма ёқни туман босган эди. Тоғ гувиллар — аёз туришидан дарак берарди. Тушга яқин офтоб қуюқ туман орасидан мўралагандай бўларди-ю, бироқ ҳаво ёришмасди. Туман эса Дон атрофидаги тоғлар тепасида сузиб юрар, жарлар орасига кириб кетар, тоғ этакларига ёйилар, сўнгра, бахмал ўт босган бўр тошларига, қиррадор қорли чўққиларга қўниб, йўқолиб кетарди.

Барглари тўкилиб, учлари найза сингари қаққайиб қолган дарахтлар орқасидан кечалари чўғдай қизариб, қонга беланган қалқонга ўхшаб ой кўтариларди. Ой жимжит қишлоқлар устида уруш ва ёнғин алангаларини акс эттиргандай хира нур сочиб турарди. Лекин бу шафқатсиз сўнмас чироқнинг ёруғи одамларга ваҳима солар, молларни безовта қиларди. Отлар ва ҳўкизлар уйқусини йўқотиб, қўрада дайдиб тонг оттирарди. Итлар увиллар, кечаси хўрозлар бевақт қичқирарди. Дарахтларнинг ҳўл новдалари эрталабгача

www.ziyouz.com kutubxonasi

музлаб қоларди; бу новдалар шамолда қимирлаб бирбирларига тегиб, пўлат узангидай жаранглар, гўёки, Доннинг чап қирғоғидан, қорайган ўрмонзор орасидан, қоронғида яроқ-аслаҳасини, узангисини жаранглатиб лак-лак отлиқ аскар ўтаётгандай туюларди.

Шимолий фронтдаги татарсклик казакларнинг деярли ҳаммаси Дон бўйига секин-аста сурилиб келаётган ўз қисмларини ташлаб, қишлоққа келган эди. Ҳар куни битта-яримтаси қайтиб келарди. Бир хиллар отига узоқ дам бериш, қурол-яроғини похол орасига ёки бўғот тагига яшириб қўйиб, қизилларнинг келишини кутиш мақсадида қайтар, баъзи бирлари қор босиб қолган эшикни очиб, отини қўрага етаклаб кирар, хотини билан бир кечагина ётиб, хуржунга қоқ нон тўлғазиб, эрталаб яна йўлга чиқар, дўнгдан туриб, оппоқ чодирга ўралган Дон атрофларига, туғилиб ўсган ерларига тикилиб қарар, бу жойларни умрбод ташлаб кетаётгандай сўнгги марта кўздан кечирарди.

Ажалнинг олдини оладиган инсон борми? Умр жумбоғини ким ечиб бера олади?.. Қишлоқдан чиққан отнинг юриши қийин. Юрак-бағри тилка-пора бўлган казакнинг ўз жигаргўшаларини унутиши ундан ҳам қийин. Бўрон туриб, қорларни ер бағирлатиб учириб юрган йўлларда бутун фикр-хаёл уйда бўларди. Кўпгина мушкул масалалар ана шундай оғир йўлларда бошқатдан ўйлаб чиқиларди... Ўшанда кўпгина кўзлардан шўртанг ёшлар оқиб, эгар қошига, ундан муздай узангига, узангидан тақа изи тушган ерга қорилган бўлса ҳам ажаб эмас. Ахир, ундай жойларда баҳор кези, жудолик нишонаси бўлган тарғил лола ўсиб чиқади-ку!

* * *

Петро Вёшенскаядан келгач, мелеховлар уйида кечаси оилавий кенгаш бошланди.

— Хўш, баҳай?—деб сўради Пантелей Прокофьевич Петро остонадан ўтмай туриб.— Урушиб бўлдингми? Погонинг қайда қолди? Қани, бор, уканг билан кўриш, онангни хурсанд қил, хотининг ҳам соғинган... Балли, балли, Петяша... Григорий! Ҳой, Григорь

www.ziyouz.com kutubxonasi

Пантелевич, печь устида ҳўкиздай ётаверасанми? Бақ-қа туш!

Григорий кўк чалворининг поча боғлари билан сиқиб боғланган пайпоқсиз оёқларини осилтириб, қоп-қора жун босиб кетган кўкрагини қашлаб, Петронинг кучана-кучана, елкасидан қилич боғини ечишини, та-рашадай музлаб қолган бармоқлари билан тумоқ бан-дини тимирскилашини илжайиб томоша қиларди. Дарья чурқ этмай, кулимсираб, эрининг кўзларига ти-килар, пўстин тугмаларини ечар, лекин эрининг ўнг ёнидан ҳадеб ўзини олиб қочарди, чунки ўнг биқини-даги тўппонча ғилофи ёнида турган гранатадан хаво-тир эди.

Дуняшка югура келиб, акасининг қиров босган мўйловига бетини тутиб берди-да, отга қарагани чи-қиб кетди. Ильинична бўлса, этаги билан лабларини артиб, «тўнғичини» ўпмоққа тайёрланди. Наталья печь ёнида ғивирларди. Гўдаклар унинг этагига ёпи-шиб пинжига тиқилишарди. Ҳаммаси Петронинг оғзи-га тикилар, гап кутарди, лекин у остонадан туриб бў-ғиқ овоз билан: «Аҳволлар қалай?»— деди-ю, инда-май ечинаверди, этигидаги қорни супурги билан анчагача тозалади, сўнгра қаддини ростлади, бир-данига лаблари қалтираб кетди; Петро нима қилишини билмай, каравот панжарасига суяниб қолди; унинг совуқ чалган, кўкариб кетган бетларидан тирқираб ёш оқаётганини эндигина кўрдилар.

Чол қўрқиб кетганини, овози ўзгарганини сездир-маслик учун ҳазил-мутойиба қилиб:

— Аскар бола! Ўзи тинчликми?— деб сўради.

— Расво бўлдик, дада!

Петронинг оғзи қийшайиб кетди, оқимтир қошла-рини учирди, кўзларини обқочди-да, тамаки ҳиди ўти-риб қолган кир дастрўмолига бурнини қоқди.

Григорий суйканган мушукни улоқтириб юборди-да, печдан ирғиб тушди. Петронинг битлаган бо-шидан ўпаётган она йиғлаб юборди, лекин ўша заҳо-тиёқ ўзини босиб олди.

— Бўтамдан айланай! Онанг айлансин, қатиқ солиб берайми! Ўтирсанг-чи ахир, шўрлик, шўрва-дан ичиб ол. Худо билсин, қорнинг ҳам очдир?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Петро стол ёнида инисининг ўғлини ўйнатиб ўтириб, қизишиб кетди: мумкин қадар ўзини босиб, 28-нчи полкнинг фронтни ташлаб кетганини, командирларнинг қочганини, Фоминнинг кимлигини, Вёшенскаяда ўтказилган сўнгги митингни сўзлаб берди.

Григорий сертомир қўлини қизининг бошидан олмай:

— Бу ёғи нима бўлади, ҳеч ўйлаб кўрдингми?— деб сўради.

— Ўйлайдиган жойи қолмади. Эртага бир амаллаб кунни кеч қиламан-да, кечаси жўнаб қоламан. Онажон, йўлга кўпроқ озиқ пишириб беринг,— деб Петро онасига бурилди.

— Демак, қочишни мўлжаллабсан-да, а?

Пантелей Прокофьевичнинг қўли халтага суқилганича қолди; чол жавоб кутар, олган тамакиси бармоқлари орасидан секин-аста тўкиларди.

Петро ўрнидан туриб, туси ўнгган қорамтир иконаларга чўқинди; унинг қовоғи солиқ, кўзлари ғамгин эди.

— Худога шукур, қорним тўйди!.. Қочиш дедингми? Бошқа нима илож қолди? Қимирламай ўтиравер, демоқчимисан? Қизиллар калламни олса майлими? Сизлар қолсангиз, қолаверинг, лекин мен... Йўқ, тезроқ жўнаб қолганим маъқул! Офицерларга улар раҳм-шафқат қилишмайди.

— Уй нима бўлади? Ташлаб кетаверамизми?

Чолнинг саволига Петро кифтини қисиб қўя қолди. Лекин Дарья дарҳол дод-вой кўтарди:

— Сизлар кетаверинг, биз уйда қолаверайлик, шундайми? Балли, сиздақа эрларга! Мол-мулкингизни биз қўриқлар эканмиз-да!.. Унинг касофатига ўлсанг-ўлавер дегин! Менга деса ҳаммаси куйиб кул бўлмайдими! Бир зум ҳам турмайман!

Ҳатто Наталья ҳам гапга аралашди. Унинг овози Дарьянинг шанғиллашини босиб тушди:

— Агар бутун қишлоқ бамаслаҳат қўзғаладиган бўлса, биз ҳам қараб турмаймиз! Пиёда бўлса ҳам кетамиз!

— Эси пастлар! Қанжиқлар!— деб бақирди Пан-

www.ziyouz.com kutubxonasi

телей Прокофьевич кўзларини ола-кула қилиб, беихтиёр ҳассасини қидираркан.— Хаҳ, онаси байталлар! Овозларингни ўчир, бадбахтлар! Эркакларнинг ишига аралашишади, баланд келишади-я... Нима, ҳамма нарсани ташлаб, бошимиз оққан томонга кетаверайликми! Молларни нима қиламиз, хўш? Чўнтагимизга солиб оламизми? Уйни-чи?..

— Ҳой келинлар, иккковингиз ҳам эсингизни еб қопсиз?— Ильинична хафа бўлиб чолининг ёнини олди.— Бу дов-дастгоҳга меҳнатингиз сингмаган, ичингиз ачимайди-да. Биз, чолу кампир кечани кеча, кундузни кундуз демай ишлаб, буни зўрга йиққанмиз, шунча нарсани кўз қиядими ахир? Худо кўрсатмасин!— кампир лабларини қимтиб, хўрсиниб қўйди.— Сизлар кета қолинглар, мен жойимдан қўзғалмайман. Бировларнинг девори тагида жон бергандан кўра, қайтага, ўз остонамда ўқ еб ўлганим яхши.

Пантелей Прокофьевич пишиллаб, бурнини тортиб, лампа пилигини пасайтирди. Ҳаммаси бирпас жимиб қолди. Пайпоқ тўқиётган Дуняшка бошини кўтариб секингина:

— Молни деб бошимизни балога қўяйликми... Ҳайдаб кетаверайлик-да,— деди.

Чол яна фиғон бўлиб худди боқувдаги айғирдай, ер тепиниб, печь ёнида ётган улоққа қоқилиб йиқилаёзди. Дуняшканинг рўпарасига келиб бақира бошлади:

— Ҳайдаб кетасан-а! Қари сигир туғай деб турибди,— уни нима қиласан? Қатгача ҳайдаб бора оласан? Хаҳ, тилингга куйдирги чиққур-эй! Хонабезор! Ҳароми! Битлиқи! Мен шуларга қолар деб мол қилсам, жой қилсаму охири эшитган гапим шу бўлса-я!.. Қўйлар нима бўлади? Қўзиларни қайга оборасан?.. Оббо мочағар-э! Сенга гапни ким қўйибди!

Григорий Петрога кўз қирини ташлади: акасининг тим қора жажжи кўзлари болалик чоғларидаги ўша шўхлигини, ўша ўйноқилигини ҳали ҳам йўқотмаганини, бироқ одоб сақлаб мулойимгина кулиб турганини, қадимги қилиғи тутиб, малла ранг мўйлови пирпираб учаётганини кўрди. Петро тезгина кўз қисиб қўйди. кулгиси қаттиқ қистаганидан қалтираб кетди. Сўнгги йилларда кулиш нималигини унутиб юборган Григо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рий, ҳозир маза қилиб бир кулиб оладиган хонаси келганини сезди-да, қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

— Гап тамом!.. Жудаям ҳаддан ошиб кетдинглар... Бас энди!— Чол ўғлига еб қўядигандай қилиб хўмрайиб қаради-ю, оппоқ қиров босган деразага юзини ўгириб ўтириб олди.

Фақат ярим кечага бориб бир қарорга келишди: эркаклар кетадиган, хотинлар уй пойлаб қоладиган бўлди.

Ильинична тонг ёришмасдан туриб, печга ўт қалади, эрталабгача нонини ёпиб бўлди, икки халта нон қуритди. Чол қоронғидаёқ нонушта қилиб олди-да, тонг ёришгач молларнинг тагини тозалагани, чанани тайёрлагани чиқиб кетди. У омборхонада узоқ туриб қолди: оғзигача тўлдириб уруғлик буғдой солинган хамбага қўлини тиқди, панжалари орасидан дона-дона буғдойнинг қуйилишини томоша қилди. Сўнгра, худди ўлик ёнидан чиққан одамдай, ташқарига бошяланг чиқди-да, сариқ эшикни оҳиста ёпиб қўйди...

Чол бостирма тагида, чананинг от тўрваларини алмаштирмоқчи бўлиб, анчагача ивирсиб юрди, шу вақт тор кўчада сигирини суғоргани ҳайдаб кетаётган Аникушкага кўзи тушди. Иккиси сўрашди.

— Қочишга тайёрмисан, Аникей?

— Бўлмасам-чи, йиғиштирадиган нарсам борми: кўз очиб юмгунча тайёрман-да. Бор будим эгнимда, камини йўлда ўмарарман.

— Қандай янгилик бор?

— Янгилик кўп, Прокофич!

— Тинчликми?— Пантелей Прокофьевич ҳовлиқиб кетиб, болтани чанага қистириб қўйди.

— Қизиллар бугун-эрта шу ерда бўлади. Ҳозир Вёшкага яқин кеб қолишибди. Катта Громкига борган бир одам кўрибди: «келишлари бежо» дейди. Одамни қўйдай бўғизлашармиш... Уларда ер юткур жуҳут билан хитой кўп! Аттангки бу қийиқ кўз иблисларни биратўла қириб юбормаган эканмиз-да!

— Бўғизлашарканми?

— Йўқ, пешонангни силашармиш! Ҳаммасиданам қарғиш урган чигаларники[1] ошиб тушди!..— Аникушка

[1] Чига ёки чигуня — юқори донликларнинг лақаби.

www.ziyouz.com kutubxonasi

болохонадор қилиб сўкинди-да, оғзи ғапдан бўшамай, четан девор таги билан юриб кетди.— Дарёнинг нариги бетида хотинлари мусаллас солишибди, иззат қилмасак балога қоламиз деб, роса ичиришаётганмиш; улар бўлса ичиб олиб маст-аласт иккинчи қишлоқни босишармиш, уни остин-устун қилишармиш.

Чол от тўрвани ўрнатиб бўлди, қўрадаги ҳамма биноларни, ўз қўли билан қўйган устунларни, четану тирговичларни бирма-бир айланиб чиқди. Сўнгра хашак соладиган қанорни олиб, йўлга керакли пичанни тайёрлаб қўйгани ғарам томон кетди. Жўнамоқдан бошқа чораси йўқлигини ҳали ҳам сезмаган чол, пичан орасидан ёмонроғини — бурган аралашганини чангак билан ола бошлади (сарасини у доим баҳорга — қўш маҳалига асрар эди) лекин бу ниятидан қайтиб, ўзидан-ўзи хуноб бўлиб, нариги ғарамга ўтди. Негадир у, бир неча соатдан кейин шу ҳовли-жойини, қишлоғини ташлаб, нотаниш жануб ёқларга жўнашини, балки, ўша томонларда ўлиги қолиб кетишини хаёлига ҳам келтирмас эди. Чол керакли пичанни олди, эски одати бўйича сочилган хашакларни тўпламоқчи бўлиб, қўлини хаскашга узатди-ю, бироқ ўтдан опқочгандай, қўлини тортиб олди, телпак остида терлаган пешонасини артаётиб:

— Энди эҳтиёт қилишнинг нима кераги бор?— деб юборди.— Барибир, отларига солиб, оёқ ости қилишади, бекордан-бекорга нес-нобуд бўлади ёки ёқиб юборишади.

Чол хаскашни тиззаси билан бир туртди-да, тишларини ғижирлатиб пичан солинган қанорни орқалади, букчайиб, оёқларини судраб босиб, юриб кетди.

Уйга кирмай, эшикни қия очди-да:

— Бўла қолинглар? Ҳозир чанани қўшаман. Кеч қолмайлик тағин,— деди.

Чол аллақачон отларни қўшиб бўлди, чананинг кетига бир қоп сулини ҳам ортди, бироқ ўғилларининг бу қадар ивирсиганига таажжубланиб, уйга яна қайтиб келди.

Уйда бир бало бўлган эди: Петро йўлга атаб тайёрланган бўхчаларни зарда билан шартта-шартта ечиб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

чалвору мундирларни, хотинларнинг байрамда киядиган кийим-кечакларини ерга улоқтирарди.

— Ўзи нима гап ахир!— деб сўради Пантелей Прокофьевич қулоқчинини ечиб, ҳанг-манг бўлиб.

— Нима гап бўларди?!— Петро бош бармоғини кифтидан ошириб, хотинларни кўрсатди:— Йиғлашяпти. Биз ҳам ҳеч ёққа бормаймиз! Кетадиган бўлсак, ҳаммамиз баравар кетамиз, йўқса, биттамиз ҳам қўзғалмаймиз! Булар юрагини ҳовучлаб, қизиллар қўлида қолаверсину, биз бўлсак мол қайғусида кетаверайликми? Ўлдиришадиган бўлса, шуларнинг кўзи олдида ўлганимиз яхши.

— Ечин, дада!— Григорий илжайиб, шинель ва қиличини еча бошлади; Наталья йиғисини босолмай орқадан келиб, унинг қўлидан ушлар, устма-уст ўпарди, лоладай қизарган Дуняшка суюнганидан ҳадеб чапак чаларди.

Чол қулоқчинини кийди, лекин ўша заҳотиёқ яна ечиб қўйди, сўнгра тўрга ўтиб, салмоқ билан қўлларини қимирлатиб чўқиниб олди. Уч карра сажда қилиб, тиззалаб ердан турди-да, ҳаммага бирма-бир қараб чиқди.

— Майли, ундай бўлса, қоламиз! Ё парвардигори олам, бизларни ўз паноҳингда асрагайсан! Отларни чиқариб келай.

Аникушка югуриб келди. Мелеховлар уйида каттаю кичик баб-баравар кулиб турганини кўриб ҳайрон бўлди.

— Нима гап ўзи?

— Бизнинг казаклар кетмайди!— деб ҳамманинг номидан Дарья жавоб қилди.

— Ана холос! Айнидингларми?

— Айнидик!— Григорий тиржайиб, оппоқ тишларини кўрсатди-да, кўз қисиб қўйди:— Ажални қидириб овора бўлма, жон керак бўлса, шу ерда ола қолсин.

— Офицерларки қочмагандан кейин, бизларга қочишга бало борми?— Аникушка эчкидай тапир-тупур югуриб айвонга чиқди-да, ўшанақаси дераза таги билан ўтиб кетди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

XIV

Вёшенскаяда ҳамма деворларга Фоминнинг буйруғи ёпиштирилган эди. Ҳадемай қизил аскарларнинг станицага кириб келишини кутишарди. Вёшенскаядан ўттиз беш чақирим нарироқдаги Каргин станицасида Шимолий фронт штаби жойлашган эди. Тўртинчи январга ўтар кечаси чеченлар отряди келгандан кейин, лашкар старшинаси Роман Лазаревнинг жазо отряди шошилинч суратда, поход тартибида Усть-Белокалитвен станицасидан Фомин бошлиқ исёнчи полкка қарши йўлга чиқди.

Чеченлар бешинчи январда Вёшенскаяга ҳужум қилишлари керак эди. Уларнинг разведкаси Белогорскда бўлган эди. Бироқ ҳужум барбод бўлди: Фомин казакларидан қочиб ўтган бир одам Қизил Армиянинг каттакон бир қисми Гороховка қишлоғида тунаб кетганини, бешинчи январда Вёшенскаяга етиб боришини гапириб берди.

Новочеркасскка келган иттифоқдошлар билан банд бўлган Краснов, Фоминни йўлга солиш учун уриниб кўрди. Новочеркасск билан Вёшенская орасига ўрнатилган дала телеграфига уни чақирди. Аппарат: «Вёшенская, Фомин» деб устма-уст тақиллатавериб, ахийри иккисини гаплаштирди:

«Вёшенская Фоминга нуқта Урядник Фомин вергул сизга буюраман икки нуқта аҳмоқлик қилмасдан полкингиз билан позицияга қайтинг нуқта Жазо отряди юбордим нуқта Бўйинтоблик қилсангиз отиласиз нуқта Краснов».

Фомин керосин чироқ ёруғида пўстин барларини очиб, телеграфист бармоқлари орасидан илондай буралиб чиқаётган холдор қоғоз лентасига тикилар, телеграфистнинг тепасида туриб олиб, муздай нафаси аралаш самагон ҳидини бурқситар ва дерди:

— Нима деб акиллаяпти ўзи? Аҳмоқлик? Гапи тамом бўлдими!.. Ёз унга... Нима, нима? Нега мумкин эмас? Буюраман, ёз, йўқса кекирдагингни узиб оламан!

Телеграф яна тиқиллади:

«Новочеркасск атаман Красновга нуқта Кучала еган жойингга бориб тириш нуқта Фомин».

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шимолий фронтдаги аҳвол шу қадар кескинлашдики, Краснов Украинага ўзи боришга ва ўша ердан туриб Фоминнинг адабини беришга, хусусан, руҳи тушган казакларнинг кўнглини кўтариб, йўлга солишга қарор қилди. Шу ниятда у иттифоқдошларни фронт бўйлаб ҳамсафар бўлишга таклиф этди.

Ҳозиргина жанг майдонидан чиққан, георгий орденли Гундоров полки Бутурлиновка қишлоғида кўрикдан ўтди. Кўрик тамом бўлгач, Краснов полк байроғи ёнига келиб тўхтади. Кўксини ўнг томонга буриб туриб:

— Кимки менинг қўл остимда, Ўнинчи полкда хизмат этган бўлса, бир қадам олға чиқсин!— деб бақирди.

Гундоровичларнинг қарийб ярми саф олдига чиқди. Краснов папоғини олиб, ёнгинасида турган ёши қайтган, лекин ботирсавлат вахмистрни устма-уст ўпди. Вахмистр шинелининг енги билан калта қирқилган мўйловини артди-да, кўзларини чақчайтирганча қотиб қолди. Краснов ҳамма полкдошлари билан ўпишиб чиқди. Иттифоқдошлар ҳанг-манг бўлиб, пичирпичир қила бошладилар. Лекин Краснов уларнинг олдига келиб:

— Мен шу қаҳрамонлар билан Незвиская ёнида немисларни, Белжец ва Комаровда австрийцларни қирганман, душман устидан ғалаба қозонишга ёрдам қилганман,— деб тушунтирганидан кейингина ағрайиб турган иттифоқдошларнинг юзлари ёришиб, тиллари калимага келди.

...Офтобнинг икки ёнида икки сим ёғоч, хазина қўриқлаган посбонлар сингари, қотиб қолган эди. Шарқи-шимолдан турган муздай шамол ўрмонлар ичида ҳуштак чалар, шитоб билан ёпирилиб келиб, далаю даштга сурон солар, сўррайган бурганларни алғоқ-далғоқ қилиб барларини учириб юрарди. 6 январь кечга яқин Чир устини ғира-шира қоронғилик қоплаган эди. Краснов, инглиз офицерларидан — Эдварс билан Олкоттни, французлардан — капитан Бартело билан лейтенант Эрлихни ўзига ҳамроҳ қилиб, Каргинга борди. Пўстин, қуён терисидан тикилган пахмоқ папах кийиб олган иттифоқдошлар, ўйнаб-кулиб, жунжикишиб, ер тепишиб автомобилдан тушдилар; улардан си-

www.ziyouz.com kutubxonasi

гара ва атир ҳиди анқир эди. Бадавлат савдогарлардан бўлган Лавочкиннинг уйида исинишиб, чойга тўйганларидан сўнг офицерлар, Краснов ҳамда Шимолий фронт қўмондони генерал-майор Иванов билан бирга мажлис ўтказиладиган мактабга бордилар.

Краснов бир гала казаклар олдига чиқиб, узоқ нутқ сўзлади. Унинг гапларини зўр эътибор билан тингладилар. Лекин у, большевиклар эгаллаган станицаларда бўлаётган «ваҳшийликлар» тўғрисида лоф уриб, оғиз кўпиртира бошлаган ҳамон, кўм-кўк тамаки тутуни босиб кетган орқа томондан аллакимнинг зардаси қайнаб:

— Ёлғон!— деб бақирганн гапнинг белига тепди.

Эрталаб Краснов иттифоқдошлари билан шоша-пиша Миллеровога жўнади.

Шимолий фронт штаби ҳам дарҳол жўнаб қолди. Чеченлар кечгача станицани тинтиб, чекинишдан бош тортган казакларни йиғиб олдилар. Кечаси ўқ-дори складига ўт қўйилди. Гўё бир ғарам шох-шабба ёнаётгандай, милтиқ ўқлари ярим кечагача қасира-қусурга олиб чиқди; тўп ўқларининг портлаши тоғ қулагандай гумбурларди. Эртаси куни, чекиниш олдидан майдонда ибодат бошланган маҳалда, Каргин тепалигида пулемёт сайраб қолди. Ўқ дўлдай ёғиб черков томини ноғора қилиб чалди, ҳамма одам тумтарақай даштга қочди. Лазаревнинг отряди билан кичик казак қисмлари, чекинаётганлар ўтиб олгунча қизиллар ҳамласини даф қилишга уриниб кўрди: пиёда аскарлар шамол тегирмонининг нарёғида пистирма қилиб ётишди, каргинлик ясовул Фёдор Попов бошлиқ 36-нчи Каргин батареяси, ҳужум бошлаган қизилларни палапартиш ўққа тутиб кўрди-ю, бироқ сал ўтмай жуфтагини ростлаб қолди. Отлиқ қизил аскарлар Латишев қишлоғи томондан от солиб келиб, пиёда аскарларни жарга қамаб олди-да, аллаким мазах қилиб, «паҳлавонлар» деб атаган йигирмата каргинлик чолни чопиб ўлдирди

XV

Чекинмасликка қарор қилингандан кейин Пантелей Прокофьевич яна эски аслига қайтиб, баттар молпараст бўлиб қолди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кечқурун молларга хашак солгани чиқди-да, иккиланмасдан тўппа-тўғри бориб, ёмон пичандан олаверди. Қоп-қоронғи қўрада ивирсиб, сигирнинг у ёғидан ўтиб, бу ёғидан ўтиб қараб, кўнгли жойига тушди ва: «елини жойида, ўзиям роса қорин собди. Худодан бўлиб иккита туғиб берса-я!» деган хаёлни кўнглидан ўтказди. Бутун молу мулк яна аввалгисидай, жондан ҳам азиз, шакардан ҳам лазиз кўриниб кетди; хаёлан бош-кўздан садақа қилиб қўйилган тамомий нарса ўз қадр-қимматига яна бошқатдан эга бўлди. Чол қисқа муддатли оқшом пайтида, охур олдига кепак тўккани, тоғоранинг музини кўчириб ташламагани учун Дуняшкани койиб қўйди, Степан Астаховнинг тўнғизи тешган четанни ҳам ямаб бўлди. Шу орада дераза қопқоғини беркитмоқчи бўлиб чиққан Аксиньядан, Степаннинг кетиш-кетмаслигини ҳам сўраб билди. Аксинья рўмолига ўраниб оларкан оҳангдор қилиб чўзиб гапирарди:

— Бе, йўғ-эй, кетишга мажоли йўқ! Печь устида ётибди, безгаги тутяпти чоғи... Пешонаси ўтдай ёняпти, ичим оғрияпти дейди. Стёпа бетоб. Кетмайди...

— Бизникилар ҳам шу. Биз ҳам, масалан, кетмайдиган бўлдик. Охири бахайр бўладими-йўқми, ким билсин...

Илк саҳар. Доннинг нарёқларида, бўзарган қорамтир ўрмон устида, мовий осмон қўйнида Олтин қозиқ чарақлаб нур сочади. Осмоннинг шарқ томони қизара бошлади. Тонг ёришди. Бақатеракнинг тарвайган шохлари орасида ой бир парча синиқ ўроққа ўхшаб қотиб қолган эди. Қорлар устида ноаниқ соялар ўрмалашарди. Қор уюмлари қорайиб кўринарди. Ҳамма ёқ шу қадар жимжит эдики, ҳатто Донда аллакимнинг лом билан муз тешаётгани ҳам Пантелей Прокофьевичга эшитиларди; бу Аникушка бўлса керак. Муз парчалари синиб сачраб-сачраб кетар, шишадай жаранглар эди. Қўрада ҳўкизларнинг бир маромда китирлатиб пичан кавшагани эшитиларди.

Ошхонада чироқ ёқилди. Деразада Натальянинг сояси кўринди. Иссиқ уй Пантелей Прокофьевични ўз оғушига тортди. Оила аъзолари жамулжам эди. Дуняшка ҳозиргина Христонянинг хотини олдидан келиб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

ачитқи солинган идишни бўшатиб турганди; унинг лаби лабига тегмас, эшитган янгиликларини тезроқ гапириб беришга ошиқар эди.

Меҳмонхонада эса милтиғини, тўппонча ва қиличини мойлаб ўтирган Григорий дурбинни сочиққа ўради-да, Петрони чақирди:

— Сен ўз қуролингни мойладингми? Олиб кел. Кўмиб ташлаш керак.

— Борди-ю, жон сақлаш учун керак бўлиб қолса, нима қиламиз?

— Гапини қара-я!— деб кулди Григорий.— Кўзингни оч, бола, топиб олишса, тирик қўйишмайди.

Иккиси қўрага чиқди. Қуролларини, негадир, бўлак-бўлак жойга яширдилар. Григорий яп-янги қора наганни ёстиқ тагига тиқиб қўйди.

Эндигина кечки овқатни еб бўлиб, гаплар қовушиб-қовушмай, ётишга ҳозирланганларида, занжирдаги кўппакнинг юлқиниб, бўйин ипига бўғилиб, хириллаб вовиллагани эшитилди. Чол нима гаплигини билгани ҳовлига чиқиб, қош-кўзигача тумоғини бостириб олган бир одамни бошлаб келди. Бекам-кўст қуролланган, белини камар билан сиқиб боғлаган бу одам кирган заҳоти чўқиниб олди; оппоқ қиров қоплаган «о» ҳарфига ўхшаш оғзидан буғ чиқар эди.

— Мени танимадингларми дейман?

— Ие, бу ахир Макар қудамиз-ку!— деди шанғиллаб Дарья.

Ана шундан кейингина Петро ва бошқалар узоқ қариндошлари бўлган Макар Ногайцевни танидилар; у теварак-атрофга номи кетган ўткир ашулачи ва ароқхўр казак бўлиб, Сингин қишлоғидан эди.

— Қайси шамол учирди?— кулиб сўради Петро ўрнидан қўзғалмасдан.

Ногайцев мўйловига ёпишган яхларни юлиб-юлиб, остонага ташлади, чарм қопланган қўпол пиймалари билан ер тепинди-да, шошмасдан ечина бошлади.

— Якка ўзим чекинаверай десам, зерикадиганга ўхшайман, қани, қудалардан бир хабар олиб ўтай-чи дедим. Иккови ҳам уйда деб эшитдим. Хотинимга, Мелеховларникига борай-чи, ҳар ҳолда, чакки бўлмас дедим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Макар милтиғини олиб, оташкураклар ёнига, печга суяб қўйди, буни кўриб хотинлар кулдилар. Ўқдонини печь ёнидаги токча остига тиқди, лекин қиличи билан қамчисини каравот устига қўйди. Бу гал ҳам унинг оғзидан ароқ ҳиди келар, чақчайган кўз соққалари мижгон бўлиб сузилар, ҳўл бўлган патак соқолию пахмоқ мўйловлари орасидан чиғаноққа ўхшаш оппоқ ва теп-текис тишлари кўринарди.

Григорий нозик мунчоқ қадаб тикилган тамаки халтасини узатиб:

— Сингинлик казаклар жўнамадими?— деб сўради. Меҳмон халтани рад этди.

— Қашанда эмасман... Казакларми? Кетадигани кетди, қолгани сичқоннинг инини ахтариб юрибди. Хўш, жўнайсизми?

Ильинична қўрқиб кетди.

— Бизникилар бормайди. Аврамай қўя қол!

— Қоладиган бўлдингизми? Сира ишонмайман! Григорий, ростми? Бошларинг кетади-я, биродар!

— Пешонамиздан кўрамиз...— деб хўрсинди Петро, бирданига чўғдай қизариб:— Григорий! Сен нима дейсан? Айниганинг йўқми? Кета қолайлик-а?—деб сўради.

— Ҳеч-да.

Тамаки тутуни Григорийни ўраб олди, қоп-қора жингалак сочлари устида ўралашиб, анчагача тарқамади.

— Отхонани дадам тозалаяптими?— деб сўради Петро томдан тараша тушгандай қилиб.

Ҳамма бирдан жимиб қолди, анчагача чурқ этган овоз чиқмади. Фақат Дуняшканинг оёғи остидаги чарх аридай ғинғиллаб, уйқуни келтирарди.

Ногайцев ака-ука Мелеховларга Донецдан ўтиб олиш кераклигини айтиб авраб оппоқ тонг оттирди. Кечаси Петро икки марта отини эгарламоқчи бўлиб қўрага чиқди-ю, бироқ Дарьянинг еб қўйгудай бўлиб кўз олайтирганини кўриб, икки сафар ҳам эгарини олиб қўйишга мажбур бўлди.

Тонг ёришди, меҳмон ҳам йўл тараддудига тушди. Кийиниб бўлгандан кейин, эшикнинг тутқичидан ушлаб туриб, жўрттага томоғини қириб йўталди-да, пўписа қилди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ким билади, балки яхшиликкадир, аммо, лекин мен бир айтдим-қўйдим, ахийри аттанг дейсан. Насиб қилиб, ўша ёқлардан яна қайтиб келсак, қизилларга Дон дарвозасини ким очиб берганини, кимлар бу ерда қолиб уларга хизмат қилганини эсларингга солиб қўярмиз...— деб пўписа қилди.

Эрталабдан бошлаб гуппа-гуппа қор ташлади. Григорий ҳовлига чиқиб, Доннинг нарёғига қаради: муз устидан тушган йўл томон келаётган бир тўп одамлар қорасини кўрди. Отлар буралиб бир нарсани зўр-базўр судрашар, ғовур-ғувур, отларни қистаб сўкинган овозлар эшитиларди. Одамлар ва отларнинг қоралари қор учқунлари орасидан аранг кўринарди. Григорий тўрттадан от қўшилганини кўриб, нималигини англади: «Батарея... Наҳотки қизиллар?» деган фикрдан юраги орқасига тортиб кетди, лекин ўйланиб туриб, ўзини босиб олди.

Одамлар гала-гала бўлишиб, дарёнинг музламаган жойларини олисдан айланиб ўтиб, қишлоқ томон келавердилар. Бироқ, дарёдан чиқаверишда олдинги тўп, қирғоққа туташган музни синдириб юборди-да, бир ғилдираги ботиб кетди. Шамол жиловдорларнинг қийқириғини, музларнинг қасир-қусурини, тайғанган от туёқларининг тапир-тупурини олиб келарди. Григорий молхона томонга ўтиб, оҳиста мўралаб қаради. Суворилларнинг шинелларидаги қор босган погонларни кўрди, уст-бошларига қараб, булар казаклар эканини билди.

Беш минутдан кейин, сағриси кенг, бўйдор от минган кексароқ бир вахмистр дарвоза ёнига келиб отдан тушди-да, тизгинини панжарага боғлаб, уйга кирди.

— Уй эгаси ким?— деб сўради у саломлашиб.

— Мен...— деб жавоб бериб Пантелей Прокофьевич, «Ўғилларинг нега уйда ўтирибди?» деб албатта суриштирса керак деган ваҳимали хаёллар ичида кутиб тураверди.

Бироқ, вахмистр қордан оппоқ бўлиб қолган шопдай бурама мўйловини тузатиб, илтимос қилди:

— Барака топкурлар! Худо хайр берсин, тўпимизни чиқаришворинглар. Қирғоққа чиқаверишда ўқига довур чўкиб кетди... Арқон топиладими? Бу қайси қиш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лоқ? Адашиб қолдик. Елан станицасига боришимиз керак эди, қор ҳам роса бўралаб уряпти-да, на йўлни билиб бўлади, на бошқани... Йўл йўқотиб, роса сарсон бўлдик, сал бўлмаса, қизилларнинг қўлига тушаёзувдик.

— Нима дейишга ҳайронман, худо ҳақи...— деб жавоб қилди Пантелей Прокофьевич нима дейишини билмай.

— Нимасига ҳайрон бўласиз? Манави йигитларга қаранг... Бизга одам зарур, қарашвориш керак.

— Мен бетобман,— деб баҳона қилди чол.

— Ҳали гап шуми, биродарлар?— Вахмистр бўйнини бурмасдан, ҳаммага бирма-бир бўридай қараб чиқди. Овози ўзгариб жаранглаб кетди.— Ёки сизлар казак эмасми? Шунчалик ҳарбий аслаҳа нест-нобуд бўлса майлими? Ҳамма офицерлар қочиб кетишди, тўп командири ўрнига ёлғиз мен қолдим, бир ҳафтадан бери отдан тушганим йўқ, совуққа чалиндим, оёқ панжаларим ириб тушди, аммо мен ўлимга рози бўларманки, батареядан ажралмасман! Сизлар бўлсангиз... Балли сизга-е! Яхшиликча кўнмасангиз ҳозир казакларимни чақираман, ана иннайкейин,— вахмистр кўзига ёш олиб ғазаб билан бақирди:— Мажбур бўласиз, итдан туғилганлар! Большевиклар! Онаси байталлар! Сени-чи, ҳой чол, ўзингни тўпга қўшиб судратаман, билиб қўй! Дарров бориб одамларни чақир, агар чиқмаса, худо урсин, анови ёқдан туриб тўпга тутаман, қишлоғингни ер билан яксон қиламан...

Вахмистр ўз кучига унчалик ишонмагандай бўлиб гапирарди. Григорийнинг унга раҳми келди. Шапкасини олди-да, ваҳиллаётган вахмистрга эътибор қилмай, дағаллик билан:

— Кўп хуноб бўлаверма. Сени қара-ю! Тўпингни чиқаришворамиз, у ёғини худодан кўр,— деди.

Остига четанлар тўшаб тўпларни чиқариб бердилар. Анча одам йиғилган эди. Аникушка, Христоня, Иван Томилин, Мелеховлар ҳамда ўн чоқли хотин, тўпчиларнинг ёрдами билан тўпларни ва ўқ солинган яшикларни судраб чиқардилар, итар-итар қилишиб, отларни дўнгдан ўтказишиб юбордилар. Музлаб қол-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган ғилдираклар айланмай, чана сингари қор чизар эди. Озиб кетган дармонсиз отлар анчайин бир тепадан ҳам қийналиб чиқарди. Ярми қочиб, ярми қолган тўпчилар пиёда боришарди. Вахмистр шапкасини олиб таъзим қилди, ёрдамлашган одамларга миннатдорчилик билдирди ва эгар устида бурилиб пастак овоз билан:

— Батарея, ҳайда!— деб буйруқ берди.

Григорий эҳтиром билан унинг кетидан тикилиб қолди, қандай одам эканига тушунолмай ҳайрон бўлди. Ёнига Петро келди-да, мўйловини ямлаб туриб:

— Ҳамма ҳам шунга ўхшаса экан! Тинч Донни мудофаа қилмоқни шундан ўрганиш керак!— деди. Петронинг гапи Григорий тушунолмаган масалага жавобдай бўлиб тушди.

Қулоғигача лой бўлган Христоня уларнинг олдига келиб:

— Ҳалиги мўйловни айтасанми? Вахмистрними?— деб сўради.— Ғайратини кўр, бундай одам ўлақолса ҳам тўпларини йўлда қолдирмайди. Менга қамчи ўқталиб қолса бўладими! Уриворишданам тоймайди бу баччағар, аламзада-да! Пиймам бўлмаса ҳам боравурдим. Манга қара, у тентак бу тўпларни бошига урадими? Сичқон сиғмас инига, ғалвир боғлар думига дегандай, қийналганига қарамай, бошига бало бўлишини ўйламай, тўп судраб юрибди-я...

Қазаклар мийиғида кулишиб индамай тарқалдилар.

XVI

Вақт пешиндан ўтганда Доннинг нариги ёқларидан иккита сидирға тариллаган пулемёт овози келди-да, жимиб қолди.

Орадан ярим соат ўтгач, дераза ёнида кўчага тикилиб турган Григорий кетига тисланди, рангги қум ўчиб кетди.

— Ана қизиллар!

Ильинична «воҳ» деб дераза ёнига югурди. Кўчада саккиз отлиқ ёйилиб, от чоптириб келмоқда эди. Улар отларини елдириб келиб, Мелеховлар қўраси олдида тўхтадилар, дарёдан ўтиладиган жойни, Дон билан

www.ziyouz.com kutubxonasi

тоғ орасидаги ёлғиз оёқ йўлни кўздан кечириб, изларига қайтдилар. Остларидаги семиз отлар чўлтоқ думларини ликиллатиб, шаталоқ отиб қор итқитарди. Қишлоқнинг аройишини олгани келган отлиқ разведка кўздан ғойиб бўлди. Орадан бир соат ўтгач, Татарск қишлоғиҳи ғарч-ғурч оёқ товуши, о-олаб гаплашган ёт овозлар, итларнинг акиллаши босиб кетди. Пулемётларини чанага ортган пиёда полк обозу ошхоналари билан Дондан ўтиб қишлоққа ёйилди.

Душман аскари қишлоққа бостириб кира бошлаган дастлабки дақиқаларда ҳамма ёқни ваҳима босиб кетганига қарамай, қақажон Дуняшка шундай пайтда ҳам қизиқчилигини қўймади: отлиқ разведкачилар изига қайтиб кетаётганини кўриб, пиқирлаб кулиб юборди-да, ошхонага чопиб чиқди. Наталья уни кўриб қўрқиб кетди.

— Сенга нима бўлди?

— Вой, Наташенька! Вой, жонгинам-эй!.. Анавиларнинг от минишини бир кўрганингда эди! Эгарга сираям қовушмабди: нари бориб, бери келади, холос. Қўллари бўлса, тирсаги сингандай лапанг-лапанг қилади. Ўзларига қарасанг, худди латтадан қилинган қўғирчоқ дейсан, чувалиб кетай деб зўрға турибди!

Дуняшка қизилларнинг отда кетишини шу қадар ўхшатиб тақлид қилдики, Наталья кулгисини аранг босиб, югурганча бориб ўзини каравотга ташлади-да, қайнатасининг зардасини қайнатмаслик учун бошини ёстиққа буркаб олди.

Пантелей Прокофьевич жунжикиб, титроқ босиб, скамейка устидаги бигизу жуволдизни, михчўп солинган қутичани беихтиёр у ёқдан-бу ёққа сурар, қисиқ кўзларини ўқрайтириб дам-бадам деразага қарарди.

Хотинлар эса, худди жин теккандай, ошхонани бошига кўтариб кулишарди. Юзи қирмиз Дуняшка, шабнам тушган чаросдай намли кўзларини ялт-юлт ўйнатиб, қизил аскарларнинг эгарда ўтиришини беадабона ҳаракатлар билан тақлид қилиб, Дарьяни кулдирарди. Дарьянинг бўялган қоп-қора қошлари кулгининг зўридан камондай букиларди; у хохолаб кулар, хириллаб зўрға гапирарди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бу минишида чалворига жавр, ейилиб илматешик бўлади... Ўлма, чавандоз!.. Эгарнинг қошини ҳам синдиради!..

Ҳаттоки, меҳмонхонадан қовоғи осилиб чиққан Петрога ҳам буларнинг кулгиси таъсир қилди.

— Отда юриши ғалатими?— деб сўради у.— Уларга барибир, отга ачинишмайди. Буниси яғир бўлса, бошқасини тортиб олишади. Мужик-да!— Петро бениҳоя нафрат билдириб қўл силтади.— Умрида от кўрмаган бўлсаям ажабмас: «От кўрмаган от кўрса, мина-мина ўлдирар». Ота-боболари аравaнинг ғижирлаганидан ҳуркишарди, энди булар чавандоз бўлмоқчи!.. Ҳе, аттанг!— У бармоқларини қисирлатди-да, меҳмонхонага кириб кетди.

Қизил аскарлар кўчадан тўдалашиб келишар, тўптўп бўлиб қўраларга киришарди. Учтаси Аникушканинг дарвозаси томон бурилди, тўртта аскар билан бир отлиқ, Астаховнинг уйи олдида қолди, қолган бештаси четан девор ёни билан тўғри Мелеховларникига қараб келаверди. Олдиндагиси ўрта бўйли, ёши қайтган, соқоли олинган, бурни япалоқ, хушбичим бир қизил аскар бўлиб, унинг эпчиллигидан ва бутун важоҳатидан фронт кўрган эски туллак экани билиниб турарди. Мелеховлар қўрасига энг олдин ўша кирди, зинапоя олдида тўхтаб, занжирдаги сариқ кўппакнинг жон-жаҳди билан хириллаб вовиллашига бирпас қулоқ солиб турди; сўнгра милтиғини елкадан олди. Ўқ товушининг зарби томдаги қировни тўзитиб юборди. Григорий томоғини бўғаётган ёқасини очиб деразага қаради-ю, қор устида ағанаб қорни қип-қизил қон қилиб, жон азобида тўлғаниб гоҳ ўқ теккан биқинини, гоҳ занжирини чайнаётган итини кўрди. Бурилиб уйдагиларга қаради: ранглари ўчиб кетган хотинларга, ҳанг-манг бўлиб қолган онанинг кўзларига кўзи тушди. У бошяланг ҳолича даҳлиз томон юлқинди.

— Чиқма!— деб бақирди отаси ғалати овоз билан.

Григорий эшикни ланг очди. Отилган ўқнинг гильзаси остонага жаранглаб тушди. Кейин қолган қизил аскарлар кўча эшикдан ҳовлига кира бошладилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Григорий остонадан туриб:

— Нега итни ўлдирдинг? Сенга бир нима қилдими?— деб сўради.

Қизил аскар бурун парракларини кериб, пишқириб нафас олди, тап-тақир қирилган лабларининг икки чети осилиб кетди. У бир қараб қўйди-да, милтиғини қўлга олди.

— Нима ишинг бор? Итингга ачиндингми? Бир ўқ билан сениям жойлайман-қўяман, кетган ўқимга ачинмайман. Қалай, тобинг борми? Қани, кел!

— Ҳой-ҳой, бас қил, Александр!— деди можаро устига етиб келган малла қош новча қизил аскар кулимсираб.— Салом, хўжайин! Қизилларга кўзингиз учиб турувдими? Уйингиздан жой берасиз энди. Итингизни шу одам отдими? Аттанг-а!.. Ўртоқлар, кираверинг.

Энг кейин Григорий кирди. Қизил аскар йигитлар хушчақчақлик билан сўрашдилар, чармдан тикилган японча ўқдонларини, халталарини елкаларидан олиб қўйдилар, шинелларини, пахталик камзилу шапкаларини каравот устига уйиб ташладилар. Бирпаснинг орасида бутун уй ичини солдатликнинг айрилмас йўлдоши бўлган тер иси, тамаки сассиғи, арзон баҳо совун билан милтиқ мойининг ҳиди босиб кетди, бу ачиган, бижиган ҳидлар, босиб ўтилган узоқ йўллардан хотира эди.

Ҳалиги Александр исмли одам стол ёнига ўтириб папирос чекди, сўнгра, эшикдаги можарони яна қўзғаш ниятида:

— Сен оқларда бўлганмисан?— деб сўради Григорийдан.

— Ҳа...

— Ана, кўрдингми... Мен бойқушни қанот қоқишидан, сендақаларни мишиғини тортишидан дарҳол ажратавераман. Ғирт оқ! Офицерсан-а? Олтин погонларинг бордир?

У устма-уст бурқситиб бурнидан тутун чиқарар, кесаки ёнида турган Григорийга еб қўйгудай бўлиб хунук тикилар, тамакидан қорайган тирноғи билан ҳадеб папиросини чертарди.

— Офицерлигингни топдимми? Бўйнингга олавер!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бичимингдан билиб турибман; ўзим ҳам герман урушида қон кечганларданман.

— Офицер бўлганман, рост,— деб Григорий зўрмазўраки илжайди, лекин Натальянинг капалаги учиб, жавдираган кўзлари билан илтижо қилиб боққанини кўрди-да, қовоғини солиб, қошларини чимириб олди. Ўз табассумидан ўзи уялиб кетди.

— Аттанг! Итни эмас, сени отсам бўлар экан...

Қизил аскар папирос қолдиғини Григорийнинг оёғи остига ташлади-да, шерикларига кўз қисиб қўйди.

Григорий лаблари қийшайиб, яна беихтиёр гуноҳкорона илжая бошлаганини сезиб қолди-да, ўзининг бу қадар иродасизлигидан уялиб, қизариб кетди. «Қилғиликни қилиб қўйиб, эгасига суйканган итга ўхшадим-ку»,— деб ўзига-ўзи дашном берди у, шундай кўз ўнгида, отилган оқ тўш кўппакнинг атласдай қоп-қора лабларини йириб, худди шу хилда тиржайиши намоён бўлди, чунки кўппак ҳам ҳар доим ёнига Григорий келганда, берса тўйдирадиган, урса ўлдирадиган хўжайин келганини сезиб, дарров чалқанча ётиб олиб, тишларини кўрсатар, момиқдай малла думини тап-тап ерга урарди...

Пантелей Прокофьевич яна Григорийни ҳайратда қолдирган боягидақа бошқача овоз билан:

— Меҳмонлар овқатланишмасмикан?— деб сўради.— Истасалар, кампирга буюрай...

Ильинична меҳмонларнинг жавобини кутмасдан печь ёнига борди. Қўлидаги оташкурак қалтираганидан кампир карам шўрвалик декчани кўтара олмасди. Дарья кўзини ердан узмай стол устига нон қўйди. Қизил аскар йигитлар чўқинмасдан ўтира бошладилар. Чол ваҳимага тушиб, нафрат билан уларни томоша қиларди. Ниҳоят, чидай олмай:

— Бундан чиқди, ибодат қилишни ҳам тарк этибсиз-да?— деб сўради.

Ана шундан кейингина Александрнинг чиройи сал-пал очилди.

— Сенга ҳам маслаҳат шу, ота, ибодатни йиғиштириб қўя қол! Биз аллақачон ҳамма худоларнинг думини тугиб юборганмиз... Худо йўқ, лекин аҳмоқлар:

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Худо бор» деб ишонади, манави ёғоч бутларга қараб чўқинаверади.

Унинг чолга берган жавобига шериклари баб-баравар хохолаб кулишди.

— Шундай, шундай... Билимдон кишиларга, албатта, ҳамма гап аён-да,— деб қўрққанидан эътироз билдирмади Пантелей Прокофьевич.

Дарья ҳар қайсисининг олдига биттадан қошиқ қўйиб чиқди, бироқ Александр ўз олдидаги қошиқни нари итариб:

— Тунука қошиқ топилмайдими?— деб сўради.— Бир ками юқимли касал орттириш қолувди. Шуям қошиқми?

Дарья тутақиб кетди.

— Текин овқат еган одам ўз қошиғини олиб юради.

— Ҳой, оғзингга қараб гапир, ойимтилла! Бошқаси йўқми? Ундай бўлса, тоза сочиқ келтир, манавини артиб олай.

Ильинична тоғорачада карам шўрва қўйди, лекин Александр:

— Онажон, олдин ўзинг ичиб кўр-чи!— деб унга ҳам тиқилинч қилди.

— Нимасини кўраман? Ё тузи шўр бўбдими?— деб қўрқиб кетди кампир.

— Ичиб кўр, олдин сен ич! Балки дори-пори солгандирсан...

— Ич ахир! Бўл!— деб қатъиян буюрди Пантелей Прокофьевич ва лабларини чирт юмиб олди. Шундан кейин у қазноқдан косиблик асбобларини олиб келди-да, кундани дераза томон суриб қўйди, мойчироқнинг пилигини тузатиб, эски этикни тиззасига қўйиб ишга тушиб кетди. Чол яна қайта гапга аралашмади.

Петро меҳмонхонадан чиқмади. Наталья ҳам болалари билан ўша уйда эди. Дуняшка олдин печга суяниб, пайпоқ тўқиётган эди, лекин қизил аскарлардан бири уни «жонон» деб, овқатга таклиф этгандан кейин у ҳам чиқиб кетди. Гап тўхтаб қолди. Қизил аскарлар овқатдан кейин папирос чека бошладилар.

— Чексак мумкинми?— деб сўради малла қошли бир аскар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бизда ҳам чекувчилар кўп,— деб нохушроқ жавоб берди Ильинична.

Григорийга папирос тутишган эди, лекин у олмади. Унинг ичини ит тирнар, ҳалиги ит отган одамга кўзи тушган сари юраги орқасига тортиб кетарди, чунки у ҳадеб сурбетлик қилиб, Григорийни писанд этмасди. Афтидан, у Григорийнинг жиғига тегиш, таъбини хира қилиш учун баҳона тополмай, гап кавлаётганга ўхшарди.

— Қайси полкда хизмат этгансиз, жаноби олийлари?— деб сўради у Григорийдан.

— Турли полкларда.

— Бизникилардан қанчасини ўлдиргансиз?

— Урушда санаб ўтирилмайди. Сен мени, онадан офицер бўлиб туғилган деб ўйламай қўя қол, ўртоқ. Мен герман урушидан офицер бўлиб қайтдим. Манави лаш-лушларни жанговар хизматларим учун беришган...

— Ўртоқ дема! Сендек офицерларга ўртоқ эмасман! Сендақаларни отиб ташлаш керак. Мен ҳам гуноҳдан пок эмасман, нечтасини ўз қўлим билан отиб ўлдирганман.

— Сенга икки оғиз гап бор, ўртоқ... Жудаям ҳаддан ошиб кетяпсан: қишлоқни жанг билан олган бўлсангиз ҳам майли эди. Ўзимиз фронтни ташлаб, сизга йўл очиб бердик, сен бўлсанг қон тўкиб шаҳар олган одамга ўхшайсан... Ит ўлдириш ҳамманинг қўлидан келади, қуролсиз кишини масхара қилиш, отиб ташлаш ҳам қийин эмас...

— Сен менга корчалонлик қилма! Биламиз сизларни! «Фронтни ташлаган» эмиш-а! Адабингизни бермасак, дўппи тор келмаганда, ташламасдингиз. Мен сен билан ҳали бошқачароқ гаплашишим мумкин.

— Қўйсанг-чи, Александр! Ҳаммани безор қилдинг-ку!— деб ялинди малла қош.

Бироқ Александр бурун парракларини кериб, пишиллаб нафас олиб, Григорийнинг олдига бориб қолган эди.

— Сен-чи, офицер бола, менинг жиғимга тегма, кети ёмон бўлади.

— Мен сизга тегаётганим йўқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Йўқ, тегяпсан!

Эшик қия очилиб, Наталья титроқ овоз билан Григорийни чақирди. Григорий, рўпарасида турган қизил аскардан четланиб ўтди, эшик олдига етганда, маст одамдай гандираклаб кетди. Петро шивирлаган овоз билан заҳрини сочиб, унга ёпишиб кетди:

— Сен нима қиляпсан ўзинг?.. У касофат билан ўчакишиб нима қиласан? У билан нега айтишасан? Ҳаммамизни балога қўясан ахир! Ўтир!..— Григорийни зўрлаб сандиқ устига ўтиргизди-да, ўзи ошхонага чиқди.

Григорий оғзини каппа-каппа очиб, энтикиб нафас оларди, қорамтир ёноқларининг қизили тарқала бошлади, хиралашган кўзлари аста-секин аслига келди.

— Гриша! Гришенька! Жонгинам! Ёнига бора кўрма!— деб ялинарди Наташа ва қалтираб-титраб, бўкириб йиғламоқчи бўлган болаларининг оғизларини қўли билан ёпарди.

— Нега кетавермадим-а?— деди Григорий, ғам тўла кўзларини Натальяга тикиб.— Жанжал қилмайман. Йиғлама! Бунга чидаб бўладими, ахир.

Кейин яна учта қизил аскар келди. Қўринишидан бошлиққа ўхшаган қора папоқлик одам:

— Бу уйга неча киши қўйилди?— деб сўради.

— Етти киши,— деб ҳаммадан олдин жавоб берди малла қош.

— Пулемётчилар шу ерга жойлашади. Сурилишиб жой беринглар.

Учови чиқиб кетди. Ўша заҳотиёқ дарвоза ғижирлагани эшитилди. Иккита арава ҳовлига кирди. Пулемётнинг бирини даҳлизга қўйдилар. Аллаким қоронғида гугурт чақиб, ўзидан-ўзи қаттиқ сўкинар эди. Бостирма тагида папирос чекиб, пичан олиб ғарам ёнида ўт ёқишса ҳамки, уй эгаларидан биронтаси чиқиб хабар олмади.

Ильинична эрининг олдидан ўтаётиб:

— Отларга қараб келсанг бўларди,— деб шивирлади.

Чол кифтини қисди, лекин жойидан қўзғалмади. Туни билан эшик очилиб, ёпилавериб безор қилди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Оппоқ буғ шифтга уриб, деворларга ўтириб қоларди. Қизил аскарлар учун меҳмонхонага, ерга жой қилишди. Григорий шолча келтириб остларига тўшаб берди, бошларига пўстинларини қўйишди.

— Мен ҳам армияда бўлганман, хизмат нималигини биламан,— деди Григорий ҳалиги одам билан ярашиш ниятида кулумсираб.

Лекин қизил аскарнинг катта-катта бурун катаклари керилиб, Григорийга ўқрайиб қараб қўйди.

Григорий билан Наталья ўша уйда каравотда ётдилар. Қизил аскарлар милтиқларини бошларига қўйиб, шолча устига юмалаша кетдилар. Наталья чироқни ўчирмоқчи бўлган эди, бирданига:

— Сенга биров чироқни ўчир дедими?— деган хунук овоз эшитилди.— Тегма! Пилигини пасайтиб қўй, тонг отгунча ёниб турсин.

Наталья болаларини оёқ томонга ётқизди, ўзи ечинмасдан девор тагига ётди. Григорий қўлларини бошига қўйиб олиб, чурқ этмай ётар эди.

«Агар чекинганимиздами...— юрагини ҳовучлаб хаёл сурарди Григорий тишини тишига қўйиб.— Яхшики кетмадик, худди мана шу каравот устида Наташканинг оёқ-қўлларини боғлашиб, Польшадаги Франяга ўхшатиб, расво қилишарди...»

Қизил аскарлардан биттаси ҳикоя бошлаган эди, бироқ таниш овоз аралашиб гапнинг белига тепди, ғира-шира қоронғида алжишга тушди:

— Уҳ, хотинсиз қийин экан-да! Тиш-тирноғим билан ёпишардим... Бироқ хўжайин, офицер экан... Улар биздақа мишиқиларни... хотинларининг яқинига ҳам йўлатишмайди... Эшитдингми, хўжайин?

Қизил аскарлардан бири дарров хуррак отишга тушди, яна биттаси уйқу аралаш кулди. Малла қошнинг дўқ қилиб гапиргани эшитилди:

— Ҳой, Александр, сенга гапира-гапира ўлиб бўлдим. Қайси уйга борсанг, жанжал бошлайсан, безорилик қиласан, қизил аскарлик номини булғайсан, холос. Уят бўлади ахир! Мен ҳозир комиссар ё рота командирига бориб айтаман. Эшитдингми? Танобингни тортиб қўймасак, бўлмас экан!

Уй ичи сув қуйгандек жимиб қолди. Фақат, малла

www.ziyouz.com kutubxonasi

қошнинг пишиллаб этик кияётганигина эшитиларди. Бир минутдан кейин у эшикни тарақлатиб, чиқиб кетди.

Наталья ўзини тутолмай қаттиқ ҳиқиллаб йиғлади. Григорий қалтираган қўли билан унинг бошини, тер босган пешонаси-ю, жиққа ҳўл бетларини силай бошлади; унинг ўнг қўли ўз кўксини тимирскилар, бармоқлари эса, беихтиёр қимирлаб, ички кўйлагининг тугмачаларини гоҳ ечар, гоҳ қайта тугмалар эди.

— Жим, овозингни чиқарма!— эшитилар-эшитилмас қилиб шивирлади у Натальяга. Григорий шу топда ҳар қандай қийноққа бардош беришга, турли-туман хўрликни бошидан кечиришга тап-тайёр эканини аниқ билди, нима бўлсаям, ишқилиб, ўз жонини ва туғишганларининг ҳаётини сақлаб қолиш зарурлигини тушунди.

Гугуртнинг ёруғи, туриб ўтирган Александрнинг юзини, япалоқ бурнини, папирос сўрган оғзини ёритди. Унинг паст овоз билан пинғиллагани, уҳ тортиб кийина бошлагани хилма-хил хурраклар ичидан эшитиларди.

Григорий ташқарига бетоқат бўлиб қулоқ солар экан, малла қош йигитдан беҳад миннатдор эди. Бирданига дераза орқасидан тапирлаб келаётган, ғазабланиб гапираётган овозларни эшитиб суюниб кетди.

— Ҳадеб шилқимлик қилади... жудаям жонга тегди... нима қилишимни билмайман... тоза бало бўлди, ўртоқ комиссар...

Оёқ товушлари даҳлиздан эшитилди, ғийқ этиб эшик очилди. Аллаким командирларга хос қўнғироқдай овоз билан буюрди:

— Александр Тюрников, тез кийин ва бу ердан дарҳол чиқиб кет. Мен турган уйга бориб ётасан, қизил аскарлик шаънига номуносиб қилиқларинг учун сени эртага суд қиламиз.

Эшик олдида малла қош билан ёнма-ён турган қора чарм курткалик кишининг ўткир кўзлари Григорийга дўстона тикилди. У одам ўзи ёш бўлса ҳам, йигитларга хос қатъийлиги қиёфасидан кўриниб турарди; эндигина майса босиб келаётган лабларини ғурурлик билан маҳкам юмиб олган эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Сизларни безовта қилдими, ўртоқ?— деб сўради у сал-пал кулумсираб Григорийдан.— Яхши, энди бемалол ухлайверинглар, эртага биз унинг танобини тортиб қўямиз. Хайрли кеч. Кетдик, Тюрников!

Кетишди, Григорий ҳам эркин нафас олди. Эрталаб малла қош ётоқ ва овқат учун пул тўлаётиб, жўрттага шерикларидан кейин қолди-да:

— Сизлардан илтимос, кечаги гапларга хафа бўлиб юрманглар тағин,— деди.— Бизнинг бу Александрнинг мияси бир оз айниган. Онаси билан синглисини офицерлар Луганскда,— ўзи Луганскда туғилган,— унинг кўзи олдида отиб ташлаганлар. Ўшанинг алами... Хайр, раҳмат. Соғ бўлинглар. Айтгандай, болаларга ҳеч нима бермабман-ку! — У шундай деб буюм соладиган халтасидан кир босган қанд олди-да, бир чақмоқдан улашиб, болаларни ҳаддан зиёда суюнтирди.

Пантелей Прокофьевич таъсирланганидан набираларига жавдираб тикилар ва дерди:

— Ана сизларга совға! Биз буни, бу қандни кўрмаганимизга бир ярим йилдан ошди... Илоё, сени худо асрасин, ўртоқ! Амакига қуллуқ қилинглар! Полюшка, раҳмат десанг-чи!.. Қовоғингни солиб тураверасанми, болам?

Қизил аскар чиқиб кетди, чол Натальяга заҳрини соча бошлади:

— Нодонлигингни қара! Лоақал пича бўғирсоқ ҳам бермадинг. Яхшилик қилган одамни сийласанг ўласанми? Эҳ!

— Югур!— деб буюрди Григорий.

Наталья бошига рўмолини ташлаб югурганича, кўча эшикда малла қошга етиб олди ва хижолатдан қизариб-бўзариб, унинг қудуқдай чуқур чўнтагига бўғирсоқ солиб қўйди.

XVII

Айни туш пайти, қизил байроқ орденли 6-нчи Мценск полки айрим казакларнинг сафга яроқли отларини олиб, шошилинч суратда қишлоқдан ўтиб кетди. Дўнгнинг нарёқларида отилаётган тўпларнинг овози энг олис жойларгача гумбурлаб борарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Чир бўйида жанг бўляпти,— деб аниқлади Пантелей Прокофьевич.

Кун ботар маҳалида Петро ҳам, Григорий ҳам бир неча мартадан қўрага чиқиб келдилар. Усть-Хопердан нарида, аллақайси ёқларда отилаётган тўплар садоси Дон атрофига секин-аста тараларди, агар музлаган ерга ётиб қулоқ солинса борми, пулемётлар тариллагани ҳам эшитиларди.

— У ердагилар ҳам туппа-тузук иш кўрсатяпти! Генерал Гусельшиков билан гундоровчилар ўша ёқда,— деди Петро тиззасига ва папоғига ёпишган қорни қоқиб. Сўнгра гапни бошқа томонга буриб бундай деди:

— Отлардан ажрайдиган бўлдик, Григорий, сенинг отинг жудаям кўзга яқин, худо урсин, олиб кетишади!

Бироқ чол улардан илгарироқ чорасини кўриб қўйган эди. Кечқурун Григорий икки отни суғоргани олиб чиқди, эшикдан чиққанда бундай қараса иккала от ҳам олдинги оёғини босолмайди. Ўзиникини етаклаб кўрди, бутунлай оқсоқ; Петроники ҳам шу аҳволда.

Шунда акасини чақирди:

— Отлар оёқдан қопти, ана кўргилик! Сеники ўнг оёғини босолмайди, меники чап оёғини. Қоқилгани йўқ эди-ку... Ё туёғига қурт тушганмикин.

Бинафша ранг қоронғи босган қорда, кечки юлдузларнинг хира нурида отлар ўйноқлашини унутиб, бўйинларини эгиб, жим туришарди. Петро фонусни ёқди, бироқ ғарам томондан келаётган отаси уни тўхтатди:

— Фонусни нима қиласан?

— Отлар оқсаб қопти, дада. Оёғига ем тушганга ўхшайди.

— Ем тушса, қайтага яхши эмасми? Ёки биронта мужик эгарлаб олиб кетсин дейсанми?

— Бир ҳисобда оқсагани маъқул...

— Григорийга бориб айт, ўзим жўрттага оқсатиб қўйганман. Болғани олиб, пайидан пастроққа биттадан мих қоқдим, энди то фронт узоқлашгунча оқсайверади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Петро бошини сарак-сарак қилиб, мўйловини тишлади-да, Григорийнинг олдига борди.

— Обкириб охурга боғлаб қўй. Отам атайлаб оқсатган экан.

Қари билганини пари билмас... Кечаси қишлоқни яна ғовур-ғувур босиб кетди. Кўчаларда отлиқлар ола-тасир югуришиб қолди. Батарея ўнқир-чўнқирлардан, ўпирилган жойлардан шалдиратиб ўтиб, майдонга бурилди. 13-нчи суворийлар полки тунаш учун қишлоққа тушди. Мелеховлар уйига Христоня кириб келди-да, чўнқайиб ўтириб папирос чекди.

— Қизиллар йўқми? Сизникига тушишмадими?

— Ҳозирчалик худо асраб турибди. Бир келишган эди, бутун уй ичини саситиб жўнаб кетишди!— деб пўнғиллади Ильинична.

Христоня бўшашиб, шивирлаб зўрға тилга келди:

— Меникига киришди, — деди-да, кўз ёшларини каттакон кафти билан артди. Бироқ ўзини тута олмаганига ўзи хижолат тортгандай бўлиб, хумкалла бошини бир силкитиб олди-да, томоғини қириб йўталиб қўйди.

Умрида Христонянинг кўз ёшини кўрмаган Петронинг кулгиси қистаб:

— Сенга нима бўлди. Христоня?— деб сўради; унинг авзойини кўриб Петронинг чеҳраси очилиб кетди.

— Қора тўриқни обкетишди... Герман урушига миниб борган отим эди... Оғир кунларда жонимга оро кирган эди... От эмас, одамга ўхшарди, бирам ақлли эдики... Тағин хўжайинлик қилади: «Эгарлаб бер, мени йўлатмаяпти», — дейди... «Керак бўлса, ўзинг эгарлаб ол, нима, мен сенга от эгарлаб берадиган бўлиб, доим кетингда юраманми?» — дедим. Эгарлади. Дурустроқ одам бўлсаям майлийди... Бўйи бир қарич! Белимдан келади, узангига оёғи етмайди... Зинапоя олдига етаклаб келиб минди... Бўтадай бўзлавордим... Хотинимга: «Кўрдингми, қашлаб-сийпаб, боқиб-боқиб, мана аҳвол»,— деб йиғладим... Христоня яна шивирлаб гапиришга ўтди ва ўрнидан турди.— Отхонага боришга юрагим безиллайди! Қўра кўзимга балодай кўриниб қолди...

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Меникининг баҳоси йўқ. Учта отим урушда ўқ еб ўлди, бу тўртинчиси, осонликча буни... — Григорий бирданига тўхтаб, қулоғини диккайтирди. Дераза ортида қор ғарчиллади, қилич шалоплагани за биров-нинг астагина: «трррр-р!» дегани эшитилди.— Ў, бизгаям келишди. Ер тагида илон қимирласа билишади бу исковичлар! Ёки биров айтдимикин...

Пантелей Прокофьевич питирлаб, қўли ортиқчалик қилиб, қайга қўйишни билмай қолди.

— Хўжайин! Бу ёққа чиқ!

Петро чакмонни ёпиниб эшикка чиқди.

— Отларинг қани? Обчиқ!

— Бажону дил обчиқардим, ўртоқлар, лекин оёқларига ем тушган.

— Емга бало борми? Обчиқ! Текинга элмаймиз, қўрқма. Ўрнига ўз отларимизни қолдирамиз.

Петро отларни битталаб отхонадан етаклаб чиқди.

— Учинчиси қолди-ку. Нега уни обчиқмайсан?— деб сўради қизил аскарлардан бири отхонага фонус тутиб.

— Униси бия, бўғоз, жудаям қари, юзга борган чоғим...

— Ҳой, эгарни обкел!.. Шошма-чи, росгдан ҳам оқсаяпти-ку...

— Бошимга ураманми бу чўлоқ отларни, жин ургур? Жойига обкириб қўй!..— дарғазаб бўлиб бақирди фонус тутган қизил аскар.

Петро нўхтабоғдан тортиб отларни қайтарди-да, бужмайган афтини фонусдан тескари ўгириб олди.

— Эгарларинг қаерда?

— Бугун эрталаб ўртоқлар олиб кетишди.

— Ёлғон айтасан! Ким олди?

— Худо ҳақи, рост!.. Худо урсин, обкетишди! Мценск полки шу ердан ўтаётиб обкетди. Эгарлардан ташқари яна иккита хомут ҳам олишди.

Уч отлиқ, сўкина-сўкина жўнаб кетди. Петро тер ва шалтоқ исига ботиб уйга кирди. Лабларини чўччайтириб, мақтангиси келиб, Христонянинг кифтига қоқиб қўйди.

— Мана бундай қойил қилиш керак! Отлар чўлоқ, эгарларни обкетишди, вассалом... Ҳей, каллаварам!..

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ильинична чироқни ўчирди-да, қоронғида тимирскилаб, меҳмонхонага тўшак сола бошлади.

— Қоронғида ўтира қолайлик, чироқни кўрса, бало-қазодай кириб келишар тағин.

* * *

Ўша кечаси Аникушканикида ўтириш бўлди. Қизил аскарлар қўшни казакларни ҳам чақириб келишни илтимос қилдилар. Аникушка Мелеховларни чақиргани борди.

— Қизиллар дейсизми?! Қизил бўлса нима қипти? Улар ҳам чўқинган, худди биздай руслар. Ўлай агар. Ҳо ишонинг, ҳо ишонманг... Шуларга раҳмим келди... Ё улар одаммасми? Ораларида битта жуҳут бор, у ҳам одам-да, жуҳутларни Польшада роса қирганмиз... Ҳм! Аммо, лекин манависи менга бир стакан ароқ тутди. Жуҳутларни яхши кўраман-да!.. Қани, юр, Григорь! Петя! Мендан ҳазар қилма...

Григорий кўнмади, бироқ Пантелей Прокофьевич бормаганига қўймади:

— Боргин, йўқса, бизни назарига илмапти, дейиши мумкин. Сен бор, эски гапни кўнглингга келтирмай боравер.

Ҳовлига чиқишди. Туннинг илиқлиги об-ҳавонинг яхши келишидан дарак берарди. Ҳамма ёқдан тезак тутуни ва кул ҳиди келарди. Казаклар бирпас тўхтаб туришди-да, йўлга тушишди. Кўча эшик олдида Дарья уларга етиб олди.

Сурма қўйилган қалам қошлари ғира-шира ой нурида қора духоба сингари йилтирарди.

— Менинг хотинимга тоза ичиришяпти... Лекин бекорга овора бўлгани қолади. Икки кўзим хотинимда...— деб валдирарди Христоня, бироқ самогондан кайфи ошиб оёқда туролмас: гоҳ четан деворга йиқилар, гоҳ йўлдан чиқиб қорга тиқилар эди.

Кўкимтир бўлиб товланган қумоқ қор оёқлар остида қанддай қирсилларди. Изғирин тургачидан, осмон дока пардага бурканиб олгандек эди.

Шамол папирос учқунларини учириб, қорларни тўзитиб юрарди. Лочиндай учиб бориб юлдузлар ос-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тида юрган барра булутларга чанг соларди, ана шундан кейин жимиб қолган ер устига оппоқ патларга ўхшаш лайлакқор лопиллаб ёға бошларди, қишлоғу даштларни, бир-бирини кесиб ўтган йўлларни, одаму ҳайвон изларини кўмиб ташларди...

Аникушканинг уйи дим, одамнинг дами қайтади. Ҳаво етишмаганидан лампаси тутаб, шишасидан қопқора дуд кўтарилмоқда, лекин тамаки тутунидан ҳеч ким буни кўрмайди. Гармончи қизил аскар узун-узун оёқларини кериб олиб «Саратовча» рақсни дўндиролмай, гармонни қулоч баравар чўзиб чалмоқда. Қизил аскарлар ва қўшни хотинлар скамейкаларда ўтиришибди. Пахталик шим, катта қўнжли, антиқа шпорли этик кийган девдай бир одам Аникушканинг хотинини ёнига олволиб гапга солмоқда. Кўк барра шапкасини энгсасидаги жингалак сочлари устига қўйиб олибди, қорамағиз юзи терлаб кетган. Терлаган ҳўл қўли билан Аникушканинг хотинини пинжига тортади.

Жувоннинг кайфи ошиб қолган: оғзи қийшайиб ўзини эплолмас, қимирлашга мажоли йўқ; эрини ҳам кўряпти, хотинларнинг илжайиб кулишганини ҳам, бироқ бу забардаст қўлни кифтидан олиб ташлашга ҳоли келмайди. Шарму ҳаёни йўқотгандай маст-аласт бўшашиб кулади, холос.

Стол устида оғзи очиқ кўзачалар турибди, уй ичини бижиган спирт иси босиб кетган, дастурхонга қараб бўлмайди, уйнинг ўртасида, полсиз, қоқ ерда 13-нчи кавполкнинг взвод командири пилдироқдай чарх уриб ўйин тушмоқда. Оёғида енгил хром этик, офицерча мовутдан тикилган галифе шим. Григорий остонадан туриб унинг этигига, шимига тикилди-да: «Биронта офицердан шилиб олинган...»— деб ўйлади ичида. Сўнгра унинг юзига қаради: юзи қорамағиз худди қора отнинг сағрисидай тер босибди, қулоқларининг кунгираси диккайиб қолибди, лаблари қалин, осилиб тушган. «Жуҳут бўлсаям бало экан!»— деган қарорга келди Григорий. Унга ва Петрога самогон тутдилар. Григорий ҳушёрлик қилиб кам ичди, лекин Петро тез маст бўлиб қолди. Орадан бир соат ўтгач у пошнаси билан ер тепиниб, чанг чиқариб, хириллаган

www.ziyouz.com kutubxonasi

овози билан гармончини: «Тезроқ чал, тез!» деб қистаб «Қазачок» рақсига туша кетди. Григорий стол ёнида қовоқ уруғини чақиб ўтираверди. Унинг ёнида новча бўйли сибирлик пулемётчи ўтирарди. Бу гўдак башара пулемётчи йигит куяча юзини бужмайтириб, юмшоқ қилиб гапирар, «б» ҳарфи ўрнида «п» ишлатар: «путун полк», «оптоп» дер эди.

— Колчакни тор-мор қилдик. Красновингизни ҳам адапини перамиз,— вассалом! Ана иннайкейин, уй-уйга. Ер демаганинг ачип ётипти, порип олавер, ҳайдап экавер. Ер ҳам хотинга ўхшаш нарса пўлади: кучингни кўрсатмасанг, қўлингга кирмайди. Ким йўлингни тўсса, отип ўлдиравер. Пизга сизларди ерларинг керакмас. Ҳамма паравар пўлсин, пизга шуниси керак...

Григорий унинг гапига қўшилар, бироқ ер тагидан дам-бадам қизил аскарга қараб қўярди. Хавотирланиш учун асос бўладиган ҳеч нарса сезмасди. Ҳамма Петрони томоша қилар, унинг даврада чарх уриб юришларига, келишган ҳаракатларига қойил қолиб илжаярди. Орадан бир ҳушёр одамнинг: «Мана ўйин! Баракатоп!» деб завқланиб қичқирган овози эшитилди. Бирданига Григорий, жингалак сочли старшинанинг кўз қисиб, қаттиқ тикилиб турганини пайқаб қолди-да, сергакланиб ичишни тўхтатди.

Гармончи полька рақсини бошлади. Хотинлар талаш бўлди. Орқаси деворга сурканиб оқариб қолган бир қизил аскар, Христонянинг ҳамсоясини — ёшгина жувонни рақсга таклиф қилди, бироқ у унамади, бурма этагини қўлига йиғиб олиб, тўғри Григорийнинг ёнига борди.

— Юр, ўйин тушамиз!

— Тушмайман.

— Юр, Гриша! Жонгинам, йўқ дема.

— Жинниликни қўйсангчи, тушмайман дедим-ку!

Жувон зўраки кулиб, унинг қўлидан тортиб судради. Григорий қовоғини солиб, оёғини тираб жойидан қўзғалмади, бироқ унинг кўз қисиб имлаганини пайқаб, дарҳол ўрнидан турди. Икки давра айланиб ўйин тушдилар, гармончи бас пардаларини босганда,

www.ziyouz.com kutubxonasi

жувон қулай пайтни топиб, бошини Григорийнинг кифтига қўйди-да, эшитилар-эшитилмас қилиб:

— Сени ўлдиришмоқчи... Аллаким офицерлигингни айтиб берибди... Тез қоч...— деб шивирлади ва жўрттага баланд овоз билан:

— Вой, бошим айланиб кетди!— деб нолиди.

Григорий чиройи очилиб стол ёнига борди, бир кружка самогонни симириб, Дарьядан:

— Петро қалай? — деб сўради.

— Суроби тўғри бўлиб қолди. Оёғида туролмаяпти.

— Уйга олиб бор.

Дарья Петронинг турткилаётганига, гандираклаганига қарамай, етаклаб олиб кетди. Кетма-кет Григорий ҳам чиқди.

— Қаёққа, қаёққа? Сен қаёққа борасан? Йў-ўқ! Қурбонинг бўлай, сен кетма!— деб ўлгудай маст Аникушка Григорийга осилиб олди.

Григорий шундай ўқрайиб қарадики, Аникушка бардош беролмай, қўлларини кериб, дарҳол ўзини четга олди.

Григорий бўсағадан туриб:

— Дилкаш улфатларга хайр!— деб шапкасини қимирлатди.

Жингалак сочли старшина кифтини қисиб, камарини тўғрилади-да, унинг кетидан чиқди. Зинапояда Григорийга бетма-бет бўлди, ўйноқи кўзларини ялт-юлт чақнатиб, шивирлаб:

— Қаёққа борасан?— деб сўради-да, Григорийнинг шинели енгидан маҳкам ушлаб олди.

Григорий:

— Уйимга,— деди-ю, тўхтамасдан уни судраб кетаверди. «Йўқ, тириклайин қўлга тушиб бўпман!»— деб қўйди ичида ҳам суюниб, ҳам ҳовлиқиб.

Жингалак сочли чап қўли билан Григорийнинг тирсагидан ушлаб, ҳансираб энтикиб, ёнма-ён борарди. Дарвоза олдида тўхташди. Григорий уй эшиги ғичирлаб очилганини эшитди, қизил аскар шу заҳоти ўнг қўли билан биқинига тармашди, тирноғи тўппонча ғилофини тирмалади. Григорий шу онда унинг балодай тикилиб турган ўткир кўк кўзларини кўриб қолиб, бир

www.ziyouz.com kutubxonasi

интилишда тўппонча қинининг тугмасини ечаётган қўлидан шартта ушлади. «И-и-их» деганича билагидан маҳкам сиқимлади-да, бор кучини йиғиб туриб, қадимдан машқини олган усулда оғир гавдани ўнг елкасидан ошириб ерга отди, қўлини пастга қайириб босди, қисирлаган товушдан тирсак суяклари синаётганини сезди. Қўзининг калласига ўхшаш жингалак сочли боши қорга санчилиб қолди.

Григорий тор кўчадаги четан деворлар таги билан энгашиб олиб Дон томон югурди. Дик-дик сакраб чопиб дарё бўйидаги жарга яқинлашаверди... «Ишқилиб, посбонга дуч келмай, у ёғи...» ...Бир лаҳза тўхтаб кетига қаради. Аникушканинг қўраси рўй-рост кўриниб турибди. Ўқ отилди. Тепасидан чийиллаб ўтиб кетди, устма-уст яна отилди. Жарликдан тушиб, қорайган йўлдан муз усти билан Доннинг нариги қирғоғига интилди. Дарёнинг қоқ ўртасига етганда, ўқ визиллаб келиб Григорийнинг ёнгинасидаги музни ўйиб титиғини чиқарди, сачраган муз парчалари Григорийнинг бўйнини ачиштириб юборди. Дондан ўтиб олгач, кетига бурилиб қаради. Ҳали ҳам ўқ товушлари подачининг қамчисидай қарс-қурс эшитиларди. Григорий халос бўлганига унчалик севинмади. Хавф-хатардан кейин ўзининг парвойи-фалаклигидан аччиғланди. Яна тўхтади. «Бўри қувгандан баттар ўққа тутишди!— деган хаёл миясига бир келиб ўтди.— Энди излаб бўпти, ўрмонга киришга қўрқишади... Олдин қўлини тузатиб олсин. Хаҳ, бадбахт, казакни анойи билиб, қўлга туширмоқчи-я!»

Григорий қишга қолдирилган ғарамлар томон юрди, бироқ хавотир бўлиб у ерда ҳам тўхтамади, тунда емиш қидириб чиққан қуёндай гир айланиб юраверди. Ниҳоят, эгасиз қолган бир уюм қуруқ қиёқ орасига кириб ётишга жазм қилди. Қиёқнинг устини титиб очди. Оёғи остидан каламуш чиқиб қочди. Сасиган-бижиган қиёқ орасига бошигача кириб кетди, бадани увишиб жунжикди. Миясига ҳеч нарса келмасди. «Эртага отимни эгарлаб фронтдан ўтиб олиб, ўзимизникиларга қўшилсаммикин?»— деган савол миясига бир келди-ю, лекин жавоб топа олмай индамай қўя қолди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Эрталабга яқин совқота бошлади. Бошини чиқариб қаради. Оромбахш тонг жилваланиб ёришганди. Тубсиз мовий осмоннинг қоқ тепаси зарварақдай ялтиғланган, атрофидаги сон-саноқсиз юлдузлар сўна бошлаган эди.

XVIII

Фронт узоқлашиб кетди. Гумбурлаган, қарсиллаган жанг садолари ҳам босилди. 13-нчи отлиқ полк пулемётчилари қишлоқдан жўнаб кетаётиб, каттакон украинча чанага Моховнинг граммофонини ўрнатиб олиб, отларини чоптириб кўчама-кўча роса айланишди. От туёқларидан сачраган қор граммофон карнайига тиқилиб, овози хириллаб, биғиллаб чиқарди, сибирча тумоқ кийган пулемётчи дамба-дам карнайини тозалар, худди пулемёт мурватини ўйнаётгандай эпчиллик билан граммофоннинг нақш солинган қулоғини бурарди. Чана кетидан болалар чумчуқдай галагала бўлашиб югуришарди; чанага осилишиб: «Амаки, ҳалигисини қўйинг, ҳуштак чаладигани-чи! Жон амаки, қўйиб беринг!» деб чуғурлашарди. Икки боланинг куни туғиб, пулемётчининг тиззасига ўтириб олган эди, пулемётчи бўлса, ора-сира граммофондан қўли бўшаганда оталарча ғамхўрлик қилиб, куюниб, тиззасидаги жинқарчанинг севинчдан оқариб кетган, совуқ чалган ҳўл бурнини қўлқопи билан артиб қўярди.

Кейинроқ Усть-Мечетка ёнида жанг бўлаётгани бемалол эшитила бошлади. Жанубий фронтга қарашли 8-нчи ва 9-нчи Қизил Армияларга озиқ-овқат ва ўқ-дори ташиётган аравалар аҳён-аҳёнда Татарск қишлоғидан ўтиб турарди.

Учинчи куни уйма-уй хабарчилар юриб, ҳамма казакларни йиғинга чақирди.

Мелеховлар қўрасидан лофчи Авдеичнинг ўғли Антип чиқиб келаётиб:

— Атаман Красновни сайлаймиз!— деб лоф урди.

— Биз сайлаймизми ёки тепамизга обкелиб қўйишармикин?— деб сўради Пантелей Прокофьевич қизиқсиниб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— У ёғини борганда кўрамиз...

Мажлисга Григорий билан Петро ҳам борди. Ёш казакларнинг ҳаммаси йиғилди. Қариялар келмади. Чоллардан ёлғиз лофчи Авдеич келган, у ёнига бир гала ҳазилкаш йигитларни тўплаб олиб гап сотар: уйида турган комиссар уни, яъни Авдеични «қизил аскарларга командир бўлгин» деб қистаганини сўзлаб, одамларни кулдирарди.

— «Мен сизни эски армияда вахмистр бўлганингизни сира билмаппан, бажону дил таклиф этамиз,— марҳамат, ота, бизга келинг, сизга хизмат тайёр... деди»,— деб мақтанарди.

— Қанақа хизмат экан? Югурдакларнинг каттаконими!— деб жиғига тегди Мишка Қошевой.

Пичинг устига пичинг ёғилаверди:

— Комиссарнинг байталига бошлиқ бўлармиш. Думининг тагини тозалаб турадиган амалдор десангчи.

— Ундан ҳам баттари!

— Хо-хо-хо!..

— Авдеич! Менга қара! Комиссар сени учинчи даражали обозга қўймоқчи, тузлаган карамга хўжайин бўласан.

— Э, ҳеч гапдан хабарларинг йўқ... Комиссар Авдеични гапга солиб турган пайтда комиссарнинг дастёри лип этиб кампирининг қўйнига кириб олган. Авдеич бўлса, сўлагини оқизиб, гапга қулоқ солиб ўтираверган...

Авдеич кўзларини ола-кула қилиб ютуниб, ҳаммага бир-бир қараб чиқди.

— Шу гап кимнинг оғзидан чиқди?

— Менинг,— деди орқа ёқдан биров дангалига.

— Манави итваччанинг гапини эшитдингларми?— Авдеич алангланиб, ёрдам сўрагандай атрофдагиларга қаради.

Унинг ёнини олувчи «жонкуярлар» кўп эди.

— Мен уни яхши биламан: қип-қизил муттаҳам!

— Бу авлод ҳаммаси шунақа одамлар.

— Ёшим шунчага бормаганда...— Авдеичнинг бетлари шолғомдай қизариб кетди.— Ёшроқ бўлганимда, сен билан бошқачароқ гаплашардим-а! Бу-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тун феъл-атворинг хохолга тортипти! Таганроглик исқиртвачча! Хохолдан тарқаган хунаса!..

— Ҳой, Авдеич, ёқасидан олиб ерга босмайсанми? Жинжилоғингча келмайди ўзи.

— Авдеич кучдан қопти, чоғи...

— Олишса киндигига зўр келади, шунисидан хавотир...

Сипогарчиликни бой бермай жўнаб қолган Авдеичнинг кетидан йигитлар хохолашиб кулдилар. Майдонда тўда-тўда казаклар кўринди. Григорий кўпдан бери Мишка Кошевойни кўрмагани учун унинг олдига борди.

— Ҳорма, полкдош!

— Бор бўл!

— Қаёқларда юрипсан! Қайси байроқ остида, кимлар томонда хизмат этдинг?— Григорий кулимсираб Мишканинг қўлини сиқди-да, унинг кўм-кўк кўзларига тикилди.

— Э, биродар, мен яйловдаям, Калачов фронтидаги штраф батальонидаям бўлдим. Бормаган жойим қолмади. Аранг уйимга етволдим. Фронтда қизил аскарларга қочиб ўтмоқчиям бўлдиму, бироқ кетимда пойлоқчилар бор эди: худди бўйи етган қизини пойлаган кампирдай, бир қадам силжигани қўйишмади. У куни Иван Алексеевич уйимга келди, эгнида кавказча чакмон, яроғ тақилган, сафарга отланибди. «Хайр энди, милтиқни олволиб жўнадим»,— дейди. Мен эндигина уйга қайтгандим: «Ростдан чекинмоқчимисан?»— деб сўрадим. У кифтини қисиб: «Мажбурман. Атаман менга одам юборибди. Мен ахир тегирмонда ишлаганман, улар мени кўз тагига олиб қўйишган»,— дейди. Хайрлашди-ю, кетаверди. Мен уни ростдан чекиняпти дебман. Эртаси куни Мценск полки кетиб бўлди, қарасам, у юрибди... Ана, ўзиям келяпти! Иван Алексеевич!

Иван Алексеевич билан валецчи Давидка уларнинг олдига келди. Давидка оппоқ тишларини кўрсатиб кулади, ёмби топиб олган одамдай ҳадеб кулади... Иван Алексеевич машина мойининг ҳиди уриб қолган бақувват панжалари билан Григорийнинг қўлини сиқиб кўришди-да:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Хўш, Гриша, кетмай, қопсанми?— деб дудуқланди.

— Ўзингиз-чи?

— Ҳм, мен... Менинг йўриғим бошқа.

— Офицерлигимга шама қиляпсиз шекилли? Қолдим-да! Таваккал... Бир ўлимдан қолдим... кетимдан қувлашиб ўқ отишганда, кетмаганимга ачинганим рост, энди сира ачинаётганим йўқ...

— Ким экан улар, нега сенга тирғалишди? Ўн учинчи полкдагиларми?

— Худди ўшалар. Аникушканикида базм қилишаётган экан. Аллақим мени офицер деб чақибди. Петрога индашмади, менга қолганда... Погон устида бўлган машмаша. Шу қочганча Дондан ўтиб кетибман, битта жингалак соч йигитнинг қўли сал-пал майиб бўлди, холос... Шунинг аламига беш-ўнта бўлиб уйга келишибди, ҳамма нарсамни олиб кетишибди. Чалворларимниям, кўйлак-иштонларимниям. Эгнимдаги кийимим билан қолавердим.

Иван Алексеевичнинг кулиб турган юзи бужмайиб кетди:

— Ўша вақтда қизилларга қўшилиб кетаверганимизда-ку... эсингдами, Подтелков отилмасдан бурун зап хонаси эди-да... Ҳозир жонимизни ҳовучлаб юрмасдик,— деди-да, папирос чека бошлади.

Йиғинга келаётган одамнинг кети тугамасди. Вёшенская станицасидан келган подхорунжий Лапченков мажлисни очди; бу одам Фоминнинг сафдоши эди.

— Ўртоқ казаклар! Бизнинг округимизда Совет ҳокимияти мустаҳкам томир отди. Юртни идора қилиш учун исполком сайлашимиз, унга раис ва муовин кўрсатишимиз керак. Бу, биринчи масала. Сўнгра, мен сизларга округ Советининг буйруғини келтирганман, ўзи қисқагина: ҳамма милтиқ, тўппонча ва қиличлар топширилсин дейилган.

— Ана холос!— деб юборди орқа томондан биров. Шундан кейин ҳамма ёқ сув сепгандай жимиб қолди.

— Мунаққа холос-полослар кетмайди, ўртоқлар! — Лапченков қаддини ростлаб, папоғини стол устига

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўйди.— Маълумки, қурол-яроғ рўзғорда даркор бўладиган матах эмас, шунинг учун топширилиши шарт. Кимики Совет ҳокимиятини ҳимоя қилмоқчи бўлса, унга қурол берилади. Уч кун муҳлат: милтиқларингизни топширинг. Энди сайлов масаласига ўтамиз. Мазкур буйруқни ҳар бир кишига эшиттиришни раисга топшираман, раис атамандаги печатни ва жамоат пулини дарҳол ўз қўлига олиши лозим.

— Булардан қурол қарзимиз бор эканми? Нега бировнинг қуролига чанг солишади?..

Савол берган кишининг гапи тугамай, ҳамма баббаравар ўша томонга бурилиб қаради. Бу — Захар Королев эди.

— Қуролни бошингга урасанми?— деб сўради Христоня шунчаки.

— Менга унинг кераги йўқ. Бироқ, Қизил Армияни округимизга киргизганимизда, бизни қуролсизлантириш хусусида шартлашган эмасмиз-ку.

— Тўғри.

— Фомин митингда гапирган!

— Мен қиличимни ўз пулчамга олганман!

— Мен бу милтиғимни герман урушидан олиб келганман. Келиб-келиб энди топшираманми?

— Қуролларни топшириб бўпмиз!

— Казакларни тунаб олишмоқчи-я! Қуролсиз қолганимдан кейин мени бир пулга биров олармикин? Қайси бетим билан кўчада бош кўтариб юраман? Милтиқсиз казак, орқа этагини бошига ёпган хотиндай гап.

— Милтиқ ўзимизда қолиши керак.

Мишка Қошевой сиполик билан сўз олди:

— Рухсат этинг, ўртоқлар! Мен боядан бери шунақа гапларни эшитавериб ҳайрон бўлиб қолдим. Ахир бизда ҳарбий ҳолатми ё йўқми?

— Менга қолса ҳарбийдан баттари бўлсин?

— Модомики ҳарбий ҳолат экан, ҳеч қандай гапга ўрин йўқ. Топширасан — вассалом! Эсингиздами, украинлар слободасини босиб олганимизда нималар қилган эдик.

Лапченков папоғини силаб, гапнинг нўскалласини айтди-қўйди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Қимки шу уч кун ичида қуролини топширмас экан, инқилобий судга берилади ва аксилинқилобчи сифатида отилади.

Бирпаслик жимликдан сўнг Томилин йўталиб:

— Сайловга ўтилишини сўраймиз!— деб хириллаб таклиф қилди.

Номзодлар кўрсатилди. Ўндан ортиқ кишиларнинг номини тилга олдилар. Ёш-яланглардан бири:

— Авдеич сайлансин!— деб қичқирди.

Бироқ ҳазилнинг пайти эмасди. Энг аввал Иван Алексеевни овозга қўйишди. У бир оғиздан ўтди.

— У ёғини овозга қўйилмаса ҳам бўлади,— деган таклиф киргизди Петро Мелехов.

Мажлис бу таклифга рози бўлди: раис муовинлигига овозга қўймасдан Мишка Қошевойни сайладилар.

Ака-ука Мелеховлар билан Христоня ҳали уйларига етганларича йўқ эди, ярим йўлда уларнинг олдидан Аникушка чиқиб қолди. Аникушка милтиғини ҳамда хотинининг фартуғига ўралган ўқларни қўлтиқлаб келаётган эди. Ҳамсояларини кўриб қолиб, уялганидан шартта тор кўчага бурилди. Петро Григорийга, Григорий Христоняга қаради. Тўртови келишиб қўйгандай баб-баравар кулиб юборди.

XIX

Шарқдан эсган шамол жонажон даштни алғоқдалғоқ қилиб, жарларни қорга тўлдирган. Ўнқир-чўнқир жойларни, йўлларни теп-текис қилиб кетган. На йўлни билиб бўлади, на сўқмоқни. Бутун теварак-атрофда шамол ялаб кетган оппоқ қордан ўзга ҳеч нарса кўзга чалинмайди. Гўё даштга ўлат келганми дейсиз. Аҳён-аҳёнда тепадан қарға учиб ўтади, лекин у ҳам мана шу дашт сингари оппоқ қордан шоҳона телпак кийган анави йўл бўйидаги дўнг сингари ғалати кўринади. Қарға қанотларини қоқиб, ҳавони визиллатиб, қағиллаб нола қила-қила ўтиб кетади. Шамол унинг қағиллаган товушини узоқларга етказади, сўнгра бу мунгли нола, жимжит тунда бехосдан қўл тегиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

кетган бас торидай анчагача дашт узра кезиб юради.

Лекин қор тагида ҳаёт бемалол қайнайверади. Оппоқ қор қўйнида кумушдай товланиб ётган шудгорларнинг кузда мола босиб қўйилган тупроқлари олисдан музлаб, қотиб кетганга ўхшаб кўринса ҳам, бироқ қор тагида йиқилиб қолган жони қаттиқ кузги буғдой томири билан маҳкам ер тишлаб ётибди. Яшил ипакдай товланган майсаларни кўз ёшидай йилтироқ қиров босиб кетган; экин совқотган сари қора тупроқнинг пинжига киради, унинг ҳаётбахш шарбатини сўради; экин баҳорни, қуёшни, кун илишини кутади, эриб-эриб пиёз пўстлоғидай бўлиб қолган олмосдай муз пардани ёриб чиқишга пайт пойлайди, фурсат келгани ҳамоно қаддини кўтаради-ю, май ойига қолмай барқ уриб ўса бошлайди. Токайгача экин қор тагида эзилиб ётаверади дейсиз, у албатта қаддини кўтариб олади, бунинг вақт-соати бор. Экинлар орасида ҳали беданалар битбилдиқ отиши, унинг устида апрель тўрғайлари ҳавода муаллақ туриб олиб сайраши муқаррар. Ўшанда ҳам шу қуёш нурини сочади, шу шамол уни аллалайверади. Дони тўлишиб, экинлар пишиб, ёмғиру шамол эсавергандан кейин ҳурпайган бошоқлар ерга салом қилиб қолади, эгасининг чалғи солишига тан бериб сидирғасига қулай бошлайди, ана ўшандагина бўлиқ донларини хирмонга тўкади.

Дон атрофида ҳаёт сўнганга ўхшар, одамларнинг еган-ичгани татимасди. Бири-биридан бефайз кунлар яқинлашган, ваҳимали ҳодисалар чегарага яқин келиб қолган эди. Юқори Дон томондан хунук гап тарқалиб, Чир, Цуцкан, Хопер, Еланка сингари каттаю кичик дарё бўйларидаги казаклар жойлашган қишлоқларга ёйилди. Одамлар орасида: «Бекорга ваҳима қилиб юрилган экан, фронт дарёдаги тўлқиндай ўтди-кетди, мана ҳозир Донец томонга бориб етди, лекин ваҳиманинг энг каттаси — фронтнинг кетидан келадиган фавқулодда комиссиялар билан трибуналлари экан»— деган гап юрарди. Эрта ё индин ҳамма станицага трибунал келармиш, Мигулин ва Казанск станицаларига аллақачаноқ келибди: оқларда хизмат этган казакларни наридан-бери суд қилиб, шартта отиб ташлаётганмиш. Гўёки, юқори донлик-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларнинг фронтни ташлаб, қизилларга йўл очиб бергани эътиборга олинмасмиш, лекин юмалоқ-ёстиқ суд қилиб, бирпасда ҳукм чиқараверармиш: айбнома ўқилармишу, икки оғиз савол берилармиш, шу билан ҳукм тайёр, обчиқиб нулемёт билан отишаверармиш. Гўёки, Казанск билан Шумилинда сону саноқсиз каваклар боши хашаклар орасида думалаб ётганмиш... Фронт кўрган казаклар бу мишмишлардан кулишарди: «Ғирт ёлғон! Офицерлар тарқатган иғво! Кадетлар доим Қизил Армияни олабўжи қилиб бизни қўрқитмоқчи бўлишади!»

Бу овозаларга одамлар гоҳ ишонар, гоҳ ишонмасди. Бундан олдин ҳам қишлоқилар бу хил ёлғон-яшиқ гапларни кўп эшитган. Бир хил юрагида ёли йўқ казаклар овозага ишониб, оқлар билан чекинишга мажбур бўлди. Бироқ фронт узоқлашгандан кейин қишлоқда қолганлар орасида кечалари ухламай тонг оттирганлар, ёстиғи тошга, тўшаги кесакка айланиб, хотини кўзига балодай кўриниб қолган одамлар ҳам йўқ эмасди.

Баъзилари ўз вақтида Доннинг нарёғига қочиб олмаганига ачинишди ҳам, бироқ туфлаган тупукни қайта оғизга олиб бўлмайди, кейинги пушаймондан наф йўқ...

Татарсклик казаклар оқшомлари тор кўчаларга тўпланишиб, янги гапларни бир-бирларига гапириб беришар, сўнгра уйма-ўй тентишиб самогон ичишарди. Қишлоқ аҳли ҳаловатини йўқотиб шу тахлит аччиқ ҳаёт кечирарди. Фақат февраль бошларида тўй бўлди: Мишка Қошевой синглисини узатди. Шуни ҳам одамлар анча гап қилишди:

— Шу вақтда тўйга бало борми? Жудаям ташна экан-да!

Сайловнинг эртаси куни қишлоқдаги барча хонадон қуролларини топшириб бўлди. Ревком жойлашган Моховнинг уйидаги даҳлизу коридорлар қуролга тўлди. Петро Мелехов ҳам ўзиники билан Григорийнинг милтиғини, икки наган ва қилични топширди. Иккита офицерча наганни ака-ука яшириб қўйиб, герман урушидан қолган яроғларнигина топширдилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Петро хотиржам бўлиб уйга қайтди. Меҳмонхонада енгини шимариб олиб, занглаган иккита милтиқ затворини керосинга солаётган Григорийни кўрди. Милтиқлар каравотга суяб қўйилган эди.

— Бу қаёқдан келди тағин?— азбаройи таажжубланганидан Петронинг мўйлови шалпайиб тушди.

— Дадам Филоновога, олдимга борганда олиб келганди.

Григорийнинг сузилган қисиқ кўзлари ялт-юлт чақнар эди. У керосинга буланган қўллари билан биқинини ушлаб хохолаб куларди. Бирданига кулишни йиғиштирди-да, тишларини такиллатиб:

— Милтиқ ҳам гапми?.. Биласанми.— Уйда ҳеч ким бўлмаса ҳам шивирлаб гапиришга ўтди,— дадам бугун менга сирини айтди,— Григорий яна кулгисини зўрға босди,— пулемёти бор экан.

— Бекор га-ап! Қаёқдан олади? Нима қилади уни?

— Обоздаги казаклар бир халта сузма бадалига бериб кетди, дейди, менимча, чол ўлгур алдаяпти! Худди ўғирлаб олган! У бамисоли очкўз, гўнг қўнғиз, нимани кўрса, уйга ташийверади, кучи етмаса ҳам судрайверади. «Ғарам ичига битта пулемёт яшириб қўйибман,— дейди қулоғимга.— Пружинасидан қармоқ қилса бўлади, лекин тегмай қўйиб қўйдим».— «Пулемётни бошингга урасанми?»— деб сўрасам:— «Пружинасига қизиқдим, жудаям ғалати экан, бирор нарсага яраб қолар. Ҳаммаси темир, баҳоси йўқ буюм...»— дейди.

Петронинг жаҳли чиқди, ошхонага кириб отаси билан гаплашмоқчи эди, бироқ Григорий:

— Қўйсанг-чи! Унинг нимасидан хафа бўласан? Яхшиси, мановини тозалашиб, йиғишиб юбор,— деб қайтарди.

Петро анчагача пишиллаб, бурнини тортиб милтиқ тиғини тозалаш билан овора бўлди, ниҳоят ўйга чўмиб:

— Балки, тўғри қилгандир... эҳтимол керак бўлиб қолар. Керакли тошнинг оғирлиги йўқ.— деб қўйди.

Ўша куни Иван Томилин: «Казанскда одамларни

www.ziyouz.com kutubxonasi

отишаётганмиш»,— деган хабар топиб келди. Печь ёнида учови папирос чекишиб ҳангомалашиб ўтиришди. Петро гапга қулоқ солар ва ўзича алланима хусусда қаттиқ ўйланарди. Азбаройи хаёлини бир жойга тўпламоқчи бўлиб қийналгани учун пешонасидан тер чиқиб кетган эди. Томилин кетгандан кейин у:

— Мен ҳозир Рубежинга жўнайман, Яшка Фоминникига бораман,— деди. Худди шу бугун уйида, бировдан эшитдим. У ҳозир округ ревкомига хўжайин эмиш, минг қилгандаям, қўлига амал теккан одам. Бирон гап қўзғалса, ўзинг тинчитиб юбор, деб илтимос қиламан.

Пантелей Прокофьевич чанага бияни қўшди. Яп-янги пўстинга ўралиб олган Дарья Ильиничнанинг қулоғига бир нима деб шивирлади. Иккиси югурганча омборхонага кириб, тугунда бир нарса олиб чиқишди.

— Бу нима?— деб сўради чол.

Петро чурқ этмай тураверди. Ильинична шивирлаб, бидир-бидир қилиб:

— Йиғиб қўйган сариёғим бор эди, шуни тугиб бердим. Эндиги замонда бизга сариёғ ҳам татимаяпти, яхшиси Дарья обора қолсин, Фоминнинг хотинига совға қилар, ишқилиб, Петюшкамнинг мушкули осон бўлсин,— деди-ю, йиғлаб юборди.— Шунча хизмат қилиб, неча ўлимлардан қолиб, келиб-келиб энди погоннинг касрига қолишмасайди...

— Овозингни ўчир, маҳмадона!— Пантелей Прокофьевич жаҳл билан қамчини пичан устига улоқтириб, Петронинг олдига борди.

— Буғдой келтириб бераман деб ваъда қилгин Фоминга.

— Буғдойни бошига урадими?— деб тутоқиб кетди Петро.

— Яхшиси, Аникушкадан самогон олиб келинг, дада! Буғдой ваъда қил эмиш!

— Пантелей Прокофьевич бир хум самогонни этаги билан пана қилиб олиб келди-да, мақтай бошлади:

— Жудаям ўткир чиқибди бу занғар! Миколайди арағидан қолишмайди.

— Элбуртдан ичиб опсан-ку, чол ўлгур!— деб Ильинична уни қарғади; бироқ чол эшитса ҳам ўзини

www.ziyouz.com kutubxonasi

эшитмаганга олиб, тўйган мушукдай кўзларини сузиб, кекира-кекира, самогон ачиштирган лабларини енги билан артиб диканглаб уйга кириб кетди.

Петро чанани ҳайдаб кўчага чиқди ва меҳмон сингари дарвозани очиқ қолдириб кетаверди.

Илгари бирга хизмат этган ва ҳозир зўр амалга минган Фоминга атаб Петро анчагина совға олган эди. Чанада самогондан бошқа, бир костюмлик қадимги шевиот, этик, бир қадоқ қиммат баҳо хушбўй чой бор эди. Буларнинг ҳаммасини Лиски шаҳрида, 28-нчи полк станцияни жанг билан ишгол этиб, вагону складларни талаганда Петро ўлжа қилиб олганди...

Ўшанда у қўлга тушган поезддан бир сават аёллар ич кийимини ҳам ўмарган эди. Ўша кези фронтга келган отасидан шу нарсаларни бериб юборганди. Дарья бўлса, Наталья билан Дуняшканинг ҳавасларини келтириб, бу антиқа ички кўйлак билан лозимни кўз-кўз қилиб кийиб юрарди. Шу чоққача казаклар кўрмаган бу матах чет элда ишланган энг нозик, оппоқ сурпдан бўлиб, ҳар биттасида ипак билан тикилган герб сурати ва икки ҳарф бор эди, лозимларининг почаларига жимжимадор тўр тутилганди. Эри келган куни кечаси Дарья шу лозимни кийиб ётди.

Петро чироқни ўчираётиб кесатиб кулди:

— Эркаклар киядиган лозимни кийгани уялмайсанми?

— Иссиқ бўлар экан, жоним кирди, бирам чиройлики,— деди Дарья сузилиб.— Нималигини тушунолмайман: эркакларники бўлса, почаси узун бўлиши керак. Тўрлари ҳам бор экан... Эркакларни тўрга хуши борми?

— Бир хил зоти улуғ эркаклар тўр тутганини киядигандир-да. Менга нима? Қийсанг киявер,— деди Петро эриниб қашланар экан.

Бу масалага Петро унчалик аҳамият берган эмасди. Бироқ иккинчи куни хотинининг қўйнига кираркан бадани сескангандай бўлиб, четроқ сурилиб ётди; ўзидан-ўзи безовталаниб тўрларга қарар, унга қўл теккизишга юраги бетламасди. Ҳаттоки Дарьядан ҳам ётсирай бошлади. Лозим кўзига балодай кў-

www.ziyouz.com kutubxonasi

риниб қолди. Учинчи кечаси аччиғланиб қаттиқ туриб олди:

— Кўзимдан йўқот бу таъвия иштонингни! Хотин киши киядиган нарса эмас, сираям ярашмайди. Ётишинг нақ ойимтиллаларга ўхшайди! Шуни кийсанг, бегонага ўхшаб қоласан!

Эрталаб Дарьядан олдин турди-да, йўталиб, хўмрайиб лозимни ўзи кийиб кўрди. Унинг боғичларига, тўрларига, ўзининг жун босган очиқ оёғига анчагача сергакланиб қараб турди. Кетига бурилиб, бехосдан ойнада ўз аксини кўриб қолди: орқасида дўппайган бурмаларига кўзи тушиши билан тупуриб, сўкинди-да, дарҳол лозимни ечишга тутинди. Оёғининг бошмалдоғи тўр катагига илиниб қолиб сандиқ устига йиқилиб тушаёзди, ниҳоят жаҳлига чидай олмай, боғичларини узиб-узиб ташлади-да, у дардисардан халос бўлди. Дарья уйқу аралаш:

— Нима қиляпсан?— деб сўради.

Петро алам қилганидан жавоб бермади; у бурнини тортиб дамба-дам тупурарди. Аммо, лекин Дарья, эркакларники деса — эркакларникига, хотинларники деса — хотинларникига ўхшамаган бу антиқа лозимни, ўша куниёқ сандиққа солиб қўйди (бу сандиқда хотинларнинг бошини қотирган шу тахлит номаълум буюмлар кўп эди). Бу тахланиб ётган нарсаларни кейинчалик бузиб лифчик қилмоқчи эди. Лекин юбканинг иложи топилди: ниҳоятда калта, қўшэтаклик юбкани Дарья чеварлик билан юқорисига улади-да, остки этаги устки этакдан тўрт энлик чиқиб, тўрлари кўриниб турадиган қилиб олди. Дарья шуни кийиб олиб, голландча тўр тутилган этакларини ерда судратиб, ҳаммага кўз-кўз қиларди.

Мана ҳозир ҳам эри билан меҳмонга кетаётиб, бойвуччалардай ясаниб олди. Донча сувсар пўстин тагидан тўр тутилган юбка этаклари кўринади, устки кўйлаги ҳам яп-янги, асл жун газмолдан тикилган. Шунчалик ясанмаса бўладими, ахир, келиб-келиб, Фоминнинг зоти паст хотиники кенас ойим даражасига етибдими, у Дарьянинг ҳам анчайин казакнинг хотини эмас, офицернинг хотини эканлигини билиб қўйсин-да!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Петро қамчисини силкитар, ҳадеб лабини чапиллатарди. Қорни осилган, терисига шалтоқ илашган бўғоз бия Дон ёқалаб кетган текис йўлдан чопқиллаб борарди. Рубежинга туш маҳалида қириб келишди. Фомин уйида бўлади деган гап тўғри чиқди. У Петрони яхши кутиб олиб, столга таклиф этди. Отаси чиқиб Петронинг чанасидаги сомонга кўмилган, қиров босган хумни олиб келгач, Фомин ишшайиб кулиб қўйди.

— Сенга нима бўлди, оғайни, қорангни кўрсатмайсан,— деб гап бошлади Фомин ёқимли овоз билан; у чўзиб гапирар, ер остидан кўк кўзларини ўйнатиб Дарьяга тикилар, сиполик билан мўйловини бурарди.

— Ўзингизга маълум, Яков Ефимович, қишлоғимиздан тинмай аскар ўтиб туради, замсна нотинч...

— Бу гапинг тўғри. Хотин! Бизга тузлаган бодринг, карам, қоқ балиқ обкелсанг бўларди.

Торгина уй ичи ҳаммомдек иссиқ. Печь устида худди отасига ўхшаш бола билан кўзи отасиникидай кўк кўз қизчаси ётар эди.

Петро бир оз ичиб олиб, мақсадга ўтди:

— Одамларди гапига қараганда чека келганмиш, казакларди мирисидан-сирисигача текширармиш.

— Ўн бешинчи Инза дивизиясининг трибунали Вёшенскаяга келиб тушди. Хўш, келса нима қипти? Сенга нима алоқаси бор?

— Ие, Яков Ефимович, ўзингиз биласиз, ахир, мен офицер ҳисобланаман. Номи улуғ, супраси қуруқ офицер бўлганман.

— Хўш, бўлсанг нима қипти?

Фомин ўзи бек, ўзи хон эди. Сал кайфи ошганлиги учун бира тўла гердайиб, мақтанчоқ бўлиб олганди. Дамба-дам мўйловини силаб ўзига зеб берар, ҳокимлар сингари ер тагидан хўмрайиб қararди.

Петро унинг феълини пайқаб, қўлтиғига сув пуркади: жўрттага ўзини ерга уриб, мулозимат билан хушомадгўйлик қилиб туриб, аста-секин «сиздан» «сенга» ўтди.

— Икковимиз бирга хизмат қилганмиз. Мендан ҳеч бир ёмонлик кўрган жойинг йўқ. Ёки бирон мар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

та сенга қарши чиққанманми? Йўқ! Худо халлоқ, мен доим казаклар учун жон куйдириб келганман!

— Биламиз. Сен, Петро Пантелеевич, сира хавотир бўлма. Биз ҳамма одамни бирма-бир текшириб чиққанмиз. Сенга ҳеч ким тегмайди, аммо баъзи бировларнинг тагига етамиз. Баъзиларни гирибонидан хиппа оламиз. Бу ерда писиб қолган аблаҳлар кўп. Қолишга қолиб, энди пайт пойлашяпти. Яроқларини бекитишяпти... Сен милтиғингни топширдингми?

Имиллаб гапираётган Фомин бирданига томдан тараша тушгандай қилиб шартта савол бергани учун Петронинг тили калимага келмай қолди, юзига гуп этиб қон тепди.

— Топширдингми деяпман сенга! Хўш, нега индамайсан?— Фомин столдан оша энгашиб тобора тиқилинч қиларди.

— Топширдим, Яков Ефимович, топширдим, хотиржам бўл... Ниятим холис.

— Ниятим холисмиш. Биламиз қанақалигингизни... Мен ҳам шу ерда туғилиб ўсганман, билмайди дема... Фомин мастлик билан кўз қисган бўлди, оғзи очилиб, япалоқ тишлари кўриниб кетди.— Бой казаклардан ошнанг бўлса, қўлингда ойболта бўлсин, эҳтиёт бўлмасанг солиб қолади... Ҳаммаси итдан баттар! Нияти холиси қолмаган. Мен кўпни кўрганман. Ҳаммаси хоин! Аммо, лекин сен, қўрқма, сенга ҳеч ким тегмайди. Гапим — гап!

Дарья холодецдан тамадди қилар, одоб сақлаб оғзига нон олмасди; Фоминнинг хотини унга парвона бўлиб «ол-ол» қиларди.

Кўнгли жойига тушган Петро кечга яқин кайфи чоғ бўлиб уйига жўнади.

* * *

Пантелей Прокофьевич Петрони жўнатгач, қудаси Коршуновдан хабар олгани кетди. Чол қизил аскарлар келишидан олдин қудасиникида бўлган эди. Ўшанда Лукинична Митькани жўнатиш тараддудига тушиб, бутун уй ичи ивирсиб ётганининг устидан чиққан ва бемавруд келганини сезиб, изига қайтаверган

www.ziyouz.com kutubxonasi

эди. Бу гал Пантелей Прокофьевич қудасининг ҳолаҳволини билгани, қолаверса, у ёқ-бу ёқдан гаплашиб замонанинг нобоплигидан ҳасратлашгани бораётганди.

Чол қишлоқнинг нариги бошига оқсоқланиб аранг етди. Бир қанча тишлари тушиб, анча букчайиб қолган Гришак бобо ҳовлида унга дуч келди. Якшанба куни бўлгани учун бобо черковга отланиб чиққан эди. Пантелей Прокофьевич қудаси бўлмиш бобонинг савлатини кўриб эсанкираб қолди: Туркия урушида олган бутун медалу, орденлари олди очиқ пўстини тагидан кўриниб турарди, қотирма ёқали эски мундирининг қип-қизил боғичлари ялт-юлт қилар, ҳошиядор чалворининг почаларини оқ пайпоғи ичига чиройли қилиб тиқиб олган, кокардалик шапкасини пиёз пўстидай бўлиб қолган катта қулоқлари устигача бостириб кийган эди.

— Сенга нима бўлди, қуда бува? Эсинг жойидами ўзи? Ҳозир кокарда, крест тақадиган замонми ахир!

— А?— деди бобо Гришак кафтини қулоғига тутиб.

— Кокардингни олиб ташла, деяпман! Крестларингни йўқот! Бу савлатингни кўришса қамаб қўйишади. Совет замонасида мумкин эмас, қонун бунга йўл бермайди.

— Эй, садаганг кетай, мен оқ пошшога ҳалол хизмат қилган одамман. Аммо, лекин бу ҳукумат худодан эмас. Мен уни назаримга илмайман. Мен фақат Александр пошшога қасам ичганман, мужикларга бўйин эгмайман, билдингми!— Бобо Гришак гезарган лаблари билан тамшаниб, кўкиштоб бўлиб оқарган мўйловини артди-да, ҳассаси билан уйни кўрсатиб:— Сен Миронни кўрмоқчимидинг?— деб сўради.— Мирон уйда. Митюшкани ҳам чекинганларга қўшиб жўнатдик. Ишқилиб, Биби Марьям ўз паноҳида асрасин!.. Сенинг болаларинг кетишмадими! А? Ғалати гап... Эндиги казакларнинг бўлган-тургани шу! Атаман олдида ичган қасамига хиёнат қилиб, айни аскар етишмай турган маҳалда хотинларининг пинжидан чиқишмайди... Натальюшкам омон-эсон юрибдими?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Омон-эсон!.. Уйга қайтганда крестларингни олиб қўй, қуда бува! Крест тақадиган замон эмас.

— Йўлингдан қолма! Менга ақл ўргатишга ҳали ёшлик қиласан! Ўзингни бил!

Гришак бобо Пантелей Прокофьевичнинг устига бостириб келаверди, бироқ чол четга чиқиб унга йўл берди-да, унинг кетидан қараб, афсуслангандек бош чайқаб қолаверди.

— Бизнинг аскар бобони кўрдингми, қуда? Бобо эмас, нақ бало бўлди! Худоям тезроқ жонини ола қолмайди.— Мирон Григорьевич қудасини ҳурматлаб ўрнидан турди (шу кунларда у анча чўкиб қолган эди). — Шоп-шалопларини тақиб, кокардалик шапкасини кийиб парвойи-фалак юраверади. Минг гапир, ўз билганини қилади. Боладан баттар бўлиб қолди, гапга тушунмайди.

— Майли, озор берма, беш кунлиги қолдими, йўқми... Хўш, уй ичинг тинчми? Гришкани анави худодан қайтганлар қийнашибди, деб эшитдик, ростми?— Лукинична икки қуданинг ёнига келиб ўтирди-да, дарду аламдан қўлини жағига тираб олди.— Бизни худо урди, қуда... Тўртта отимизни олиб кетишди, бия билан тойчани қолдиришди, холос. Хонавайрон қилишди бизни!

Мирон Григорьевич милтиқ отаётган одамдай бир кўзини қисиб туриб, ичида йиғилиб ётган заҳрини шартта-шартта соча бошлади:

— Турмушимиз нега бунчалик остин-устун бўлди? Ким бунга айбдор? Мана шу дажжоллар ҳукумати! Ҳамма касофат шу ҳукуматда, қудажон! Ҳаммани тенг қилармиш... шуям гап бўптими? Жонимни олишса олишсин, лекин бунга рози бўлмайман? Мен умр бўйи тер тўкиб ишлаб, кечани-кеча, кундузни-кундуз демай, меҳнат қилсаму, очликдан боши чиқмаган ўша танбаллар билан тенг бўлиб яшасам-а? Йўқ, азизим, мен анойи эмасман! Бу ҳукумат рўзғорини тебратиб турган одамларнинг пайини қирқяпти. Шуларнинг касрига; ким учун ишлайману, орттирганим кимга қолиб кетади, деб қўл ҳам ишга бормай қолди. Бугун топганингни эртага зўрлик қилиб олиб кетаверишса... Қайси куни мирихинлик адашим келиб кет-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди, анча ғаплашдик... Фронт ҳали олислагани йўқ, ана, Донец бўйида турибди. Лекин фронт бардош бера олармикин? Ростини айтсам, мен ишончли кишиларни ишга соляпман, Донецнинг нарёғидаги одамларимизга ўз томонимиздан ёрдам қилишимиз кераклигини тушунтиряпман...

— Қанақа ёрдам?— деб ҳовлиқиб сўради Пантелей Прокофьевич негадир, шивирлаб.

— Қанақа дейсанми? Манави ҳукуматнинг думини тугиш керак, мана ёрдам! Шундай тугиш керакки, ўша Тамбов губернасидан бери келмайдиган бўлсин. Ўша ёқдаги мужикларни тенг қилаверсин. Мана шу душманни йўқотиш учун нима керак бўлса тайёрман, бутун мол-мулкимдан кечишга ҳам розиман. Шундай, қудажон, буни тушуниш керак, ахир, пайти келди ҳозир! Кейин аттанг деб юрмайлик... Адашимнинг гапига қараганда мирихинлик казаклар ҳам бош кўтаряпганмиш. Гап бир ёқадан бош чиқариб, баравар ҳаракат қилишда қолди!— Мирон Григорьевич шивирлаб, энтикиб гапира бошлади:— Қизил аскарлар ўтиб кетди, бу ерда қолган одами қанча келади? Жуда оз! Ҳар қишлоқда битта раис, битта муовин бор, холос... Калласини шартта олиш-қўйиш, бундан осони йўқ... Вёшкадан хавотир олма... кўпчилик бўлиб астойдил ёпирилгандан кейин у ердагиларниям бир бурдадан қилиб ташлаймиз. Бизларни қонқақшатиб, ўз одамларимиз ҳам қараб турмас, уларга қўшиламиз... Пухта гап шу, қуда!

Пантелей Прокофьевич ўрнидан турди. Ҳар бир сўзини ўйлаб дона-дона қилиб, хавфсираб огоҳлантирмоқчи бўлди:

— Кўзингни оч, қуда, сал тайғансанг жаҳаннамга кетасан! Казаклар иккиланганн билан кети нима бўлишини, қай тарафга оғишини билиб бўлмайди. Кўнглингдагини ҳар кимга очиб гапирадиган вақт эмас ҳозир... Ёшларнинг нималигига ақл етмай қолди... Бири у ёққа кетди, бири бу ерда қолди, худди бекинмачоқ ўйнаётганга ўхшашади. Бундан оғир аҳвол бўлмас! Турмуш эмас, майнавозчилик.

Мирон Григорьевичнинг кўнгли кўтарилиб илжайди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Кўнглинг тўқ бўлсин, қуда! Гапимда жон бор. Одамзод қўймижоз бўлади: така қайга бошласа, кетидан эргашаверади. Биз одамларга йўл кўрсатиб беришимиз керак! Уларнинг кўзини очишимиз керак, токи, бу ҳукуматнинг нималигини кўришсин! Булут бўлмаса, чақмоқ чақмайди. Мен казакларни қўзғолон кўтаришга чақиряпман. Ёмон гап эшитдик: қизиллар, ҳамма казак осиб ўлдирилсин деган буйруқ беришганмиш. Бунисига нима дейсан, қуда?

Мирон Григорьевичнинг сепкил тошган юзи қизариб кетди.— Хўш, оқибат нима бўларкан, Прокофич? Одам отишлар бошланди дейишяпти... Шу ҳам турмуш бўлдими? Бир-икки йил ичида ҳамма нарсага қирғин келди! Лампамой йўқ, гугурт йўқ, охири келиб Моховнинг дўконида конфетдан бошқа сотиладиган мол қолмади... Экин-тикин-чи? Қадимгидай кўп экиш қани? Отлардан ажрадик. Меникини олишди, уникини ҳам, кўпайтирадиган қани? Илгари бизда, у вақтда мен ўспирин бола эдим, саксонта отимиз бўлгучи эди. Балки, эсингда бордир? Шундай учқир отларимиз бор эдики, қалмоқи отни ҳам ярим йўлда қолдириб кетарди! Юлдуз қашқа саманимиз бўларди. Доим шуни миниб қуён қувардим. Эгарлаб миниб олардим-да, даштга чиқиб, бурганзордан қуён қочирардим, юз саржин кетмай туриб отга топтардим. Ҳозир ҳам кўз олдимдан кетмайди.— Мирон Григорьевичнинг юзи чўғдай ловиллаб кетди.— Бир куни шамол тегирмон томонга бордим, қарасам, рўпарамдан бир қуён ўқдай келяпти. Дарров отни буриб олдидан тўсиб чиқдим, бирданига шартта бурилди-ю, тоғни этаклаб қочганича Дондан ўтиб кетди!

Худди масленица кунлари эди, шамол туриб Дон устидаги музни қорга кўмиб ташлаган, тайғончоқ, денг. Қизиқиб кетиб қуён кетидан от солдим, от музга тушди-ю, тўрт оёқлаб тойиб кетди, муккасига йиқилди ва чўзилиб ётиб олди. Ўзимниям жон-поним чиқиб кетди. Эгарини олдим-да, чопганча уйга келдим. «Дада, қуён қуваман деб отни ўлдирдим»,— десам:— «Ишқилиб тутдингми?» дейди.— «Йўқ»,— дедим.— «Қорани эгарлаб мин, тутмасанг, кўзимга кўринма, итвачча!»— дейди. Ажойиб вақт экан-да! Турмуш эмас

www.ziyouz.com kutubxonasi

роҳат, казакларга кайфу сафо бўлса бас эди. От ўлса майли, қуён қочиб қутулмасин. От юз сўм туради, қуён эса ярим танга... Эҳ, нимасини айтасан, қуда!

* * *

Пантелей Прокофьевич қудасининг олдидан баттар хуноб бўлиб чиқди, қайтага ваҳима босиб, ташвишига ташвиш қўшилиб уйига қайтди. Қандайдир унга ёт бўлган, етти ухлаб тушига кирмаган усули идора пайдо бўлганини, турмуш бошқача йўлга тушиб кетаётганини чол эндигина мукаммал тасаввур этди. Илгари ўз хўжалигини ўзи тебратиб, учқур от минган чавандоз сингари турмушни устомонлик билан ўзи бошқариб келган бўлса, энди турмуш уни қутурган отдай олиб қочмоқда, истаган кўйига солиб лўкиллатмоқда. Чол фақат йиқилиб тушмасликни, бир амаллаб эсон-омон қолишни кўзлаб, жон-жаҳди билан урунмоқда.

Эртага нима бўлишию, нима қўйиши қоронғи эди. Яқиндагина теварак-атрофга номи кетган энг бой одам — Мирон Григорьевич эмасмиди? Сўнгги уч йил ичида унинг давлатига ҳам путур етди. Хизматкорлари тарқаб, экин-тикини ҳам тўққиз баравар камайиб кетди; қўрадаги ҳўкизу, отлар арзон-гаровга сотилди. Ҳеч вақоси қолмади. Дондаги тумандай, тушдаги хаёлдай тарқади-кетди. Ёлғиз шаҳнишин болохонали, карнизи ўймакор уйи қолди, холос. Коршуновнинг малла ранг соқоли бемаҳал оқарди, чакка сочлари оппоқ оқариб кетди. Бориб-бориб аста-секин пешона устларига ҳам ўта бошлади. Мирон Григорьевичнинг табиатида ҳам шу хилдаги думижозлик бир-бири билан курашар: томирида қон жўш уриб уни экин экиш, қўрасининг шикаст-рехтига қараш, асбоб-ускуналарни тузатишга,— ишлашга мажбур этса,— «Нимасига ишлайман, барибир қўлдан кетади!» деган хаёлга берилиб, кўпинча кўз ўнги қоронғилашар, бутун дов-дастгоҳнинг аҳамияти қолмасди. Ишлайвериб косовга ўхшаб қолган бесўнақай қўллари илгарисидай ишга бормас, болга-ю, аррани ушлагиси келмас, шалвираб қолган: эгри-бугри кир панжалари аранг қи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

мирларди. Мирон Григорьевич бевақт қариганига афсусланарди.

Ерларидан ҳам кўнгли совуган эди. Баҳор кези кўнгли тортмаса ҳам ҳар йилги одати бўйича ноилож ер бошига борарди. Чол эндиги топганига суюнмас, олдирса қадимгидай қайғурмасди... Қизиллар отларини олиб кетишди, чол бўлса, олса олаверсин дегандай қилиб сир бой бермади. Лекин икки йил бурун бир қучоқ пичанни ҳўкиз пайҳонлагакда хотинини уриб ўлдираёзган эди. Қўшнилари ҳозир: «Коршунов демаганинг еб-еб роса тўйган, мана энди қусади-да!»— дейишарди.

Пантелей Прокофьевич оқсоқлана-оқсоқлана уйига етиб келиб, ўзини каравотга ташлади. Қорни очиб, кўнгли озиб, «ичак узилдига» етган эди. Кечки овқатдан кейин тузлаган тарвузни кўнгли тусаб, кампирига илтимос қилди. Бир карч еди-ю, қалтироқ босиб, аранг печь ёнига етиб олди. Шу ётганича тонг отди. Эрталаб чол терлама касалининг иситмасида куйиб-ёниб, беҳуш алаҳлаб ётар эди. Қонталашган лаблари тарс-тарс ёрилган, юзлари сарғайиб, кўз атрофи кўкариб кетганди. Дроздиха мома ништар уриб, икки қўлининг йўғон томиридан икки тарелка қон олди, бироқ бу билан чол ҳушига келмади, фақат юзлари докадай оқариб кетди, оғзи каттароқ очилиб қолди-ю, қоп-қора тишлари кўриниб, хириллаб нафас ола бошлади.

XX

Апрель ойининг охирларида округ ревкомининг раиси чақиртиргани учун Иван Алексеевич Вёшенская станицасига жўнади. У кечгача қайтиб келиши керак эди, шунинг учун исполком биносида уни кутишарди. Мишка Кошевой Моховнинг ҳувиллаб қолган уйида, хўжайиннинг қадимги кабинетида, каттакон ёзув столи ёнида ўтирарди. Вёшенскаядан келган милиционер Ольшанов бошқа стул йўқлиги учун дераза токчасига ёнбошлаб олганди. У индамай папирос тортиб, дамбадам туплар, тупуги чиройли мўри ўчоқнинг нақшинкор ғиштига бориб тушарди. Деразадан юлдузлар чарақлаган осмон кўринарди. Қаҳратон совуқда ҳамма

www.ziyouz.com kutubxonasi

ёқ жимжит эди. Мишка Степан Астаховнинг уйи тинтилганлиги тўғрисидаги актга қўл қўймоқда, ора-сира деразадан оппоқ қиров босган заранг дарахтининг бутоқларига қараб қўяди.

Зинадан пиймасини шипиллатиб биров чиққандай бўлди.

— Келди.

Мишка ўрнидан турди. Коридорда ёт кишининг йўталгани, нотаниш оёқ товушлари эшитилди. Шинели маҳкам тугмаланган, аёзда кўкариб кетган, қошу мўйловларини оппоқ қиров босган Григорий кириб келди.

— Чироқни кўриб кирдим. Яхшимисан?

— Қани кел, дардингни айт.

— Дардим йўқ, анчайин чақчақлашгим келиб кирдим, айтгандай, арава беришдан озод қилсанг девдим. Отларимиз оқсаб қолган.

— Ҳўкизлар-чи?— Мишка билинар-билинмас хўмрайиб қўйди.

— Ҳўкиз юра оладими? Ер тайғаноқ-ку.

Аёзда музлаган тахта полни тарақлатиб, аллаким катта-катта қадам ташлаб келаверди. Кавказча чакмон кийган, тумоғини хотинчасига танғиб олган Иван Алексеевич кириб келди. Муздай тоза ҳаво аралаш пичан ҳиди, тамаки сассиғи уйни босиб кетди.

— Совқотдим, музлаб қолдим, йигитлар!.. Григорий, салом! Кечаси нима қилиб юрибсан?.. Бу чакмонни чиқарган одамнинг уйи куйсин: ичида бемалол шамол ўйнайди, ғалвирдан фарқи йўқ!

Иван Алексеевич ечинди, чакмонни илмасданоқ гапга тушиб кетди:

— Раисини ҳам кўрдим..— У чиройи очилиб кўзларини чарақлатиб стол ёнига келди. Тили қичиб, тезроқ гапириб бергиси келиб сабрсизланарди:—Кабинетига кирдим. Мен билан қўл бериб кўришди.— «Ўтиринг, ўртоқ»,— деди. Округнинг раиси шундай дейди-я! Илгари шундаймиди? Генерал-майорга тенг одам! Унинг рўпарасида қандай туриларди? Мана, бизнинг жонажон ҳукуматимиз шунақа! Ҳамма баравар!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Унинг нега бунчалик ҳаяжонланганини, юзу кўзлари кулиб, стол атрофида типирчилаб, нега бунчалик завқланиб гапирганини Григорий тушуна олмай:

— Нега бунчалик суюнасан, Алексеевич?— деб сўради.

— Негаси нимаси?— Иван Алексеевичнинг иягидаги чуқурчаси пириллаб учди.— Мени ўз тенгидаги кўриб, қўл бериб кўришди, менга жой берди. Мени одам билиб ҳурмат қилди, тағинам суюнмайми?

— Кейинги вақтларда генераллар ҳам қоп кўйлак кия бошлади.— Григорий кафтининг чети билан мўйловини тузатиб, кўзларини сузди.— Мен биттасида ғалати погон кўрдим, кўк қалам билан бўяб олибди. У ҳам казаклар билан қўл бериб кўришган эди...

— Генераллар ноиложликдан, лекин бизнинг одамлар чин кўнгилдан қўл беришади. Фарқини тушундингми?

— Фарқи йўқ!— деб Григорий бош чайқади.

— Сенингча, эски ҳукумат, янги ҳукумат барибир экан-да? Ундай бўлса, шунча қон тўкканимизнинг маъниси нима бўлди? Масалан, сен, хўш, сен ўзинг ким учун қон тўккансан? Генераллар учунми? Тағин «фарқи йўқ» дейсан-а?

— Мен генераллар учун эмас, ўзим учун урушганман. Чинимни айтсам, сенга унисиям, бунисиям ёқмайди.

— Сенга ким ёқади ўзи?

— Ҳеч ким!

Ольшанов уйнинг бу бошидан туриб, у бошига қарата тупурди-да, Григорийнинг гапи маъқул тушиб, кулиб юборди. Афтидан, у ҳам ҳеч кимни ёқтирмайдиганга ўхшарди.

Мишка атайлаб Григорийни ранжитиш мақсадида:

— Назаримда, илгари сен бунчалик кескин фикрда эмасдинг чоғи,— деб қўйди.

Бироқ Григорий унинг гапи оғир тушганини сездирмай:

— Илгари сен ҳам, мен ҳам — ҳаммамиз бошқача фикрда эдик,— деди-да, безрайиб тураверди.

Иван Алексеевич олдин Григорийни жўнатиб, қан-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дай бориб келганини, раис билан бўлган суҳбатларини Мишкага сўзлаб беришга шошилаётган бўлса ҳам, орадаги қочириқ гаплар унга ҳам тегиб кетди. Округда кўрган нарсалар ва эшитган гаплар таъсири остида бу ҳам шартта тортишувга аралашди.

— Боядан бери бекорга миямизни ачитяпсан, Григорий! Мақсадинг нималигини ўзинг билмайсан.

— Билмайман,— деб иқрор бўлди Григорий.

— Бу ҳукуматнинг нимаси сенга ёқмайди, а?

— Сен бу ҳукумат учун нега бунчалик жон куйдирасан? Қачондан бери қизил бўлиб қолдинг ўзинг?

— Бу билан ишинг бўлмасин. Ҳозирги гапни гапир, тушундингми? Ҳукуматга кўп тил теккизаверма, мен раис бўламан, бу ерда сен билан ғиди-биди қилиб ўтиришга тобим йўқ.

— Келинг энди, бас қилайлик. Узоқ ўтириб қолдим, кета қолай. Мен арава масаласида келувдим. Нима десанг дерсан, аммо, лекин сенинг ҳукуматинг — ҳаромхўр ҳукумат. Қани, менга очиғини айтиб бергин, шу билан гапни тамом қиламиз: бизга, биз казакларга ҳукуматинг нима беради?

— Қайси казакларни айтмоқчисан? Казаклар бир хил эмас.

— Ҳаммасига, ишқилиб, казакларга.

— Озодлик, ҳуқуқ беради... Жим тур!.. Сабр қил, мен сенга...

— Буни ўн еттинчи йилда эшитганман, ҳозир бирор янгироқ гапни ўйлаб топинглар!— деб Иван Алексеевичнинг сўзини бўлди Григорий.— Ер берадими? Эркинликми? Ҳаммани баравар қиладими?.. Ўз ерларимизни нима қилишни билмаймиз. Мундан ортиқ эркин бўлсак, кўча-кўйда бир-биримизни сўя бошлаймиз. Илгари атаманни ўзимиз сайлардик, энди тепамизга обкелиб қўйишяпти. Ўша сен билан қўл бериб кўришган одамни ким сайлаган? Бу ҳукумат казакларни хонавайрон қилишдан бошқани билмайди! Бу мужиклар ҳукумати, мужикка керак, холос. Аммо бизга генераллар ҳам керакмас. Коммунист нимаю, генерал нима, барибир гап.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бой казакларга керакмас, албатта, бошқаларга-чи? Эй, каллаварам! Қишлоқда атиги учта бой бор, қолган ҳаммаси камбағал-ку. Ишчиларга нима дейсан? Йўқ, ука, бундай фикрларинг бизга кетмайди! Бой казаклар ўзлари ошиб-тошиб кетавермасин, камбағалларга ҳам пича узатиб қўйсин. Ўз ихтиёри билан беришмаса, зўрлаб оламиз! Қачонгача тўқликка шўхлик қилишади? Ҳамма ерни тортиб олишиб...

— Тортиб олишган эмас, урушда жон бериб ерга эга бўлишган! Бобокалонларимизнинг қонлари тўкилган, шунинг учун бу ерлар — қора тупроқ, ҳосилдорлиги ҳам шундан.

— Барибир, очлар билан борини баҳам кўриши керак. Ҳамма тенг бўлади — вассалом! Бу юришингда умринг бекорга ўтади-кетади. Томдаги шамол парракка ўхшаб, қаёқдан ел турса шу ёққа буриласан. Сендақа одамлар фақат иғво тарқатишга уста!

— Шошмасанг-чи, мунча койийсан? Мен эсқидан оғайнилигимизни кўзда тутиб гаплашгани, юрагимда йиғилиб қолган дардларимни бўшатгани келдим. Сен, ҳаммани тенг қиламиз, дейсан... Оми халқ большевикларнинг шу гапига учди, одамлар катта-катта ваъдаларни эшитиб, қармоқдаги чувалчангга югурган балиқдай югуриб қолишди. Қани энди тенглик? Қизил Армия қишлоғимиздан ўтганда кўрдим: взвод командирлари хром этик кийиб олишибди, бечора «Иванлар» бўлса ҳалиям обмоткада. Комиссарини кўрдим: шимиям чармдан, курткасиям, бутун кийими чармдан, бошқалар ботинкасини ямашга бир парча чармга зор. Фақат каттаконларининг куни туғди. Ҳузур-ҳузур ўшаларники, қани тенглик деганинг?.. Фронтдалигимизда: «Ҳамма тенг бўлади, командиргаям, солдатгаям баравар маош тўланади»,— дейишган эди... Бекор гап экан. Модомики панни ёмон дейдиган бўлсак, мужикдан чиққан пан ундан ҳам ёмон! Офицернинг ёмони ёмон, бироқ нодонки офицер бўлдими — ўлдим деявер, бундан ортиқ азоб дунёда бўлмас! Кошки бундай офицер казакдан кўра билимдон бўлса: ҳўкиз етаклашдан бошқани билмаган бир ифлос ҳаш-паш дегунча одам қаторига кириб, амалга миниб олади, ана иннайкейин, кўрибсанки, димоғи шишган, амал

www.ziyouz.com kutubxonasi

қутуртирган, ҳар қандай аблаҳликни қилаверади, мансабидан тушмаслик учун одам ўлдиришдан ҳам қайтмайди.

— Ҳамма гапларингдан аксилинқилобчилик ҳиди келади! — деди совуқ овоз билан Иван Алексеевич, лекин Григорийнинг юзига қарамади. — Мени ўз йўлимдан оздиришга ҳали сен ёшлик қиласан, сенга насиҳат қилишдан фойда чиқмайдиганга ўхшайди. Сени анчадан бери кўрганим йўқ эди, ростини айтсам, ўзгариб кетибсан, бегона бўпқобсан. Сен Совет ҳукуматига душмансан!

— Сендан буни кутганим йўқ эди... Ҳукумат тўғрисида ўз фикримни гапириб, аксилинқилобчи бўлдимми! Қадет демоқчимисан?

Иван Алексеевич Ольшановнинг тамаки халтасини олди-да, мулойимроқ қилиб гапира бошлади:

— Қандай қилиб сенга гап уқдира оламан энди? Одамлар ўйлай-ўйлай, охири шу йўлни танлашмоқда. Ақли етмаса, юрак амрига қулоқ солишмоқда! Мен ўқимаган, чаласавод одам бўлганлигим сабабидан унчалик гапга устамасман. Ўзим ҳам кўп масалага қийнала-қийнала, аранг тушунаман...

— Бас қилинглар! — аччиғланиб бақирди Мишка.

Ижроком биносидан бирга чиқишди. Григорий индамай тураверди. Аросатда қолган Григорийнинг қилиқлари Иван Алексеевичга ёқмасди, чунки у бегоналашиб кетган, турмушга ҳам бошқача қарайдиган бўлиб қолган эди; ниҳоят, индамай тураверишлик жонига тегиб, хайрлашмоқчи бўлди:

— Минбаъд оғзингга қараб гапир. Танишим экан-у; акаси оғайним экану деб риоя қилмайман, танобингни тортиб қўяман, бола! Қазаклар орасида гап қўзғама, ўзли кўзиям гапдон бўлиб қолишган. Бизга халақит бериб йўлимизни тўсма. Мажақлаб ташлаймиз! Хайр!

Григорий даргоҳдан қувилган одамдай хомуш бўлиб қайтди; шу дамгача қоронғи бўлиб кўринган масала бирданига очиқ-ойдин равшан бўлди қолди. У фақат, шу кунларда миясини қотирган ўйларни, анчадан бери кўнглида йиғилиб қолган гапларни мунозара вақтида қизишиб кетиб айтиб юборди, холос. Икки

www.ziyouz.com kutubxonasi

оқим бир-бири билан қурашаётган пайтда иккисини ҳам тан олмай аросатда қолган Григорий беихтиёр жирттакилик ва ўжарлик кўчасига кириб олган эди.

Мишка Иван Алексеевич билан кетди. Иван Алексеевич раис билан учрашганини яна бошқатдан сўзлай бошлади, бироқ гапириб туриб, гапининг қизиғи, аҳамияти қолмаганини пайқади. У бояги ҳолатига қайтмоқчи бўлиб ҳарчанд уринса ҳам натижа чиқмади: назарида, бир нарса йўлни тўсиб, бахтли ҳаёт кечиришга, мана шу муздай ҳавода эркин нафас олишга халақит бераётгандай бўлаверди. Ҳамма касофат Григорийда, ҳалиги суҳбатда эди. Шуни эслади-ю, нафрат билан:

— Гришкадай одамлар доим оёқ тагида ўралашиб, курашда халал беради. Аблаҳ! На нари бўлмайди, на бери: тезакка ўхшаб сув оладиган жойда қалқиб тураверади. Яна олдимга келса, ҳайдайман! Одамлар орасида ташвиқот юргизадиган бўлса, қамоққа оламиз... Хўш, аҳвол қалай, Мишатка! Ишлар тузукми?

Хаёли бошқа ёқда бўлган Мишка жавоб бериш ўрнига, сўкиниб қўя қолди.

Анча юрганларидан кейин Қошевой Иван Алексеевичга бурилиб қаради, кулимсираб турган дўрдоқ лаблари қалтираб кетди.

— Ўт билан ўйнашса бўлади, Иван Алексеевич, лекин сиёсат масаласи оғир экан! Унча-мунча гап менга пашша чаққанчалик таъсир этмасди, аммо Гришканинг гаплари этимдан ўтиб, суягимга етди... Иккимиз ахир бир кўрпада катта бўлган, бир мактабда ўқигандик, ҳатто қизлар кетидан бирга бориб, бирга қайтардик, ака-укадай бўлиб қолгандик... Алжишига қулоқ солиб туриб шундай жиғибийрон бўлдимки, нафасим тиқилиб, юрагим ўйнаб қинидан чиқиб кета ёзди. Бутун вужудимни қалтироқ босди! Назаримда, жондан азиз нарсамдан ажралаётгандай бўлдим. Кўзимга бандитдан баттар кўриниб, худди мени тунаб олаётганга ўхшаб кетди! Бу даража қон қайнаганда шартта сўйиб қўйиш ҳам ҳеч гапмас... Бу урушда акам эди, укам эди деб риоя қилиш йўқ. Босган изингдан қайтма!— Қаттиқ алам ўтганлигидан Мишка-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг овози титраб ўзгариб кетди. — Мен билан юрган қизларни йўлдан урган вақтларида ҳам бунчалик алам қилган эмасди, лекин ҳозирги гаплари жудаям менга қаттиқ ботди. Суяк-суягимдан ўтиб кетди!

XXI

Қор ёғар, лекин ерга тушар-тушмас эриб кетарди. Туш пайти жарларда йиғилиб қолган қор кўчиб, ҳамма ёқни гумбур-гумбур овозлар босиб кетарди. Доннинг нариги бетидаги ўрмоннинг гувиллагани эшитиларди. Эман дарахтлари муздан тушиб, пўстлоғи қорайиб қолганди, шохларидан томчилаган сув ер бетидаги қорни тешиб ўтиб, чириган хазон остида исиниб ётган тупроққа кириб кетарди. Ҳамма ёқ шифобахш баҳорнинг илиқ нафасига, олча пўстлоғининг ҳидига тўлди. Муз қирғоқдан кўчди, кўп жойлари юпқаланиб қолди; сув олиш учун ўйилган муз ўраларни кўм-кўк сув босиб кетди.

Дон ёнидаги аскарларга тўп ўқи ташиётган аравалар Татарск қишлоғида алмашиниши керак эди. Уларни қўриқлаб келаётган қизил аскарлар ниҳоятда ўткир йигитлардан эди. Буларнинг каттаси ҳамма йигитларни арава топиб келгани жўнатиб, Иван Алексеевични маҳкам ушлаб олди-ю: «Сенинг ёнингда бўламан, тағин жуптакни ростлаб қолмагин!»— деб уни ҳеч ёққа силжитмай ўтираверди. Қўш отлиқ қирқ етти арава топиш керак эди.

Емельян, Мелеховларникига кирди.

— Аравани қўшинглар, тўп ўқи ортиб, Боковскаяга борасиз.

Петро писанд қилмай:

— Отларимиз оқсаб қолган, бия бўлса кеча Вёшенскаядан қайтди: ярадорларни обордик,— деб пўнғиллади.

Емельян индамай, отхонага бурилди. Петро бошяланг ҳолда кетидан югуриб уни чақирди:

— Қулоғинг борми ўзи? Шошма... Қўй энди, сўрайман!

— Мен ҳам майнабозликни қўйишингни сўрайман!

Емельян Петрога хўмрайиб қаради-да, давом этди:
— Шу топда отингни кўрсам дейман, нега ўзидан-ўзи

www.ziyouz.com kutubxonasi

оқсайди? Ёки, жўрттага болға билан туёғига уриб оқсатган бўлмагин! Менга кўзбўямачилик қилиб бўпсан! Сен от гўнгидан бошқа нимани биласан? Мен кўрган отларнинг ўндан бирини кўрганинг йўқ. Қўш тезроқ! Отингни қўшасанми, ҳўкизингними — менга барибир.

Чанага Григорий минди. Жўнаш олдидан бирров ошхонага кириб, болаларини ўпди-да, шоша-пиша:

— Сизларга ширинлик обкеламан, тўполон қилманг, ойингизнинг гапидан чиқманг,— деб тайинлади, сўнгра Петрога бурилди:— Мендан хавотир олманглар, олисга бормайман. Боковскаядан нарига ўтасан деб мажбур қилишадиган бўлса, ҳўкизларни ташлайману келавераман. Лекин қишлоққа қайтмайман: тўрт-беш кун Сингинда, холамникида бўламан... Сен бирров бориб мендан хабар олгин, Петро... Бу ерга қайтиб келишга юрагим чопмайди,— деб илжайди:— Хайр, яхши қолинглар! Наташка, хафа бўлма!

Озиқ-овқат омбори жойлашган илгариги Моховнинг магазини олдида тўп ўқи солинган яшикларни чанадан чанага ортиб олишиб жўнадилар. Григорий чана устида ёнбошлаб, чакмонини бошигача ёпиниб, ҳўкизларнинг бир меъёрда «так тук» қадам қўйишига монанд хаёл сурарди:

«Булар ёмон турмушим яхши бўлсин, деб урушяпти, биз яхши турмушимизга қуср етмасин деб урушдик. Дунёда ҳаммабоп ҳақиқат йўқ экан! Демак, енгган енгилганни талаб ейверади, бири ўлиб бири қолаверади... Мен аҳмоқ анойи ҳақиқатни қидириб юрибман, ўзимни ўтга уриб, сувга уриб лақиллаганим қолди... Қадим замонларда татарлар Донни талаган, ерларини тортиб олган, казакларни қул қилиб сотган дейишарди. Мана энди Донга Русия ёпирилди! Йўқ, мен бунга чидаб туролмайман! Руслар менга ва жамики казакларга бутунлай ёт. Казаклар энди думи куйган товуқдай югуришяпти. Фронтни ташлаб кетишганига энди менга ўхшаб оҳ-воҳ қилишяпти; эндиги пушаймондан наф борми?»

Йўл бўйида бурганзор, паст-баланд адирлар учрайди, бута ўсган жарликлар кўринади, қорга кўмилган далалар чана юрган сари гир айланиб жанубга

www.ziyouz.com kutubxonasi

томон силжиётганга ўхшайди. Йўл калава ип сингари чувалиб сира тугамайди, тобора юрак сиқилади, уйқу элтади.

Григорий мудроқ аралаш онда-сонда бир «хўш» деб қўйиб, арқон билан боғланган яшиклар олдида у ёнбошидан, бу ёнбошига ағдарилди. Папирос чекди-да, ажойиб июнь кунларини эслатувчи хушбўй қашқа беда ҳиди уриб қолган пичанга бошини тиқиб ётиб олди ва астагина уйқуга кетди. Тушида Аксиньяни кўрди: унинг билан белга урадиган буғдойзор ичида айланиб юрибди. Аксинья болани эҳтиёт қилиб кўтариб олган, дамба-дам Григорийга ёнбошдан кўз қирида қараб қўярди. Григорий ўз юрагининг дукуллаб урганини, бошоқларнинг шивирлаб ашула қилганини эшитади, уватларда ранг-баранг очилган гулларни — фирузадай товланган осмонни томоша қилади. Унинг ҳам кўнгли осмондай мусаффо, гулдай очилган, ҳиссиётларга тўлганди, у Аксиньяни боягисидай севганини; унинг ишқида ҳали ҳам ёнаётганини, аъзойи бадани титрашидан, ҳар бир юрак уришидан сезиб турарди-ю, бироқ бу ўнги эмас, туши эканига, кўз очса, ҳеч нарса қолмаслигига ақли етарди; тушлигини билиб турса ҳам суюнар, шу тушнинг яна давом этишини истарди. Беш йил илгари Аксинья қандай бўлса, ҳозир ҳам ўшандай, фақат илгаригидан сипороқ, қилиғи совуқроқ кўринарди. Григорий шамол ҳилпиратган оппоқ дуррачасининг учларига, ҳалқа-ҳалқа бўлиб бўйнига тушиб турган йилтироқ жингалак сочларига қараб тўймасди... Бирданига арава суриниб, вағир-вуғур овоз эшитилди-ю, Григорий уйғониб кетди.

Рўпарадан тизилишиб келаётган чаналар булардан четланиб ўта бошлади.

Григорийдан олдинги чанада ўтирган Бодовсков хириллаб бақириб:

— Ҳой, ҳамқишлоқлар, нима обкеляпсиз?— деб сўради.

Чаналарнинг қўшқороғи ва ҳўкизларнинг туёқлари остида қор ғарчилларди. Анчагача ҳеч ким чурқ этмади. Ниҳоят биттаси:

— Ўлганларни обкеляпмиз! Терлама касали ҳам бор...— деб жавоб берди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Григорий бошини кўтарди. Ёнларидан ўтаётган чаналарга зич қилиб ўлик ортилган, ҳаммасининг эгнида шинель, устидан брезент ёпилган эди. Григорийнинг чанаси қатқалоқдан ўтаётиб, рўпарадаги чанадан чиқиб қолган қўлни ёнбоши билан уриб юборди.

Тарашадай қотиб қолган қўл қисирлаб кетди... Григорий пинагини бузмай, тескари ўгирилиб олди.

Қашқабеданинг хушбўй ҳиди яна уйқуга элтди; Григорий ширин хаёлга чўмиб, унитилаёзган ўтмишини кўз олдига келтира бошлади, ўшанда қалбининг бир чеккаси игна санчгандай жизиллаб кетди. Григорий юраги ачишган сари ором олиб, сарғиш қашқабеда баргларига юзини теккизиб яна ёнбошлади. Ўтган хотиралар эсига тушиб, юраги қафасга тушган қушдай толпинар, ухлагани қўймасди.

XXII

Қишлоқ ревкомининг атрофига бирмунча актив: вальцовкачи Давидка, Тимофей, Моховнинг кучери Емельян ҳамда чўтир этикдўз Филка тўпланган эди. Қишлоқ аҳолиси билан алоқаси кундан-кунга ёмонлашаётганини сезган Иван Алексеевич ўз ишларида доим шу одамларга суянарди. Қазаклар мажлисга бормай қўйдилар: уларни йиғиш учун Давидка ва бошқалар тўрт-беш мартадан уйма-уй кириб чақиришгандан кейингина ноилож келишарди. Келганда ҳам гапиришмас, нима деса кўнаверишарди. Келадиганларнинг кўпчилиги ёшлар бўлиб, хайрихоҳлик билдиришмасди. Иван Алексеевич майдонда мажлис ўтказганда фақат хўмрайган ёв башараларни, зимдан тикилган кўзларнигина кўрарди. Шуларни кўрган сайин, унинг юраги сиқилар, кўзлари жавдираб, овози бўшашиб, шахтидан тушиб қоларди.

— Қишлоқ билан бизларнинг орамизга жин оралади, ўртоқ Котляров! Бутун халқ тўнини тескари кийиб олди. Кеча ярадор қизил аскарларни Вёшенскаяга жўнатиш учун арава йиққани чиқсам, биттаси ҳам мен бора қолай демайди. Қўйди-чиқди бўлган эру хотиндан баттар аҳволга тушдик...

— Ичкиликдан бош кўтармай қолишди! Итдек ичи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

шади!— деб гап қўшди Емельян трубкасини сўриб.— Самогон пиширмаган биронта уй йўқ.

Қовоғидан қор ёғиб, дам сақлаб ўтирган Мишка Кошевой ҳам ахири чидай олмади. Кечқурун уйга кета туриб Иван Алексеевичдан милтиқ сўради.

— Милтиқни нима қиласан?

— Керак! Қуролсиз юргани қўрқиб қолдим. Ҳеч нарсани пайқайсанми ўзинг? Менинг фикримча, баъзи бировларни... Масалан, Григорий Мелеховни, Болдирев чолни, Матвей Кашулин, Мирон Коршунов сингариларни қамоққа олишимиз керак. Бу аблаҳлар казаклар орасида иғво тарқатишяпти... Доннинг у ёғидаги ўз одамларини кутишяпти.

Иван Алексеевич хомуш бўлиб қўл силтади.

— Ҳе, ука! Битталаб териб оламан десанг, анчасининг баҳридан ўтиш керак. Кўпчилигининг пайтавасига қурт тушган... Баъзи казаклар бизга хайрихоҳ, лекин Мирон Коршуновдан ҳайиқишади, ўғли Митка қайтиб келиб, ўч олади деб қўрқишади.

Турмуш масалани кескин қилиб қўйди. Эртаси куни Вёшенскаядан махсус чопар орқали: бадавлат казакларга уй бошига жарима солинсин, деган буйруқ келди. Қишлоқ бўйича қирқ минг сўм белгиланган эди. Жарима тақсимлаб чиқилди. Орадан бир кун ўтди. Фақат ўн саккиз мингдан ортиқроқ пул йиғилди, холос. Иван Алексеевич округга хабар қилиб, маслаҳат сўради.

Округдан учта милиционер келди: «Жарима тўламаганлар қамоққа олиниб, соқчилар ҳимоясида Вёшенскаяга ҳайдалсин» деган фармойиш олинди. Моховнинг қишда олма сақлайдиган ертўласига тўртта чолни вақтинча қамаб қўйишди.

Казаклар ини бузилган аридай ғивирлашиб қолишди. Коршунов қадри тушган пулига ёпишиб, «тўламайман деб» туриб олди. Лекин ҳаддидан ошиб кетган бу бойга ҳам чора топилди. Округдан икки киши келди: бири — маҳаллий ишлар бўйича терговчи, илгари 28-нчи полкда хизмат этган вёшенскаялик казак, иккинчиси — чарм куртка устидан пўстин кийган сочлари олинган, ўрта яшар одам эди. Улар ревтрибуналдан берилган мандатларини кўрсатиб, кабинет

www.ziyouz.com kutubxonasi

эшигини ичкаридан қулфлаб Иван Алексеевич билан узоқ гаплашдилар. Терговчининг ҳамроҳи жиддий қиёфада сўзга киришди:

— Округимиз нотинч, ғовур-ғувур кўпаймоқда. қишлоқларда қолган оқ гвардиячилар бош кўтариб, меҳнаткаш казаклар орасида иғво қўзғамоқда. Энг ашаддий душманларни қамоққа олишимиз керак. Бизга қарши жон-жаҳди билан курашган ҳамма офицерларнинг, пан, атаман, жандарма ва бойларнинг рўйхатини тузиб бер. Терговчига ёрдам қил. Ўзи ҳам баъзиларни яхши билади.

Иван Алексеевич соқол-мўйлови олинган бу хотин башара одамдан кўзини узмасди; қишлоқдаги шубҳали кишилар орасида Петро Мелеховни тилга олганда терговчи бош чайқади:

— Йўқ, у бизнинг одамимиз, Фомин унга тегманглар, деб тайинлади. Большевикларга хайрихоҳ. Мен билан йигирма саккизинчи полкда хизмат қилган.

Дафтардан йиртиб олинган бир варақ қоғозга Кошевой қўли билан ёзилган рўйхатни Иван Алексеевич столга қўйди.

Орадан бир неча соат ўтганда қамоққа олинган казакларни Моховнинг ҳовлисига олиб келиб тепаларига милиционер қўйишди... Улар уйларидан овқат, майда-чуйдалар ортилган чана келишини кутиб, ходалар устида ўтиришарди. Мирон Григорьевич тўйга борадиган одамдай янги пўстин янги чориқ, топ-тоза оқ пайпоқ кийиб, бошдан оёқ ясаниб, энг четда — Богатирев бобо билан Матвей Кушулиннинг ёнида ўтирарди. Лофчи Авдеич бўлса оёғи куйган товуқдай ҳовлида гир айланар; гоҳ қудуққа энгашиб қарар, гоҳ ерда ётган бирон чўпни олиб кўрарди, олмадай қизариб, терлаб кетган юзини енги билан артиб, дам зинапоя, дам дарвоза томонга югурарди.

Бошқалар бошларини қуйи солиб, ҳассалари билан қор чизиб жим ўтиришарди. Хотинлари ҳаллослаб, шоша-пиша ҳовлига киришар, қамалган одамига тугун ё халтача бериб шивирлаб гаплашарди. Йиғлайвериб шишиб кетган Лукинична эрининг пўстинини тугмалади, оппоқ дуррачасини чолнинг бўй-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нига ўраб боғлади-да, хиралашган нурсиз кўзларига тикилиб, унга тасалли берди:

— Кўп куйинаверма, Григорич! Балким, бу ҳам яхшиликкадир. Ҳалитдан нега мунча шалваясан энди? Худоё тавба-э-э-эй!..— Лукиничнанинг оғзи қийшайиб ҳўнграб юборишига сал қолди, лекин лабларини йиғиштириб ўзини босиб олди:— Ҳолингдан хабар олиб тураман... Грипкани ҳам олабораман, ҳаммасидан ўшани яхши кўрардинг, эркатойинг...

Дарвозада турган милиционер:

— Чана келди!— деб бақирди.— Бўхчаларингни чанага сол, ҳозир жўналади! Аёллар, четроқ тур, кўз ёшини уйингга бориб қиласан!

Лукинична умрида биринчи марта Мирон Григорьевичнинг малла жун босган қўлидан ўпиб, ўзини четга олди.

Ҳўкиз қўшилган чана майдондан судралиб ўтдида, Дон томон бурилди. Қамоққа олинган етти киши ва икки милиционер чана кетидан юрдилар. Чориқ тасмасини боғламоқчи бўлиб кейин қолган Авдеич йигитлардай югуриб чанага етиб олди.

Матвей Кашулин ўғли билан ёнма-ён борарди. Майданников билан Королев йўл-йўлакай папирос тутатишарди, Мирон Григорьевич чананинг четидан ушлаб олган эди. Энг орқада Богатирев чол улуғворлик билан, вазминлик билан лапанглаб борарди; белига тушган оппоқ соқолининг учлари, бўйнидаги шарфнинг шокилалари рўпарадан эсган шамолда қишлоқ билан хайрлашаётгандай, кифтидан оша ҳилпираб турарди.

Февраль ойининг худди ўша ҳаво айниган куни яна бир қизиқ воқеа рўй берди.

Кейинги вақтларда қишлоқдаги ҳамма одам округдан келадиган ҳар хил хизматчиларни кўравериб ўрганиб қолган эди. Шунинг учун ҳам майдондан ўтган қўш отлик чанага ва кучер ёнида совуқдан тумтайиб ўтирган одамга ҳеч ким аҳамият бермади. Чана Моховнинг уйи олдида тўхтади. Ҳалиги одам анча ёшга борган бўлиб, ҳар бир ҳаракатидан вазминлиги кўриниб турарди. У чанадан тушиб, эгнидаги кавалеристча узун шинели устидан боғланган ка-

www.ziyouz.com kutubxonasi

марини тузатди, қизил аврали казакча тумоғининг қулоқларини кўтариб қўйди-да, белидаги маузернинг ёғоч қинига қўлини қўйганича шошмасдан зинапоя-га чиқди.

Ревком уйида Иван Алексеевич билан икки милиционер бор эди, холос. У эшикни тақиллатмасданоқ ичкарига кирди-да, остона ёнида оқ оралаган калта соқолини силаб туриб йўғон овоз билан:— Менга раис керак,— деди.

Иван Алексеевич кўзларини йириб келган одамга қаттиқ тикилиб қолди, ўрнидан ирғиб турмоқчи ҳам бўлди-ю, бироқ қўзғалолмади; у ҳадеб бармоқлари билан ўтирган курсисини тирмалар, балиқ сингари оғзини каппа-каппа очарди. Қизил аврали бесўнақай казакча тумоқ остидан унга тикилиб турган одам Штокман бўлиб, анча қариб қолган эди. Бир жуфт сузилган кўз Иван Алексеевични таниёлмай узоқ тикилиб турди-да, бирданига ялт этиб чақнаб кетди, оқарган икки чаккаси билан кўзлари орасидаги тарам-тарам ажинлар жимирлашгандай бўлди. Штокман, ҳали ҳам ўрнидан туролмай анқайиб қолган Иван Алексеевичнинг олдига бориб, уни маҳкам қучоқлади, қор илашган ҳўл соқоли билан унинг юзларини қитиқлаб ўпди.

— Билувдим! Худди ўзим билгандай! Агар тирик бўлса, Татарскда шундан бошқа одам раис бўлмайди, девдим!

— Осип Давидич! Тушимми ўнгимми, бу!.. Бир тарсаки ур, кўзим тузукроқ очилсин! Осип Давидич!— деб йиғламсираб уйни бошига кўтарди Иван Алексеевич.

Кўз ёши унинг мардонавор қиёфасига шу қадар ярашмас эдики, ҳатто тош юрак милиционер ҳам юзини ўгириб олди.

Штокман қўлини Иван Алексеевичнинг қўлларидан оҳиста суғуриб олди-да:

— Туш эмас, қўрқма!— деди дўриллаган овозда.— Ўтиришга стулинг ҳам йўқми дейман?

— Манави курсига ўтир!.. Қаёқлардан сўраймиз? Гапирсанг-чи.

— Мен армия сиёсий бўлимиданман. Ҳали ҳам

www.ziyouz.com kutubxonasi

тириклигимга ишонмаяпсан чоғи. Вой афандиэй!

Штокман Иван Алексеевичнинг тиззасига қоқиб, кулимсираб наридан-бери тушунтира бошлади:

— Хулласи калом, воқеа шундай биродар. Мени ўша қамоққа олишганларича сургунга юборишди, хўш, инқилоб бошланганда мен сургунда эдим. Бир ўртоқ билан Қизил гвардия отряди тузиб, Дутов ҳамда Колчакка қарши курашдик. Ҳо, биродар, шунақанги жанглар бўлдики! Ҳозир биз Колчакни Уралдан нарига қочирдик, эшитгандирсан? Шундай қилиб, сизларнинг фронтингизга келиб қолдим. Саккизинчи армия сиёсий бўлими менинг илгари шу ерда яшаганимни, маҳаллий шароитни билганимни назарда тутиб, сизнинг округингизга юборди. Ғизиллаганча Вёшенскаяга келиб, ревкомдаги одамлар билан гаплашдим-да, энг олдин Татарскдан хабар олишга жазм қилдим. Қани, бориб беш-ўн кун туриб, ишларини йўлга солишиб, ёрдамлашиб кейин қайтарман, дедиму келавердим. Мана, кўрдингми, эски дўст айрилмас дегани тўғри чиқдими? Ҳой, бу тўғрида яна гаплашармиз, ҳозир сен менга ўз аҳволингни, бу ердаги шароитни сўзлаб бер. Атрофингдаги одамлар билан таништириб қўй. Қишлоқда ячейка борми? Кимлар тирик қолди, кимлар билан иш олиб боряпсан? Қани, ўртоқлар, мумкин бўлса... бирпас раис билан иккимизни холи қўйсангиз... Қизиқ! Қишлоққа киришим билан ўша кунлар эсимга тушиб кетди... Хўп ғалати вақтлар экан-да... Қани, гапир!

Уч соатлардан кейин Мишка Қошевой билан Иван Алексеевич Штокманни эски уйга — ғилай Лукешканикига бошлаб боришди. Мишка йўл-йўлакай Штокманни ушлаб кўрар, гўё у қочиб кетадиган ёки кўздан ғойиб бўладигандай, дамба-дам шинелининг енгига тармашар эди.

Лукешка эски ижарагирини карам шўрвага тўйгазди, ҳаттоки, сандиқнинг бурчагида аллақачонлардан бери асралиб келган бир бўлак қантини ҳам унинг олдига қўйди.

Олча пўстлоғи солиб дамланган чойдан сўнг, Штокман каравотга чўзилиб дам олди. У Иван Алек-

www.ziyouz.com kutubxonasi

сеевич билан Мишканинг пойма-пой гапларига қулоқ солар, ора-сира савол берар, мундштугини ғажирди; ниҳоят тонг отарга яқин папироси қўлидан тушиб, ухлаб қолди. Иван Алексеевич яна ўн минутча гапириб ниманидир сўради, бироқ жавоб ўрнига Штокманнинг хуррагини эшитиб, дами ичига тушиб кетди; томоғини қичитиб, қистаб келган йўталини аранг босиб, оёқ учида уйдан чиқди.

Зинапоядан тушар-тушмас Мишка қитиғи келиб кулган одамдай пиқирлаб:

— Ўпкангга қурт тушдими?— деб мазах қилди уни.

* * *

Қамоққа олинганларни Вёшенскаяга ҳайдаб борган милиционер Ольшанов, йўлда учраган чанага тушиб, ярим кечаси қишлоққа қайтиб келди. У Иван Алексеевич ётган уйнинг деразасини тақиллатавериб, уйғонмаганига қўймади.

Юзлари салқиган Иван Алексеевич эшикни очди.

— Нима дейсан? Нега келдинг? Пакет-макет обкелдингми?

Ольшанов қамчисини ўйнаб:

— Оборган казакларимни отиб ташлашди,— деди.

— Гапирма, ёлғончи!

— Рост, оборган заҳотимиз тергов қилишди, қоронғи тушмасданоқ, қарағайзорга ҳайдаб қолишди... Ўз кўзим билан кўрдим!

Иван Алексеевич ҳовлиққанидан пиймасига оёғини суқолмасди; кийиниб бўлар-бўлмас Штокманнинг олдига югурди.

— Бугун биз юборган одамларни Вёшкида отиб ташлашибди! Мен турмага қамашар, бошқа ҳеч гап бўлмас деб ўйловдим, охири пачава бўлмасайди... Бу аҳволда биз ҳеч иш қилолмаймиз! Халқни бездирамиз, холос. Осип Давидич!.. Келишмаган иш бўпти. Отишнинг нима ҳожати бор? Бу ёғи нима бўлади энди?

Иван Алексеевич Штокман ҳам бу хабарни эшитса, жиғи-бийрон бўлади, оқибатини ўйлаб қолади

www.ziyouz.com kutubxonasi

деб кутган эди; бироқ у шошмасдан кўйлагини кийиб, бошини ёқасидан чиқарди-да:

— Кўп бақираверма, Лукешкани уйғотиб юборасан...— деб шахтини қайтарди қўйди.

Штокман кийиниб бўлиб папирос чекди, етти кишини қамоққа олиш сабабларини бошқатдан гапириб беришини илтимос қилди; ниҳоят аразлаган қиёфада насиҳатга ўтди:

— Фронт биздан юз эллик чақирим нарида турибди. Қазакларнинг асосий қисми бизга дўст эмас. Мана шуни яхши билишинг ва доим эсингда тутишинг лозим! Негаким, сиздаги кулаклар, кулак-казаклар, *яъни атаманлар ва ҳоказо юқори табақадаги казаклар*, булар меҳнаткаш казаклар орасида алҳол катта обрўга эга. Нега бундайлигини ўзинг яхши тушунсанг керак. Қазаклар бошқача бир табақа, ҳарбийлашган қабила. Чоризм асрлар бўйи казакларни «командир-ота» деб гапиришга, амалдорларни севишга ўргатиб келган... Аскарий хизматда айтадиган қўшиқларида ҳам: «Командирлар отамиз, қайга деса борамиз, қилич билан чопамиз, найза билан санчамиз» дейилади. Шундаймиди! Ҳа, биродар! Ишчилар стачкасини тарқатиб юборишга буйруқ берувчилар худди ана шу командир-оталар эди... Уч юз йил давомида казаклар миясини заҳарлаб келганлар! Уч юз *йил, ҳазилакам гап эмас! Мана натижаси!* Чунончи. Рязань губерниясидаги кулак билан Дондаги казакдан чиққан кулак орасида жуда катта тафовут бор! Рязанлик кулакка тегсанг, Совет ҳокимиятини қарғашдан нарига бормайди, чунки, у кучсиз, фақат пастқам жойда хавфли. Хўш, донлик кулак-чи! Бу қуролли кулак. Бу нияти бузуқ заҳарли аждаҳо? Кучи кўп. У қарғаб-қарғаб қўя қолмайди, сен айтгандай, Коршунов ва бошқалар сингари бизга қарши иғво юргизишдан, обрўйимизни тушириш мақсадида миш-миш гап тарқатишдан ташқари, қурол кўтариб бизга қарши чиқишдан ҳам тоймайди. Буни билиб қўй! Қўлига милтиқ олиб биз билан отишади. Сен билан отишади! Сўнгра, қолган казакларни — ўрта ҳол казакларни, ҳатто камбағалларни ҳам ўзига эргаштиришга ҳаракат қилади. Шуларни ишга солиб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

шуларнинг қўли билан бизни бўғиб ўлдиришнинг пайида. Энди тушунгандирсан! Хўш, масала шундайми? Шундай! Бизга қарши ҳаракат қилгани аниқми? Аниқ! Гап тамом — вассалом! Отилиши керак! Бекорга ачиниб: «тузук одам эди-ю, фалон эди, пистон эди» деб ўтирадиган вақт эмас...

— Бу нима деганинг, мен сираям ачинятганим йўқ!— деб Иван Алексеевич қўлини силкитди.— Мен фақат бошқа казаклар биздан безиб қолармикан деб хавотирдаман.

То шу дамгача ўзини бепарволикка солиб кафти билан оппоқ тук босган кўксини ишқалаб ўтирган Штокман бирданига тутақиб кетиб, Иван Алексеевичнинг кўйлаги ёқасидан маҳкам ушлаб ўзига тортдида, йўтали қистаганидан хириллаб бўғилиб аранг тилга келди:

— Безмайди! Агар уларга синфий ҳақиқатни тушунтириб бера олсак, биздан безмайди! Меҳнаткаш казакларга фақат бизнинг йўлимиз тўғри келади, кулакларини эмас! Сени қара-ю... Ахир кулаклар шуларнинг кучи билан тирик! Шуларнинг пешона тери билан семиришяпти!.. Вой каллаварам-эй! Нега бўшашасан! Сен, бола, айниб қолибсан... Шошмай тур ҳали, сен билан тузукроқ гаплашмасам, бўлмас экан! Ишчисан, тоғни талқон қилсанг бўлади! Тағин сўлагингни оқизиб нолийсан, холос... Сендан худди чиллашир эсерларнинг ҳиди келади! Кўзингни каттароқ оч, Иван!

Штокман ёқасини очиб илжайди, бош чайқади, сўнгра папирос тутунини ичига тортиб, шошмасдан давом этди:

— Агар округдаги ашаддий душманларнинг чорасини кўрмасак, қўзғолон кўтарилади. Агар шундақаларни ўз вақтида қамоққа олсак, қўзғолон бўлмаслиги мумкин. Бунинг учун ҳаммасини отавериш шарт эмас. Фақат энг ашаддийларини отиш лозим, қолганларини, чунончи, Россиянинг узоқ жойларига сургун қилинса ҳам бўлади. Умуман айтганда душман масаласида ийманиб ўтиришга ҳеч қандай ҳожат йўқ. Ленин: «Революцияни қўлқоп кийиб қилинмайди»— деб айтган. Энди мазкур воқеани олиб кўрай-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лик, отишга зарурат борми? Менинг фикримча, бор! Балки, ҳаммасини отиш керак эмасдир, лекин Қоршуновни тузатаман деб овора бўлиш бекорчи иш! Бу аниқ! Аммо Мелехов ҳозирчалик қутулиб қолибди. Худди ўшани қўлдан чиқармаслик керак эди! Ҳаммасиям бир, ёлғиз ўзиям бир, энг хавфлиси ўша. Шунга эҳтиёт бўл. Ижрокомда сен билан гаплашганда айтганлари ҳазилмас, бундай гап бугунмас-эрта душманлик кўчасига ўтадиган одамнинг оғзидан чиқади. Умуман ҳозирги шароитда куйиниб-ачиниб ўтиришга асло ҳожат йўқ. Ишчилар синфининг энг яхши фарзандлари фронтларда ҳалок бўлишяпти. Минг-минглаб қурбон беришяпти! Ана шулар учун куйиб-пишайлик, шуларга ачинайлик! Лекин уларни ўлдираётган, ёки ўлдиришга қасд қилиб, пайт пойлаб юрган душманлар сатқаи ачиниш кетсин. Фақат икки йўл бор: ё улар бизни, ё биз уларни! Учинчи йўл йўқ. Масала шундай, азизим Алексеевич!

XXIII

Петро молга хашак солди-да, эндигина уйга қайтиб келиб, пиймасига илашган чўпларни тозалаб турганда даҳлиз эшигининг лўкидони шарқ этиб кетди.

Қоп-қора жун рўмол ўраган Лукинична бўсаға ҳатлаб ўтди-да, ҳеч ким билан сўрашмасдан тўғри ошхонадаги курси ёнида турган Наталья ёнига бориб оёғига йиқилди.

Натальянинг нафаси тиқилганидан овози ўзгариб:

— Ойижон! Жонгинам! Сенга нима бўлди?!—деб бақирди-ю, шалвираб қолган онасини турғизмоқчи бўлди.

Лукинична жавоб бериш ўрнига бошини ерга уриб, фарёд қилиб йиғлай бошлади:

— Вой, меҳрибо-о-ни-им! Бизларни кимга ташлаб кет-де-е-енг!

Хотинлар бараварига ув тортиб, шу қадар бақириб йиғлай бошладиларки, Петро тоқат қилолмай, тамаки халтасини токчадан ола солиб, даҳлизга қочиб чиқди. Гап нимадалигини у тушунган эди; зинапояда папирос чекиб тураверди. Ниҳоят, йиғи-сиғи овози ўчди, аъзойи бадани увишиб таъби хиралаш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган Петро уйга кирди, Лукинична жиққа ҳўл бўлган рўмолини кўзидан олмай айтиб йиғлар эди.

— Шўрлик Мирон Григорични отишибди!.. Шунқорим дунёдан ўтди!.. Бизлар етим қолдик энди!.. Энди чўпу хасдан туртки ея берамиз!..— Яна ув тортиб юборди:— Кўзлари ҳам юмилди!. Ёруғ дунёни кўролмайди!..

Дарья ҳушидан кетган Натальяга сув ичирар, Ильинична этаги билан бетларини артарди. Касалманд Пантелей Прокофьевич ётган меҳмонхонадан йўталган, хириллаб ингграган овоз эшитиларди.

Лукинична эс-ҳушини йўқотиб, Петронинг қўлини кўксига босиб ялинар эди:

— Исо ҳурмати учун сўрайман, қудажон! Садаганг кетай, мендан қайтмаса, худодан қайтсин, Вёшкига боргин, ўлигини бўлсаям обкелгин! Обкелмасанг бўлмайди... Воҳ, Биби Марьям! Жанозасиз ер тагида чириб ётишига қандай чидайман, вой-вой!

Петро ари талагандай типирчилаб ўзини четга олди:

— Йўқ, йўқ, бўлмайди, қудахола! Уни обкелишнинг иложи йўқ! Менгаям жон керак ахир! Ўлигини қаердан топаман!

— Хўп дея қол, Петюшка! Худо хайр берсин! Исо ҳурмати!..

Петро мўйловини тишлаб туриб, ниҳоят, розилик берди. Вёшенскаялик таниш казакнинг уйига бориб тушишга ва унинг ёрдами билан Мирон Григорьевичнинг ўлигини топиб обкелишга уруниб кўрмоқчи бўлди. Кечаси чанани қўшиб йўлга тушди. Қишлоқдаги ҳамма уйда чироқ ёқилган, ҳамманинг оғзида: «Казаклар отилибди» деган гап.

Петро янги черков ёнидаги уйга — дадаси билан бир полкда хизмат қилган казакникига тушиб, қуданинг ўлигини чуқурдан кавлаб олишда ёрдамлашиб юборишини илтимос қилди. У ҳам бажону дил кўна қолди.

— Майли, борамиз. Кўмилган жойини биламан. Унчалик чуқур эмас. Бироқ таниб бўлармикин? Ёлғиз ўзи кўмилганда бошқа гап эди! Кадетлар ҳукумати даврида бизнинг одамларимизни ўлдирган ўн иккита

www.ziyouz.com kutubxonasi

жаллодни куни кеча отишди. Лекин шартим бор: кейин бир чирпит самогон қуйиб берасан! Хўпми?

Ярим кечаси иккиси белкурак билан таппи ташийдиган замбилни олиб, станицанинг бир чеккасидаги қабристондан ўтди-да, трибунал ҳукми ижро этилган жойга — қарағайзор томонга кетди. Қор учқунлаб турган эди. Устига қиров тушган қора тол новдачалари оёқ тагида қисирларди. Петро тиқ этган овозга қулоқ солар, келганига пушаймон еб, ўзини ҳам, Лукиничнани ҳам, ҳатто ўлган қудасини ҳам сўкарди. Дастлаб учраган бир тўп ёш қарағайзор олдидаги қум тепа ёнида йўл бошловчи казак тўхтади.

— Шу яқин орада бўлса керак...

Яна юз қадамча юришди. Бир гала станица итлари ириллаб, акиллашиб қочишди. Петро замбилни ташлаб, секингина шивирлади:

— Юр, қайтамиз! Падарига қусур! Қаерга кўмилса, барибир эмасми? Ке, қўй, шу ерда ётаверсин! Бекорга шу фалокат ишга аралашдим... Кўнмаганимга қўйдими ялмоғиз!

— Нимасига чўчияпсан! Юравер қўрқмасдан!— деб кулди казак.

Ниҳоят, ўликлар кўмилган жойга келиб етишди. Сада бўлиб ўсган каттакон қора толнинг тагидаги қор қаттиқ топталган, тупроққа аралашиб қолган эди. Ҳар томонга қараб кетган излардан шу ерда одам юрганлиги, итлар юрганлиги кўриниб турарди...

Петро Мирон Григорьевични малла соқолидан таниди. Белбоғидан тортиб, чуқурдан чиқарди-да замбилга ортди. Ҳамроҳи йўтала-йўтала, чуқурни кўмди, сўнгра, замбил дастасини ушлаб, минғиллаб нолий бошлади:

— Чана билан келаверсак бўлар экан. Аҳмоқлигимизни қара-я! Келмаганда бу тўнғиз беш пуд келади. Қорда буни кўтариб юриш осонмас.

Петро ўликнинг дунё кезган оёқларини кериб қўйиб замбил дастасига ёпишди.

Ўша кечаси Петро тонг отаргача казакнинг уйида ичкиликдан бош кўтармади. Шолчага ўраб қўйилган Мирон Григорьевичнинг ўлиги чанада ётарди. Петро кайф остида отини шу чанага боғлаб қўйганди; от

www.ziyouz.com kutubxonasi

оёғини тираб, нўхта солинган бошини кучи борича орқага тортар, пишқириб қулоқ чимирарди. Чанада мурда борлигини сезиб, пичанга қарамай ҳам қўйганди.

Тонг сал-пал ёришган пайтда Петро хуторга қайтиб келди. У чанани тўғри пичанзор ичидан солиб, отга дам бермай ҳайдаган эди. Чана ичида Мирон Григорьевичнинг боши тахтага урилиб дукилларди. Петро йўлда икки марта тўхтаб, бош остига юмшоққина пичан қўйди. Қудабувани тўғри уйига олиб борди. Хўжайиннинг севимли қизи Грипашка дарвозани очиб берди-ю ҳурккан отдай чанадан ўзини опқочиб қорга тиқилди. Петро бир қоп унни кўтаргандай, қудабувани даст кўтариб олди-да, тўғри ошхонага олиб келиб, олдиндан бўз чойшаб ёйиб қўйилган стол устига секингина ётқизди. Йиғлайвериб кўзларида қатра ёш қолмаган Лукинична эрининг оппоқ пайпоқ кийгизилган оёқлари атрофидан кетмасди, унинг овози бўғилган, сочлари тўзган эди.

— Вой шўрлик, ўз оёқларинг билан уйга қайтиб келарсан десам, эшикдан ўлигинг кириб келди,— деб шивирлагани, ҳиқиллаб йиғлагани эшитилар, узоқдан пиқирлаб кулаётганга ўхшарди.

Петро Гришак бобони қўлидан ушлаб, меҳмонхонадан олиб чиқди. Чол ботқоқликдан ўтаётган одамдай қалт-қалт қилиб аранг юрарди. Лекин ўлик ётган стол ёнига дадил юриб келди-да, бош томонида тўхтади.

— Салом, мен келдим, Мирон! Шу хилда кўришармиз деб ўйламагандим, ўғлим...— Чол чўқинди, ўғлининг сариқ лой ёпишиб қолган муздай пешонасидан ўпди.— Миронушка, яқинда менам ёнингга...— Овози чийиллаб чиққан бобо Гришак у ёғини айтишга юраги бўлмай, қўли билан оғзини тўсди-да, стол устига йиқилди.

Петронинг томоғидан бир нарса хиппа бўғиб олгандай, нафаси тиқилиб қолди. У секингина ҳовлига чиқди-ю, зинапоя ёнига боғланган отини еча бошлади.

XXIV

Дон энг чуқур камарлар ёнидан секинлаб ўтиб, саёзликка чиққач, кенг ёйилиб кетади. Саёз жойларда жимирлашиб оқади, бир маромда солланиб, аста-аста

www.ziyouz.com kutubxonasi

чайқалади. Таги қумлоқ саёз жойларга ғала-ғала қорабағирлар қўниб балиқ тутиб ейишади; кечалари бу ерга стерлядлар келиб дам олишади, қирғоқ яқинидаги кўк балчиқлар орасида зоғорабалиқ уйқуга кетади; олабуға билан чўртан балиқ бўлса тиллабалиқларни қувлаб кун беришмайди, лаққабалиқ чиғаноқлар орасидан кетмайди; аҳён-аҳёнда кўм-кўк сувни кўпиртириб бир чиқади-да, зарвароқ думини, тилла қанотларини ойдинда ялтиратиб яна шўнғиб кириб кетади, сув тагидаги чиғаноқларни мўйловдор, япалоқ боши билан яна титкилай бошлайди, сўнгра, эрталабга яқин биронта чириган қора тўнканинг тагига кириб олиб қимир этмай мудрайди.

Агар ўзани тор келиб сиқилиб қоладиган бўлса, Дон тагига қарата кавлай бошлайди, ғазаб билан пишқириб, сувни кўпиртириб, тўлқинлатиб юборади. Дарё бурилган жойларда, камарлар атрофида гирдоблар ҳосил бўлади. Ана ўшанда сувнинг чарх уриб айланиб, қайнаб оқишини кўринг: кўрган сари кўргингиз келаверади.

Саёзликда имиллаб оққан сувдай жимгина ўтаётган кунларга кўз тегди; ҳаёт изидан чиқди. Юқори Дон округи ғалаёнга келди. Икки оқим бир-бири билан тўқнашиб кетди, казаклар гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа ўзларини уриб, гирдоб ичида қолдилар. Ёшлар ва камбағалроқ казаклар иккиланишар, Совет ҳукуматининг тинчлик ва осойишталик ўрнатишини кутиб индамай юришарди, лекин катталар қаршилик кўрсатишар, «Қизиллар казакларни ёппасига қирмоқчи» деб очиқдан-очиқ иғво тарқатишарди.

Иван Алексеевич 4 март куни Татарскда мажлис чақирди. Ҳеч қачон бунчалик одам йиғилган эмасди. Штокман, оқларга қўшилиб қочиб кетган савдогарларнинг буюмларини мажлисда камбағалларга бўлиб берилсин деб ревкомга маслаҳат берган эди, балки шунинг учун одам кўп йиғилгандир. Мажлисдан бурун округдан келган хизматчи билан қаттиқ тортишув бўлди. Мусодара қилинган кийим-кечакларни олиб кетиш учун Вёшенскаяда унга ваколат берилган эди. Штокман, бу кийим-кечакларни ревкомга ҳозир топшира олмаймиз, чунки, кеча шу ердан аравада ўтган

www.ziyouz.com kutubxonasi

ярадор ва бемор қизил аскарларга ўттиздан ортиқ иссиқ кийим берилди, деб тушунтирди. Келган йигит Штокманга дағдаға қилиб бақира бошлади:

— Мусодара қилинган нарсани бировга беришга ким рухсат этди?

— Ҳеч кимдан рухсат сўраганимиз йўқ.

— Халқ мулкини талон-торож қилишга нима ҳақинг бор?

— Кўп бақираверма, ўртоқ, оғзингга қараброқ гапир. Ҳеч ким, ҳеч нарсани талон-торож қилган эмас. Пўстинларни тилхат билан аравакашларга бердик, қизил аскарларни нариги бекатга элтиб қўйганларидан сўнг қайтариб беришади. Қизил аскарларнинг усти юпун, ярим яланғоч экан, уларни биргина шинелда дилдиратиб жўнатавериш ўлимга юбориш демакдир. Шуни кўра-била туриб, омборда бекор ётган кийим бошларни шулардан аясам, бермасам яхши бўлармиди?

Штокман ўзини босиб, вазминлик билан гапирарди; масала битимга келишига сал қолганда йигит яна ўдағайлади:

— Сен ўзинг кимсан? Ревком раиси? Сени қамаганим бўлсин! Ишларни муовинингга топшир! Ҳозир Вёшенскаяга жўнатаман сени. Балким, уст-бошларнинг ярмини ўғирлаб йўқотгандирсан, мен

— Сен коммунистмисан?— деб сўрад кўзлари олайиб, рангги оқариб кетган Штокман.

— Сенга алоқаси йўқ! Милиционер! Ҳозир манавини Вёшенскаяга ҳайдаб кетасан.

Йигит Штокманга бошдан-оёқ қараб чиқди.

— Сен билан ўша ерда гаплашаман. Шундай адабингни берайки, минбаъд ўзбошимчалик қилмайдиган бўлгин!

— Ҳой ўртоқ! Сен нима, эсингни едингми? Нима деганингни ўзинг...

— Бас қил! Овозингни ўчир!

Шу дамгача оғзаки жангга аралашгиси келиб, пайт пойлаб турган Иван Алексеевич Штокманнинг авзойи бузилиб, деворда осиғлиқ турган маузерга қўл чўзаётганини кўриб қолди. Йигитнинг капалаги учиб, кўзлари қинидан чиқиб кетаёзди. Шоша-пиша, орқаси билан эшикни очиб чиқди-ю зинадан пастгача

www.ziyouz.com kutubxonasi

думалаб тушди ва тура солиб ўзини чанага ташлади. Шу қочганича, чана то майдоннинг ярмидан ўтиб олгунча, аравакашни турткилайвериб безор қилди. Афтидан у: «қувиб етиб олишади» деган хаёлда орқасига қараб-қараб қўяр эди.

Қаҳқаҳа садосидан ревкомдаги деразалар ларзага келди. Қизиқчи Давидка ерга ағанаб, қотиб-қотиб куларди. Аммо Штокманнинг асабияти бузилиб, шу даражага етган эдики, орадан анча вақт ўтса ҳам, қовоғи учиб, қошу кўзлари пириллаб турди.

У қалтираган бармоқлари билан папирос ўраётиб, дамбадам:

— Йўқ, бундай аблаҳни умримда кўрган эмасман.! Вой, аблаҳ-эй,— деб такрорларди.

Штокман Иван Алексеевич ва Кошевой билан бирга мажлисга борди. Майдон одамга тўлган эди. «Бунчалик одамнинг йиғилиши бежиз эмас... Бутун қишлоқ майдонга тўпланибди» — деб ўйлади у. Иван Алексеевичнинг юраги шиғ этиб кетди. Лекин бошидан шапкасини олиб, даврага қадам қўйиши билан гумонсирашидан асар қолмади. Казаклар дарҳол уларга йўл бўшатиб бердилар. Ҳаммасининг чеҳраси очиқ, ҳатто баъзиларининг кўзи кулиб турарди. Штокман казакларга разм солиб чиқди. У казакларни гапга солиб, орадаги вазиятни енгиллаштиргиси, шулар билан эл бўлиб олгиси келарди. У ҳам Иван Алексеевичга ўхшаб, қизил аврали қулоқчинини қўлига олди-да, баланд овоз билан:

— Ўртоқ казаклар!— деди.— Бу ерда Совет ҳокимияти ўрнатилганига мана бир ярим ой бўлди. Бироқ ҳали ҳам сизларда ревкомга нисбатан қандайдир ишончсизлик борлигини, ҳаттоки бизга душманлик кўзи билан ётсираб қарашлар ҳали ҳам йўқолмаганини сезаётибмиз. Мажлисга қатнашмайсиз, орангизда ҳар хил бемаъни миш-миш гаплар юрибди: Совет ҳукумати казакларни тирикчилик қилгани қўймасмиш, ёппасига отишлар бошланганмиш, каби овозалар тарқалмоқда. Қачонгача бир-биримиздан ётсираб, тортиниб юрамиз, ахир? Чин юракдан очиқ-ойдин гаплашадиган, бир-биримиз билан яқинроқ танишбилиш бўлиб оладиган фурсат келди! Сиз ўз ревко-

www.ziyouz.com kutubxonasi

мингизни ўзингиз сайлагансиз. Котляров билан Кошевой ўз ҳамқишлоқ казакларинг, шунинг учун гапларинг бақамти бўлсин, ораларингда англашилмаган масала қолмасин. Аввало мен қатъиян айтаманким, бизнинг душманларимиз томонидан тарқатилган овозага, яъни казакларни кўплаб отишармиш деган гапга ишонманглар, бу қуруқ туҳмат-бўҳтондан бошқа нарса эмас. Бундай иғвони тарқатувчиларнинг мақсади бизга маълум; казаклар билан Совет ҳукуматининг орасига рахна солиш, сизларни яна оқлар томонга ўтишга мажбур этишдир.

— Отишлар йўқ демоқчимисан! Ундай бўлса, етти кишини нима қилишди?— деган овоз келди орқа томондан.

— Мен, отишлар йўқ демайман, ўртоқлар. Биз Совет ҳукуматининг душманларини, помешчиклар ҳокимиятини бизга мажбуран қабул қилдирмоқчи бўлган ҳар бир кимсани отганмиз ва аямай отаверамиз. Биз подшони ағдариб, Германия билан бўлган урушга барҳам бериб, халқни озод қилганмиз, эндиликда душман кирдикорига чидаб тура олмаймиз. Қани айтинг-чи, Германия билан урушиб нима ортдирдингиз? Минг-минглаб казаклар ўлди, болалар етим, хотинлар бева қолди, хонавайрон бўлди...

— Тўғри!

— Мана бу гапинг рост!

— ...Биз, уруш бўлмаслигига тарафдормиз,— деб сўзида давом этди Штокман.— Биз, халқлар ўртасида биродарлик тарафдоримиз! Подшо ҳукумати даврида помешчик ва капиталистлар учун сиз қон тўкиб, ер олиб берардингиз, сиз азобини тортардингиз, аммо фойдасини, роҳатини яна ўша помешчигу капиталистлар кўрарди. Масалан, сизларга қўшни бўлган помешчик Листницкийни олайлик. Унинг бобоси саккиз юз ўн иккинчи йилги урушда иштирок этгани учун тўрт минг десатина ер олган. Хўш, сизларнинг боболарингиз нима олди? Олди-я! Уларнинг бошлари немис ерларида қолиб кетди! Ўша ёқларда қон тўкиб қирилишди!

Майдондан ола-ғовур кўтарилди. Овозлар тингандан кейин бирданига ҳамма:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Тўғре-е-е!— деб бақирди.

Штокман сочи тўкила бошлаган бошидаги терни қулоқчини билан артиб олди-да, овози борича бақириб гапини давом этдирди:

— Қимики ишчи-деҳқон ҳукуматига қарши қўл кўтарадиган бўлса, биз уни ўша заҳоти йўқ қиламиз! Ревтрибунал ҳукми билан отилган ҳамқишлоқларингиз бизга душман эди. Ҳаммангиз буни биласиз. Аммо сиз меҳнаткашларга, бизга хайрихоҳ бўлган казакларга ҳеч ким тегмайди, биз сизлар билан биргаликда, қўшга қўшган бир жуфт ҳўкиздай ёнма-ён борамиз. Бир ёқадан бош чиқариб янги ҳаёт қуриш учун замин тайёрлаймиз, биргаликда ер ҳайдаймиз ва бу ерларни молалаб тозалаймиз, токи, шудгорда биронта бегона ўт, эски томир ёки шумғия қилмасин; яна қайта томир отмайдиган бўлсин! Янги ҳаёт куртакларининг авж олишига зарар етказмасин!

Штокман ола-ғовур овозлардан, ёришган очиқ чеҳралардан нутқи казакларга таъсир этганлигини тушунди: чин юракдан самимий суҳбат бошланди.

— Осип Давидович! Биз сени яхши биламиз, бир вақтлар қишлоғимизда тургансан, ўзимизникидай бўлиб қолгансан. Биздан хавотирланмасдан тўғрисини айтавер: Хўш, бу ҳукуматинг биздан нимани истайди! Албатта, биз унга тарафдормиз, ўғилларимиз фронтни ташлаб кетишди, лекин биз, тўпори одамлармиз, бу ҳукуматнинг нималигини пайқаёлмаётибмиз.

Грязнов чол роса чўзди; у гапни мужмал қилиб гоҳ у ёқдан-гоҳ бу ёқдан айлантириб келар, илмоқдор сўзлар аралаштириб, кетини хаспўшлаб кетарди, хуллас, очиғини айтишга оғзи бормаётгани кўриниб турарди. Қўли чўлтоқ Алёшка Шамиль оғзи қичиб, тек туролмади:

— Мумкинми гапирсам!

— Бемалол!— деб рухсат этди Иван Алексеевич мажлиснинг боришидан ҳаяжонланиб.

— Ўртоқ Штокман, ростини айт-чи, кўнглимга келганини гапираверсам, майлими?

— Майли.

— Тағин, қамаб қўймаанг?

Штокман кулиб, қўл силтади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Аммо шарт қўямиз, кейин хафа бўлиш йўқ! Мен оддий бир кишиман, ақлим етганича гапираман.

Укаси Мартин орқасидан келиб, чакмонининг бўш енгидан тортди-да, ҳовлиқиб шивирлади:

— Қўйсанг-чи, эси паст! Қўй, гапирма, худди балога қоласан-а! Бекорга хатга тушасан, Алёшка!

Бироқ акаси уни силтаб ташлади-да, тиртиқ юзини майдонга буриб, кўзларини пирпиратиб оломонга тикилди.

— Жаноби казаклар! Мен гапирай, гапим тўғрими ё адашяпманми, уёғини сизга ҳавола қиламан.— Алёшка ҳарбийчасига пошнасида шартта Штокман томон бурилиб, устма-уст айёрона кўз қисди.— Мен гапнинг очиғини яхши кўраман. Гап келганда, отангни аяма! Мен ҳозир казаклар нима хаёлдалигини, коммунистлардан нима учун хафа бўлганини сизга айтиб бермоқчиман... Сен, ўртоқ, ҳозиргина душманлик қилмайдиган казак-деҳқонларга биз қарши эмасмиз деб гапирдинг. Сиз бойларга қарши, камбағаллар ёнини оларкансиз. Қани айт-чи, ундай бўлса, ҳамқишлоқларимизнинг отилиши тўғрими! Мен Коршуновни ёқламайман, у атаманлик қилган, умр бўйи бировнинг қонини сўриб келган одам, хўш, Авдеич Лопчи нега отилди? Қашулин Матвей? Богатирев? Майданников? Королев-чи? Улар ҳам худди бизга ўхшаш илмсиз, билимсиз, қўй оғзидан чўп олмаган кишилар эди. Онадан туғилиб китоб ушлашнимас, омоч қулоғини ушлашни ўрганган. Баъзилари алифни кўрса, таёқ дейди, оғзинг қайси деса, қулоғини кўрсатади. Мана шундай одамларнинг оғзидан мабодо бирон чакки сўз чиқиб кетса, шунинг учун отвориш шартми?—Алёшка нафасини ростлаб олиб, олға интилди. Чакмонининг бўш енги билан кўксига ура бошлади, оғзи қийшайиб кетди.— Сиз, оғзига кучи етмаган бир аҳмоқнинг гапига ишониб, уларни қамадингиз, отиб ўлдирдингиз, аммо савдогарларга сира тегмайсиз! Савдогарлар пора бериб пул билан жон сақлаб қолянти! Кошки биздаям пул бўлса, биз ҳам жон сақлашни билардик, бироқ, қўлимиз пул кўрмайди, бизларнинг қўлимиз ер ҳайдашни билади, холос. Ўша отилган казаклар тирик қолиш учун қўрадаги охирги

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳўкизини сотиб беришданам қочмасди, бироқ улардан жарима талаб қилишмади. Индамай-синдамай, қамоққа олишди-ю, отиб ташлашди. Вёшенскаяда нималар бўлаётганидан ҳаммамиз хабардормиз. У ердаги ҳамма савдогару поплар эсон-омон юришибди. Каргиндагиларгаям ҳеч ким тегмаган бўлса керак. Атрофда нима гап бўлаётганини эшитяпмиз. Ёмон гап бўлса бирпасда оламни олти айланиб чиқади!

— Тўғри!— деган ёлғиз товуш келди орқа томондан.

Ғовур-ғувур авжига чиқиб, Алёшканинг гапини эшиттирмай қўйди, лекин у, овозлар жимигунча кутиб турди-да, Штокманнинг қўл кўтарганига эътибор бермай, қичқириб гапираверди:

— Ана шундан кейин биз шуни тушуниб олдикки, балки, Совет ҳукумати яхшидир, аммо мансабга миниб олган коммунистлар бизларни бир қошиқ сувга зор қилмоқчи! Улар бир минг тўққиз юз бешинчи йилнинг қасдини олишяпти, биз буни қизил солдатлардан аниқ эшиттик. Шундан кейин биз: коммунистлар бизни йўқотмоқчи, таги-тугимиз билан қуритмоқчи деган фикрга келиб қолдик. Бундан чиқди, улар Дондаги казакларнинг тухумини қуритмоқчи экан! Мана, гап буёғда, ўртоқ! Мен маст бўлган одамдай, миямга нима келса, ўшани гапирдим. Аммо шуниям айтиб қўяйки, турмушнинг яхшилигидан, сиз, коммунистларнинг сиқувларингиздан ҳаммамиз ҳам маст бўлганмиз!

Алёшка пўстинли одамлар орасига шўнғиб кириб кетди, майдон сукунатга чўкди. Штокман яна сўзламоқчи бўлган эди, бироқ орқа томондагилар шовқин солиб гапиртирмай қўйдилар.

— Рост айтади! Казаклар хафа! Қишлоқларда тўқилган ашулага бир қулоқ солиб кўринг. Гапиргани қўрқишади, бироқ, ашулага айб йўқ, дардини ашула қилиб айтиб юришибди. Янги чиққан «Яллама ёрим» ни эшитинг:

Самоварда сув қайнар, балиқ қоврилар ёққа,
Кадетлар келади-ю, бизни солар қийноққа.

— Демак, дод дейдиган гап ўтгани рост!

Аллаким ўринсиз кулиб юборди. Оломон тебранди. Ғовур-ғувур, шивир-шивир бошланди...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Штокман жаҳл билан қулоқчинини бостириб кийди-да, Қошевой ёзиб берган рўйхатни чўнтагидан олиб бақирди:

— Йўқ, бу тўғри эмас! Революция тарафдорларидан хафа бўлишга ҳеч қандай асос йўқ! Совет ҳукуматига душман бўлган ҳамқишлоқларингизнинг отилиш сабаби мана! Эшитинг!— деди-да, рўйхатни дона-дона қилиб шошмасдан ўқий бошлади:

Қамоққа олиниб, 15-нчи Инза дивизияси қошидаги ревтрибуналнинг тергов комиссияси ихтиёрига юборилган Совет ҳокимияти душманларининг

РЎЙХАТИ

Тартиб рақами	Исми, отасининг номи ва фамилияси	Нима учун қамоққа олинди	Илова
1	Коршунов Мирон Григорьевич	Собиқ атаман, катта бой, бировнинг кучидан фойдаланиб бойиган.	
2	Синилин Иван Авдеевич	Совет ҳокимиятини ағдариш керак деб ташвиқот юргизган.	
3	Кашулин Матвей Иванович	Бу ҳам.	
4	Майданников Семён Гаврилов	Погон тақиб, кўчама-кўча юриб, ҳукуматни бақириб сўккан.	
5	Мелехов Пантелей Прокофьевич	Умумлашкар кенгаш аъзоси.	
6	Мелехов Григорий Пантелеевич	Ясовул ёрдамчиси, кайфияти бузуқ, хавфли одам.	
7	Кашулин Андрей Матвеев	Подтелковнинг қизил казакларини отишда қатнашган.	
8	Бодовсков Федот Никифоров	Бу ҳам.	
9	Богатирев Архип Матвеев	Черков мутаваллиси. Хонақода ҳукуматга қарши гапирган Халқни қўзғатган, аксилинқилобчи.	
10	Кополев Захар Леонтьев	Қурол топширишдан бош тортган, умуман ишончли эмас.	

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ота-бола Мелеховлар билан Бодовсковнинг фамилиялари рўпарасига — илова дейилган жойда қуйидаги сўзлар ёзилган бўлса ҳам, Штокман уни ўқимай ўтиб кетганди:

«Совет ҳокимиятининг мазкур душманларини ҳозирчалик қамоққа олиш мумкин бўлмади, негаким, иккитаси мажбурият бўйича Боговская станицасига аравада ўқ-дори ортиб кетган. Пантелей Мелехов бўлса терлама касали билан оғриб ётибди. Қайтиб келиши билан иккиси дарҳол қамоққа олиниб, округга жўнатилади. Учинчиси касалдан тургач, юборилади».

Оломон бирпас жимиб туриб, яна чуввос кўтарди:

— Нотўғри!

— Бекор айтибсан! Тўғри! Ҳукуматга қарши гапиришгани рост.

— Қилмишига яраша жазосини тортсин!

— Қачонгача индамай қўйиб қўйилади, ахир?

— Йўқ, улар қуруқ туҳматга қолишди.

Штокман яна сўзлашга мажбур бўлди. Унинг гапларига зеҳн қўйиб қулоқ солган бўлишди, ҳаттоки, маъқуллаган садолар ҳам эшитилди, бироқ пировардига келиб у, оқлар билан қочганларнинг буюмларини тақсимлаш масаласини қўйганида, казаклар безрайиб индамай тураверишди.

— Бу нимаси, оғизларингга сув оливолдингларми?— деб сўради Иван Алексеевич ўпкалаб.

Оломон подадай ёйилиб тарқала бошлади. Қишлоқнинг энг камбағалларидан бўлган Чўён лақабли Сёмка деган йигит иккиланиб туриб, Иван Алексеевичнинг ёнига бормоққа шайланди-ю, лекин ўйланиб қолиб, қўл силтади-да:

— Эгалари келса, балога қоласан...— деди.

Штокман казакларни тўхтатмоқчи бўлиб уриниб кўрди; рангги докадай оқариб кетган Қошевой Иван Алексеевичнинг қулоғига:

— Айтувдим-ку, олишмайди деб. Бу буюмларни уларга бергандан кўра, ўтга солиб ёқиш керак!..— деб шивирлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

XXV

Қошевой бошини қуйи солган, хаёлга чўмган ҳолда, қамчисини қўнжига ура-ура Моховнинг уйи олдидаги зинадан секин чиқа бошлади. Йўлакдан кираверишда бир неча эгар кўринди; ҳозиргина биров келиб тушганга ўхшади: этик билан шиббаланавериб узангиларнинг бирида қотиб қолган, гўнгдан сарғайиб кетган бир думалоқ қор эндигина эрий бошлаган, тагида жиндай кўлобча пайдо бўлган эди. Қошевой шуларга разм солиб, ифлос қилиб юборилган пешайвондан бораверди. У тахтадан ўйиб ишланган ҳаво ранг нақшин панжарага, жимжимадор ҳошияга ўхшаб девор тагида ётган кўкимтир қировга кўз қирини ташлади; ниҳоят у, ойнаси терлаб, парда тўсгандай хиралашган деразага ҳам бир қараб қўйди. Бироқ кўрган нарсаси онгига бориб етмас, худди тутунга ўхшаб тутқич бермасди. Соддадил Мишка Григорий Мелеховга на ачинишини, на нафратланишини билмай аросатда қолган эди...

Ревком даҳлизи тамаки тутунига тўлганди, бу ердан эриётган қор иси, от абзалининг ҳиди келарди. Мохов қочгандан кейин уйда қолган хизматкор аёллардан бири голландча печни ёқмоқда, ёнбошдаги уйда милиционерлар хохолашиб кулишар эди. Қошевой уларнинг ёнидан ўтаркан энсаси қотиб: «Мазамаза шуларники! Кошки куладиган вақт бўлса!..»— деб қўйди ичида; зардасига чидолмай сўнгги марта қамчи билан қўнжига бир урди-да, эшик тақиллатмасдан бурчакдаги уйга кириб кетди.

Иван Алексеевич пахтали камзилини тугмаламай, ёзув столи ёнида ўтирган эди. У қора папоғини олифтачасига чаккага қўйиб олган, терлаган юзларидан чарчагани ва ташвишлангани билиниб турарди. Унинг ёнида, ҳали ҳам ўша узун шинелини ташламаган Штокман дераза токчасида ўтирарди. У Қошевойга кулиб қаради-да, қўли билан ишора қилиб, ёнидан жой кўрсатди.

— Хўш, ишлар қалай, Михаил? Ўтир.

Қошевой оёғини узатиб ўтирди. Штокманнинг ёқимли, вазмин овози унга таъсир қилиб, таъби равшанлашди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Мен ишончли кишидан бир гап эшиттим... Григорий Мелехов кеча кечқурун уйига қайтибди. Лекин мен уйига борганим йўқ,— деди Қошевой.

Штокман тамаки ўраб туриб:

— Бу тўғрида сен нима дейсан?— деб Иван Алексеевичга савол берди-да, унга кўз қирини ташлаб, жавоб кутиб ўтираверди.

Иван Алексеевич кўзларини пирпиратиб иккиланиб қолди:

— Обкелиб подволга қамасакмикин-а?

— Ревком раиси — сенсан... Ўзинг биласан.

Штокман мийиғида кулиб, елкасини қисиб қўйди. У кулиб туриб одамни ерга киргизиб юборар эди. Қулгиси қамчидан бадтар ачиштирарди. Иван Алексеевичнинг иягини маржондек тер босди.

Иван Алексеевич тишини тишига қўйиб, жаҳл билан:

— Ҳа, мен раисман, иккисиниям: Гришканиям, акасиниям қамайман, Вёшенскаяга жўнатаман!— деди.

— Григорий Мелеховнинг акасини қамашга ҳеч қандай эҳтиёж бўлмаса керак. Унинг суянган тоғи бор. Фомин розилик бермайди. Петрони мақтаганини ўзинг эшитгансан-ку.... Аммо Григорийни шу бугун, дарҳол қамоққа олиш керак! Эртага биз уни Вёшенскаяга жўнатамиз, устидан тўпланган ҳужжатларни бугундан қолдирмай милиционер билан ревтрибунал раисига юбортир.

— Григорийни кечқурун қамоққа олсак яхши бўларди, а, Осип Давидович?

Штокманнинг йўтали тутиб қолди, йўталиб бўлгач соқолини артди-да:

— Нега кечқурун?— деб сўради.

— Шов-шув гап камроқ бўлади...

— Шуям важ бўлдими?.. Қўявер, аҳамияти йўқ!

— Михаил, икки киши билан бориб, ҳозир Гришкани ҳайдаб кел. Уни алоҳида қамагин. Тушундингми?

Қошевой ўрнидан туриб, милиционер ёнига кетди. Штокман майишган эски пиймасини судраб, у ёқдан, бу ёққа юра бошлади; Иван Алексеевичнинг олдида тўхтаб:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Энг кейин йиғилган қуролларни жўнатдингми? — деб сўради.

— Йўқ.

— Нега?

— Кеча улгуролмадим.

— Нега?

— Бугун жўнатамиз.

Штокманнинг қовоғи осилиб кетди, лекин у ўша заҳоти қошини кериб:

— Мелеховлар қанча қурол топширди?— деб сўради тезгина.

— Икки милтиқ, икки наган. Топширишга-ку топширишди, бироқ бор-йўғи шугинамикин?

— Тағин бормикин?

— Ҳо! Улар анойи эмас!

— Мен ҳам шу фикрдаман,— деди Штокман лабларини қимтиб.— Агар сенинг ўрнингда мен бўлсам, қамоққа олгандан сўнг бутун уй ичини яхшилаб тинтиб кўрардим. Айтгандай, комендантга тайинла, шундай қилишсин. Ўйлаган билан иш битмайди, ҳаракат ҳам қилиш керак.

Ярим соатдан кейин Қошевой қайтиб келди. У пешайвондан югурганича, эшикларни зарда билан тарақ-туруқ очиб кирди-ю, бўсағада тўхтаб нафасини ростлаб олди-да:

— Қочибди!— деб бақирди.

— Нима-а-а?!— Штокман кўзларини ўқрайтириб, тез-тез юриб унга яқинлашаверди. Узун шинели оёқлари орасида буралиб қолар, этаклари пиймасига шапиллаб тегарди.

Қошевой унинг паст овоз билан сўраганиданми, ё бошқа бирор нарсаданми, жиғибийрон бўлиб:

— Жудаям кўзингни олайтираверма!..— деб шанғиллади-да, болохонадор қилиб сўкиниб олди.— Гришка Сингиндаги холасиникига кетса, мен гуноҳкорми? Хўш, ўзларинг қаёқдайдиларинг? Қўлларинг тегмадими? Ажаб бўпти! Иккивирдай одам Гришкани қочириб юбориб, энди менга бақиришганини қаранг-а! Мен кичкина одамман, айтса—қиламан, айтмаса — қараб турав ераман. Нега олдинроқ ҳаракат қилмадинглар?—Қошевой, устига бостириб кела-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ётган Штокмандан тислана-тислана, кошинкор печнинг қиррасига тақалиб қолиб, кулиб юборди.— Бўлди энди, Осип Давидович! Бўлди дейман, худди солвораман ҳозир!

Штокман унинг олдида бирпас туриб қолди, сўнгра, бармоқларини қисирлатиб, Мишканинг оппоқ тишларига, беғараз кулиб турган кўзларига тикилди-да:

— Сингинга борадиган йўлни биласанми?— деб сўради.

— Биламан.

— Билсанг, нега қайтиб келдинг? Вой, лапашанг! Тағин, немислар билан жанг қилганман деб мақтанасан-а...— деб масхара қилгандай, кўзларини қисиб қаради.

* * *

Ердан кўтарилган ҳовур кўкиш тумандай, даштни бошдан оёқ қоплаб олган эди. Дон бўйидаги тепа орқасидан қип-қизил чўғдай бўлиб ой кўтариларди. Унинг ғира-шира ёруғи осмонда чақнаб турган юлдузларга таъсир эта олмасди.

Сингинга бормоқ учун олти киши отланиб йўлга чиққан, отлар йўртиб борарди. Қошевой билан ёнма-ён, драгунча эгар устида Штокман лўкиллаб келарди. Остидаги Дон наслли бўйдор тўриқ от дамба-дам ўйноқилаб, унинг тиззасидан тишламоқчи бўлиб човут қиларди. Штокман пинагини бузмай, аллақандай бир кулгули воқеани ҳикоя қилар, Мишка бўлса, эгар қошига ётволиб, ёш боладай қотиб-қотиб куларди. Штокманнинг бошлиғи остидан хўмрайиб турган муғомбирона кўзларига тикилиб қараб-қараб қўярди.

Сингинни остин-устун қилиб тинтишди, бироқ натижа чиқмади.

XXVI

Григорийни Боковскаядан Чернишевскаяга боришга мажбур қилган эдилар. У бир ярим ҳафтадан кейин уйига қайтди. Келишидан икки кун олдин отаси қамоққа олинган эди. Пантелей Прокофьевич терлама каса-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лидан эндигина бош кўтариб, оёққа кирганди. Унинг сочу соқоли яна ҳам оқариб, қуруқ суяги қолган эди. Кумушдай жингалак сочлари, куя егандай тўкилиб кетган, гир айланасига совун кўпигидай оқарган соқоли пахмайиб қолганди.

Милиционер Пантелей Прокофьевичга йиғиштириниш учун ўн минут вақт берди-да, кейин олдига солиб ҳайдаб кетди. Вёшенскаяга жўнатиш олдидан уни Моховнинг ертўласига қамаб қўйдилар.

Олма ҳиди уриб қолган бу ертўлада яна тўққиз чол ва битта фахрий судья ҳам бор эди.

Григорий дарвозадан кирмай туриб, Петродан бу хабарни эшитди, ақаси унга:

— Сен, ука, изинга қайтавур... Григорий қачон келади, деб сўраб безор қилишди. Уйга кириб исиниб ол, болаларингни кўриб чиқ, мен сени Рибнийга элтиб қўяман, беш-ўн кун кўринмай юратур. Суриштирадиган бўлса, Сингинга, холамникига кетди дерман. Етти кишини отишди, эшиттингми? Ишқилиб, дадамниям ажали етган бўлмасин-да... Ишинг жудаям чатоқ, ука!— деди.

Григорий ярим соатча ошхонада ўтирди, сўнгра, отини эгарлади-да, кечаси Рибнийга жўнади. Мелеховларга узоқ қариндош бўлган бир хушфеъл казак тахланган таппилар орасига Григорийни яширди. Икки кунгача у шу ерда биқиниб ётди, фақат қоронғи тушгандагина «инидан» чиқар эди.

XXVII

Сингиндан қайтган куннинг эртасига Қошевой коммунистлар ячейкасининг мажлиси қачон бўлишини билиш учун Вёшенскаяга жўнади. Мишка, Иван Алексеевич, Давидка, Емельян ҳамда Филька ўзларининг партия сафига ўтганликларини расмийлаштириб олмоқчи эдилар.

Мишка казаклар топширган сўнгги қуролларни, мактаб ҳовлисидан топилган пулемёт ҳамда округ ревкоми раиси номига ёзилган Штокманнинг хатини олиб йўлга чиққан эди. Вёшенскаянинг йўлида сойликдан дамба-дам қуён қочиришарди. Уруш йиллари мо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

байнида қуёнлар бола очавериб шу қадар кўпайиб кетгандики, ҳар туп кўғанинг тагида бир неча қуён ётарди. Чананинг ғижирлаганини эшитиши билан қорни оқ қуён қочиб чиқиб, учи қора думини ликиллатганича қўриққа қараб қочарди. Чана ҳайдаб келаётган Емельян тизгинни қўйвориб:

— Отсанг-чи! Тумшуғидан от!— деб бақирарди.

Мишка чанадан ирғиб тушиб, чўккалаб туриб, қуён кетидан бир обойма ўқни бўшатарди-да, ўқлари хато кетиб қорни тўғитиб юборганини афсусланиб томоша қилар, қуён бўлса, қуюндай учиб, бурганлар устидаги қорларни тушириб, чакалакзорга кириб кетарди.

Ревкомда тўс-тўполон, ҳамма шошилган. Одамлар ҳовлиқиб югуришар, дамба-дам чопарлар келиб туришар, кўчалар кимсасиз эди. Мишка бу ҳаяжоннинг сабабини тушунолмай ҳайрон бўлди. Штокманнинг хатини раис муовини чўнтагига солиб қўйди, Мишка жавобини сўраган эди, ўшқириб берди:

— Йўқол-эй, арвоҳ урсин сени! Шу топда қўлим тегадими?

Қоровул ротанинг қизил аскарлари майдонда у ёқдан, бу ёққа ўтиб туришарди. Дала кухняси буғ бурқситиб ўтиб кетди. Майдон мол гўшти билан дафна баргининг ҳидига тўлди.

Қошевой папирос хумор қилиб, ревтрибуналдаги оғайниларининг олдига кирди-да:

— Бу нима тўполон, ўзи тинчликми?— деб сўради.

Маҳаллий ишлар терговчиси Громов нохушлик билан унга жавоб берди:

— Казанскка бир гап бўлди: ё оқлар бостириб кирган, ё казаклар қўзғолон кўтарган. Кеча ўша ерда жанг бўлган эмиш. Телефон алоқаси узилди.

— Ўша ёққа чопар юборилмабди-да.

— Юборилди. Бироқ чопар қайтмади. Бугун бир рота аскар Еланга кетди. У ер ҳам нотинч.

Улар дераза олдида папирос чекиб ўтириб қолдилар. Трибунал жойлашган савдогар уйининг ойнасидан қор бўралаб ёғаётгани кўринарди.

Бирданига станицанинг орқасидаги қарағайзор ёқ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дан, Чёрная томондан ўқ овози келди. Мишканинг рангги оқариб, қўлидан папироси тушиб кетди. Уйдаги ҳамма одам ёпирилиб ҳовлига чиқди. Ўқ товуши энди аниқ эшитила бошлади. Борган сари яқинлашиб келаётган ола-тасир ўқ овозларини баравар отилган залп садоси босиб кетди, ўқлар визиллаб дарвоза ва бўғотларнинг титиғини чиқариб юборди. Ҳовлида бир қизил аскар ярадор бўлди. Громов, йўл-йўлакай қоғозларини чўнтакка жойлаб, чопқиллаганича майдонга чиқди. Қоровул ротанинг аскарлари ревком биноси олдида тизила бошлади. Қалта пўстин кийган командир қизил аскарлар орасида мокидай югуриб юрарди. Ротани тўрттадан саф қилиб, Дон бўйидаги қияликдан чопқиллатганча олиб тушиб кетди. Ҳалокатли саросималик бошланди. Одамлар майдон томон югуришиб қолди. Эгарланган эгасиз от бўйнини гажак қилиб, шаталоқ отганича ўтиб кетди.

Қошевой эсанкираганидан майдонга қандай келиб қолганини ўзи пайқамай қолди. Кавказча қора чакмон кийган Фоминнинг черков орқасидан қуюндай учиб чиққанини кўрди. У минган отнинг думига пулемёт боғланганди: ғилдиракчалари айланиб улгуролмаган пулемёт ёни билан судралиб борар, от тез чопганлигидан у ёқдан, бу ёққа чайқалар эди. Эгар қошига энгашиб олган Фомин тоғ этагига етгач, ҳавога кўтарилган оппоқ қор тўзони ичида ғойиб бўлди.

«Отлар ёнига бориш керак» деган фикр Мишканинг эсига келди. У энгашиб олиб чорраҳани кесиб ўтди-да, ҳеч ерда тўхтамасдан, юраги ўйнаб энтикканига қарамасдан, югурганича тушган уйига келди. Емельян эса отларни қўшаётиб, қўрққанидан постромкаларни илолмай қолди.

— Бу нимаси, Михаил? Энди нима бўлади?— деб чулдирарди Емельян тишларини такиллатиб. Отларни қўшди-ю, лекин тизгинни йўқотиб қўйди. Тизгинни тўғрилаганда, хомут боғи ечилиб кетди.

Улар тушган уйнинг ҳовлиси даштга туташган эди. Мишка қарағайзор томонга қараб-қараб қўяр, бироқ у ёқдан на саф-саф бўлиб келаётган пиёда аскардан, на сурон солиб от қўйган суворидан дарак бор эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Аллақаёқлардан ўқ товушлари келар, кўчалар бўмбўш, ҳар доимдагисидай бефайз, ҳамма ёқ ҳувиллаб ётарди. Аммо шундайлигига қарамай мудҳиш ҳодиса рўй бергани, қўзғолон бошлангани аниқ эди.

Емельян ивирсиб чанани қўшиб бўлгунча Мишка даштдан кўзини узмади. Бутхонанинг орқасидан бир қора пальтоли кишининг югуриб чиқиб, декабрь ойида ўт тушиб кетган радиостанция ёнидан чопиб ўтганини кўрди. Пальтоли киши қўлларини кўксига босиб, букчайиб олиб, жон-жаҳди билан югурарди. Қошевой унинг пальтосига қараб, терговчи Громовлигини таниди. Четан девор орқасида келаётган яна бир отлиқнинг қорасини кўрди. Буни ҳам Мишка таниди. Бу вёшенскаялик ашаддий оқ гвардиячи казак Черничкин эди, унинг Громовга етиб олишига юз саржин чамаси масофа қолганди. Громов қочиб бораётиб, бир-икки марта кетига қаради-да, чўнтагидан тўппончасини олди. Кетма-кет икки ўқ чиқди! Громов қум тепа устига чиқиб нагандан ўқ уза бошлади. Черничкин чопиб келаётган отдан ирғиб тушди-ю, жиловдан тортиб туриб, елкасидан милтиғини олиб, уйилган қор панасига ётиб олди. Биринчи ўқдан кейиноқ Громов шох ташлаб бориб, чап қўли билан бута шохларини ушлаганича гир-гир айланди-да, муккасидан қорга йиқилди. «Ўлди!»— Мишканинг аъзойи бадани жунжикиб кетди. Черничкин энг ўткир мерган эди, герман урушидан олиб келган карабини билан истаган жойидан истаган мўлжални хатосиз урарди. Чана дарвозадан чиққанда Мишка чана устидан туриб, Черничкиннинг тепа устига от солиб келганини, қорда қия тушиб ётган қора пальтони қилич билан чопганини кўрди.

Дондон ўтиб Базкига етиб олиш ниҳоятда хавфли эди. Оппоқ қор босган муз устида отлар ҳам, одамлар ҳам мерган учун энг қулай нишон. Қоровул ротанинг қизил аскарларидан иккитаси ўқ еб муз устида ётарди.

Шунинг учун Емельян чанани кўл орқали ўрмонга бурди. Муз устини қор аралаш сув босганди, от туёқларидан чилпиллаб шилта қор сачрар, чана қўшқароғи чуқур из қолдирарди. Қишлоққача отларни

www.ziyouz.com kutubxonasi

савалаб ҳайдадилар. Бироқ чорраҳага етган заҳоти Емельян отларни тўхтатиб, шамолдан қизариб кетган бетини Қошевойга бурди.

— Борди-ю, қишлоқда ҳам аҳвол шу бўлса-чи? Нима қилиш керак?

Мишканинг кўзлари жавдираб қолди. Қишлоқ томон боқди. Дон ёқасида бўлган энг четдаги кўчадан икки отлиқ чопиб ўтди. Қошевой буларни милиционерларга ўхшатди.

— Қишлоққа ҳайдайвер. Борадиган бошқа жойимиз йўқ!— деди у қатъий қилиб.

Емельян оёғи тортмаса ҳам ноилож отларни ҳайдади. Дондан ўтиб, тепага чиқишди. Рўпарадан Лофчининг ўғли Антип билан юқори томонлик икки чол чопиб келаверди.

Емельян Антипнинг қўлидаги милтиқни кўриб:

— Вой, Мишка!— деди-ю, жиловини тортиб, отларини шартта кетига бурди.

— Тўхта!

Ўқ узилди. Емельян жиловни ушлаб туриб, қулади. Отлар суриб бориб четан деворига тақалиб қолишди. Қошевой чанадан сакраб тушди. Антип унга яқинлашганда чориғи тойиб кетди-ю, тўхтаб қолди, дарҳол милтиқни елкага олди. Мишка четан устига йиқиларкан, чолнинг қўлидаги ярқироқ паншаҳага кўзи тушди.

— Ур!— деган овоз эшитилди.

Қошевойнинг елкаси жаз этиб кетди-ю, ерга йиқилди; тишини тишига қўйиб, юзини кафтлари билан тўсиб олди. Бир одам тепасига келиб, ҳансираб, паншаҳа билан туртди.

— Тур, қанжиқ!

У ёғи нима бўлганини Қошевой эс-эс биларди. Антип бўкириб, унинг ёқасидан бўғиб олди:

— Отамни ўлдиртирган бу бадбахт... Мени ушламанглар, барака топкурлар! Мен бундан қасос олмасам, кўнглим тинчимайди, қўйворинглар мени ахир!

Одамлар Антипни судраб четга тортишди; халойиқ тўпланди; аллаким Антипни тинчитмоқчи бўлиб, дўриллаб насиҳат қила бошлади:

— Болани қўйворинглар! Худодан қўрқасизми,

www.ziyouz.com kutubxonasi

йўқми! Қўй, Антип! Отанг барибир тирилмайди, бекорга одам ўлгани колади... Тарқалинг, оғайнилар! Ҳов анави омборда қант улашаяпти. Бориб олинглар...

Мишка кечқурун кўзини очди. Қараса, ўша четан девор тагида ётган экан. Паншаҳа санчилган биқини ловиллаб ачишарди. Паншаҳа тишлари пўстинидан ва пахтали камзули устидан ўтиб баданига сал-пал кирган эди. Яраси қаттиқ оғриб, лахталахта қони қотиб қолганди. Мишка оёққа туриб, теварак-атрофга қулоқ солди. Қишлоқда қўзғолончиларнинг патруллари юргандай бўлди. Аҳён-аҳёнда ўқ отилар, итлар ҳурарди. Олисдан яқинлашиб келаётган ғовур-ғувур овоз эшитиларди. Мишка моллар юраверив из солган сўқмоқдан Дон бўйлаб кетди. Жар тепасига чиқиб олди-да, четан деворлар тагидан эмаклаб усти қотган қорни қўллари билан тимирскилаб, гоҳ пастга думалаб кетиб, гоҳ ўнгланиб олиб олға силжийверди. У қаердалигини билмас, таваккалига олға интиларди. Аъзойи бадани қалтирар, қўллари музлаб кетган эди. Совуқ суяк-суякларидан ўтиб кетгач, ноилож рўпара келган бир дарвозага кирди. Мишка шох тўсиб қўйилган эшикни очиб, мол қўрасига чиқди.

Мишка чап томондаги сомонхонага энди кирганда оёқ товуши ва йўталган овоз эшитилди.

Аллаким пиймасини судраб сомонхона ёққа келмоқда эди. Қошевой тақдирга тан бериб: «Куним битди»,—деб ўйлади. Бировнинг қораси эшик олдига келиб тўхтади.

Аллаким ҳадиксираб аста:

— Ким бор бу ерда?— деди.

Мишка девор орқасига ўзини олди.

— Ким бу?— деб сўради бўсағадаги одам овозини баландлатиб.

Мишка унинг овозидан Степан Астахов эканини таниб, сомонхонадан чиқди.

— Менман, Степан, Қошевойман... Худо хайр берсин, мени яшир! Ҳеч кимга айтмагин, хўпми! Ҳолимга раҳм қил, жон биродар!

— Ие, Мишка экан-ку...— яқиндагина терлама

www.ziyouz.com kutubxonasi

касалидан тургани учун Степан секин гапирар эди. Озиб кетганлигидан юзи чўзилиб қолган, оғзини катта очиб илжаярди.

— Ҳа, майли, бир кечага рухсат, лекин кундуз бошқа бирор жой топгин. Сен ўзинг бу ерга қандай келиб қолдинг.

Мишка жавоб бермади, фақат унинг қўлини қисдида, сомон орасига кириб кетди.

Эртасига кечқурун, қош қорайган маҳалда, Мишка таваккал қилиб биқина-биқина уйига етиб олдида, деразани тиқиллатди. Онаси даҳлиз эшигини очди-ю, ҳўнграб йиғлаб юборди. У Мишкани бўйнидан қучоқлаб, кифтларини силар, бошини кўксига қўйиб пиқ-пиқ йиғлар эди.

— Тезроқ кет! Исо ҳақи, бу ерда турма, Мишенька! Бугун эрталаб казаклар келиб, қўрани бошдан оёқ титишди, сени қидиришди. Лофчининг ўғли Антипка қамчи билан мени солиб қолди, «Болангни бекитгансан,— дейди.— Аттангки, тирик қутулди!» — дейди.

Мишка ўз шериклари қаердалигини билмас, қишлоқда нима бўлаётганидан хабарсиз эди. Онасининг қисқача гапидан Дон атрофидаги ҳамма қишлоқлар қўзғолон кўтарганини, Штокман, Иван Алексеевич, Давидка ҳамда милиционерлар қочиб қутулишганини, аммо Филька билан Тимофейни кеча туш пайти майдонда отиб ўлдиришганини билди.

— Тезроқ кета қол! Бу ерда қолсанг топиб олишади...

Онаси йиғлаб турса ҳам, овози маъюс бўлса ҳам, дадил гапирарди. Кўп йиллардан бери йиғи нималигини эсидан чиқариб юборган Мишка ўзини тутолмай, ёш бола сингари энтика-энтика пиқирлаб, оғзидан кўпик чиқариб йиғлар эди.

Мишка илгари йилқичилик қилган вақтида миниб юрган биясини эгарлаб, ғарам орқасига етаклаб ўтди, қулуни кетидан эргашди. Онаси келиб Мишкани отга миндирди, оқ йўл тилаб чўқинтирди. Бия хиралик қилиб аранг қўзғалди, икки марта қулунини чақириб кишнади. Ҳар иккаласида ҳам Мишканинг юраги шиғиллаб, орқасига тортиб кетди. Ҳайтовур,

www.ziyouz.com kutubxonasi

эсон-омон қирга чиқди-да, Гетман йўлига тушиб олиб, биясини шарққа, Усть-Медведица томон ҳайдаб кетди.

Қочоқлар юрадиган қоп-қоронғи тун. Бия қулунидан хавотирланиб дамба-дам кишнарди. Қошевой тишларини ғижирлатиб жилов тасмаси билан унинг қулоғига урар, тез-тез тўхтаб қулоқ солиб кўрар: биянинг кишнаганини биронтаси эшитиб орқамдан қувиб келаётган ё олдимдан тўсиб чиқаётган бўлмасин деб хавотирланарди. Бироқ ҳамма ёқ жимжит, тиқ этган товуш чиқмасди.

У фақат ҳар гал бия тўхтаганда қулуни елинга тармашиб, чапиллатиб сўрганини эшитар, кетинги оёқчаларини қорга тираб олиб, тумшуғи билан турт-ганини отнинг орқаси қимирлаганидан сезарди.

XXVIII

Таппихонани қуриган гўнг иси, моғорлаган сомон билан нишхўрд ҳиди босиб кетган. Бордон билан ёп-ган томидан кундузи олачалпоқ ёруғ тушиб туради. Баъзан четан эшикдан, ичкарига қуёш мўралайди. Лекин кечаси бу ер гўрдан ҳам қоронғи. Сичқонлар чийиллашади. Сукунат ҳукм суради...

Кунда бир маҳал, қоронғи тушганда уй бекаси ҳеч кимга билдирмай Григорийга овқат келтириб берар-ди. Таппилар орасига бир кўза сув қўйилган эди. Ҳаммаси ҳам майли-ю, тамаки тугагани ёмон бўлди. Биринчи кунлари Григорий хўп қийналди, ниҳоят эрталаб хуморига чидай олмай, ерда ётган қуруқ от гўнгини эмаклаб юриб териб олди-да, кафтида май-далаб чекди. Кечқурун уй эгаси хотини орқали ин-жилдан йиртиб олинган, моғорлаган икки варақ қоғоз, бир қути гугурт ҳамда бир ҳовуч чала пишган «Дю-бек» тамаки бериб юборди, тамакига қуриган йўн-ғичқа аралаштирилган эди. Григорий суюнганидан хумор босди қилиб кўнгли айнагунча чекди, сўнгра келганидан бери биринчи марта ғадир-будур таппи-лар устида, қуш калласини қаноти остига олиб ухла-гандай, бошини этаги билан ўраб, қаттиқ ухлаб қолди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Эрталаб уй эгаси уни уйғотди. У таппихонага чопиб кирди-ю, ҳиринглаб:

— Ухлаяпсанми? Тур! Дон қўзғалди!..— деди-да, қиқирлаб кулди.

Григорий таппилар устидан сакраб ерга тушди. Тахлаб қўйилган таппилар тақир-туқур қилиб қулаб кетди.

— Нима гап?

Елан билан Вёшенская казаклари қўзғолон кўтаришди. Фомин билан бутун ҳукумат Вёшенскаядан Токинга қочди. Казанск, Шумилин, Мигулин ҳам қўзғалган бўлса ажаб эмас. Тушундингми, гап қаёқдалигини?

Григорийнинг пешона ва бўйин томирлари бўртиб, кўзларида ўт чақнади. Севинчи ичига сиғмай, овози ўзгариб кетди, шошиб қолганидан нима қилишини билмай, қоп-қора бармоқлари билан ҳадеб шинель боғичларини тимирскилар эди.

— Хўш... Қишлоғингизда нима бўляпти? Аҳвол қалай? Нима гаплар бор?

— Ҳеч гап йўқ. Раисни кўрдим, кулади, холос. «Менга барибир, ким бошлиқ бўлса, мен ўшанинг қули, ишқилиб, бошлиқ бўлса бўлгани»,— дейди. Ўтираверасанми инингда, бу ёққа чиқсанг-чи, ахир!

Иккиси уй томон юрди. Григорий катта-катта қадам қўяр, уй эгаси унинг ёнида юриб ҳикоя қиларди.

— Еланская станицасида дастлаб Красноярск қишлоғи қўзғалди. Ўтган куни еланлик коммунистлардан йигирмаси казакларни қамамоқчи бўлиб Кривск билан Плешаковга боришибди, красноярсклик казаклар буни эшитиб: «Қачонгача бу аҳволга чидаймиз? Оталаримизни ҳайдаб кетишяпти, энди бизларга навбат келади. Отларни эгарланглар, қамалганларни қутқарамиз»,— деб гапни бир жойга қўйишибди.

Ўн бешга яқин юлдузни бенарвон урадиган йигитлар тўпланибди. Атланов деган жангари казак булларга бош бўбди. Ҳаммаси бўлиб, иккитагина милтиқлари бор, баъзисида қилич, баъзисида найза, баъзисида таёқдан бошқа нарса йўқ экан. Дондан ўтиб Плешаковга киришибди. Коммунистлар Мельниковнинг қўрасида дам олишаётган экан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Красноярскликлар от қўйиб қўрага ҳужум қилишибди, бироқ қўранинг девори ҳарсанг тошдан эмасми, бир иш чиқаролмай қочишибди. Коммунистлар кетларидан қувибди, бир казакни отиб ўлдирибди, жойи жаннатда бўлсин, отдан қулаб четан деворга осилганича қолаверибди. Плешаковлик казаклар уни станица отхонасига обкелишибди. Бечоранинг қўли қамчисини ушлаганича қотиб қолган эмиш.... Тўс-тўполон бошланди. Шундан кейин Совет ҳукумати ҳам тугади, онасини!..

Григорий уйга кириб нонуштадан қолган овқатни паққос туширди, сўнгра уй эгаси билан кўчага чиқди. Тор кўчаларнинг муюлишларида худди байрамдагидай, гала-гала одам тўпланган эди.

Григорий билан уй эгаси бир тўп казаклар ёнига келиб қўшилди. Казаклар саломга жавобан қўлларини папоқларига теккизиб, сиполик билан сўрашишди: Григорийдан ётсираб, унга бошдан-оёқ тикилишаверди.

— Бегона эмас, ўз одамимиз, жаноби казаклар! Бундан хавотир олманг. Татарсклик Мелеховларни эшитганмисиз? Бу Пантелейнинг ўғли Григорий. Отилишдан қочиб меникида жон сақлади,— деди уй эгаси кибирланиб.

Казаклардан бири, решетовлик, дубровлик ва черновлик казаклар Фоминнинг Вёшенскаядан суриб чиқарганларини гапириб берди, энди суҳбат қизий деганда, қор босган тоққа туташган кўчанинг бошида икки отлиқ кўринди. Улар кўча бўйлаб тез келишар ва ҳар тўп казаклар ёнида отларини тўхтатиб, қўлларини пахса қилиб алланималар деб қичқиришарди. Григорий бетоқат бўлиб, уларнинг етиб келишини кутиб турди.

Ҳалиги казак Вёшенскаянинг олиниши тўғрисидаги ҳикоясини тўхтатди-да, олисга тикилиб туриб:

— Булар бошқа ёқнинг одами, рибинлик эмас... Чопар бўлса керак,— деди.

Икки отлиқ нариги муюлишда тўхтамасдан, тўғри буларнинг ёнига етиб келди, олдингиси чакмон кийган, юзлари терлаб қизариб кетган, оппоқ жингалак

www.ziyouz.com kutubxonasi

сочлари пешонасига тушган бош яланг чол чавандозчасига отини таққа тўхтатди-да, гавдасини орқага ташлаб, ўнг қўлини пахса қилиб:

— Бу нимаси, казаклар? Хотинчасига кўчада тўпланишиб туравераси зми?—деб бақирди йиғламсираб. Ўпкаси тўлиб кетганидан овози бўғилар, лоладай қизарган бетлари лип-лип учар эди.

Остидаги оқ тумшуқ, пахмоқ дум, қизғиш тусли, оёқлари қиличдай сулув дўнан бия ўйноқилаб турарди. Ҳадеб сувлиғини чайнар, дамба-дам кетинги оёқларини букиб, ирғишлаб ғоз туриб оларди, сўнгра жиловини тортиб юлқинар, яна суриб кетмоқчи, қулоғини чимириб, ёлларини шамолда ўйнатиб чопмоқчи бўларди, музлаган қаттиқ ерни мармар туёқлари билан яна тарақлатиб қуёндай учишга интиларди. Биянинг юпқа териси остида уриб турган ҳар бир томири, ҳар бир пайи равшан кўринарди. Қатлам-қатлам бўйин этлари лорсиллаб турарди. Бия ёқут кўзларини чақчайтириб, ола-кула қилиб эгасига ғазаб билан қарарди.

— Ҳой, тинч Доннинг фарзандлари, қўзғалмайсизми ахир!?—деб чол яна бир карра бақирди-да, Григорийдан кўзини олиб, бошқаларга қаради.—Оталарингизни, боболарингизни отиб ўлдиришяпти, молмулкларингизни талашяпти, жуҳут комиссарлар динингизни масхара қилишяпти, майлими, семечка чақиб, сайилгоҳда базм қуриб юраверасизми? Ёки бўйнингизга сиртмоқ солинишини кутяпсизми? Токайгача хотинлар пинжидан чиқмайсиз. Бутун Елан юрти, етти ёшдан етмиш ёшгача баббаравар қўзғалди, қизилларни Вёшенскаядан ҳайдаб чиқаришди... Сизлар бўлса... балли рибинлик казакларга! Ёки жонларингдан тўйдиларингми? Ёки томирларингда казаклик қони қолмадими, қон ўрнига томирингизда мужиклар солган квас оқяптими? Қазак бўлсанг қўзғал! Қурол кўтариб чиқавер! Кривсклик казаклар ҳамма қишлоқларни қўзғатиш учун бизларни юборди. Казаклар отланинг, пайт қўлдан кетмасин!— Одамлар орасидан бир чолни таниб унга балою қазодай тикилди-да:— Сен нимани кутяпсан, Семён Христафорович!?— деб гинахонлик қилди.— Қизиллар ўғликгни Филоновода

www.ziyouz.com kutubxonasi

чопиб ўлдиришли, ўзинг печь устида ётиб жон сақлаҳоқчимисан?

Григорий гапнинг у ёғини эшитмасдан чопганича қўрага кирди. Сомонхонада кўпдан бери минилмай турган отини елдириб ҳовлига олиб чиқди, тирноқлари қонаганига қарамай таппилар орасини кавлаб эгарини олди-да, дарвозадан ўқдай отилиб чиқди.

Дарвоза томон келаётган уй эгасига:

— Мен кетдим! Панойи худо!— деб бақирганича эгар қошига бутун гавдаси билан қапишиб олиб, қўчадаги қорларни тўзитиб, отини аямай қамчилаб ҳайдаб қолди. Совқотган оёқлари узангида тинч турмай, отнинг биқинига ниқтар, туёқлари остидан кўтарилган қор тўзони яна қайтиб ерга чўкарди. Туёқлар пулемёт ўқидай тарақларди. Григорий шодлигини ичига сиғдиролмай ҳовлиқар, назарида кучига куч, ғайратига ғайрат қўшилганга ўхшарди, севинчидан томоғини қириб, ўқтин-ўқтин беихтиёр қийқириб юборарди. Шу дамгача кўнгли қафасида қамалиб ётган ҳислари энди озод бўлиб, ғалаёнга келган эди. Унинг назарида эндиги қиладиган иши, борадиган йўли ўн тўрт кечалик ойдай равшан бўлиб кўринарди.

У таппилар орасига бўридай беркиниб, сиртдан келган ҳар бир овозга, тиқ этган товушга ҳадиксираб қулоқ сола бериб тинкаси қуриган кунлари ҳамма нарсани охиригача ўйлаб чиққан, ҳамма ишни ҳал қилган эди. Мана энди ҳақиқат излаб тагига етолмаган, адашиб қийналган, ўзини гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа урган, ўзи билан ўзи курашган ўша кунлар бутунлай эсдан чиқди.

Ўтган кунлар тушдай ўтди-кетди; ҳақиқат ахтариб бир қарорга келолмай ўтказган вақтлари, ҳозир унинг назарида, қуруқ оворагарчилик билан зое кетгандай туюларди. Ўйлашнинг нима кераги бор? Қопқонга тушган бўридай нима қилишини билмай, ўзини ҳар ёққа уриб, ичини ит тирнаб зир югуришнинг нима ҳожати бор эди? Ҳаёт осонгина йўлини кўрсатди қўйди. Мана энди Григорий, ҳаётда ҳаммабоп ҳақиқатнинг йўқлигини ва азалдан шундайлигини англагандай бўлди, шунинг учун у жаҳл аралаш: «ҳар кимнинг ўз билгани, ўзи танлаб олган йўли бор» деб ўйлар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди. Одамлар бир бурда нон, бир парча ерни деб, яшаш ҳуқуқидан маҳрум бўлмайин деб азалдан курашиб келадилар, осмонда қуёш нур сочиб, томирларда қон тепиб турар экан, бу курашдан тўхтамайдилар. Демак, кимки яшаш ҳуқуқидан маҳрум этмоқчи бўлса, у билан курашмоқ лозим, лекин иккиланмасдан, бир чўқиб четга чиқмасдан астойдил жанг қилмоқ керак, чунки жанг кишини чиниқтиради, ғазабини қўзитади, киши ўз ҳисларини жиловламай, уларни бутунлай эркин қўйиб юбориши лозим, улар кўпириб тошсин, ана ўшанда иш битади.

Қазаклар йўлини Русиянинг ерсиз мужиклари билан фабрика ишчилари тўсиб қўйди. Мана шуларга қарши жони борича жанг қилиш керак. Қазаклар қони билан суғорилган серҳосил Дон ерларини уларга топтатмаслик лозим. Татарларни қувгандай, буларни ҳам вилоят тупроғидан ҳайдаб чиқариш лозим! Москва устига ясов тортиб бориб, шармандасини чиқариб, сулҳ тузишга мажбур этиш керак! Олам тор: икки қўчқорнинг боши бир қозонда қайнамайди, биттасини олиб ташлаш шарт. Дон ерларига қизилларнинг полкларини киргизиб, оғзимиз куйган. Қилични қиндан суғурадиган пайт келди энди!

Ғазабидан ўтдай тутақишган Григорий мана шу хил ўйлар ичида оппоқ қор босган Дон устидан от чоптириб борар эди. Бирдам хаёлида бир-бирига зид фикрлар ўтди: «Бу, казаклар билан Русия орасидаги курашмас, бойлар камбағалларга қарши курашяпти... Мишка Кошевой билан Котляров ҳам казак, лекин иккиси ҳам ғирт қизил-ку...» Лекин у жаҳл билан бу фикрни рад этди.

Татарск қишлоғи кўринди. Григорий жиловни тортиб, совундай кўпирган отининг чопишини секинлатди. Дарёдан чиқаверишда яна ҳайдади-да, дарвозани от кўкси билан очиб қўрага ўқдай учиб кирди.

XXIX

Тинкаси қуриган Кошевой тонг отар маҳалида Усть-Хопер станицасига қарашлик Большой қишлоғига етиб келди. 4-нчи Заамур полкининг соқчилари уни

www.ziyouz.com kutubxonasi

тўхтатдилар. Икки қизил аскар уни штабга олиб борди. Аллақандай бир штаб ходими гумонсираб анчагача сўроқ қилди. «Сизда ревком раиси ким эди? Нега ҳужжатинг йўқ?» сингари саволлар бериб уни чалғитмоқчи бўлди. Бундай бемаъни саволларга жавоб бераверіб Мишка жонидан тўйди.

— Мени кўп қийнама, ўртоқ! Қазаклар мени роса қийнаб кўришди, бироқ бекорга овора бўлгани қолди.

У кўйлагини кўтариб, паншаҳа санчилган биқинларини ва қорнининг пастини кўрсатди, энди штаб ходимини болохонадор қилиб сўкмоқчи бўлганда, эшикдан Штокман кириб қолди.

— Ана холос! Вой, адашган шайтон-эй.— Штокманнинг дўриллаган йўғон овози бирданига бўғилиб, қўллари Мишкани қучоқлаб олди.— Буни нега сўроқ қиласан, биродар! Ахир бу йигит ўзимизга қарашли одам-ку! Жудаям аҳмоқона иш қилибсан-да! Менгами ё бўлмаса Котляровга одам юборсанг-ку масала бирпасда ҳал бўларди-қўярди... қани юр, Михаил! Қандай қилиб тирик қолдинг! Менга айт-чи, қандай тирик қолдинг ўзинг? Биз сени тириклар рўйхатидан ўчириб ташловдик. Қаҳрамонларча ҳалок бўлди деб ўйловдик.

Мишка қўлга тушиб асир бўлган пайтини, чанада қолдирган милтиғини, қўлидан ҳеч нарса келмаганини кўз олдига келтирди, иситмаси чиқиб, ловлагидай қизариб кетди.

XXX

Григорий Татарск қишлоғига етиб келган куни казаклардан икки сотня аскар тузилган эди. Қишлоқ йиғинида: «Қурол кўтаришга ярайдиган, ўн олти ёшдан етмиш ёшгача бўлган тамомий эркаклар сафарбар қилинсин» деб қарор чиқарилди. Кўпгина кишилар ҳозирги вазиятдан ҳеч қандай умид йўқлигини сезишарди, чунки, большевиклар таъсири остидаги Воронеж губернияси билан бус-бутун қизиллардан иборат бўлган Хопер округи вилоятга чегарадош эди, жанубда бўлса, фронт; мабодо бу фронт кетига

www.ziyouz.com kutubxonasi

бурилиб бир ҳамла қиладиган бўлса борми, қўзғолончиларни ер билан яксон қилиши турган гап. Мана шунисига кўзи етган баъзи бир пухта казаклар қурол олишга рози бўлмадилар, бироқ уларни мажбур этишди. Степан Астахов урушга боришдан қатъиян бош тортди.

Эрталаб унинг олдига Григорий, Христоня ва Аникушка кирганларида:

— Мен бормайман. Отимни олинглар, билганларингни қилинглар, аммо мен қўлимга милтиқ олмайман,— деб туриб олди.

— Хўш, нега милтиқ кўтармас экансан?— деб сўради Григорий бурнининг катакларини кериб.

— Қўлимга милтиқ олмайман — вассалом!

— Қишлоқни қизиллар босиб олса нима қиласан? Биз билан кетасанми ё қишлоқда қолаверасанми?

Григорийни еб қўйгудек бўлиб тикилиб қараб турган Степан ундан кўзини олиб, Аксиньяга қаради, бирпас жим туриб:

— Ўшанда маълум бўлар...— деди.

— Ундай бўлса, чиқ эшикка! Судра буни, Христан! Биз сени ҳозир бирёғлик қиламиз!— Григорий печь ёнида шумшайиб турган Аксиньядан кўзини опқочиб, Степаннинг енгидан силтаб тортди.— Қани юр, майнабозлик кетмайди!

— Григорий, жиннилик қилма... Қўйсанг-чи ахир!— рангги оқариб кетган Степан оёғини тираб олди.

Христоня орқадан келиб уни қучоқлаб олди:

— Ниятинг бузилганга ўхшайди, қани, юр бу ёққа,— деб пўнғиллади у.

— Биродарлар!..

— Биз сенга биродар эмас! Юр деяман сенга!

— Қўйвор, мен сотняга ёзилишга розиман. Терламадан кейин дармоним йўқ...

Григорий оғзини қийшайтириб илжайди-да, Степаннинг енгини қўйиб юборди.

— Мана энди ўзингга келдинг! Бориб милтиқ ол.

Григорий шинелини тугмалаб хайрлашмасдан чиқиб кетди. Орадан шунча гап ўтгандан кейин Христоня уялмай-нетмай Степандан тамаки тилаб чекди-да,

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳеч нарса бўлмагандек, анчагача гаплашиб ўтираверди.

Кечга яқин Вёшенскаядан икки аравада саксон тўртта милтиқ, юздан ортиқ қилич олиб келишди. Қўпгина казаклар, яшириб қўйган милтиқларини олиб қуролланишди. Қишлоқ икки юз ўн бир аскарни шайлаб берди; булардан юз элликтаси отлиқ, қолгани пиёда эди.

Қўзғолончиларнинг ягона бир ташкилоти йўқ эди. Ҳар қайси қишлоқ ўзича ҳаракат қилар: ўз бошига сотнялар тузиб, жангда чиниққан казаклардан ўзларига командир сайлаб олишарди, командир танлашда унинг ҳарбий унвонига эмас, кўрсатган хизматига эътибор беришарди; ҳеч қандай ҳужум операциялари ўтказишмасди, фақат қўшни қишлоқлар билан алоқа боғлаб, отлиқ разведка юбориб, теварак-атрофни текшириб туришарди.

Григорий Татарскка келишдан сал олдин бу ердаги отлиқ сотняга яна ўн саккизинчи йилдагидай Петро Мелехов командир қилиниб сайланган эди. Пиёда сотнянинг командирлигини Латишев қабул қилди. Иван Томилин бошчилигидаги тўпчилар Базки қишлоғига жўнадилар. У ерда қизиллар ғилдираги синиқ, панорамасиз тўпларни ташлаб кетган эканлар, тўпчилар шуни тузатгани кетишди.

Икки юз ўн бир кишига бир юз саккиз милтиқ, юз қирқта қилич ва ўн тўртта ов милтиғи жамланди. Бу қурол-яроқлар Вёшенскаядан олиб келинган ва қишлоқдан тўпланган эди. Бошқа чоллар қатори Мохов подвалидан озодликка чиққан Пантелей Прокофьевич кўмиб қўйган пулемётни очиб олди. Бироқ ўқ лентаси топилмагани учун сотнядагилар бу пулемётни олишмади.

Эртаси куни кечга яқин, қўзғолонни бостириш учун Лихачев қўмондонлигида Каргиндан етти тўп, ўн икки пулемёт билан уч юз қизил аскар келаётгани маълум бўлди. Петро Токин қишлоғи томонга кучли разведка юборишга ва бу хабарни Вёшенскаяга маълум қилишга қарор қилди.

Разведка ғира-шира қоронғи тушганда йўлга чиқди. Татарсклик ўттиз икки кишига Григорий Ме-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лехов бош бўлди. Қишлоқдан чиқишданоқ отларни Токинга етиб боргунча қаттиқ ҳайдашди. Қишлоққа икки чақиримча қолганда, йўл ёқасидаги унчалик чуқур бўлмаган бир жар бўйида Григорий казакларни отдан тушириб, жарга жойлаштирди. Жиловдорлар отларни пастқамроқ жойга етаклаб тушишди. Бу ерни қалин қор босиб қолган эди. Отлар пастликка тушаётиб қоринларигача юмшоқ қорга кириб кетишди. Аллаким минган отнинг айғирлиги қўзғаб, ҳадеб кишнар, тепинар эди. Уни тинчитиш учун атайлаб бир одам банд бўлди.

Григорий уч казакни: Аникушка, Мартин Шамиль ҳамда Прохор Зиковни Токинга жўнатди. Улар отларини секин ҳайдаб кетдилар. Тепалик остида шарқи-жануб томонга қараб чўзилиб кетган қинғирқийшиқ чорбоғлар олисдан кўм-кўк бўлиб кўринди. Қоронғи туша бошлади. Дашт устини қуюқ булут қоплаб олди. Казаклар чурқ этмай жарда писиб ўтиришарди. Григорий уч отлиқнинг қораси тепадан тушганини, бора-бора қорайиб кўринган йўлга ўтганини томоша қилиб турди. Мана энди отлар кўринмай қолди, фақат отлиқларнинг бошлари лип-лип этиб кўриниб турди, ниҳоят улар ҳам кўздан ғойиб бўлди. Орадан бир минут ўтар-ўтмас ўша ёқдан тариллаган пулемёт овози эшитилди: сўнгра, қизиган ноғарадай тараклаб иккинчи пулемёт овоз берди, буниси қўл пулемёти бўлса керак. Дискадаги ўқини тамомлади шекилли, қўл пулемётининг овози ўчди, биринчи пулемёт эса, қитдай дам олволиб, яна бир лента ўқни сидирғасига отиб бўшатди, ўқлар жар устидан ўтиб, қоронғида аллақаёқларга учиб кетарди. Уларнинг чийиллаган товуши ҳаммани сергаклантириб қўйди. Уч отлиқ ола-тасир қочиб қолди.

— Пистирмага дуч келдик!— деб олисдан бақириб келаверди Прохор Зиков.— От туёқларининг қаттиқ тапир-тупуридан унинг овози эшитилмай қолди.

— Жиловдорлар, отларни тайёрла!— деб буюрди Григорий.

У бир ирғиб жар тепасига чиқди-да, қорга санчи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лаётган ўқларга парво қилмасдан, қочиб келаётган казакларни тўсиб чиқди.

— Ҳеч нарса кўрмадингларми?

— Тапир-тупур обозларни эшитдик. Товушларига қараганда, одам кўпга ўхшади,— деб энтика-энтика-гапириб берди Аникушка. У отдан сакраб тушаётганда этигининг тумшуғи узангига илиниб қолди. Аникушка бир оёғи билан ирғишлаб, сўкина-сўкина, оёғини чиқариб олди.

Григорий Аникушкадан сўраб-суриштираётган маҳалда саккиз казак пастга тушиб отларини минди-ю, уй-уйига жўнаб қолди. Григорий олисдан қочиб кетаётган шерикларининг дупур-дупурига қулоқ солиб туриб:

— Эртага ҳаммасини отамиз,— деди секингина.

Қолган казаклар яна бир соатча овозларини чиқармасдан, тиқ этган товушга қулоқ солиб жарда ўтиришди. Ниҳоят, биттаси от дупурини эшитгандай бўлди.

— Токин ёқдан келишяпти...

— Разведка!

— Бўлмаган гап!

Қазаклар шивирлаб гаплашар, бошларини кўтариб, қоп-қоронғи зулмат орасидан бирор нарсани кўрмоқчи бўлиб бекорга уринишарди. Дастлаб қийиқ кўз Федот Бодовсков келаётганларни кўриб:

— Келишяпти,— деди, елкасидан милтиғини олиб.

Федот доим милтиқни бошқача тақиб юрарди: қайиши бўйнида, милтиқ кўксида; пиёда бўлса ҳам, отлиқ бўлса ҳам доим аҳвол шу эди: худди обкаш кўтарган хотинлардай, бир қўлини милтиқ тиғига, бир қўлини қўндоғига қўйиб олиб кетаверади.

Ўнтача отлиқ олдинма-кетин индамай йўлдан келарди. Бир газ чамаси олдинроқда келаётган, иссиқ кийинган басавлат одамнинг қораси аниқ ажралиб турарди. Унинг остидаги калта дум бўйдор арғумоқ бўйнини гажак қилиб шахдам қадам ташларди. Григорийга кул ранг осмон фонида ҳар бир отнинг, ҳар бир одамнинг қораси, ҳаттоки олдинги отлиқнинг кубанча папоғи ҳам аниқ-таниқ кўриниб турарди. Отлиқлар жарга ўн саржин чамаси яқин келиб қолишганди;

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўралиқ шу қадар яқинлашган эдики, казакларнинг пишиллаб нафас олганини, юракларининг дукиллаганини улар бемалол эшитса керак деб, гумон қилиш мумкин эди.

Григорий боя ўз одамларига: «Менинг командамсиз ўқ чиқарманглар!» деб тайинлаган эди. У, пистирмага беркиниб ётган овчидай, ҳовлиқмас, қулай пайт пойларди. Мана ҳозир у нима қилиш кераклигини ўйлаб топди: тўсатдан «ким» деб савол берадида, улар эсанкираб қолиб, ҳаммаси бир жойга ғуж бўлишганда, ўт очади...

Отлар бир маромда қорни ғарчиллатиб тобора яқин келаверди. Туёқ остидан ялт этиб ўт чақнаб кетди, қор тагидан чиқиб қолган тошга тақа тегиб кетган бўлса керак.

— Ким бу?

Григорий мушукдай бир ирғиб жардан чиқди-да, қаддини ростлади. Унинг кетидан казаклар ҳам дув ёпирилиб чиқишди. Ана шундан кейин Григорий мутлақо кутмаган ҳодиса рўй берди.

— Сизга ким керак?— деб сўради хириллаган йўғон товушли бир одам пинагини бузмай, у дарҳол отини Григорий томон бурди.

Григорий жойидан қўзғалмай:

— Кимсан ўзинг?— деб қаттиқ қичқириб юборди-да, қўлидаги наганни унга сездирмасдан ўқталиб турди.

Йўғон овоз ғазаб билан қаттиқ шанғиллади:

— Сенга ким ҳуқуқ берди бақиришга? Биласанми, мен — жазо отрядининг командири бўламан! Саккизинчи Қизил Армия топшириғи билан қўзғолонни бостириш учун чиққанман! Командирларинг ким? Чақириб кел ҳозир!

— Командир мен.

— Сен-а? Ҳа-а-а...

Отлиқнинг баланд кўтарилган қўлидаги қоп-қора нарсани Григорий кўргани ҳамон, ўқ чиққунча ерга ётволди, ўша заҳотиёқ:

— Ўт оч!— деб бақирди.

Браунинг тўппончанинг тўмтоқ ўқи Григорийнинг боши устидан визиллаб ўтиб кетди. Ҳар икки томон-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дан қасира-қусур ўқ чиқа бошлади. Федот Бодовсков довюрак командир минган отнинг жиловига тармашди. Григорий Федотнинг устидан ошириб, қиличнинг ўтмас томони билан кубанка кийган командирнинг бошига солди-да, зилдай гавдани эгардан ағдариб туширди. Икки минут орасида ур-йиқит тамом бўлди. Уч қизил аскар қочиб қутулди, иккиси ўлди, қолганларини қуролсизлантирдилар.

Григорий қўлга тушган командирнинг оғзига наганни тақаб, қисқача сўроқ қилди:

— Фамилиянг нима, аблаҳ?

— Лихачев.

— Нимангга ишониб тўққизтагина одам билан йўлга чиқдинг? Ёки казакларни менсимадингми, тиз чўкиб тураверади деб ўйладингми? Ялиниб тавба қилади деб ўйловдингми?

— Отиб ташламайсанми!

— Шошма ҳали,— деди Григорий юпатгандай.

— Ҳужжатларинг қани?

— Сумкамда. Ол, бандит!.. Аблаҳ!

Григорий сўкишларига эътибор бермасдан Лихачевнинг ҳамма ёғини ўзи тинтиб чиқди: пўстин чўнтагидан яна битта браунинг топди, маузерини ҳамда ҳарбий сумкасини ечиб олди. Ён чўнтагидан олачипор чарм жилдлик кичкина портфель билан портсигар чиқди; портфелда ҳар хил қоғозлар бор эди.

Лихачев тўхтовсиз сўкинар ва жони оғриганидан инграр эди. Унинг ўнг кифтига ўқ теккан, бунинг устига, Григорийнинг қиличи бошини қаттиқ заха қилганди. Бўйи баланд, Григорийдан анча новча, ўзи чорпаҳилдан келган ва авзойига қараганда хийла бақувват одамга ўхшарди. Тим қора ва қалин қошлари қаншари устида бир-бирига қўшилиб кетганидан, соқолу мўйловсиз юзини шижоатли қилиб кўрсатарди. Оғзи катта, ияги кенг эди. Лихачевнинг эгнида калтагина белбурма пўстин, бошида қилич зарбидан мижиғланган қора кубанка; пўстин тагидан кийган кўк френч билан кенг галифе шими қоматига жуда ярашган эди. Оёқлари кичик, заифона оёқлардай ихчам бўлиб, америкон қўнжли олифта этик кийиб олганди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Пўстинни еч, комиссар!— деб буюрди Григорий.— Қазаклар нонини ейвериб жудаям семириб кетибсан, унча-мунча совуқ сенга писандмас!

Асирларнинг қўлларини белбоғ ва нўхталар билан боғлаб ўз отларига мингизишди.

Григорий жўнашга команда бериб:

— Елдириб ҳайда кетимдан!— деди-да, Лихачевдан олган маузерни ўнглаб осиб қўйди.

Улар Базкида тунашди. Печь ёнида, похол тўшалган полда Лихачев ўзини қаерга қўйишини билмай тўлғанар, тишларини ғижирлатарди. Григорий унинг ўқ теккан кифтини чироқ ёруғида ювиб, боғлаб қўйди, шундан кейин қайта сўроқ қилмади. Стол ёнига ўтириб олиб Лихачевнинг ҳужжатларини, ревтрибунал қочган маҳалда Лихачевга бериб кетган вёшенскаялик аксилинқилобчи казаклар рўйхатини, хотира дафтар ва хатларини, картага қалам тегизилган жойларини анчагача кўриб текшириб чиқди. У аҳён-аҳёнда Лихачевга бир қараб қўяр, найза санчишгандай у билан кўз уриштирио оларди. Шу уйга қўнган казаклар туни билан тинмасдан гоҳ отига қарагани ҳовлига, гоҳ тамаки чеккани даҳлизга чиқавериб, ғўнғир-ғўнғир гаплашавериб безор қилишди.

Тонг отар маҳали Григорийни уйқу элтди, бироқ сал ўтмай уйғониб кетиб, зилдай оғирлашган бошини столдан кўтарди. Лихачев похол устида ўтирган ҳолича тиши билан бинтни ечиб, олиб ташламоқчи бўлар эди. У қонга тўлган ғазабнок кўзлари билан Григорийга тикилди. Садафдай тишлари қаришиб қолган, нурсиз кўзларига ҳасрат чўккан, мўлт-мўлт қилиб турар эди. Буни кўрган Григорийнинг уйқуси ўчиб кетди.

— Сенга нима бўлди?— деб сўради у.

— Сўраб нима қиласан, даюс? Ўлдир мени!— деб бақириб юборди-да, Лихачев боши билан похол устига қулади.

Туни билан у сув ичиб чиқди; тонг отгунча кўз юммади.

Эрталаб Григорий Лихачевни тачанкага солиб, ёнидан чиққан ҳамма ҳужжатларини, ёзган рапортини қўшиб, Вёшенскаяга жўнатди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

XXXI

Вёшенскаядаги собиқ ижрокомнинг қизил ғиштин биноси олдига иккита отлиқ казак билан тачанка келиб тўхтади. Тачанка ичида Лихачев ёнбошлаб ётарди. У қонли латта билан ўроғлиқ қўлини авайлаб ўрнидан турди. Қазаклар отдан тушиб, уни уйга ҳайдаб киришди.

Қўзғолончилар бирлашган отрядларининг муваққат командири Суяровнинг кабинетида элликтача казак тўпланиб турарди. Лихачев қўлини авайлаб, туртиниб-суртиниб, стол қошига борди.

Стол ёнида жиккакдан келган, сап-сариқ ўғри кўзлари ўйнаб турган кўримсиз бир одам ўтирарди. Бу Суяров эди. У Лихачевга кўз ташлади-да:

— Қаптар қўлга тушибди-ку! Лихачев сенмисан?— деб сўради.

— Менман. Ҳужжатларим мана.— Лихачев портфелни халта-палтаси билан стол устига ташлаб, тап тортмасдан Суяровга қаттиқ тикилди.— Мен топшириқни бажара олмаганимга, сиз, аблаҳларни илондай янчиб ташламаганимга ачинаман, холос! Аммо, лекин Совет Россияси сизларни соғ қўймайди. Илтимос қиламан, мени отиб ташланглар.

Лихачев ўқ еган кифтини қимирлатди, қалин қошларини чимирди.

— Йўқ, ўртоқ Лихачев! Биз ўзимиз отишга қарши чиқиб қўзғолон кўтарганмиз. Сизларда одам отиш бор, бизда унақангги гап йўқ. Биз сени даволаб тузатамиз, балки, биз учун фойданг тегиб қолар ҳали,— деб мулойимгина гапирарди Суяров. Бироқ унинг кўзларида ўт чақнаб турарди.— Ортиқча одамлар чиқиб турсин-чи. Қани, тезроқ уйни бўшатинглар!

Уйда фақат Решетов, Чернов, Ушаков, Дубров ҳамда Вёшенская станица сотняларининг командирлари қолди. Ҳаммаси стол атрофига келиб ўтирди. Аллаким оёғи билан табуреткани Лихачев томон туртиб қўйди, бироқ у ўтирмади. Деворга суяниб, ўтирганларнинг бошидан оша деразага қараб тураверди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Суяров сотня командирлари билан кўз уриштириб олиб гап бошлади:

— Масала бундай, Лихачев. Бизга айт-чи, отрядингда қанча одам бор?

— Айтмайман.

— Айтмайсанми? Айтмасанг, керак эмас. Ҳужжатларингга қараб, қанчалигини ўзимиз топиб оламиз. Ёки соқчиларингни сўроқ қилсак, айтиб беришади. Сендан яна бир илтимосимиз бор (Суяров «илтимос» сўзини чертиб гапирди): отрядингдагиларга хат ёзгин, ҳаммаси Вёшенскаяга келсин. Сиз билан ота мероси талашадиган жойимиз йўқ. Биз Совет ҳукуматига қарши чиқмаймиз, биз коммунага, жуҳутларга қаршимиз. Отрядингни қуролсизлантирамизу, уйуйингизга кетинг, деб жавоб берамиз. Сениям қўйворамиз. Гапнинг қисқаси, биз ҳам сизлар сингари меҳнаткашмиз, биздан ҳадиксирамай келишаверсин, мана шундай деб ёзгин, биз Советларга қарши эмасмиз...

Лихачевнинг тупуги Суяровнинг сийрак чўққи соқолига бориб ёпишди. У енги билан соқолини артди, бетлари шолғомдай қизариб кетди. Баъзи бир командирлар илжайиб қўя қолди, қўмондонларини ҳимоя қилиш учун биронтаси ўрнидан қўзғалмади ҳам.

Суяров оғринган одамдай жўрттага гина қила бошлади:

— Бизни ҳақорат қиляпсан, ўртоқ Лихачев! Атаманлар, офицерлар бизни ҳақорат қилиб бетимизга тупуришар эди, коммунист бўла туриб сен ҳам тупуряпсан. Тағин: «Биз халқ тарафдоримиз» дейсиз-а... Ҳой, ким бор эшикда? Комиссарни олиб кетинглар. Сени эртага Казанскка жўнатамиз.

Сотня командирларидан бири:

— Ўйлаб кўр, рози бўлганинг яхшимасми,— деб сўради.

Лихачев кифтини бир силтаб елкасига ташлоғлиқ френчини тўғрилаб олди-да, эшик олдида турган соқчи ёнига борди.

Лихачевни отмадилар. Қўзғолончилар «отишга ва талон-торожга қарши курашади» дейилган эмасми...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Эртаси куни уни Казанскка ҳайдашди. У соқчилар олдига тушиб, қошларини чимириб қор кечиб борарди... Лекин ўрмондаги оппоқ қайин тагидан ўтаётиб соғлом қўлини чўзди-да, унинг бир новдасини узиб олди. Март ойининг ширин-шарбатини сўра бошлаган дарахт куртак чиқарган эди; ундан гулгун баҳорнинг билинар-билинмас нозик ҳиди келар, қуёш бир айланиб келганда йил сайин такрорланувчи ҳаётнинг дараги келарди. Лихачев тўлишган куртакларни оғзига солиб шимар ва кўзларига ёш келиб, уйғониб келаётган дарахтларга боқар, лабининг бир чети билан кулимсирарди.

Лихачев жон бераётганда очилмаган қора гулбарглар лаблари орасида қолган эди: Вёшенскаядан етти чақирим нарида уни соқчилар, бефайз қум тепалар орасида ваҳшийларча қиймалаб ўлдирдилар. Тириклайин кўзларини ўйиб, буруну қулоқ, қўлларини кесиб, бетларини қилич билан тилимладилар. Иштонини етиб, паҳлавон жусса, басавлат ва чиройли жисмини қийма-ёйма қилдилар, ҳатто қон тизиллаб оқаётган қўл-оёқсиз гавдасини таҳқирладилар. Ниҳоят, соқчилардан биттаси, чалқанчасига тушиб ётган ожиз тананинг титраб турган кўксига оёқ қўйиб туриб, қилич билан шартта бошини узиб ташлади.

XXXII

Доннинг нариги ёқларидан, юқори Дондан кун сайин қўзғолоннинг кенг ёйилаётгани тўғрисида хабар келиб турарди. Қўзғолон кўтарган икки станицага бошқалар ҳам эргашган эди. Шумилин, Казанск, Мигулин, Мешков, Вёшенская, Елань, Усть-Хопер бош кўтариб, наридан-бери сотнялар ташкил этиб олишганди: Каргин, Боков Краснокут станицалари ҳам қўзғолончиларга қўшилиш пайида эдилар. Ёнмаён қўшни бўлган Усть-Медведица ва Хопер округларида ҳам қўзғолон чиқиш хавфи туғилганди. Буканов, Слашев, Федосеев станицаларида ит эгасини танимай қолди; Алексеевск станицасининг Вёшенскаяга

www.ziyouz.com kutubxonasi

туташган қишлоқларида ғалаён бошланди... Вёшенская йирик станица бўлганлигидан қўзғолон марказига айланди. Кўпгина талаш ва тортишувлардан кейин усули идора тартибини илгаригисича қолдиришга қарор қилишди. Округ ижроком ҳайъатига энг обрўли ёш казаклар сайланди. Илгари артиллерия бошқармасида хизмат этган ҳарбий мансабдор Даниловни раис қилиб кўтаришди. Станицаларда, станица қишлоқларида қишлоқ совети ташкил қилишиб, ҳаттоки илгари ҳақорат ҳисобланган «ўртоқ» сўзини ҳали ҳам бемалол ишлатаверишарди. Кўз бўяш мақсадида: «Биз Совет ҳукумати тарафдоримиз, лекин коммунага, талон-торож ва отишларга қаршимиз» деган қалбаки шиор ўртага ташланган эди. Ана шунинг учун қўзғолончилар папоқларидаги битта оқ лента устидан кўндалангига яна битта қизил лента тақиб юришарди...

Қўзғолончиларнинг бирлашган кучлари устидан командир бўлган Суяров ўрнига, тўрт хил георгий ордени билан мукофотланган, эс-ҳуши бутун, гапдон, йигирма саккиз яшар хорунжий Павел Кудинов сайланди. Унинг асосий камчилиги иродасизлиги эди; ўшандай тўполон пайтда бу қадар иродасиз кишининг қўзғолончи округга бош бўлиши келишмаган гап эди, бироқ шунга қарамай, камтарлиги ва хушмуомалалиги учун казаклар уни яхши кўришарди. Хусусан, Кудиновнинг насл-насаби казаклардан бўлиб, етти пуштидан тортиб таниғли одамлар эди; ўзи бўлса, манманликни, казаклардан кўтарилган офицерлар сингари ўзини катта олишни билмасди. У доим содда кийиниб, узун сочларини гир айлантириб текис олдириб юрарди. Гавдаси сал-пал букчайган, гапирса, лаби лабига тегмас эди. Бурни сумакдай, афт-башараси анчайин мужикларникидан фарқ қилмасди.

Илья Сафонов деган ясовул ёрдамчисини қўрқоқлиги учунгина штаб бошлиғи вазифасига сайлашди; лекин унинг хати чиройли, ўзи саводхон эди. Йиғиндагилар гапнинг пўскалласини айтиб қўя қолишди:

— Штабга шуни қўйиш керак. Ўзи сафга ярамай-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди. Бу командирлик қиладиган бўлса, ҳамма казак қирилади, ўзиям шикаст ейди. Буни жангчи қиламан дегунча она сути оғзингга келади.

Пакана бўйли, гирдиғумдан келган Сафонов бу хил қочирим гаплардан қайтага суюниб, мийиғида илжайди-да, бу вазифани жон деб қабул қилди.

Лекин ҳамма иш сотняларнинг ихтиёрида, улар нима деса, Кудинов билан Сафонов шуни қилишга мажбур эдилар. Раҳбарлик масаласида иккисининг қўли боғлиқ эди, боғланмаган тақдирда ҳам барибир бу қадар улкан ҳаракатни бошқаришга кучлари, кун сайин авж олаётган воқеаларни тушунишга фаҳмлари етмасди.

4-нчи Заамур полки, ўзига қўшилган устьхоперлик, еланлик ва қисман вёшенскаялик большевиклар билан биргаликда кўпгина қишлоқларни жанг билан босиб ўтди, Елан станицасининг чегарасидан ошиб, ҳозир дашт ичи билан Дон ёқалаб ғарб томон силжимоқда эди.

5 март куни чопар Татарскка хат олиб келди. Еланликлар шошилинч суратда ёрдам сўраган эдилар. Улар қаршилик кўрсатмасдан чекина бошлаганлар, чунки ўқ-дорилари, милтиқлари йўқ эди. Заамурликларга қарши отилган палапартиш ўқ пашша чаққанчалик таъсир этмасди, улар икки тўп ва пулемётлардан ўт очиб, еланликларни кўз очгани қўймадилар. Бундай шароитда округдан йўл-йўриқ сўраб ўтиришга вақт йўқ эди. Петро Мелехов ўзининг икки сотня казаклари билан йўлга чиқишга қарор қилди.

Қўшни қишлоқлардан келган тўрт сотнянинг командирлигини ҳам Петро қабул қилди. Саҳарлаб казакларни дўнгликка бошлаб олиб чиқди. Олдин разведкалар тўқнашиб отишма бўлиб турди. Анчадан кейин жанг бошланди.

Татарск қишлоғидан саккиз чақирим нарида бўлган Қизил жарда,— бир вақтлар Григорий Наталья билан ер ҳайдаётиб: «Мен сени севмайман» деб биринчи марта хотинининг бетига айтган жойда, казак сотнялари қор босган чуқур жар ёқасида отдан тушиб, саф-саф бўлиб ётиб олдилар, от етакловчилар

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўтларни пана жойга етаклаб ўтишди. Ўша куни ҳаво қовоғини солиб олганди; дошқозон шаклидаги каттакон чуқурлик ичидан қизиллар уч қатор саф тортиб ҳужумга ўтишган, кенггина ўрликнинг ичи чумолидай ғимирлаган одамга тўлган эди. Қизиллар сафи ёнига аравалар келиб турар, отлиқлар у ёқдан-бу ёққа ўтиб туришарди. Қизиллар билан казаклар ораси икки чақирим келарди. Казаклар шошмасдан жангга тайёрланишмоқда эди.

Еланлик сотнялар ёйилиб жангга тайёр бўлгандан кейин, Петро бир оз тер босган семиз арғумоғини чоптириб Григорийнинг олдига борди. Унинг димоғи чоғ, ғайрати қўзиган эди.

— Биродарлар! Патрон исроф бўлмасин! Мен команда берганда отасиз... Григорий, сен ўз одамларингни юз эллик саржин чапроққа олиб ўт. Тезроқ қимирла! Жиловдорлар бир жойга тўпланишмасин!— Петро яна бир қанча сўнгги топшириқларни бериб бўлиб, дурбинга қаради:— Ие, Матвеев қўрғони устига тўп ўрнатишяпти-ку.

— Буни мен боя пайқадим, дурбинсизоқ кўриниб турибди.

Григорий акасининг қўлидан дурбинни олиб кўзига тутди. Қўрғоннинг нариги томонида, шамол ялаб кетган тақир чўққи устида ғимирлаган аравалар, қумирсқадай ўрмалаган одамлар кўринарди.

Сувори казаклар, «пластунчилар» деб лақаб қўйилган татарсклик пиёда аскарлар, «тўпланилмасин» деб қаттиқ огоҳлантирилганига қарамай, галаґала бўлиб тўпланиб олишар, бир-бирларига патрон беришиб, тамаки чекишиб, гап сотишарди. Отидан ажраб пиёда аскарга қўшилиб қолган Христонянинг папахи бўйи паст казаклардан ярим газ баландликда чайқалиб юрар, ора-сира Пантелей Прокофьевичнинг қизғиш қулоқчини ҳам кўзга чалиниб қоларди. Пиёда аскарлар орасида чолу ўспиринлар кўп эди. Пояси ўрилмай қолган кунгабоқарларнинг ўнг томонида еланликлар бир ярим чақирим жойгача чўзилиб ўрнашиб олишган эди. Уларнинг тўртта сотняларида олти юз одам бўлиб, шулардан икки юзтачаси от етаклаш билан овора эди. Учдан бир қисми

www.ziyouz.com kutubxonasi

от етаклаш баҳонаси билан жар тагида писиб ётарди.

— Петро Пантилевич!— деб чақирди пиёдалар орасидан аллаким.— Ишқилиб, жангда бизларни ёлғиз ташлаб қўймагин-да!

— Хотиржам бўлинглар! Ёлғиз қўймаймиз,— деб илжайди-да Петро, секин-аста тепага чиқиб келаётган қизиллар сафига тикилиб туриб, асаби қўзиганидан қамчисини ўйнай бошлади.

— Петро, баққа ке, — деди Григорий сафдан четроққа чиқиб.

Акаси унинг ёнига борди. Григорий юзини бужмайтириб, норозилигини яширмасдан:

— Турган позициямиз менга ёқмаяпти,— деди. Жардан ўтиб жой ишғол қилсак бўларди. Ён томондан ўраб олишса борми, кўрасан кўрадиганингни. Нима дединг?

Петро жаҳл билан қўл силтади.

— Нималар деяпсан? Қандай қилиб ўраб олишади? Ҳар эҳтимолга қарши бир сотня аскарни резервда қолдирганман, иш пачавага айланадиган бўлса, жарлар ҳам иш беради. Жарнинг зиёни йўқ.

— Ишқилиб, ҳушёр бўл, бола!— деб огоҳлантирди-да Григорий, яна бир марта теварак-атрофга назар ташлади.

Григорий ўз жойига қайтиб, казакларни бирма-бир кўздан кечириб чиқди. Кўпчиликнинг қўлида қўлқоп йўқ эди, ҳаяжон ичида қизишиб ечиб ташлаган эдилар. Баъзиси юраги сиқилганидан, гоҳ қиличини тузатар, гоҳ камарини сиқиб боғларди.

Федот Бодовсков лапанглаб келаётган Петрога ишора қилиб:

— Ана, командиримиз отдан тушдилар,— деб пичинг аралаш кулиб қўйди.

— Ҳой, генерал Платов!— деб шанғиллади бир қўли йўқ Алёшка Шамиль. Унда қиличдан бўлак қурол йўқ эди.— Буйруқ бер, казакларга бир қадаҳдан ароқ тутсинлар!

— Овозингни ўчир, ароқхўр! Қизиллар иккинчи қўлингниям кесиб ташлашса, қандай қилиб қадаҳ кўтарасан? Ётволиб жомашовдан ҳўплайсан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳаддингдан ошма!

— Ароқни жудаям соғиндим-да!— деб хўрсинди Степан Астахов; у қўлини қилич дастасидан олиб, новвот ранг мўйловини бураб қўйди.

Қазаклар ҳозирги вазиятга мутлақо мос келмайдиган гаплар билан ўзларини овутар эдилар. Матвеев қўрғони томонидан тўп овози келиши билан ҳамма бирданига жимиб қолди.

Тўп оғзидан гумбурлаб чиққан товуш дашт устида янграб кетди, сўнгра бирдан қарсиллаган мудҳиш овоз эшитилди. Тўп ўқи мўлжалга етмасдан казаклар сафидан ярим чақирим нарироқда ёрилди. Қопқора тутун аралаш оппоқ қор кўкка кўтарилиб, секин-аста шудгор устига қайтиб қўнди-да, ер бағирлаб бурганзорга тарқалиб кетди. Ўша заҳотиёқ қизиллар томондаги пулемётлар ўт очиб юборди. Пулемёт ўқлари тунги қоровул шақилдоғидай тинмай тарилларди. Қазаклар қорга, бурганлар тагига, қақ-қайган кунгабоқар поялари орасига ётиб олишди.

— Тутини жудаям қоп-қора-я! Худди немис ўқига ўхшайди!— деб бақирди Прохор Зиков, Григорий томон бурилиб. Ёнма-ён жойлашган еланликлар сотнясида қий-чув кўтарилди.

Шамол аралаш:

— Митрофан ҳалок бўлди!— деган чинқириқ эшитилди.

Ўқ ёғилиб турганига қарамай, рубежинлик малла соқол юзбоши Иванов Петронинг олдига чопиб келди. У пешонасини артар, ҳансирарди:

— Қор ҳам дейман, роса қалин ёғибди-да, оёқни суғуриб ололмайсан!

— Нега келдинг?— деб ўдағайлади Петро қошини чимириб.

— Миямга бир ғалати фикр келди, ўртоқ Мелехов! Бир сотня одамни сафдан олиб жарга туширсак. Улар Дон ёқалаб пастликдан тўғри қишлоққа боришса-ю, орқа томондан қизиллар устига ташланса. Ҳойнаҳой улар юк ортилган араваларини ўша ерда қолдиришган чиқар... Қоровулларнинг қўлидан нима келарди? Ҳеч бўлмаганда ваҳима солиб эсанкиратиб қўямиз-ку.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Петрога бу ғалати фикр ёқди. У ўз казакларига ўт очишга команда берди-да, қаққайиб турган Латишевга қўл силтаб, лапанглаганича Григорий олдига борди. Масалани унга тушунтириб, қисқача буйруқ берди:

— Одамларингни бошлаб олиб бор! Орқаларидан ур!

Григорий ўз казакларини бошлаб кетди, жар тагига етгач, отларини йўрттириб қишлоққа қараб жўнашди.

Казаклар икки обоймадан ўқ узишиб қараб тура бердилар. Саф-саф бўлиб келаётган қизиллар ётиб олдилар. Пулемётлар гоҳ тариллар, гоҳ дами ичига тушиб кетарди. Мартин Шамилнинг оқ туёқ арғумоғи дайди ўқ тегиб, от етакловчининг қўлидан юлқиниб чиқди-ю, чўчонглаганича рубежинлик казаклар сафини ёриб ўтиб, қияликдан қизиллар томонга кетди. Дўлдек ёғилаётган пулемёт ўқи уни илматешик қилиб юборди, қуюндай учиб кетаётган от сағрисини кўтариб бир ирғишлади-ю, гурсиллаб қорга йиқилди.

Петронинг:

— Пулемётчиларни мўлжаллаб от!— деган буйруғи сафдан сафга оғизма-оғиз такрорланарди.

Энг уста мерганларгина мўлжаллаб ота бошладилар. Ҳеч ким писанд қилмайдиган верхнекривсклик анчайин бир казак кетма-кет ўқ узиб учта пулемётчини нобуд қилди; шундан кейин кожухида суви қайнаб кетган «максим»нинг жағи тинди. Бироқ ўлган пулемётчилар ўрнига бошқалари келди. Пулемёт яна тилга келиб ажал уруғини соча бошлади. Қизиллар кетма-кет бараварига ўқ ўзишар, казаклар хуноб бўлиб, қорга чуқурроқ биқинишарди. Аникушка бўлса, қор тагини кавлаб кириб кетган, лекин гап сотишни қўймасди. Унинг занг босган яшил обоймасидаги беш ўқи ниҳоят тамом бўлди; шундан кейин у ўқитин-ўқтин қордан бошини чиқариб лабларини чўччайтирар чўчиган суғурнинг овозига ўхшатиб чийиллаб қўяр эди.

Аникушка ўзини жинниликка солиб суғурдай чийилларди-да, қатор ётган казакларга назар ташлаб қўярди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Унинг бу қилиғидан ўнг ёнидаги Степан Астахов қотиб-қотиб кулар, лекин чап ёнидаги Лофчининг ўғли Антипка болохонадор қилиб сўкарди.

— Бас қил, ифлос! Ҳазилниям вақти бор-да!

Бироқ Аникушка қўрқиб кетган одамдай жўрттага кўзини ола-кула қилиб унга қарарди-да, яна чийиллаб қўярди.

Қизилларда тўп ўқи камчил бўлса керак: ўттизтача ўқ отгандан кейин тўплари жимиб қолди. Петро сабрсизланиб ҳадеб кетига — дўнг чўққисига қарарди. У икки кишини қишлоққа жўнатиб, қишлоқдаги ҳамма одам паншаҳа-ю, таёқ, чалғи-ўроқ кўтариб дўнгга чиқсин деб тайинлаган эди. Шу тариқа қизиллар юрагига ваҳима солмоқчи, уларга уч саф одамни рўпара қилмоқчи эди.

Сал орада дўнг устида одамлар кўринди-ю, галагала бўлиб тушиб келишаверди.

— Уни қара, тумонат одам босиб кетди!

— Бутун қишлоқ қўзғалибди.

— Ие, хотинлар ҳам бор-ку!

Қазаклар бир-бирини чақириб кулишди, илжайишди, ўқ отишни тўхтатиб қўйишди. Қизиллар томонида фақат икки пулемётнинг тариллагани ҳамда ора-сира баравар отилган ўқларнинг қасира-қусури эшитиларди.

— Аттангки, қизиллар замбараги ишламай қолди-да! Бу сочи узун лашкарга қарата биттагина ўқ узилса борми, бўларди қиёмат! Этагини ҳўл, думини хода қилиб қочишини кўрардинг!— деб завқланарди бир қўли йўқ Алёшка Шамиль, афтидан, у хотинлар устига тўп ўқи тушмаганига ростдан ҳам ачинаётгандай кўринарди.

Гала-гала бўлиб келаётган оломон тизила бошлади, бўлиниб-бўлиниб, икки қатор бўлиб саф тортди.

Петро уларни казаклар ёнига яқин келтирмай, олисда қолдирди. Лекин тўпланиб келган оломоннинг ваҳимаси қизилларга анча таъсир этди. Қизиллар сафи чуқурлик томон силжиб чекина бошлади. Петро ўнг қанот очилиб қолишига қарамай, икки саф еланликларни отлантириб, Григорийга ёрдам учун шимол томонга, Дон бўйига жўнатди. Қизилжарнинг нариги

www.ziyouz.com kutubxonasi

томонида қизиллар кўз олдидаёқ сотнялар саф тортиб, қияликдан тўғри Дон бўйига тушиб кетишди.

Чекинаётган қизиллар сафига қарата яна ўқ узила бошлади.

Шу аснода хотин-халаж, ўспирин, қари-қартанглардан тузилган «мададкор» шоввозлар орасидаги бирмунча шаддод аёллар билан шумтака болалар казаклар сафига ўтиб олишди. Булар орасида Дарья Мелехова ҳам бор эди.

— Петя, милтиғингни бер, менам қизилларга қаратиб битта ўқ узай! Милтиқ отишга балодай ақлим етади.

Дарья чиндан ҳам Петронинг карабинини олдида, эркакчасига тиз чўкиб, милтиқ қўндоғини кифтига қаттиқ босиб туриб, дадил устма-уст икки ўқ узди.

Аммо «мададкорлар» совқотиб, оёқларини бир-бирига урар, ирғишлар, ҳадеб бурунларини қоқишарди. Икки қатор оломон шамолда тебранган дарахт баргидай қалтирарди. Хотинларнинг лаб-лунжлари, афтбашаралари кўкариб кетган, кенг-кенг юбка этаклари остида муздай шамол ўйнар эди. Шарти кетиб, парти қолган чоллар тўнгиб қолишди. Кўпгина қарияларни, шу жумладан, бобо Гришкани суяшиб қишлоқ томондаги тепа орқасига олиб ўтишди. Бу ерда шамол баландлаб ўтарди. Дўнг устида отишма овозидан ва изғириндан қутулган чолларга жон кириб қолди. Улар ўзаро гапга тушиб кетиб, қадимги уруш ва жанглардан, ҳозирги урушнинг қусрларидан, ака-ука билан, ота ўз боласи билан жанг қилишга мажбур эканидан ҳасрат қилишар: «Эндиги тўплар олисдан туриб бемалол ураверади, қаердан отаётганини кўриб ҳам бўлмайди»— дейишарди.

XXXIII

Григорий ўз қўл остидаги ярим сотня казаклар билан заамурликларнинг биринчи даража обозини мажақлади. Саккиз қизил аскарни қиличдан ўтказиб, патрон ортилган тўрт арава, эгарланган икки отни

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўлга туширди. Қазаклардан бир киши енгил ярадор бўлди, бир от ўлди, холос.

Григорий ўлжа тушган араваларни ҳайдаб кетди, ғалаба қозонгани, кетидан ҳеч ким қуваламагани учун суюниб, Дон бўйлаб кетаётган маҳалда, жар ёқасидаги дўнгда жанг қизиб кетди. Заамурликлар эскадрони жанг бошлашдан олдин ўн чақирим наридан айланиб келиб, казаклар орқасига ўтиб олган эди. Эскадрон дўнг орқасидан қўққисдан ҳужум қилиб, от ушлаб турган казаклар устига ёпирилди. Оту одам аралашиб кетди. От етакловчилар отларни судраб Қизилжар ёқасига қочиб чиқа бошлади. Баъзилари казакларга отларини обориб берди, кўпчилигининг бошида заамурликлар қиличи ўйнади. Яроғи йўқ жиловдорлар отларни ташлаб, қочиб қолишди. Пиёда аскарлар бўлса, ўз одамларига ўқ тегишини ўйлаб, милтиқ отолмади, худди қопдан тўкилган нўхатдай думалаб жар тагига етиб олишди-да, нариги томонга ўтиб тумтарақай қочиб қолишди. Отларини тутиб ололган суворийлар (бундайлар анчагина эди) «кейин қолган номард» деб қишлоққа қараб туёқларини шиқиллатишди.

Дастлаб Петро қийқириқ келган томонга бурилиб қаради-ю, жиловдорлар устига бостириб келаётган гала-гала отлиқларни кўриб:

— Отланинг! Пиёдалар! Латишев! Жардан ўтиб ол!— деб команда берди.

Бироқ ўз оти ёнига етиб ололмади. Унинг оти Андрюшка Бесхлебнов деган йигитнинг қўлида эди. У ўнг қўлида Петро билан Федот Бодовсковнинг отларини жиловидан судраб, Петронинг олдига чоптириб келмоқда эди. Бироқ ён томондан сариқ пўстин кийган, тугмалари солинмаган бир қизил аскар ўқдай учиб чиқди-ю, Андрюшкага қилич солаётиб:

— Вой, сендақа аскарга ўйнаб қўяй!...— деб ҳайқирди.

Хайриятки, Андрюшканинг толеига милтиғи елкасида эди. Андрюшканинг оқ шарф ўраган бўйнига қарата солинган қилич милтиққа тегди-да, қизил аскарнинг қўлидан отилиб чиқиб кетди. Андрюшканинг остидаги асов от юлқиниб четга чиқди-ю, олиб қочди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Петро билан Бодовсковнинг отлари унинг кетидан чопиб кетди.

Петро «воҳ» деб юборди-ю, бирдан анқайиб қотиб қолди, рангги қув ўчиб кетди, бирпасдан кейин бетига қон югурди. Петро кетига бурилиб қараган эди, ўн чоғли казаклар чопиб келаётганини кўрди.

— Ўлдик!— деб бақирарди Бодовсков. Қўрққанидан унинг афти-башараси бутунлай ўзгариб кетган эди.

— Жарга сакраб тушинглар! Биродарлар жарга!— Петро эс-ҳушини тўплаб энг аввал жарга қараб чопди, ўттиз саржин келадиган чуқурликка думалайдумалай тушиб кетди. Алланимага илиниб, пўстининг кўкрак чўнтагидан то этагига довур йиртилди; ирғиб ўрнидан турди-да, ит сингари бир силкиниб олди.

Казаклар тепадан дўмбалоқ ошиб, чархпалак бўлиб жар тагига қулайверди. Бирпаснинг ичида ўн бир киши тушди; Петро ўн иккинчиси эди. Юқорида қасира-қусур ўқ товушлари,— қийқирган овозлар, отларнинг тапир-тупури ҳали ҳам босилмасди. Жарга қулаган казаклар папахларига ёпишган қору қумни тентаклардек қоқишар, баъзилари оғриган жойларини силашар эди. Мартин Шамиль милтиқ затворини очиб, тиқилган қорни пуфлади. Йигитчалардан бирининг, марҳум қишлоқ атамани Маницков ўғлининг кўзларидан тирқираб ёш оқар, қаттиқ қўрққанлигидан икки бети дир-дир титрарди.

— Энди нима қиламиз? Петро, йўл кўрсат! Ажал бўғзимиздан хиппа бўғиб олди-ку! Қаёққа қочамиз? Ҳаммамиз қириламиз-ку.

Федот тишларини такирлатиб, сой ичи билан тўғри Донга томон югурди. Бошқалар қўй сингари унга эргашди.

Петро уларни аранг тўхтатди:

— Тўхтанглар! Бирор маслаҳатга келайлик... Қочма! Отиб ташлашади!

Петро ҳамма одамни жар ёнбошидаги қизил тупроқ сой ичига олиб тушди-да, ўзини вазмин тутишга тиришиб, дудуқлана-дудуқлана, шундай маслаҳат берди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Пастга қараб юриб бўлмайди. Улар ҳали қочган одамларимизни анча жойга қувиб боради... Шу ерда қолганимиз маъқул... Унгурлар орасига бекининглар... Уч киши мана бу томонга ўтсин... Босиб келишадиган бўлса, отишиб кўрамиз... Бу ерда жон сақлаш мумкин.

Боядан бери йиғидан бош кўтармаган башараси сап-сариқ Маницков бирданига бўтадай бўзлашга тушди.

— Ҳаммамиз қириламиз энди! Айланай оталар! Барака топкурлар! Мени қўйворинглар!.. Бўмайди!.. Ўлишга розимасман!— деб ялинарди.

Федот қийиқ кўзларини ўқрайтириб, Маницковнинг башарасига мушт билан қулочкашлаб туриб солворди.

Боланинг бурнидан тирқираб қон кетди, ўзи гандираклаб бориб, жар четига орқаси билан урилди-ю, аранг туриб қолди, бирпасда йиғиси ҳам тўхтади.

— Нимани отамиз?— деб сўради Шамиль Петронинг енгидан силтаб.— Қанча патронинг бор? Патрон йўқ-ку!

— Битта граната ташлашса, тутдай тўкиламиз!

— Хўш, бўлмаса нима қилайлик?— Петро бирданига бўзариб кетди, мўйлови қалтираб, лабларида кўпик пайдо бўлди.— Ёт дейман!.. Командир менми ё бошқами! Отиб ташлайман!

У чиндан ҳам казаклар боши устида наган ўйната бошлади.

Унинг ғижиниб пичирлаши казакларни жонлантиргандай бўлди. Бодовсков билан Шамиль, яна икки казак жарнинг у бетига чопиб ўтиб, чуқурча ичига беркиниб олишди, бошқалар Петронинг ёнида қолди.

Баҳор пайти тоғдан сел келганда унинг лойқа суви харсангларни кўчириб, қизил тупроқ қатламларини емириб, ерни ўйиб кетади, жар четлари ўпирилиб ғорлар, унгурлар пайдо бўлади. Казаклар шулар ичига жойлашиб олишди.

Петронинг ёнида турган Лофчининг ўғли Антипка милтиғини маҳкам ушлаб олиб, тушини сувга айтаётган одамдай, ўзидан-ўзи шивирларди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Стёпка Астахов отини думидан тутиб миниб олди-ю, қочиб қутулди, урганда мени худо урди... Пиёдалар ҳам бизни ташлаб кетди... Қутулишнинг иложи йўқ, соб бўлдик, ўлдик!..

Жар тепасида қорни ғарчиллатиб югуришган одамларнинг оёқ товушлари эшитилди Жар тагига қор аралаш тупроқ думалаб тушди.

— Ана, келишди!— деб шивирлади Петро Антипканинг енгидан ушлаб; бироқ у қўлини тортиб олди-да, бармоғини тепкига қўйиб туриб, юқорига қаради.

Ҳеч ким жар ёқасига яқин келмади.

Юқоридагиларнинг гаплашаётани, отга қичқирган овозлари эшитиларди.

«Ўзаро маслаҳат қилишяпти»,— деб ўйлади Петро, лекин бутун аъзойи баданини яна тер босиб кетди, орқасидан, кўксининг ўртасидаги чуқурчасидан, икки бетидан маржон-маржон бўлиб тер оқа бошлади...

— Ҳой, казаклар! Чиқаверинглар! Барибир қутулолмайсиз!— деган овоз келди тепадан.

Биронтаси жар бўйига жуда яқин келди шекилли, дувиллаб қор туша бошлади.

Юқоридан иккинчи бир овоз дангал эшитилди.

— Мана бу ердан сакрашибди, мана изи. Сакраганини ўз кўзим билан кўрдим!

— Петро Мелехов! Қани чиқ!

Пуч хаёл бир лаҳза Петрони севинтириб юборди. «Қизиллар орасида мени ким танирди? Булар албатта ўз одамларимиз! Демак, ҳужумни қайтаришибди!»— деб ўйлади. Бироқ ҳалиги овоз яна эшитилгач, аъзойи бадани титраб кетди:

— Михаил Қошевой гапиряпти. Яхшиликча таслим бўлинглар. Барибир қутулолмайсиз!

Петро пешонасини артди, тер аралаш қон доғлари кафтига юқиб қолди.

Петро эс-ҳушидан ажраган одамдай, сезиш қобилиятини йўқотиб қўйди, кўзига ҳеч нарса кўринмай қолди.

Шунинг учун ҳам Бодовсковнинг овозини эшитиб чўчиб кетди:

— Хўп, агар қўйворадиган бўлсангиз, чиқамиз. Йўқ десангиз, отишаверамиз! Вассалом!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Юқоридагилар бирпас жимиб туриб.

— Қўйворамиз...— дейишди.

Петро зўрға эс-ҳушини тўплаб олди. «Қўйворамиз» деб уни лақиллатмоқчи бўлганини сезди.

— Қайтинглар!— деб бақирди Петро бўғиқ овоз билан, бироқ ҳеч ким унга қулоқ солмади.

Чуқур тагига биқиниб олган Антипкадан бошқа ҳамма казак буталарга тармашиб юқорига чиқди.

Петро ҳаммадан кейин чиқди. Тирик қолиш, қутулиш умиди устунлик қилиб, ҳаёт амрига бўйсунди. Баъзи бир мулоҳазаларга бориб милтиғидаги ўқларни олиб ташлади-да, қияликдан тармашиб чиқа бошлади. Унинг кўзлари тиниб кетди, юраги кўксига сиғмай қолди. У худди болалик чоғида кўрган тушларидай нафаси бўғилиб қийналар эди.

Петро гимнастёркасининг ёқа тугмаларини юлиб ташлади, ички кир кўйлагининг ёқасини чок этди. Тер қуявериб кўзлари хиралашган, қўллари тайғаниб кетар, жар четидаги муздай тошларни ушлай олмас эди. Энтикиб, хириллаб ниҳоят жар ёқасидаги қори босилган текис жойга чиқди-да, милтиғини ерга ташлаб, икки қўлини кўтарди. Ундан олдин чиққан казаклар ғуж бўлиб туришар эди. Бир тўп пиёда ва отлиқ заамурликлар орасидан Мишка Қошевой ажраб чиқди-да, казаклар томон юрди. Кетидан отлиқ аскарлар етиб келди.

Мишка Петрога бетма-бет туриб олиб, кўзини ердан олмасдан секингина:

— Урушиб бўлгандирсан энди?— деб сўради, жавоб кутиб бир оз жим турди-да, яна ҳалигидай Петронинг оёғига тикилиб: — Командири сенмидинг?— деб сўради.

Петронинг лаблари титрай бошлади. Ниҳоятда чарчаган одамдай, қўлини аранг кўтариб, тер босган пешонасини ушлади. Мишканинг қайрилган узун киприклари пирпираб кетди, учуқ тошган қалин устки лаби қимирлади. Мишканинг аъзойи бадани шу қадар қалтираб кетдики, ҳозир йиқилади деб ўйлаш мумкин эди. Бироқ у ялт этиб Петрога қаради-ю, умрида танимаган ёт кишидай унинг кўз қорачиғига тикилиб қолди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ечин!— деди Мишка қисқагина қилиб.

Петро эпчиллик билан пўстинини ечиб, яхшилаб тахлади-да, қор устига қўйди; бошдан папоғини олди, камарини, уст кўйлагини ечди, сўнгра қорга ўтириб этигини торга бошлади. Лекин рангги-рўйи тобора оқариб борарди.

Иван Алексеевич отдан тушиб, Петронинг ёнига келди, ўзини тутолмай, йиғлаб юборишдан қўрқиб, тишини тишига қўйганича унга тикилиб қолди.

— Кўйлак-иштонингни ечма,— деди Мишка шивирлаб, сўнгра бир сесканиб тушди-ю:— Тезроқ бўл!..— деб чинқириб юборди.

Петро типирчилаб қолиб, жун пайпоқларини ғижимлаб этик қўнжига тиқди-да, қаддини ростлаб пўстин устидан қорга тушди. Оппоқ қор устида бир жуфт сап-сариқ оёқ босиб турарди.

Петро лабини аранг қимирлатиб Иван Алексеевични чақирди:

— Бўла!

Бироқ у Петронинг яланг оёқлари остида эрий бошлаган қорга тикилганича чурқ этмади.

— Оғайни, Иван, сен ахир менинг боламни чўқинтирган эдинг... Жўра, мени ўлдирманглар!— деб ялинди Петро, бироқ Мишканинг наган ўқталганини, нақ кўксини мўлжалга олганини кўриб, ёрқин бир манзарани кўришга тайёрлангандай кўзларини катта очди, сувга сакрамоқчи бўлган кишидек бўйнини қисиб олди.

Петро ўқ товушини эшитмади ҳам, кучли зарб егандай чалқанчасига қулаб тушди.

Назарида Кошевойнинг ўқталиб турган қўли юрагига чангал солгандай, бутун қонини сиқиб олгандай бўлди.

Петро ўз ҳаётининг сўнгги дақиқасида сўнгги марта кучини тўплаб туриб, ич кўйлагининг ёқасини ечди-да, чап эмчаги остидаги ўқ кирган жойни очиб қўйди. Олдин жароҳат ичидан қитдай қон сизиб чиқди-да, ўзига йўл очиб олгандан кейин қоп-қора қон фонтандай вишиллаб отила бошлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

XXXIV

Қизилжар томонга юборилган разведка тонг маҳалида, Еланск чегарасига довур қизиллар учрамади, ўша ёқда, жар тепасида чопиб ташланган Петро Мелехов билан ўнтача казакнинг ўлиги ётибди, деган хабар олиб келди.

Григорий ўликларни олиб келиш учун арава юбортирди-да, ўзи Христоняникига ётгани кетди. Хотинларнинг аза тутиб додлашидан, Дарьянинг бўкириб йиғлашидан безор бўлиб уйида туролмади. Оппоқ тонг отгунча у Христонянинг уйида, печь ёнида ўтириб чиқди. У ютоқиб тамаки чекар, миясига келган хилмахил хаёлларни қочириш, Петродан ажраганини эсламаслик учун яна шоша-пиша тамаки халтасига ёпишарди, сўнгра, аччиқ тутунни устма-уст ичига ютиб, мудраб ўтирган Христоня билан у ёқдан-бу ёқдан гаплашиб ўзини овутарди.

Тонг отди. Эрталабданоқ қор эрий бошлади. Соат ўнга бориб гўнг босган йўлларда кўлобчалар пайдо бўлди. Бўғотлардан чакка тома бошлади. Хўрозлар баҳор ҳидини сезиб бошқача қичқиришар, аллақайси бир бурчакдан ёлғиз товуқнинг қақиллагани эшитиларди.

Қўраларнинг кунгай томонида ҳўкизлар четанга суйканишарди. Кўклам келганидан тўкила бошлаган қўнғир жунларини шамол учириб юрарди. Эриган қордан ғалати бир ўткир ҳид анқирди. Христонянинг дарвозаси олдидаги яйдоқ олма шохида кўкрак патлари сап-сариқ кичкинтой бир саъва сайрар эди.

Григорий дарвоза олдида туриб, дўнг томондан аравалар пайдо бўлишини кутар, болалик чоғлари эсига тушиб, саъванинг сайрашини ўзича таржима қиларди. «Омочингни чархлат! Омочингни чархлат!»— деб такрорларди саъва кун илиганига суюниб. Ҳаво совуқ келадиган бўлса, саъванинг сайраши ўзгаришини ҳам биларди: қушча бидирлаб худди: «Чориғингни кийиб ол! Чориғингни кийиб ол!»— деятганга ўхшарди.

Григорий кўзини йўлдан олиб, шохдан шохга сакраётган саъвага қаради. «Омочингни чархлат! Омочингни чархлат!»— деб чирилларди саъва. Бирданига

www.ziyouz.com kutubxonasi

Григорий ёшлигида Петро билан даштда курка товуқ боқиб юрган пайтини беихтиёр эслаб қолди. Ўша кезлари Петронинг сочлари малла, танқа бурнининг пўсти доим кўчиб турар эди. У худди курканинг овозига ўхшатиб тақлид қилишга ниҳоятда уста эди, бундан ташқари, уларнинг нима деб чулдираётганини болалар тили билан таржима қилиб кулдираверарди. Аразлаган курка жўжасининг чийиллашини тақлид этадиган бўлса, ингичка товуш билан: «Ҳаммада чориқ, менда йўқ! Ҳаммада чориқ, менда йўқ!»— деб чийилларди. Ана ундан кейин кўзларини ола-кула қилиб, қўлларини тирсакдан букиб олиб, худди қари курка сингари ёни билан юриб: «Хўп! Хўп! Хўп! Бозор куни чориқ обераман!» деб ғўлдирарди. Ўшанда Григорий яйраб-яйраб, роҳатланиб кулар, курка тилида яна гапириб беришни сўрарди, курка болалари кўкат орасида бирон темиртак, ёки бир парча латтани кўриб қолганда нималар деб чулдирашини яна эшитмоқчи бўлиб, акасига ялинарди.

Кўчанинг бошида олдинги арава кўринди. Арава ёнида бир казак пиёда келмоқда. Биринчи арава кетидан иккинчи, унинг кетидан учинчиси кўринди. Ёшлиги эсига тушиб, беихтиёр юзи ёришиб кетган Григорий, кўз ёшини секингина суртди-да, шошиб-пишиб ўз дарвозаси томон юрди: оғир мусибатдан адойи тамом бўлиб, эс-ҳушини йўқотган онани дастлабки оғир дақиқада ушлаб қолмоқчи, Петронинг ўлиги ортилган арава ёнига боришдан қайтармоқчи эди. Олдинги араванинг ёнида Алёшка Шамиль бош яланг ҳолда келарди. Чўлтоқ қўли билан папоғини кўксига босиб, ўнг қўли билан жундан эшилган тизгинни ушлаб келарди.

Григорий Алёшкадан кўзини олиб, чанага қаради. Чана ичига тўшалган похол устида Мартин Шамиль чалқанчасига ётарди. Унинг юзларида, яшил ранг гимнастёркасининг кўкраги билан қорни устида лахта-лахта қон музлаб қолган эди. Иккинчи чанага Маницковнинг ўлиги ортилганди. У қилич билан кесилган юзини похолга қуйиб ётарди. У совқотгандай бўйнини қисган, гарданини қилич чўрт кесиб ташлаган эди, очилиб қолган бош суягининг атрофида қонга

www.ziyouz.com kutubxonasi

буланган қоп-қора сочлари шокила-шокила бўлиб осилиб ётарди. Григорий учинчи чанага қаради, бироқ кимнинг ўлиги эканини танимади, шундай бўлса ҳам оқариб кетган қўлига тамакидан сарғайган панжаларига разм солиб қўйди. Қўл чанадан осилиб, ўлар олдида чўқинишга жуфтланган бармоқлари билан эриган қорни чизиб борарди. Ўликнинг оёғида этиги, эгнида шинели бор эди; ҳатто шапкаси ҳам кўкраги устида ётарди. Григорий тўртинчи чананинг отини жиловидан тутди-да, чоптирганича қўрага етаклаб кирди. Кетма-кет қўшнилар, болалар, хотин-халаж югуришиб кирди. Бир гала одам зинапоя олдига тўпланди.

— Ана шўрлик, қадрдон Петро Пантелеевичимиз! Бечора дунёдан ўтди,— деди аллаким эшитилар-эшитилмас қилиб.

Степан Астахов дарвозадан бош яланг кириб келди. Аллақайси гўрдан бобо Гришак билан уч чол пайдо бўлди. Григорий саросимага тушиб у ёқ-бу ёғига қараб қўйди.

— Қани, уйга обкирайлик...

Аравакаш энди ўликнинг оёғидан кўтармоқчи бўлганда оломон индамай четга чиқиб, зинадан тушиб келаётган Ильиничнага йўл очиб берди.

Она чанага кўз ташлаши билан пешонасидан тортиб бурни, икки бети, бақбақасига довур ўликникидай оқариб кетди. Пантелей Прокофьевич титраб-қалтираб унинг кўлтиғидан тутиб қолди. Аввал Дуняшка чинқириб юборди, унга жавобан қишлоқнинг ўн жойидан йиғи овозлари кўтарилди. Дарья, эшикни тарақлатиб, сочлари тўзиган, юзлари шишган ҳолда уйдан чиқди-ю, ўзини чанага ташлади.

— Петюша! Петюша жоним! Тур! Турсанг-чи ахир!

Григорийнинг кўз ўнги қоронғиланди.

— Дашка, қоч, кет бу ердан!— деб беихтиёр чинқириб юборди-да, эс-ҳушини йўқотиб, унинг кўксидан итариб ташлади.

Дарья уйилган қор устига йиқилди. Григорий дарҳол Петронинг қўлтиғидан, аравакаш — пайпоксиз оёғидан кўтарди, бироқ Дарья эрининг музлаган қўл-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларига ёпишиб, ўпиб, кетидан эмаклаб борди. Григорий уни оёғи билан туртар, бу аҳволга ортиқ чидай олишига кўзи етмасди. Дуняшка Дарьянинг мурдага тармашган қўлларини зўрға ажратди-да, унинг гангиб қолган бошини бағрига маҳкам босди.

* * *

Емакхонага қабристон сукунати чўккан эди. Петро илгаригига қараганда ўзгариб, кичкинагина бўлиб қолган, полга қапишиб ётарди. Унинг бурни сумакдай ингичка, малла ранг мўйлови қорайган эди; юзи эса бир оз чўзилиб, чиройи хийла очилганди. Чалвор почаларидан жун босган яланг оёқлари чиқиб турарди. Ўлик секин-аста эриб, ёнида пушти ранг кўлобча ҳосил бўлган эди. Тарашадай қотиб қолган жасад туни билан эриган сари уй ичини шўртанг қон ҳиди, бўтакўз исига ўхшаш аллақандай чучмал мурда ҳиди босиб келарди.

Пантелей Прокофьевич бостирма тагида тобут учун тахта рандаламоқда: аёллар меҳмонхонада ҳали ҳам ўзига келмаган Дарья билан овора. Аҳён-аҳёнда ўша ёқдан аллакимнинг ҳиқиллаб йиғлагани эшитилар, мусибат чоғи ҳамдард бўлгани келган Василиса холанинг сой сувидек шалдираган овози чиқарди. Григорий Петронинг сарғайган юзига, кўкарган тирноқларига тикилганича рўпарадаги курсида тамаки ўраб ўтирарди. Ўлим ака билан укани бир-биридан жудо қилган эди. Энди у Петро эмас, бутунлай бегона, бир кунлик меҳмон эди; унинг билан видолашиш чоғи яқин. Ана, ҳозир у алланимани кутаётгандай, бетини қоқ ерга қўйиб олиб бемалол ётибди, гўё ором олаётгандай, мийиғида сал-пал илжаяди-ю, бироқ сирли табассуми буғдой ранг мўйлови остида қотиб қолибди. Шўрлик онаси билан хотини эртага уни сўнгги сафарга жўнатишади. Онаси кеч кирмасданоқ уни ювгани уч қозон сув иситиб берди, хотини бўлса, тоза қўйлак-иштони билан чалворини ҳамда мундирини тайёрлаб қўйди. Петрога вафо этмаган бу қип-яланғоч жасадни энди туғишган ука Григорий билан қариган ота шўрлик ювишади. Сўнг-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ра кийинтириб-ясатиб, стол устига ётқизиб қўйишади. Ундан кейин Дарья ёнига келади-да, никоҳ пайти черков меҳроби атрофидан айланганларида иккисини ёритган ўша шамни, кечагина уни қучоқлаб эркалатган, лекин ҳозир музлаб қолган қўлларига тутқизади, қарабсизки, Петро Мелехов деган азамат казак борса келмас сафарига тайёр.

«Онанинг кўз олдида ўлгандан кўра, ўша Пруссияда, ё бирон ёқда ҳалок бўла қолсанг-ку, яхши бўларди-я!»— дерди Григорий хаёлан акасидан ўпка қилиб, шу аснода у Петронинг бетида бир томчи ёш пайдо бўлганини, шалпайган мўйлови томон оқиб тушаётганини кўриб қолиб, бирданига рангги ўчиб кетди. Григорий бехосдан сапчиб тушди, бироқ тикилиб қаради-ю кўнгли жойига тушиб, эркин нафас олди: бу — ёш эмас, жингалак сочларидан эриб тушган сув пешонасига томиб, бетидан пастга қараб оқаётган эди.

XXXV

Юқори Дондаги бирлашган қўзғолончи кучлар қўмондонининг буйруғи билан Григорий Мелехов Вёшенская полкининг командири қилиб тайинланган эди. Григорий ўн сотня казак аскар билан Қаргин сари жўнади. Чир бўйидаги Каргин билан Боков станицасига қарашли ҳамма қишлоқ аҳолисини оёқлантириш мақсадида штаб унга, қандай йўл билан бўлса ҳам Лихачев отрядини тор-мор қилиб, округдан ҳайдаб чиқариш вазифасини топширган эди.

Шундай қилиб, 7 март куни Григорий казакларга бош бўлиб йўлга чиқди. Қори эриб, қора-қура бўлиб қолган дўнг устида туриб, ёнидан ўтаётган ўн сотня аскарни кўздан кечирди. Катта йўлдан четроқда, эгарга қийшиқ ўтирган ҳолда Григорий бир оз букчайиб, типирчилаган асов арғумоқнинг жиловидан маҳкам тортиб казакларга тикилар, Дон атрофидаги Базки, Белогорки, Ольшан, Меркулов, Громки, Семёнов, Рибин, Водян, Лебяжий, Ерик қишлоқларидан келган сотнялар унинг олдидан саф-саф бўлиб ўтиб турарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Григорий қўлқопи билан қора мўйловини силар, қирғий бурнига ўхшаш бурнини, қуш қанотига ўхшаш қошини чимириб, ҳар бир сотняни қовоғу димоғ билан кўздан кечирарди. Лой сачраган саноқсиз от туёқлари балчиқ аралаш қор кечарди. Таниш казаклар ёнидан ўтаётиб, Григорийга илжайиб боқишарди. Уларнинг папоқлари устида тамаки тутуни сузиб юрар, отлардан буғ кўтариларди.

Григорий сўнгги сотняга қўшилиб олди. Уч чақиримча йўл босганларидан сўнг разведкага чиққан отлиқларни учратишди. Уларнинг бошлиғи — урядник Григорийнинг олдига от чоптириб келди-да:

— Қизиллар Чукаринга борадиган йўлдан чекинишяпти,— деди.

Лихачев отряди рўпара келиб жанг қилмади, бироқ Григорий уч сотня казакни унинг олдидан тўсиб чиқишга юбориб, қолган сотнялар билан шундай қувдики, қизиллар араваларини, ўқ солган яшикларини Чукарин кўчаларига ташлаб қочишга мажбур бўлдилар. Чукариндан чиқаверишда, эски черковча ёнида Лихачевнинг тўплари ариққа тиқилиб қолди. Тўпчилар постромкаларни кесиб, отларни чиқариб олиб чорбоғма-чорбоғ Каргинга қочдилар.

Чукарин билан Каргин орасидаги ўн беш чақиримлик йўлни казаклар жангсиз босиб ўтдилар. Сал ўнгроқда, Ясеновканинг орқа томонида айланиб юрган қизиллар Вёшенская разведкачиларини ўққа тутди. Воқеа шу билан тамом бўлди. Казаклар: «Бу аҳволда бемалол Новочеркасскка борамиз» деб ҳазил қилишарди.

Қўлга тушган тўплар Григорийни ниҳоятда суюнтирди. «Лоақал қулфини бузиб ташлаш ҳам эсларига келмабди-я»— деб таъна қилди ичида. Лойга тиқилиб қолган тўпларни ҳўкизлар билан чиқариб олишди. Бирпасда казаклар орасидан тўпчилар ҳам топилди. Ҳар бир тўпга икки қатор қилиб олти жуфт от қўшилган элликта казак тўпларни қўриқлаб боришга тайинланган эди.

Кеч кирганда бир ҳамла билан Каргин ҳам олинди. Лихачев отрядининг бир қисми охирги учта тўп ва тўққиз пулемёти билан асир тушди. Қолган қизил

www.ziyouz.com kutubxonasi

аскарлар Қаргиндаги ревком билан бирга қишлоқма-қишлоқ Боков станицаси томон қочишди.

Туни билан ёмғир қуйди. Эрталабга яқин жар ва сойлар тўлиб-тошиб оқа бошлади. Йўлларнинг расвоси чиқди: ҳар қадамда ўпқон, ҳамма ёқ ботқоқ. Ёмғир суви билан эриган қор ҳам чўка бошлади. Отлар лойга ботиб қолар, одамлар чарчаб йиқилишарди.

Чекинаётган қизил аскарлар кетидан юборилган базлик хорунжий Харлампий Ермаковнинг командирлиги остидаги икки сотня казаклар бир-бирига туташган Латишев ва Вислогузов қишлоқларида қочолмай қолиб кетган ўттизтача қизил аскарни тутиб олиб, эрталаб Қаргинга ҳайдаб келишди.

Григорий қишлоқ бойларидан Қаргин деган одамнинг каттакон уйига қўнган эди. Асирларни унинг ҳовлисига ҳайдаб келтирдилар. Ермаков Григорийнинг олдига кириб салом берди.

— Қизиллардан йигирма еттитасини қўлга туширдим. Вестовой отингни обкелди. Нима, ҳозир жўнамоқчимисан?

Григорий камарини боғлади, ойна ёнига бориб, папоқ остидан чиқиб қолган сочларини тараб бўлгандан кейин Ермаковга бурилиб қаради.

— Жўнаймиз, ҳозир отланиш керак. Майдонда митинг ўтказамизу, йўлга чиқамиз.

Ермаков кифтини қисиб кулди:

— Митингга бало борми? Одамлар митингсизоқ отланиб бўлди. Ана, қарагин! Ие, бу келаётганлар вёшенскликка ўхшамайди-ку!

Григорий деразадан қаради. Тўрттадан саф-саф бўлиб, тартиб билан келаётган сотнялар кўринди. Казакларнинг сараси терилган, отлар хилланган эди.

Григорий йўл-йўлакай қиличини осиб югурганича:

— Булар ким? Қайси шамол учириб келди буларни?!— деди суюнчини ичига сиғдиролмай.

Дарвоза олдида Ермаков унга етиб олди.

Биринчи сотнянинг юзбошиси дарвоза ёнига яқин келиб қолган эди. У эҳтиром билан честь бериб турар, лекин Григорий билан қўл бериб кўришишга журъат этолмасди.

— Ўртоқ Мелехов сиз бўласизми?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Мен. Ўзингиз қаердан?

— Бизни ўз қисмингизга қабул қилсангиз, сизга қўшилмоқчимиз. Бизнинг сотнямиз шу бугун кечаси ташкил топган. Манавилар — Лиховидов қишлоғидан, анави икки сотня — Грачев, Архиповка, Василевка қишлоқларидан келишди.

— Ҳаммасини майдонга бошлаб бор. Ҳозир ўша ерда митинг бўлади.

Вестовой Прохор Зиков Григорийнинг отини келтирди, ҳатто миниб олгунча узангисидан ушлаб турди. Ермаков бўлса, эгар қошидан, от ёлидан ушламасданоқ, метиндай, қотма гавдасини лип этиб эгар устига олди-ю, шинелининг орқа чокидан ажраган икки этагини икки ёққа ёйиб ташлаб, Григорийнинг олдига борди.

— Асирларни нима қиламиз?

Григорий унинг шинель тугмасидан ушлади-да, эгар устидан чўзилиб қулоғига гапирмоқчи бўлди. Кўзларидан ўт чақнаб турса ҳам лаблари мийиқ остидан тиржайиб кулиб қўйди.

— Вёшенскаяга ҳайданглар деб буюр. Тушундингми? Ҳув анави қўрғондан нари ўтишмасин!— Григорий станицанинг уст томонидаги қумтепани қамчи билан кўрсатди-да, отини ҳайдади.

«Петро учун биринчи қасосим шу»,— деб кўнглидан ўтказди-да, отини елдириб кетди, сўнгра бекордан-бекорга отга қамчи босиб, сағрисида ғурра из қолдирди.

XXXVI

Каргиндан Боковга жўнаганда Григорийнинг қўл остидаги аскар сони энди уч ярим мингга етган эди. Штаб билан окрисполком чопарлар орқали унинг кетидан хилма-хил буйруқ ва қарорлар юбориб туришарди. Штаб аъзоларидан бири шахсан унга ёзган хатида ғалати илтимос қилган эди:

«Ҳурматли ўртоқ Григорий Пантелеевич! Сенинг хусусингда бизга баъзи бир ғалати хабарлар келмоқда, гўёки сен асир тушган қизил аскарлардан қаттиқ ўч олаётган эмишсан. Боков ёнида Харлампий Ермаков ушлаб келган ўттизта қизил аскар гўё сенинг буйруғинг билан ўлдирилган, яъни, қиличдан ўтказилган

www.ziyouz.com kutubxonasi

эмиш. Одамларнинг гапига қараганда, мазкур асирлар орасида битта комиссар ҳам бор экан: бу одам бизга ниҳоятда керак эди: қизиллар тўғрисида ундан кўп нарсани билиб олишимиз мумкин эди. Азиз ўртоқ, сен: «асир олинмасин» деган буйруғингни бекор қилишинг керак. Бундай буйруқ бизга жуда катта зиён етказади, чунки казаклар бундай шафқатсизликдан норози эмиш, улар: «қизиллар ҳам энди биздан тушган асирларни ўлдиришади, қишлоқларимизни вайрон қилишади» деб хавотир бўлаётган эмиш. Командирларини ҳам ўлдирмай, тўғри бизга жўнатавер. Биз уларни Вёшенскаядами, ёки Казанскдами, секин-аста ўзимиз бир ёқлик қиламиз. Сен бўлса, худди ёзувчи Пушкиннинг тарихий романидаги Тарас Бульбага ўхшаб, ҳамма ёққа ўт қўйиб, ҳаммани қиличдан ўтказиб, қайтага казакларни норози қиляпсан. Бир оз вазмин бўлиш керак ахир, асирларни ўлдирмасдан бизга жўнатавер. Мана шундай қилсак, биз кучли бўламиз. Сенга кўпдан-кўп салом юбориб, соғ-саломатлик ва муваффақият тилаймиз».

Григорий хатни ўқиб бўлмасданоқ йиртиб, оёғи тагига ташлади. Кудиновнинг:

«Тездан жануб томонга, Крутенский — Астахово — Греково томонга ҳужум бошла. Штаб кадетлар фронти билан жипслашишни зарур топади. Акс ҳолда, душман бизни ўраб олиб, тор-мор қилажак»— деган буйруғига ўтдан тушмай туриб, шундай жавоб ёзди.

«Қочаётган душманни қувалаб кетяпман, Боковга ҳужум қилиб, от қўйганман. Крутенскийга бормайман, буйруғинг бемаъни. Хўш, Астаховонинг нимасига учиб ҳужум бошлай? У ёқда хохол билан шамолдан бошқа ҳеч нарса йўқ».

Шундай қилиб қўзғолончилар маркази билан расмий хат алоқаси ҳам тамом бўлди. Икки полкка ажратилган сотнялар Боков билан чегарадош бўлган Коньков қишлоғига яқинлашди. Уч кундан бери Григорийнинг омади ўнгидан келиб, жангларда қўли баланд эди. У жанг билан Боковни ишғол этди-да, таваккал қилиб Краснокут томон аскар тортди. Йўлини тўсган кичкина бир отрядни яксон қилди, бироқ асирларни ўлдирмасдан орқа томонга жўнатди.

9 март куни Григорийнинг полклари Чистяковка слободасига яқинлашган эди. Худди ўша кунларда қизиллар қўмондонлиги ичкари ёқдан пайдо бўлган

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳавфни сезиб, қўзғолончилар устига бир неча полк ва батареяларни юборди. Чистяковка ёнида қизил аскар полклари билан Григорийнинг полклари тўқнашди. Жанг уч соат давом этди. Григорий қуршовга тушишдан қўрқиб, ўз қисмларини Краснокутга чекинтирди. Аммо, лекин эрталабки жангда хоперлик қизил казаклар вёшенликларнинг роса адабини берди. Ҳужум ва аксҳужум маҳалида юқори ва қуйи донликлар бетма-бет бўлишиб, хумордан чиққунча қиличбозлик қилишди. Григорий отидан ажраб бетига қилич теккандан кейин ўз полкларини жангдан олиб чиқди-да, Боковга довур чекинди.

Кечқурун асир тушган хоперлик қизил аскарни тергов қилди. Унинг олдида ёши анчага борган Тепкин станицалик казак сўроқ бериб турарди; унинг сочу соқоли малла, кўкси кичкина бўлиб, шинелининг ёқасига бир парча қизил латта тақилган эди. Берилган саволларга у бажону дил жавоб қайтарар, лабини бир ёққа қийшайтириб олиб зўрма-зўраки илжаярди.

— Кечаги жангда қайси полклар қатнашди?

— Степан Разин номидаги учинчи полкимиз қатнашди. Бу полкдагиларнинг деярли ҳаммаси Хопер округидан чиққан казаклар. Ундан ташқари, Бешинчи Заамур, Ўн иккинчи кавалерия, Олтинчи Мценск полклари ҳам бор эди.

— Полклар устидан бош қўмондон ким эди? Киквидзе дейишди, тўғрими?

— Йўқ, бирлашган отряд командири ўртоқ Домнич эди.

— Ўқ-дориларинг кўпми?

— Қанчалигини ким билсин!

— Тўплар нечта?

— Саккизтача бўлса керак.

— Полк бу ерга келишдан олдин қаердайди?

— Каменск станицасига қарашли қишлоқларда эди.

— Қаерга жўнатаётганликларини сизга айтишдими?

Казак мижғовланиб туриб жавоб берди. Григорий хоперлик казаклар қандай кайфиятда эканини билгиси келиб:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Қазаклар бир-бирлари билан гаплашганда, нима дейишар эди?

— Боргим йўқ, оёғим тортмайди, дейишарди.

— Биз нега қўзғолон кўтарганимизни полкдагилар биладими?

— *Қаёқдан билсин?*

— Оёғи тортмаганга сабаб нима?

— Сизлар ҳам казаксиз-ку, нимасини сўрайсиз? Иннайкейин, уруш ҳамманинг жонига теккан, қизилларга қўшилганимиздан бери аҳвол шу.

— Бизда хизмат қилишни истамайсанми?

Казак кифтини қисди.

— Ихтиёр сизда-ку, лекин кўнглим тортмаяпти...

— Ҳа, майли. Сенга жавоб. Хотининг олдига бора қол... Соғингандирсан-а?

Григорий кўзларини қисиб, казакнинг кетидан қараб қўйди-да, Прохорни чақирди. Анчагача тамаки тортиб, индамай туриб қолди. Сўнгра, дераза олдига келди-да, Прохорга тескари ўгирилиб туриб, шундай буйруқ берди:

— Йигитларга айтгин: ҳозир мен сўроқ қилган ҳув анавини ҳеч кимга сездирмай боққа олиб ўтишсин... Қизилларга қўшилган казакни мен асир олмайман!— Григорий майишган пошнасида шартта кетига бурилди:— Бор! Тезроқ бир ёқлик қилишсин...

Прохор чиқиб кетди. Григорий дераза токчасидаги яронгулнинг мўрт новдачаларини синдириб, бирпас ўйланиб турди-да, кейин илдам юриб зинапояга чиқди. Прохор бостирма тагида офтобрўяда ўтирган казаклар билан шивирлашаётган эди.

— Асирни қўйворинглар. Бориб айт: унга пропуск ёзиб беришсин!— деди Григорий казакларга қарамасдан; сўнгра қайтиб уйга кирди, тўғри бориб эски бир ойнанинг олдида тўхтади-да, ўз қилиғидан ўзи ҳайрон бўлиб, беихтиёр қўлларини кериб қўйди.

Григорий нима учун уйдан чиққанини, нега асирни қўйиб юборинглар деганини ўзи тушунолмасди. Ҳалигина уни лақиллатиб: «Хотининг ёнига бора қол... Сенга жавоб»,— деганда, кетидан Прохорга бошқача буйруқ беришини, казаклар уни боғга олиб кириб

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўлдиришини ўзи олдиндан билган ва ўшандан кўнгли жойига тушиб суюнган эди-ку!

Қўлга тушган душманга раҳмдиллик кўрсатгани ўзига бир оз наша қиларди. Агар раҳми келиб, кўнгли эримаганда уни қўйиб юборармиди? Лекин қилган ишидан ўзи хурсанд, таъби равшан эди... Қандай қилиб бу қарорга келганини ўйлаб-ўйлаб тагига етолмасди. Ахир кечагина ўзи казакларга: «Мужик — душман, аммо қизилларга эргашган казак — икки душманга тенг! Жосус казакка — ҳукм битта: Шартта отиб, жонини жаҳаннамга жўнатиш», деган эди-ку!

Григорий ўзи танлаган йўлнинг тўғрилигига шубҳалана бошлади; ҳислари хуруж қилиб, ечилмаган саволлар, юракни эзувчи қарама-қарши фикрлар ичида уйдан чиқди. Унинг олдига афт-башараси ниҳоятда кўримсиз, новча атаманликлардан бўлган Чир полкининг командири билан икки юзбоши келди.

— Яна мададчи аскарлар келди! — оғзи қулоғига етиб хабар қилди полк командири.— Уч минг отлиқдан ташқари икки юз пиёда аскар ҳам бор; ҳаммаси наполоволик, гусинкалик яблоноволик йигитлар. Буларни қайга жойлайсан, Пантелеевич?

Григорий маузерини, Лихачевдан қолган серхашам ҳарбий сумкага тиқди-да, қўрадан чиқди. Кун илиган эди. Ёз осмони кўм-кўк, янада баландроққа ўхшаб кўринар, оппоқ барра булутлар жануб томон жилиб борарди. Григорий маслаҳатлашиб олиш мақсадида ҳамма командирларни тор кўчага тўплади. Ўттизга яқин одам йиғилиб, қулаб тушган четан устига қатор ўтириб олишди; аллакимнинг тамаки халтаси қўлма-қўл айланиб чиқди.

— Қандай план тузишимиз керак? Бизларни Чистяковкадан суриб чиқарган ана шу қизил полклардан қандай қилиб ўч олишимиз мумкин? Хўш, иннайкейин, нима қиламиз, бош оққан томонга кетаверамизми?— деб сўради-да, Григорий гап орасида Кудиновдан келган буйруқнинг мазмунини айтиб берди.

— Қаршимизда қанча аскар бор экан? Асирдан аниқлай олдингми?— деб сўради юзбошилардан бири.

Григорий қизиллар полкларини номма-ном айтиб берди, уларда тахминан қанча милтиқ, қанча қилич

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлиши мумкинлигини хомчўт қилиб чиқди. Қазаклар жимиб қолишди. Мажлисда ўйламасдан сўзга чиқиш аҳмоқчилик бўлади. Шунинг учун ҳам грачевлик сотнянинг юзбошиси:

— Бир оз сабр қил, Мелехов! У ёқ, бу ёғини ўйлаб кўрайлик. Бу ахир бўёқчининг нили эмас-ку. Тағин шармандамиз чиқмасин,— деди.

Биринчи бўлиб шу юзбоши сўзга чиқди.

Григорий ҳамманинг гапини диққат билан тинглади. Кўпчилик, ҳатто ғалаба қозонилган тақдирда ҳам шу атрофдан узоқлашмасликни таклиф этди, фақат битта чирлик юзбоши қўзғолончилар қўмондонининг буйруғини маъқуллаб гапирди:

— Бу ерда ивирсиб юраверамизми ахир? Мелехов бизни Донец томон бошласин. Сизларга нима бўлди — эсларинг борми ўзи? Биз бир тўда одаммиз, арзимаган кучимиз бор, аммо, лекин қаршимизда бутун бошлиқ Россия турибди-я! Қандай қилиб унга бас келамиз? Бир ҳамла қилса борми — кўрасан кунингни! Жанг билан бўлса ҳам душман ҳалкасини ёриб ўтишимиз лозим! Патронимиз оз, лекин иложини қиламиз. Отланиш керак! Бошқа гап йўқ.

— Халқни нима қиламиз. Бола-чақа, чолу кампир, хотин-халаж қолаверадими?

— Майли қолаверсин!

— Хумдай калланг бору, ичига похол тиқилган экан.

Четаннинг энг чеккасида ўтирган командирлар шу дамгача: баҳор яқинлашиб, ер ҳайдаш пайти келгани, агар олға силжийдиган бўлсалар рўзғорлари нима бўлиши тўғрисида ўзаро шивирлашиб гаплашаётган эди, бироқ чирлик юзбошининг гапидан кейин ҳаммаси баравар чуғирлай бошлади. Мажлис аллақандай қишлоқ йиғинига ўхшаб кетди, шовқин-сурон кўтарилди. Наполоволик кекса бир казакнинг овози ҳамманикини босиб тушди:

— Ўз қўрамиз атрофидан нари кетмаймиз! Акс ҳолда мен ўз сотнямни олиб қишлоққа қайтаман! Жанг қиладиган бўлсак, ўз юртимизда қилайлик. Бировлар учун қон тўкадиган аҳмоқ йўқ!

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Гапиргани қўясанми, йўқми? Мен маслаҳат беряпман, сен бўлсанг кекирдагингни чўзасан!

— Нимасини гапирасан!

— Зарил бўлса, Кудинов ўзи Донецга борсин!

Григорий шовқин босилгунча кутиб турди-да, қатъий фикрини айтиб, талашларга хотима берди.

— Шу ерда туриб урушамиз!— деди.— Агар Краснокут станицаси бизга қўшилса, уни ҳам мудофаа қиламиз. Борадиган жойимиз йўқ... Кенгаш тамом. Ҳар ким ўз сотняси ёнида бўлсин. Ҳозирданоқ позицияга жўнаймиз.

Ярим соатдан кейин ҳамма кўчалар, отлиқ аскарга тўлиб, дарёдай оқа бошлади. Григорий уларни томоша қиларкан, терисига сиғмай суюнар, мағрурланарди, чунки шу дамгача бунчалик катта кучга командир бўлмаган эди. Лекин шу мағрур шодлик билан бирга кўнглида оғир шубҳа пайдо бўлиб, ичини ит тирнай бошлади: «Буларга бош бўлишга қурбим келармикин? Минг-минглаб казакни идора қилиб эплай олармиканман?»— деб ўйларди. Унинг қўл остида ҳозир сотня эмас, бутун бир дивизия бор эди. «Мендай чаласавод бир кимсага минг-минг кишининг тепасида туришликни, уларнинг ўлик-тиригига жавобгар бўлишликни ким қўйибди? Хўш, мен буларни кимга қарши қўймоқчиман? Халққа қарши... Ахир ким ҳақ, ким ноҳақ?»

Григорий тишларини ғижирлатиб, саф-саф бўлиб ўтаётган сотняларни кўздан кечирарди. Ҳалигина ўзини ҳовлиқтирган мансабпарастлик ғуруридан асар қолмаган, тоғдай ташвиш уни букчайтириб қўйган эди.

XXXVII

Баҳор келиши билан дарёлар айқириб оқа бошлади. Қиялар узайиб, тоғ жилғалари тобора шўхроқ шилдирай бошлади. Қасал кишидай юзи сариқ офтобнинг рангги қизғиш тус олди. Қуёш тиғлари найзадай қадалиб, қиздира бошлади. Шипшийдам бўлиб қолган шудгордан буғ кўтарилар, унда-мунда эриб ётган илма-тешик қор парчалари йилтираб кўзни қамаштирарди. Ҳаво дим, ҳамма ёқдан рутубат ҳиди анқир эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қазаклар орқасига офтоб тегиб, жонлари кириб исинишарди. Эгар кўрпачаларидан иссиқ ўтиб, қорайган бетларини ел қитиқлар эди. Баъзан шамол қор босган қирлардан аёзни ҳайдаб келарди, лекин қишнинг сафари қариган эди. Ҳатто отлар ҳам баҳор келгани учун гижинглаб ўйноқилашар, туллаган жунлари тўкилиб, аччиқ тер бурунларни қичитарди.

Қазаклар отларининг думларини аллақачоноқ тугиб олишган эди. Туя жунидан тўқилган бошлиқларини кераги бўлмаса ҳам елкаларига ташлаб юришарди: папоқлар остида пешоналари терлар, нимчапўстин ва жун чакмонда иссиққа чидаб бўлмасди.

Григорий полкни сўқмоқ йўллардан олиб юрди. Йироқларда, шамол тегирмоннинг орқасида қизиллар эскадрони от қўйишга тайёрланиб ёйилаётган эди. Свиридово қишлоғи ёнида жанг бошланди.

Григорий жангга четдан туриб раҳбарлик қилишни ҳали билмасди. Ўзи олдинга тушиб, вёшенлик сотняларни жангга олиб кирар, энг қўрқинчли участкаларни шулар билан бирга мудофаа қиларди. Умумий раҳбарлик бўлмагани учун жанг ўз ҳолича давом этаверди, ҳар қайси полк олдиндан белгиланган планга амал қилмай, ўзи билганича, шароитга қараб ҳаракат қилаверди.

Фронт йўқ. Фронт бўлмаганлиги учун маневр қилиб, истаган томондан ҳужум қилиш имконияти туғилди.

Григорийнинг отряди асосан суворилардан иборат бўлганлиги учун қўли баланд эди. Григорий урушда шу устунликдан фойдаланиб, «казакча» усулда жанг қилишга қарор берган эди, яъни душманнинг икки қанотини қисиб, орқа томонига ўтиб олиб обозларини яксон қилиш, кечалари бостириб бориб безовта қилиш, ваҳима солишни афзал кўрарди.

Бироқ Свиридово қишлоғи ёнида у бошқа усул қўлланишга қарор қилди: ҳамма сотняларни от чоптириб позицияга олиб борди-да, битта сотняни қишлоқ четида отдан туширди, отларни жиловдорларга етаклатиб қишлоқ чеккаларидаги қўраларга жўнатдида, казакларни чорбоғлар ичига пистирма қилиб қўйди: ўзи қолган икки сотня билан шамол тегирмонидан

www.ziyouz.com kutubxonasi

ярим чақирим нарироқдаги тепа устига чиқиб олиб, аста-секин жангга киришди.

Унинг қаршисида икки эскадрондан кўпроқ қизил суворийлар бор эди. Григорий Дурбинга қараб, булар хоперлик казаклар эмаслигини билди: ҳамма Дон отларига ўхшамаган, думи чўлтоқ чайир от минган эди; казаклар ўла қолса ҳам от думини кесиб ҳуснини бузмайди. Демак, 13-нчи суворий полк, ё эса, янги келган бошқа қисмлар ҳужум бошламоқчи.

Григорий дўнг устидан теварак-атрофни дурбин орқали кўздан кечирди. У эгар устида туриб узоқларни кўрар, оёғи узангида бўлса, кўнгли жойига тушиб ўзини эркин сезарди.

У шу ердан туриб, Чир дарёсининг қирғоғи бўйлаб кетаётган узундан-узун, уч ярим минглик казаклар колоннасини кўрди. Колонна илондай буралиб секин-аста тоғга чиқмоқда; ўшанақаси шимолга — Елань билан Хопер чегарасига етиб бормоқчи, Усть-Медведицадан ҳужум қилган қизилларга ўша ерда рўпара бўлиб, курашда тинкаси қуриган еланликларга мадад бермоқчи эди.

Ҳужумга тайёрланган қизил суворийлар билан Григорий турган жойнинг ораси бир ярим чақирим келарди. Григорий қадимги усулни қўлланиб, ўз сотняларини дарҳол узун сафга тизди. Баъзи казакларда найза бўлмагани учун найзаси борлари олдинги сафга ўтиб, ўн саржин чамаси олға бориб туришди. Григорий отини чоптириб келиб биринчи сафнинг олдига ўтди-да, қиличини қинидан суғурди.

— Аста елдириб, марш!

Дастлабки дақиқадаёқ қор тагидаги суғур инига остидаги отининг туёғи кириб, мункиб кетди. Григорий эгарда ўзини ўнглаб олди, рангги ўчди, жаҳли чиқиб қиличнинг ён томони билан отини урди. Бу отни у вёшенскаялик бир казакдан олган эди; ўзи сафга ўрганган асл зот арғумоқ бўлса ҳам, Григорий унга негадир ишонмасди. Икки кунда от унга ўрганолмаслигини, ўзи ҳам унинг қилиқларини, феъл-атворини билмаслигини яхши тушунарди, шунинг учун буни Чистяковка ёнидаги жангда ўлган ўз отига ўхшатолмасди. Бировнинг оти отлик қилмайди, жиловни нега

www.ziyouz.com kutubxonasi

аста силтаб қўйганингни барибир тушунмайди, деб хавотир олар эди. Қилич зарбидан ҳурккан от жиловидан тортганига қарамай олиб қочди; Григорийнинг аъзойи баданини муздай тер босди, ҳаттоки: «Бу от шармандамни чиқармасайди!»— деган хаёл ичини тирнаб кетди. Лекин от борган сари бир текисда чопар, аста қўл қимирлатиб қўйганини тушуниб, эгасининг амрига дарҳол бўйсунарди. Буни сезган Григорийнинг кўнгли жойига туша бошлади. У рўпарасидан от қўйиб келаётган гала-гала душманидан бир дам кўзини олиб от бошига қаради. Унинг жийрон тусли қулоқлари қаттиқ чимирилиб кетган, бўйни илондай чўзилиб, бир меъёрда тебраниб борар эди. Григорий қаддини ростлади, ўпкасини тўлдириб чуқур нафас олди, сўнгра, икки этигини узангига маҳкам босиб, кетига қаради. Илгари у бир-бирига аралаш-қуралаш бўлиб кетган оту одамлар қуюндай кетидан эргашиб келаётганини кўп кўрган бўлса ҳам, лекин ҳар гал аллақандай тушуниб бўлмайдиган ҳайвоний завқ бутун вужудини қамраб олар, юраги орқасига тортиб кетарди. У от жиловини қўйиб юборди. Душман олдига етиб бормасданоқ, руҳий аҳволи тубдан ўзгариб кетди. Қандай қилиб кўз очиб-юмгунча бу қадар ўзгарганини тушуниб бўлмасди. Ана шундай мудҳиш дақиқада Григорий ақл-ҳушини, вазминлигини, ҳисобини йўқотиб, ёлғиз ҳайвоний ҳиссиётга берилиб кетарди. Лекин сиртдан қаралса, ҳар бир ҳаракати жўяли, ҳар бир ишни таг-томиригача ўйлаб қилгандай туюларди. Ҳужум пайтида четдан туриб унга назар солган одам, мияси жойида, нима қилаётганини балодай билади, деб гумон қилиши мумкин эди.

Ҳужумга кирган иккала томоннинг орасидаги массфа ҳар лаҳза қисқармоқда. Улар бир-бирига яқинлашган сари, одамлар ва отлар қораси каттайгандай бўлиб кўринади. Иккала томон суворийлари орасидаги қор босиб ётган бир бўлак бурганзорга икки ёқдан гала-гала отлиқлар қуюндай бостириб кирдилар. Ўз эскадронидан уч қулоч чамаси олдинда учиб келаётган одамга Григорийнинг кўзи тушди. Остидаги бўйдор қора-тўриқ арғумоқ бўри сингари калта-калта сакраб чопарди. От қўйган чавандоз офицерча қиличини

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳавода ўйнатарди, кумуш қини эса, у ёқдан, бу ёққа чайқалиб, ҳадеб узангига тегар, офтобни акс эттириб, ўтдай чақнарди. Кўз очиб юмгунча Григорий уни таниб олди. Бу Донга кўчиб келган каргинлик коммунистлардан—Пётр Семиглазов эди. Ўн еттинчи йилда ҳеч ким кўрмаган ғалати обмоткани ўраб, герман урушидан дастлаб қайтган солдат шу эди; ўшанда у энди йигирма тўртга кирган ёшгина йигитча бўлса ҳам, фронтда чиниқиб, большевикча эътиқод ва зўр ғайрат билан келган ва большевиклигича қолган эди. У Қизил Армия сафида хизматда бўлиб, исён бошланиши олдидан станицага Совет ҳокимияти ўрнатиш учун келган эди. Худди ана шу Семиглазов ҳозир дадиллик билан Григорийнинг устига от солиб тинтув вақтида қўлга тушган қилични олифтачасига ўйнатиб келардиким, бу қилич параддан бошқа нарсага мутлақо ярамасди.

Григорий тишларини иржайтириб, жиловни қимирлатди, от ўқдай учиб кетди.

Григорийнинг ҳужум пайтида ишлатадиган, ёлғиз ўзига хос бир ҳунари бор эди. Агар рақибининг кучли ва чаққон эканига кўзи етса, ёки душманни бир зарб билан тил тортқизмай ўлдирмоқчи бўлса, ана шу ҳунарини ишлатарди. Григорий болалик чоғида чапақай эди. У қошиқни чап қўлида ушлар, чап қўли билан чўқинарди. Пантелей Прокофьевич бунинг учун уни кўп урарди, ҳаттоки болалар унга «Гришка — чапақай» деб лақаб қўйган эди. Қалтак ва сўкишлар ёш болага ахийри таъсир қилган бўлса керакки, Гришка ўнга киргач, чап қўл ишлатиш одатини ташлади, «чапақай» деган лақабдан ҳам қутулди. Лекин то сўнгги вақтларгача ўнг қўл билан қилинадиган ишни бемалол чап қўлда ҳам қилаверарди. Ҳаттоки, ўнг қўлига қараганда чап қўли кучлироқ эди. Ҳужум пайтида Григорий ана шу чапдастлигидан фойдаланар ва ҳамиша муваффақият қозонарди. Масалан, Григорий бирор душманни кўз тагига оладиган бўлса, ҳамма одамлар сингари, ўнг томондан қилич солмоқчи бўлгандай чап томондан от қўярди; Григорий билан бетлашадиган қиличбоз ҳам айнан шу хилда келаверади. Ниҳоят, иккисининг орасида ўн саржинча масофа қол-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ганда душман қилич кўтариб, сал қийшайган пайтда, Григорий, отини шартта бураді-ю, душманнинг ўнг томонига ўтиб олади, қилич ҳам лип этиб чап қўлига ўта қолади. Ҳанг-манг бўлган душман бурилишга мажбур бўлади, чунки отнинг бошидан ошириб ўнгдан чапга қарата қилич солиш жуда ноқулай, оқибат ажал кўзига тикилиб, қазоси яқинлашганини сезади-ю, тарвузи қўлтиғидан тушади... Григорий қақшатғич зарб билан ишини бир ёқли қилади-қўяди.

Қокилдор Григорийга таълим бериб, «бакланович» қилич солишни ўргатгандан буён неча ёзу неча қиш ўтиб кетди. Икки урушни кўрган Григорийнинг қўли анча «пишиб» қолди. Қиличбозлик ҳунарининг кўп сирларини билиб олди. Қилич солиш — тараша ёриш эмас.

Энг зарур ва шошилинч пайтларда қилични қўлдан қўлга олиш қулай бўлишини кўзда тутиб, Григорий билагини ҳеч вақт қиличбандига тақиб қўйиладиган тасмадан ўтказиб олмас эди. Қилични нотўғри ушлаган бўлса, зарб билан қилич солганда у қўлидан тушиб кетишини ҳаттоки, дастпанжани майиб қилиши мумкинлигини биларди. Қамдан-кам одамга муяссар бўладиган қиличбозлик сирларини: қандай қилиб рақибнинг қўлидаги қилични учириб юборишни ёки қилич учини сал-пал теккизиб, қўлини майиб қилишни Григорий яхши биларди.

Одамзод қонини тўкишга ўргатадиган қиличбозлик илмини Григорий пухта билар эди.

Агар қиличбозлик машқи учун қадаб қўйилган новдани абжирлик билан қиялаб чопилса, новда қимир этмай узилиб тушади, ҳатто ости тебрангани билинмайди ҳам; новда учлик томони билан қилич ажратган танасининг ёнига — қумга аста санчилиб қолаверади. Айнан шу тахлитда қалмоқбашара кўркам Семиглазов ҳам — қиясига чопилган кўксини икки қўли билан чангаллаганича эгардан сирғилиб, олдинги икки оёғини осмонга кўтарган отининг остига тушди. Атал муздай тили билан унинг вужудини ялаб кетди...

Григорий ўша заҳотиёқ эгарда ўнгланиб, оёқларини узангига тираб туриб ўнг-сўлига қаради. Иккинчи бир одам отини тўхтатишга ҳам қурби келмай, қуюн-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дай учиб келмоқда эди. От кўпирган тумшуғини баланд кўтариб олгани учун устидаги одамни тўсиб қолган эди, бироқ қўлидаги эгри қиличи, унинг қорайган зиҳлари аниқ кўринарди. Григорий от жиловини кучи борича силтаб тортди-да, душман зарбини қайтариб туриб, жиловни ўнг қўлига ўтказиб олди, унинг энгашган, сочи қирилган қип-қизил бўйнига қилич солди.

Григорий аралаш-қуралаш бўлиб кетган оломон орасидан энг аввал чиқди. Кўз ўнгида уймалашган отлиқлардан бошқа ҳеч нарса кўринмади. Асаби қўзиганидан кафти қичиша бошлади. Қилични қинига солиб, маузерини қўлга олди-да, отини орқага буриб чоптириб кетди. Казаклар унинг кетидан эргашдилар. Сотнялар кенг ёйилиб келмоқда эди. Гоҳ унда, гоҳ бунда папоқлар, от бўйнига ётиб олган казакларнинг оқ лентали қулоқчинлари кўринарди. Григорийнинг ёнбошида тулки қулоқчин, кўк нимчапўстин кийган таниш урядник от чоптириб борарди. Унинг қулоғи кесилган, бети бақбақасигача шилиниб тушган эди. Кўкси қип-қизил қон, тишлари қаришиб қоп-қора қонга бўялган эди.

Ваҳим босиб, ярми қоча бошлаган қизил аскарлар казакларнинг чекинганини кўриб, руҳлари кўтарилди, отларини буриб қувишга тушдилар. Кейин қолган бир казак от устидан чалпакдай учиб тушди-да, от туёқлари остида қорга қоришиб, мажақланиб кетди. Қишлоқ олис эмасди, боғдаги дарахтлар, дўнгдаги бутхона, узунасига кетган тор кўча кўрина бошлади. Казаклар сотняси пистирмада ётган боғчанинг четан деворигача юз саржин жой қолган... Отларнинг сағриси кўпириб тер аралаш қон қуярди. Григорий йўл-йўлакай маузер тепкисини жон-жаҳди билан босиб кўрди, ниҳоят, ўқи кўндаланг келиб, ишдан чиққан бу тўппончани қинига тиқди-да, ғазаб билан:

— Бўлининг!!!— деб бақирди.

Ғуж-ғуж бўлиб от қўйиб келаётган сотнялар қоя-га дуч келган дарё сувидай икки ёққа баравар ажралиб, ортдан қувиб келаётган қизил аскарлар тўлқинига йўл очиб берди. Пистирмада ётган казаклар четан орқасидан туриб бараварига бирйўла ўқ узишди, иккинчи, учинчи залп... Қийқириқ! Бир от устидаги ода-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ми билан дўмбалоқ ошиб қулади. Иккинчи отнинг тиззаси букилиб, тушмуғи қулоғигача қорга тиқилиб қолди. Яна учтами, тўртта қизил аскарга ўқ тегиб эгардан ағдарилиб тушди. Қолганлари ғуж бўлиб то отларини буриб қочиб олгунларича казаклар бир обойдмадан ўқ узиб тўхтадилар. Григорий хирқироқ овози билан: «Сот-ня-ла-а-ар!» дейиши биланоқ, мингларча от туёқлари қорнинг чангини чиқариб шартта бурилди-да, олға ташланди. Бироқ казакларнинг таъқиб қилиб боришга раъйлари йўқ эди, отлар чарчагани учун улар бир ярим чақирим жойгача қувиб бориб орқаларига қайтишди. Ўлган қизил аскарларни тунадилар... ўлган отларнинг эгар-жабдуғини шилиб олдилар. Қўли чўлтоқ Алёшка Шамиль учта ярадорни четан девор ёнига қатор турғизиб, бир бошдан битталаб қиличдан ўтказди. Бирпасдан кейин нимталанган жасадлар тепасига казаклар тўпланиб келишди-да, анчагача папирос чекишиб, ўликларни томоша қилишди. Учови бир тахтлитда ётарди: қилич учовини ҳам елкадан то белга довур қиясига чопиб ташлаган эди.

— Учтани олтита қилдим,— деб мақтанарди Алёшка кўзини пирпиратиб, бетини тириштириб.

Казаклар хушомадгўйлик қилиб Алёшкага тамаки тутишар, томошақовоқдай келадиган муштумига, чакмон остидан дўппайиб чиқиб турган кўксига эҳтиром билан тикилишарди.

Устига шинель ёпилган отлар четан девор ёнида муздай тердан қалтирашарди. Казаклар отларнинг айилини тортишар, тор кўчадаги қудуқ олдида сув олгани навбат кутишарди. Қўплари чарчаган, оёғини аранг судраган отларини етаклаб юришарди.

Григорий ўз ёнига Прохор билан бешта казакни олиб олға томон жўнади. Ўша заҳотиёқ кўзи очилгандай бўлиб, яна ҳужумдан олдинги ҳолатига қайтди. Оламга нур сочган офтобга, похол ғараминнинг ёнидаги энди эрий бошлаган қорга яна кўзи тушди, қишлоқда чирқиллаган чумчуқлар овозини яна эшитди, баҳор ғаштидан дарак берувчи энг нозик муаттар ҳидларни яна искай бошлади. Ҳозир унинг кўз олдида тўкилган қонларни ютавериб мункайган кекса ҳаёт эмас, балки

www.ziyouz.com kutubxonasi

бир нафаслик севинчи билан ўзига маҳлиё қилувчи сохта ҳаёт гавдаланган эди. Қорайган шудгорда эримай қолган бир парча қор олисдан ниҳоятда покиза, жуда ҳам оппоқ бўлиб кўринади-да...

XXXVIII

Қўзғолон тошган дарё сингари Дон бўйидаги ҳамма қишлоқларга, даштдаги олис юртларга, атрофи тўрт юз чақирим келадиган жойгача ёйилиб кетди. От минган казаклар сони йигирма беш мингга етди. Юқори Дон округидаги қишлоқлардан ўн минг пиёда аскар келди.

Уруш мисли кўрилмаган тусга кирди. Оқларнинг Дон армияси ҳозир Донец дарёси томонда фронтни маҳкам ушлаб, Новочеркасск шаҳрига душманни ўтказмай, ҳал қилувчи жангга тайёрланмоқда эди. Унга қарши турган 8-нчи ва 9-нчи Қизил Армияларнинг орқа томонидан қўзғолон авж олиб, Донни ишғол этиш каби мушкул вазифани бадтар мушкуллаштирган эди.

Апрель ойида Республика Революцион Ҳарбий Совети, қўзғолончилар армиясининг оқлар фронти билан қўшилиш хавфи борлигини равшан тушуниб қолди. Шунинг учун қандай йўл билан бўлса ҳам қўзғолонни бостириш талаб этиларди, акс ҳолда қўзғолончилар қизиллар фронтининг бир ёғини емириб, Дон армиясига қўшилиши муқаррар эди. Қўзғолонни бостириш учун энг яхши кучлар танлаб юборилди: экспедицион аскарлар орасига Болтиқ ва Қора денгиз матрослари, энг ишончли полклар, бронепоездчилар, энг чапдаст суворийлар қўшилди. Жанговор бугучар дивизиясининг саккиз минг одамини, беш юз пулемёт ва аллақанча тўплардан иборат беш полкини фронтдан бутунлай олиниб қўзғолончилар устига ташланди. Апрель ойида қўзғолончилар фронтининг Казанск участкасида Рязань ва Тамбов курсантлари жон олиб, жон бериб жанг қилишарди, Шумилин станицасининг ёнида латиш ўқчилари қўзғолончилар билан баҳодирларча олишарди: кейинроқ ВЦИК мактабининг курсантлари ҳам келиб қўшилди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўқ-дори, яроғ танқислигидан казакларнинг жонлари ҳалқумига келган эди. Аввало, милтиқ етишмасди, кейин ўқ тамом бўлди. Лекин ўқ одамнинг хунига баравар эди: ҳужумга кириб, жондан кечиб кечалари босқин қилиб, милтиқ, ўқ-дори, ўлжа олиш мумкин. Шундайлигига қарамай, казаклар ўқ топиб келишарди. Апрель ойида қўзғолончиларда етарли миқдорда милтиқ, олти батарея, юз элликка яқин пулемёт бор эди.

Қўзғолоннинг дастлабки кунлари Вёшенскаядаги складда беш миллион отилган бўш патрон қолган эди. Округ совети энг моҳир темирчи, чилангар ва милтиқсоз усталарни сафарбар этди. Вёшенскаяда ўқ қуядиган корхона ташкил қилинди, бироқ ўқ қуйиш учун қўрғошин йўқ эди. Округ советининг мурожаатига биноан ҳамма қишлоқларда қўрғошин ва мис тўплашга тушилди. Тегирмонлардаги ҳамма қўрғошин ва баббит запаслари мусодара қилинди. Қишлоқларга қисқача мурожаат ёзиб чопар жўнатдилар:

«Эрларингиз, ўғилларингиз, ака-укаларингиз ўқсиз қолди.

Улар фақат ёвуз душмандан тортиб олган ўқ билан кун кўришяпти. Рўзғорингизда ўқ бўлишга ярайдиган нима бўлса, ҳаммасини топширинг. Шамол машиналарнинг қўрғошиндан қилинган элакларини олиб топширинг».

Бир ҳафтадан кейин округдаги шамол машиналарнинг бирон тасида ҳам элак қолмади.

«Эрларингиз, ўғилларингиз, ака-укаларингиз ўқсиз қолди»... Буни эшитган хотинлар яроқли ва яроқсиз буюмларни қишлоқ советига кўтариб келишаверди, жанг бўлиб ўтган қишлоқларда болалар деворга кириб қолган ўқларни кавлаб олишга, ер тимирскилаб тўп ўқининг парчаларини қидиришга тушишди. Лекин бу ишда ҳамма баравар жонбозлик кўрсатмади: рўзғоридаги сўнгги буюмини кўзи қиймаган баъзи камбағал хотинларни «қизилларга хайрихоҳлик қилди» деб қамаб, округга жўнатдилар. Татарскда бўлса отпуска олиб уйига келган Семён Чугун: «Бойлар шамол машинасини бузиб, элагини обориб бера қолсин. Улар хонавайронликдан кўра қизиллардан кўпроқ қўрқишади»— дегани учун қариялар уни калтаклаб дабдала қилишди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тўпланган қўрғошин Вёшенскаядаги корхонада эритиларди, бироқ қуйилган ўқлар никель қопланмагани учун эриб кетаверарди...Бу қўлбола ўқ милтиқ оғзидан чиқишданоқ мумга ўхшаб эриб кетар, қўнғиз сингари ғўнғиллаб учарди; шунча ваҳимаси билан фақат юз, юз йигирма саржин жойга борарди, холос. Аммо бу ўқ теккан жойини ўпириб, дабдала қиларди. Қизил аскарлар бу сирдан огоҳ бўлиб, баъзан казаклар олдига яқин келволиб: «ўқларинг қўнғиздан ясалган... Таслим бўлаверинглар, барибир, енгиласиз!»— деб бақиришарди.

Ўттиз беш минг қўзғолончи аскардан беш дивизия ва олтинчи сонли алоҳида бригада тузилган эди. Мешков — Стераков Веже участкасида Егоров қўл остидаги 3-нчи дивизия жанг қиларди. Казанск — Донец — Шумилин участкасини 4-нчи дивизия эгаллаган эди. Бу дивизиянинг командири доим қовоғи солиқ подхорунжий, жанг деса жонини берадиган ўткир қиличбоз Кондрат Медведов эди. 5-нчи дивизия Слашев — Букановск фронтида командир Ушаков қўл остида жанг олиб борарди. Елан Усть-Хопер — Горбатов томонда вахмистр Меркуловнинг 2-нчи дивизияси жанг қиларди, 6-нчи сонли алоҳида бригада ҳам ўша ерда эди. Бу бригаданинг командири — Максаевдан чиққан подхорунжий унвонли Богатиров, эҳтиёткор, олди-кетини ўйлаб иш қиладиган бўлар-бўлмасга таваккалчилик қилмайдиган казак эди. Одамларни бекорга нобуд қилмасди, натижада бу мустаҳкам жипслашган бригада камдан-кам талофот кўрарди. Григорий Мелехов қўл остидаги 1-нчи дивизия Чир бўйлаб жойлашган эди. Унинг участкаси фронтнинг олд томонида эди, бошқа фронтлардан келтирилган қизил аскарлар жануб ёқдан тўхтовсиз ҳужум қилишарди, лекин Григорий ҳужумни даф қилиш билангина қаноатланмай, ёнидаги бебурд 2-нчи дивизиянинг ҳоли танг бўлган маҳалда пиёда ва отлиқ аскар юбориб мададлашарди.

Қўзғолон Хопер ва Усть-Медведица округларининг станицаларига тарқала олмади. У ёқларда ҳам норози одамлар бор эди; ўша ердаги казакларни қўзғатиш учун Бузулукка ва Хопер дарёсининг юқори томонига аскар юборилишини сўраб вакиллар келди;

www.ziyouz.com kutubxonasi

бироқ қўзғолончилар қўмондонлиги хоперликларнинг аксарияти Совет ҳукумати томонида эканини билгани, қурол кўтариб чиқмаслигига ақли етгани учун Юқори Дон округининг чегарасидан нари чиқишга рози бўлмади. Бу вакилларнинг бир нарса чиқишига кўзлари етмасди; уларнинг гапига қараганда, қишлоқларда қизиллардан норози бўлган одамлар кам экан, Хопер округининг бурчак-бурчагида қолиб кетган офицерлар ҳам аллақайси гўрларда биқиниб ётар эканлар, қўзғолонга хайрихоҳлик қиладиган тузукроқ куч ташкил қилиш мумкин эмаслиги маълум бўлган, чунки фронтдан қайтган эркаклар ё қизилларга қўшилиб кетган, ёки уйларда, қарияларнинг тумшуғига буров солганлар, қарияларнинг илгариги куч ва обрўларидан асар ҳам қолмаган.

Жанубда, украинлар яшаган волостларнинг ёшлари Қизил Армия сафига олинди; бу ёшлар жанговар Богучар дивизиясининг полкларига қўшилиб, қўзғолончиларга қарши бажону дил жанг қила бошладилар. Қўзғолон ҳеч ёққа ёйилмай, Юқори Дон округи чегараси ичида ўралашиб қолди. Ўз юртларини узоқ вақт мудофаа қилишга қурби етмаслигига қўзғолончилар қўмондонлигининг кўзи етиб қолди.— Қизил Армия Донец томондан айланиб келиб эртами-индин мажақлаб ташлаши муқаррар эди.

18 март куни Кудинов Григорий Мелеховни Вёшенскаяга мажлисга чақирди. Григорий дивизия командирлигини ўз муовини Рябчиковга топширди-да,— ординареци билан эрта саҳар округга жўнади.

Григорий штабга кирганда Кудинов Алексеев станицасидан келган вакил билан суҳбатлашаётган эди: Сафонов ҳам шу ерда эди. Кудинов ёзув столи ёнида букчайиб ўтирар, қорамтир қоқшол бармоқлари билан кавказча камарининг учини ўйнарди, уйқусизликдан қовоғи шишиб, йиринглашиб кетган кўзларини ердан олмай, қаршисида ўтирган казакка савол берарди:

— Хўш, ўзингиз нима қилмоқчисиз? Ўзларингдан бирон маслаҳат чиқадими ахир?

— Ўзимизам, албатта, қараб турмасмиз... Бироқ қўлимиздан келмас дейман... Кўпчилик кўнадими, йўқ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ми — худо билади. Уларнинг қанақалигини билиб бўлмайди. Қўрқишади. Бир ёқдан нолишади, бир ёқдан қўрқишади...

Кудинов ғазабига чидолмай, бўзариб:

— «Нолишади!» «Қўрқишади!»—деб бақириб юборди-да, курсисига биров чўғ ташлаб қўйгандай, ўрнидан сапчиб тушди.— Ҳаммангиз ҳам ойимтилла қизлардан қолишмайсиз! «Ҳолва пиш, оғзимга туш»— дейсиз холос. Ўша Алексеевга бориб, қарияларингга айт: то ўзларинг қурол кўтариб чиқмагунларингча сизларга лоақал бир взвод аскар ҳам юбормаймиз. Менга деса, қизиллар ҳаммангни битталаб осиб ўлдирсин!!

Қазак қип-қизил қўли билан тулки тумоғини энсасига суриб қўйди. Пешонасидаги ажинлардан жилғажилға бўлиб тер қуяр, малла ранг калта киприклари пирпирар, бироқ кўзлари кулимсираб, узр сўраётгандай термуларди.

— Ихтиёр сизда, албатта... Зоримиз бор, зўримиз йўқ, бормасанглар — сатқайи сар! Бай очиш пулдан ҳам аълороқ, бошлаб берсангиз, у ёғини эплаб кетардик... — Гапга зеҳн қўйиб қулоқ солаётган Григорий, эшикни тақиллатмасдан тўғри кириб келган ўрта бўй, қора мўйлов, ошланган қўй терисидан нимчапўстин кийган одамга йўл бериб четроқ турди. У бош қимирлатиб Кудинов билан саломлашди-да, стол ёнига ўтириб оппоқ кафтини жағига тираб олди. Григорий штабдаги ҳамма одамни танир эди, лекин буни биринчи кўриши учун тикилиб қаради. Бичими нозикдан келган юзи қорача бўлса ҳам, на офтоб ва на шамолдан қорайган эмасди, оппоқ ва нозик қўлларига, интеллигентча қилиқ ва муомалаларига разм солинса, унинг бу ерлик эмаслигига шубҳа қолмасди.

Кудинов бу нотаниш одамни Григорийга кўзи билан ишора қилиб кўрсатди.

— Танишиб қўй, Мелехов. Бу киши — ўртоқ Георгидзе бўлади. У...— у ёғини айтолмай тўхтаб қолди-да, камарининг учидаги кумуш тўқани ўйнай бошлади, сўнгра ўрнидан туриб Алексеев станициясидан келган вакилга:— Сенга жавоб энди, бора қол. Биз

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳозир ишга тушамиз. Қишлоғингга қайтиб, мен айтган гапларни лозим топган одамингга сўзлаб бергин,— деб тайинлади.

Казак ўрнидан турди. Қип-қизил тулки тумоғининг мўйнаси шифтга тегаёзди. Казак чорпахил гавдаси билан деразани тўсиб тургани учун каттакон уй кичкина ва тор бўлиб қолганга ўхшади.

Кавказлик қўлини сиқиб кўришганига ғаши келган Григорий:

— Мадад керак бўп қолдими?— деб сўради казакдан.

— Ҳа-ҳа! Мадад керак бўп қолди. Чунончи, қитдай, қарашиворилса борми...— Казак суюниб кетиб, дардимга малҳам бўлармикин деб Григорийнинг кўзига тикилди. Довдираб қолган юзи тумоғининг тусига ўхшаб қизариб кетган, афт-башараси шу қадар терлаган эдики, ҳатто салқи малла мўйловидан тортиб соқолигача мунчоқдай тер босганди.

Кудинов бетоқат бўлиб, қимирлаб қўйган бўлса ҳам, Григорий ўзини кўрмасликка солиб саволини давом эттираверди:

— Совет ҳукумати сизларгаям ёқмадими?

— Ҳозирча нолиятганимиз йўқ,— деб чулдиради барзанги казак,— охири чатоқ бўлмаса деб хавотирдамиз.

— Сизда ҳам одам отишлар бўлдими?

— Йўқ, худо сақласин! Унақа гапни эшитганимиз йўқ. Аммо лекин отларимизни, дон-дунларимизни тортиб олган пайтлари бўлди, масалан, қарши чиқиб гапирган одамларни қамоққа олишди. Хулласи калом — ҳаловатимиз бузилди.

— Агар вёшенскаяликларни юборсак, қўзғалармидингиз? Ҳамма баравар қўзғалармиди?

Қуёш шўъласида ялт-юлт қилиб турган кичкина кўзларини казак муғомбирона қисиб, Григорийнинг кўзидан обқочди-да, бу оғир саволдан тиришган пешонасига тумоғини суриб қўйди.

— Ҳамма учун жавоб беролмасман... Аммо лекин, рўзғорпараст казаклар албатта қўзғаларди.

— Қамбағаллар, рўзғорпараст эмаслар-ми?

Шу дамгача Григорийдан кўзини обқочган казак,

www.ziyouz.com kutubxonasi

ниҳоят, ёш бола сингари таажжубланиб унга тик қаради.

— Ҳм!.. Ялқовларга зарил қобдими қўзғолон кўтариб! Ҳаммаси Совет ҳукуматидан миннатдор!

— Менга қара, ҳой барзанги, ундай бўлса нега келдинг?— Кудинов қаттиқ ғазабланганидан ўзини босолмай бақириб юборди.

— Бу ерга нега келдинг ўзинг? Ёки бизни лақма, гапга уча қолади деб ўйладингми? Қошки ҳамманг бой бўлсанг экан! Ҳаммаси бўлиб уч-тўрт уйлик одам қўзғалса, бу қанақа қўзғолон бўлди энди? Қани туёғингни шиқирлат! Йўқол деяпман сенга! Ҳали мўйчинак билан жунларингни битталаб юлишгандан кейин мададсизоқ ўзларинг қўзғалиб қоларсан! Бировнинг соясида дам олишга хўп уста бўвобсиз, итваччалар. Ўз уйим-ўлан тўшагим қилиб, печь устида ётишни биласиз холос... Ҳозир кўзимдан йўқол! Башарангни кўрсам, кўнглим ағдарилади!

Григорийнинг қовоғи осилиб, тескари қараб олди. Кудиновнинг қони бетига тепиб, шолғомдай қизариб кетди. Георгидзе эса, мўйловини бурар, йўнилган тошга ўхшаш қирра бурнини жийирарди.

— Биздан ўтган бўлса, узр сўрадик. Аммо лекин, жаноби олий, сен жудаям ваҳирлаб пўписа қилавермa, қарс икки қўлдан чиқади. Қарияларимизнинг илтимосини сизга айтдим, сизнинг жавобингизни ҳам оқизмай-томизмай қарияларга гапириб бераман; бу ерда бақиришнинг ҳожати йўқ! Токайгача проваслав бандаларига бақириш, дўқ қилиш мумкин? Оқлар бақирса, қизиллар бақирса, мана ҳозир сен бақиряпсан, ким кўринган хўжайинлик қилиб, тепамизда тегирмон тош юргизаверса, бу нима деган майнавозчилик ахир?.. Ҳаммаси деҳқоннинг шўри; итга, қушга таланиб кўрган кунимиз қурсин!..

Қазак зарда билан тумоғини бостириб кийди-да, бир ҳатлаб коридорга чиқди, эшикни секингина ёпиб қўйди; лекин коридорга чиқиб олгандан кейин қилди қиладиганини: кўча эшикни шу қадар тарақлатиб ёпдики, дебор шувоқлари кўчиб ерга, дераза токчаларига дув-дув тўкилди.

— Эндиги одамлардан келадигани шу-да!— деб

www.ziyouz.com kutubxonasi

кулимсирарди Кудинов. У ҳадеб камарини ўйнар, тобора жаҳлидан тушарди.— Ўн еттинчи йили пасҳадан сал олдинроқ станцияга кетяпман денг, кўклам кези, қўш маҳали. Озодликка эришган казаклар бира тўла ҳаддидан ошиб, йўлларни қўшиб ҳайдашяпти — бошқа ер қуриб кетибдими денг! Токин қишлоғининг нарёғида шунақа қўшчидан биттасини аравамнинг ёнига чақириб олдим: «Ҳой, бадбахт, йўлни нега ҳайдадинг?» деб дўқ қилдим. Қўшчи йигитнинг капалаги учиб кетди. «Тавба қилдим, энди ҳайдамайман, кечирасиз, дейди,— ҳозир текислаб қўйишим мумкин». Шу тарзда яна уч-тўрттасига пўписа қилдим. Грачевнинг нарёғида яна йўл ҳайдалган, қарасам— плуг кетидан бир хумпар. «Қани бери кел-чи!» деб чақирдим. Келди. «Хўш, йўл ҳайдамоғлиққа нима ҳақинг бор?»— деб сўрадим. Кўзлари кўкиш; норғилдан келган ғалати казак экан денг, менга бир қараб қўйди-ю индамай, изига қайтиб, чопганича ҳўкизлар ёнига борди. Кела солиб бўйинтуруқнинг темир тирқишини суғуриб олиб, чопганича яна ёнимга келди. Тарантаснинг қанотига тармашиб босқичига оёқ қўйяпти денг. «Сен ўзинг кимсан,— дейди — қачонгача қонимизни сўрасиз,— дейди,— бир уриб каллангни икки палла қилайми?— дейди-я! Темирни ўхталиб ростдан урмоқчи. «Ҳой, Иван, сенга нима бўлди — мен ҳазиллашяпман» десам: «Мен Иванмас — Иван Осипичман, сансирамай гапир, худди тумшуғингни дабдала қиламан»,— деса бўладими!.. Ишонсанг: у деб, бу деб, аранг қутулдим. Ҳалиги казак ҳам худди ўша тоифадан: мўминтой бўлиб пишиллаб ўтирган одам, пировардида қилиғини кўрсатиб кетди. Халқда орият кучайган.

— Орият эмас,— орсизлик ҳисси уйғониб, халқ бира тўла расво бўлди. Орсизлик қонуний тус олди,— деди кавказлик подполковник, лекин бошқалар оғиз очмасдан бурун у:— Мажлисни тезроқ бошлайлик; мен бугундан қолмай полкка етиб олмоқчи эдим,— деб гапини тамомлади.

Кудинов деворни дукиллатиб:

— Сафанов!— деб чақирди, сўнгра Григорийга ўгирилиб қаради:— Сен ҳам мажлисда қолгин, ҳамжиҳат бўлиб суҳбатлашамиз. «Қенгашли иш тарқал-

www.ziyouz.com kutubxonasi

мас»,— деган гапни эшитгандирсан. Бахтимизга ўртоқ Георгидзе замонанинг зайли билан Вёшенскаяда қопкетиб, бизга ёрдамлашяпти. Ўзлари —подполковник, бош академияни тамомлаганлар.

Юлдузи юлдузига тўғри келмаганиданми, негадир, Григорий ҳадиксираб:

— Вёшенскаяда нега қоп кетдингиз?— деб сўради.

— Тиф билан оғриб қолдим. Шимолий фронтда чекиниш бошланганда касал бўлганим учун мени Дударев қишлоғида қолдиришди.

— Қайси қисмда эдингиз?

— Менми? Мен сафда эмасдим: фавқулодда группанинг штабида эдим.

— У қайси группа? Генерал Ситников группасими?

— Йўқ.

Григорий яна алланимани сўрамоқчи эди, бироқ подполковник Георгидзенинг юзи буришганини кўриб, ҳадеб савол бераверишни эп кўрмади; Григорийнинг гапи оғзида қолиб, дами ичига тушиб кетди.

Бирпасдан сўнг штаб бошлиғи Сафонов, 4-нчи дивизия командири Қондрат Медведов, бетлари қипқизил, тишлари оппоқ подхорунжий 6-нчи алоҳида бригаданинг командири Богатирев кириб келдилар. Мажлис бошланди. Кудинов сводкаларга қараб, фронтлардаги аҳволдан маълумот берди. Дастлаб подполковник Георгидзе сўз олди. Уч чақиримлик харитани стол устига шошмасдан ёйиб, дона-дона қилиб, дадиллик билан гапира бошлади. Унинг талаффузида биланар-билинмас акцент бор эди.

— Аввало мен, Мелехов дивизияси ҳамда подхорунжий Богатирев бригадаси жойлашган участкага Учинчи ва Тўртинчи дивизиялардан баъзи бир резерв қисмларни юборишни ниҳоятда зарур деб ҳисоблайман. Қўлимизда бўлган махфий маълумотлар ҳамда асирлар айтиб берган гаплардан шу нарса аниқландики, ҳозир қизиллар қўмондонлиги худди Каменка—Каргин—Боков участкасида бизга кучли зарба бермоқчи бўлиб тайёргарлик кўраётир. Қочиб ўтган одамларнинг ҳамда асирларнинг гапидан маълум бўлишича: Тўққизинчи Қизил Армия штаби Ўн иккинчи дивизия-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дан олинган икки суворий полкни, бешта тўпчи отрядни, уч батарея ва пулемёт командалари билан Облив ва Морозовск томонидан юборган. Хомчўт ҳисобга кўра душманнинг бу қўшимча кучи беш ярим минг аскардан иборат. Демак сон жиҳатидан душман бизга қараганда анча кўп, қурол-яроғини гапирмасак ҳам бўлади.

Жануб томондан, дераза роминнинг бут шаклидаги часпагидан кунгабоқар гулидай сап-сариқ офтоб мўраларди. Кўм-кўк тутун шифт тагида булутдай муаллақ туриб қолган эди. Қўлбола тамакининг аччиқ ҳиди ивиган этикларнинг сассиғига аралашиб кетганди. Шифтнинг бир бурчагидан, тамаки тутуни элитган пашшанинг жон-жаҳди билан ғинғиллаши эшитиларди. Григорий мудроқ аралаш деразага тикилар (икки кечадан бери мижжа қоқмаган эди), қовоқлари шишиб, тобора зилдай оғирлашарди, печкаси қизиган уйнинг иссиғи баданига ўтган сайин уйқу босар, қаттиқ чарчагани учун мияси карахт бўлиб тобора иродаси бўшашарди. Ташқарида шабада ўйнар. Баъзи томондан дўнг устида эримай қолган бир парча қор олисдан ялтираб кўринарди, Доннинг нариги бетидаги тераклар шамолда чайқалар ва Григорийнинг қулоғига гувиллаган товуши келаётганга ўхшарди. Подполковникнинг равшан ва бурро овози Григорийнинг диққатини жалб қила бошлади. У астойдил қулоқ солиб нима деганини тушунишга ҳаракат қиларди; бора-бора уйқуси ўчиб кўзи мошдай очилди.

— ...Биринчи дивизиямиз жойлашган фронтда душман ўз ҳаракатини сусайтириб, Мигулин, Мешков томонда ҳужум бошлашга устма-уст урниниши биздан ҳушёрлик талаб этади. Менинг фикримча...— подполковник «ўртоқлар» демоқчи бўлиб дудуқланиб қолдида, оппоқ нозик қўлини қимирлатиб қаттиғроқ гапира бошлади,— менимча, қўмондон Кудинов Сафоновнинг хайбаракаллачилиги билан Мелехов жойлашган участкани заифлаштириб, каттакон хато қиляпти: қизилларнинг кўз чалғитиш мақсадида қилаётган ҳаракатига ростдан ишоняпти. Марҳамат, жаноблар, душман кучини четга тортиб, ҳужум бошлаш — стратегия алифбеси.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ахир Мелеховга ёрдамчи полкнинг кераги йўқ-ку,— деб гапни бўлди Кудинов.

— Кераги бор! Учинчи дивизияга қарашли резервлардан бир қисми ихтиёримизда бўлиши лозим, бирор ўпирилиш рўй берадиган бўлса, бакор келади.

Григорий, зардаси қайнаб гапга аралашди:

— Чамамда, Кудинов мен билан ҳисоблашмоқчи эмас: ҳали мен унга резерв бераманми, йўқми? Бермайман. Лоақал бир сотняниям бермайман!

— Жудаям қаттиқ кетма, биродар...— ғудунлаб илжайди Сафанов, сарғайган мўйловини силаб.

— «Биродар» кетмайди! Бермайман дедим — вассалом!

— Оператив йўл билан...

— Сен менга оператив йўлингни гапирма. Мен ўз участкамга, ўз одамларимга жавобгарман.

Тўсатдан бошланган бу мунозарани подполковник Георгидзе тўхтатди. Унинг қўлидаги қизил қалам энг хавфли участкани нуқталар билан белгилаб чиқди; мажлисдагиларнинг бошлари карта устига энгашгандан сўнг, қизиллар тайёрлаётган зарбани ёлғиз жанубий участкадан кутиш кераклиги ҳаммага аён бўлди, чунки бу участка Донец дарёсига яқин ва йўли жуда қулай эди.

Бир соатдан сўнг мажлис тугади. Афт-ангори одам ёввойисига ўхшаган, айиқ сингари бесўнақай, алифни бедан аранг ажратадиган, доим қовоғи солиқ Кондрат Медведов мажлисда чурқ этмай ўтириб-ўтириб, пировардида ҳаммага ер тагидан қараб чиқди-да, тилга кирди:

— Мелеховга ёрдам қилишдан қочмаймиз. Ортиқча одам топилади. Лекин бир масала миямни қотиряпти холос. Борди-ю, қизиллар тўрт томондан бостириб келадиган бўлса-чи, хўш, унда қайга борамиз? Ҳамма ёқдан ўраб олса борми, дарё тошиб тортилганда, ажралиб қолган кўлдаги балиқларга ўхшаб, қочар жойимизни тополмай қолармиз.

— Балиқ-ку, сузишни билади, бизнинг ҳолимизга маймун йиғлар!— деб кулди Богатиров.

— Бу тўғрида биз ўйлаб чиққанмиз,— деди хомуш бўлиб Кудинов.— Борди-ю, аҳвол танг бўлиб, дўппи

www.ziyouz.com kutubxonasi

тор келса, қурол кўтаришга ярамайдиганлардан, бола-чақадан кечамизу, жанг билан йўл очиб Донецга етиб оламиз. Кучимиз оз эмас, ўттиз минг аскаримиз бор ахир.

— Кадетлар бизни қабул қилармикин? Юқори Донликларда қасдлари бор.

— Товуқнинг тухуми... тушмай туриб, ҳовлиқишингни қара-я!— Григорий шапкасини кийиб коридорга чиқди. Эшик орқасидан Георгидзенинг харитани шилдиратиб ўрагани ва гапирган овози эшитиларди:

— Вёшенскаяликлар ва умуман ҳамма қўзғолончилар большевикларга қарши мардонавор курашган тақдирдагина — Дон билан Россия олдида ўзларини оқлаб олишлари мумкин...

Григорий унинг сўз оҳанггига қулоқ солиб туриб: «Тили бошқа-ю, дили бошқа: ичида масхара қиляпти бу мунофиқ!»— деб кўнглидан ўтказиб қўйди. Вёшенскаяда тўсатдан пайдо бўлган бу офицердан, боя учрашганда қандай хавотирланган бўлса, ҳозир ҳам хавотирланиб, ўзидан ўзи ҳуноб бўлиб кетди.

Штаб дарвозаси ёнида Кудинов унга етиб олди. Иккиси анчагача чурқ этмай бораверди. Гўнг босиб кетган майдонда шамол ўйнар, кўлобчалар жимирлашар эди. Оқшом пайти. Худди баландлаб учган оппоқ оққулар сингари паға-паға булутлар жануб ёқдан секингина сузиб ўтарди. Қори кетган зах тупроқдан ҳаётбахш ўткир ҳидлар анқирди, четан деворлар ёнидаги кўкатлар кўм-кўк бўлиб қолган эди; Доннинг нариги қирғоғида тўлқиндай чайқалган теракларнинг қасира-қусурини шамол шу ергача олиб келарди.

— Яқинда Доннинг музи кўчади,— деди Кудинов йўтала-йўтала.

— Ҳа.

— Ишимиз чатоқ... Тамаки... хумор қилиб, ўлиб бўламиз энди. Бир стакан қўлбола тамакига — Керенский пули билан қирқ сўм тўлаш керак.

— Олдин сен менга манавини айтиб бер-чи,— Григорий кетатуриб шартта бурилди-да,— анави черкес офицер бу ерда нима қилиб юрибди?— деб сўраб қолди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Георгидземи? Оператив идоранинг бошлиғи. Мияси бутун, шайтонга дарс беради! Планларни шу ишлаб чиқяпти-да! Стратегия масаласида ҳаммани мот қилади.

— У ҳар доим Вёшенскаядами?

— Йў-ў-ўқ... Биз уни Чернов полкига, обозга тайинлаганмиз.

— Ундай бўлса ишлардан қандай хабардор бўлиб туради.

— Ростини айтсам; тез-тез келиб туради. Ҳар кун келади дейиш мумкин.

— Уни Вёшенскаяга чақириб ола қолсанглар бўлмайдими?— деб сўради Григорий масаланинг тагига етмоқчи бўлиб.

Кудинов йўтала-йўтала, оғзини кафти билан тўсиб, хуши келмай жавоб берди:

— Қазаклардан истеҳола қиламиз. Оғайниларнинг қанақалигини ўзинг биласан-ку! «Офицерлар елкамизга миниб олди, ўз тартибини ўрнатяпти. Яна погонлар...» ва шунга ўхшаш гап қўзғалади.

— Бизда яна шунақа одамлардан борми?

— Казанскда иккитами-учтаси бор... Сен, Гриша, жудаям бурнингни жийираверма. Гапни қаёққа бураётганингни сезиб турибман. Биз бориб-бориб охири кадетларга қўшиламиз, бошқа иложимиз йўқ. Шундай эмасми, биродари азиз? Ёки сен ўнта станицани бирлаштириб республика тузмоқчимисан? Қўшиламизу Красновнинг олдига бўйин эгиб бораверамиз: «Гуноҳимизни кечир, Петро Миколаич, фронтни ташлаб кетиб хато қилдик»,— деймиз-да...

— Хато қилдикми?— деб сўради Григорий.

— Бўлмасам-чи!— деб Кудинов чиндан таажжубланиб жавоб берди-да, эҳтиёткорлик билан кўлобчани айланиб ўтди.

— Менинг фикрим бошқачароқ...— бўриқиб кетган Григорий зўрма-зўраки илжайди.— Менимча, биз, қўзғолон кўтариб хато қилдик... Ҳалиги хоперлик казакнинг гапини эшитдингми?

Кудинов Григорийга зеҳн солиб тикилди-ю, индамай қўя қолди.

Майдоннинг нарёғидаги чорраҳада иккиси икки

www.ziyouz.com kutubxonasi

ёққа ажралди. Кудинов мактаб ёнидан ўтиб уйига кетди. Григорий штабга қайтди-да, ординарецини чақириб отларни олдириб келди. Отга миниб, шошмасдан жиловини қўлга олди-ю, милтиқ қайишини тўғрилади, лекин штабда йўлиққан полковникка нега бунча ғаши келганини, нега хавотирланганини тушунолмай мияси қотди. Тўсатдан миясига бир фикр келиб сесканиб тушди: «Борди-ю, қизилларнинг орқа томонидан бизларни қўзғатиш учун, бизларга ўзлари билганича раҳбарлик қилиш учун кадетлар шунақа билимдон офицерларни жўрттага орамизга юборган бўлса-я?» Аламзада кўнгил гумонлар, далил-исботларни кўндаланг қилаверди. «Қайси қисмдан эканини айтмади... мижғовланиб қолди... Штаб хизматчиси эмиш, бу орадан штаб ўтгани йўқ... Бир иллати бўлмаса, Дударевскдай пастқам жойда бу одам нима қилади? Ҳм, бунинг тагида гап кўп! Ишни расво қилибмиз, аттанг-аттанг...»— Григорий ўйлай-ўйлай, ахири аччиқ ҳақиқатнинг тагига етди-ю, жиғибийрон бўлиб охиригача ўйлаб чиқди: «Билимдонлар бизни йўлдан оздирди... Жаноблар бизни лақиллатди! Бизни адаштиришди, тушовлаб, жангга солиб, ўз ишларини битириб олишмоқчи... Дунёда ҳеч кимга ишониб бўлмас экан...»

Григорий Дондан ўтиб олиб отини аямай ҳайдади. Унинг орқасидан ординареци эгарни ғарчиллатиб от елдириб борарди, бу казак Ольшанский қишлоқлик юракли жангчи эди. Григорий ҳамиша «ўтдан, сувдан тоймайдиган», герман урушида чиниққан шундай одамларни атрофига тўпларди. Аслида разведкачи бўлган бу ординарец йўлга чиққандан бери чурқ этмай келарди, отини чоптириб келаётиб кунгабоқар кулида тобланган бир тутам хушбўй пиликни кафтига олди-да, чақмоқ тош билан ўт олдириб шамолда бемалол папиросини тутатди... Токин қишлоғига яқинлашганда у Григорийга:

— Ишимиз зарил бўлмаса, шу ерда тунай қолайлик. Отларгаям жавр, пича дам олсин,— деб маслаҳат берди.

Иккиси Чукаринда тунаб қолишди. Қўнган уйлари ўртасида даҳлизи бўлган икки хонали кўҳна бир

www.ziyouz.com kutubxonasi

уй бўлса ҳам муздай шамол ва йўл азобидан кейин иссиқда анча роҳатланишди. Ердан бузоқ ва эчкиларнинг шиптир иси, печдан карам баргига ўраб пиширилган нонинг куйган ҳиди келарди. Уч ўғлини ва чолини қўзғолончилар сафига жўнатган кампирнинг саволларига Григорий истар-истамас жавоб берарди. Кампирнинг овози йўғон эди; у ёши катталигини пеш қилиб, дабдурустдан Григорийни жеркиб ташлади:

— Командир бўлсанг, катталигингни эси паст казакларингга қил, менга хўжайинлик қиламан деб овора бўлма, сен ҳали болам тенги келмайсан. Мен билан гердаймасдан, тузукроқ гаплашгин, яхши йигит. Ҳадеб эснайсан-эснайсан холос, ёки моманг билан гаплашгинг келмаяптими? Ундай қилма! Биласанми, мен сизнинг урушингизга — худоё урушга қирғин келсин,— уч боламни ҳам, чолимни ҳам жўнатганман. Сен бўлсанг ҳозир уларга командирлик қиляпсан, лекин онаси менман, мен туққанман уларни, мен эмизиб, мен егизиб, опичиб, полизга, далаю даштларга обориб-обкелиб катта қилганман, бутун азобини мен тортганман. Онага осон эмас! Бурнингни кўп жийираверма, бола, менга пишқирмасдан, ётиғиминам жавоб бергин, қачон ярашасилар?

— Яқинда... Ухласанг бўларди, онажон!

— Яқинда-я! Яқининг қачон ахир? Уйқумминам ишинг бўлмасин, қачон ухласам ихтиёр ўзимда, бу уйнинг бекаси — мен, сен эмас. Ҳали қўрага чиқиб қўзи-улоқларимни сбкелишим керак. Кечаси уйда асрамасак, увол, ҳали жудаям нимжон... Пасхагача ярашасиларми?

— Қизилларни ҳайдаймизу, ярашамиз.

— Қошки, айтганинг келса!— Кампир, оғир меҳнат ва бод касали азобидан қинғир бўлиб қолган дастпанжасини қоқ суяк тиззасига қўйиб, олча пўстлоғи сингари жигар ранг, қақраган лаблари билан ғамгин тамшанарди. — Қизилларминам нима ишларинг бор? Уларминам нима талашиб урушасиз, ахир? Одамларга бир бало бўлди ўзи... Силарга милтиқ отишу, отга миниб ўзларингни кўз-кўз қилсаларинг бас, она нима бўлади, ўйлайсизми ҳеч? Онанинг азиз фарзандлари

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўрушда қириляпти-ку, ё нотўғрими? Урушни чиқаргаига минг лаънат-эй...

— Биз нима, биз она фарзанди эмасмизми? Бизни қанжиқ туққанми?— бўғилиб вағиллай бошлади кампирнинг гапига зардаси қайнаб тутоқишган ординарец.— Биримиз ўлиб, биримиз жонимизни ҳовучлаб аранг юрибмиз-ку, бу бўлса: «Отга миниб, ўзларингни кўз-кўз қиласан» — дейди-я! Онага қийин бўлса, жон берувчига осон фаҳмлайсанми? Ёшингни яшаб, ошингни ошаб, сочларинг оқарса ҳам тилингни тиёлмайсан, чулдирайсан холос... Гоҳ боғдан келасан, гоҳ тоғдан, бекорга ҳаммани уйқудан қўйдинг...

— Ухларсан, таъвия! Мунча ўқраясан! Боядан бери индамай ўтириб, ўтириб бирданига жаҳли чиқиб кета қолганини қаранг-а! Овозиям хириллаб зўрга чиқяпти.

— Григорий Пантелевич! Бу кампир ухлагани қўймайди,— деб минғирлади-да, ординарец папирос чекмоқчи бўлди, лекин аламини чақмоқтошдан олиб шундай қаттиқ чақдики, учқуни ҳамма ёққа учиб тушди.

Пилик тутаб, сасиб ёнгунча ординарец казак сергап кампирнинг роса адабини берди:

— Кампир эмас, балойи азим экансан! Мабодо чолинг жангда ўладиган бўлса, жон бераётиб: «Худога шукур, кампиримдан қутулдим»,— деб роса суюнар, «Умри узоқ, ёстиғи тупроқ бўлсин»,— деб ҳақингга дуо қилар дейман.

— Ҳув, тилингга куйдирги чиқсин, ҳароми!

— Онажон, худо хайр берсин, ухланг. Уч кечадан бери кўз юмганимиз йўқ. Ухланг! Бир чимдим уйқуга нима етсин?

Григорий иккисини аранг тинчитди. Уйқуга кетар олдида устига ёпилган барра пўстиннинг нордон ҳиди димоғига урилди, уйқу аралаш эшик тарақлаганини, оёқларига совуқ текканини, буғ ўраб олганини сезди. Сўнгра, қулоғининг тагида овозининг борича қўзи маъради. Улоқлар майда туёқчаларини тўқиллатиб югуришди, ниҳоят, ҳамма ёқни хушбўй тоза пичаннинг, қўй сутининг ҳиди, молхонанинг иси, аёзнинг муздай нафаси қоплаб олди...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ярим кечаси Григорийнинг уйқуси ўчиб кетди. Анчагача у кўзларини очиб ётди. Ерўчоқнинг ичида, кул тагида чўғлар йилтирарди. Ўчоқнинг ёнгинасидаги охурча ёнида қўзилар ғуж бўлиб исиниб ётишарди. Ярим кеча пайтининг лаззатли сукунати орасидан қўзиларнинг уйқуда тишларини ғижирлатиб кавшангани, ора-сира чучкургани, пишқиргани эшитиларди. Тўлган ой баландлардан туриб деразага мўралар, чорбурчак ромдан уй ичига тушиб турган сарғиш шўъларда тим қора улоқ сакраб, ўйноқлаб юрарди. Ердан кўтарилган чанг қия тушган ой нурида садафдай йилтирарди. Уй ичи сарғиш нур ичида, кундузгидай ёруғ. Токчада бир парча ойнанинг шўъласи йилт-йилт қилиб ўйнайди, фақат тўрдаги бурчакка қўйилган иконанинг кумуш рангли роми хира бўлгани учун аранг кўринарди... Григорий яна бошқатдан Вёшенскаяда ўтган мажлис, Хопердан вакил бўлиб келган казак тўғрисидаги мулоҳазаларга қайтди, яна ўша қилиғи совуқ интеллигентнамо подполковник эсига тушиб таъби хира бўлди. Улоқча Григорийнинг пўстинига, ундан қорнига чиқиб олди-да, қулоқларини диккайтириб анчагача бақрайиб тикилиб қолди; хавф йўқлигини сезгандан кейин қўрқмасдан бир-икки сакраб ҳам кўрди, ниҳоят, чатанағини кериб тўхтади. Жилдираб тушган илиқ сув пўстин аврасидан оқиб бориб, Григорийнинг ёнида ухлаб ётган ординарецнинг кафтига қуйилди. Ординарец сўкиниб уйғонди. Қўлини почасига артиб, хуноб бўлиб бош чайқади:

— Ҳамма ёқни ҳўл қилди, бадбахт... Кет!— деб улоқнинг пешонасига чертиб қўйди.

Улоқча чинқириб маъраганича пўстиндан ирғиб тушди; бир оздан кейин Григорийнинг олдига бориб, иссиққина ғудруш тили билан қўлини ялай бошлади.

XXXIX

Татарскдан қочган Штокман, Кошевой, Иван Алексеевич ҳамда милиционер бўлиб хизмат этган яна бир нечта казак 4-нчи Заамур полкига бориб қўшилди. Бу полк ўн саккизинчи йилнинг бошларида, герман фронтидан қайтишданоқ Кизил Армия отрядларидан бирига бутун состави билан қўшилган бўлса ҳам, граждан

www.ziyouz.com kutubxonasi

уруши фронтларида бир ярим йилдан бери жанг қилганига қарамай, асосий кадрларини сақлаб қолган эди. Заамурликларнинг уст-боши, яроғ-аслаҳаси бут, оглари семиз, яхши ўргатилган эди. Полк жанговарлик қобилияти, маънавий жиҳатдан мустаҳкамлиги ҳамда суворий тайёргарлигининг пухталиги билан бошқа полклардан ажралиб турарди.

Қўзғолоннинг дастлабки кунларида заамурликлар, Усть-Медведицага ўтиб олмоқ учун жон-жаҳди билан олға интилган қўзғолончилар қўшинини деярли ёлғиз ўзлари тўсиб туришди; буларга фақат Биринчи пиёда Москва полкигина ёрдам бера оларди. Кейинчалик мададчи кучлар келиб қўшилгач, полк олисга бормасданоқ Кривая дарёси бўйлаб кетган Усть-Хопер участкасини эгаллаб тураверди.

Март ойининг охирларида қўзғолончилар Елан станицасига қарашли қишлоқлардан қизилларни суриб чиқариб, Усть-Хопернинг бирмунча қишлоқларини босиб олдилар. Ана шундан кейин ҳар иккала томоннинг кучи бараварлашгандай бўлиб, қарийб икки ойгача фронт бир жойда туриб қолди. Тўплар билан кучайтирилган Москва полки Усть-Хоперни ғарб ёқдан ҳимоя қилиш билан бирга, Дон бўйига жойлашган Крутов қишлоғини ишғол этди. Крутовдан жанубга қараб кетган Дон бўйидаги тоғларнинг этагида қизиллар ўз тўпларини ғарам орасига яшириб қўйган эди; бу тўплар Москва полкининг цепларига мадад бериб, ҳар куни эрталабдан кечгача ўт очар, гоҳ ўнг қирғоқдаги дўнгда тўплана бошлаган қўзғолончиларни, гоҳ дарёнинг нариги бетига жойлашган Елан қишлоғини тўпга тутарди. Бир-бирига туташган қўралар тепасида шрапнель ўқлари ёрилар, гоҳ баландда, гоҳ пастроқда бир парча тутун пайдо бўларди-да, дарҳол тарқалиб кетарди. Ўқ парчалари гоҳ қишлоқнинг тор кўчаларига тушар,— моллар жон халпида четанларни қийратиб, думларини хода қилиб қочишар, одамлар энгашиб у ёқдан, бу ёққа чопиб ўтишар, гоҳ эски мазхабдагилар қабристонидан ошиб, шамол тегирмон ёнидаги кимсасиз қумтепага тушиб, музи эримаган қопқора ерни палахса-палахса килиб кўчириб ташлаган.

Қўзғолон кўтарган станицалардан қочиб қутулган

www.ziyouz.com kutubxonasi

коммунистлар ва совет ходимларидан Усть-Хоперда дружина тузилаётганини эшитишиб, Штокман, Мишка Кошевой ва Иван Алексеевич ўн бешинчи мартда Чеботарев қишлоғидан Усть-Хоперга жўнадилар. Улар эски мазҳаб тарафдори бўлган бир казакнинг чанасига тушиб йўлга чиқдилар. Штокман аравакашнинг олмадай қип-қизил ва лўппи бетларига қараб туриб, ўзидан-ўзи жилмайиб қўйди. Казак ўзи ёш бўлса ҳам соқол қўйган эди: новвот ранг сочлари жингалак бўлиб, қип-қизил оғзи бир тилим тарвузга ўхшар, кўзининг тагини тилла ранг тук қоплаган, серсоқоллигиданми, ё юзи қизиллигиданми, негадир кўм-кўк кўзларининг тиниқлигига одам ҳайрон қоларди.

Мишка йўл-йўлакай минғиллаб ашула айтар, Иван Алексеевич милтиғини тиззасига қўйиб, чананинг кетида жунжикиб ўтирарди. Штокман секин-аста аравакашни гапга солди.

— Умрингда ҳеч касал бўлганмисан, ўртоқ?— деб сўради.

Куч-қуввати тўлиб роса етилган, эски мазҳабли бу новқирон аравакаш барра пўстинининг барларини очиб жилмайди.

— Йўқ, ҳозирчалик гуноҳимизни худо кечиряпти. Бизда касал нима қилади? Папирос чекмасак, ароқни эви билан ичсак, ёшлигимиздан бери еганимиз буғдой нони бўлса, касал қайдан келсин?

— Хўш, ҳарбий хизматда бўлганмисан?

— Оз-моз бўлганман, кадетлар мажбур қилишган эди...

— Нима учун Донецга қочмадинг?

— Гапларинг ғалати-я, ўртоқ!— Аравакаш ўрма қил тизгинни қўйворди, қўлқопини ечиб оғзини артди-да, ўпкалагандай кўзларини қисиб, деди:— Менга нима зарил кебди? У ёққа қочиб янги динга кираманми? Агар мажбур қилишмаганда ўла қолсам ҳам кадетларга қўшилмасдим. Сизнинг ҳукуматингиз одил ҳукумат, лекин андаккина хато иш қилдингиз...

— Нима иш?

Штокман тамаки ўради ва ёндириб чекди-да, анчагача жавоб кутиб турди.

— Бу заҳарли гиёҳни нега тутатасан?— деб юзини

www.ziyouz.com kutubxonasi

тескари ўгириб олди казак.— Бир қарагин: ҳамма ёқ покиза, баҳор ҳиди келади, сен бўлсанг сассиқ тутун билан кўкрагингни чиритасан. Бу яхшимас! Қанақа нотўғри ишлигини гапириб берай энди. Аҳмоқлик қилиб, казакларни қисиб қўйдингиз. Бўлмаса-ку Совет ҳукуматига қарши чиқишга кимнинг ҳадди сиғарди? Мияси ишламайдиган одамларинг кўпакан, шунақаларди касрига қўзғолон кўтарилди.

— Аҳмоқлик деяпсанми? Сенинг гапингга қараганда кўпгина нотўғри ишлар қилибмиз-да? Шундайми? Қани айт-чи, нимани нотўғри қилибмиз?

— Мен айтмасам ҳам ўзинг яхши биласан... Одам оттинглар. Бугун биттаси отилди, эртага қарабсанки, иккинчиси... Кимнинг ўлгиси келади дейсан? Ҳўкизни сўймоқчи бўлиб етакласанг бошини чайқаб, оёғини тираб олади. Масалан, Буканов станицасида... ҳув анави, черковни кўряпсанми? Бу ёққа қара, қамчинни учига қара, энди кўрдингми?... Ўша ерда бир комиссар отряди билан турармиш, фамилияси Малкин. Қани айтинг-чи, халққа шунақа муомала қилиш мумкинми? Ҳозир гапириб бераман. Ўша Малкин қишлоқдаги қарияларни тўплаб чорвоққа обкираркан-да, қип-ялонғоч қилиб отиб ўлдираркан; қариндош-уруғларига ўликларини бермас экан. Бечора чолларнинг ёлғиз гуноҳи — бир вақтлар фахрий судья бўлиб сайланиб қолганлиги, бошқа ҳеч қандай жинояти йўқ. Бири ўз фамилиясини зўрғатдан ёзади, иккинчиси бармоғини сиёҳга ботиришни билади, холос. Бундай судьяларни илгари хўжа кўрсинга ўтказиб қўяр эдилар. Унинг қадру қиймати — узун соқоли холос, қарилигидан шимининг тугмасини ҳам сололмайди. Бундай одамлардан нима талаб қилиш мумкин? Гўдакданам увол... Лекин Малкин одамни чумчуқ фаҳмламайди, азроилдай жонини олади-қўяди. Иттифоқо Линск деган бир чол, қўлида юган, хирмонидаги биясини обкемоқчи бўлиб кўчада кетяпган экан, олдидан бир тўп шумтакалар чиқиб: «Сени Малкин чақиряпти, тез бор!» дейишибди. Линск шўрлик жонини ҳовучлаб, чулчутчасига чўқиниб қолади-ю,— у ердагилар ҳаммаси янги мазҳабда, шапкасини йўлдаёқ қўлига олволади. Даг-даг титраб, Малкиннинг олдига киради. «Мени ча-

www.ziyouz.com kutubxonasi

қирдингизми?— дейди. Малкин бўлса, биқинини ушлаб:— Ўз оёғи билан келган меҳмон азиз,— деб хохолаб кулади.— Сени ҳеч ким чақиргани йўқ, лекин умид билан кебсан, ноумид қайтма. Оборинг буни, ўртоқлар! Қишлоққа элликбоши қилинг...» Маҳкам ушлашади-ю, ўша заҳоти чорбоққа обкиришади. Қампири ана кутади, мана кутади, чолдан дарак йўқ. Чол бўлса, юган-пугани билан тўғри жаннатга равона бўлади. Яна бир куни Малкин Андреянов қишлоғлик Митрафан деган чолни кўриб қолади-да, ёнига чақириб олади: «Қаерликсан? Фамилиянг нима?— деб суриштиради. — Соқолингни қара-ю: худди ойимсупургига ўхшайди-я,—деб қотиб-қотиб кулади.—Соқолингга қарасам: Никола авлиёнинг худди ўзисан. Ўзинг ҳам чўчқадай семирибсан, ёғингни эритиб совун қиламиз. Буни ҳам қишлоққа элликбоши қилинглар!— дейди. Фалокат босган чолни соқоли ҳақиқатданам ойимсупургидай келаркан. Бечоранинг бор-йўқ гуноҳи соқол қўйгани-ю, чап томони билан турган Малкинга рўпара келиб қолгани: бекорга отиб ташлашди. Халққа мундан ортиқ зулм бўладими?

Чол ҳикоясини бошлагандаёқ Мишка ашуласини тўхтатганди, пировардига келиб зардаси қайнаб кетди:

— Ёлғонни қойил қилолмадинг, амаки!

— Ростини сен гапириб бера қол! Гапиришдан олдин, ростми, ёлғонми суриштиргин, иннайкейин карилагин.

— Шуни сен ўз кўзинг билан кўрганмисан?

— Одамлардан эшитдим.

— Одамлар-а! Одамлар анқонинг тухумини мақташади, ваҳоланки анқо деган қушнинг ўзи йўқ. Мишмиш гапларга лаққа тушиб, хотинлар сингари сақич қилиб чайнаб юрибсан!

— Иккиси ҳам ювошгина одам эди.

— Хо-о-о! Ювошгина!— Мишка зардаси қайнаб уни мазах қилди.— Қўзғолон тайёрлаган худди ана шу ювош чолларинг бўлмасин тағин, балки, бу ювош судьяларнинг ҳовлисидан пулемёт топилгандир? Сен бўлсанг, соқол қўйгани учун ҳазиллашиб отишди, дейсан... Сенда ҳам соқол бор, хўш, сени нега отишмади? Ўз соқолингга қара: бир боғ пичанга ўхшайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Мен нимани эшитган бўлсам, ўшани гапирдим холос.— Аравакаш хижолат тортиб чулдирай бошлади:— Ким билсин, эҳтимол одамлар тўқиб гапиргандир, бир ҳисобда, чоллар ҳукуматга қарши бирор иш қилган бўлсаям ажаб эмас...

У чанадан сакраб тушди-да, шилта қорни билчиллатиб анча жойгача пиёда кетди. Оёқлари дамба-дам тойғаниб эриб ётган кўкиштоб қор устида аранг судралади. Даштнинг қоқ тепасидан қуёш нозу карашма билан нур сочади. Тип-тиниқ осмон, теварак-атрофдаги баланду паст тепаларни, довонларни ўзининг мовий чодири остига олган. Секин-аста эсган шамолдан муаттар баҳор нафаси келади. Шарқда, эгри бугри бўлиб кетган дарё бўйидаги оппоқ тоғларнинг орқасида, бинафша ранг осмон қўйнидаги Усть-Медведица тоғининг чўққиси кўринади. Кўз илғамас олис уфқлардаги оппоқ барра булутлар ер бағирлаб юрганга ўхшайди.

Аравакаш яна чанага минди-да, тумтайган башарасини Штокманга буриб, яна гапга тушди.

— Менинг бувам (у ҳозирам тирик, ҳадемай бир юз саккизга киради) ёшлигида бувасидан эшитганларини гапириб юрарди. Подшоҳ Петр юқори Дон томонларга аллакимниям, хаҳ, отинг қурғур!— ё Длиннорук ов, ё Долгоруков деган бир князни юборганини бувамнинг буваси эс-эс биларкан. Ана шу князь Воронеждан лашкар тортиб келиб, мунофиқ Никоннинг мазҳабига кирмаган, подшога бўйсунмаган шаҳарларни вайрон қибди. Казакларни тутиб бурунларини кесибди, баъзиларини дорга осиб, сол билан Донга оқизибди.

— Гапнинг тагида гап борга ўхшайди, нима демоқчисан ўзинг?— деб сўради Мишка қулоғини диккайтириб.

— Мен шуни демоқчиманки, подшо минг кигандаям Длиннорукий қўлига мунақа ҳуқуқларни тутқизиб қўя қомагандир!.. Букановдаги комиссарам, масалан ўша княздан қолишмайди: «Мен дейди, сен итвачча казакларни шундай адабларингни берайки, умрбод эсларингдан чиқмайдиган бўлсин!..» Майдонда шундай деб бақиради-я! Станица йиғинида халққа шунақа де-

www.ziyouz.com kutubxonasi

са бўладими. Нима, Совет ҳукумати унга шунақа ҳуқуқ бериб қўйган эканми? Ҳеч қачон! Ҳаммани қоралаб, ҳаммани баравар ёмон отлиқ қилишга қўлида мандати бўлмаса керак. Казакдиям казаги бор: ҳаммаси бир хилмас ахир...

Штокманнинг бетлари буришиб кетди.

— Мен гапларингга роса қулоқ солдим, энди сен менга қулоқ сол.

— Эҳтимол, нодонлик қилиб ножўя гап қилгандурман, нима бўлсаям мени кечиринглар,— деб узр сўради казак.

— Шошма, сабр қил... Гап бундай. Аллақайси бир комиссар тўғрисида сен айтган гапларга, тўғрисини айтсам, одам ишонгиси келмайди. Лекин мен буни текшириб кўраман. Мабодо гапинг рост чиқиб, казакларга зўравонлик қилгани, ҳаддидан ошгани тўғри бўлса, биз уни кечирмаймиз.

— Қайдам!..

— Қайдаминг нимаси, пухта гап шу! Ўзинг айт-чи: қишлоғингда қизиллар турган маҳалда, қизил аскарлар аллақайси бир казак аёлнинг буюмини ўғирлаган бир қизил аскарни отиб ташлаганмиди? Мен буни қишлоғингдаги одамлардан эшитганман.

— Тўғри, тўғри! Перфильевнанинг сандиғини титган. Бўган гап! Ҳеч ёлғони йўқ. Ҳарқалай... Унақа ишларга қаттиқ туришарди. Рост айтасан, ғарамнинг нарёғида отиб ташлашган. Қишлоқ аҳли кейин: буни қайга кўмамиз деб анчагача бир қарорга келолмаган эди. Бири, қабристонга деса, кўпчилиги қабристонни ҳаром қилади деб кўнмаган эди. Ахийри бечорани ғарам ёнига кўмиб қўя қолишган эди.

— Демак, шундай воқеа бўлган-а?— Штокман сабрсизланиб папиросини ўйнарди.

— Бўлган, бўлган, тонмайман,— деб тасдиқлади казак қизишиб.

— Хўш, борди-ю, комиссарнинг жинояти тасдиқланса, нима учун биз уни жазоламас эканмиз?

— Ҳей биродари азиз! Уни жазолайдиган каттакон амалдор силарда балким, топилмас дейман... Анави анчайин солдат эди, бу бўлса, комиссар...

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Шунинг учун ҳам комиссарни қаттиқ тергаш керак! Тушундингми? Совет ҳукумати фақат душманларни жазолайди, лекин меҳнаткаш халқни ранжитган ҳукумат вакилларининг таъзирини беради.

Туш пайти эди. Март қуёшининг нурига чўмилган даштда чана қушқарағининг визиллаши билан от туёқларининг шалоплашидан ўзга товуш эшитилмасди; тўсатдан гумбурлаган тўплар овози сукунатни бузди. Тўплар яна уч марта муайян тартибда ўқ узди. Крутовда жойлашган батарея дарёнинг чап қирғоғини тўпга тута бошлади.

Аравадагиларнинг гаплари оғзида қолди. Замбаракларнинг ҳайбатли садоси, илк баҳор кайфини суриб мудраётган даштнинг фусункор гўзаллигини бузиб турарди. Ҳаттоки отлар ҳам қулоқларини чимириб, юки енгиллашгандай, оёқларини илдам-илдам қўя бошладилар.

Отлар Гетман йўлига ўтгач, чанадагилар кўз олдида Доннинг нариги қирғоғидаги ажойиб кенг манзара намоён бўлди: қори эриган қумтепалар, тўп-тўп сандип ва зирк дарахтлари ўсган ўрмончалар, олачипор чакалакзору бурунлар кўринди.

Усть-Хоперга етгач, аравакаш ревком биноси олдида отларни тўхтатди. Москва полкининг штаби ҳам шунинг ёнида эди.

Штокман чўнтагини ковлаб, Керенский чиқарган қирқ сўмликни олди-да, аравакашга узатди. Унинг оғиз таноби қочиб, мўйловини остидан сарғайган тишлари кўриниб кетди. Ийманиб:

— Йўғ-э, ўртоқ, худо сақласин! Пулди ҳожати йўқ,— деди.

— Оловер, отларингга ем пули қиласан. Совет ҳукуматидан кўнглингни тўқ тут. Эсингда бўлсин: биз ишчи-деҳқонлар ҳукумати учун курашяпмиз. Сизларни кулаклар, атаманлар, офицерлар қўзғолон кўтаришга мажбур қилди, булар ҳаммаси бизга душман. Қўзғолоннинг асосий сабабчиси — шулар. Бизга хайрихоҳлик кўрсатган, революцияга ёрдам қилаётган меҳнаткаш казакка одамларимиздан биронтаси озор берган бўлса, ундай безорининг танобини тортиб қўйиш мумкин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Биласанми, ўртоқ: осмон баланд, ер қаттиқ... силарди устларингдан арз қилишга бизга йўл бўлсин? «Бойминам талашма, зўрминам қуращма» дейилган. силар ҳам зўр, ҳам бойсиз...— Аравакаш муғомбирона илжайиб қўйди:— Муни қара, беш сўмлик кира пули ўрнига қириқ сўлковой беряпсан, хайр, худо хайрингни берсин.

Мишка Кошевой чанадан сакраб тушди-да, чалворини қоқаётиб:

— Йўлдаги гапларинг ёқиб кетгани ҳамда соқолинг чиройли бўлгани учун сени сийлади-да, — деди.— Сен ўзинг биласанми, анқов; чанангда ким келди? Кизил генерал!

— Бе?

— Мана сенга «бе.» Ўлгудай ношукур одамларсизда!... Оз берсанг: «Анави ўртоқларни чанада обкелсам, фақат беш сўм берди, фалону писта вон», деб ҳаммага жар соласиз, қиши билан қарғаб чиқасиз. Кўп берса, яна ёқмайди: «Ие, манави бойни қара! Қириқ сўлкавой берди. Пулининг сон-саноғи йўқ...» дейсиз. Менга қолса, сенга бир пул бермасдим. Хафа бўлсанг, сатқаисар. Барибир сенга ёқиш қийин. Қани, кетдик,... Хайр серсоқол!

Мишканинг ачитиб-ачитиб айтган гаплари ҳаттоки Иван Алексеевичга ҳам наша қилди, у ҳам қовоғини очиб илжайди.

Штаб ҳовлисидан жуни ўсиқ қалмоқи от минган қизил аскар ўқдай учиб чиқди-да, отини калта буриб:

— Чана қаердан?— деб бақирди.

— Нима ишинг бор?— деб сўради Штокман.

— Крутовскка патрон обориш керак. Қайтар чанани!

— Йўқ, ўртоқ, бу чанага биз жавоб бериб юбордик.

— Ўзингиз ким бўласиз?

Ёшгина, чиройли қизил аскар йигит отини тикка буриб келди.

— Биз Заамур полкидан бўламиз. Чанани ушлама.

— Ҳа... Майли бўлмаса, кетавурсин. Чу деявер, қария.

www.ziyouz.com kutubxonasi

XL

Суриштириб кўришса, Усть-Хоперда ҳеч қандай дружина ташкил қилинмаган экан. Битта дружина ташкил этилган экан, у ҳам бўлса, Усть-Хоперда эмас, — Букановда. Бу дружинани 9-нчи Қизил Армия штаби Хопернинг қуйи станицаларига юборган комиссар тузган экан, йўлда эски мазҳаблик казак айтган комиссар Малкин шу бўлиб чиқди. Еланлик, букановлик, слашевлик ва кумилженлик коммунистлар ва совет ходимлари бир ерга тўпланганлар, буларга қизил аскарлар қўшилган, шундай қилиб туппа-тузук жанговар бир қисм ташкил топган; бу дружинада икки юз милтиқ, аллақанча қилич ҳамда ўзига яраша суворий разведка бўлган.

Дружина ҳозирчалик Букановда жойлашган бўлиб, Москва полкининг бир рота солдатлари билан биргаликда, Еланка дарёсининг юқорисидан ҳамда Зимовная томондан ҳужум қилмоқчи бўлган қўзғолончиларнинг йўлини тўсиб турарди.

Штокман штаб бошлиғи ҳамда сиёсий комиссар билан маслаҳатлашиб кўриб, Усть-Хопердаги 2-нчи батальонга қўшилиб қўя қолишга қарор қилди. Штаб бошлиғи илгари офицер ўтган, қовоғи солиқ, асабий одам, сиёсий комиссар эса, Москвадаги Михельсон заводидан чиққан ишчи эди. Тўп-тўп обмотка, ғалтакка ўралган телефон симлари билан лиқ тўлган озодагина бўлмада Штокман сиёсий комиссар билан узоқ суҳбатлашди.

— Биласанми, ўртоқ,— деб шошмасдан гап бошлади аппендицити қўзиб рангги-рўйи сарғайиб кетган пакана бўйли комиссар,— бу жуда оғир масала. Мендаги йигитларнинг кўпчилиги москвалик билан рязанлик, бир оз нижегородликлар ҳам бор. Ҳаммаси интизомли, аксарияти ишчилар. Аммо ўн тўртинчи дивизиядан келган бир эскадрон одамлар орасида бевошлик қилувчилар бўлди. Биз уларни Усть-Медведицага қайтариб юборишга мажбур бўлдик... Сен шу ерда қолгин, иш кўп. Халқ орасида ишлаш, тушунтириш керак. Ўзинг ҳам биласан, булар ҳаммаси казак... Ҳушёр бўлмасанг, иш чатоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Штокман комиссарнинг насиҳатларига қулоқ солиб турди-да, ниҳоят, сарғайган кўзларига тикилиб.

— Бу гапларнинг ҳаммасига мениям ақлим етади, тушунтиришнинг ҳожати йўқ,— деди кулимсираб.— Яхшиси сен менга манавини айт: Букановдаги комиссар қанақа одам ўзи?

Комиссар калта қилиб қирқилган кул ранг мўйловини силаб, бўшашиб жавоб берди:

— Баъзан ҳаддан ошириворган жойлари бўлди. Ўзи чакки йигит эмас, бироқ сиёсатдан нўноқроқ: вазиятни тушунмайди. Нимасини сўрайсан, ўртоқ, хатосиз одам борми?... Ҳозир станицалардан эркакларни териб олиб, Россиянинг ичкарироқ жойларига жўнатяпти... Сен завхозга учрашгин, сизларни овқатга қўшиб қўяди,— деди комиссар; у ҳадеб юзларини бужмайтирар, ёғи чиққан пахтали шими устидан биқинини силарди.

Эрталаб тревога берилиши биланоқ 2-нчи батальон милтиқ ушлаб саф тортди, йўқлама бошланди. Бир соатдан кейин батальон поход тартибида Крутов қишлоғига жўнади.

Тўрттадан саф тортган колоннанинг бир қаторида Штокман, Қошевой, Иван Алексеевич баравар қадам ташлаб боришарди.

Крутовдан Доннинг нариги бетига отлиқ разведка юборилди. Разведканинг кетидан колонна ҳам Дондан ўтди. Музлаган ерлар эриб, гўнглар қоришиб балчиққа айланган, йўлларни ҳалқоб сув босиб кетган, Донни қоплаган муз хиралашиб, илма-тешикка айланган. Музи эриган баъзи жойларнинг суви четан деворларни босиб кетган эди. Батарея тоғдан туриб, Елан қишлоғининг нариги томонидаги теракзорни тўпга тутарди. 2-нчи батальон казаклар ташлаб кетган Елан қишлоғига кирмасдан тўғри Елан станицасига бориш ва Буканов томонидан келаётган 1-нчи батальоннинг ротаси билан алоқа боғлаб, Антоново қишлоғини ишғол қилиши керак эди. Олдиндан тузилган планга мувофиқ 2-нчи батальоннинг командири ўз одамларини Безбородов қишлоғи томон бошлаб бориши зарур эди. Кўп ўтмай, отлиқ разведка «Безбородовда душман йўқ, лекин қишлоқдан тўрт чақи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рим ўнгроқда тинимсиз отишма кетяпти»,— деган хабар топиб келди.

Колоннадаги қизил аскарлар тепасидан тўп ўқлари жуда-жуда баландлаб, қалдир-қулдур қилиб учиб ўтарди. Ўқ парчалари атрофга тушиб ернинг титиғини чиқарарди. Орқа томонда қарсиллаб муз ёриларди. Иван Алексеевич бурилиб қаради:

— Сув кўпайганга ўхшаб қолди,— деди.

— Мундоғ пайтда эсини еган одам Дондан ўтади. Ҳадемай, муз кўчади,— деди пўнғиллаб Мишка. У пиёда юришга ўрганмаганидан оёғини баравар ташлолмай хуноб бўларди.

Штокман олдида кетаётган қизил аскарларнинг елкаларига, камар билан маҳкам танғилган белларига, милтиқ учига қадаб қўйилган кўкиш найзаларнинг бир маромда тебранишига қараб борарди; кетига бурилиб қararди: баъзиси жиддий, баъзиси бепарволик билан кетаётган қизил аскарларни, бири-бирига ўхшамаган ва айни замонда бирини-биридан ажратиб бўлмайдиган чеҳраларни томоша қилар, беш қирралик қизил юлдуз таққан шапкаларнинг чайқалишига, хилма-хил эски-туски, янги шинелларнинг қимирлашига қараб борарди; юзлаб этикларнинг баравар чалп-чулп қилиб оғир қадам ташлагани, одамларнинг шивирлашиб гаплашгани, олдинма-кейин йўталгани, сувдонларнинг тарақлагани қулоғидан, ивиган этикларнинг сассиғи, чарм ва тамаки ҳиди димоғидан кетмасди. Кўзини чала юмиб, қадамини адаштирмасликка ҳаракат қилар, кўнгли эриб, мана шу ёнида кетаётган азаматларга, унга на жигар, на қариндош бўлган шу нотаниш йигитчаларга меҳри товланиб, хаёл сурарди: «Қизиқ: бу йигитлар шу топда кўзимга жудаям иссиқ кўриниб кетди, уларга бунчалик раҳмим келиб, ихлосим ошганига сабаб нимайкин! Орамизда қандай боғланиш бўлиши мумкин? Хўп, идеямизнинг бирлиги дейлик... Йўқ, масала ёлғиз идеяда эмас, ишимиз ҳам битта. Яна-чи? Балки хавф-хатар яқинлиги, ажал ҳиди келаётгани ҳам бунга сабабдир. Булар ўз укаларимга ўхшайди-я» — деб туриб кўзи ёшланди-да: «Наҳотки ҳалитдан қариган бўлсам-а?— деб жилмайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Штокман олдида кетаётган қизил аскарнинг кенг яғринини, ёқаси билан шапкаси орасидан кўриниб турган қип-қизил ва топ-тоза бўйнини оталик меҳри билан томоша қилди-да, ёнидаги одамга бурилиб қаради. Қорамағиздан келган бу йигитнинг соқоли олинган, икки бети олмадай, оғиз-бурни келишган, ўзи новча бўлса ҳам, ниҳоятда хушбичим эди; юрганда бўш қўлини қимирлатмас, бир ери оғриётгандай ҳадеб ижирғанаверарди, кўзларининг икки четини, қаримай туриб, ажин босиб кетганди. Штокманнинг у билан гаплашгиси келди.

— Қачондан бери армиядасан, ўртоқ?

Қизил аскар қуралай кўзлари билан Штокманга бир қараб қўйди-да:

— Ўн саккизинчи йилдан бери,— деди совуққина қилиб. Унинг сиполик билан жавоб беришидан Штокман ранжимади ҳам.

— Қаерда туғилгансан?

— Ҳамшаҳарингни излаб юрибсанми дейман, амаки?

— Ҳамшаҳаримни учратсам жон дердим.

— Москваликман.

— Ишчимисан?

— Ҳа.

Штокман унинг қўлига кўз қирини ташлади. Йиллар ўтган бўлса ҳам темирнинг излари қўлидан кетмаганди.

— Металлистмисан?

Қуралай кўзлар Штокманнинг юзига, оқ оралаган соқолига яна бир карра қараб чиқди.

— Токарман. Сен ҳам токарь бўлсанг керак?— қуралай кўзлари жиддийлигини йўқотиб жилмайди.

— Мен слесарь эдим... Нега ҳадеб ижирғаняпсан, ўртоқ?

— Этигим қотиб қобди. Кечаси пистирмада ивиб кетган эди.

— Юрагинг чўчимаяптими?— ўсмоқчилаб сўради Штокман кулиб.

— Нимадан чўчийди.

— Ҳадемай жангга кирамиз...

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Мен — коммунистман.

— Нима, коммунистлар ўлимдан қўрқмасмишми? Е улар темирдан ясалганми?— деб гапга аралашди Мишка.

Қизил аскар эпчиллик билан милтиғини ўнглаб олди-да, ўйланиб турриб, Мишкага қарамасдан жавоб қайтарди:

— Сен ҳали, укажон, мунақа ишларда ғўрлик қиласан. Мен қўрқмаслигим керак. Ўзимга ўзим: қўрқмайсан!— деб буюрганман, шунга аҳд қилганман. Тушундингми? Қўлингни ювмасдан қўйнимга қўл соламан деб овора бўлмагин... Ким билан нима учун жанг қиляпганимни ўзим биламан. Биз албатта енгамиз, буни ҳам биламан. Шуниси керак бизга Бундан бошқасининг бир пуллик аҳамияти йўқ.— Аллақандай бир нарса эсига тушиб, у кулимсиради-да, Штокманга кўз қирини ташлаб гапида давом этди:— Бултур мен Красавцев отрядида Украинада эдим, оғир жанглар бўлди. Душман бизни орқага суриб келаверди. Талофот кўп. Ярадорлар йўлда қолиб кетди. Жмеринкага яқин жойда душман бизни қуршовга олди. Темир йўл бўйлаб чекинишдан бошқа илож йўқ, бронепоездни ўтказмаслик учун, қандай бўлмасин кечаси оқлар орасидан ўтиб, уларнинг орқа томонидаги кўприкни портлатиш керак эди. Қани талабгор? Талабгор йўқ. Коммунистлар ўзаро маслаҳатлашиб: «чек ташлаб кўрайлик, кимга чиқса, толеидан»,— дейишди, бироқ бизлар оз эдик. Мен ўйлаб кўриб, боришга қарор қилдим. Портлатувчи дори, шнур, гугурт олдим-да, ўртоқларим билан хайрлашиб, кетдим. Тун қоронғи, ҳамма ёқ туман. Юз саржинча юргандан кейин эмаклай бошладим. Олдин ўриқсиз қолган қора буғдой орасидан, сўнгра жар ичи билан эмаклаб боравердим. Жардан чиқиб келаётсам, тумшуғим тагидан париллаб аллақандай бир парранда учиб чиқса бўладими! Вой қурғур-е! Посбон турган жойдан ўн саржин нарироқдан ўтдим, эмаклаганимча кўприкка етиб олдим. Кўприкни пулемётчилар қўриқлашаётган экан. Икки соатча пайт пойлаб ётдим, ниҳоят, дорини жойладим-да, этагимни пана қилиб гугурт чақай десам, савил ивиб қоб-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди, қани ёнса... Бағримни ерга бериб эмаклаб келятганимда шабнамдан эгним жиққа ҳўл бўлиб, гугуртнинг дориси намиқибди... Ана ўшанда мени ваҳима босиб қўрққаним рост, амаки. Тонг отай деб қолган, қўлларим қалтирайди, тердан кўзларимни очолмайман. «Иш расво бўлди... Агар портлатолмасам, ўзимни отиб ўлдираман!»— деган қарорга келдим. Қийнала-қийнала ахийри бир амаллаб ёндирдим-у қочдим. Қўтарманинг нарёғидаги тўсиқ тагига ётиб олдим, шу пайт кўприк гумбурлаб портлади-ю, қий-чув, тўполон кўтарилди. Тревога. Икки пулемётдан баравар ўт очишди. Ёнимдан кетма-кет анча отлиқлар чопиб ўтишди, кечаси қоронғида мени топиб бўбди! Ўрнимдан турдиму лип этиб буғдойзорга кирдим. Лекин шу ерда қўл-оёғим шол бўлди-қолди, қани қимирласа! Илож йўқ, ётдим чўзилиб. Боришда тап тортмай борувдим, қайтишда... Қайтишда... Кўнглим лоҳас бўлиб бирам қусдимки, асти қўяверинг! Ичимда ҳеч нарса қолмагандай туюлади-ю, барибир кўнглим айнайди, денг. Ана холос... Ҳайтовур, бир амаллаб шерикларим ёнига етиб олдим.— Қизил аскар энди қизишиб кетди, жонланиб қуралай кўзлари чақнаб кетди, чиройига чирой қўшилди.— Эрталаб жангдан кейин ўртоқларга гугурт ёнмаганини гапирсам, оғайним: «Зажигалканг бор эди-ю, Сергей, ёки йўқотганмисан?»— дейди. Қўкрак чўнтагимни қарасам, турибди! Олиб чақиб кўрдим, ҳо ишонинг, ҳо ишонманг, лоп этиб ёнди.

Олисдаги теракзордан шамол қувган икки қарға осмонда ўқдай учиб келарди. Шамол уларни у ёқдан-бу ёққа чайқатар эди. Қарғалар колонна тепасига етишига юз саржинча жой қолганда, Крутов тоғида бир соатдан бери жим ётган тўп яна гумбурлади; тўп ўқининг қалдир-қулдури тобора яқинлашиб авжига чиққан пайтда, баландроқда учиб келаётган қарға худди шамол учирган пайраҳа сингари тўсатдан ҳавода чарх уриб қолди, жон ҳалпида ўзини ўнглаб олмоқчи бўлиб уринса ҳам қанотлари қайрилиб, шўнғиганича бурала-бурала қоп-қора бўлиб тушиб келаверди.

— Ажали етган экан!— деб завқланди Штокман-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг кетида келаётган қизил аскар.— Чархпалак қилиб юборди-я, қойилман!

Қора-тўриқ бия минган рота командири эриган қорни сачратиб колоннанинг бош томонидан от чоптириб келди-да:

— Ёйил!— деб бақирди.

Пулемёт ўрнатилган уч чана индамай кетаётган Иван Алексеевичнинг уст-бошига қор сачратиб, ёнидан ўтиб кетди. Кетинги чанада ўтирган пулемётчилардан бири қияликда чанадан учиб тушди; аравакаш сўкина-сўкина, эпчиллик билан отларни қайтариб келгунча ва йиқилган пулемётчи чана тўхтамаёқ қайта миниб олгунча, қизил аскарлар роса маза қилиб хохолаб кулишди.

XLI

Каргин станицаси қўзғолончиларнинг 1-нчи дивизияси учун таянч пункт бўлиб қолди. Григорий Мелехов Каргин атрофидаги ерларнинг стратегия жиҳатдан қулайлигини яхши тушуниб, қандай бўлмасин, уни қўлдан бермасликка аҳд қилган эди. Чир дарёсининг чап қирғоғи бўйлаб кетган тоғлардан ҳамма ёқ кафтдай кўринарди, мудофаа учун казакларга қулайлик берарди. Пастда, Чирнинг нариги қирғоғида Каргин станицаси жойлашган, унинг нариги ёғи эса, неча чақиримлаб жойгача чўзилган баланд-паст дашт, дашгни унда-мунда сой ва жарлар кесиб ўтган. Григорий ўзи тоғ орасидан уч тўплик батарея учун жой танлади. Унинг ёнгинасида атрофни кузатиб туриш учун қулай жой — тўрт ёғи эман дарахтлари ва тепалар билан ўралган, қадимдан қолган баланд қўрғонча бор эди.

Каргиннинг ёнида ҳар кун жанг борарди. Қизиллар ҳар доим икки тарафдан ҳужум қилишарди: бир қисм жанубдан — украинлар яшаган Астахово слободаси томондан, иккинчи қисми шарқдан — Боков станицасидан Чирнинг юқорисига қараб чўзилиб кетган қатор-қатор қишлоқлар ичи билан бостириб келавершарди. Казаклар Каргиндан юз саржин чамаси ор-

www.ziyouz.com kutubxonasi

қароқда ёйилиб ётиб олиб, онда-сонда ўқ узишар эди. Қизилларнинг шиддатли ўқ ёғдиришига бардош беролмай, улар ҳар доим станицага ва ўшанақаси тикка кетган тор жарлар ичи билан тоғ томонга чекинишарди. Қазакларни яна нари суриб бориш учун қизилларда етарли куч йўқ эди. Олисдан айланиб ўтиб икки қанотдан сиқиб келиб казакларни янада чекинишга мажбур қилиш, душманни чалғитиб туриб, станица ёнида бекор ётган ўз пиёда аскарларига йўл очиб бериш учун етарли даражада суворий қисмлар керак эди. Қизилларда эса етарли миқдорда отлиқ аскар йўқ эди, бу нарса қулайлик бермас эди. Пиёда аскарларда тезлик ва эпчиллик билан ҳаракат қилиш қобилияти бўлмагани учун бу хил оғир операцияларга уларни солиб бўлмасди, чунки казакларда суворийлардан кўп бўлиб, истаган вақтда улар пиёда аскарларга ҳужум қилиб, асосий вазифани бажаришларига халал бериши мумкин эди.

Қўзғолончиларнинг яна бир устунлиги шунда эдики, улар бу атрофни яхши билганлари учун пайтини топиб туриб, отлиқ бўлинмаларни жарлар ичи билан қизилларнинг икки қанотига, орқа томонига юборишар, олға силжишга имкон бермай, доим уларга таҳлика солиб туришарди.

Ўша кезлари Григорий қизилларни тор-мор қилиш планини ўйлаб чиққан эди. У ёлғондан чекинган бўлиб, қизилларни алдаб Каргинга киргизиб олмоқчи, Рябчиков билан бир полк отлиқ аскарни юбориб, ҳам ғарб томондан — Гусин жаридан, ҳам шарқдан — Грачи жаридан қуршовга олиб, қақшатғич зарба бермоқчи эди. Бу план пухта ишлаб чиқилди. Кечқурун мажлисда ҳар бир қисм командирига керакли йўл-йўриқ ва буйруқ берилди. Григорийнинг фикрича душманга сездирмаслик учун тонг ёришганда қўзғалиб, жарлардан ўтиб олиш керак эди. Қилинадиган иш аниқ ва равшан эди. Григорий, яна қандай тасодифлар учрашини, планни бажаришга халақит бериши мумкинлигини яхшилаб ўйлаб чиқди-да, икки стакан самогонни ичиб олиб, ҳўл шинелининг этагини бошига буркаганича, ечинмасдан каравотга чўзилди-ю, қотиб қолди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Эртаси куни эрталаб соат тўртларда қизил аскарлар Қаргинга кира бошлади. Қазак пиёда аскарларининг бир қисми кўз чалғитиш учун жўрттага станицани ташлаб тоққа қочди; Қаргинга кираверишда тўхтаб қолган икки тачанкадаги пулемётчилар отларини шартта буриб, уларни пулемётдан ўққа тутдилар.

Қизиллар станица кўчаларига аста-секин кириб келавердилар.

Григорий қўрғоннинг орқа томонида, тўплар ёнида эди. У қизилларнинг пиёда аскари Қаргинни эгаллаб, Чир бўйига тўплана бошлаганини олисдан кўриб турарди. Биринчи тўп отилиши билан, тоғ этагидаги боғларда биқиниб ётган икки юз казак ҳужумга ўтади. Айнан шу вақтда жарлар ичидаги Рябчиковнинг полки икки ёндан сиқиб келаверади деб келишиб қўйилган эди. Батарея командири тепадан Қаргинга қараб ўқдай учиб тушаётган тачанкани тўпга тутмоқчи бўлганда, атрофни кузатиб турган казак, уч ярим чақирим наридаги Нижне-Латишев қишлоғидаги кўприк устида тўплар кўринди, деган хабарни келтирди. Қизиллар айни бир вақтда Боков томондан ҳам ҳужумга ўтган эдилар.

Григорий Цейсс дурбинидан кўзини олмай:

— Буларни мортирдан ўққа тутиш керак,— деб маслаҳат берди.

Наводчик батарея командири вазифасини бажараётган вахмистр билан икки оғиз гаплашиб олди-да, тезда мўлжални тўғрилади. Тўпчилар тайёр бўлишди: казаклар «Тўрт ярим дюмалик» деб ном қўйган мортирка гумбурлатиб ўт очди-да, тисарилиб думи билан ерни ўйиб юборди. Биринчи ўқ кўприкнинг четига бориб тушди. Қизилларнинг иккинчи тўпи энди кўприкка қадам қўйганди. Ўқ тўпга қўшилган отларни дабдала қилди, кейинчалик битта от тирик қолгани аниқланди, лекин ўқ парчаси бу отни миниб келаётган тўпчининг бошини чўрт узиб ташлаган эди.

Григорий қизиллар тўпининг олдида лоп этиб кўтарилган сарғиш-кўк тутунни кўрди, гумбурлаб портлаган овозни эшитди; отлар тутун ичида осмонга сапчидилару, ағдарилиб тушдилар; югуришган, қулаган одамлар кўринди. Ўқ тушган маҳалда тўп ол-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дида келаётган отлиқ қизил аскар от-поти билан, кўприк панжараси билан қўшилиб муз устига ағдарилиб тушди.

Тўпчилар ўқнинг мўлжалга шу қадар тўғри бориб тушишини кутмаган эдилар. Тўп ўрнатилган қўрғон бир лаҳза сукунатда қолди; ёлғиз шу яқинда турган кузатувчи чўккалаб туриб олиб, алланима деб бақирар ва қўлларини силкитарди.

Ўша заҳоти паст томондан, қалин олчазор ва чорбоғлар орасидан пойма-пой «ура» садоси, тасиратусур отилган ўқларнинг овози келди. Григорий ўзини эҳтиёт қилишни бутунлай унутиб, қўрғон устига чопиб чиқди. Қишлоқ кўчаларида қизил аскарлар югуришар, ўша ёқдан ғовур-ғувур садолар, чинқириб команда берган овозлар келар, бараварига отилган ўқ товушлари эшитиларди. Пулемёт тачанкаларидан бири дўнгга чопиб қочмоқчи бўлди-ю, лекин ўша заҳотиёқ қабристон ёнидан шартта бурилди-да, гоҳ ётиб, гоҳ туриб чопиб келаётган қизил аскарларнинг бошидан ошириб, боғлардан ёпирилиб келаётган казакларни ўққа тутди.

Григорий уфққа ҳарчанд тикилиб қараса ҳам, отлиқ казаклар кўринмасди. Рябчиков қўл остида бўлган суворийлардан дарак йўқ эди. Чап қанотдаги қизил аскарлар Каргин билан Архипов қишлоғи ўртасида бўлган Забурунний жарининг ичидан кўприк томон чопиб келишарди, лекин ўнг қанотдагилар станица бўйлаб югуришар ва Чир дарёсига яқин икки кўчани эгаллаган казакларнинг ўқлари остида думалашарди.

Ниҳоят, дўнг орқасидан Рябчиковнинг биринчи сотняси кўринди, унинг кетидан иккинчи, учинчи ва тўртинчи сотнялар чиқиб келаверди. Сотнялар ёйилиб бориб шартта чапга бурилди-да, тоғ этагидан Климовка томон тўп-тўп бўлиб қочаётган қизил аскарларнинг олдидан тўсиб чиқди. Григорий қўлқопини мижиғлар, жангнинг кети нима бўлишини билгиси келиб, ҳовлиқарди. У энди дурбинни ташлаганди: Рябчиковнинг суворийлари қуюндай учиб Климовка йўлига яқинлашаётганини, қизиллар саросималикда изига қайтиб, ҳар қайсиси ўз ҳолига Архипов қишло-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ғининг ҳовлиларини мўлжаллаб қочганини, у ёқдан Чир бўйлаб келаётган пиёда казак аскарларнинг ўқларига дуч келиб, яна йўлга қочиб чиқаётганини дурбинсизоқ кўриб турарди. Қизил аскарларнинг жуда оз қисми Климовкага қочиб қутула олди.

Тепа устида ажалнинг бозори қизиди. Рябчиковнинг сотнялари ёйилиб бориб, Каргин томонга бурилди-да, хазонларни учирган шамолдай, қизилларни олдига солиб ҳайдай бошлади. Ўттизтача қизил аскар қуршовда қолди ва қочишга йўл йўқлигини билгач, Забурун кўприги ёнида ўзларини ҳимоя қилиб отиша бошлади. Уларда станок пулемёти ва анча запас ленталари бор эди. Боғлар орасига жойлашган қўзғолончи пиёда казак аскарларнинг қораси кўриниши билан пулемёт дарҳол тариллаб ўт очарди, баъзи казаклар қулар, баъзилари эмаклаб қочишар, омборхоналар орқасига ва харсанг деворлар панасига ўзларини олишарди. Казакларнинг Каргин бўйлаб ўз пулемётини шоша-пиша судраб келаётгани дўнгдан бемалол кўриниб турарди. Архиповка қишлоғига туташган энг четки ҳовли ёнида улар негадир бирпас тўхтаб қолишди, сўнгра, югуриб ҳовлига кириб кетишди. Сал ўтмай ўша ҳовлидаги омборхона томидан тариллаган овоз чиқди. Григорий дурбинга қараб пулемётчиларни ҳам кўрди: чалвор почалари оқ пайпоқ қўнжига қистирилган бир пулемётчи оёқларини кериб ётиб олганди, иккинчиси — пулемёт ленталарини белига ўраб олиб, нарвондан чиқаётган эди. Тўпчилар пулемётчиларга ёрдамлашишга жазм қилишди. Бир жойга тўпланиб олиб қаршилик кўрсатаётган қизиллар устига шрапнелдан ўқ ёғдиришди. Энг сўнгги тўп ўқи қишлоқдан анча нарига бориб ёрилди.

Чорак соатдан кейин Забурун ёнидаги қизиллар пулемётининг овози бирданига ўчди, ўша заҳотиёқ «ура» садоси кўтарилди. Яйдоқ толлар орасидан отлиқ казаклар қораси кўринди.

Жангу жадал тамомига етган эди.

* * *

Григорийнинг буйруғига биноан чопиб ўлдирилган бир юз қирқ еттита қизил аскарнинг жасадини Кар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

гин ва Архиповка қишлоқларининг аҳолиси чангаклар билан судраб Забурун ёнидаги бир чуқурга ташладилар, устидан наридан-бери тупроқ тортиб қўя қолдилар. Рябчиков патрон ортилган олтита икки ғилдиракли аравани қўшуғлик отлари ва патронлари билан ҳамда битта тачанкани қулфсиз пулемёти билан қўлга туширди. Климовкада ҳарбий анжом ортилган қирқ икки арава ўлжа олди. Казаклардан тўрт киши ўлган, ўн беш киши ярадор бўлган эди.

Шу жангдан кейин бир ҳафтагача Каргин жимжит бўлиб қолди. Қизиллар ўз кучини қўзғолончиларнинг 2-нчи дивизияси устига ташлади, тез орада уни суриб бориб, Мигулин станицасига қарашли Алексеев қишлоғини, Чернец слободасини ишғол этиб, Юқори Чир қишлоғига яқинлашди.

Ҳар куни эрта тонг маҳалида ўша ёқдан гумбурлаб тўп овозлари эшитилар, бироқ жангларнинг бориши тўғрисидаги маълумот доим кечикиб келганлигидан 2-нчи дивизия турган жойдаги аҳволнинг қандайлигини аниқ билиб бўлмасди.

Григорий ўзини овутиш, миясига келадиган ҳар хил ваҳимали фикрлардан қутулиш учун, ўзи иштирокчиси бўлган ҳодисаларни ўйламаслик учун шу кунларда жўрттага ича бошлаган эди. Буғдой запаси мўллигига қарамай, қўзғолончилар ун масаласида қаттиқ қийналишарди (тегирмонлар армия учун ун тортиб улгиролмас, ҳаттоки казаклар буғдой бўтқаси билан кун кўришарди), лекин самогон ниҳоятда сероб, ошиб-тошиб ётарди. Бир куни дударевлик казаклар ўлгудек ичиб олиб маст-аласт ҳолда Доннинг нарёғида пулемётларга қарши от солиб ҳужум қилишган, ярми қирилиб, ярми аранг қутулган эди. Маст ҳолда позицияга бориш ҳодисалари кун сайин учрарди. Лаганбардорлик қилиб Григорийга самогон топиб келаверишарди. Айниқса Прохор Зиков самогон топишда исковичдан қолишмасди. Каргиндаги жангдан кейин у, Григорийнинг илтимосига кўра, уч хумча самогон топиб келди, ашулачиларни тўплади; Григорий оғир хаёлу аччиқ ҳақиқатдан қутулишига суюниб, казаклар билан кайф-сафо қилиб оппоқ тонг оттирди. Эрталаб бош оғриқ қилди, кетидан яна ич-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди, кечга яқин яна ашулачиларни чақиртирди: хушчақчақ қийқириқларни, тапира-тупур ўйин тушишларни, ишқилиб, бир дам бўлса ҳам кайф-сафо ичида оғир ва аччиқ ҳақиқатни унутиб, базм қуришни кўнгли тусаб қолди.

Бора-бора ичкиликсиз туролмайдиган даражага етди. Эрталаб овқат емоқчи бўлиб дастурхон тепасига келиб ўтирганда томоғи тақирлаб қоларди. У кўп ичар ва лекин меъёридан ошириб юбормас, ҳар доим оёғини билиб босарди. Ҳаттоки эрталабга бориб ул-фатлари ўлгудай маст бўлиб, бири у ёқда, бири бу ёқда қусиб, шинелу ёпиқларга ўралиб думалаб қолган пайтларда ҳам Григорий кайфи борлигини сездирмасди, фақат рангги баттар оқариб, кўзлари ичига тушиб кетарди, жингалак сочларини осилтириб, бошини чангаллаб ўтирарди.

Тўрт кун сурункасига давом этган базмдан кейин унинг юзлари салқиб, гавдаси букчайинқираб қолди; кўз остлари кўкариб, халта-халта бўлиб осилиб тушди, одамни еб қўйгудай тикиладиган бўлиб қолди.

Бешинчи куни Прохор Зиков тагдор қилиб илжайиб:

— Лиховидовда бир яхши жувон боракан, ўшаникига бормаймизми?— деди.— Хўп, дея қол! Аммо, лекин бўш келмайсан, Григорий Пантелеевич. Ўзиям хотинмисан хотин-да, асалдан ширин! Мазасини тотмаган бўлмасам ҳам, биламан. Бироқ қитиқ пати ўлмаган, жудаям асов! Мундақалар дарров кўна қолмайди, силатганиям унамас дейман. Лекин самогонини айтмай қўя қол. Чир атрофида ундай самогон қиладиган йўқ. Эри Донец томонга қочиб кетган экан,— деди тагдор қилиб Прохор.

Кечга томон Лиховидовга жўнадилар. Григорийга Рябчиков, Харлампий Ермаков, қўли чўлтоқ Алёша Шамиль ва ўз участкасидан келган тўртинчи дивизия командири Кондрат Медведев ҳамроҳ бўлишди. Прохор Зиков олдинда борарди. Қишлоққа етгач у отини секинроқ юргизиб, тор кўчага бурилди-да, ғарам дарвозачасини очди. Григорий унинг кетидан отини «чу» деган эди, дарвоза олдида уюлиб ётган юмшоқ қордан сакраб ўтаётиб от олдинги оёқлари

www.ziyouz.com kutubxonasi

билан қорга кириб кетди, сўнгра пишқира-пишқира ўрнидан туриб, дарвоза ва устигача қорга кўмилиб қолган четан девордан ўтиб олди. Рябчиков отдан тушиб, отини етаклаб олиб ўтди. Беш минут чамаси Григорий билан Прохор похолу пичан ғарамлари ёни билан, сўнгра тарақлаган шипшийдан олчазор ичи билан юриб кетдилар. Олтин ўроққа ўхшаш янги ой қийшайиб кўм-кўк осмондан мўралар, юлдузлар липлип этиб жимирлашарди, ҳамма ёқ жимжит, фақат олисларда акиллаган итлар товуши билан от туёқларининг тарақлаши эшитилар, лекин булар сукунатни бузмас, қайтага кучайтирарди. Олча дарахтлари ва тарвақайлаган олма шохлари орасидан ёруғ тушиб турар, юлдузлар чарақлаган осмон фонида томига қамиш ёпилган каттакон уйнинг қораси кўринарди. Прохор эгардан энгашиб, эшикни ғижирлатиб очди. Зина ёнида, музлаб қолган халқоб сувда ой акси жимирлашди. Григорий минган от туёғи билан кўлобчанинг четидаги музни синдириб тўхтади-да, ҳансираб нафас олди. Григорий отдан тушди, тизгинни панжарага боғлаб, қоронғи даҳлизга кирди. Ташқарида Рябчиков билан казакларнинг тапир-тупур отдан тушган ва хиргойи қилиб ашула бошлагани эшитиларди.

Григорий тимирскилаб эшикни топди, кенггина емакхонага кирди. Бўйи паст бўлса ҳам ўзи суқсурдай, қора мағиздан келган қора қош жувон печга орқасини ўгириб, турган жойида пайпоқ тўқирди. Печь устида ўн яшар чамасида, новвот ранг сочли бир қизча қўлларини икки ёққа ташлаб ухлаб ётарди.

Григорий ечинмасдан стол ёнига бориб ўтирди.

— Ароғинг борми?

— Сўрашиш лозим эмасми?— деди жувон Григорийга қарамасдан, унинг қўллари боягисидай санчиқларни тез-тез ўйнатарди.

— Ундай бўлса — салом! Ароғинг борми?

Жувон киприкларини кўтариб, қоп-қора кўзлари билан Григорийга жилмайди-да, даҳлиздаги тапир-тупур, ғовур-ғувур товушларга қулоқ солиб турди.

— Ароқ-ку, топилади... Менга айт-чи: қанча одам тунамоқчи?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бутун дивизия...

Қиличи судралган Рябчиков остонаданоқ қўнжига шапатилаб, ўйин тушиб келаверди. Қазаклар эшик олдига тўпланиб олишди: бири ёғоч қошиқларни тарақлатиб ўйинга монанд қилиб чала бошлади.

Шинеллар каравотга уйилди, милтиғу қиличлар сўри устига тахланди. Прохор бекага қарашиб, эпчиллик билан дастурхон ёзди; қўли чўлтоқ Алёша Шамиль тузлаган карам олиб чиқмоқчи бўлиб ертўлага югурди, тушаётиб шотисидан думалаб кетди, ниҳоят, бир этак ҳўл карам билан тарелканинг синиқларини олиб келди.

Ярим кечагача икки челак самогонни ичиб, қанчаям карамни еб бўлгач, қўй сўймоқчи бўлишди. Прохор қоронғи қўйхонада тимирскилаб-тимирскилаб, ахийри қисир совлуқни ушлади; қиличбозликда ном чиқарган Харлампий Ермаков бостирма тагида қилич билан қўйнинг калласини шартта олди-да, ўша ердаёқ тарашлаб берди. Уй бекаси печга ўт қалади, катта қозон осиб гўштни солди.

Қошиқлар тарақлаб яна рақс куйини чала бошлади, Рябчиков оёқларини биланглатиб, қўнжига шапатилаб ўйин тушди, ингичка, майин овоз билан ашула бошлади:

На қоққанда қозиқ қолди,
На осганда — хурмача,
Навбат келди ичмоқ учун
Эрталабдан кечгача

— Айш қилгим келяпти!— деб бўкирарди Ермаков; у қилич учи билан дераза ромини туртиб, мустаҳкамлигини билмоқчи бўларди.

Ермаковни ниҳоятда ботирлиги ва чавандозлиги учун яхши кўрган Григорий мис кружка билан столни тақиллатиб:

— Харлампий, жиннилик қилма!— дерди.

Харлампий дарҳол итоат этиб, қиличини қинига солди-да, стакандаги самогонни шимира бошлади.

— Шунақа базмдан кейин ўлсанг армонсиз кетасан,— дерди Алёшка Шамиль Григорийнинг ёнига ўтириб.— Григорий Пантелеевич, сен бизнинг ишон-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган тоғимизсан. Оламда сен бор — биз бор! Қани, яна биттадан кўтарайлик-а?.. Прохор, ароқ!

Эгари олинмаган отлар ғарамдаги пичанга қўйиб юборилганди. Навбатма-навбат чиқиб хабар олиб туришарди.

Тонг отар маҳалга яқин Григорий кайфи ошиб қолганлигини сезди. Шерикларининг гапи худди олисдан келаётгандай, қулоғига аранг кирарди, қизарган кўзларини аранг очиб ўтирар, бутун иродасини бир ерга тўплаб, эсини йўқотмасликка ҳаракат қиларди.

— Яна тилла погонликлар елкамизга миняпти! Ҳукуматни қўлга олволишди!— деб бўкирди Ермаков Григорийни қучоқлаб.

Григорий унинг қўлини итариб:

— Қанақа погонликлар?— деб сўради.

— Вёшкидагилар-чи! Нима, ўзинг билмайсанми? Кавказлик кенас! Полковник!.. Уни ўлдираман! Мелехов! Жонингни бер десанг — тайёрман, лекин бизларни оёқ ости қилдирма! Казаклар орасида шов-шув гап... Бошла бизни Вёшкига — ҳаммасини қирамиз, кулини кўкка совурамиз! Илюшка Кудиновниям, полковникниям — ҳаммасини ўлдирамиз! Етар энди шунчалик лақиллатишгани! Қизиллар биланам жанг қилайлик, кадетлар биланам! Менинг мақсадим шу!

— Полковникни ўлдирамиз. У жўрттага шу ерда қолган... Харлампий! Совет ҳукуматининг оёғига йиқилиб: тавба қилдик, дей қолайлик...— Григорий бир оз ўзига келгандай бўлиб тиржайиб кулди.— Мен ҳазиллашдим, Харлампий, ич.

— Нима учун ҳазиллашасан, Мелехов? Ҳазилни қўй, масала жиддий,— деб аралашди Медведев.— Биз ҳукуматни ўзгартмоқчимиз. Ҳаммасини ҳайдаймиз, ҳукумат тепасига сени ўтқазамиз. Мен казаклар билан гаплашиб кўрдим: ҳаммаси рози. Кудиновга, ёнидаги золимларга яхшиликча айтиб кўрамиз: «Қани, ҳукуматни топширинглар, бизга тўғри келмадингиз», деймиз. Кўнса — яхши, кўнмаса — Вёшкига от соламиз, иннайкейин, ўзидан ўпкалайверсин!

— Бўлди, бас қилинг, бу гапни оғзингизга олманг!— деб бақирди Григорий қаттиқ ғазабланиб.

Медведев кифтларини қисди-да, стол ёнидан узоқ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лашди, ичишни йиғиштириб қўйди. Рябчиков сочлари ҳурпайган бошини қуйи солиб, қўли билан ифлос полни чизиб бурчакда минғиллаб ашула қилиб ўтирарди.

Ҳой бечора, шўрлик бола,
Бошинг кўтар, менга қара.
Бошингни бур ўнг ёққа,
Ўнг ёққа-да, сўл ёққа.
Бошингни кўксимга бос,
Бос шу оппоқ қучоққа.

Унинг хотинлар сингари нола қилаётган ингичка овозига Алёшка Шамилнинг хириллаган йўғон овози жўр бўлиб қўшилди:

У сийнамга бош қўйгач,
Оғир-оғир хўрсинди.
Оғир-оғир хўрсинди-ю,
Менга қайрилиб деди:
«Алвидо, эй аввалги
Маза-матрасиз севги...»

Кетидан яна қўшиб кетди:

«Мени расво этди девона муҳаббатим,
Алвидо, эй золим, бевафо муҳаббатим!..»

Жувон Григорийни меҳмонхонага олиб кираётганда тонг ёришиб қолган эди.

У бир қўли билан Григорийни аранг суяб, иккинчи қўли билан, бир кружка самогон кўтариб эргашиб келаётган Ермаковни итарарди:

— Бўлди-да, ҳадеб ичираверасизми, ахир! Қочсанг-чи, шилқим! Аҳволига қара: бўганича бўбди-ку!

— Ухлаймизми, энди!— деди Ермаков кўз қисиб; у ҳар гандираклаганда кружкадаги самогон чайқалиб тўкиларди.

— Ҳа, ҳа, ухлайлик,— деди жувон.

— Сен ҳозир у билан ётма, барибир, иш чиқмайди.

— Нима ишинг бор? Қайнатамисан!

— Қошиқни олвол!— деб хохолади Ермаков, мастликдан кулгисини тўхтатолмай.

— Ҳу-у-ув тилинг кесилсин, уятсиз! Кўзингни шира босиб оғзингга қарамай валдирайсан-а!

Жувон Григорийни уйга киргизди-да, каравотга ётқизди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ғира-шира қоронғида у гоҳ нафратланиб, гоҳ ачиниб Григорийнинг мурданикидай оқариб кетган юзига, ҳеч нарсани кўрмаган очиқ кўзларига тикилиб қаради.

— Шарбат ичасанми?

— Майли, обке.

Жувон бир стакан муздай олча шарбати келтириб берди, сўнгра, каравотнинг бир четига ўтириб, то Григорийнинг кўзи уйқуга кетгунча пахмайган сочларини силади. Ўзи печь устига жой солиб, қизчаси билан ётди, бироқ Шамиль уни ухлатмади; у бошини тирсагига қўйиб олиб чўчиган отдай пишқириб хуррак отар, сўнгра, бирданига чўчиб уйғониб хирилдоқ овоз билан ашула қилишга тушарди:

... Казак қайтди уйи-га!
Кўкси тўла по-гон-лар,
Кифтларида ор-ден-лар.

Сўнгра боши шилқ этиб тушар, бирпасдан кейин яна бошини кўтариб у ёқ, бу ёғига аланглаб қарарди-да; яна чўзарди:

.... Казак қайтде-е-е уйига...

XLII

Эрталаб, уйғонган заҳотиёқ Ермаков билан Медведевнинг гаплари Григорийнинг эсига тушди. Кечаси унчалик қаттиқ маст эмасди, шунинг учун ҳукуматни ўзгартириш тўғрисидаги гапларнинг ҳаммаси эсида қолган эди. Лиховидовдаги ичкиликбозлик муайян мақсадда ташкил этилганлиги энди унга равшан бўлди: уни ҳукуматга қарши чиқишга рози қилмоқчи эдилар. «Донец томон боришимиз ва Дон армияси билан қўшилишимиз керак» деб очиқдан-очиқ гапириб юрган Кудиновга қарши сўл фикрдаги казаклар фитна қўзғатиб юришарди; улар Дондан узил-кесил ажралиб ўз юртида Совет ҳукуматига ўхшаш ғалати бир ҳукумат тузишни орзу қилишардиким, бунда коммунистлар бўлмаслиги шарт эди. Улар Григорийни ўз томонларига тортиш пайида эдилар, бироқ қўзғолончилар орасида бундай ихтилоф бошланадиган бўлса,

www.ziyouz.com kutubxonasi

оқибат нималарга олиб келишини тушунмасдилар, агар қизилларнинг Донец томондаги фронти ҳаракатга келадиган бўлса, иккала томонни ҳам бирпасда дабдала қилиб, «ихтилофни» кўрсатиб қўйиши муқаррар эди. Григорий: «Бу болалар ўйинидан бошқа гап эмас», деган фикрни кўнглидан ўтказди-да, ирғиб ўрнидан турди. Кийиниб бўлгач, Ермаков билан Медведевни уйғотди, меҳмонхонага чақириб олиб, эшикни маҳкам ёпиб қўйди.

— Масала бундай, биродарлар: кечаги гапларни бутунлай миянгиздан чиқариб ташланг ва минбаъд шивир-шивирни йиғиштиринг, бўлмаса ишларинг расво бўлади! Гап командир кимлигидамас. Масала Кудиновдамас, биз қуршовдамиз, атрофимизни қизиллар темир ҳалқадай ўраб олган. Бугун бўлмаса эртага бу ҳалқа бизни сиқиб, янчиб ташлайди. Полкларни Вёшкига эмас, Мигулинга, Краснокутга бошлаш керак,— деб уқтирди Григорий тумтайиб, сўнгра сиполик билан ўтирган Медведевдан кўзини олмай гапида давом этди.— Шундай бўлсин, Кондрат, одамларни қутқуга солманг! Мундоғ мияни ишлатиб кўринг: агар қўмондонни ярамайдига чиқариб, ўзгариш ясайверсак, асфаласофилинга кетамиз. Биз ё оқларга, ё қизилларга қўшилишимиз керак. Ўртада қолиш мумкин эмас, мажағлаб ташлашади.

— Гап шу ерда қолсин,— деб илтимос қилди Ермаков юзини тескари ўгириб.

— Қозон ёпиғлигича қолсин... бироқ шарти шуки, казаклар орасида гап тарқатишни тўхтатингиз. Биласизми, Кудинов билан ёнидаги маслаҳатгўйларнинг ҳолини? Уларда тўла ҳуқуқ йўқ, мен шу дамгача ўз билаганимни қилиб келяпман, уларга қулоқ солётканим ҳам йўқ. Биламан, ҳаммаси ёмон, бунга шубҳам йўқ, кадетлар билан бизни яраштириб қўйишга ҳам ақлим етади. Хўш, энди нима қил дейсан? Юрарга йўлимиз, борарга жойимиз қолмади-ку, ахир!

— Буниси тўғри-я...— деб зўр-базўр унинг гапига қўшилди Медведев; суҳбат бошлангандан бери у энди бошини кўтариб, айиқникидай ҳунук, қонга тўлган бит кўзларини Григорийга кўтариб қаради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шундан кейин Григорий яна икки кечаю икки кундуз, Каргин атрофидаги қишлоқларда сурункасига ичиб, кайф-сафо қилди. Тўқиму терликларигача самогон ҳиди уриб қолди. Жувонлар, навқиронлигини йўқотган қизлар бир кечалик кўнгил хушлиги учун унинг қўйнига киришга мажбур эдилар. Бироқ тонг отар, навбатдаги аёл билан ҳирсини қондиргандан сўнг, кўзлари мошдай очиларди. Григорий ўзини-ўзи овутмоқчи бўлиб: «Умримда кўп нарсаларни бошдан кечирдим. Жувону қизларни армонсиз ўйнадим, энг учқур отларни миниб даштма-дашт кездим. Уҳ!.. Кўм-кўк осмон бағрида елдай учдим, фарзанд кўриб суюндим, бироқ кўп одамнинг ёстиғини қуритдим, ўзим ҳам ажал оғзига кириб чиқдим. Яна қандай янги ҳодисаларни кўришим мумкин? Янгилик йўқ! Энди ўлсам, майли. Ўлимдан қўрқмайман. Уруш ҳам қарта ўйинидай гап: бой одам ютқазса пули кетади, менинг жоним кетади холос!» — деб хаёл сурарди.

Ёшлик хотираларидан айрим манзаралар, яшин сингари ялт-юлт қилиб, кўз ўнгидан ўтиб турарди: ана, тошдевор, орасида йўрғалаб юрган майналар, офтобда чанг тўзитиб кетаётган Гришканинг оёқлари, салобат билан оқиб ўтаётган Дон сувларида акс этган қирғоқдаги яшил ўрмонлар, ўспирин дўстларнинг таниш башараси, онасининг келишган қад-қомати... Григорий кафти билан кўзларини тўсди, ўшанда таниш кишилар, айрим воқеалар, баъзан негадир, миясига қаттиқ ўрнашиб қолган энг кичкина ҳодисалар хаёлидан ўта бошларди, замонлар ўтиб, унутилиб кетган кишиларнинг овозини, айрим гапларини, хохолаб кулишларини эшитаётгандай бўларди. Хаёл олиб қочиб, эсида қолмаган ва лекин аллақаердаям кўрган қадимги бир манзарани ёдига солар, бирданига Григорийнинг олдида бепоён дашт, илон изи йўл, арава, ҳўкизлар, отаси, экини ўрилган олтиндай буғдойзор, қора мунчоқдай ёйилган қузғунлар пайдо бўларди... Григорий хаёлида чувалиб кетган хотираларни яна бирма-бир эслаб кўрарди, ниҳоят, ҳайф кетган умрининг бирдан-бир эсдалиги Аксиньяга келиб тўхтарди. «Жонгинам! Сени унутиб бўладими?»— дерди-да, ёнида ётган хотиндан жиркангандай четла-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ниб хўрсинар, бетоқат бўлиб тонг отишини кутарди. Лоладек қизарган шарқда қуёшнинг заррин нурлари кўринар-кўринмас, Григорий ирғиб ўрнидан турар, ювинар, отининг олдига югурарди.

XLIII

Қўзғолон тўқайга тушган ўтдай, ҳамма ёқни қамраб олган эди. Бўйсунмаган станицалар қуршов ичида қолганди. Одамларнинг жондан тўйганлиги юзларидан билиниб турарди. Қазаклар ўз ҳаётларини қиморга тиккан, бироқ кўплари жонларини бериб қўяр эдилар. Ёшлар хотинбозликдан, катталар ароқхўрликдан бош кўтармасдилар, мияси айнигунча самогон ичишар, пул ва патрон тикиб қимор ўйнашар, (лекин патрон жами нарсадан қиммат юрарди) гоҳо уйларига келиб кетишарди: уларнинг бирпас бўлса ҳам шу дардисар милтиқни деворга суяб қўйгиси, юракларига ором бериш учун рандани ё болтани қўлга олгиси, хушбўй тол новдаларидан четан тўқигиси ёки араваними, моланими кўкламга тахт қилгиси келарди. Кўпинча казаклар ўз уйи — ўлан тўшагини кўриб, маза қилиб ичволиб, маст-аласт ҳолда ўз қисмларига қайтишарди, кайфи тарқаб кўзлари очилгандан кейин: «мунақа турмушнинг падарига лаънат»,— деб жўрттага пиёда саф тортиб, пулемётга қарши тик боришарди, баъзилари алам устида отларини ўлгудай савалаб, кечалари босқинчиликка чиқишар, тутиб келган асирларни ваҳшийларча қийнаб чарчаганларидан кейин, патронни аяб, қилич билан чопиб ўлдиришарди.

Ўша йили баҳор яхши келиб, ҳамма ёқ ранго-ранг тусга кириб товланди. Ҳаво илиган, осмон шишадай мусаффо, ажойиб апрель кунлари бошланганди. Кўз илғамас мовий осмон қўйнида гала-гала ўрдаклар, овози қўнғироқдай турналар булутлардан ўзиб, шимолга қараб учиб ўтар эди. Кўкаламзор дашт ўртасидаги ҳовузлар ёнида ўтлаб юрган оққулар олисдан гиламга сочилган марвариддай йилтирашарди. Дон бўйидаги чакалакзорда сайраган, чийиллаган парранда-лар овози оламни тутган эди. Сув тошган жойларда, сув чиқмаган дўнг ва уватларда ғозлар учишга

www.ziyouz.com kutubxonasi

шайланиб ғағиллашар, толзор ичидан куйиккан ўрдакларнинг тўхтовсиз ғақиллагани эшитиларди. Толлар попук чиқарган, теракларнинг ёпишқоқ, хушбўй куртаги бўртган эди. Эндигина кўкаламзор бўла бошлаган бу дашт ниҳоятда гўзал эди: ундан, қори кетган кўҳна қора тупроқ билан абадий ёш майса кўкатнинг ҳиди келар, инсонни ўзига мафтун этарди.

Қўзғолонга аралашган ҳар бир казак ўз уйидан, бола-чақасидан олисда бўлмагани учун бу уруш уларга ёқиб қолганди.

Мабодо пистирмада ётиш, қоровул туриш, жару қир кезиб разведкада юриш жонга тегса, казак юзбошидан рухсат олиб, уйига кетаверарди, ўрнига қари бобосини ёки ўспирин ўғлини отига миндириб, уйида хотиржам юраверарди. Доим сотняларнинг сони бут, лекин одами ўзгариб турарди. Баъзилар бошқача йўл топиб олишганди: кун ботди дегунча, сотня турган жойдан отини аямай ҳайдаб, қоронғи тушгунча ўттиз, гоҳида қирқ чақирим йўл босиб, уйига кириб келарди. Ярим кечагача хотини билан, хотини йўғи ўйнаши билан бўлиб, хўроз икки чақирганда отини эгарлаб яна йўлга чиқарди-да, Еттиқароқчи юлдуз сўнмасданоқ ўз сотнясига етиб келарди.

Кўпгина шўх йигитлар уруш ўз қишлоқлари ёнида бораётганига суюнишарди. Хотинларининг олдига бориб келишга ўрганиб қолган казаклар: «Энди ўлгинг ҳам келмайди!»— деб ўзаро ҳазиллашарди.

Дала иши бошланса қочоқлар кўпайиш эҳтимоли борлигидан қўмондонлик қаттиқ ташвишга тушган эди. Шунинг учун Кудинов атайлаб қисмларни айланиб юрар, шу дамгача кўрилмаган қаттиққўллигини энди кўрсатиб:

— Еримиз ҳайдовсиз, экувсиз қолса, қолиб кетсинки, лекин биронта казакка ҳам жавоб беришни ман этаман: буйруғим шу! Қимики бунга бўйсунмаса, калтаклаймиз, отамиз!— деб тайинлади.

XLIV

Григорий Климовкада бўлган яна бир жангда иштирок этди. Энг чеккадаги қўралар ёнида тушга яқин отишма бошланди. Бирпасдан кейин қизиллар Кли-

www.ziyouz.com kutubxonasi

мовкани икки ёқдан ўраб ола бошлади. Болтиқ денгизидаги аллақайси кемадан келган қора бушлатли[1] матрослар чап қанотдан бостириб келаверди. Улар мардларча олға ташланишди, шиддатли ҳужумдан сўнг Каргиндаги қўзғолончи полкнинг икки сотнясини қишлоқдан суриб чиқаришди-да, жар ичи билан Василевга довур қувиб боришди.

Жангнинг боришини дўнгдан туриб кузатаётган Григорий, қизилларнинг қўли баланд кела бошлаганини кўрган заҳоти қўлқопини силкитиб, патрон ортилган икки ғилдиракли арава ёнида унинг отини ушлаб турган Прохор Зиковни чақирди-да, югуриб келиб отга минди: отни чуқурдан сакратиб ҳайдаганича тиккасига Гусинка жарига тушиб кетди. Ўша ерда 2-нчи полкнинг отлиқ резерв сотняси чорбоғлар панасига яшириниб ётганини у биларди. Боғлар ва четан деворлардан ошиб, сотня турган жойга югурди. Григорий олисдан, пиёда казакларни, қозиққа боғланган отларни кўриб, қиличини суғирди-да:

— Отлан!— деб бақирди.

Икки юз одам бирпасда отларни ечиб олди. Сотня командири Григорийнинг олдига от чоптириб келди.

— Қўзғаламизми?

— Бояроқ қўзғалишинг керак эди! Анқов!— деб ўшқирди Григорий.

Григорий жиловини тортиб, отини тўхтатди-да, эгардан тушди, қоринбоғини тортаман деб аксига, хаяллаб қолди (совундай кўпириб, қизишган от айилини тортгани қўймай типирчилар, қулоқларини чимириб, пишқириб, тишларини иржайтирар, тепмоқчи бўларди). Ниҳоят, Григорий эгар оғмайдиган қилиб қоринбоғини маҳкамлади-да, тобора кучая бошлаган ўқ товушларига қулоқ солиб турган юзбошига қарамасдан:

— Сотняни мен жангга обкираман,— деди.— Қишлоқдан чиққунча взвод тартибида, йўрттириб ҳайда.

Қишлоқдан чиққач, Григорий сотняни ёйиб туриб от қўйди; қиличи қиндан осон чиқишини синаб кўриш учун тортиб кўрди; сотнядан ўттиз саржин чамаси

---

[1] Матрослар камзули *(тарж).*

www.ziyouz.com kutubxonasi

олға ўтиб олиб, отини савалаганича, Климовка томон кетди. Бир ёғи Климовкага туташган дўнг устига чиққач, жиловни тортиб атрофга қаради. Қишлоқ бўйлаб пиёда ва отлиқ қочаётган қизил аскарлар, ўқ ортган аравалар кўринди. Григорий сотняга қараб:

— Қиличларни суғур! Ҳужумга! Биродарлар, кетимдан қолма!— деб қиличини шартта суғирди-да, дастлаб ўзи:— Ур-ра-а-а-а!— деб бақирди, ўша заҳотиёқ аъзойи бадани жимирлашиб енгил тортгандай бўлди, отни қўйиб юборди... Чап қўлидаги жилов комон ипидай тортилиб, таранглашганидан дириллар, бош устида яланғоч қилич қаршисидан эсган шамолни кесиб визиллар эди.

Баҳор ели ҳайдаб келган тоғдай булут бир лаҳза қуёшни тўсиб қолди, сояси Григорийдан ўзиб, дўнг устидан сузиб ўтди. Григорий рўпарасидан тобора яқинлаб келаётган қишлоқ уйларидан кўзини олиб, ҳали қуримаган қоп-қора ер устида ўрмалаган булут соясига, унинг олдига тушиб аллақайларга қочиб бораётган сарғиш офтоб шўъласига қаради. Беихтиёр юраги толпиниб, ана шу югуриб кетаётган қуёш нурига етиб олгиси келиб, отини ниқтади-да ўқдай учириб бораверди, борган сари соя билан офтоб чизиғига яқинлашаверди. Яна бир лаҳзадан кейин жон-жаҳди билан чопиб кетаётган отнинг олдинга чўзилган тумшуғига ёруғ тушди, ниҳоят, жийрон туклари тилладай ярқираб, кўзни қамаштириб юборди. Григорий булутнинг сояси тушиб турган жойдан чиқиши билан тор кўча ёқдан ўқ товуши келди. Пақ-пуқ этган товушлар тобора яқинлашиб, гўё шамолга қўшилиб учиб келаётгандай туюларди. Орадан бирдам ўтдими, йўқми Григорий кетидан келаётган сотнянинг дупури, туёқ товуши ўқларнинг визиллашини, қулоғида гувиллаган шамол орасидан эшитмай қолди. Ҳозиргина қуримаган шудгорни ларзага келтириб изма-из келаётган отларнинг ола-тасири қулоқдан узоқлашгандай бўлиб жимиб қолди. Шу пайт рўпарадан бараварига ўқ узилди, гўё гулханга қуруқ шох-шабба ташлангандай бўлди; ўқлар Григорийнинг атрофидан визиллаб учиб ўта бошлади. У эсанкираб, чўчиб кетига қаради. Ғазаб устига ваҳима қўшилиб, афти жуда

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳунуклашиб кетди. Сотня отини орқасига буриб, уни, Григорийни ташлаб қочмоқда эди. Сотня командири эгар устида ҳар тарафга жаланглаб, нима қилишини билмай, ҳадеб қилич ўйнатар, хириллаб алланима деб бақирар, йиғларди. Фақат икки казак Григорий томон бурилди холос, Прохор Зиков ҳам жиловни буриб, сотня командири турган жойга от чоптириб келди. Қолганлари қилични қинга, қамчини ишга солиб тумтарақай қочдилар.

Григорий бир лаҳза жиловни тортинқираб: кетида нима ҳодиса рўй берганини, сотня ҳеч қандай талафот кўрмай туриб, нега тўсатдан қочишга тушганини билмоқчи бўлиб, чопишини секинлатди-ю, лекин ўша заҳотиёқ: «Кетингга қарама, қочиш керакмас, олға бос!» деган фикр миясида ўтдай чақнаб кетди. Бирданига у, тор кўчада, ораси юз саржин келадиган деворнинг орқасида пулемёт тачанкаси ёнида ўралашган еттитача қизил аскарни кўриб қолди. Улар зўр бериб тачанкани бурмоқчи, пулемёт оғзини ҳужум қилаётган казакларга тўғриламоқчи бўлиб уринишарди, бироқ кўча торлик қилганидан тачанка бурилмас, пулемётнинг ҳам дами чиқмасди, милтиқларнинг жаги тинди, Григорийнинг қулоғига ўқ товушлари камроқ эшитила бошлади. Григорий тор кўчага кириш учун, чорбоғнинг четида қулаб ётган четан девордан ошиб ўтишни мўлжаллаб отини шу ёққа бурди. Лекин кўзини четандан олгач, тачанкадан отларни чиқараётган матросларни кўриб қолди, улар худди дурбинда кўрингандек, аниқ ва яқин кўринарди, лой сачраган қопқора бушлатларини, бостириб кийилган козирёксиз фуражкаларни бемалол ажратиш мумкин эди (козирёксиз фуражкалар одамларнинг юзини баркашдай қилиб кўрсатарди). Икки киши постромкаларни кесиш билан овора эди, учинчиси, бўйнини қисиб, пулемёт ёнида ғимирлаб юрар, қолганлари тик туриб, чўккалаб Григорийга ўқ узарди. Григорий матрослар устига от солганда милтиқ затворларини шоша-пиша очиб ёпган қўлларига кўзи тушди, тумшуғининг тагида отилган ўқларнинг қарсиллаши қулоғини қоматга келтирди. Ўқларнинг устма-уст отилиши, милтиқ қўндоқларининг кўз илғамас тезликда кифт билан

www.ziyouz.com kutubxonasi

камар орасида бориб келиб туриши терлаб-пишиб кетган Григорийни қайтага суюнтирди: «Теккизиб бўбди!»— деб қўйди ичида.

Четан девор от туёқлари остида қисирлаб, орқада қолиб кетди. Григорий кўзларини қисиб, олдинги матросга қилич ўқталди. «Тумшуқ тагидан ўқ узишса борми... От ўмбалоқ ошиб тушади... тамом! деган хаёл юрагини увиштириб юборди. Рўпарадан устма-уст икки ўқ чиқди. «Тириклайин тутиш керак», деган овоз қулоғига олисдан келгандай бўлиб эшитилди. Рўпарасида, тақир бош, тишларини иржайтирган, фуражкасининг ленталари ҳилпиллаган, жез гардишидаги хатлар ўнгиб кетган мардона қиёфали матрос турарди... Григорий узангига оёғини тираб туриб қилич солди, қиличи хамирдай юмшоқ баданга ботганини сезди. Чорпаҳилдан келган бўйни йўғон иккинчи матрос Григорийга ўқ узган эди, ўқ чап кифтининг гўштини тешиб кетди, бироқ ўзи ҳам ўша заҳотиёқ Прохор Зиковнинг қия тушган қиличи зарбидан, боши икки палла бўлиб йиқилди. Григорий ёнида затвор шарақлаганини эшитиб шартта бурилди. Тачанка орқасидан ўзига қараб турган милтиқнинг қоп-қора оғзини кўриб, кучининг борича ўзини чапга олди, ҳаттоки эгари қўзғалиб, ҳуркиб, пишқириб турган от гандираклаб кетди, шундай қилиб, тепасида варанглаган ажалдан ўзини асраб қолди, оти тачанка шотисидан сакраб ўтиши билан отган матросни чопиб ўлдирди; матроснинг қўли милтиққа иккинчи ўқни жойламоқчи бўлиб затворга ёпишганича қолди.

Бирпасда (кейинчалик бу «бирпас» Григорийга жуда узоқ вақт бўлиб туюлди) тўрт матросни қиличдан ўтказди. Прохор Зиковнинг ҳайҳайлаганини эшитмасдан, тор кўчанинг муюлишига бурилиб қочган бешинчи матросни қувмоқчи бўлди. Лекин сотня командири олдидан тўсиб чиқиб, от жиловидан ушлаб, Григорийни тўхтатди.

— Қаёққа? Ўласан! Омбор орқасида яна битта пулемёт жойлашган!

Прохор билан яна икки казак отларидан тушиб, Григорийнинг олдига чопиб келишди-да, зўрлик

www.ziyouz.com kutubxonasi

билан уни эгардан олишди. Бироқ Григорий қўлдан чиқмоқчи бўлиб юлқинар:

— Қўйворинг мени, номардлар!.. Матросларни!.. Ҳаммасини мен!.. Бурр-рдалайман!..— деб бақирарди.

— Григорий Пантелеевич! Ўртоқ Мелехов! Сизга нима бўлди ахир, кўзингизни очинг!— деб овутмоқчи бўларди Прохор.

Ниҳоят, Григорий бўшашиб бошқача овоз билан:

— Мени қўйворинг, жон биродарлар!— деб ялина бошлади.

Уни қўйиб юборишди. Сотня командири Прохорнинг қулоғига шивирлади:

— Отга мингизиб тўғри Гусинкага оборасан, касал бўб қолганга ўхшайди.

Ўзи от ёнига кетаётиб, сотняга команда берди:

— От-га-а-а мин!

Бироқ Григорий папоғини қорга улоқтириб, бирпас тебраниб турди-да, қўққисдан тишларини ғижирлатиб қаттиқ ингради, афт-ангори бутунлай ўзгариб кетди, шинель боғичларини шарт-шарт юлиб ташлайверди. Юзбоши унинг олдига етиб келгунча, Григорий турган жойида муккасига йиқилиб тушди-да, ялонғоч кўксини қорга бериб ётиб олди. У ҳўнграб қалт-қалт қилиб йиғлар, оғзини каппа-каппа очиб, четан тагида эримай қолган қорни ютарди. Сўнгра, бир лаҳза ўзига келгандай бўлиб, ўрнидан туришга ҳаракат қилди-ю, бироқ туролмади; йиғлайвериб юзи жиққа ҳўл бўлган, виждон азобидан важоҳати бузилган эди, у атрофдаги казакларга қаради-ю, ғалати хунук овоз билан:

— Қимларни чопиб ташладим, а!..— деб фарёд қилди. Умрида биринчи марта тутқалоғи тутиб қолди, оғзи кўпириб, туфугини сачратиб чинқира бошлади:— Гуноҳим зўр, кечирим йўқ, биродарлар!.. Мени чопиб ташланг... худо ҳақи... Биби Марям ҳурмати... Ўлдиринг... Менга дунё ҳаром!..— деб ижирғанди.

Юзбоши Григорийнинг тепасига чопиб келди, взвод командири билан иккиси унга ташланиб, белидан камарини, қилич ва сумкасини ечиб олдилар, оғзини ёпиб, оёқларини босиб турдилар. Бироқ у анчагача тинчимай, икковининг тагида буралар, типирчилаб

www.ziyouz.com kutubxonasi

оёқлари билан қорни ўярди; отларнинг туёқлари остида поймол бўлган, ўзи туғилиб ўсган баракали қора тупроқ ерга бошини урар, азоби кўп, роҳати кам турмушнинг аччиқ-сучугини тоттирган ерга бош уриб инграр эди.

Фақат ўт-ўланларгина ер юзида иссиққа ҳам, совуққа ҳам парво қилмай ернинг ҳаётбахш шарбатини сўриб ўсаверади, қаттиқ бўрон турса икки букилиб салом беради, бироқ уруғини шамолга сочиб бўлгач, қуриган чўп-чорларини шитирлатиб, заҳрини сочган кузги қуёш билан хайрлашади-да, ўлимини қарши олади.

XLV

Эртаси куни Григорий дивизияни полк командирларидан бирига топшириб, Прохор Зиковни ёнига олиб, Вёшенскаяга жўнади.

Каргиннинг нарёғида, чуқурликдаги Рогожин ҳовузида, дам олгани қўнган бир гала ёввойи ғоз сузиб юрарди. Прохор қамчиси билан ўша томонни кўрсатиб, илжайди:

— Уҳ, Григорь Пантелеевич, ёввойи ғоздан биттасини қулатганимизда, самогонга бопта тамадди бўларди-да!

— Майли, яқинроқ борайлик бўлмасам, карабиндан отиб кўрай-чи. Бир вақтлар балодай мерган эдим.

Иккиси чуқурликка тушишди. Дўнг орқасида Прохор отлар ёнида қолди. Григорий шинелини ечди, милтиқ тепкисини маҳкамлаб, саёз жардан, бултурги бурганлар орасида ўрмалаб бораверди. Шу эмаклаганича бошини кўтармасдан, худди герман фронтида душман пистирма қўйган жойга писиб бориб, Стоход дарёси ёнида немис посбонини қўлга туширгандагидай, писиб бораверди. Пистоқи ранг гимнастёркасининг ранги ўнгиб кетганлиги учун уни кўкимтир бўз тупроқдан ажратиб бўлмасди; сув бўйида, сал баландроқ жойда бир оёқда пойлаб турган эркак ғоз жар тагида келаётган Григорийни кўрмасди. Григорий яқин келиб, бошини сал кўтарди. Пойлоқчи ғоз илон калласига ўхшаган кул ранг бошини у ёқ, бу ёққа буриб, сергак-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лик билан атрофга қаранарди. Унинг орқасидаги сув бети кўк-қора паррандаларга тўлган: ғозлар, ора-сира ўрдак ва қашқалдоқлар ғуж бўлиб сузиб юришар эди. Ғағиллаган, қағиллаган товушлар, сувнинг шопиллагани эшитиларди. Юраги дукиллаган Григорий милтиқ қўндоғини кифтига тираб, пойлоқчи ғозни мўлжал оларкан ўзича: «Прицелни кўтармасаям бўлаверади»,— деб қўйди.

Ўқ узгач, Григорий ирғиб ўрнидан турди, ғозларнинг ғағиллаши, пат-пут қанот товушидан қулоғи қоматга келди. Пойлоқчи ғоз шошқалоқлаб ҳавога кўтарилди, қолганлари ҳовуз тепасида ғуж бўлиб айлана бошлади. Григорий алам қилганидан баландлашган гала-гала ғозлар кетидан устма-уст икки ўқ узди, биронтаси қуламасмикин деб бирпас қараб турди-да, Прохор ёнига келди.

— Уни қара, анавини қара!..— деб бақириб юборди Прохор; у эгар устида типпа-тик туриб олиб, кўмкўк бепоён осмонда узоқлашиб кетаётган ғозларни қамчиси билан кўрсатарди.

Григорий бурилиб қаради-ю, ҳаяжонидан, суюнчидан сесканиб кетди: турна қатор бўлволиб кетаётган ғозлардан биттаси ажралиб, тобора пастлаб, ўқтин-ўқтин қанотини қимирлатиб тушиб келмоқда эди. Григорий кафтини пешонасига қилиб, унга тикилганича оёқ учида қараб тураверди. Қий-чув кўтариб ғағиллашган шерикларидан тобора йироқлашаётган ғоз қанот қоқишлари секинлашиб, тобора пастлаб, икки терак бўйи жойдан бирданига ерга шўнғиди, қанотлари остида оппоқ парлари қуёш нурида ярқираб кетди.

— Отга мин!

Оғзи қулоғига етган Прохор отларни чоптириб келиб, Григорийга жиловни тутқизди. Иккиси ўқдай учиб тепага чиқди, яна саксон саржинча жойга отларни елдириб боришди.

— Ана!

Ғоз бўйнини чўзиб, қанотларини ёйиб, шу бемеҳр ер билан сўнгги марта видолашаётгандай чўзилиб ётарди. Григорий отдан тушмай, энгашиб овни олди.

— Ўқ қаеридан тегибди?— деб сўради Прохор.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўқ ғознинг пастки жағидан тешиб ўтиб, кўзи ёнидаги суякни ўпириб юборган, осмонда ажали етгач, уч бурчак шаклида саф тортиб кетаётган ғозлардан ажраб ерга тушган эди. Прохор ғозни бўктармага танғиб олди. Яна йўлга тушишди.

Отларни Базкида қолдириб, ўзлари Дондан қайиқда ўтишди.

Григорий Вёшенскаядаги таниш чолнинг уйига тушди, ғозни тезроқ қовуриб бериш учун уй эгасига топшириб, ўзи штабга бормай, Прохорни самогонга жўнатди. Кечгача ичишди. Уй эгаси қизишиб олгач, шикоят қила бошлади:

— Эҳ, Григорий Пантелеевич, Вёшкидаги бошлиқлар зулмини ҳаддан оширворди.

— Қанақа бошлиқлар?

— Ўзимизнинг бошлиқлар... Кудинов, унинг ёнидаги одамлар.

— Хўш?

— Четдан келган кишиларнинг бола-чақасини жудаям эзиворишди... Эри қизилларга қўшилиб кетган бўлса хотинини, қизини, қари отасини қамоққа тиқишяпти. Ўғлимнинг касрига келинимни қамаб қўйишди. Буниси сираям тўғри эмас! Масалан, агарда сиз кадетларга қўшилиб, айтайлик, Донецнинг нарёғига кетган бўлсангизу, қизиллар келиб дадангиз Пантелей Прокофични қамаб қўйишса, сизга алам қилармиди?

— Албатта!

— Бу ердаги ҳукуматимиз орқа-ўнгини суриштирмай қамаяпти. Қизиллар ҳеч кимга қўл теккизмовди, лекин булар билган номаъқулчилигини қиляпти, ҳаддиларидан ошяпти.

Григорий ўрнидан турди, бир оз гандираклаб бориб каравот устидаги шинелини олди. У ширакайф бўлган эди.

— Прохор! Қилич! Маузерни бер!

— Қаёққа бормоқчисиз, Григорь Пантилеевич!

— Ишинг бўлмасин! Обке дарров.

Григорий қилич билан маузерни тақди, шинелини тугмалаб, камарини боғлаб майдон томонга, тўғри турмага кетди. Дарвоза олдида қоровуллик қилиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

турган сафга яроқсиз казак унинг йўлини тўсмоқчи бўлди.

— Пропусканг борми!?

— Қоч! Йўлни бўшат, деяпман!

— Пропускасиз ҳеч кимни киргизолмайман. Буйруқ шундай.

Григорий қиличнинг ярмини қинидан суғирмасданоқ, қоровул лип этиб ўзини ичкарига олди. Григорий қилич дастасини ушлаганича кетма-кет коридорга кирди.

— Турма бошлиғини менга чақириб кел!— деб бақирди. Унинг рангги оқарган, қирра бурни қийшайиб қошлари чимирилиб кетган эди.

Аллақандай кўримсиз, назоратчилик вазифасини бажарувчи чўлоқ казак унинг олдига югуриб келди. Она сути оғзидан кетмаган мирзабоши идора эшигидан мўралади. Сал ўтмай, ухлайвериб қовоғи шишган, бадқовоқ турма бошлиғи ҳам пайдо бўлди.

— Бепропуска кирганинг учун, биласанми, нима бўлади?— деб олдин ўдағайлади-ю, бироқ Григорийнинг юзига тикилиб, таниди, капалаги учиб;— Э, сиз, жано... ўртоқ Мелеховмисиз?.. Ўзи нима гап?— деб чулдираб қолди.

— Камералар калити!

— Камералар калити?

— Сенга қирқ марта такрорлашим шартми? Бўл! Калитни бер деяпман, итвачча!

Григорий бир қадам олға ташланди, бироқ бошлиқ қатъий қилиб:

— Калитни бермайман! Ҳақингиз йўқ!— деди.

— Ҳақ-қинг йў-йў-ўқ?..

Григорий тишларини ғижирлатиб, қиличини суғурди. Қўлида яланғочланган қилич коридорнинг пастак шифти остида чарх уриб ялтираб кетди. Мирзабоши билан назоратчи ин-инларига кириб кетишди, турма бошлиғи эса, деворга қапишиб қолди, рангги девордан баттар оқариб, ғудранди.

— Зўравонликми? Мана калитлар... Устингиздан арз қиламан...

— Арз қилишни кўрсатиб қўяман! Ҳамманг бу ерда иссиққина жойда бекиниб ётасан. Хотин-халаж,

www.ziyouz.com kutubxonasi

чолларни қамашга кучингиз етади, холос... Ҳаммангни тўс-тўс қиламан ҳали! Фронтга жўна, ифлос, бўлмаса чопиб ташлайман!

Григорий қилични қинига солиб, ўтакаси ёрилаёзган турма бошлиғининг бўйнига мушт билан туширди-да, тиззаси билан, мушти билан турткилаб эшикка чиқарди, бақириб:

— Фронтга жўна!.. Ҳозир жўна! Жўна!.. Ҳув, сендақа... тахта битини...— деди.

Бошлиқни суриб чиқаргач, турманинг ичкари ҳовлисида ғовур-ғувур кўтарилганини эшитиб, ўша ёққа югурди. Ошхонага кириладиган эшик олдида турган учта назоратчини кўрди; бири — қўлидаги япон милтиғининг занглаб қолган затворини ҳадеб тортар ва лаби лабига тегмай бидирларди:

— ...Турмага ҳужум қилди!.. Ҳужумни қайтариш керак!.. Эски уставда нима дейилган?

Григорий маузерини суғуриши билан назоратчилар тумтарақай бўлиб, ошхонага қочиб киришди.

Григорий одамга лиқ-лиқ тўлган камералар эшигини очди-ю, бир боғлам калитни шилдиратиб:

— Чиқа-ве-е-ер! Уй-уйга!..— деб жар солди.

Қамалганларнинг ҳаммасини (юзга яқин одамни) озод қилди. Қўрқиб, чиқмай туриб олганларни зўрлаб, итариб кўчага чиқарди-да, бўш камераларни қулфлаб қўйди.

Турмага кириладиган эшик олдида халойиқ тўплана бошлади. Қамоқдан озод бўлганлар тўп-тўп бўлиб майдонга чиқиб келаверди; қомати букчайган бу бечоралар ҳадиксираб, аланглаб, уйларига жўнаб қолишди. Штаб томондан, қоровул взводнинг казаклари қиличларини ушлаб турма томон чопиб келаверди; қоқилиб-суқилиб келаётган Кудинов ҳам кўринди.

Григорий ҳувиллаб қолган турмадан ҳаммадан кейин чиқди. Йўл бўшатган оломон орасидан ўтаётиб, бирон янги гап бўлса жонлари кирадиган, пичир-пичир қилаётган хотинларни боплаб сўкди-да, секин-аста Кудинов томон бораверди. Югуриб келаётган қоровул взводининг казаклари уни таниб салом беришди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Жойларингга қайтинглар, шоввозлар! Мунча тилларингни бир қарич қилиб югурмасаларинг? Марш!— деб бақирди уларга Григорий.

— Турмада ғалаён бошланибди деб ўйлабмиз, ўртоқ Мелехов!

— Мирзабоши югуриб келиб: «Аллақандай бир ҳабаш бостириб кириб, қулфларни синдиряпти!»— деди.

— Бекорчи тревога экан-да!

Қазаклар кула-кула, гурунглашиб изларига қайтишди. Кудинов фуражкаси остидан чиқиб қолган сочларини йўл-йўлакай тузатиб, шоша-пиша Григорийга яқин келаверди.

— Салом, Мелехов. Нима гап?

— Салом, Кудинов! Турмангни ағдар-тўнтар қилвордим.

— Нимага асосланиб бундай қилдинг? Ўзи тинчликми?

— Ҳаммасини озод қилдим — вассалом... Хўш, мунча кўзингни чақчайтирасан? Ўзларинг нимага асосланиб аёллару чолларни қамаяпсиз? Бу нимаси тағин? Кўзингни оч, Кудинов!

— Ўзбошимчалик қилмагин. Буни бе-вош-лик дейилади!

— Бевошликни сенга кўрсатиб қўяйми, тўнғиз қўпгур! Агар шу тобда Каргин ёнидаги полкимни чақиртирсам борми, ҳамманг онангни кўрасан!

Григорий Кудиновни кавказча камаридан ушлаб олди-да, силкита бошлади, ғазаб билан шивирлаб гапирди.

— Майлими, ҳозир фронтни очиб берайми? Шу топда жонингни суғуриб олайми? Уҳ, сендақа!..— Григорий тишини қирчиллатиб, лом-мим деёлмай илжайиб турган Кудиновни қўйиб юборди.

— Нега тиржаясан?

Кудинов камарини тузатиб, Григорийнинг қўлтиғига кирди.

— Юр, меникига борайлик. Одам деганам шунчалик қизишадими? Рангги-рўйингга бир қарагин: дажжолга ўхшайсан... Э, биродар, кўпдан бери дарагинг йўқ, ҳаммамиз сени соғинганмиз. Турмани қўявер —

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳечқиси йўқ... Бўлар иш бўбди, қўйворибсан, шунгаям ота гўри қозихонами? Мен йигитларга тайинлаб қўяман: зинҳор бунақа бемазагарчиликка йўл қўйишмасин. Эри қизилларга қўшилиб кетгани учун хотинини судраб қамайвериш, албатта тўғри эмас... Лекин сен бизнинг обрўйимизни туширганинг тўғрими? Ҳой, Григорий! Жудаям ҳовлиқмасан! Секин келиб: «Турмада одам кўпайиб кетибди, манави-манавиларни озод қилиш керак»,— деб ётиғи билан гапирсанг бўлмайдими ахир... Ўзимиз рўйхатни текшириб, баъзиларини бўшатиб юборардик. Сен бўлсанг — ёппасига!.. Яхшики, муҳим жиноят билан қамалганлар алоҳида сақланади, уларни ҳам чиқариб юборганингда, нима бўларди? Оловсан!— Кудинов Григорийнинг кифтига қоқиб кулди:— Қизишган пайтингда сенга гап қайтариб бўлмайди, шартта ўлдирасан-қўясан. Ёки, аксига олсанг казакларни қўзғатишдан ҳам тоймайсан...

Григорий қўлини Кудиновнинг қўлтиғидан тортиб олиб, штаб биноси ёнида тўхтади.

— Бизлар у ёқда аҳмоқ бўлиб юрибмиз, булар бу ёқда ҳаммаси ботир бўлволишибди! Ёмоннинг кучи япалоққа етади, дегандек қари-қартангларни турмага қамайверишибди... Кучинг бўлса, позицияга бориб кўрсатмайсанми!

— Ўз вақтида мен ҳам позицияни хўп кўрганман, Гриша, сенчалик жанг қилганман. Ҳозир ҳам истасанг, сен менинг ўрнимга ўтир, мен сенинг дивизиянгни олай...

— Йў-ғе, қуллуқ!

— Ҳа, шуни билиб қўй!

— Қўй, сен билан ади-бади айтишишга ортиқча вақтим йўқ. Уйга бориб бир ҳафтагача дам олмоқчиман. Мазам йўқ, касалман... Касалим устига, кифтимдан ўқ еб, бир оз ярадор ҳам бўлганман.

— Нима касал?

— Хафагазаклик касали,— деди Григорий истеҳзо билан кулиб.— Юрагим сиқилади, холос...

— Ҳазилни қўй, қатинг оғрийди? Бизда яхши бир доктор бор, профессор бўлса ҳам ажаб эмас. Асир тушган. Казаклар уни Шумилиннинг нарёғидан тутиб келишди, матрослар билан юрган экан. Жудаям

www.ziyouz.com kutubxonasi

сипо, қора кўзойнаги бор. Ўшанга кўрсатсанг, қалай бўларкин?

— Бе, қўйсанг-чи!

— Майли бўлмасам, уйингга бориб дам олгин. Дивизияни кимга топширдинг?

— Рябчиковга.

— Бирпас тур, мунча шошасан ахир? У ердаги ишлардан гапириб бермайсанми? Роса қойил қибсан, эшитдим. Кеча кечаси аллаким телефонда: «Климовка ёнида матросларни қириб ташлади»,— деди. Тўғрими?

— Хайр!

Григорий жўнаб қолди, бироқ уч-тўрт қадам юргач тўхтади-да, ярим ўгирилиб, Кудиновни чақирди:

— Ҳой! Агарда яна одам қамаганларингни эшитсам борми...

— Йўқ, йўқ! Хотиржам бўл! Бемалол дамингни олавер!

Қуёш уфққа оғиб кеч кириб қолган эди. Дондан, сув тошган дарё бўйларидан шабада турди. Бир гала чуррак Григорийнинг тепасидан чийиллаб учиб ўтди. Григорий чолнинг ҳовлисига кирган заҳоти, қаердадир, Казанск томонида бараварига отилган тўплар садоси Доннинг юқорисидан то этагигача момақалдироқдай қалдираб кетди.

Прохор бирпасда отларни эгарлаб келтирди-да:

— Жуфтак урамизми? Татарскка, а?— деб сўради.

Григорий индамай жиловни қўлга олиб, бош қимирлатиб қўя қолди.

XLVI

Эркаклар йўқлиги учун Татарск ҳувиллаб қолган эди. Татарскда тузилган пиёда аскарлар сотняси, 5-нчи дивизия полкларидан бирига вақтинча бириктирилиб Доннинг чап томонига жўнатилганди.

Балашов ва Повориндан келган мададчилар билан қучайтирилган қизиллар отряди бир куни шарқи-шимолдан қаттиқ ҳужум бошлаб, Елан станицасига

www.ziyouz.com kutubxonasi

қарашли бирмунча қишлоқларни ишғол этди, Еланнинг ўзига етиб қолди. Станица бўсағасида бўлган шиддатли жангда қўзғолончилар енгиб чиқди. Улар шунинг учун ҳам енгдики, қизилларнинг Москва полки билан икки эскадрон суворийларига бардош беролмай чекинаётган Елан ва Буканов полкларига дарҳол мадад юборилди, Вёшенскаядан чиққан қўзғолончилар 1-нчи дивизиясининг 4-нчи полки Доннинг чап қирғоғи билан Еланга етиб келди (Татарск сотняси ҳам шулар орасида эди), буларга қўшилиб учта замбарак, резервда турган икки сотня отлиқ аскар келди. Бундан ташқари, Елан билан ораси тўрт-беш чақирим келадиган Доннинг бу бетидаги Плешаков ва Матвеев қишлоқларига аллақанча кучни ўнг қирғоқ бўйлаб келтирилган, Кривск тепалигига тўпчи взвод қўйилган эди. Тўп ўқини хато кеткизмайдиган, тўпчиликда номи кетган кривсклик наводкачи казак биринчи отишдаёқ қизилларнинг пулемёти турган жойни тилка-тилка қилди, сўнгра, устма-уст шрапнель ёғдириб, толзор орасида цеп бўлиб ётган қизил аскарларни тўзитиб юборди. Жанг қўзғолончилар ғалабаси билан тугади. Қўзғолончилар чекинаётган қизилларни кўз очгани қўймай, Еланка дарёсининг нариги бетига ўтишга мажбур қилишди. Кетидан қувгани яна ўн бир сотня отлиқ казакларни юборишди, булар Зотоловск қишлоғининг ёнидаги дўнг устида ётиб олиб, бир эскадрон қизил аскарни батамом қириб ташлашди.

Ўшандан бери татарсклик пиёда аскарлар қаердадир чап қирғоқ томондаги қумзорларда дайдиб юришар, лоақал биронтаси отпуска олиб, уйига келиб кетмасди. Лекин пасха арафасида сотнядаги казаклар-нинг қарийб ярмиси, ўзаро тил бириктиргандай қишлоққа тўсатдан кириб келди. Казаклар бир кун қишлоқда туриб, оғизларини очишди, кўйлак-иштонларини алмаштиришди, чўчқа мойи, қоқ нон ва бошқа егулик нарсаларни ғамлаб, мозорга кетаётган зиёратчилар сингари ғала-ғала бўлиб, Дондан ўтишди (буларнинг зиёратчилардан фарқи шу эдики; ҳасса ўрнига милтиқ кўтарган эдилар). Елан томон йўл олишди. Хотинлари, она ва сингиллари Татарскдаги тепага,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Дон бўйидаги тоққа чиқиб, кетларидан термилиб қолавердилар. Аёллар ҳаммаси йиғлар, кўз ёшларини дурраҳалари, шол рўмолларининг учига артишар, бурунларини этакларига қоқишарди... Доннинг нариги бетида эса, сув босган чакалакзорнинг нарёғига қумтепалар орасида бир тўда казаклар: Христоня, Аникушка, Пантелей Прокофьевич, Степан Астахов ва бошқалар кетмоқда эдилар. Озиқ-овқат солинган бўз халталари милтиқ найзаларининг учида ликиллаб борарди, гап-гапга қовушмас, маъюс қўшиқларини шамол исриқ ҳидидек дашт узра учириб юрарди... Казакларнинг оёқлари тортмаса ҳам, лекин қоринлари тўқ, уст-боши тоза. Байрам олдидан хотинлари, оналари сув иситиб исқирт баданларини ишқалаб тозалаган, қон сўриб семирган битларини йўқотиб, ювиб-тараб жўнатишган. Уз уйлари — ўлан тўшакларида роҳат қилиб ётсаларку, бўларди-я! Мана энди ўз оёқлари билан ажалини излаб бориш керак... Эндигина қўзғолончилар сафига олинган ўн олти — ўн етти яшар ўспиринлар этик ва чориқларини ечиб, иссиқ қум кечиб бормоқдалар. Уларнинг парвойи фалак, нега суюнганларини ўзлари билмайди, ўзаро бемалол чақчақлашиб энди раста бўлган овозлари билан ашула айтиб борадилар. Уруш улар учун — янгилик, бекинмачоқдай гап.... Дастлабки кунлари тепаларидан визиллаб ўқ учиб ўтса, окоп олдига уйиб қўйилган бўз тупроқ орқасидан бошларини кўтариб қарайверишарди. «Хомқовоқ!»— деб калака қилишарди уларни казаклар; мўйчинак кўрмаган бу ғўр ўспиринларга фронтда чиниққан казаклар окоп қазишни, ўқ отишни, походда уруш анжомларини қандай осиб юришни, пана бўлиш учун яхшироқ жой танлашни ҳаттоки, кўйлакни оловга тутиб битини қоқишни ўргатишар, пайтава ўрашни кўрсатишар; «Бундай ўрасанг, оёғинг этикда роҳат қилади»,— дейишарди, Лекин барибир бу «хомқовоқлар» атрофидаги уруш манзараларига қизиқсиниб, бўталоқдек алангланиб қарайверишар, қизилларни кўришга кўзлари учиб, окопдан бош чиқаришарди, охири бир куни қизил аскарнинг ўқига йўлиқиб «кўнгиллари жойига» тушарди. Мабодо ўша ўқдан ўлиб қолса борми — ана ўшанда бу «жангчи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг» ётишини кўринг! Ҳеч ким унинг ёши ўн олтидалигига ишонмайди: бўйи чўзилиб кетган, қўллари катта-катта, қулоқлари шалпанг, ингичка бўйнида кичкина кекирдаги туртиб чиққан... Қазаклар ўликни ортиб, туғилиб ўсган ўз қишлоғига, бобо-ю, бобо калонлари кўмилган қабристонга олиб кетишади, онаси олдидан чиқиб, қарс уриб, анчагача вой боламлаб фарёд қилади, оқарган сочларини юлади. Боласи кўмилади ҳам, гўри устидаги тупроқ қурийди ҳам, бироқ букчайиб, адойи тамом бўлган онанинг кўз ёшлари қуримайди, «шаҳид» кетган Ванюшка ёки Семушкасига аза тутади, черковга бориб, арвоҳини йўқлайди.

Лекин ҳамма вақт ўқ еган одам ўлавермайди: баъзан Ванюшканими ёки Семушканими, ўқ чақиб ярадор қилади холос; ана ўшанда уруш ўйинчоқ эмаслигини билиб, кўзи мошдай очилади. Майин тук босган лаблари қалтираб, қийшайиб кетади. «Жангчи» бўтадай бўзлаб: «Ойижон!»— деб чинқиради, кўзларидан тирқираб ёш оқади. Уни санитар аравасига ортиб ўнқир-чўнқир жойлардан ҳайдаб, ярасини бадтар зўриқтиришади. Сотнянинг тажрибали фельдшери милтиқ ўқи, ёки тўп ўқининг парчаси тешиб кетган жароҳатни ювади, ёш болани алдагандай:

«Ҳамма дардинг кучукка ўтсин, мушукка ўтсин, яранг тузала қолсин»,— деб юпатади. «Жангчи» Ванюшка бўлса: «уйга кетаман» деб йиғлайверади, онасини тилга олиб, чақираверади. Мабодо жароҳати тузалиб, яна сотняга қайтиб келадиган бўлса, бу гал Ванюшка уруш нималигини тушуниб олади. Бир-икки ҳафта сафда юргандан кейин, жангу жадалларни кўравериб юраги тошга айланади, қарабсизки, асир тушган бирорта қизил аскар олдида оёқларини кериб, аллақайси ҳайвонсифат бераҳм вахмистрга тақлид этиб, четга туфуради-да, раста бўлган овози билан сўроқ бошлайди:

— Қалайсан энди, мужик? Қўлга тушдингми, баччағар? Хо-о-о! Ер керак бўб қолдими? Тенг ҳуқуқли бўлмоқчимисан? Ростингни айт, коммунякмисан? Бўйнингга оловур, аблаҳ!— деб бақиради, «казаклигини», «мардлигини» исбот қилиш учун бекорга бир одамни отиб ташлашдан ҳам тоймайди, дунёда мин-

www.ziyouz.com kutubxonasi

баъд уруш бўлмасин деб, совет ҳокимияти учун, коммунизм учун курашган бир одам, Дон тупроғида унинг қўлида нобуд бўлади.

Натижада бепоён Советлар Россиясининг Москва губернияси ёки Вятка губерниясидаги қишлоқлардан бирида яшаган муштипар она: «Ўғлингиз меҳнаткаш халқни помешчик ва капиталистлар зулмидан озод қилиш учун оқ гвардиячиларга қарши курашда ҳалок бўлди...» деган қора хатни олади-ю зор-зор йиғлайди... Йиғлайвериб кўзларида нур қолмайди. фарзанд доғида юраги қон бўлади, тўққиз ой қорнида кўтариб юриб, азоблар ичида қийналиб туққан нуридийдасини, номаълум Дон юртида душман қўлида жон берган ўғлини ўла-ўлгунча эсидан чиқаролмайди.

Арафа кунлари фронтдан қочган татарсклик пиёда сотнянинг одамлари баланд-паст қумтепалар, қипқизил новда чиқарган толзорлар орасидан боришарди. Ёшларнинг кайфи чоғ, оламни сув босса — тўпиғига келмасди, «паҳлавон» лақаб қўйилган қариялар эса, ҳадеб уҳ тортишар, кўз ёшларини яширишарди; ер ҳайдаш, мола бостириш, дон сепиш пайти келган, деҳқоннинг патагига қурт тушиб, кечаю кундуз хаёли ерда эди; аксига худди аттанг ойида уруш қилиш, бегона қишлоқларда ўлиб кетаверишга, ёки ваҳима ичида, оч-яланғоч, умрини бекордан-бекор ўтказишга мажбур эдилар. Шунинг учун чолларнинг кўзлари ёшланар, шунинг учун қовоқларидан қор ёғарди. Ҳар қайсиси эгасиз қолган рўзғорини, асбоб-ускунасини, ўз кам-кўстини, шикаст-рехтини ўйларди. Буларни тузатиш учун эркакнинг қўли, эркакнинг кўзи керак; хотинларнинг қўлидан нима келарди? Ернинг нами қочиб, вақтида экиб олмасанг, келаси йил оч қолишинг турган гап. Халқ: «Қари билганини пари билмас»,— деб бекорга айтмайди.

Қариялар чурқ этмай қум кечиб юришарди. Ёшлардан биттаси қуёнга ўқ узгандагина улар жонланиб қолишди. Бекорга патронни исроф қилган болани чоллар ўртага олиб жазоламоқчи бўлишди (қўзғолончилар қўмондонлигининг буйруғига биноан бекорга ўқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

отиш қаттиқ тақиқланганди). Ҳамма аламларини боладан олишди.

— Қирқ дарра!— деб таклиф қилди Пантелей Прокофьевич.

— Кўплик қилади!

— Сотняга етолмай, йўлда қоб кетмасин!

— Ўн ол-ти-та!— деб чулдирарди Христоня.

Жуфт сон бўлгани учун бу таклиф ҳаммага маъқул тушди. Айбдорни қумга ётқизиб иштонини туширишди. Христоня хиргойи қилиб қаламтароши билан попук чиқарган новдаларни кесиб берди. Аникушка савалади, қолганлар шу ерда тамаки чекиб ўтиришди.

Кейин яна йўлга тушишди. Қалтакланган бола иштонини кўтариб, кўз ёшини артиб ҳаммадан кейинда судралиб борарди. Қумтепалардан ошиб, бўз тупроқ ерга чиққанларидан кейин экин-тикин, тирикчиликдан гап бошланди.

— Ана бу қулинг ўргилсин ер эгасини кутиб ётибди! Эгаси занғар қайси гўрларда адашиб-улоқиб юрибди, урушдан қўли бўшамайди,— деб хўрсинди қариялардан бири нами қочган бир бўлтак шудгорни кўрсатиб.

Қазаклар кузда ҳайдаб қўйилган шудгор ёнидан ўтиб боришар, ҳар бири энгашиб, баҳор қуёшида илиган кесакдан биттасини олиб кафтида увалар, уҳ тортарди.

— Ер етилибди!

— Айни мола бостирадиган вақти кебди.

— Уч кун турса ўтиб кетади, кейин экиб бўбсан.

— Ҳали бизда, дарёнинг нариги бетида пича вақт бор.

— Ҳа-ҳа, вақт бор, албатта! Қарагин, ҳув ана, жарнинг тепасидаги тоғ этакларидан қор кетганича йўқ.

Ниҳоят, дам олгани ўтиришди, овқатланишди, Пантелей Прокофьевич халтасидан сузма олиб калтак еган болани сийлади (чол халтани милтиқ учига боғлаб олганидан, йўл-йўлакай сузманинг зардоби томчилаб келарди, Аникушка кула-кула:— Прокофич, ҳўкизга ўхшаб зардобингни оқизиб кетяпсан-а, сени қидирган одам бемалол изингдан топиб олади,— деб

www.ziyouz.com kutubxonasi

аския қилган эди). Чол боланинг кўнглини кўтармоқчи бўлиб насиҳат қиларди.

— Қариялардан ўпкалама, тентак. Қалтак есанг ебсан-да, бир еринг камиб қолдими? Одам калтак билан пишийди.

— Сизниям калтаклашганда-ку, ундақа демасдингиз, Пантелей бува!

— Мен-чи, болам, мундан баттарроқ калтакларга чидаганман.

— Чидаб бўбсиз!

— Ҳа-да, чидаганман. Қадимги калтакнинг олдида ҳозиргиси ҳолва-ку! Илгари аяшмасди.

— Аяшмасди-я!

— Ҳа-да, аяшмасди. Мени-чи, болам, дадам сўйилминам елкамга туширган — аранг ўзимга келганман.

— Суйилминам-а!

— Сўйилминам дедим — ишонавер-э! Ҳей нодон! Сузмани есанг-чи, мунча оғзимга тикиласан? Қошиғинг савил ҳам бедаста экан, синдирганмисан дейман? Лапашанг! Ҳалиям сен итвачча, осон қутулдинг!

Тушлик овқатдан сўнг шаробдай маст қилувчи баҳор ҳавосида қитдай мудраб олмоқчи бўлиб чўзилишди, орқаларини офтобга бериб, бирпасгина хуррак отиб олишди. Сўнгра яна ўринларидан туриб йўлга тушишди, йўлни қўйиб, бўз даштдан, бултурги буғдойпоялардан тиккасига кесиб чиқишди. Баъзилари куртка, шинель, баъзилари чакмон, ошланган калта пўстин кийиб олган, оёқларида этик ё чориқ, чалвор почалари оқ пайпоқ қўнжига қистирилган, баъзилари яланг оёқ ҳолда қадам ташлаб кетишарди; овқат солинган халталари найза учида тебраниб борарди.

Ўз сотнясига қайтиб келаётган казакларнинг қиёфаларига қараб ҳеч ким уларни аскар деб ўйламасди, ҳаттоки мовий осмон қўйнида сайраётган тўрғайлар ҳам казакларни писанд қилмай, йўл бўйидаги кўкаламзорга бемалол қўнаверишарди.

* * *

Григорий Мелехов Татарскда биронта казакни тополмади. Эрталаб ўғилчаси Мишаткани оёғидан олиб отига мингизди-да, Донга олиб тушиб суғориб келга-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни жўнатди; ўзи Наталья билан Гришак бобони кўргани кетди.

Лукинична куёви билан йиғлаб-сиқтаб кўришди:

— Гришенька, айланай болам! Жойи жаннатда бўлгур Мирон Григорьевичдан айрилиб, кафангадо бўладиганга ўхшаймиз энди... Ерларимизни ким ишлаб беради энди? Омборхона тўла дон, бироқ экадиган одам йўқ. Вой, пешонамнинг шўри қурсин! Етим қолдик болам, ҳеч кимга керак бўлмай қолдик, ҳамма биздан юз ўгирди!.. Рўзғоримизнинг аҳволига бир қарагин, хароб бўлган. Қўлимиз ишга бормайди, нима қилишимизни билмаймиз...

Коршуновларнинг хўжалиги ростдан ҳам вайрон бўлган эди: ҳўкизлар қўра атрофидаги четанларни ағдариб ташлаган, баъзи қозиқ ва тирговичлари оғиб кетганди; баҳор ёғингарчилигида остидан зах уриб, саройнинг кесак деворлари қулаган, ғарам атрофида ғовлар йиқилиб тушган, ҳовли ифлос эди; бостирма тагида занглаган ўроқ машина, унинг ёнида ўрадиган чалғиси синиб ётарди... Ҳамма ёқ вайрона, харобага айланишига сал қолган эди.

Григорий Коршуновнинг қўраларини айланиб чиқиб, бепарволик билан: «Эгасиз қолгандан кейин сал ўтмасдан рўзғори нураб қобди», деб ўйлади, кейин уйга қайтиб кирди.

Наталья онасига алланимани шивирлаб гапираётган эди, Григорийни кўриб тўхтаб қолди-да, хушомад қилиб жилмайди.

— Ойим сендан илтимос қилмоқчи, Гриша... Сен далага чиқмоқчи эдинг шекилли... Буларгаям бирор десятина дон сочиб бера оласанми?

— Дон экиб нима қиласиз, онажон? — деб сўради Григорий. — Омборхона тўла буғдойингиз бўлса...

Лукинична қарс уриб:

— Вой, Гришенька!— деди.— Шунча ер экинсиз қолиб кетаверадими ахир? Чолим бечора кузакда уч тахта ерни шудгор қилиб қўйган-а!

— Экинсиз қолса ерга бир гап бўладими? Жин урмайди! Ўлмасак — келаси йили экармиз.

— Ие, ер бекор ётавурса — майлими?

— Фронт бир оз тинчисин, иннайкейин экавера-

www.ziyouz.com kutubxonasi

сиз,— деб қайнанасини кўндирмоқчи бўлади Григорий.

Бироқ кампир ўз гапида қаттиқ туриб олди, ҳаттоки куёвидан аразлагандай, лабини буриб:

— Нимаям дейин энди, балким қўлинг тегмас, ёки бизга қарашгинг келмаётгандир... — деди.

— Хўп, розиман! Эртага далага чиқиб уруғ сочаман, ўшанақаси сизгаям икки десятина экиб бераман. Сизларга шуям кифоя... Гришак бувам тирикми?

— Вой, барака топкур-эй!— деб Лукинична суюниб кетди.— Грипашкага ҳали тайинлайман: уруғлик буғдойни далага етказиб беради... Бувангми? Худойим уни тезроқ ола қолмаяпти. Тирикликка тирик, мияси сал-пал айниган холос. Кечаю кундуз тинмай тиловат қилади. Гоҳида бир нималар деб чулдираб кетади, нима деганини тушуниб бўлмайди, черков тилида гапиради чоғи. . . Олдига кириб кўриб чиқсанг бўларди, болам, ҳужрада ўтирибди.

Натальянинг лўппи юзидан бир томчи кўз ёши оқиб тушди. У ёш аралаш жилмайди.

— Мен ҳозир олдига кирсам: «Ҳа, муғомбир! Бир келиб, бувангдан нега хабар олмайсан?— деб гина қилди.— Вақт-соатим яқин қолди, жигарим... Жон таслим қилиб, худо даргоҳига борганимда ҳақингга дуо қиламан. Қора ерга киргим келади, Наталюшка... Мени ер чорлаяпти. Вақт-соатим яқин»,— дейди бечора бувам.

Григорий ҳужрага кирди. Буҳўр ҳиди, моғорлаган ва чириган нарсаларнинг сассиғи, кекса иркит одамнинг иси гуп этиб димоғига урди. Гришак бобо ҳали ҳам ўша қизил боғичли кул ранг ҳарбий мундирида; сўри тахта устида ўтирарди. Оёғидаги кенг чалвори, жун пайпоғи тепчилган, ямалган эди. Бобо ҳозир бутунлай Грипашканинг қарамоғида эди; опаси Наталья қизлик маҳалида бобосига қандай меҳрибон, қанчалик жонкуяр бўлса, у ҳам ўшандай, бобонинг ош-сувидан хабар олиб турарди.

Гришак бобо тавротни тиззасининг устига қўйиб олган эди. У гардишининг миси кўкариб кетган кўзойнак устидан Григорийга қаради-да, оппоқ тишларини кўрсатиб илжайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳа, аскар бола! Ҳалиям тирикмисан? Дайди ўқлардан худо асрапти-да! Худога шукур. Қани, ўтир.

— Ўзинг бардаммисан, буважон?

— А?

— Соғлигинг қалай? — деяпман.

— Тентак! Ўлай агар, тентаксан! Шунча ёшга кирган одамда соғлик нима қилсин? У ёғини сўрасанг, юзга бориб қолдим. Ҳа, юзга... Ҳеч нарса кўрмагандайман. Кечагина соч қўйиб, олифта бўлиб юрган бақувват йигит эдим. Кўз юмиб очгунча қартайиб қолибман... Умр ёз шамолидек ғир этиб ўтди-кетди... Куч-қувватдан айрилдим. Тобутим анча йилдан бери омборхонада тайёр турибди, бироқ худойим мени унутди, шекилли... Бир хил пайтлари ношукурчилик қилиб худога ёлбораман «Парвардигор, мендай осий банданинг ҳолига раҳм қил! Ер мендан безор бўлди, мен ердан. Ол омонатингни!..»— дейман.

— Ҳали кўп яшайсан, бобо. Оғзинг тўла тиш.

— А?

— Тишларинг бутун, деяпман.

— Тишми? Ҳей, аҳмоқ!..— Бобонинг жаҳли чиқди. — Жонинг оғзингдан чиқаётганда тишларинг ушлаб қололмайди... Хўш, ҳалиям жанг қилаяпсанми, шоввоз?

— Ҳа.

— Митюшкамизам ўша кетганича кетяпти, ҳалиям дараги йўқ. Фалокат босса, дайди ўқ тегиб ўлиши ҳеч гапмас.

— Ҳеч гапмас.

— Менам шунисига доғман. Нимани талашиб урушяпсиз? Нималигини ўзингизам билмайсиз! Ҳар бир иш худонинг хоҳиши билан бўлади. Мироним нима сабабдан ўлиб кетди, биласанми? Худонинг хоҳишига қарши чиқди: халқни ҳукуматга қарши қўзғатди. Ҳар бир ҳукуматни худо юборади, тепангда дажжол бўлса ҳам худодан кўравер. Ўшанда мен унга айтдим-а: «Мирон! Сен казакларни йўлдан оздирма, ҳукуматга қарши қўзғатма, ҳамманг гуноҳкор бўласан, балога қоласан!», дедим. Лекин у: «Йўқ, дада, чидаб туролмайман! Қўзғолон кўтариш керак, бу ҳукуматни йўқотиш керак, йўқса

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳаммамизни кафангадо қилади. Одамгарчиликдан чиқиб тиланчи бўлишга тобим йўқ»,— деб айтганида туриб олди. Ана ўжарликнинг оқибати. «Қилич кўтарган — қиличдан ҳалок бўлади»— дейилгани ҳаққаст рост чиқди... Одамлар сени, генераллик мансабига минди, дивизия командири бўлди, дейишади. Ростми, Гришка?

— Рост.

— Командирмисан?

— Ҳа, командирман.

— Погонларинг қани?

— Погон тақишни бекор қилганмиз.

— Вой, исқиртлар-эй! Бекор қилганмиш! Сендан тузукроқ генерал чиқармикин? Шўринг қурсин! Қадимда генерални кўрсанг, ҳайрон қолардинг: семиз, қорни катта, савлатли бўларди. Аҳволингга қарагин... Сени генерал деган кишининг ўзи аҳмоқ! Эгнингдаги шинелинг доғ-доғ бўлиб, яғири чиқиб кетибди, на кифтида погон бор, на кўксингда оқ лента. Лекин чоклари тўла ғуж-ғуж бит бўлса керак.

Григорий хохолаб кулиб юборди. Бироқ Гришак бобо баттар қизишиб гапида давом этди:

— Кулмагин, ҳароми! Одамларни ҳукуматга қарши қўзғатиб, ажал сари бошлаб юрибсан. Бошдан оёқ гуноҳга ботиб, тағин тишингнинг оқини кўрсатиб куласан-а! Хўш?.. Шуни яхши билиб қўй... барибир ҳамманг асфаласофилинга кетасан, сизларга қўшилиб биз ҳам кетамиз. Худо худолигини қилса — ўз қудратини сизларга кўрсатиб қўяр ҳали. Тавротда келтирилган сураларда ҳозирги нотинч замонамиз тўғрисида башорат қилинган бўлса, нима дейсан? Қани, қулоқ сол, мен сенга Зикриё пайғамбар айтган гапларни ўқиб берай...

Чол сарғайган бармоқлари билан тавротнинг сарғайган саҳифаларини варақлади; ҳар бир сўзни донадона қилиб, шошмасдан ўқий бошлади:

— «Башорат бўлди деб оламга жар солинглар, тамомий халқларга яширмай айтингларким: қалъаи Бобил забт этилгай, Вил шармисор бўлиб, Мардук енгилгай, қасрлари вайрон, бутлари зер-забун бўлгай. Андоқ ким шимол тарафдан соҳибқирон қабила

www.ziyouz.com kutubxonasi

анга қарши бош кўтаргусидир; ул қабила бунинг ерларини чўл-биёбонга айлантиргай ва андин на инсон, на ҳайвон омон топмай қочғайлар...» Тушундингми, Гришка? Шимолдан халқлар келади, сиздақа бобилликларнинг думларини тугиб қўяди. У ёғини эшит: «Ўша замону ўшал соатда бани исроил фарзандлари ила яҳудо фарзандлари чўлу биёбонлар кезиб зор-зор йиғлагайлар, ниҳоят, ўз парвардигорини топгайлар. Парвардигор анда дегайким: бандаларим қўйдин ҳам ювош эрди, чўпонлар аларни йўлдан оздирдилар, ўз юртларидан айириб тоғу тошлар орасида саргардон қилдилар».

— Бунинг маъниси нима? Бу нима дегани?— деб сўради черков-славян тилини яхши тушунмайдиган Григорий.

— Маъниси шуки, сизлар ҳам тоғма-тоғ саргардон бўласиз ҳали, жувонмарг фитначилар! Сизлар казакларга серка бўлолмайсиз, чунки ўзингиз қўйдан баттарсиз, нима қилаётганингизни ўзингиз билмайсиз... У ёғини эшит: «Ўз юртидин жудо бўлганларни кимики топса битдек талади». Буни ҳаққаст, рост! Ҳозир битга таланаётганларинг йўқми?

— Битдан ўлиб бўлдик,— деб иқрор бўлди Григорий.

— Мана энди ҳаммаси рост чиқяпти. У ёғини эшит: «Душманлар айтур эдилар: аларға амон йўқдур, зероки, алар парвардигор қошида осий эрурлар. Парвардигор айтдиким: Бобилдин қочинглар, калдоний тупроғидан олисға кетинглар; қўйларға бамисли серка янглиғ бош бўлинглар. Шимол тарафлардин улуғ халқларни қўзғатғаймен ва аларни Бобил устига келтургаймен. Алар тиғ тортиб келурлар, отган ўқлари хато кетмагай, шу важдин Бобилни забт этгайлар. Қалдонийлар юрти харобазорга айлангай, ани ғанимлар талон-торож қилғайлар. Аммо сиз кўрнамаклар менинг бору йўғимни яғмо айладингиз, тўю тамошодин, айш-ишратдин бош кўтармадингиз...»

— Гришак бува! Ҳеч нима тушунмаяпман, менга маънисини русча қилиб гапириб бера қолсанг бўларди,— деб чолнинг сўзини бўлди Григорий.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бироқ чол тамшанди ифодасиз кўзларини унга тикди.

— Ҳозир тамомлайман, охирини эшит, деди:— «...Бузоқлар сингари ирғишлаб, ҳўкизлар сингари сузишиб юравердингиз... Оналарингиз сизларни туқ-қанларига пушаймон бўлғайлар, шармисорликдан сочларин юлгайлар, эл тақдири шу зайл кечгай, экинзорлар қақраб чўлу биёбонга айлангай. Парвардигор қаҳру ғазабидан ул ерларда тирик жон қолмағай; Бобилдин ўтган ҳар кимса анинг харобаларин кўриб ҳайратга тушгай, ҳайҳот дея фарёд этгай».

— Бу гапларнинг маъниси нима?— деб қайта савол берди Григорий, тушунолмаганига алам қилиб.

Гришак бобо жавоб бермасдан тавротни ёпди-да, каравотига ётди.

Григорий ҳужрадан чиқиб кетаётиб ўйланди: «Азалдан одамзоднинг аҳволи шу: ёшлигида ўлгудай шўхлик қилади, ароқ ичади, ҳар қандай гуноҳ ишлардан қайтмайди, ёшлигида қанча кўп гуноҳ қилса, қариганда шунчалик художўй бўлиб қолади. Масалан, Гришак бобони олайлик, тишлари бут-бутун, ёшлигида ўлгудай безори эди, дейишади: аскарликдан қайтганда қишлоқдаги хотинларнинг додини берган экан; тўғрисиниям, эгрисиниям қўлга туширган экан. Мана ҳозир бўлса... Мабодо мениям умрим узоқ бўлса, қариганимда мен бу сафсатани ўқимаганим бўлсин! Тавроту инжилга менинг тобим йўқ».

Григорий қайнанасиникидан қайтаркан, Гришак бобонинг гаплари, тавротда ёзилган сирли ва дудмал «ҳикматли» сўзлар устида бош қотирар эди. Наталья ҳам чурқ этмасдан келарди. Афтидан, Григорийнинг Каргин атрофида қишлоқма-қишлоқ айшишратга берилиб, хотинбозлик қилиб юргани унинг қулоғига етган эди; шунинг учун у бу гал эрини қовоғу димоғ билан кутиб олганди. Наталья эри қайтган куни кечаси унинг жойини меҳмонхонадаги каравотга солиб берган, ўзи сандиқ устида пўстин ёпиниб ётаверган эди, ундан бир оғиз гап ҳам сўрамаган, эшитганларини юзига солиб, гинахонлик ҳам қилмаганди. Григорий, хотинининг нега бундай совуқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

муомала қилаётганини суриштириб ўтиришнинг фойдасизлигини тушуниб, индамай қўя қолди...

Ҳувиллаган кимсасиз кўчада иккиси бир-бирини танимаган бегона кишилар сингари чурқ этмай келишарди. Жанубдан илиққина, майин шабада эсар, ғарбда қуюқ парча-парча оқ булутлар осмонни қоплаб олган эди. Булутларнинг устки томони қор сингари кўкиш тусга кириб товланар, аста сузиб, шаклини ўзгартириб, кўм-кўк ўт қоплаган тоғнинг устига тўпланишарди. Биринчи момақалдироқ овози келди, қори кетган қора гупроқ билан куртак чиқарган дарахтларнинг ҳаётбахш ҳидлари қишлоққа ёйилди. Кўм-кўк Дон сатҳида оппоқ тўлқинлар югуришиб юрар, пастдан турган шамол ажойиб рутубат ҳидини, ивиган ёғочларнинг, чириган баргларнинг ҳидини олиб келди. Тепанинг этагида ғижим бахмал сингари қорайиб ётган бир бўлтак шудгордан буғ кўтарилар, Дон бўйидаги тоғларга туташган адирлар устини кўкиш туман қоплаган, йўлнинг қоқ тепасида тўрғай маст бўлиб сайрар, суғурлар чийиллашиб йўлни кесиб ўтишарди. Ана шу ҳаётбахш ажойиб оламни, мўл-кўл ҳосилдан ва тўқчиликдан дарак берувчи баҳор манзарасини қуёш мағрурланиб олисдан тамоша қиларди.

Қишлоқнинг ўртасига етганларида Наталья жар ариқнинг кўприги ёнида тўхтади; тоғда эриган қор суви шу ариқдан шилдираб оқиб ўтиб Донга қуйиларди. У чориғининг ипини боғлаб олиш баҳонаси билан жўрттага энгашди, ҳақиқатда эса юзини Григорийдан яшириш учун шундай қилган эди.

— Нега гапирмайсан?— деб сўради Григорийдан.

— Нимани гапирай?

— Нимани эмиш!.. Қаргинда ароқхўрлик қилганингни гапир, ж...лар билан юрганингни гапир.

— Бу гаплар қулоғингга етдими?— Григорий халтачасини олиб тамаки ўради. Қашқабеда аралашган қўлбола тамакининг хушбўй ҳиди гуркираб кетди. Григорий ютуниб чекди-да, қайта сўради:— Демак; эшитибсан-да? Ким айтди?

— Ҳеч ким айтмасаям биламан. Бутун қишлоқнинг оғзида шу гап, тағинам эшитмайми?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Эшитган бўлсанг, нимасини сўрайсан?

Григорий қадамини катта-катта қўйиб юриб кетди. Жимжит баҳор сукунатида кўприк тахталари унинг салмоқдор юришидан бир меъёрда дукиллар, шоша-пиша изма-из келаётган Натальянинг оёқлари кўприкни тарақлатарди. Кўприкдан ўтгач, Наталья анчагача индамай, дамба-дам кўз ёшларини артиб келаверди, ниҳоят, йиғламсираб тутила-тутила:

— Яна эски қилиғингни қиляпсанми?— деб сўради.

— Қўйсанг-чи, Наталья?

— Ҳалиям тўймадингми, кўппак? Қачонгача мени қийнайсан ахир?

— Сен ҳам ёлғон-яшиқ гапга қулоқ солаверма-да...

— Ўзинг бўйнингга олдинг-ку!

— Игнадай нарсани сенга туядай қилиб гапириб беришганга ўхшайди. Тўғри, қитдай йўлдан озган бўлсам — бордир... Оғир турмуш одамни шу йўлга солади. Наташка... Доим ажал кетингдан қувиб юргандан кейин, баъзан бошинг айланиб йўлдан озганингни билмай қоласан...

— Болаларинг катта бўб қолди ахир! Уларга қарашга бетинг қандай чидайди? Инсофинг борми, ахир?

— Инсоф эмиш,— Григорий тишларининг оқини кўрсатиб кулди.— Инсоф деган нарсани мен бутунлай унутганман. Турмушнинг расвоси чиқиб кетди-ю, инсоф қолдими энди?.. Одам ўлдириб, қон кечиб юрибмиз... Бу фалокат ишга қандай аралашиб қолганимга ҳайронман... Сенга қандай тушунтирсам экан?.. Барибир тушунмайсан! Шу тобда рашкинг қўзиган, қулоғингга гап кирмайди, аҳволим қандайлигини, ичимни ит тирнаб, нега кон ютаётганимни тушунолмайсан. Мана мен ароқхўрликка ружу қилдим. Анави куни бирдан тутқалоқ тутиб, юрагим бирдан тўхтаб қолди, аъзойи баданим музлаб кетди...— Григорийнинг юзлари бўзариб, томоғига бир нарса тиқилгандай, аранг гапирарди:— Аҳволим оғир, Наташка, бошим қотган, шунинг учун аламимни ароқданми, хотинданми оляпман... Шошмасанг-чи! Сабр қил, дардимни айтай: юрагимга бир нарса ханжардай қадала-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди, холос... Ҳаётимиз нотўғри йўлга тушиб кетди. балки, ўзим ҳам бунга сабабдирман... Тўғриси, ҳозир қизиллар билан яраши б, кадетлар устига от солиш керак эди. Бироқ буни қандай қилиш мумкин? Бизни Совет ҳукумати билан ким яраштиради? Орамиздаги шунчалик гина-кудуратларни ким ўртадан кўтариб ташлайди? Қазакларнинг ярми Донецнинг нарёғида қочиб юрибди, бу ерда қолганлари — ваҳшийлашиб кетган, кўзларига қон тўлган... Каллам ғовлаб қолган, Наташка... Ҳали буванг ҳам тавротдан далил келтириб: «нотўғри қилдиларинг, қўзғолон кўтариш керакмасди»,— деди. Даданги койиди.

— Бувам — миясини еб қўйган одам, навбат энди сенга келди.

— Сендан фақат шуни эшитиш мумкин. Бундан нарисига ақлинг етмайди...

— Қўй-э, яхшиси сен менинг тилимни қичитмагин! Қилғиликни қилиб-қилиб, энди ҳамма айбни урушга тўнкамоқчи бўласан. Ҳамманг бир гўрсан! Сени деб тортган азобларим камлик қилдими, такасалтанг? Бу кунимдан кўра ўшанда ўлиб кетаверганим яхшимасмиди...

— Энди сен билан гаплашадиган гап қолмади. Аламингга чидолмасанг — додлагин, йиғлагин, хотин киши бир оз кўз ёши қилиб олса, дарров овунади. Мен бўлсам, барибир, сени овутолмайман. Қон кечиб юравериб, менда раҳм деган нарсадан асар қолмади. Ҳатто болаларим кўзимга кўринмайди, ўзимни-ку, гапирмасам ҳам бўлади. Ўзимни ўйласам, юрагим орқасига тортиб кетади: ўзимдан ўзим қўрқаман... Уруш — дилимни вайрон қилди. Кўнглим қуриган қудуқдай қоронғи, чироғ ёқсанг, ёришмайди...

Ўткинчи кул ранг булут орасидан қияламасига шатирлатиб ёмғир қуйганда Григорий билан Наталья уйга етай деб қолган эди. Ёмғир йўлдаги офтоб ҳиди урган юмшоқ тупроқни шиббалаб, томларга шатирлатиб ёға бошлади, ажаб хушбўй, майин шабада эсди. Григорий шинель тугмаларини ечиб, ҳўнграб йиғлаётган Натальянинг устига бир этагини ёпди-да, қучоқлади. Иккиси бир шинель ёпиниб, бир-бирининг пинжига кириб, совур ёмғири остида қўрага киришди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кечқурун Григорий ҳовлига чиқиб, сихмолани тузатишга, сеялканинг дон тушадиган новларини тўғрилашга киришди. Семён Чугуннинг, ўн беш яшар ўғли Мелеховларнинг эски плугига бир амаллаб янги тиш қўйиб берди, у темирчилик ҳунарини ўрганиб олган ва қўзғолон бошлангандан бери Татарскда ягона темирчи бўлиб қолган эди. Қўклам дала ишларига керакли ҳамма нарса тахт қилинди. Ҳўкизлар қишда этини олдирмади: Пантелей Прокофьевич ғамлаган пичан бемалол етиб ортди.

Григорий эрталаб даштга жўнамоқчи эди. Ильинична билан Дуняшка қўшчининг овқатини эртароқ пишириб бериш ҳаракатига тушишиб, кечқурунданоқ печга ўт қаладилар. Григорий далада тўрт-беш кун ишлаб, ўзи ва қайнанасининг ерларига дон сепмоқчи эди; ундан ташқари, кунгабоқар ва полиз экинлари учун беш десятинача ер ҳайдамоқчи ва бу ерларни экиб олиш учун сотняда юрган дадасини чақиртирмоқчи эди.

Мўридан бинафша ранг тутун бурқсиб чиқиб турар, бўйи етиб қолган Дуняшка қўрада айланиб юриб тутантириқ учун чўпчак терарди. Григорий синглисининг қадди-қоматига, тўлишган кўксига қараб, ғамгин ўйларди: «Қизмисан қиз бўлиб етилибди! Умр — кўз очиб юмгунча ўтиб кетяпти. Яқиндагина Дуняшка мишиғини оқизиб юрарди; югурса — сочи сичқон думига ўхшаб елкасида лип-лип ўйнарди, ана энди қаранг, ҳадди камолга етган қайлиқ. Менинг бўлса сочимга оқ оралади, ёшлигим ўтди-кетди... Гришак бобонинг: «Умр ёз шамолидек ғир этиб ўтди»— дегани ҳаққаст рост. Одамзоднинг умри ўзи калта-ю, шу калта умрнинг охирига етмай ўлиб кетсанг, алам қилади-да... Минг лаънат бундай умрга! Ўлдиришадиган бўлса, тезроқ ўлдиришгани яхши».

Шу пайт Дарья Григорийнинг ёнига келди. Петро ўлгандан кейин Дарья сал орадаёқ бошига тушган мусибатни унутиб юборган эди. Дастлабки кунлари эрининг мотамида сомондай сарғайиб, рангги-рўйи кетган, мункайиб қолаёзган эди. Бироқ баҳор шабадаси эсиб, сал-пал кун илиши билан, Дарьянинг дарду ғамлари ҳам кўнглидан кўтарилди. Чўзинчоқ юзи

www.ziyouz.com kutubxonasi

гулдай очилиб, нурсизланган кўзлари яна ўтдай чақнай бошлаган, қадимгидай жилва қилиб юрадиган бўлиб қолган эди... Эски одатини қилиб, ингичка камон қошларини қорага бўяр, бетларига ёғупа суртиб пардоз қиларди; кўнгли ҳазилни қўмсаб ўйнашгиси, уят гаплар билан Натальянинг жиғига теккиси келарди; алланимани кутаётгандай, ўзидан-ўзи кўзини сузиб, лабини буриб дамба-дам жилмаяверарди... Ҳаёт ғолиблик қилган эди.

Дарья Григорийнинг ёнига келиб, жилмайиб тураверди. Унинг чиройли юзидан ўткир ёғупа ҳиди келарди.

— Сенга қарашгани келдим, Гришенька!

— Қарашадиган иш йўқ.

— Вой-эй, Григорий Пантелевич! Мендай бечора, бева хотинга мунча зарда қиласиз ахир? Бир кулиб боқмайсиз, бормисан, йўқмисан демайсиз.

— Маҳмаданалик қилгунча, бориб овқатни пиширсанг-чи!

— Ҳо, менга зарил кебди-да!

— Ҳеч бўлмаса, Натальяга қарашгин. Мишаткани-нинг аҳволини кўр: афтига одам қараб бўлмайди.

— Бир камим шу эди! Туғадиган у-ку, мен кирчирини ювайми? Дадасига балли! Натальянг бола туғишда қуённи қочиради. Ҳали қараб тур, сенга ўнтасини туғиб беради. Буларни ювадиган бўлсам, қўлимда қўл қолмас.

— Бўлди, бас қил! Уйга кир!

— Григорь Пантелевич! Қишлоқда эркак зотига қирғин келди: ёлғиз сиз борсиз. Кет деманг, олисдан бўлсаям бирпас хушмўйловларингизни томоша қилиб тўяй.

Григорий кулиб юборди, терлаган пешонасига осилиб тушган сочларини орқасига ташлади.

— Оббо доғули-эй! Петро сен билан қандай яшади-я? Шайтонни йўлдан урарсан дейман.

— Бўлмаса-чи!— деб керилиб гапирди Дарья; сўнгра чўчигандек, уй томонга жавдираб қаради-да, Григорийга ноз-карашма билан кўз қисди:— Вой, Наталья чиқиб қолдими, дебман-а... Хотинчанг бирам қизғанчиқки, асти қўявур! Боя тушги овқат маҳалида

www.ziyouz.com kutubxonasi

сенга бир қараб қўйганимга жон-пони чиқиб кетди. Қишлоқдаги ёш-ёш жувонлар кеча менга: «Бу қандай гап? Қазаклар қорасини кўрсатмаса, озиб-ёзиб, уйига бир келган Гришка хотинидан бир қарич силжимаса, хўш, биз нима қилайлик, додимизни кимга айтайлик?— дейишди.— Ҳамма ёғи даб-дала бўлиб, шарти кетиб, парти қолган бўлса-да, улфатчилик қилсак — армондан чиқардик. Ўзига тайинлаб қўйгин: кечалари қишлоқда ёлғиз юрмасин, тутиб олсак билганимизни қиламиз,— дейишди. Мен уларга:— йўқ, овсинлар, Гришамиз бегона қишлоқлардагина саёқ юрса-да, уйга келганда Натальянинг этагини сира қўйвормайди. Гришамиз яқиндан бери авлиё бўб қолди...» дедим.

— Оббо манжалақи-е!— деб беғараз кулди Григорий.— Тағин ҳам тилингга куйдирги чиқмайди!

— Биз гапирсак, дарров ачишади-да. Лекин кўз очиб кўрган ойимтилла Наташканг кеча сени роса боплади-ку! Ажаб бўлди! Саёқ юрсанг — таёқ ейсан!

— Ҳой, ҳаддингдан ошма... Бор, Дашка, уйга кир. Эру хотин орасига тушма.

— Мен ўрталарингга тушаётганим йўқ. Натальянгнинг эси пастлигига доғман. Эри кебди-ю, хотин ўлгур ноз қилиб, сандиқ устига жой солиб ётибди... Қани, шу топда биронта казак рўпара келиб қолса, жон дердим!.. Сендақа ботирларниям бирпасда мулла қилардим-қўярдим!

Дарья тишларини ғижирлатиб хохолаб кулди-да, хижолат чекиб илжайган Григорийга қарана-қарана, олтин исирғасини йилтиратиб уйга кириб кетди.

«Эсинг борида ўлиб олган экансан, Петро ака...— деб ичдан куларди Григорий.— Бу Дарья эмас, юҳо! Бу хотин сени бир кунмас, бир кун барибир гўрга тиқарди».

XLVII

Бахмуткин қишлоғида сўнгги чироқлар сўнди. Совуқ туриб, кўлобчалар бетини юпқа муз қоплади. Қишлоқнинг нарёғидаги яйловга, бултурги буғдойпояга бир гала турна тунагани қўнган эди. Шарқи-шимолдан эсган ел ҳолдан тойган турналар товушини

www.ziyouz.com kutubxonasi

қишлоққа олиб келарди. Турналарнинг қурқураши апрель тунининг оромбахш сукунатига ҳусн бағишларди. Боғлар кўланкада мудрашарди; аллақайларда сигир маърарди; сўнгра ҳамма ёқ жимиди, ярим соатгача тиқ этган овоз чиқмади; фақат кечаси лойхўракларнинг ғамгин чийиллаши билан учиб ўтган сонсиз ўрдаклар қанотининг шувуллагани сукунатни бузарди; ўрдаклар гала-гала бўлиб, Дон суви тошган кенг сойликларга қараб тез-тез учиб ўтишарди... Ниҳоят, энг чеккадаги кўчадан бир тўп одамнинг овози чиқди, папирос чўғлари йилтиллаб кўринди, отнинг пишқиргани, қатқалоқ бўлиб қолган лойнинг от туёқлари остида тўқиллаши эшитилди. Қўзғолончиларнинг 6-нчи алоҳида бригадасига қарашли иккита сотня казаклар жойлашган бу қишлоққа разведкачилар қайтиб келди. Казаклар гурунглашиб, энг четки қўрага тушишди, ҳовлининг ўртасида ётган чанага отларини боғлаб, пичан солишди. Кимдир қўшиқни рақс куйига солиб, сўзларини дона-дона қилиб, йўғон овоз билан хиргойи қила бошлади.

Аста-аста қадам ташлаб бордим мен,
Жазманимга луқма ташлаб қолдим мен.
Ўтган эски муҳаббатдан сўз очиб,
Эрмак учун қизни ўпиб олдим мен.

Ўша заҳоти қўнғироқдай ингичка шўх овоз ундан ошириб сайрай кетди.

У ҳазилни билмади-ю, сўзимга
Хафа бўлди, солиб қолди юзимга.
Бу хўрликка чидолмади юрагим,
Бутун дунё тор кўринди кўзимга.

Яна бир неча йўғон овозлар унга жўр бўлди, ашула ўйноқи тус олди, ингичка овоз авжига чиқиб, жаранглай бошлади, қўшиққа жон кириб, барала осмонга кўтарилди:

Ўнг қўлимни тирсаккача шимариб олдим,
Қулоғининг таг-тагига тушириб қолдим,
Қулоқ таги лавлагидек қип-қизарди-ю,
Не қилишин билолмасдан туриб қолди у.
Хўнграб деди; кўзидан ёш оқиза туриб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Етти қизни лақиллатиб йўлдан уриб,
Бу ҳам оздек саккизинчи бир тул хотинни,
Тўққизинчи ўз хотининг, ўнинчи мени
Алдаб юрдинг, э вафони билармидинг сен.
Келиб-келиб менга вафо қилармидинг сен.

Ҳайдовсиз қолган экинзорда юрган турналар овозини ҳам, казаклар қўшиғини ҳам, зим-зиё қоронғиликда учиб ўтган ўрдаклар қанотининг шовиллашини ҳам шамол тегирмон орқасидаги пистирмада ётган казаклар бемалол эшитишарди. Улар кечаси аёзда музлаган зах ерга бағрини бериб ётишдан безор бўлгандилар. Папирос чекиш, гаплашиш мумкин эмас, у ёқ-бу ёққа юриб оёқнинг чигилини ёзиш ёки бир-бирлари билан туртишиб қизишиб олишнинг иложи йўқ. Миқ этмай ётиш керак: бултурдан қолган кунгабоқар поялари орасида қоп-қоронғи даштга тикилиб, тиқ этган товушга қулоқ солиб ётавериш керак. Шу қадар қоронғики, ўн қадам жойдаги нарсани кўриб бўлмайди; апрель тунида хилма-хил шарпа-ю шитирлаган товушлар эшитилаверди; қоронғилик ичидан гоҳо шундай шубҳали овозлар келадики, казакни ваҳм босади: «Қизиллар разведкаси секин-аста биқиниб келяптимикин?»— деб ўйлайди. Назарида, гўё олисда бурган қисирлаб сингандай, қулоғига пишиллаган овоз келгандай бўлади... Ёшгина казак Випряжкин, қоронғига тикилаверганидан кўзларига чиққан ёшни қўлқопи билан артади-да, ёнидаги казакни тирсаги билан туртади. Лекин у чарм тўрвасини боши остига қўйиб, икки букланиб ётган жойида мудрайди, японча ўқдони биқинига ботса ҳам, ўнгланиб ётиб олишга эринади. Маҳкам ўраниб олган шинелининг этаклари остидан муздек шамол киритмаслик учун қимирлагиси келмайди. Бурганларнинг шитирлаши тобора яқинлашади, бирданига Випряжкин ёнгинасида бир нарса пишиллаганини эшитади. У тирсагини ерга тираб, бошини кўтаради-да, ҳайрон бўлиб, бурган поялари орасига тикилади-ю, каттакон типратиканнинг қорасини кўради. Типратикан чўчқаникига ўхшаш тумшуғи билан ер искаб, тиканлари билан қуриган бурган шохларини шитирлатиб, сичқон изидан пишиллаб бораверади. Бирданига у бир неча

www.ziyouz.com kutubxonasi

қадам нарида қандайдир ёв борлигини сезиб шартта тўхтайди, бошини кўтариб у ёқ-бу ёғига қаранади-ю, ўзига тикилиб ётган казакни кўради. Қазак енгилланиб эркин нафас олади-да:

— Хаҳ, палакат-эй! Жон-поним чиқиб кетди-я!— деб пичирлайди...

Типратикан дарров бошини яшириб, оёқларини йиғиштириб олади-да, тиканларини ҳурпайтириб, дум-думалоқ бўлиб ётади, бирпасдан кейин аста-секин бошини чиқариб, оёқларини муздай ерга қўяди-ю, кунгабоқар пояларига туртиниб, қуриган чўп-чорларни шитирлатиб коптокдай пилдираб жўнаб қолади. Даштни яна сукунат қоплайди. Апрель туни эртакдай гўзал...

Қишлоқда хўрозлар икки чақирди. Осмон ёришди. Сийрак булутлар орасидан битта-яримта юлдуз кўринди. Сўнгра, шамол туриб булутларни тўзитиб юборгандан кейин, осмон беадад олтин юлдузлари ила ерни томоша қила бошлади.

Шу чоқ Випряжкин, рўпарадан келаётган отнинг туёқ товушини, бурган ўтларининг қисирлаганини, яна аллақандай темирдан ясалган нарсанинг шалдираганини, сал ўтмай, эгар ғирчиллаганини ҳам аниқ-таниқ эшитди. Бошқа казаклар ҳам эшитишди. Ҳаммаси милтиқ тепкисига бармоғини қўйиб пойлаб турди.

— Тайёр бўл!— деди шивирлаб взвод командирининг муовини.

Чарақлаган осмон фонида худди тошдан йўниб ишланган ҳайкалдай, ёлғиз отлиқнинг қораси кўринди. Аллақандай одам қишлоқ томон секин-аста бормоқда эди.

— Тўх-та-а!.. Ким у... Пароль нима?..

Казаклар отишга тайёрланиб, ўринларидан ирғиб турдилар. Отлиқ отини тўхтатиб, қўлларини кўтарди.

— Ўртоқлар, ўқ отманг!

— Пароль нима?

— Ўртоқлар!..

— Пароль нима? Взво-о-о-од...

— Тўхтанглар ахир!.. Мен ёлғизман. Таслим бўламан...

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Тўхтанглар-чи, биродарлар! Отманглар! Тириклайин қўлга оламиз!..

Взвод командирининг ёрдамчиси отлиқнинг ёнига чопиб борди, Випряжкин эса, от жиловидан ушлади. Номаълум одам оёғини эгардан ошириб ерга тушди.

— Сен кимсан? Қизилларданмисан? Ўҳў, биродарлар, нақ ўзи экан! Папоғида юлдузи бор. Қўлга тушдинг-ку, а-а-а!

Номаълум одам оёқларининг чигилини ёзиб, пинагини бузмасдан гапирарди:

— Мени бошлиқларинг олдига оборинглар. Мен унга жуда муҳим бир хабарни етказишим лозим. Мен Сердоб полкининг командири бўламан, бу ерга музокара олиб бориш учун келдим.

— Команди-и-ир?.. Биродарлар, бу ифлосни ўлдириш керак! Лука мундоғ тур, мен буни ҳозир...

— Ўртоқлар! Мен қочиб кетаётганим йўқ, олдин келтирган хабаримни бошлиқларингга айтай, кейин ўлдиравермайсизми... Такрор айтаман: бу ниҳоятда муҳим масала. Агар мени қочади деб қўрқсаларинг, марҳамат, қуролимни олинглар...

Командир портупейларини еча бошлади.

— Ич! Тезроқ ич!— деб шошилтирди казаклардан бири.

Унинг нагани билан қиличи взвод командири ёрдамчиси қўлига ўтди.

— Қани, сердоблик командирни тинтиб кўринглар-чи!— деб буюрди у командирнинг отига миниб.

Уни тинтиб чиқдилар. Взвод командири ёрдамчиси билан Випряжкин уни олдиларига солиб қишлоққа пиёда ҳайдадилар. Випряжкин австрицча карабинни ўқталиб, унинг ёнида борарди оғзи-қулоғига етган взвод командири ёрдамчиси отда уларнинг кетидан келарди.

Ўн минут чамаси индамай боришди. Қўлга тушган командир дам-бадам тўхтаб, шамолга этагини пана қилиб гугурт чақар, папирос чекарди. Хушбўй папирос ҳиди димоғига ураверiб, ахийри Випряжкин чидаб туролмай:

— Менгаям бер,— деб сўради.

— Марҳамат!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Випряжкин папирос тўлдирилган чарм портсигарни олиб, битта папирос чиқарди, сўнгра портсигарни ўз чўнтагига солиб қўйди. Қомандир индамади; бир оз юриб, қишлоққа етганларидан кейин:

— Мени қаерга обормоқчисиз?— деб сўради.

— Борганда кўрасан.

— Айтиб бўлмайдими?

— Сотня командирига.

— Мени бригада командири Богатирев ёнига бошлаб оборинг.

— Бу ерда унақа одам йўқ.

— Нучук йўқ? Кеча у ўз штаби билан Бахмуткинга келган, мен биламан: у ҳозир шу ерда.

— Бизга маълуммас.

— Э, бўлмаган гап, ўртоқлар! Менга маълум-ку, сизга маълуммасми?.. Бу гап душманларингизга маълум бўлгандан сўнг, уни ҳарбий сир деб яширмай қўя қолинг.

— Юр! Юр!

— Кетяпману. Лекин мени Богатирев билан учраштирасиз.

— Овозингни ўчир! Хизмат қоидаси бўйинча сен билан гаплашишимиз сира мумкинмас.

— Хизмат қоидаси бўйинча бировнинг портсигарини тортиб олиш мумкинми?

— Олсам олибпан-да... Тилингни тийиб, индамай юравер, йўқсам, шу топда шинелингниям шилиб оламан. Сендақа аразчини қара-ю!

Юзбошини аранг уйғотишди. У анчагача кўзларини ишқалаб, юзларини тириштириб эснайверди, бироқ севинчидан оғзи қулоғига етган взвод командири ёрдамчисининг нима деганини англай олмади.

— Ким дединг? Сердоб полкининг командири? Рост айтяпсанми ўзинг? Ҳужжатларини бер.

Бир неча минутдан кейин юзбоши командирни бригада қўмондони Богатирев турган уйга бошлаб келди. «Сердоб полкининг командири қўлга тушиб шу ерга келтирилди» деган хабарни эшитгач, Богатирев ўрнидан ирғиб турди. Дарров чалворининг тугмаларини солиб, елкабоғларини кифтларидан ўтказди,

www.ziyouz.com kutubxonasi

бешинчи лампани ёкди-да, эшик олдида қўлларини икки ёнга қилиб қотиб турган одамдан:

— Сердоб полкининг командири сизмисиз?— деб сўради.

— Ҳа, мен Сердоб полкининг командири Вороновский бўламан.

— Ўтиринг.

— Қуллуқ.

— Сизни... Сизни қандай қилиб қўлга туширишди?

— Мен ўзим сизнинг олдингизга келаётувдим. Сиз билан холи гаплашмоғим керак. Буюринг, бошқалар чиқиб турсин.

Богатирев қўли билан ишора қилди, қизил командирни бошлаб келган юзбоши билан оғзини очиб, анқайиб турган уй эгаси — эски мазҳабли чол чиқиб кетишди. Богатирев сочи тақир қилиб олинган думдумалоқ қора тарвузга ўхшаш бошини силаб, кир босган ички кўйлакда стол ёнида ўтирарди. Салқиган лунжи, ноқулай ётиб қолганидан из тушган юзидан масалани тезроқ билгиси келгани кўриниб турарди.

Тўладан келган, ихчам ва келишган шинель кийган, икки кифтидан офицерча қайиш ўтказилган ўрта бўйли Вороновский эркинроқ ўтириб олди; калта қилиб қўйилган қора мўйлови остидаги лабларига табассум югурди.

— Янглишмасам, жаноблари ҳам офицер бўлсалар керак? Аввало, ўз тўғримда икки оғиз гапириб ўтишга рухсат этасиз, сўнгра, бу ерга нима мақсадда келганимни сизга маълум қилайин... Менинг асли насабим дворянлардан бўлиб, подшо армиясида штабс-капитан эдим. Герман уруши вақтида Юз ўн еттинчи Любомир ўқчи полкида хизмат этганман. Бир минг тўққиз юз ўн саккизинчи йили Совет ҳукуматининг декретига биноан, кадр офицери бўлганлигим учун мени армияга олишди. Ҳозирги вақтда, ўзингизга маълум, Қизил Армиянинг Сердоб полкига командирлик қилмоқдаман. Ўзим Қизил Армия сафида бўлсам ҳам, большевикларга қарши курашаётганлар томонига ўтишни орзу қилиб, кўпдан бери пайт пойлаб юрар эдим...

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Пайт пойлаган одам мунча узоқ юрмайди: жаноби штабс-капитан...

— Мен Россия олдида ўзимни оқлаб олмоқчи эдим; бир ўзим аллақачон қочиб ўтишим мумкин эди, аммо мен ўзим билан бирга қизил аскарларнинг соғлом қисмини ҳам олиб ўтмоқчи эдим, чунки булар, коммунистларнинг ташвиқотига учиб, ўз ака-укаларига қарши ноилож урушмоқдалар.

Собиқ штабс-капитан Вороновский кул ранг ўғри кўзлари билан Богатиревга қаради-ю, унинг гумонсираб илжайганини кўриб, қиз боладай қизариб-бўзариб, шошқалоқлаб қолди:

— Албатта, жаноби Богатирев, мендан гумонсирашингиз табиий, айтган гапларимга бовар қилмаслигингиз мумкин... Сизнинг ўрнингизда мен бўлсам, албатта, мен ҳам шундай хаёлларга борган бўлардим. Рухсат этсангиз, кимлигимни ҳужжатлар билан исбот этаман... Рад қилиб бўлмайдиган далиллар кўрсатиб...

Шинель этагини қайириб, кўк шимининг чўнтагидан қаламтарош олди-да, букчайиб (шундай эгилдики, ҳатто елкасидаги қайиш тасмалар ғирчиллаб кетди), шинель ёқасининг чокини сўка бошлади. Бир минут ўтар-ўтмай сўкилган ёқанинг ичидан сарғайган қоғозлар билан кичкина фотосуратни олди.

Богатирев ҳужжатларни зўр эътибор билан ўқиб чиқди. Қоғозларнинг бирида: «Ушбу гувоҳномани кўрсатгувчи ҳақиқатда 117-нчи Любомир ўқчи полкининг поручиги Вороновскийдир, у госпиталда даволанганлиги сўнг ўз юрти Смоленск губернасига бориш учун унга икки ҳафталик отпуска берилди»,— деб ёзилган эди. Бу гувоҳномада 14-нчи Сибирь ўқчи дивизиясига қарашли 8-нчи дала госпитали бош врачининг имзоси ва муҳри бор эди. Қолган ҳужжатлар ҳам Вороновскийнинг ҳақиқатан офицер эканлигини яққол тасдиқлар, фотосуратдан эса, ўғри кўзли ёшгина подпоручик Вороновский Богатиревга кулиб қараб турарди. Серҳашам кўк френчининг кўксида офицерча георгий медаль йилтираб турар, оппоқ погонлари эса, подпоручикнинг қорамағиз юзини, мўйловларини чиройли қилиб кўрсатарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Қани гапиринг, хўш?

— Бу ерга келганимнинг маъниси: мен ўз ёрдамчим — собиқ поручик Волков билан биргаликда ташвиқот қилиб қизил аскарларни кўндирганмиз, ҳозир Сердоб полки бутунлайин,— албатта, коммунистлар бундан мустасно,— *сиз томон ўтишга тайёр.* Қизил аскарларнинг деярли ҳаммаси Саратов ва Самара губерналаридан чиққан деҳқонлар. Улар большевикларга қарши жанг қилишга рози. Ҳозирнинг ўзидаёқ полкни топшириш шартларини гаплашиб олишимиз лозим. Шу топда полк Усть-Хоперда туради, унда бир минг икки юзга яқин жангчи бор, ячейкада — ўттиз саккиз коммунист, ундан ташқари, маҳаллий коммунистлардан тузилган ўттиз кишилик взвод бор, холос. Полкдаги ҳамма тўпларни қўлга оламиз, лекин тўпчиларни ўлдиришга тўғри келади, чунки аксарияти коммунистлар. Менинг қўл остимдаги қизил аскарлар орасида норозилик кучайган, оталарининг ғалла солиғидан эзилганлигини эшитиб ҳаммаси аламзада. Биз ана шу баҳонадан фойдаланиб, казаклар томонга... яъни сизларга қўшилишга уларни кўндирдик. Қўпгина солдатлар полкни топширишда казаклар бизга зуғум қилмасмикан, деб чўчишади. Мана шу масала тўғрисида мен,— унчалик аҳамияти бўлмаса ҳам,— сиз билан гаплашиб олишим керак.

— Қандай зуғум қилишлари мумкин?

— Масалан, ўлдириш, талаш...

— Йўқ, биз бунга йўл қўймаймиз!

— Яна бир масала: солдатлар: «Биз бир ёқадан бош чиқариб, большевикларга қарши жанг қилаверамиз, лекин Сердоб полки ҳозирги составини йўқотмасин, ўзи алоҳида ҳарбий қисм бўлиб казаклар орасида юраверсин»,— деб талаб этишмоқда.

— Буни мен сизга ваъда қилол...

— Биламан! Биламан! Сиз олдин олий қўмондонингиз билан маслаҳатлашиб, натижасини кейин бизга маълум қилмоқчисиз.

— Ҳа, мен Вёшкига хабар беришим керак.

— Кечирасиз, вақтим жуда зиқ, мабодо бир соат кечикадиган бўлсам, менинг йўқлигимни полк комиссари билиб қолиши мумкин. Менимча, полкни топши-

www.ziyouz.com kutubxonasi

риш шартларини ўзаро келишармиз. Қўмондонлигингиз нима қарорга келганлигини менга тезроқ билдиринг. Полкни тўсатдан Донец томон жўнатишадиган ёки унга янги жангчиларни қўшадиган бўлишса, оқибати...

— Тўғри айтасиз, мен ҳозироқ Вёшкига чопар жўнатаман.

— Яна бир масала: казакларингизга буюринг, қуролимни қайтариб беришсин. Қуролимдан ташқари менинг...— Вороновский гапини йўқотиб қўйиб, хижолатсингандай илжайди,— менинг... портсигаримни ҳам тортиб олишди. Ўзи арзимаган нарса бўлса ҳам, бу портсигар ота-боболаримиздан қолган ёдгор эди...

— Ҳаммаси қўлингизга қайтарилади. Вёшкидан жавоб олсам, сизга қандай маълум қилай?

— Икки кундан кейин Бахмуткинга, сизнинг олдингизга Усть-Хопердан бир хотин келади. Пароли, чунончи...—«бирлик»— бўлақолсин. Ўша хотинга айтасиз. Лекин ҳамма гап оғзаки бўлиши шарт...

* * *

Орадан ярим соат ўтар-ўтмас, Максаев сотнясидан бўлган бир казак ғарбга, Вёшенскаяга томон от чоптириб кетди.

Эртаси куни Кудиновнинг шахсий орденареци Бахмуткинга келиб, бригада командири турган уйни сўроқлаб топди-да, отини боғлашга ҳам сабри чидамай, тўғри Григорий Богатиревнинг олдига кирди. Устига: «Ниҳоятда шошилинч. Мутлақо махфий» деб ёзилган пакетни унга топширди. Богатирев муҳрланган сўрғични наридан-бери синдириб, сабрсизлик билан пакетни очди. Юқори Дон округ советининг бланка — қоғозига Кудинов ўз қўли билан қуйидаги сўзларни ёзган эди:

«Сенга кўпдан-кўп салом, Богатирев! Янги хабарни эшитиб ниҳоятда қувондим. Сердобликлар билан музокара олиб боришга сени вакил қиламан, қандай йўл билан бўлса-да, уларни таслим бўлишга кўндиришинг лозим. Уларнинг талабларига рози бўлавер, «полкни ёппасига қабул қиламиз, қуролсизлантирмай-

www.ziyouz.com kutubxonasi

миз» деб ваъда беравер. Полкдаги коммунистларни, полк комиссарини, хусусан, вёшенскаялик, еланлик ва устьхоперлик коммунистларни бизга тутиб беришликни улар олдига асосий шарт қилиб қўй. Тўпларни, обозларни, асбоб-ускуналарни ҳам албатта ўзлари билан ола келсинлар. Бу ишни сен иложи борича тезлатгин! Полк келадиган жойга сен олдиндан кўпроқ куч тўплаб қўй, сездирмасдан қуршаб олиб, дарҳол ҳаммасини қуролсизлантир. Мабодо қаршилик кўрсатишадиган бўлса — бирини ҳам тирик қўймай қириб ташла. Бу ишда эҳтиёт бўлишинг, қатъийлик кўрсатишинг лозим. Полкни қуролсизлантирган заҳоти, барини тўғри Вёшенскаяга ҳайдат. Дарёнинг ўнг томони билан ҳайдаб боришсин, чунки бу ёқ ниҳоятда қулай, фронтдан олис, ҳамма ёқ қуп-қуруқ дашт — ҳеч ким қочолмайди, қочса ҳам қутулолмайди. Икки сотня отлиқ аскарга топшириб қўй, Доннинг усти билан, қишлоқма-қишлоқ ҳайдаб борилсин. Бу ерда биз уларни иккитадан, учтадан ажратиб сотняларга қўшиб қўямиз. Кўрайлик-чи, улар ўз оғайниларига қарши қандай жанг қилишаркин. Биз Донецнинг нарёғидаги ўз одамларимиз билан қўшилгандан кейин бир гап бўлар: истаса улар буларни пишириб ейишсин,— шунга ҳам бош оғритиб ўтирамизми? Менга қолса ҳаммасини осиб ўлдиришсин. Парвойимга ҳам келмайди. Сенга муваффақият тилайман. Ҳар кун чопар орқали менга хабар қилиб тур».

Кудинов.

Хатга қуйидаги сўзлар илова қилинган эди:

«Мабодо сердобликлар бизнинг маҳаллий коммунистларни ушлаб беришса — уларни кучли назорат остида қишлоқма-қишлоқ ҳайдатиб, Вёшкига жўнатгин. Лекин олдин сердобликлар жўнатилсин. Посбонликка ишончли казаклардан танлаб олинишига диққат қил (энг ашаддийлари ва ёши қайтганлари керак), уларни ҳайдаш билан бирга, олдиндан жар солиб: «шу ердан коммунистларни ҳайдаб ўтилади»,— деб халқни хабардор қилиб қўйишсин. Агарда халқ орасида яхшилаб ташвиқот юргизилса, уларни хотинларнинг ўзиёқ сўйилу паншаҳа билан бирёқлик қилади-қўяди, бу ишга биз аралашиб ёмонотлиқ бўлмайлик. Тушундингми? Биз учун шу сиёсат маъқул, йўқса, уларни биз отадиган бўлсак, қизиллар орасида «асирларни отишяпти» деган овоза тарқалиб, сиримиз очилади; яхшиси халқни ғазаблантириб, гиж-гижлаб қараб туравериш керак, мундан қулайи йўқ. Оломон тошбўрон қилади — вассалом. Кейин жавобгарни топиб олишсин-чи!»

www.ziyouz.com kutubxonasi

XLVIII

12 апрель куни 1-нчи Москва полки Елан станицасига қарашли Антоново қишлоғи ёнида қўзғолончилар билан жанг қилиб қаттиқ шикаст еган эди.

Бу ерларнинг баланд-пастини яхши билмаган қизил аскарлар саф-саф бўлиб, жанг билан қишлоққа кирдилар. Яккам-дуккам қўралар худди оролдаги уйларга ўхшаш, ҳар ер-ҳар ерда қумлоқ тепалар устига қурилган эди; қишлоқнинг ҳамма кўча ва сўқмоқлари сизот бўлгани учун оёқ остига шоху шабба ташлаб қўйилганди. Ҳамма ёғини ольха дарахти босиб чакалакка айланган бу қишлоқнинг атрофи ботқоқлиқ эди. Қишлоқнинг бир чеккасида суви саёз, лекин балчиғи одамни ютадиган Еланка сойи бор.

1-нчи Москва полкининг жангчилари цеп бўлиб ёйилган ҳолда қишлоққа кира бошладилар, бироқ энг четки қўралар ёнидан ўтиб, чакалакзорга энди қадам қўйганларида бу ердан саф тортиб ўтишнинг иложи йўқлиги маълум бўлди. 2-нчи батальон командири — бир қайсар латиш — ботқоққа тиқилиб қолган отини аранг чиқариб олган рота командирининг маслаҳатига қулоқ солмасдан: «Олға!»— деб команда берди-да, лопиллаб турган ботқоққа биринчи бўлиб от солди. Нима қилишини билмай, иккиланиб турган қизил аскарлар пулемётларни қўлларига олиб унга эргашдилар. Эллик саржин йўл босгандан кейин тизза бўйи балчиққа кириб кетишди; ана шу пайтда цепнинг ўнг томонидан: «Қазаклар келяпти!», «Ўраб олишди!»— деган овозлар эшитилди.

Қўзғолончи казаклардан икки сотняси қизилларнинг орқа томонига ўтиб олиб ҳужум бошлаган эди.

Чакалакзор ичида қизилларнинг 1-нчи ва 2-нчи батальони учдан бир одамидан айрилиб, орқага чекинди.

Шу жангда қўзғолончиларнинг ясама ўқи тегиб Иван Алексеевич ярадор бўлган, оёғидан ўқ еган эди. Мишка Кошевой уни қўлида кўтариб чиқди, дарё бўйидаги кўтарма устида от чоптириб келаётган ара-

www.ziyouz.com kutubxonasi

вакаш қизил аскарни ҳай-ҳайлаб, аранг тўхтатди-да (сал бўлмаса, уни отиб қўярди), патрон ташийдиган икки ғилдиракли аравага ярадор Иван Алексеевични солиб олишга уни мажбур қилди.

Полк пароканда бўлиб, Елан қишлоғига чекинган эди. Бундай мағлубият — Доннинг чап қирғоғи бўйлаб ҳужум бошлаган ҳамма қизил аскар қисмларига катта зарар етказди. Малкин ўз дружинаси билан Буканов қишлоғидан йигирма чақирим нарига — шимол томондаги Слашев станицасига чекинишга мажбур бўлди; лекин қўзғолончилар устма-уст шиддатли ҳужумни давом эттираверди, улар сон жиҳатидан ҳам дружинага қараганда бир неча марта кўп эди; Малкин дружинаси билан чекина-чекина, ниҳоят, Хопер дарёсининг музи кўчишидан бир кун олдин нариги қирғоққа ўтиб олиб, Кумилжен станицаси томон жўнади; дарёдан ўтишда бир қанча отлар муз тагига кириб кетди.

Муз кўчгандан кейин дарёдан ўтолмай, Хопернинг Донга қуйиладиган жойида қолиб кетган Москва полки, пировардида бир амаллаб Доннинг ўнг томонига ўтиб олди-да, Усть-Хопер станицасида тўхтаб, мададчи кучларнинг етиб келишини кутди. Кўп ўтмай, Сердоб полки ҳам шу ерга келди. Бу полк жангчиларининг доимий состави 1-нчи Москва полкиникига қараганда тамоман бошқача эди. Москва полкининг жангчилари — Москва, Тула, Нижегород ишчиларидан иборат эди; булар жон-жаҳди билан мардонавор жангга киришар, кўпинча қўзғолончилар билан бетма-бет бўлиб найзабозлик қилишар, ҳар куни ўнлаб одам қурбон беришар, ўнлаб одам ярадор бўлиб сафдан чиқарди. Фақат Антоново қишлоғида рўй берган фалокат натижасида бу полк вақтинча сафдан чиққан бўлса ҳам, энг оғир шароитда чекинганига қарамай, биронта аравасини, бирон яшик ўқини душманга қолдирмади. Сердобликлар ротаси бўлса, Ягодин қишлоғи ёнидаги биринчи жангдаёқ қўзғолончиларнинг ҳужумига бардош беролмаган, от қўйиб келаётган казакларни кўриши билан окопларини ташлаб қочишган эди; агар ўшанда пулемётчи коммунистлар ёппасига пулемётларидан ўт очиб ҳужумни

www.ziyouz.com kutubxonasi

қайтармаганларида — сердобликларнинг батамом қирилиши муқаррар эди.

Сердоб полки Сердоб шаҳрида шошилинч тарзда тузилганди. Аксарияти ёши улғайган саратовлик деҳқонлардан ташкил топган бу полкда ҳукм сурган кайфиятлар қизил аскарларнинг жанговар руҳини кўтаришга халақит берарди. Ротадагиларнинг деярли ҳаммаси ғирт саводсиз бўлиб, булар орасида қишлоқ кулаклари ва ўзига тўқ деҳқонлар оиласидан чиққан кишилар кўп эди. Полкдаги командирлар составининг ярмиси эски офицерлар; комиссар эса, лапашанг, иродасиз бир одам бўлганидан қизил аскарлар орасида эътибори йўқ эди; полк командири, штаб бошлиғи ва рота командирларидан иккитаси хоинлик кўчасига кириб, полкни душманга таслим этишга аҳд қилишганди; булар ҳеч нарсани кўрмаган ячейканинг кўз олдида хоинона иш юргизишар, полкка кириб қолган аксилинқилобчи кулаклар орқали устомонлик билан коммунистларга қарши ташвиқот юргизиб: «Қўзғолонни бостириш мумкин эмас, барибир курашдан наф йўқ»,— деган гаплар билан қизил аскарлар оммасида ишончсизлик туғдириб, уларнинг руҳини туширишга ҳаракат қилишар, полкни таслим этиш учун тайёргарлик кўришарди.

Учта сердоблик қизил аскар билан бир уйда истиқомат қилган Штокман бу йигитларнинг феъл-атворини кўриб хавотирлана бошлади; бир куни улар билан сану манга бориб, қаттиқ тортишиб қолди ва шу воқеадан кейин полк жиддий хавф остида қолганлигини аниқ тушунди.

27 апрель куни говгум бўлган маҳалда иккинчи ротали сердобликлардан икки жангчи унинг уйига кириб келди. Улардан биттаси, Горигасов дегани, сўрашмай-нетмай тиржайиб, сурбетларча Штокманни ва каравотда ётган Иван Алексеевични бошдан-оёқ кўздан кечириб:

— Урушиб бўлдик! Уйимиздаги дон-дунларимизни тортиб олишяпти, биз бўлсак, бу ерда нима учун жанг қилаётганимизни билмаймиз...— деди.

— Сен билмайсанми, нима учун урушаётганингни?— деб сўради Штокман зарда билан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳа, билмайман! Қазаклар ҳам ҳаммаси биздай деҳқон! Улар нега қўзғолон кўтарганини биламиз! Биламиз...

— Сен, аблаҳ, кимнинг тилидан гапираётганингни биласанми ўзинг? Оқ гвардиячиларнинг гапини қиляпсан, аблаҳ!— ўзини доим вазмин тутадиган Штокман тутоқиб кетди.

— Ҳадеб «аблаҳ-аблаҳ» дейверма кўп! Йўқасам, қулоғинг тагида шовла қайнайди!.. Гапини эшитдингларми! Жудаям ҳаддидан ошиб кетибди-ку!

— Секинроқ! Кўп ҳовлиқма, серсоқол! Биз сендақа азаматларни кўп кўрганмиз!— деб гапга аралашди тўнкага ўхшаш, ғўлабир пак-пакана шериги.— Коммунист бўлдим деб ҳаммани оёқ ости қилаверасанми? Кўзингни оч, серсоқол, попилдириғингни пасайтириб қўямиз.

У нимжон Горигасовни ўз гавдаси билан тўсиб, калтабақа забардаст қўлларини орқасига қилиб, кўзларини ўйнатиб, Штокманнинг устига бостириб келаверди.

— Сизга нима бўлди ахир?.. Оқларнинг ташвиқотига учдингизми?— нафаси бўғилиб сўради Штокман ва устига бостириб келаётган қизил аскарни жон-жаҳди билан итариб юборди.

У гандираклаб кетди, ўтдай тутақиб Штокманнинг қўлидан ушламоқчи бўлганда Горигасов:

— Қўйсанг-чи, шу билан баравар бўласанми?— деб уни ушлаб қолди.

— Бу ҳаммаси — аксилинқилобий гаплар! Совет ҳокимиятига нисбатан хоинлик қиляпсиз, сизларни судга берамиз!

— Бутун полкни трибуналга бериб бўпсан!— деди Штокман билан бир уйда турган қизил аскарлардан бири.

Унинг гапини маъқуллаб:

— Коммунистларга қанд ҳам берилади, папирос ҳам, биз шўрликка — ҳеч бало йўқ!— деди яна биттаси.

— Бекор айтибсан!— деб бақирди Иван Алексеевич каравотдан гавдасини кўтариб.— Сизларга нима берилса, биз ҳам шуни оляпмиз, холос!..

www.ziyouz.com kutubxonasi

Штокман индамай кийинди-ю, чиқиб кетди. Ҳеч ким унинг йўлини тўсмади, бироқ кетидан масхара қилиб, қийқиришиб қолавердилар.

Штокман полк комиссарини штабдан топди. Комиссарни у бошқа хонага чақириб олди-да, бўлган воқеани жиғибийрони чиқиб сўзлаб берди, ўша йигитларни қамоққа олишни таклиф этди. Комиссар қўнғир соқолини қашиб туриб, унинг гапларини охиригача тинглади-да, қора мўгиз гардишли кўзойнагини секин тўғрилаб қўйди.

— Эртага ячейка мажлисини чақириб, бу масалани муҳокама қиламиз. Лекин ҳозирги шароитда бу йигитларни қамоққа олишни мен нотўғри деб биламан.

— Нега?— деб зарда билан сўради Штокман.

— Биласизми, ўртоқ Штокман... Полкимизда аҳвол чатоқлигини мен ҳам фаҳмлаб юрибман,— бу ерда аллақандай бир аксилинқилобий ташкилот борга ўхшайди, лекин усталик қилиб сездирмай иш битирянти. Полкдаги жангчиларнинг кўпчилиги ҳозир шу ташкилотнинг таъсирига берилган. Ҳаммаси оми деҳқон бўлгандан кейин аҳвол шу-да! Мен қизил аскарлар қандай кайфиятда эканини юқорига хабар қилдим, полкни бир четга олиб чиқиб, қайтадан тузиш кераклигини таклиф этдим.

— Нега сиз: «ҳозир уларни қамоққа олиш тўғри эмас» дейсиз? Улар оқ гвардиячиларнинг агенти, дарҳол қамоққа олиб дивизия ревтрибунали ихтиёрига жўнатиш керак. Бундай гапларни тарқатиш -- хоинликнинг айнан ўзгинаси!

— Тўғри-ю, бироқ шундай қиладиган бўлсак, оқибати чатоқ бўлиши, ҳаттоки қўзғолон чиқиши мумкин.

— Шундайми ҳали? Хўш, сиз нима қилиб ўтирибсиз ахир, кўпчиликнинг кайфияти бузуқлигини кўрабила туриб, шу чоққача сиёсий бўлимга нега хабар қилмайсиз?

— Мен сизга айтдим-ку хабар қилганман деб. Усть-Медведицадагиларга нима бўлди ўзи, бир оғиз жавоб беришмайди, ҳайронман. Полкни бу ердан чақириб олишган заҳоти, интизомни бузган ҳамма қизил аскарларни, айниқса сен айтган йигитларни

www.ziyouz.com kutubxonasi

қаттиқ жазолаймиз...— Комиссар қовоғини солиб, шивирлаб гапиришга ўтди: — Мен Вороновский билан... штаб бошлиғи Волковдан шубҳаланиб қолдим. Эртага ячейка мажлисини ўтказаману, Усть-Медведицага жўнайман. Бу хавфнинг олдини олмоқ учун тезроқ чорасини кўриш лозим. Сиздан илтимос: гап шу ерда қолсин.

— Хўш, ҳозир коммунистларни йиғиб мажлис қилсак бўлмайдими? Ҳозир ҳар бир минут ғанимат!

— Тушуняпман. Лекин ҳозир мумкин эмас, чунки, аксарият коммунистлар менинг талабим билан пистирмада ётибди, посбонликда юрибди, чунки, ҳозиргидай оғир шароитда партиясиз кишиларга ишониш қийин. Айниқса тўпларни айтинг: ҳаммаси ишончли одамлар қўлида, кўпчилиги коммунист, бугун тунда Крутово қишлоғидан етиб келишади. Полкда ғовурғувур гап кўпайгандан кейин, мен уларни чақириб олишга мажбур бўлдим.

Штокман штабдан қайтиб, Иван Алексеевичга ва Мишка Қошевойга полк комиссари билан бўлган гапнинг қисқача мазмунини сўзлаб берди.

— Ҳали-бери юролмассан дейман?— деб сўради Иван Алексеевичдан.

— Ҳалиям оқсайман. Шу дамгача жароҳати зўриқмасин, деб қимирлатмасдим; аҳволки шундай бўлгандан кейин, юрмасликни иложи йўқ.

Кечаси Штокман полкдаги аҳвол тўғрисида батафсил маълумот ёзди-да, ярим кечада Қошевойни уйғотди. Пакетни унинг қўйнига солаётиб:

— Дарров чиқиб от топгин-да, Усть-Медведицага жўна. Манови хатни, қандай қилиб бўлса ҳам, ўн тўртинчи дивизия сиёсий бўлимига топшир. Отни аямай ҳайдагин, ўлганига қарамагин...— деб тайинлади.— Неча соатда етиб борасан! Отни қаердан оласан-а?

Мишка қовжираб қолган сариқ этикларини инқиллаб кияркан, тутилиб-тутилиб жавоб қилди:

— Разведкачилардан биронтасининг... отини ўмараман... Усть-Медведицагача... кўп юрсам... икки соатда етаман... Разведкада юрган отларнинг мазаси йўқ... от яхши бўлса... бир ярим соатда етардим! Йилқибо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

қарлик қилганман... Отнинг туёғини ерга теккизмай учиришни... биламан ахир.

Мишка пакетни қўйнидан олиб, шинелининг чўнтагига солди.

— Нега ундай қилдинг?— деб сўради Штокман.

— Сердобликлар қўлига тушадиган бўлсам, олишга қулайроқ бўлади.

Штокман ҳали ҳам тушунмасдан:

— Нучук?— деб яна сўради.

— Шуниям тушунмадингми? Қўлга тушсам шартта оламану, ютиб юбораман.

— Барака топ!— Штокман билинар-билинмас жилмайиб, Мишканинг ёнига келди-да, кўнгли бир нарсани сезгандай, уни маҳкам қучоқлади, қалтираган муздек лаблари билан пешонасидан ўпди.—Оқ йўл,—деди.

Мишка ҳовлига чиқиб, разведкачиларнинг охурда турган отларидан энг яхшисини танлаб, ечиб олди-да, қоровуллар ёнидан омон-эсон етаклаб ўтди ва ўшанақаси пастқам жойлардан юриб катта йўлга чиқиб олди. У катта йўлга тушиб олгунча кўрсатгич бармоғини яп-янги карабин тепкисидан олмаган эди. Катта йўлга чиққач, карабин қайишини елкасидан ўтказиб олиб, умрида бундай тез чопмаган саратовлик калта дум отни аямай савалаб, ўқдай учиб кетди.

XLIX

Тонг отар маҳалда майдалаб ёмғир ёға бошлади. Шамол турди. Шарқ томондан қоп-қора булут босиб келаверди. Штокман ва Иван Алексеевич билан ҳамхона бўлган сердобликлар тонг ёришганда ўринларидан туриб, уйдан чиқиб кетишди. Орадан ярим соат ўтгач, еланлик коммунист Толкачев чопиб келди. Бу йигит ҳам, Штокман сингари, ўз шериклари билан Сердоб полкига келиб қўшилган эди. У эшикни очди-да:

— Штокман, Кошевой, уйдамисиз! Чиқинглар?— деб бақирди нафаси тиқилиб.

— Нима гап? Ичкари кирсанг-чи!—Штокман шинелини йўл-йўлакай кийиб, даҳлизга чиқди. -- Бу ёққа кир!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Толкачев Штокманнинг кетидан эргашиб иккинчи хонага кираркан:

— Иш расво!— деб шивирлади.— Ҳозир станица ёнида... Крутовдан қайтган тўпчиларни станица ёнида... пиёда аскарлар қуролсизлантирмоқчи бўлишди. Орада отишма бўлди... Тўпчилар ҳужумни қайтаришди, тўпларнинг қулфини чиқариб олиб, дарёнинг нариги бетига қочиб ўтишди...

Иван Алексеевич ярадор оёғини этикка аранг суқаётиб:

— Хўш, гапир, гапир!— деб уни қистар ва дамбадам инграрди.

— Ҳозир черков олдида митинг бўляпти... Бутун полк тўпланган...

Штокман Иван Алексеевичга:

— Тезроқ бўл!— деб буюрди-да, Толкачевнинг пўстин енгидан ушлаб:— Комиссар қаерда! Коммунистлар қаёқда юрибди?— деб сўради.

— Билмайман... Баъзилари қочишди, мен тўғри сизнинг олдингизга чопиб келдим. Телеграф қўлдан кетди, ҳеч кимни йўлатишмаяпти... Қочиш керак! Бироқ қандай қилиб қоча оламиз?— Толкачев бўшашиб сандиқ устига ўтириб қолди, қўллари икки тизза орасига шилқ этиб тушди.

Шу пайт зинапоя томондан дукур-дукур оёқ товуши эшитилди, олтитача сердоблик қизил аскар уйга кириб келди. Уларнинг юзлари бўриқиб кетган, важоҳатлари бузуқ эди.

— Коммунистлар, митингга чиқинглар! Дарров!

Штокман, Иван Алексеевич билан кўз уриштириб олди-да, лабларини қимтиб:

— Кетдик!— деди.

Сердобликлардан бири:

— Қуролларни уйда қолдиринг, жангга кетаётганингиз йўқ-ку!— деди.— Лекин, Штокман ўзини эшитмаганга солиб, милтиқни елкасига осиб олди-да, биринчи бўлиб уйдан чиқди.

Бир минг бир юз одам майдонни бошига кўтариб, хилма-хил овозда бўкирарди. Усть-Хопер станицасининг аҳолисидан биронтаси майдонда кўринмас, ҳаммаси ин-инига уриб кетганди. Бир кун олдин станица-

www.ziyouz.com kutubxonasi

да: «полк қўзғолончиларга қўшилармиш, коммунистлар билан станица кўчаларида жанг бўлармиш» деган миш-мишларни эшитиб, уй-уйига бекиниб олган эдилар.

Ғовур-ғувур қилиб гаплашаётган бир тўп сердобликлар ёнига дастлаб Штокман келиб тўхтади-да, полкдаги командирлардан биронтасини кўргиси келиб, у ёқ-бу ёққа кўз югуртириб чиқди. Полк комиссарини икки киши икки қўлидан ушлаб олган эди, уни елкасидан турта-турта, Штокманнинг ёнидан олиб ўтишди. Ранг-рўйи докадай оқариб кетган комиссар тартибсиз ҳолда турган қизил аскарлар орасига кириб, бир лаҳза Штокманнинг кўзига кўринмай қолди-да, кейин оломоннинг қоқ ўртасида аллакимнинг уйидан обчиқилган стол устида пайдо бўлди. Штокман кетига бурилиб қаради: унинг орқасида милтиғига суянган оқсоқ Иван Алексеевич билан митингга чақириб келган ҳалиги қизил аскар турар эди.

— Ўртоқ қизил аскарлар!— Комиссарнинг овози аранг чиқди.— Рўпарамизда душман турса-ю, биз бу ерда митинг қилиб ўтирсак... Ўртоқлар!

Бироқ уни гапиргани қўймадилар. Стол атрофида турган қизил аскарларнинг кул ранг папоғлари денгиздаги тўлқиндай лопиллаб, кўкиш найзалари тебраниб кетди, одамлар стол томон қўлларини чўзиб, мушт кўрсатар, бўғилиб бақирар эдилар:

— Энди ўртоқ бўп қолдикми?

— Чарм камзулни ечиб қўй!

— Алдоқчи!

— Бизни ким билан уруштирмоқчисизлар?

— Оёғидан судра буни!

— Ур!

— Найза санч!

— Комиссарлик қилиб бўлди!

Девга ўхшаш ўрта яшар бир қизил аскарнинг стол устига чиқиб, комиссарнинг калта қилиб дукатланган малла соқолидан ушлаганини Штокман кўриб қолди. Стол лопиллаб кетди, қизил аскар билан комиссар стол атрофида қўлларини чўзиб турган одамлар устига ағдарилиб тушди. Ҳалигина стол турган жойда ҳозир бир-бири устига тўнкарилган кул ранг шинел-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лардан бошқа ҳеч нарса кўринмасди; ваҒир-вуҒур овозлар орасидан комиссарнинг жон аччиҒидан чинқиргани эшитилди.

Штокман дарҳол ўша ёққа югурди. Кул ранг шинелли одамларни аямай итариб, турткилаб, тепиб, комиссар нутқ сўзлаган жойга етиб олди. Уни ҳеч ким тўхтатмади ҳам, лекин бора-боргунича милтиқ қўндоқлари билан роса турткиладилар, бўйни-ю кифтларига аямай мушт туширдилар, елкасидан милтиҒини, бошидаги қизил авралик казакча тумоҒини юлиб олдилар.

— Мунча ҳовлиқмасанг, шайтон?..— деб заҳрини сочиб пўнҒиллади бир қизил аскар: Штокман унинг оёҒини қаттиқ босиб олган эди.

АҒдарилиб ётган стол ёнида гирдиҒумдан келган взвод командири Штокманнинг йўлини тўсди. Унинг сур папоҒи қийшайиб кетган, шинелининг барлари очилиб қолганди; қип-қизил бетларидан тер қуяр, қон тўлган кўзлари қаҳру ҒазабдаН ҒилайлашиБ кетган эди.

— Қаёққа бораса-а-ан?

Штокман аранг нафасини ростлаб, хириллаб гапирди:

— Сўз беринглар! Оддий жангчига сўз беринглар!..— деди-ю, лип эткизиб столни тўҒрилаб қўйди. Ҳаттоки уни стол устига чиқариб қўйишди. Лекин халойиқ тинчимади: одамлар ҳамон жон-жаҳди билан қичқиришар, бўкиришарди; ниҳоят, Штокман овози борича:— ЧуҒурлаш-ма-а-анг!— деб қичқириб юборди; сал ўтмай, ҒовурҒувур босилди. Штокман йўталайўтала, хирилдоқ овоз билан гапира бошлади:— Қизил аскарлар! Сиз қизил аскарлик номига доҒ тушираПсиз! Энг оҒир пайтда сиз халқ ҳукуматига хиёнат этяпсиз! Душманнинг гирибонидан хиппа бўҒиб оладиган вақт келганда сиз бебурдлик қиляпсиз! Совет мамлакати душманлар қуршови ичида қолиб, оҒир кунларни бошидан кечираётган бўлса-ю, сиз бу ерда митингбозлик қилиб ўтирсангиз! Сиз ҳозир тўҒридан-тўҒри хоинлик йўлига ўтиш олдида турибсиз! Сабаб. Сабаби шуки, хоин командирларингиз сизларни казак генералларига сотган! Илгари офицер бўлган, коман-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дирларингиз Совет ҳукуматини алдашди, сизларнинг нодонлигингиздан фойдаланиб, полкни казакларга топширмоқчи! Кўзингизни очинг, ҳалиям вақт ғанимат! Булар сизларни ишга солиб, ишчи-деҳқон ҳукуматини ағдаришмоқчи!

Столга яқинроқ жойда турган 2-нчи ротанинг командири собиқ прапоршчик Вейстминстер милтиқ ўқталмоқчи бўлганди, Штокман унинг ҳаракатини сезиб қолиб:

— Тўхта!— деб бақирди.— Мени ҳар вақт ўлдиришинг мумкин! Жангчи, коммунистнинг сўзини бўлма! Биз — коммунистлар, бутун ҳаётимизни... қатра-қатра қонимизни... жонимизни...— Штокман ниҳоятда қаттиқ ҳаяжонланганидан овози ингичкалашиб жаранглай бошлади, юзлари бужмайиб, мурдадай оқариб кетди,— ишчилар синфига... эзилган деҳқонларга бағишлаганмиз. Биз ўлимдан қўрқмасликка ўрганганмиз! Мени ўлдиришларинг мумкин...

— Бу гапларни кўп эшитганмиз!

— Гапни қисқа қил!

— Майли гапирсин.

— Овозингни ўчир!

— ...Мени ўлдириш осон, лекин яна қайта айтаманки: кўзингизни очинг! Ҳозир митингбозлик вақти эмас, оқларга қарши жанг қилиш керак!— Штокман кўзларини қисиб, жимиб қолган қизил аскарларга бир бошдан қараб чиқди, бирданига сал нарироқда турган полк командири Вороновскийни кўриб қолди. У аллақандай бир қизил аскар билан ёнма-ён туриб, қулоғига алланима деб шивирлаб гапирэр, зўрма-зўраки илжаярди.— ...Сизнинг полк командирингиз...

Штокман қўлини бигиз қилиб Вороновскийни кўрсатди, бироқ у кафти билан оғзини пана қилиб, ёнидаги қизил аскарга шоша-пиша бир нима деб шивирларди; Штокман гапини тамомлагунча бўлмай, совур ойининг ёмғирида намиққан ҳавода бирданига «пақ» этган ўқ товуши эшитилди. Милтиқдан ўқ узилган бўлса ҳам шу қадар секин эшитилдики, биронта аравакаш қамчисини қарсиллатганга ўхшаб туюлди, бироқ Штокман кўксини чангаллаганича чўккалаб

www.ziyouz.com kutubxonasi

қолди, сочлари оқарган боши шилқ этиб тушди... Аммо у ўша заҳотиёқ бир тўлғанди-ю, ирғиб ўрнидан турди.

Иван Алексеевич Штокманнинг ўрнидан ирғиб турганини кўриб:

— Осип Давидович!— деб ингради-ю, унга қараб толпинди, бироқ ёнидагилар тирсагидан маҳкам ушлаб қулоғига шивирладилар:

— Овозингни чиқарма! Қимирласанг дабдала қиламиз! Милтиқни бер бу ёққа, абла-а-аҳ!

Иван Алексеевични қуролсизлантиришди, чўнтакларини кавлаб кўришди, сўнгра майдон томон олиб кетишди. Майдоннинг ҳар ёғида коммунистларни тутиб, қуролсизлантира бошладилар. Тор кўча томонда, бир савдогарнинг ҳашаматли иморати ёнидан бешолти марта ўқ чиқди: Люис пулемётини топширмаган коммунист пулемётчини хоинлар отиб ўлдиришди. Айни шу вақтда лабларида қон аралаш ним ранг кўпик пайдо бўлган Штокман, ҳиқичоғи тутиб, титраб-қақшаганига қарамай, ранг-рўйи мурдадай оқарган ҳолда бирпас стол устида гандираклаб турди-да, сўнгги кучини, сўнгги иродасини тўплаб, сўнгги гапларини айтиб улгурди:

— ...Булар сизни йўлдан оздирди!.. Бу хоинлар... булар ҳали товон ялаб, ўзларини оқлаб олишади, янгидан офицерлик мансабига эга бўлишади... Аммо коммунизм ўлмайди, у абадий барҳаёт!.. Ўртоқлар!.. Кўзингизни очинг!..

Вороновскийнинг ёнида турган қизил аскар яна милтиғини олиб ўқталди. Иккинчи ўқдан Штокман муккаси билан столдан ағдарилиб, қизил аскарлар оёғи остига тушди. Энди, стол устига оғзи ўрадай, тишлари сўйлоқ, чўтир сердоблик чиқиб кариллай бошлади.

— Биз бунақа ваъдаларни кўп эшитганмиз, азиз ўртоқлар, аммо, лекин бу гаплар ҳаммаси ёлғон, қуруқ дўқдан бошқа ҳеч нарсамас. Мана, ҳалиги серсоқол нотиқ асфаласофилинга кетди, ёмоннинг жазоси шу! Меҳнаткаш деҳқоннинг душмани бўлган коммунистларга ўлим! Мен сизга айтсам, азиз ўртоқлар, энди кўзимиз очилди. Кимларга қарши курашиш ло-

www.ziyouz.com kutubxonasi

зимлигини энди аниқ биламиз! Масалан, бизнинг Вольск уездида нималар ваъда қилинган эди! «Тенглик бўлади, халқлар биродар бўлади» дейилган эди! Ёлғончи коммунистлар шундай дейишган эди... Охири нима бўлиб чиқди! Мен дадамдан хат олдим, йиғлаб-йиғлаб ёзибди: «Куппа-кундуз босқинчилик қилиб, ҳаммани тунаб олишяпти», дейди. Дадамнинг дондунини битта қўймай опкетишибди, тегирмонини тортиб олишибди, қани айтинг-чи, декретда: меҳнаткаш деҳқонни талаш керак, дейилганми? Бечора дадам ўз пешона тери билан орттирган тегирмонидан ажралиб қолаверса — бу, ахир, коммунистларнинг босқинчилиги эмасми! Қонларини тўкиш керак уларнинг!

Нотиқ гапини тамом қилолмади. Ғарб ёқдан икки сотня қўзғолончи казак отларини йўрттириб, Усть-Хопер станицасига бостириб кирди, Дон бўйидаги тоғларнинг кун юриш томонидан аллақанча пиёда казак аскарлар тушиб келаверди, 6-нчи қўзғолончи фавқулотда бригаданинг командири — хорунжий Богатирев билан унинг штаби элликтача қўриқчи казак ҳимоясида етиб келди.

Кун чиқиш томондан қора булут бостириб келди-да, шитирлатиб ёмғир қуйиб берди, қаердадир Доннинг нарёғида Хопер устида момақалдироқ садоси гумбурлаб кетди.

Сердоб полки наридан-бери саф тортиб, иккитадан қатор бўлди. Тоғдан Богатирев штаб группасининг қораси кўринган ҳамон, собиқ штабс-капитан Вороновский, шу дамгача қизил аскарлар эшитмаган ғалати овоз билан хириллаб команда берди:

— По-о-олк! Смиррр-на-ааа!..

L

Григорий Мелехов Татарскда беш кун туриб, шу давр ичида ўз оиласи ва қайнанаси учун бир неча ботмон ерга дон экиб берди-да, уй-рўзғорларини соғинганидан озиб-тўзиб, битлаб кетган дадаси Пантелей Прокофьевич уйга қайтгандан кейин, ҳамон Чир бўйида турган ўз қисмига жўнаш тараддудига тушди. Кудинов махфий хат орқали Сердоб полкининг ко-

www.ziyouz.com kutubxonasi

мандирлари билан музокара бошлаганини билдириб, тезроқ қайтиб келишини ва дивизияга командир бўлишини илтимос қилган эди.

Ўша куни Григорий Каргинга жўнаш тараддудига тушди, кетишдан олдин отини суғормоқчи бўлиб чоштгоҳда Дон бўйига етаклади. Сув тошиб полизларнинг марзасига чиққан эди. Тушаверишда Григорий Аксиньяни кўриб қолди. Назарида, Аксинья уни кўриб, жўрттага имиллаб сув олаётганга ўхшади; Григорий беихтиёр юришини тезлатди. Лекин унинг олдига етиб боргунича қадимги порлоқ, ҳазин хотиралар кўз ўнгидан бирма-бир ўтди...

Аксинья оёқ товуши келган томонга бурилиб қаради, гўё уни беҳосдан кўриб қолганга ўхшаб, ёлғондака чўчиган бўлди-ю, бироқ юрагида тўпланиб қолган дардини, дийдор кўришганидан суюнганлигини яшира олмади. У қаттиқ саросимага тушиб, шу қадар аянчли жилмайдики, унинг мағрур чеҳрасига бу жилмайиш мутлақо ярашмасди. Григорий унинг авзойини кўриб, раҳми келиб кетди. У билан бирга кечирган кунлари эсига тушиб, юрак-бағри эзилди, от жиловини тортиб:

— Салом, азизим Аксинья,— деди.

Хилма-хил ҳислар таъсирида қолган Аксинья эшитилар-эшитилмас қилиб:

— Салом,— деди. Унинг бу қадар ғамгин овозида ҳайрат, қайғу алам, меҳр-муҳаббат оҳангги эшитиларди.

— Гаплашмаганимизгаям анча вақт бўлди,— деди Григорий.

— Ҳа, анча вақт бўлди.

— Овозингниям унута ёзибман.

— Дарров-а!

— Анча вақт ўтиб кетди-ку!

Григорий ҳадеб юлқинаверган отнинг жиловидан маҳкам ушлаб турарди. Аксинья бўлса, энгашиб олиб, обкашнинг илгагини челак бандига илмоқчи бўлиб ҳарчанд уринса ҳам, илолмасди. Иккиси бирдам индамай туриб қолди. Уларнинг тепасидан ўқдай визиллаб ёввойи ўрдак учиб ўтди. Тўлқин ўзини жар ёқасига урар, кўкимтир бўр палахсаларини ялаб-

www.ziyouz.com kutubxonasi

емирарди. Сув босиб кетган дарахтзор орасида тўлқинлар совундай кўпириб мавжланарди. Шамол денгиз томон оқаётган баҳайбат Донни чайқатиб, майда-майда сув заррачаларини учириб юрар, теварак-атрофга ёқимли ҳидини тарқатарди.

Григорий кўзини Аксиньядан олиб, Донга қаради. Сув тошган жойлардаги ҳали барг ёймаган оқ теракларнинг шипшийдан шохлари шамолда чайқалар, гулга кирган толлар эса, қизларнинг сочпопугига ўхшаш жингалак новдаларини эгиб, сувга салом қилишар ва олисдан ниҳоятда ажойиб бўлиб кўринарди. Григорий хафа бўлган, ўпкалаган кишидек:

— Бу нимаси?.. Орамизда гаплашадиган гап ҳам қолмаганми дейман? Нега индамайсан?— деди.

Энди Аксинья ўзини тутиб олган эди; жавоб қайтараётганида ранг-рўйи ўзгармади ҳам:

— Гаплашадиганимизни гаплашиб бўлганмиз...

— Йўғ-э!

— Ҳа, шундай бўлиши керак! Дарахт йилда бир марта гуллайди, холос...

— Бундан чиқди, бизнинг дарахтимиз ҳам гуллаб бўпти-да, а?

— Бўлмаса-чи!

— Гапларинг жудаям ғалати...— Григорий отини сув ичгани қўйворди-да, Аксиньяга тикилиб туриб, ғамгин жилмайди.— Лекин, мен, Ксюша, сени ҳалиям дилимда сақлайман, асло унутолмайман. Мана ҳозир болаларим катта-катта бўлиб қолишди, сочларимга оқ кирди, кўришмаганимизга йиллар ўтди.— Лекин ҳалиям сени ўйлайман. Кўпинча тушларимда кўраман, шу дамгача ишқинг ўтида ёнаман. Баъзан сени ўйласам, Лисницкийникида бирга турганимиз... бирбиримизга қанчалик муҳаббат қўйганимиз кўз олдимдан ўта бошлайди... Шуларни эслаб туриб... Баъзан ўтган умримга назар ташласам, беҳудага ўтганга ўхшайди.

— Мен ҳам худди сендай... Мен кета қолай... Гапимиз чўзилиб кетди.

Аксинья шартта бурилиб челакларни кўтарди-да, баҳор офтобида қорайган қўлларини обкашнинг икки томонига қўйиб олди; тепага кўтарилаётган жойида

www.ziyouz.com kutubxonasi

бирданига кетига бурилиб, Григорийга қаради, бетларига билинар-билинмас ранг югургандай бўлди

— Айтгандай, иккимиз худди шу ерда, мана шу пристань ёнида бир-биримизга муҳаббат қўйган эдик-а. Эсингдами, Григорий? Худди ўша куни казаклар лагерга жўнаётган эди,— деб жилмайди Аксинья; бу гал унинг тили бурро, ўзи қадимгисидай қувноқ эди.

— Ҳаммаси эсимда!— деди Григорий.

Григорий отини қўрага олиб кириб, охурга боғлади. Эрталаб далага чиқиб мола бостириш ниятида бўлган Пантелей Проковьевич, Григорийни кузатмоқчи бўлиб уйда қолган эди. Чол бостирма тагидан чиқа солиб:

— Тезроқ жўнайсанми ўзинг? Отингга ем берайми?— деб сўради.

— Қаёққа жўнайман?— Григорий довдираб отасига қаради.

— Ана холос! Ахир Каргинга жўнамоқчи эдинг-ку!

— Бугун жўнамайман.

— Нега?

— Шундай... айнидим...— Григорий юрак ҳаратидан қақраган лабларини ялаб, осмонга қаради.— Ҳамма ёқни булут босиб келяпти, ёмғир қуядиганга ўхшайди, ёмғирда ивиб менга зарил кептими?

— Зариллиги йўқ, албатта...— деб кўна қолди чол, бироқ ўғлининг гапига ишонмади, чунки ҳалигина у Григорий билан Аксиньянинг пристань ёнида гаплашиб турганларини молхонадан туриб кўрган эди. Чол ташвиш тортиб: «Яна жигарсўхталик қила бошлади. Наталья билан яна ораси бузилмасайди... Туғмай онаси ўлсин! Кимга тортиб мунақа хотинбоз бўлдикин, бу касофат? Наҳотки менга тортган бўлса?— деб ўйларди. Болта билан қарағай йўниб, аравага белёғоч ясаётган Пантелей Прокофьевич, ишни йиғиштириб қўйди-да, букчайиброқ кетаётган Григорийнинг орқасидан қараб қолди, ёшлик чоғини эслай бошлади, ниҳоят:— Худди менга тортибди, шайтон! Хотинбозликда отасиданам ўтиб кетибди, бу занғар!— деган қарорга келди.— Яхшилаб адабини бермасам, яна Аксинья-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг бошини айлантириб, оилани нотинч қилиши турган гап. Бироқ унга қўл кўтариб бўладими?»

Агар Пантелей Прокофьевич илгариги вақтларида Григорий билан Аксиньянинг одамлардан холи жойга чиқиб олиб, гаплашиб турганини кўриб қолса — қўлига нима тўғри келса, шу билан дабдурустдан ўғлининг яғринига солиб қолиши турган гап эди, лекин ҳозир чол ҳеч нарса дея олмади, ҳаттоки Григорийнинг нега бугун жўнамаганини билиб турса ҳам, ўзини билмасликка солди. Бунинг сабаби шуки, ўғли ҳозир қадимги «Гришка» эмас, анчайин казак ҳам эмас, дивизия командири, погони бўлмаса ҳам «генерал» эди, унга минг-минг казак итоат қилар ва ҳамма унга «Григорий Пантелеевич» деб мурожаат этарди. Борйўғи урядник унвонига эришган Пантелей Прокофьевич, гарчи отаси бўлса ҳам генералга қўл кўтариши мумкинми ахир? Ҳарбий итоатгўйлик бунга йўл қўя олмас, шу сабабдан ҳам ўғлига нисбатан ўзини ожиз ва бегона сезарди. Ҳамма касофат, Григорийнинг бирдан кўтарилиб кетганлигида! Ҳаттоки ўтган куни далада ер ҳайдаётиб: «Ҳой, мунча анқаясан? Плугни бу ёқдан сол!..— деб бақирганида ҳам Пантелей Прокофьевич ғиринг деёлмай лабини тишлаб қолаверган эди... Сўнгги вақтларда Григорий ота ўрнини босган эди: кексайиб қолган дадасига у ҳадеб ўшқираверарди, бечора чол бўлса, команда беришга ўрганган ўғлининг хирилдоқ овозини эшитган ҳамоноқ, довдираб қолар, лат еган оёғини ликанглатиб, у ёқдан-бу ёққа югура бошларди...

«Ёмғирдан қўрқибди-да! Осмонда бир парча булут сузиб юрибди, кун чиқиш ёқдан ел турди, ҳаммани қўйиб энди ёмғир ёғармиди! Натальяга айтсаммикин?»

Пантелей Прокофьевич шу фикрга келиб, уйга киришга чоғланди-ю, лекин шахтидан қайтди: эру хотин орасида жанжал чиқишидан қўрқиб, чала қолган ишига бориб ёпишди...

Аксинья уйга қайтгач, челаклардаги сувни бўшатди-да, печга қўшиб сувалган ойна олдига бориб, бир оз сўлинқираган, лекин ҳалиям чиройли юзларига ҳаяжон билан узоқ тикилиб қолди. Ҳусни ҳалиям қадимгисидай куйдирмажон ва жозибадор эди, бироқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

умри хазон бўлишга яқинлашгани учун бетлари сарғайиб, қовоқлари салқиган, қора сочларига оқ оралаб, кўзлари киртайиб қолганди. Ҳорғин кўзлар ойнадан ғамгин қараб турарди.

Аксинья туриб-туриб, кейин ўзини каравотга таппа ташлади-ю, хумори босилгунча тўйиб-тўйиб йиғлади; кўпдан бери бундай йиғламаган эди.

Қиш пайти. Дон бўйида қад кўтарган тик тоғларнинг сиртида, қуббасимон чўққиларнинг устида шамол чарх уриб айланиб юради, бўридай хунук овоз билан увиллайди. Харсанг тош билан қопланган қоялар устидан қорларни учириб келиб бирон жойга қават-қават қилиб, уюб ташлайди. Жар ёқасида тўпланиб қолган қор офтобда олисдан қандга ўхшаб йилтирайди, қош қорайганда ҳаворанг тусда, эрталаб кўкиш, кун чиқар маҳалида қизғиш рангда товланади. Бу қадар баҳайбат қор уюми то ҳаво илиб остидан эрий бошлагунча, ёки ёнбошдан турган кучли шамол тўлқини уни қўзғатмагунча, жар тепасида осилиб ётаверади. Ниҳоят, бу улкан кўчки, йўлида учраган пастак ёввойи тоғолчаларни, тоғ бағрига тармашган майда-чуйда қорақат буталарини қийратиб, осмон баравар қор тўзонини кетидан эргаштириб, қуюн сингари пастга қараб шувиллаганича кетади...

Кўп йиллардан бери Аксиньянинг кўнглида қор сингари уюлиб қолган дардларнинг қўзғалиши учун ҳам кичик бир сабаб керак эди. Григорий билан учрашгани, унинг «Салом, азизим Аксинья!» деган ёқимли овози бутун ҳиссиётларини қўзғатиб юборди. Ахир Григорий ҳам унинг учун азиз эмасмиди? Йил ўн икки ой, туну кун уни ўйлаган, уни деб қон ютган Аксинья эмасмиди? Ўзи қаерда бўлмасин, нима иш қилаётган бўлмасин, барибир, хаёли Григорийда эди, кўзи боғлиқ жувозкаш от ҳам худди шундай, жувоз атрофида гир айланаверади...

Аксинья кечгача каравотда ётди, ниҳоят, ўрнидан туриб, йиғидан шишган юзини ювди, сочларини таради, худди совчига кўриниш берадиган қизлар сингари, шоша-пиша ясана бошлади. Тоза кўйлагини, тўқ қизил жун юбкасини кийди-ю, рўмолини ўради, наридан-бери ойнага қараб, уйдан чиқди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Татарск қишлоғини ғира-шира қоронғилик босган. Қаердадир, сув тошган ерларда ёввойи ғозлар безовталаниб ғағиллашарди. Дон бўйидаги теракзор орқасидан бўзариб ой кўтарилмоқда. Унинг сув бетидаги кўкимтир шуъласи узунаси кетган йўлга ўхшаб жимирлар эди. Подадаги моллар кун ботмасданоқ қайтган эди. Эндигина кўкарган майсага ёлчиб тўймаган сигирлар қўраларда маърашарди. Аксинья сигирини соғмади ҳам. Оғилхонада турган оқ тумшуқ бузоқни ечиб сигирга қўйиб юборди; бузоқ онасининг бўш елинига тумшуғини тираб, кетинги оёқларини кериб, думини ликиллата-ликиллата эма бошлади.

Ҳозиргина сигирини соғиб челак билан сузгич кўтариб уйга томон келаётган Дарья Мелеховани чеган девор орқасидан биров чақирди:

— Даша!

— Ким у?

— Менман, Аксиньяман... Бирпас менинг олдимга кириб чиқ!

— Менга қанақа ишинг тушиб қолди?

— Жудаям зарил иш! Киргин! Худо ҳақи сўрайман!

— Сутни сузиб бўлай, иннайкейин кираман.

— Мен сени молхона ёнида кутаман.

— Майли.

Бир оздан кейин Дарья уйидан чиқди. Аксинья уни кўча эшиги олдида кутиб турарди. Дарьядан янги соғилган сут ҳиди, молхона иси келарди. Аксиньяни иш кийимида эмас, ясанган-тусанган ҳолда кўриб, ҳайрон бўлди.

— Дарров ишларингдан қутулиб олдингми, қўшни?

— Степан уйда бўлмаса, менга иш чўт эмас. Ташвишим битта сигир, қозонам осмайман, иссиқми, совуқми, менга бўлаверади, ўрганиб қолганман...

— Мени нега чақирдинг?

— Олдин уйга кирайлик, айтаман. Сенда ишим бор...

Аксиньянинг овози қалтираб кетди. Дарья гап нимадалигини сезиб турарди, лекин индамай унга эргашди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Аксинья чироқни ҳам ёқмасдан, уйга кирган ҳамоноқ сандиқни очиб ичини титкилади-да, иситмаси чиқиб турган қўллари билан Дарьянинг қўлидан маҳкам ушлаб, шоша-пиша унинг бармоғига узук тақди.

— Нима қиляпсан ўзинг! Бу нима, узукми? Менга беряпсанми?

— Сенга! Сенга. Мендан сенга... ёдгор...

Дарья дераза олдига бориб, бармоғидаги узукни хира ой нурига солиб кўрди-да, жиддийлик билан:

— Тилломи?— деб сўради.

— Тилло. Сенга буюрсин!

— Раҳмат, худодан қайтсин!.. Хўш, гап нима, нима учун узук беряпсан?

— Гапим шуки... менга Григорийни чақириб бер-санг.

— Яна бошландими?— Дарья масалага тушунган кишидай илжайиб қўйди.

— Йўқ, йўқ! Асло унақа хаёлга борма!— Аксинья қўрқиб кетди, қизариб кўзларидан ёш чиқди.— Мен у билан Степан тўғрисида гаплашмоқчи эдим... Эримга беш-ўн кунлик отпуска беришнинг иложини топармикин девдим...

— Бизникига ўзинг кира қолсанг бўлмайдими? Иши тушган одам ўзи билан гаплашади қўяди,— деб маккорлик билан гап айлантирди Дарья.

— Йўғ-эй... Наталья бошқача ўйлаши мумкин... Юзим чидамайди...

— Ҳа, майли чақириб бераман. Бир жойи камиб қолмас!

* * *

Григорий кечки овқатини еб бўлди. У эндигина қошиқни қўйиб, шўрва юққан мўйловини ялаб, кафти билан артаётганида, стол тагидан аллаким оёғини босгандай бўлди; у атрофидагиларга кўз югуртириб чиқиб, Дарьянинг секин-аста имлаганини кўрди.

Анчадан бери келинойисининг зўр бериб мулозимат қилишидан жони чиқиб юрган Григорий дарғазаб бўлиб:

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Агарда акамнинг арвоҳини чирқиллатиб менга шилқимлик қиладиган бўлса, ураман! Ғарам орқасига олиб ўтаману, юбкасини бошига қайтариб қўйиб, итдай савалайман!» — деган қарорга келди. Ўрнидан туриб, папирос чекди-да, шошмасдан эшик томон юрди. Кетма-кет Дарья ҳам даҳлизга чиқди.

Даҳлизда Григорийнинг ёнидан ўтаркан, ўзини унинг пинжига олди, кўкси билан унга ёпишиб:

— Хаҳ, нияти бузуқ! Тезроқ бор... Сени чақиряпти,— деди Григорийнинг қулоғига...

— Ким?— шивирлаб сўради Григорий.

— Анави...

Наталья болалари билан уйқуга кетиб, орадан бир соатча ўтгандан кейин, шинелига ўраниб олган Григорий билан Аксинья Астаховнинг қўрасидан чиқишди. Қоп-қоронғи тор кўчада иккиси бирпас индамай туришди-да, барра кўкатларнинг кайф берадиган хушбўйлиги, жимжитлиги ва қоронғилиги билан кишини қўйнига чорлаган дашт томон индамай кетаверишди. Григорий шинелининг барини очиб, Аксиньяни пинжига тортди, унинг қалт-қалт титраганини, кофта остида юраги қинидан чиққундай бўлиб толпинганини сезди...

LI

Эртаси куни Григорий жўнаш олдида хотини билан қисқача гаплашиб олди. Наталья уни бир четга чақириб олиб, секингина сўради:

— Кечаси қаёққа бординг? Нега мунча кеч қайтдинг?

— Жудаям кеч қайтганим йўқ-ку!

— Бўлмаган гапни гапирма! Хўроз бир чақирганда уйғониб қарасам, жойингда йўқсан...

— Кудинов келган экан. Баъзи бир ҳарбий ишлар тўғрисида маслаҳатлашгани олдига борувдим. Гапирганим билан барибир сенинг ақлинг етмайди.

— Кудинов келган бўлса, нега бизникига кириб тунаб қолмади?

— Вёшкига шошиб жўнаб кетди.

— Кимникига тушди?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Абошенковларникига. Улар Кудиновга чатишган бўлса керак.

Наталья бошқа ҳеч гап сўрамади. Авзойидан бир оз гумонсираганга ўхшар, кўзларининг ажинаси йилт-йилт қиларди; хотинини инонтира олдими ё йўқми, Григорий бутунлай тушунмади.

Григорий наридан-бери нонушта қилиб олди. Пантелей Прокофьевич от эгарлагани чиқиб кетди. Ильинична ўғлини чўқинтирди-да, ўпиб насиҳат қила бошлади:

— Аввало худони бил... худони унутмагин, болам! Эшитишимга қараганда, аллақандай матросларни чопиб ўлдирганмишсан. Худоё тавба! Гришенька, кўзингни оч! Ўзингнинг ҳам болаларинг ўсиб катта бўляпти, сен ўлдирган ўша бечораларниям бола-чақаси бор чиқар, ҳаммаси етим қолди-да... Бу қандай гап, ахир? Қичиклигингда бирам мулойим, бирам ёқимтой эдинг, энди бўлса, қовоғингдан қор ёғади, холос. Юрагинг ҳам тошга айланиб кетганга ўхшайди... Онанг гапини у қулоғингминамам, бу қулоғингминамам эшит, Гришенька! Сенга дуо кетган эмас, болам: бир кунмас бир кун бирорта қиличбоз сениям калланг-ни олиши турган гап...

Григорий ғамгин илжайиб, онанинг қоқшол қўлидан ўпди-да, Натальянинг олдига борди. Хотини уни совуққина бағрига босди-ю, юзини тескари ўгириб олди; Григорий унинг қуп-қуруқ кўзларига тикилиб, бир қатра ҳам ёш тополмади, лекин бутун алами ва ғазабини яшириб турганини сезди... Болалари билан хайрлашди-ю, уйдан чиқди.

Бир оёғини узангига қўйди-да, тикандай от ёлидан тутамлаб, негадир, ўйланиб қолди: «Турмуш яна бошқача изга тушадиган бўлди, бироқ кўнглим ҳалиям ғаш, дилим вайрон... Энди Аксинья ёққан чироқ ҳам кўнглимни ёритмайдиганга ўхшайди...»

Григорий, дарвоза олдига тўпланган ота-она, бола-чақаларига ҳам қарамасдан, отини секин-аста юргизиб кўчага чиқди, Астаховлар уйи ёнидан ўтаётиб, деразаларга тикилди ва энг четки деразадан қараб турган Аксиньяни кўрди. У жилмайиб боқди-да, каштали дастрўмолини қимирлатиб хайрлашди ва ўша

www.ziyouz.com kutubxonasi

заҳотиёқ уни ғижимлаб оғзига босди, кечаси уйқудан қолиб ости қорайган кўзларини артди...

Григорий отини тасирлатиб ҳайдаб кетди. Шу ҳайдаганича тепаликка чиқди ва ўша ерда ёзги йўл бўйлаб келаётган икки отлиқ билан бир аравани кўриб қолди. Отлиқнинг бири — Лофчиннинг ўғли Антип, иккинчиси, қишлоқнинг юқори маҳалласида турувчи қорачадан келган шўх йигит — Стремянников эди. Григорий ҳўкиз қўшилган аравага қараб: «Ўлганларни ортиб келишяпти»,— деб ўйлади. Қазаклар олдига етиб бормасдан бурун:

— Аравадагилар ким?— деб сўради у.

— Алёшка Шамиль, Иван Томилин, Яков Тақачи.

— Тириги борми?

— Ҳаммаси ўлган!

— Качон?

— Кеча кунботар маҳалда.

— Тўплар бутунми?

— Бутун. Фақат тўпчиларимиздан ажралдик: қизиллар Калиновода уйдан босиб олиб кетишди. Шамилинг бекорга қурбон бўлди... аҳмоқлиги бошига етди!

Григорий папоғини олиб, отдан тушди. Ёши қайтган чирлик аравакаш хотин ҳўкизларни тўхтатди. Казакларнинг мурдаси аравада ёнма-ён ётарди. Григорий арава олдига яқинлашмасданоқ, шамол аралаш чучмал мурда ҳиди унинг димоғига урилди. Алёшка Шамилнинг ўлиги ўртада эди. Эскирган кўк чакмонининг барлари очиқ, бир енги бош остида, кир латта билан ўралган, доим ликиллаб турадиган чўлтоқ қўли кенг кўкси устида ётибди. Жон талвасасида оппоқ тишлари иржайиб қолган оғзи қаҳр-ғазабдан қаришиб қотиб қолибди, аммо чақчайган нурсиз кўзлари мовий осмонга тикилганича, дашт узра сузиб ўтаётган бир парча булутни оғир хаёлларга чўмиб томоша қилаётганга ўхшайди...

Томилинни мутлақо таниб бўлмасди; қиялаб тушган қилич юзини шилиб юборган, афт-башараси дабдала бўлиб, қип-қизил қондан бўлак нарсани кўриб бўлмас эди. Ёнбошига ётқизилган Яков Тақачи эса, сомондай сарғайиб кетган, калласи кесилиб, узилиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

тушишига сал қолганидан, бўйни қийшиққа ўхшаб кўринарди. Кўк гимнастёркасининг очиқ ёқаси остидан чўрт синган оппоқ ўмров суяги диккайиб чиқиб турарди, қошининг устроғи, пешонасини ўқ тешиб ўтган, ўқ теккан жой қоп-қора қон бўлиб қотиб қолган эди. Афтидан, Яковнинг жон азобида қийналишини бирорта қизил аскар кўргану, раҳми келиб, отиб қўя қолган бўлса керак, негаки, юзларини ўқ ёлқини ялаб кетган, бетларида хол-хол порох доғлари қолган эди.

— Қани, биродарлар, ҳамқишлоқларимизнинг хотираси учун чекишайлик, арвоҳлари хушнуд бўлсин,— деб таклиф этди Григорий ва бир четга ўтиб, отининг айилини бўшатди, сувлиғини чиқариб, олдинги чап оёғини тизгин билан танғиди-да, эндигина майса бўлган майин кўкатга қўйиб юборди.

Антип билан Стремянников ҳам дарҳол эгардан тушишди, отларини тушовлаб, ўтлагани қўйиб юборишди. Ёнбошлаб олиб, чека бошладилар. Жунлари осилиб қолган, лекин ҳали туллаб бўлмаган ҳўкиз йўл ёқасидаги ажриққа интилиб бўйнини чўзарди; Григорий унга тикилиб туриб:

— Шамиль қандай ҳалок бўлди?— деб сўради.

— Инонсанг, ўзига ўзи сабаб бўлди, аҳмоқ!

— Нучук?

— Бир бошдан гапириб бера қолай,— деб бошлади Стремянников.— Кеча биз айни кун қизиғида разведкага чиқдик. Платон Рябчиков бир вахмистрни бизга бошлиқ қилиб жўнатди... Айтгандай, кеча бизминам чиққан вахмистрнинг фамилияси нимайди, Антип?

— Мен қайдан билай?

— Ҳа, майли, ҳеч бокиси йўқ! Ўзи — нотаниш, бошқа сотнядан келган одам. Ҳа-а-а... Шундай қилиб, ўн тўрт казак йўлга тушдик, орамизда Шамиль ҳам бор. Кеча куни билан у жудаям хурсанд эди, кўнгли ҳеч нарсани сезмаган бўлса керак-да! Ҳадеб чўлтоқ қўлини ликиллатади, жиловни эгар қошига илиб қўйиб гап сотади: «Эҳ, Григорий Пантелеевичимиз ҳам тезроқ кела қолсайди! Маза қилиб ичишардик, яна бирга бўлиб қўшиқ айтишардик!»— дейди, холос.То

www.ziyouz.com kutubxonasi

Латишев дўнгига етгунимизча ашула айтавериб безор қилди:

Чигирткадай тоғ ошиб,
Боради Дон казаги.
Милтиқлардан ўқ узиб,
Босади Дон казаги.

Шу зайлда Ботқоқсой ёнидаги жарга етдик; вахмистр эса «Йигитлар, ҳеч ерда қизиллар кўринмайди; улар ҳали Астахово слободасидан чиқмаган бўлсалар керак. Булар эрта туриб ўрганмаган дангаса мужиклар, шу маҳалгача тушлик овқатниям еб бўлмагандир, ҳозир ҳаммаси хохолларнинг товуғини пишириш, қовуриш билан овора бўлса керак. Келинглар, биз ҳам пича дам олайлик, отларимиз терлаб кетди»,— деб қолди. Биз ҳам: «Ҳа, майли», дедик. Ҳаммамиз отдан тушиб, кўкатга чўзила кетдик, бир кишини қоровул қилиб, дўнгга чиқариб қўйдик. Бир вақт қарасам, раҳматлик Алёшка отининг айилини бўшатяпти. Мен унга: «Ҳой, Алексей, айилни бўшатмасанг бўларди, худо кўрсатмасин, фалокат босиб, дарҳол жўнашга тўғри келса, шошқалоқда қандай қилиб чўлтоқ қўлинг билан айилни торта оласан?»— десам, менга баланд келиб: «Сендан кўра тезроқ тортиб оламан! Менга ўргатишни сен ношудга ким қўйибди!»— дедида, айилни бўшатиб, от бошидан юганни шипириб олди. Ётибмиз денг, биров тамаки тортяпти, биров мудраяпти, биров ҳикоя айтяпти. Шу орада қоровулимизни ҳам мудроқ босиб, дўнгга ёнбошлаганича уйқуга кетган экан, тўнғиз қўпқур! Қулоқ солсам, олисда от пишқиргандай бўлди. Қўзғалгим келмаса ҳам, ҳарқалай, ўрнимдан турдиму, жар ёнидаги тепа устига чиқдим. Мундоғ қарасам: биз ётган жойдан юз саржин нарида қизиллар жар ичи билан келишяпти. Олдида тўриқ от минган командир. Остидаги от эмас, арслонга ўхшайди. Дискли пулемётлари ҳам бор. Мен шошиб қолиб, думалай-думалай, жарга чопиб тушдим: «Қизиллар келяпти! Отланинглар!»— деб бақирдим. Қизиллар мени кўриб қолган бўлишлари мумкин эди. Бирданига ўша ёқдан команда овози эшитилди. Ҳаммамиз отга тармашдик, вахмистр қиличини суғуриб ҳужум қилмоқчи бўлиб кўрди, бироқ ўн тўрт ки-

www.ziyouz.com kutubxonasi

шининг элликта одамга қарши ҳужумидан нима чиқарди? Тағин қўлларида пулемёт бор. Отларга миниб олиб қочишга тушдик; олдин улар пулемётдан ўт очишди, лекин, биз жар панасида бўлганимиз учун ўқ тегмаслигига кўзлари етиб, кетимиздан қувиб қолдилар. Отларимиз уларникидан учқурлик қилиб етказмади; аллақанча жойга бориб олиб, таппа-таппа отдан тушдигу, отиша бошладик. Шу пайт орамизда Алёшка Шамиль йўқлигини пайқаб қолдик. Қоч-қоч бошланганда у от ёнига чопиб боргану соғ қўли билан эгар қошига тармашган, бироқ оёғини узангига қўйиши билан эгар оғиб, от қорнига тушган. Шундай қилиб, бечора Шамиль отига минолмай, якка ўзи қизилларга рўпара бўлган-да! Оти бизнинг олдимизга қочиб келди; терлаб-пишиб кетибди, эгари қорнига осилиб қолибди. Шундай қаттиқ ҳуркибдики, ҳеч кимни ёнига йўлатмайди, пишқиради, холос! Мана, шундай қилиб, Алексейдан ажралдик! Айилни бўшатмаганда, ҳеч нима бўлмасди, гапга кирмасдан ўзигаўзи...— Стремянников қоп-қора мўйловлари остидан жилмайиб қўйди.— Кеча у йўл-йўлакай:

Айиқполвон кела қол,
Сигиримни ея қол,
Ғалвадан қутқара қол...

деб қайта-қайта ашула қилган эди, ахийри бошини еди... Башарасига қарасанг, танимайсан! Роса қон кетибди, ҳўкизни бўғизлагандаям мунчалик бўлмас. Қизиллар ҳужумни қайтаргандан кейин ўша жарга бордик; қарасак, қонига беланиб ётибди. Ҳамма ёқ қон, кўлоб бўлиб кетибди...

Аравакаш хотин юзини офтобдан сақлаш учун бурканиб ўраган рўмолини сал кўтариб сабрсизлик билан:

— Жўнаймизми, йўқми?— деб сўради.

— Шошма хола! Шошган қиз эрга ёлчимайди. Ҳозир жўнаймиз.

— Шошмай бўладими, ахир! Манави мурдалар шунчалик сасиб-бижиб кетибди-ки, кўнглим ағдарилляпти.

— Албатта, сасийди-да! Булар тириклигида гўштни

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўп еган, хотинларминам ачомлашган. Тағинам сасимасинми? Қимки шунақа ишлар билан шуғулланган бўлса, жони чиқмай туриб сасий бошлайди. Фақат авлиёларгина сасимайди дейишади; улар ўлгандан кейин мурдаларидан хушбўй ҳид тарқалармиш, лекин менимча бу қип-қизил ёлғон. Қанақа авлиё бўлмасин, барибир, табиат қонунига қараганда, ўлгандан кейин бадрапдан баттар сасиши керак... Авлиёлар ҳам сенминам менга ўхшаган одам, овқат ейди, қорни бор, худойим унгаям эл қатори ўттиз газ ичак берган...— деб гапга тушиб кетди Антип.

Бироқ Стремянников негадир қизишиб:

— Қўйсанг-чи, авлиёларни бошингга урасанми? Топган гапини қаранглар! Қани жўнадик! — деди:

Григорий казаклар билан хайрлашиб, ҳалок бўлган ҳамқишлоқлари билан видолашиш учун арава ёнига борди-да, учала ўликнинг оёқлари яланглигини, уч жуфт этик оёқлари остига қистириб қўйилганини энди пайқади.

— Ўликларнинг этикларини нега ечдинглар?

— Ўз казакларимизнинг қилган иши бу, Григорь Пантелеевич... Учаласининг оёқларидаги этиклари яп-янги экан, ўзаро маслаҳатлашиб: яхшисини ечиб олиб, кимнинг этиги эскирган бўлса, ўшанга беришга, ёмонини ўлик билан қишлоққа жўнатишга қарор қилишди. Ўзи ўлган бўлса, ҳар ҳолда бола-чақаси тирик. Болалари эскисиниям кияверади... Дабдурустдан Аникушка: «Ўлган одамга этик ҳам керак эмас, от ҳам. Алёшканинг этигини менга беринглар, таг чарми жойида экан. Мен биронта қизил аскарнинг ботинкасини ечиб олгунимча оёғимни совуқ чалиб, майиб бўлишим мумкин»,— деб туриб олди.

Григорий жўнаб кетди, бир оз узоқлашгач, казаклар орасида жанжал чиққанини эшитди. Стремянников ингичка овоз билан чинқирарди:

— Бекор айтибсан, ёлғончи! Ўша Лофчиннинг боласисан-да! Авлиёларнинг ҳаммаси мужикдан чиққан. Казакларда авлиё бўлганмас!

— Йўқ, бўлган!

— Бўлганмас, итвачча!

— Йўқ, бўлган!

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Қани айт: ким?

— Егоргий соҳибқирон-чи?

— Бал-ли-э! Миянгни еб қопсан, овсар! Ўшани казак деб юрибсанми ҳали?

— Асли Дон казаги, қуйи станицада туғилган, семикаракорлик бўлса керак.

— Ёлғонниям қойил қилдинг! Олдин яхшилаб суриштириб кўр, иннайкейин гапир. Қазак эмас у!

— Қазакмасми? Бўлмаса, нега суратда қўлида найза ушлаб туради?

У ёғини Григорий эшитмади. У отини елдириб, жарга солди ва ўшанақаси Гетман йўлини кесиб ўтаётиб, икки отлиқ билан араванинг тоғдан қишлоққа тушаётганини кўрди.

Григорий Қаргинга яқинлашгунча отини йўрттириб борди. Йўлга чиққандан бери сира терламаган от ёлини майин шабада ўйнатарди. Қўнғир тусли юмронқозиқлар йўлни кесиб ўтишар, безовталаниб чийиллашарди. Уларнинг огоҳлантирувчи чийилдоқ садолари даштда ҳукм сурган улуғвор сукунатга, негадир, халал бермас эди. Дўнглар устидан, йўл бўйидаги баланд тепалардан туллак базғалдоқлар учиб чиқишарди. Қуёшда патлари қордай йилтираган оппоқ базғалдоқ қанотларини тез-тез қоқиб, ҳавога кўтарилларди-да, роса баландлаб олгандан кейин, гир айлана маржон сингари қора пат ўсган бўйнини чўзиб, мовий осмон қўйнида сузиб кетарди, тобора узоқлашаверарди. Юз саржин чамаси нари боргандан сўнг бирданига пастга туша бошларди, лекин кўз илғамас даражада тез-тез қанот қоққанлиги учун жойида тўхтаб қолганга ўхшаб кўринарди. Ерга яқинлашганда оппоқ қанот патлари қозондан тошган сут сингари кўпириб, дарҳол сўнарди: базғалдоқ ўтлар орасига кириб, ғойиб бўларди.

Ҳамма ёқдан маст бўлган, макиёнларини эҳтирос билан чақираётган туллак базғалдоқларнинг қурқуллаши эшитиларди. Григорий отдан туриб, Чир бўйидаги дўнгнинг қоқ тепасида, йўлдан бир неча қадам четроқда базғалдоқлар уришган жойни кўрди. Бир бўйрача келадиган жойни талашиб уришган базғалдоқлар теп-текис қилиб юборган, бу ерда ҳеч қандай

www.ziyouz.com kutubxonasi

чўп-чор кўринмасди; чанг бетига майда-майда парранда излари тушиб қолган; теварагидаги бурган билан шувоқнинг қуриган шохларига илиниб қолган оч пушти патлар шамолда қимирлашарди: бу патлар бир-бири билан уришган базғалдоқларнинг қанот ва думларидан узилиб тушган эди. Сал нарироқдан кул ранг тусли хунуккина бир макиён уясидан тура қочди. Макиён кампирлар сингари букчайиб, оёқларини пилдиратиб чопқиллаганича, бултурдан қолган бир туп қашқабеда тагига кириб олди-да, учишга юраги чопмай, биқиниб ётаверди.

Ҳаётдаги жамики нарса баҳордан баҳраманд бўлиб куч-қувватга кирган, дашт яйраб-яшнаган эди: кўкатлар барқ уриб ўса бошлаган, даштнинг энг пастқам жойларида, одамзоднинг ёмон кўзидан четроқда қушлар ва ҳайвонлар ўз жуфтлари билан қўшилган, экинлар ердан бош кўтариб, барг ёзиб, шудгорлар майсага айланган эди. Ёлғиз умри хазон бўлган бултурги бурган ўтлар даштда кўп учрайдиган қадимги қўрғонлар тагида шумшайиб, нажот излагандай ерга салом қилиб қолганди, бироқ ҳаётбахш баҳор ели уни аямас: қуриган илдизи ёнидан синдириб, офтобда яшнаган, ҳаёт қайнаган даштнинг у ёғидан-бу ёғига думалатиб юрарди.

Григорий Мелехов кунботарга яқин Чир дарёсидан кечиб ўтиб, Каргинга етиб келди. Рябчиковни қидириб, казаклар слободаси ёнидаги подохонадан топди.

Эртаси куни эрталаб, бир неча қишлоққа жойлашган 1-нчи дивизия командирлигини Рябчиковдан қабул қилиб олди-да, штабдан келган сўнгги сводкаларни ўқиб чиқди, дивизия штаб бошлиғи Михаил Копилов билан маслаҳатлашиб, жануб томондаги Астахово слободасига ҳужум бошлашга қарор қилди.

Казакларга патрон етишмас, шу сабабдан, жанг қилиб патрон топишдан бошқа илож йўқ эди. Григорийнинг ҳужум бошлашдан асосий мақсади ҳам патрон масаласи эди.

Кечга яқин уч полк суворий билан бир полк пиёда аскарни Каргинга тўплади. Дивизияда мавжуд бўлган йигирма икки дона пулемётдан фақат олтитасини

www.ziyouz.com kutubxonasi

олишга қарор қилинди: қолганларига на ўқ, на лента етишмасди.

Эрталаб дивизия ҳужумга ўтди. Григорий қаердадир, штабини қолдириб, 3-нчи суворий полк командирлигини ўз қўлига олди, эҳтиётдан олдинга отлиқ разведкачилар юбориб, поход тартибида жанубга, Пономаревка слободаси томон йўл олди: разведкачилар келтирган маълумотга қараганда, қизил аскарларнинг 101-нчи ва 103-нчи пиёда полклари шу ерга тўпланган, булар Каргинга ҳужум қилишга тайёрланмоқда эдилар.

Станицадан уч чақирим нарироқда Григорийнинг кетидан чопар етиб келиб, Кудиновнинг ушбу хатини топширди:

«Сердоб полки бизга таслим бўлди! Ҳамма солдатлари қуролсизлантирилди, ғалва кўтарган йигирматача аскар нариги дунёга жўнатилди: Богатиревнинг буйруғи билан қиличдан ўтказилди. Бизга тўртта тўп топширишди (бироқ лаънати коммунист тўпчилар қулфларини олиб кетишибди); икки юздан ортиқ тўп ўқи, тўққиз пулемёт қўлга туширилди. Бизда зўр шодлик! Қизил аскарларни бўлиб-бўлиб пиёда сотняларимиз орасига тарқатиб юборамиз, ўз биродарларига қарши жанг қилишга мажбур этамиз. Хўш, ишларинг қалай? Ҳа, айтгандек, сал бўлса, эсимдан чиқаёзибди: сенга ҳамқишлоқ бўлган коммунистлардан Котляров билан Кошевой, яна аллақанча еланликлар қўлга тушди. Ҳаммаси Вёшкига ҳайдалади, йўлда асфалософинга жўнатилади. Мабодо патрондан қийналаётган бўлсанг, хат олиб боргувчига маълум қилгин, 500 дона юборамиз.»

Кудинов

— Ординарец! — деб бақирди Григорий.

Прохор Зиков дарҳол от чоптириб келди-ю, бироқ Григорийнинг авзойи бузуқлигини кўриб, қўрққанидан честь берди.

— Нима буюрасиз?

— Рябчиковни чақир! Рябчиков қаерда?

— Колонна этагида.

— Тезда чақириб кел! Дарров!

Платон Рябчиков отини йўрғалатганича, колоннани айланиб ўтиб, Григорийнинг ёнига етиб келди. Шамол ялайвериб бетлари пўст ташлаган, мўйлову қошлари офтобда куйиб, сарғайиб кетган эди. У илжайиб ку-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лар, отини йўрттириб келар экан, тамаки чекарди. Баҳор кезлари ҳам этини олдирмаган қора тўриқ семиз арғумоқ ўмилдириқларини ярақлатиб йўрғалар эди.

— Вёшкидан хат келдими?— деб сўради Рябчиков, Григорийнинг олдидаги чопарни кўриб.

— Ҳа,— деб калтагина жавоб берди Григорий.— Полк ва дивизияни қабул қилиб ол, мен жўнайман.

— Майли, бўлмаса, боравер. Жудаям зарил иш чиқиб қолдими? Нима деб ёзибди? Ким ёзган, Кудиновми?

— Сердоб полки Усть-Хоперда таслим бўпти.

— Йў-ге-е-ей? Омаднинг келишини қара-я! Ҳозир жўнайсанми?

— Ҳозир.

— Хайр, оқ йўл. Сен қайтгунча, биз Астаховода бўламиз!

Григорий отини аямай қамчилаб, ўқдай учиб дўнгдан тушаркан: «Мишка билан Иван Алексеевични тириклайин кўришим керак... Петрони ким ўлдирганини айтмаганига қўймайман.. Сўнгра иккисиниям ўлимдан халос этаман! Акамнинг хунига хун олишим шарт бўлса ҳам, халос этаман... Ахир, ҳаммамиз бир одам, бегона эмасмиз-ку!»— деган хаёллар ичида ўтдай ёнарди.

LII

Қўзғолончи сотнялар Усть-Хоперга бостириб кириб, митингбозлик қилаётган сердобликларни қуршаб олгандан кейин, 6-нчи бригада командири Богатирев, Вороновский, Волков ўзаро маслаҳатлашиб олиш учун ўша ердаги бир савдогарнинг уйига кирдилар; маслаҳат узоқ чўзилмади. Богатирев қўлидан қамчисини ҳам олмасдан, Вороновский билан кўришиб:

— Ишлар жойида, бу хизматингиз унутилмайди,— деди.— Бироқ, нима учун тўпларни бешикаст асраб қололмадингиз?

— Тасодифан шундай бўлди! Тасодифан, жаноби хорунжий! Тўпчилар деярли ҳаммаси коммунистлардан эди, жон-жаҳди билан бизга қаршилик кўр-

www.ziyouz.com kutubxonasi

сатишди, уларни энди қуролсизлантираётганимизда икки кишини ўлдириб, тўп қулфларини олиб, қочиб қутулишди.

— Аттанг!— деди Богатирев. Яқиндагина офицерча кокардаси олиниб, изи қолган пистоқи ранг фуражкасини стол устига ташлади, кир дастрўмоли билан қиртишланган бошини, қорамтир юзидаги терни арта бошлади, билинар-билинмас илжайиб:— Ҳа, майли, бу ҳам яхшиликка. Сиз ҳозир чиқиб, солдатларингизга айтинг... Яхшилаб тушунтиринг, тағин анов эди, манов эди деб ўтиришмасин. Ҳамма қуролларини топширишсин,— деб тайинлади.

Қазак офицернинг катталик қилиб, баланд келишидан ранжиган Вороновский тутила-тутила савол берди:

— Ҳамма қуролними?

— Мен сизга такрорлаб ўтирмайман! Ҳаммасини дедимми, ҳаммасини!

— Жаноби хорунжий, ахир, сиз ва сизнинг қўмондонлигингиз, полк қуролсизлантирилмаслиги керак, деган шартимизни қабул қилган эдингиз-ку! Бу нимаси энди?.. Албатта, ҳамма пулемёт ва тўпларни, гранаталарни сўзсиз топшириш кераклигини мен ҳам тушунаман, аммо, лекин қизил аскарларнинг қуролларини...

Богатирев ғазаб билан бошини кўтариб:

— Қизил аскар деган гап йўқ!— деб бақирди-да, лой сачраган қўнжига ўрма қамчи билан тарсиллатиб урди.— Бундан буёқ қизил аскар йўқ, ҳаммаси солдат, ҳаммаси, Дон тупроғини мудофаа қилади. Тушундингми? Бўйинтоблик қилишадиган бўлса, мажбур этишданам қайтмаймиз! Бекинмачоқ ўйнашга тобим йўқ! Юртимизни пайҳон қилиб, энди аллақандай шарт ҳам қўймоқчимисан? Орамизда ҳеч қандай шарт йўқ! Тушундингми?..

Сердоб полкининг штаб бошлиғи, ёшгина поручик Волков ранжиди. Ҳаяжондан унинг бармоқлари қора мовутдан тикилган кўйлагининг қатирма ёқасидаги тугмаларни пайпаслаб, қоп-қора жингалак сочларини чангаллаб зарда билан сўради:

— Бундан чиқди, биз сизга асир бўлибмиз-да? Шундайми?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Мен сенга бундай деганим йўқ, ўзингдан ўзинг миянгга келган нарсани айтиб валдирайверма!— деб қўполлик билан уни жеркиб ташлади бригада командири Богатирев; у энди ҳамсуҳбатларининг қўлидан ҳеч нарса келмаслигини, унинг измидан чиқолмаслигини кўрсатиш учун писанд қилмай, сансираб гапирарди.

Уй ичи бир лаҳза сукунат ичида қолди. Майдондан ғовур-ғувур эшитила бошлади. Вороновский бир неча марта у ёқдан-бу ёққа бориб келди, бармоқларини қирсиллатди, ниҳоят, мош ранг френчини батамом тугмалаб бўлди-да, асаби қўзиганидан кўзларини пирпиратиб, Богатиревга мурожаат қилди:

— Сизнинг бу муомалангиз бизга ҳақоратли туюляпти, рус офицерлари шаънига номуносиб иш қиляпсиз! Мен буни бетингизга айтиб қўя қолай. Жиғимизга тегадиган бўлсангиз, биз ҳам қараб турмаймиз... кўрамиз ҳали, нима қилишимизни ўзимиз биламиз... Поручик Волков! Сизга буюраман: майдонга бориб старшиналарга айтинг, казакларга ҳеч қандай қурол-яроғ топширишмасин! Буюринг: полк қурол-яроғи билан саф бўлсин. Мен манави, манави Богатирев жаноб билан гапни тамомлайману, дарҳол майдонга чиқаман.

Богатиревнинг ғазаби қўзиб, юзи бўриқиб кетди; у яна бир нима демоқчи бўлди-ю, бироқ ҳаддидан ошириб юборганини англаб, дами ичига тушди, бирпасда муомаласи ҳам бутунлай ўзгарди. Фуражкасини шартта бошига илди-ю, аламидан ҳали ҳам қамчи ўйнатиб, вазминлик билан гапира бошлади, овози ҳам тўсатдан мулойимлашиб, сертакаллуф бўлди-қолди:

— Жаноблар, сиз мени бошқачароқ тушунибсиз. Албатта, мен бир хил одамлар сингари тузукроқ тарбия кўрганмасман ёки юнкерлар мактабида ўқиб таълим олганмасман, шунинг учун гапимда баъзи бир камчилик бўлиши мумкин, балки, тўғри тушунтиролмагандирман, ҳаммаям гапга чечан бўлавермайди. Ҳар ҳолда сиз билан биз бегона эмасмиз! Орамизда ҳеч қандай гина-кудурат бўлмаслиги керак. Мен нима дедим? Деганим шуки, қизил аскарларингиз орасида-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ги айрим кишиларни... сиз ва биз учун хавфли бўлганларини дарҳол қуролсизлантириш керак дедим... Мен шуларни айтувдим, холос!

— Ундай бўлса, ётиғи билан тушунтиришингиз лозим эди, жаноби хорунжий! Ўзингиз ўйлаб кўринг, боядан бери бизга қилаётган муомалангиз, ўдағайлаб гапиришингиз, ҳар ҳолда...— Вороновский кифтларини қисиб қўйди-да, бир оз шахтидан қайтиб, попуги пасайди, лекин ҳалиям ўзини босиб ололмай, гапида давом этди:— Ўзимиз ҳам иккиланувчиларни, айнимачиларни қуролсизлантирмоқчи эдик, ҳаммасини қўлингизга топширмоқчи эдик...

— Ҳа-ҳа! Мен ҳали шуни айтувдим-да!

— Ахир, мен ҳам шуни айтяппан, уларни ўзимиз қуролсизлантирамиз деяппан... Лекин асосий кучимизни, полкнинг жанговар моясини сақлаб қоламиз. Қандай бўлмасин, барибир сақлаб қоламиз! Ҳозиргина сиз поручик Волковни танимай-нетмай туриб, биринчи кўришданоқ сансираб, беҳурмат қилишни ўзингизга эп кўрдингиз... Лекин иккимиз ана шу жанговар қисмнинг қўмондонлигини қабул қилиб оламиз ва Қизил Армия сафида юриб орттирган гуноҳларимизни бутунлай ювиб ташлаб, ўзимизни оқлаб оламиз, албатта. Бунинг учун бизга имконият бермоғингиз лозим.

— Ўша асосий қисмда қанча одам бўлади?

— Тахминан икки юзта.

— Ҳа, майли бўлмасам,— деб рози бўлди Богатирев нохушланиб. Сўнгра ўрнидан туриб, коридор эшигини очди-да, овози борича:— Бека!— деб чақирган эди, эшик олдида тивит рўмол ўраган, ўрта яшар бир аёл пайдо бўлди.— Дарров сут обкел! Оёғингни қўлингга ол, тез!

— Сутимиз йўқ, кечирасиз, айланай.

— Қизилларга топилган сут, бизга қолганда қуриб қопти-да, а?— деб тиржайди Богатирев.

Аллақандай ўнғайсизликдан уй ичи яна жимжит бўлиб қолди. Поручик Волков туриб-туриб:

— Мен кетаверайми?— деб сўради.

— Ҳа,— деди Вороновский оғир хўрсиниб.— Боринг, буюринг, рўйхатда кўрсатилган одамлар қурол-

www.ziyouz.com kutubxonasi

сизлантирилсин. Рўйхатлар Горигасов билан Вейсттинстерда.

Офицерлик шаънига қаттиқ тегилгани учунгина боя Вороновский: «Қўрамиз, ҳали, нима қилишимизни ўзимиз биламиз», дейишга мажбур бўлган эди. Ҳақиқатда эса, штабс-капитан Вороновский ўйинни бой берганини, чекинишнинг иложи қолмаганини яхши билар эди. Қўлидаги маълумотларга қараганда, фитначи Сердоб полкини қуролсизлантириш учун армия штаби томонидан юборилган қўшин Усть-Медведицадан чиққан ва ҳадемай шу ерга етиб келиши керак эди. Богатирев ҳам Вороновскийнинг мутлақо зарари тегмайдиган, ишонса бўладиган одам эканини, энди орқасига қайтолмаслигини тушуниб олди. Бригада командири бутун масъулиятни ўз гарданига олиб, полкдаги ишончли кишилардан алоҳида жанговар қисм тузишга розилиқ берди. Шу билан кенгаш ҳам тамом бўлди.

Майдондаги қўзғолончилар кенгаш натижасини кутмасдан ғайрат билан сердобликларни қуролсизлантиришга киришган эдилар. Очкўз казаклар титиб кўрмаган биронта арава қолмади. Қўзғолончилар фақат патронларнигина эмас, балки қизил аскарларнинг тагчарми қалин сариқ ботинкаларини, обмотка, гуппи, пахталик шим, озиқ-овқат — ишқилиб, қўлга илинган нарсани олаверишди. Йигирма чоғлик сердоблик қизил аскар казакларнинг бебошлигини ўз кўзлари билан кўргандан кейин қаршилик кўрсатмоқчи бўлиб уриниб кўрди. Шулардан биттаси ўзининг ёнини титкилаган ва ҳамёнини олиб, ўз чўнтагига солиб кетаётган қўзғолончини милтиқ қўндоғи билан солиб қолди.

— Босмачи! Нега оласан! Менга бер ҳамёнимни, бўлмаса найзаминам шу!..

Ўртоқлари унинг ёнига тушдилар. Ғазабнок овозлар эшитилди.

— Ўртоқлар, шайланинг!

— Бизни лақиллатишипти!

— Милтиқни топширма!

Қўл жанги бошланиб кетди, қаршилик кўрсатаётган қизил аскарларни суриб-суриб, деворга тақаб

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўйишди; 3-нчи сотня командирининг қутқуси билан отлиқ казаклар икки минутда ҳаммасини қиличдан ўтказди.

Поручик Волков майдонга келиши билан қуролсизлантириш яна ҳам тезлаб кетди. Қизил аскарларни саф қилиб, жала қуйиб турганига қарамай, ёппасига тинта бошладилар. Олинган милтиқлар, гранаталар, полк телефон командасининг анжомлари, патрон солинган яшиклар, пулемёт ленталари — ҳаммаси саф ёнидаги бир жойга устма-уст уйиб ташланди...

Ниҳоят, от чоптириб Богатирев ҳам етиб келди. Уйноқилаган арғумоғини сердобликлар сафи олдида тўхтатиб, чор атрофига қарана-қарана, йўғон ўрма қамчини бош устига кўтариб ўдағайлади:

— Менга қулоқ со-о-ол! Ҳамманг бугундан бошлаб золим коммунистларга ҳамда уларнинг аскарига қарши жанг қиласан. Қимики бизга бажону дил хизмат қилса, унинг гуноҳидан ўтамиз, аммо, лекин бўйинтоблик қилганларнинг жазоси ана шундай бўлади!— деб қиличдан ўтказилган қизил аскарларни қамчиси билан кўрсатди; казаклар аллақачоноқ уларнинг устбошини тунаб олишган, тартибсиз равишда бир жойга уйиб ташланган эди: оппоқ гавдалар ёмғирда ивиб ётарди.

Қизил аскарлар орасида пичир-пичир гап бошланди, лекин биронтаси чиқиб рўйирост норозилик билдирмади, бирон киши қўзғалиб қаторни бузмади...

Чор атрофда гала-гала пиёда ва отлиқ казаклар изғиб юришарди. Улар майдонни гир айлантириб ўраб олган эди. Дўнгдаги черков девори ёнида, сердобликларнинг яшил рангга бўялган пулемётлари қизил аскарлар сафига тўғрилаб қўйилганди, ҳар бир пулемёт қошида, ёмғирда ивиган казак — пулемётчи ўқ узишга тайёрланиб, тиз чўккан эди...

Бир соатдан сўнг Вороновский билан Волков рўйхатдаги «ишончли» одамларни ажратиб олишди. Бироқ ҳаммаси бўлиб бир юз тўқсон тўрт киши эди. Янгидан ташкил этилган бу қисмга «1-нчи алоҳида қўзғолончи батальон» деб ном қўйишди. Батальон ўша куниёқ Белавин қишлоғи ёнида позиция ишғол қилди; Донец томондан келган 23-нчи суворий дивизия полк-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лари шу ердан ҳужум бошлаган эди. Қўзғолончилар орасида: «Бикадоровнинг 15-нчи қизил аскар полки ҳамда машҳур Мишка Блиновнинг 32-нчи полки келяпти» деган овоза тарқалганди. Бу полклар йўлида учраган қўзғолончи сотняларни тор-мор қилиб, олға силжишарди. Усть-Хопер станицасига қарашли аллақайси қишлоқда рўпара бўлган бир сотня казакни улар тилка-тилка қилишган эди. Богатирев Вороновскийнинг ана шу батальонини Блиновга қарши қайраб солиб, жангда матонатини синамоқчи бўлди...

Қолган сердобликларни, саккиз юздан кўпроқ кишини, қўзғолончи кучлар қўмондони Кудинов ўз хатида Богатиревга қандай тайинлаган бўлса, худди ўшандай қилиб, Доннинг устки ёғидаги йўлдан Вёшенскаяга пиёда ҳайдашди. Сердобликлар пулемёти билан қуролланган уч сотня отлиқ аскар эҳтиёт-шарт учун Дон бўйидаги тепа билан изма-из жўнатилди.

Богатирев Усть-Хопердан жўнаш олдида черковга кириб ибодат қилди, «художўй казак лашкарга» зафар тилаган попнинг дуоси тугамай туриб, кўчага чиқди. Унинг арғумоғини етаклаб келтирдилар. У отга миниб, Усть-Хоперни тўсиб туриш мақсадида қолдирган сотнялардан бирининг командирини имлаб ёнига чақирди-да, эгардан энгашиб туриб, унинг қулоғига шивирлади:

— Коммунистларга эҳтиёт бўл! Эртага эрталаб ишончли соқчилар билан Вёшенскаяга оборасан. Лекин бугундан қолдирмай қишлоқларга чопарлар юборгин; «фалончиларни ҳайдаб келяпмиз» деб олдиндан ҳаммага хабар берилсин. Буларни нима қилиш кераклигини халқ ўзи билади!..

Шуни деб Богатирев жўнаб кетди.

LIII

Вёшенская станицасига қарашли Сингин қишлоғи устида айни туш пайти аэроплан пайдо бўлди. Гулдурлаган мотор овозини эшитган болалар, хотин-халаж ва чоллар уйларидан чопиб чиқишди: бошларини юқори кўтариб, кафтларини пешоналарига қилиб, булут босган осмон қўйнида шох ташлаб, калхатдай гир айланаётган аэропланга узоқ тикилиб қолишди. Мо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тор овози тобора кучайиб, тариллаб эшитила бошлади. Аэроплан қишлоқнинг нарёғидаги ўтлоқдаги текис бир майдончани қўнишга мўлжаллаб, пастлаб келаверди.

— Ҳозир бомба ташлайди! Қочавер!— деб бақирди аллақандай бир билармон қария.

Тор кўчага тўпланган оломон тўзиб кетишди. Аёллар чириллаб йиғлаган болаларини судраб қолишди, чоллар така сингари четан деворлардан ирғишиб, чорбоқма-чорбоқ қочишди. Тор кўчада биттагина кампир қолди. Олдин у ҳам қочган эди-ю, бироқ қўрққанидан оёғи титраб юролмай қолдими ё бўлмаса, қатқалоққа қоқилиб йиқилдими, ишқилиб, шу йиқилганича ўрнидан туролмай, қоқшол оёқларини шармандаларча осмонга қилиб:

— Вой, шўрим қурсин! Вой ажалим етди! Вой, мени қутқаринглар!— деб чинқириб қолаверди.

Кампирни қутқарадиган биронта азамат топилмади. Аэроплан йиртқичдай ўкириб, ғувиллаганича қишлоққа ваҳима солиб, омборхона устидан пастлаб ўтаётганда, сояси кампирни бирдам қоплади, кампирнинг қинидан чиқаёзган кўзларига олам қоронғи бўлди. Ниҳоят, аэроплан нам ўтлоққа ғилдираклари билан келиб урилди-да, анча жойгача югуриб бориб тўхтади. Худди шу пайт кампир болалик чоғидаги қилиғини қилиб қўйди. У нима қилганини сезмас, ҳеч нарсани эшитмас: ҳушидан кетиб ётарди. Албатта, темирқанот қушнинг ерга қўнганини ҳам, унинг ичидан чиққан қора чарм камзулли икки кишининг бирпас иккиланиб туриб, кейин алангланиб қўра томон юрганини ҳам бечора кампир кўролмай қолган эди.

Аммо чорбоққа қочиб, бултурдан қолган маймунжон буталари орасига бекинган унинг чоли юраклироқ эди. Юраги қафасга тушган чумчуқдай толпиниб дукиллаётган бўлса ҳам, чол бошини кўтариб қарашга журъат этди. Қўрага яқинлашган икки кишининг бири — офицер Петр Богатирев эканини таниди. Петр унинг ўғли билан полкдош бўлиб, 6-нчи алоҳида қўзғолончилар бригадасининг командири Григорий Богатиревга амакивачча эди. У оқларга қўшилиб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Донец дарёсининг нариги томонига чекинганди. Бу одам худди ўша Петр Богатиревнинг ўзгинаси эди.

Чол қуёндай чўнқайиб олди-да, қўлларига суяниб, бирпас қаттиқ тикилиб турди: лапанглаб келаётган одамнинг соқоли ўсган бўлса ҳам, ҳақиқатда ўша қадимги кўккўз Петр Богатирев эканига қаноат ҳосил қилгандан кейин ўрнидан турди-ю, юролармикинман деб оёқларини қимирлатиб кўрди. Оёқлари сал-пал қалтираётган бўлса-да, маҳкам босиб турарди; чол бедана юриш қилиб чорбоғдан чиқди.

У беҳуш ётган кампирининг олдига бормасдан, тепакал бошидаги ранги ўнгиб кетган казакча фуражкасини қўлига олволиб, тўғри Петр билан унинг ҳамроҳи томон юрди. Петр Богатирев ҳам уни таниди: олисдан илжайиб, қўлини қимирлатиб саломлашди. Чол етиб келди.

— Рост айтинг, ростдан ҳам сиз Петро Григоричмисиз?

— Худди ўзиман, буважон!

— Қариган чоғимда худовандкарим учадиган машинага рўпара қилганини қаранг! Ўтакамиз ёрилишига сал қолди!

— Бу яқин орада қизиллар йўқми, буважон?

— Йўқ, йўқ, болам! Ҳаммасини Чирнинг нари ёғига, хохоллар томонга қувиб юборишди.

— Бизнинг казаклар ҳам қўзғалишдими?

— Қўзғалишга қўзғалишди-ю, бироқ кўпчилиги кейин қўзғалмай қолди.

— Бу нима деганинг?

— Қирилиб битди, деганим.

— Ҳ-а-а... Менинг бола-чақам, дадам соғ-саломатми?

— Соғ-саломат. Сиз ҳозир Донецнинг нарёғидан келяпсиз чоғи? Ўша ёқда менинг Тихонимни кўрмадингизми?

— Ҳа, ўша ёқда. Тихондан салом келтирдик. Сен энди, буважон, бизнинг машинага пойлоқчи бўласан, ишқилиб, болалар тегмасин, мен уйга борай... Қани, кетдик!

Петр Богатирев билан унинг ҳамроҳи кетишди. Боя аэроплан ваҳмидан тумтарақай қочиб бекинган ха-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лойиқ чорбоғлардан, бостирма тагларидан, ертўла-ю ўралардан, бурчак-бурчаклардан чиқиб келаверди. Оломон аэропланни ўраб олди. Ҳали совумаган қайноқ моторидан қорамой билан бензин куйиндисининг иси келарди. Каноп сурп билан қопланган қанотларини кўп жойидан ўқ тешиб кетган эди. Шу вақтгача ҳеч ким кўрмаган ғалати машина олисдан чопиб келган от синтари иситмаси чиқиб жимгина турарди.

Петр Богатиревни дастлаб учратган бобо кампирни сулайиб ётган тор кўча томон югурди, декабрь ойида округ маҳкамасига қўшилиб чекинган ўғли — Тихоннинг соғ-саломатлигини айтиб уни суюнтирмоқчи бўлди. Бироқ кампир тор кўчада йўқ эди. У аллақачон ўрнидан туриб, уйига етиб олган, ҳужрага кириб, эгнидаги кўйлак, юбкасини алмаштираётган эди. Чол уни аранг қидириб шу ердан топди.

— Петька Богатирев учиб келди! Тихондан кўпдан-кўп салом обкепти!— деди-ю, унинг кўйлак алмаштираётганини кўриб, ўтдай тутоқиб кетди.— Бу нимаси, шум кампир? Ясанишни сенга ким қўйибди? Онанг ўлсин сени туғмай! Ит мужиган ошиқдан баттарсан, сенга ким қарарди? Пардоз қилмай ўл-э!

...Бир оздан кейин Богатирев чолнинг уйига ўғлини кўргани қариялар келишди. Ҳар биттаси эшикдан кирганда остонадан ўтмай шапкасини олиб, иконага қараб чўқинар ва сиполик билан кирар, ҳассасига суяниб курсига ўтирарди. Чоллар киргач, суҳбат бошланди. Петр Богатирев стакандаги қаймоғи олинмаган муздай сутни ҳўплаб ўтирар экан, Дон ҳукуматининг топшириғига мувофиқ, қўзғолон кўтарган Юқори Дон казаклари билан алоқа боғлаш учун, ҳамда қизилларга қарши курашда қўзғолончиларга ёрдамлашиб, керакли патрон ва офицерларни самолётда етказиб бериб туриш мақсадида бу ерга учиб келганини сўзларди. Сўнгра, шу яқин орада Дон армияси бутун фронт бўйлаб ҳужумга ўтажагини ва қўзғолончилар армияси билан қўшилажагини гапириб берди. Гап орасида у, фронтни ташлаб қизилларга йўл очиб берган ёш казакларни йўлга сололмаганликлари учун қариялардан гинахонлик қилди. Петр гапини қуйидагича тамомлади:

— ... Модомики сиз эсингиз борида этагингизни

www.ziyouz.com kutubxonasi

ёпиб, станицалардаги Совет ҳукуматини ҳайдаб юборибсиз, Дон ҳукумати буни назарда тутиб, сизларнинг гуноҳингиздан ўтади.

Чоллардан бири иккиланиб туриб:

— Биласизми, Петро Григорий, ҳозир ҳам бизда Совет ҳукумати бор, фақат коммунистлар йўқ. Байроғимиз ҳам уч ранглимас — қизил билан оқ рангли,— деди.

— Ҳатто, итвачча ёшларимиз ҳам гапга кирмай, бир-бирини «ўртоқ» деб чақиришади!— деди иккинчиси.

Петр Богатирев мийиғида кулди, унинг чақчайган кўк кўзлари истеҳзо билан жилмайди.

— Сизлардаги Совет ҳукумати — кўкламдаги яхдай гап. Кун сал-пал илиса, эриб кетади. Ҳали қараб туринг. Донецдан қайтганимиздан кейин, Қалач ёнида фронтни ташлаб кетишга сабаб бўлган азаматларни ўлгудай савалаймиз!

— Савалаш керак, аъзойи баданини моматалоқ қилиш керак!

— Савалашдан бошқа чора йўқ!

— Савалаш керак! Саваланcин!

— Майдонга обчиқиб, эл-юрт олдида роса савалаб тавба қилдириш керак!— деб чувиллаб қолишди қариялар суюнганидан.

* * *

Чопарлар орқали воқеадан ҳабардор бўлган қўзғолончи кучлар қўмондони Кудинов билан штаб бошлиғи Илья Сафанов уч от қўшилган тарантасда кечга яқин Сингин қишлоғига қуюндай кириб келишди.

Петр Богатиревнинг учиб келганидан иккиси ҳам бениҳоя суюниб, брезент плашчларига ва этикларига ёпишган лойларни тозаламасданоқ тўғри Богатирев чолнинг уйига ҳовлиқиб кириб келишди.

LIV

Сердоблик хоинлар тутиб берган йигирма бешта коммунистни бирталай соқчи қуршовга олиб Усть-Хопердан ҳайдаб чиқди. Қочиб қутулишни хаёлга ҳам келтириб бўлмасди. Иван Алексеевич асирларнинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўртасида оқсоқланиб келаркан, калтакесакдай безрайган, бемеҳр соқчи казакларнинг ғазабнок бошларига нафратланиб тикилар ва маъюслик билан: «Булар ёстиғимизни қуритади! Судга беришмаса, ишимиз чатоқ!» деб хаёл сурарди.

Соқчиларнинг кўпчилиги серсоқоллардан бўлиб, атаман полкининг вахмистри, эски мазҳабли бир чол уларга командир эди. Усть-Хопердан чиқилган заҳотиёқ бу одам асирларга буйруқ қилиб, ўзаро гаплашишни, тамаки чекиш ҳамда соқчиларга савол беришни ман этди.

— Яхшиси калима ўгириб, тиловат қилинглар, худобезорилар! Ўлимга кетяпсиз ахир, ҳеч бўлмаса, сўнгги дақиқаларингда ўзларингни тийсаларинг-чи! Ҳа-аах, худодан қайтганлар! Ҳамманг йўлдан озиб гуноҳга ботгансан! Иблис пешоналарингга тамға босиб қўйибди— деб ўшқирарди. У гоҳ асирларга наган ўқталар, гоҳ бўйнидан ўтказилган тўппонча тасмасини тимирскиларди.

Асирлар орасида Сердоб полкининг командирларидан фақат икки коммунист бор эди, Иван Алексеевичдан бошқа коммунистларнинг ҳаммаси Елан станицасига четдан кўчиб келган бўйдор ва соғлом деҳқон болалар эди; булар станицага совет аскари келиши билан партия сафига кириб, қишлоқларда ревком раиси, милиционер бўлиб хизмат этишган ва қўзғолон кўтарилгандан кейин Усть-Хоперга қочиб, Сердоб полкига қўшилган эдилар.

Деярли ҳаммаси илгари ҳунарманд, косиблар бўлиб: дурадгорлик, ромсозлик, бочкасозлик, печкасозлик, сувоқчилик, этикдўзлик, машиначилик қилишарди. Энг каттасининг ёши ўттиз бешдан ошмаган, энг кичиги — йигирма атрофида эди. Ҳаммасининг қад-қомати келишган, кўкраги кенг, ранги тоза ва чиройли эди; жисмоний меҳнатда чиниққан қўллари бақувват, муштлари янги туғилган боланинг калласидай келар, ҳар кифтига биттадан одам сиғарди. Букчайган соқчи чолларга қараганда бу йигитлар ўн чандон ортиқлик қиларди.

Иван Алексеевичнинг ёнида кетаётган еланлик коммунистлардан бири пичирлаб:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бизни суд қилишармикан, а?— деб сўради.
— Суд қилишмас дейман.
— Ўлдиришармикин?
— Шунақага ўхшайди.
— Ахир, уларда отиш йўқ қилинган-ку! Қазаклар айтгани эсингдами?

Иван Алексеевич жавоб бермади, лекин шамолда йилт этган учқун сингари кўнглида умид пайдо бўлди: «Айтгандай, рост-а! Улар бизни отмаслиги керак. Бу аблаҳлар ўз оғизлари билан «Битсин коммуна, битсин талон-торож, битсин отишлар!» деб қичқиришган эди. Агар рост бўлса, улар фақат каторга жазосига ҳукм қилишармиш. Бунисси унчалик қўрқинчли эмас! Қишгача каторгасида юраверамиз, қиш тушиб, Дон муздлагандан кейин бизникилар яна буларнинг оч биқинига солади!..»

Ялт этган умид, шамол учирган учқундай, бирпасда сўнди қолди: «Йўқ, тирик қўйишмайди! Ҳаммаси аламзада, қутурган итдан баттар! Алвидо, ҳаёт! Аттанг, аттанг, адашган эканман! Шуларга қарши курашиб туриб, ўзим шуларга раҳмдиллик қилдим... Булар сатқаи раҳмдиллик кетсин! Ҳаммасини қириш, таг-томири билан қуритиш керак экан!»

Иван Алексеевич муштларини маҳкам қисди, аламига чидолмай кифтларини қимирлатиб қўйди, лекин ўша он орқа ёқдан бошига қамчи тушиб, бирданига қоқилиб кетди, йиқилишига сал қолди.

— Қўлингни нега мушт қиласан, итдан тарқаган, қўлингни нега мушт қилдинг, деяпман сенга?— деб ваҳиллай бошлади соқчилар бошлиғи унинг устига от солиб.

У Иван Алексеевични яна бир марта қамчи билан уриб, юзини то қошидан тортиб, ўртасида чуқурчаси бор иягига довур тарс ёриб юборди.

Еланлик дурадгор йигитлардан бири оломон ичидан чиқа солиб, кўксини кериб Иван Алексеевични тўсиб олди-да, титроқ овоз билан ялиниб:

— Шуни урасизми? Мана мени уринг, ота! Уринг мени! Ўзи ярадор бўлса, бекорга ураверасизми ахир...— деди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Сенам қуруқ қолмайсан! Казаклар, ур буларни! Ур коммунистларни.

Қақшатғич қамчи зарбидан еланликнинг эгнидаги пистоқи ранг ёзли кўйлаги елкасидан тарс ажралиб кетди, лахтаклари куйган барг сингари эшилиб осилиб қолди. Кўз очиб юмгунча қамчи теккан жой мо-маталоқ бўлиб шишиб чиқди-да, қоп-қора қон йиртиқ латталарни ивитиб, тирқираб оқа бошлади...

Вахмистр, азбаройи жаҳолати қўзиганидан нафаси бўғилиб, асирларни босиб-янчиб, оломон орасига от солиб кирди-да, дуч келганини аямай савалайверди...

Иван Алексеевичнинг бошига яна бир қамчи зарби тушди. Кўзларидан ўт чақнаб, ер юзи чайқалиб кетди, назарида дарёнинг чап қирғоғидаги ям-яшил ўрмон қийшайиб, бир ёққа оғаётгандай бўлди.

Иван Алексеевич бақувват қўллари билан узангига тармашиб қутурган вахмистрни эгардан ағдармоқчи бўлганда, соқчилардан бири қиличининг орқаси билан бир уриб, уни егра қулатди. Иван Алексеевичнинг оғзига чанг-тупроқ кириб, нафаси қайтиб кетди, бурун ва қулоқларидан қайноқ қон отилиб чиқа бошлади...

Соқчилар асирларни қўтондаги қўйдай бир жойга тўплаб олиб, ўласи қилиб урдилар. Йўл устида мукка тушиб ётган Иван Алексеевич атрофидаги дод-вой, қий-чувларни, тапир-тупур оёқ товушларини, отларнинг пишқирганини гўё тушида эшитаётгандай ғирашира эшитарди. Унинг яланғоч бошига от оғзидан илиқ кўпик томди ва ўша заҳоти ёнгинасида аллаким мудҳиш овоз билан йиғламсираб бақирди:

— Аблаҳлар! Қуролсиз кишиларни ураверасизми, ахир! У-у-у-в!

Бирданига Иван Алексеевичнинг майиб оёғини от босди, тақа тишлари болдирига ботиб кетди, тепасида, аллакимни пахта савагандай дўппослашди. Бир лаҳза ўтмай, уст-боши ҳўл, чорпаҳилдан келган одам Иван Алексеевичнинг ёнгинасига ағдарилиб тушди, шўртанг қон ҳиди аралаш ўткир тер иси гуп этиб димоғига урилди. Иван Алексеевич ҳали ҳам ҳушидан кетмаганди: йиқилган одамнинг томоғига ғарғара ке-

www.ziyouz.com kutubxonasi

либ, оғзидан варақлаб қон оқа бошлаганини аниқ эшитарди...

Ана шундан сўнг асирларни подадай ҳайдаб Донга туширишди-да, қон доғларини ювдиртиришди. Иван Алексеевич тизза бўйи сувга кириб, ловуллаб ачишаётган жароҳатларини, калтакдан шишган жойларини юварди, ўз қони аралашиб қизарган сувни кафти билан таратиб, чанқови босилмай қолишидан қўрққандай, энтика-энтика ичар эди.

Йўлга чиққач, аллақандай бир казак кетларидан от чоптириб келиб, ўтиб кетди. Унинг остидаги қора тўриқ семизлигидан ва қаттиқ терлаганидан йилтирар, қаттиқ йўрғалаб борарди. Отлиқ қишлоқ ичига кириб ғойиб бўлди; асирлар энг четки қўра ёнида етиб бормасданоқ, қишлоқдан гала-гала одам чиқиб келаверди...

Иван Алексеевич рўпарада чопиб келаётган казакларни, хотин-халажни кўрган ҳамоноқ ажали етганлигини тушунди. Бошқалар ҳам буни англашди.

Сердоблик коммунистлардан бири:

— Ўртоқлар! Келинглар, видолашиб қолайлик!— деди баланд овоз билан.

Паншаха, кетмон, сўйил, арава темирлари кўтарган оломон яқинлашиб келаверди...

У ёғи энг оғир тушдагидай ўтди. Асирлар бир-бирига туташган қишлоқлар ичи билан ўттиз чақирим йўл босишди, ҳар бир қишлоқда гала-гала золимларга дуч келишди. Қари-қартанг, хотин-халаж, ҳаттоки, ўспирин болалар ҳам асир коммунистларни аямай урар, қонга беланиб, моматалоқ бўлган юзларига тупуришар, тош ва кесак отишар, калтак зарбидан шишиб кетган кўзларига тупроқ ва кул сочишарди. Айниқса, аёллар қутурарди: улар азоб беришнинг энг мудҳиш усулларини ўйлаб топишарди. Ўлимга маҳкум бўлган йигирма беш асир икки қатор бўлиб турган оломон орасидан юриб ўтаверди. Лекин охирига бормай туриб ҳаммаси одам сиёқини йўқотиб, таниб бўлмайдиган даражага етди: юзлари моматалоқ бўлиб шишиб, аъзойи баданлари дабдала бўлди, жароҳатлари қон аралаш лойга беланди.

Бошда йигирма беш кишининг ҳар бири калтакдан

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўзини асраш учун соқчилардан нарироқ юришга интилар эди; ҳар ким ўзини сафнинг ўртасига уриб, тиқилавергандан кейин ҳаммаси бир жойга тўпланиб қолганди. Бироқ, соқчилар уларни турткилаб, дамба-дам тарқатиб юборишарди. Қалтакдан сақланиш учун ҳеч қандай чора қолмагандан сўнг асирлар ноилож тарқоқ ҳолда кетавердилар, лекин ҳаммаси ҳам биргина умид билан қимирлар: ишқилиб йиқилиб қолмаслик учун ҳаракат қиларди, чунки, йиқилган одам қайтиб ўрнидан туролмасди. Даставвал, асирлар бош ва юзларини қўл билан пана қилиб, жон сақламоқчи бўлишган, уч тишлик темир айрининг ярқироқ учи ёки ёғоч қозиқнинг оқарган ўткир учи билан кўзларига санчмоқчи бўлишганда кафтларини қалқон қилиб, кўзларини тўсиб ҳам кўришган эди; олдин асирлар орасидан бўкирган садолар, раҳм-шафқат тилаб ёлворган овозлар, дод-вой аралаш сўкинишлар эшитилиб турарди. Бироқ, тушга бормай ҳаммаси жимиб қолди. Ёлғиз бир йигит, илгари ротада ҳаммага ёққан аскиябоз, энг ёш қизил аскаргина бошига калтак тушганда додлар эди. У худди чўғ босган одам сингари типирчилаб юрар, бутун вужуди қалтираб, таёқ еб синган оёғини судраб босарди.

Иван Алексеевич Донда ювиниб олгандан кейин руҳи тетикланган эди. Рўпарадан чопиб келаётган казакларни, хотин-халажни кўрган заҳоти ёнидаги ўртоғи билан шошиб-пишиб видолашди-да, овозини секин чиқариб:

— Биродарлар, биз жангда шаънимизга доғ туширганмасмиз, энди ўлим олдида номимизни булғаб кетмайлик,— деди.— Сўнгги дамгача бир нарсани унутмаслигимиз керак. Булар ҳозир бизни уркалтак қилиб ўлдиришади, лекин, барибир, Совет ҳокимиятига булар чивиндек ҳам зарар етказолмайдилар! Коммунистлар! Биродарлар! Ўлимни шундай кутиб олайликки, душманлар қойил қолсин, бирортаси бизни масхара қилиб кулмасин!

Еланликлардан биттаси азобга чидай олмади: Бобров қишлоғида қариялар уни қийноққа солиб уравергандан кейин, ёш боладай чинқириб юборди, кўйлак ёқасини чок этиб, тумор банди тер билан кирдан

www.ziyouz.com kutubxonasi

қорайиб кетган кичкина крестни бўйнидан олиб казакларга кўрсата бошлади.

— Ўртоқлар! Мен яқиндагина партияга кирганман!.. Раҳм қилинглар! Мен худога ишонаман!.. Иккита ёш болам бор!.. Раҳм қилинг! Сизлардаям бола бор, ахир!..

— Биз сенга ўртоқмасмиз! Овозингни ўчир!

— Болаларинг эсингга тушдими, тўнғиз қавмида кеткур! Крестни пеш қилмоқчимисан? Энди ақлинг кирдими? Бизнинг йигитларимизни отиб-чопиб ўлдираётганингда нега худони эсламадинг?— ўшқириб сўради исирға тақкан пучуқ бир чол; у ҳалигина устмауст икки мушт солган эди. Чол жавоб кутмасдан асирнинг бошини мўлжаллаб таёқ кўтарди.

Иван Алексеевич атрофида нима бўлаётганини кўзи билан кўриб, қулоғи билан эшитиб турса ҳам, пировардида ҳеч нарсага парво қилмай қўйди, диққат-эътиборини ҳеч нарса жалб қилолмади. Бора-бора метинга айланган юраги фақат бир марта жиз этди, холос. Айни туш қизиғида асирлар Тюковно қишлоғига етиб келиб, қарғиш ва калтаклар остида оломон орасидан ўтаётганларида Иван Алексеевич кўз қири билан четга қараб бир болани кўриб қолди; етти яшарча бола онасининг этагига ёпишиб йиғлар, кўз ёшлари тирқираб, тиришган икки бетидан дувиллаб оқарди.

— Ойижон! Уни урманг! Ура кўрманг, эй!.. Раҳмим келяпти, онажон! Ҳамма ёғи қон!..— деб жонжаҳди билан чирилларди.

Еланликлардан бирига таёқ ўқталган хотин бирданига чинқириб юборди-да, таёғини ташлаб, боланинг қўлидан судраганича тор кўчага қочди. Ана шу боланинг чириллаб йиғлаганидан, бу қадар раҳмдиллигидан таъсирланган Иван Алексеевич беихтиёр йиғлаб юборди, шўртанг кўз ёши қовжираган лабига томди. Ўз ўғли, хотини эсига тушиб, ўпкаси тўлиб хўрсинди, чақмоқ каби ялт этган бу хотира билан бирга унинг кўнглида: «Нима бўлса-бўлсинки, бола-чақам кўз олдида ўлдиришмасин-да! Бўладиган иш тезроқ бўлгани яхши...»— деган истак уйғонди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Асирлар оёқларини аранг судрашар, азбаройи чарчаганидан, оёқлари зирқираб оғриганидан гандираклаб зўрғатдан қадам қўйишарди. Қишлоқдан чиқаверишда ўтлоқдаги қудуқни кўрган ҳамон, асирлар сув ичишга ижозат сўраб, соқчилар бошлиғига ялина бошлашди.

— Сув ичишга вақт йўқ! Ҳалиям кеч қолдик! Ҳайда!— деб бақирди вахмистр.

Лекин соқчилар орасидан бир қария асирларнинг ёнини олди:

— Жудаям бераҳм бўлма, Аким Сазонич! Ахир, булар ҳам одам-ку!

— Нимаси одам? Коммунистлар одам эмас! Сен менга ўргатма! Мен бошлиқми ё сенми!

— Сендақа бошлиқлардан мингини кўрганман! Боринглар, йигитлар, ичаверинглар!

Чол отдан тушиб, қудуқдан бир челак сув тортди. Асирлар уни ўраб олишди, йигирма беш жуфт косовга ўхшаган қўл бараварига челакка чўзилди, шишган ва кўкарган кўзлар ялт-юлт этиб, қақраган томоқлардан хириллоқ ва бўғиқ овозлар чиқди:

— Менга беринг, буважон!

— Бир ҳўпласам бўлади!..

— Бир қултумгина!..

— Ўртоқлар, ҳамманг баравар ёпишма!

Чол челакни кимга беришини билмай, шошиб қолди. Бирпас ўйланиб турди-да, челакдаги сувни мол суғориладиган ёғоч новга ағдариб, ўзини четга олди:

— Ҳўкиздай туртинаверманглар! Навбатиминам ичинглар!

Қуйилган сув кўкимтир пўпанак босиб, моғорлаб кетган, офтобда қақраган, чириб ёғоч иси уриб қолган нов ичидан оқиб, нариги бурчагига етиб борди. Асирлар жон-жаҳдлари билан новга ёпишдилар. Чол устма-уст ўн бир челак сув тортиб новни тўлғазди: у асирларни аҳволига ачиниб, ғамгин қараб турарди.

Иван Алексеевич тиз чўкиб олиб, чанқоғи босилгунча ичди, анча енгил тортиб, бошини кўтариб атрофга қаради-ю, ажойиб манзарани кўрди: оппоқ оҳак чанггига беланган Дон бўйидаги катта йўлни, афсонавий қалъа сингари олисда қад кўтарган бўр тоғи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг кўкимтир сиртини ва уларнинг устида, мавж уриб оқаётган азим Доннинг қоқ тепасида, бепоён осмоннинг мовий қўйнида, кўз илғамас баландликдаги бир парча булутни кўрди. Уст томони оппоқ бўлиб ярқираган бу булутни шамол елкандай суриб, шимол ёққа учириб борар, унинг шаффоф сояси йироқларда, дарё бурилган жойда акс этарди.

LV

Қўзғолончи кучлар олий қўмондонлигининг махфий мажлисида Дон ҳукуматидан, яъни атаман Богаевскийдан ёрдам сўраш ҳақида қарор қабул қилинган эди.

1918 йил охирида юқори донликлар қизиллар билан келишиб, фронтни ташлаб кетганлари учун узр сўраб, афсусланиб хат ёзишни Кудиновга топширганди. Кудинов хатни ёзди. У қўзғолон кўтарган Юқори Дон казаклари номидан, то ғалаба қозонгунча большевикларга қарши матонат билан жанг қилишга ваъда берди, қўзғолончи қисмларга раҳбарлик қилиш учун аэропланда кадр офицерларини юбориш, ҳамда милтиқ ўқи етказиб туришни илтимос қилди.

Петр Богатирев Сингинда қолди, кейин Вёшенскаяга жўнади. Учувчи Кудиновнинг хатини олиб Новочеркасскга учди.

Ўша кундан эътиборан Дон ҳукумати билан қўзғолончилар қўмондонлиги орасида мустаҳкам алоқа боғланди. Деярли ҳар куни, Франция заводларидан чиққан яп-янги аэропланлар учиб келарди; булар Донецнинг нарёғидан милтиқ патрони, уч дюймалик тўплар учун бир оз ўқ ҳамда офицерларни ташиб турарди. Учувчилар Дон армиясига қўшилиб чекинган юқори донлик казаклардан хат олиб келишар, Вёшенскаяда қолган ота-оналарининг жавобини олиб Донецга қайтишарди.

Дон армиясининг янги қўмондони генерал Сидорин фронтдаги аҳволга ҳамда ўзининг стратегик планларига мувофиқ штабда тузилган операция планларини, буйруқ ва сводкаларни, қўзғолончилар фронтига

www.ziyouz.com kutubxonasi

ташланган қизил аскар қисмлари ҳақидаги маълумотларни Кудиновга юбора бошлади.

Сидорин билан бўлаётган алоқани Кудинов учтўртта яқин кишигагина билдирарди, қолганлардан сир сақлар эди.

LVI

Кечқурун соат бешга яқин асирларни Татарск қишлоғига ҳайдаб келишди. Ҳадемай қисқагина баҳор куни тугаб, қош қорайди, ғарб томонда уфқни қоплаган пахмоқ булутга қуёш ҳам олов баркашининг бир чети билан қўниб, ботишга чоғланган эди.

Кўчада, каттакон жамоат омборхонасининг соясида татарсклик пиёда сотнянинг казаклари ўтиришар ёки қаққайиб туришарди. Аслида буларни, қизил суворийлар ҳамласига аранг бардош бераётган еланлик сотняларга ёрдамлашиш учун Доннинг ўнг қирғоғига жўнатаётган эдилар, лекин татарскликлар ўз позицияларига кетишдан олдин, бола-чақаларини кўриш, озиқ-овқат ғамлаш учун ёппасига қишлоққа кириб келишди.

Улар шу бугун жўнашлари керак эди, бироқ асир тушган коммунистларни Вёшенскаяга ҳайдаб кетишаётганини, уларнинг орасида Мишка Қошевой билан Иван Алексеевич борлигини, ҳадемай Татарскка етиб келишини эшитиб, бир оз кутишга қарор қилишди. Айниқса, Петро Мелехов билан бирга биринчи жангда ўлган казакларнинг қариндошлари Қошевой билан Иван Алексеевични кўришга муштоқ эдилар.

Казаклар милтиқларини омборхона деворига суяб қўйиб, у ёқдан-бу ёқдан гаплашишар, баъзиси туриб, баъзиси ўтирган жойида тамаки чекар, семечка чақарди, уларни хотин-халаж, бола-чақа, чоллар ўраб олган: бутун қишлоқ кўчага чиққанди; болалар томга чиқиб олиб даштдан кўз узмай пойлоқчилик қилишарди.

Ниҳоят, болалар чуғурлашиб қолди:

— Кўринди! Ҳайдаб келишяпти!

Казаклар шоша-пиша ўринларидан туришди, оломон ғимирлаб қолди, шов-шув овоз кўтарилди, асир-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лар томон югуришган болаларнинг дупури эшитилди. Алёша Шамилнинг бева қолган азадор хотини, аламига чидолмай қарғана бошлади.

Овози йўғон аллақандай бир чол:

— Душманларни ҳайдаб келишяпти!— деб тўнғиллади.

— Уриб ўлдириш керак бу бадбахтларни! Казаклар, нимага қараб турибсиз?

— Ҳаммасини судга тортиш керак!

— Фарзандларимизни шулар ўлдирган!

— Қошевойни шериги билан қўшиб тошбўрон қилиб ўлдириш керак!

Аникушканинг хотини билан ёнма-ён турган Дарья Мелехова, калтак еявериб дабдаласи чиққан асирлар орасидан дастлаб Иван Алексеевични таниб олди.

Тобора кучая бошлаган ғазабнок одамларнинг ғовур-ғувурларини, хотинларнинг қий-чув йиғиларини соқчилар бошлиғининг хирилдоқ овози босиб кетди:

— Ҳамқишлоғингизни ҳайдаб келдик! Ана, томоша қилинглар! Ўпишиб олинглар, итвачча билан! Мана ўзи!— деб от устидан қўлини бигиз қилиб, Иван Алексеевични кўрсатди.

— Шериги қани? Қани Мишка Қошевой?

Лофчининг ўғли Антип оломон орасидан тўғри келаверди; у йўл-йўлакай милтиқ қайишини елкасидан чиқармоқчи бўлар, милтиқ қўндоғи ва найза учи одамларга тегиб кетгани билан иши йўқ эди.

— Сизнинг қишлоғингиздан битта шу бор, бошқа ҳеч ким йўқ. Бир бурдадан қилсангиз, ҳаммангизга бемалол етади...— деди-да, вахмистр маржон-маржон бўлиб терлаган пешонасини қизил дастрўмоли билан артди, эгар қошидан зўрба-зўр оёғини ошириб олди.

Хотинларнинг қий-чув фарёдлари тобора кучайиб авжига чиқди. Дарья сурила-сурила соқчилар ёнига ўтиб олди ва соқчи остида терга пишган отдан бир неча қадам нарироқда келаётган Иван Алексеевичнинг калтак зарбидан дабдала бўлган юзини кўрди. Унинг боши ноғарадай шишиб кетган, сочларига қон ёпишиб қотиб қолган эди. Пешонаси ғурра бўлиб, териси ёрилиб кетган, икки бети чўғдай ёнарди; бошининг қоқ тепасидаги қон талашган жароҳат устига

www.ziyouz.com kutubxonasi

иккита жун қўлқоп ташлаб қўйилганди. Бу қўлқопларни Иван Алексеевич бошидаги жароҳатни жазирама офтобдан, пашшалардан, лак-лак чивинлардан эҳтиёт қилмоқчи бўлиб ёпгани кўриниб турарди. Лекин қўлқоплар жароҳатга ёпишиб, бошидан олинмай қолиб кетганди.

Иван Алексеевич ўзини қайга қўйишни билмай, ҳадеб аланглар, оломон орасига кўз югуртириб хотини билан ўғлини қидирар, лекин уларни учратишдан қўрқарди; мабодо шу ерда бўлса, бирон кишига ялиниб, уларни бу ердан олиб кетишни илтимос қилмоқчи эди. Татарскдан нари ўтмаслигини, шу ерда ўлиши муқаррарлигини у энди аниқ билганди, жон бераётганини хотини ё ўғли кўриб қолишидан қўрқар эди. У тобора сабрсизланиб тезроқ ўлишни истарди. Букчайган ҳолда бошини аранг буриб, ҳамқишлоқларининг таниш башараларига бирма-бир назар солиб чиқди, лекин биронтасининг раҳми келганини, лоақал ачинганини ҳам кўрмади: эркагу аёл — ҳаммаси хўмрайган, ҳаммаси ғазабга минган эди.

Иван Алексеевичнинг эгнидаги пистоқи ранг эски кўйлаги қотиб, қавжираб кетган, қимирлаган сари шилдирарди. Кўйлаги қоп-қора қонга белланган, пахталик шимидан тортиб, сарпойчанг оёқларининг ясси товони-ю, эгри бармоқларига довур қоп-қора қон эди.

Дарья унинг рўпарасида турарди. У гоҳ раҳми келиб, гоҳ нафрати қўзиб энтикар, томоғи хиппа бўғилгандай нафас ололмасди, шу ерда аллақандай мудҳиш ҳодиса ҳадемай рўй беришини юраги сезиб бетоқат бўлиб турарди; Дарья Иван Алексеевичнинг юзига тикиларди, бироқ Иван Алексеевич уни кўряптими, танидими, йўқми — англай олмасди.

Лекин Иван Алексеевич ҳали ҳам бояги ташвиш, бояги ваҳим ичида атрофга қаранар, ўқрайиб қолган соғ кўзини йириб оломонга тикарди (иккинчи кўзи шишиб, юмилиб қолганди). Тўсатдан у, бир неча қадам нарида турган Дарьяни кўриб қолди-да, маст кишидек гандираклаб олға интилди. Қон кўп кетганидан боши айланиб, эси оға бошлади, лекин бундай ҳолат узоқ давом этмаса ҳам, атрофдаги тамомий нарса тушдагидай ноаниқ бўлиб, ҳаёл каби туюлди, кўнг-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ли ағдарилиб, боши айланди, кўз тиниб, олам қоронғилашди; Иван Алексеевич ҳуши оғиб қолишидан хавотирланиб, бутун иродасини, бор кучини ишга солиб оёқ устида босиб турарди.

У Дарьяни кўрди-ю, таниди, бир қадам босар-босмас гандираклаб кетди. Бир вақтлар қимтиб юрадиган, ҳозир эса дабдаласи чиққан лабларида табассум пайдо бўлди. Ҳилмайгандек юзини буриштирганини кўргач, Дарьянинг юраги орзиқиб, дук-дук ура бошлади, назарида юраги томоғига келиб тиқилиб қолгандек бўлди:

Дарья пишиллаб тез-тез нафас олар, борган сари ранги оқариб Иван Алексеевичга яқинлашарди.

— Ҳорма энди, отахон!— деди Дарья.

Унинг қўнғироқдай жаранглаган ғазабнок овозидан оломон жимиб қолди.

Сукунат ичида Иван Алексеевичнинг паст овозда дадил жавоб бергани эшитилди.

— Бор бўл, қизим Дарья.

— Қани, гапир, айланай отахон, ўз... менинг эримни...— Дарья, нафаси қисилиб, овози чиқмай қолганидан икки қўли билан кўксини чангаллаб олди.

Ҳамма ёқ сув қуйгандай жимжит бўлиб қолди; ана шу даҳшатли сукунат ичида шивирлаб гапирган Дарьянинг овозини энг четдагилар ҳам аниқ эшитди:

— ...Эрим Петро Пантелеевични ўлдирганингни ўзинг гапириб бер!

— Йўқ, Дарья, уни мен ўлдирганим йўқ!

— Сен ўлдирганинг йўқми? — Дарьянинг титроқ овози чийиллаб эшитилди.

— Ахир, казакларни ўлдирган Мишка Кошевойминам сен эмасми? Ё бошқами?

— Йўқ, Дарья... Биз уни... мен уни ўлдирганим йўқ...

— Бўлмаса ким унинг ёстиғини қуритди? Хўш, ким? Гапир!

— У ерда Зааму́р полки...

— Сен! Сен ўлдиргансан!.. Казаклар жар тепасида сени кўрганлигини айтишди! Оқ от минган экансан! Эндиям тонасанми, бадбахт!

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ўша жангда мен ҳам бор эдим...— Иван Алексеевич чап қўлини аранг кўтариб, бошидаги жароҳатга ёпишиб қолган қўлқопни тузатди. У иккиланиб туриб бўшашиб жавоб қилди: — Ўша жангда бўлганим рост, аммо, лекин эрингни мен эмас, Михаил Қошегой ўлдирган. Ўша отди. Бўлам, Петро учун мен жавобгар эмасман.

— Бўлмаса айт-чи, мунофиқ, ҳамқишлоқларингдан қайсинисини отдинг? Ўзинг кимни ўлдирдинг, кимнинг болаларини етим қолдирдинг?— деб чинқирди оломон орасидан туриб Яков Тақачининг бева хотини.

Бусиз ҳам кескинлашган вазият баттар кескинлашиб, ҳамма ёқни аёлларнинг қий-чуви, йиғи-сиғиси босиб кетди, азадорлар чувиллашиб, ўлганларни йўқлаб фарёд кўтаришди.

Кейинчалик Дарья: «қандай қилиб қўлимга карабин тушиб қолганини, уни менга ким тутқизиб қўйганини сира билмайман»,— деб гапириб юрди. Лекин у хотинлар ув тортиб йиғлай бошлаган заҳоти, қўлида аллақандай бир оғир нарса борлигини сезди-да, силаб кўриб, қарамасданоқ унинг милтиқ эканлигини билди. Олдин Иван Алексеевични қўндоғи билан урмоқчи бўлиб, милтиқнинг қувуридан ушлади, бироқ нишон мушкаси кафтига ботиб қаттиқ оғригани учун шартта қайишига чанг солиб, милтиқни ўнглаб олди-да, қўндоғини кифтига тираб, Иван Алексеевичнинг кўксини, кўксининг чап томонини нишонга олди.

Дарья Иван Алексеевичнинг орқасида турган казакларнинг дувиллаб қочганини, одамлар тўсиб турган омборхонанинг лойсувоқ девори очилиб қолганини кўрди; чўчиган овозлар орасидан: «Вой, эсингни едингми? Битта-яримтага тегиб кетади, ахир! Шошмай тур, отма!» деган сўзларни ҳам эшитди. Лекин у оломоннинг бало-қазодай пойлаб, тикилиб турганидан, эри учун қасос олиш истаги зўрлигидан ва қисман тўсатдан миясига келган бемаъни хаёлга берилиб, ҳозир, анчайин аёл эмаслигини кўрсатиб қўйгиси келди. Назарида, атрофдаги казаклар ҳайрон қолиб, ҳаттоки капалаклари учиб: охири нима бўларкин, деб кутиб турганликларини кўрди; ўзини тутолмай, ўзи ўйламаган ва ҳозирги шароитда хаёлига ҳам келтириши мум-

www.ziyouz.com kutubxonasi

кин бўлмаган аллақандай мудҳиш фикр миясида чарх уриб айлана бошлади. Дарья шошмасдан эҳтиёткорлик билан милтиқни тепкисини пайпаслаб топиб, тўсатдан қаттиқ босиб юборганини ўзи ҳам билмай қолди.

Милтиқнинг қўндоғи туртиб юборганидан Дарья гандираклаб кетди, ўқ овозидан қулоғи битиб қолди. Қисилган кўзлари қаршисида турган Иван Алексеевичнинг сесканиб тушганини, афт-башараси бирданига буришиб, ўзгариб кетганини, даҳшатли бир ҳодиса юз берганини кўрди; Иван Алексеевич худди баланд жойдан сувга шўнғимоқчи бўлган одам сингари, қўлларини кериб, яна қайта қовуштирди-да, муккасига қулади, боши қалт-қалт титраб, ер чангаллаб қолди-ю, бармоқлари ҳаракатга келиб, секин-аста тупроқни тирнай бошлади...

Дарья милтиқни ташлади, лекин нима иш қилиб қўйганини ҳали ҳам аниқ тасаввур этмасдан, йиқилиб тушган одамга орқасини ўгирди-ю, орада ҳеч гап ўтмагандай, бошидаги рўмолини тўғрилаб, тўзғиган сочларини тузатди.

Қазаклардан бири:

— Ҳалиям жони чиқмабди...— деди-да, ёнидан ўтаётган Дарьяга ҳаддан зиёда илтифот кўрсатиб, йўл бўшатди.

Лекин Дарья ким, нима тўғрисида гапираётганларини англамай бурилиб қаради, аллакимнинг жигар-бағридан чиқариб бир маромда инграшини, ҳиқиллаб жон бераётганини эшитди. Фақат шундан кейингина у, инграган одам Иван Алексеевич эканини ва уни ўз қўли билан отганини англади. Дарья шипиллаб юриб, омборхона ёнидан ўтиб олди-да, майдон томон кетди, лекин кўпчилик одам унга бурилиб қарамади ҳам.

Ҳамманинг эътиборини Лофчининг ўғли ўзига жалб қилган эди. Антип учига ханжар қадалган японча милтиқни негадир, орқасига пана қилиб, оёқ учида Иван Алексеевичнинг тепасига югуриб келди. Унинг ҳар бир ҳаракати пухта ва бехато эди. У чўккалаб олди-да, ханжар учини Иван Алексеевичнинг кўксига қадаб:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Тўнғиз қавмида кетдинг, Котляров!— деди-ю, ханжар дастасини жон-жаҳди билан босди.

Иван Алексеевич қийналиб, анчагача жон беролмади. Суяги йўғон соғлом танаси ҳаётдан айрилгиси келмасди. Ҳаттоки, учинчи марта кўксига ханжар санчилгандан кейин ҳам, оғзи каппа-каппа очилиб, қонга беланиб, қаришиб қолган тишлари орасидан:

— А-а-а!... деган хирилдоқ овоз чиқарди.

Соқчилар бошлиғи вахмистр:

— Қотил бўмай ўл, қоч-эй, онаси байтал!— деб Антипни туртиб юборди-да, наган ўқталиб, чап кўзини қисиб туриб, Иван Алексеевични нишонага олди.

Ўқ товуши сигналдай янграб кетди; асирларни сўроқ қилаётган казаклар уларни дўппослаб ура бошладилар. Асирлар тўс-тўс бўлиб қочишди. Қийчув фарёдлар ичидан қарсиллаган ўқ товушлари анчагача эшитилиб турди.

* * *

Бир соатдан сўнг Григорий Мелехов Татарскка от чоптириб кириб келди. Усть-Хопердан чиқиши билан отини савалаб ҳайдади, оти йўлда икки қишлоқ орасида зўриқиб ўлди. Григорий эгарни орқалаб, пиёда юриб, яқин орадаги қишлоққа етиб олгач, ўша ерда бир қирчанғи от топиб йўлга тушганди. Шунинг учун у кеч қолди... Татарсклик пиёда аскарлар аллақачон дўнгдан ошиб, Усть-Хопер чегарасига, Усть-Хопер станицаси томон кетишган эди. Бу ерда қизилларнинг отлиқ дивизияси билан қўзғолончилар орасида жанг бўлаётган эди. Қишлоқ жимжит, одам боласи кўринмасди. Бутун қиру адирлар, Доннинг нариги бетида шитирлаган терагу толларни туннинг пардаси чулғаб олган эди...

Григорий отни ҳовлига боғлаб, уйга кирди. Чироқ ёқилмаган эди. Зим-зиё қоронғилик ичида чивинларнинг ғингиллагани эшитилар, тўрдаги деворга осилган зарҳал иконалар ғира-шира йилтираб кўри-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нарди. Болалик чоғидан ўрганиб қолган ўз уйининг ёқимли ҳидини ҳидлаб:

— Уйда одам борми ўзи? Онажон, Дуняшка!— деб чақирди.

— Гриша! Гришамисан?— Дуняшканинг овози келди ҳужра томонидан.

Яланг оёқларнинг шипиллаган товуши эшитилди, эшик тирқишидан Дуняшканинг гавдаси оқариб кўринди; у ички юбкасининг боғичини шоша-пиша боғламоқда эди.

— Нега мунча эрта ётдинглар? Онам қани?

— Бу ерда ҳали...

Дуняшканинг дами ичига тушиб кетди. Григорий унинг ҳарсиллаб тез-тез нафас олаётганини эшитди.

— Бу ерда нима бўлди? Асирларни қачон олиб ўтишди.

— Ҳаммасини уриб ўлдиришди.

— Нима-а-а?..

— Қазаклар тош бўрон қилишди... Вой, Гриша? Ҳаммасиданам бу касофат Дарьянинг қилган ишини қара-я...— Ғазабидан Дуняшканинг ўпкаси тўлиб, йиғламсираб гапирди,— Иван Алексеевични Даша ўлдирди... кўкрагидан отди...

Григорий, капалаги учиб, синглисининг санама гулли кўйлаги ёқасидан ушлади-да:

— Нима деб валдираяпсан ўзинг?— деб бақирди.

Дуняшканинг кўзларига ғилт-ғилт ёш келди, кўзи бир жойга тикилиб қолганлигидан, гапи ростлигини Григорий тушунди.

— Мишка Қошевой-чи? Штокман-чи?

— Асирлар орасида улар йўқ эди.

Дуняшка тутила-тутила, асирлардан қандай ўч олганликларини, Дарья нима қилганини қисқача сўзлаб берди.

— ...Онам у билан бир уйда ётишга қўрқиб, қўшнимизникига чиқиб кетди, Дашка бўлса, аллақайси гўрдан итдай маст бўлиб келди...— Ҳамма ёғи лой. Ҳозир ухлаяпти...

— Қаерда?

— Омборхонада.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Григорий омборхонага кириб, эшикни ланг очиб ташлади. Дарья этакларини очиб шармандаларча ерда ётарди. Нозик қўллари икки ёққа ташланган, ўнг бетига оққан сўлакайлари йилт-йилт этиб турар, очилиб қолган оғзидан сассиқ самогон ҳиди келарди. Боши бир ёққа қийшайиб қолган, чап бетини ерга маҳкам босиб, пишиллаб, оғир-оғир нафас олиб ётарди.

Григорий умрида ҳеч қачон бу қадар ғазаб билан одамнинг калласини шартта кесиб олгиси келмаган эди. У Дарьянинг тепасида инграб, чайқалиб, тишини тишига қўйиб бирпас туриб қолди, бу ётган гавдани нафрат билан жирканиб томоша қилди. Сўнгра бир қадам олға ташлаб, қоп-қора қошлари камондай қайрилган Дарьянинг юзига этигининг нағал пошнаси билан босди-да:

— Ҳа, газанда!— деб бақирди хирилдоқ овоз билан.

Дарья инграб юборди, маст-аласт ҳолда бир нима деб чулдиради, лекин Григорий бошини чангаллаганича, зина босқичларига қилич-қинини ура-ура, қўрага чопиб чиқди.

Онаси билан кўришмасдан, ўша кечасиёқ, у фронтга жўнади.

LVII

Шу дамгача Дон армиясининг қаршилигини енга олмаган, кўклам келиб, дарё тошқини бошланмасдан олдинроқ Донецдан ўтиб ололмаган 8-нчи ва 9-нчи Қизил Армия қисмлари айрим участкаларда ҳужумга ўтишга урунишарди. Лекин бу урунишлар кўпинча муваффақиятсизлик билан тамом бўларди. Ҳозир, Дон қўмондонлигининг қўли баланд кела бошлаганди.

Май ойининг ярми ўтиб кетганига қарамай, Жанубий фронтда бирон катта ўзгариш юз бермади. Лекин шу яқин кунларда аҳвол ўзгариши керак эди. Дон армиясининг собиқ бош қўмондони генерал Денисов ва унинг штаб бошлиғи генерал Поляков ишлаб чиқ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

қан планга мувофиқ, Каменск билан Усть-Белокалитвен станицалари атрофига «зарбачи группа» деб аталган қисмларни тўплаш иши тугалланмоқда эди. Фронтнинг шу участкасига ёш армиянинг таълим олган энг сара кадрлари келтирилган, ишончли қисмлар қуйи донлик Гундоров, Георгиев полклари ва бошқалар юборилган эди. Хомчўт қилиб ҳисобланилса, бу зарбачи группада ўн олти минг отлиқ ва пиёда аскар, йигирма тўртта замбарак ва юз эллик пулемёт бор эди.

Генерал Поляковнинг фикрича, бу группа генерал Фицхалауров қўл остидаги қисмлар билан биргаликда Макеевка слободаси томондан бостириб бориб, 12-нчи Қизил дивизияни улоқтириб ташлаши ва қўзғолончилар билан бирлашиш учун 13-нчи Урал дивизиясининг биқини ва орқа томонига ўтиб олиб жанг қилиши, Юқори Дон округига ўтиб олиши керак эди; ана шундан кейин Хопер округига бориб казакларни большевизм касалидан «даволамоқчи» эдилар.

Донец дарёсининг яқинида ҳужум қилиш учун, фронтни ёриб ўтиш учун жадал тайёргарлик кўрилмоқда эди. Зарбачи группанинг қўмондони қилиб генерал Секретов тайинланганди. Тарози палласи бир ёққа оғиб, Дон армиясининг қўли баланд келадиганга ўхшаб қолди. Красновнинг ёрдами билан амалга минган, ҳозир истеъфога чиққан генерал Денисов ўрнига тайинланган янги бош қўмондон — генерал Сидорин ва янгидан сайланган лашкар атамани генерал Африкан Богаевский иттифоқчилар тарафдори эдилар. Инглиз ва француз ҳарбий миссиялари билан биргаликда Москва устига юриш, бутун Россияда большевизмнинг томирини қуритиш тўғрисида катта планлар тузишарди.

Қора денгиз бўйидаги портларга қурол-яроғ ортган пароходлар тез-тез келиб турарди. Океан пароходлари инглиз ва француз аэропланларидан танк, замбарак, пулемёт, милтиқлардан ташқари хачирлар учун жабдуқ, Германия билан сулҳ тузилиш натижасида нархи тушиб кетган озиқ-овқат, кийим-ке-

www.ziyouz.com kutubxonasi

чакларни ҳам ортиб келишарди. Мис тугмасига шер сурати солинган, Англиядан келтирилган яшил френч ва бриджлар Новороссийск пакгаузларида[1] той-той бўлиб тахланиб ётарди. Америкадан келган ун, қанд, шоколад ва винолардан складлар тирбанд эди. Большевикларнинг бу қадар жони қаттиқлигидан ваҳимага тушган капиталистик Европа немислар устига ёғдириб тугатолмаган тўп ўқи ва патронларни энди кўплаб Жанубий Россияга жўнатмоқда эди. Бутун дунё реакцияси қонга беланган Совет Россиясини бўғиб ўлдиришга отланганди... Казак офицерларига, кўнгилли армия офицерларига инглиз замбаракларидан ўқ отишни ўргатиш, танк ҳайдаш ҳунарини ўргатиш учун Донга ва Кубанга келган инглиз ва француз инструктор-офицерлари Москвага кириб бориш тантанасини кўз олдиларига келтириб ҳалитдан сўлакайларини оқизишарди.

Айни шу пайт Донец бўйида шундай жанглар бошландики, у Қизил Армиянинг 1919 йилги ҳужумининг муваффақият қозонишига сабаб бўлди.

Қизил Армия ҳужумининг шу дамгача муваффақиятсиз чиқаётганига асосий сабаб, юқоридонликларнинг қўзғолони эканлигига шубҳа йўқ эди. Бу қўзғолон уч ой мобайнида қизиллар фронтини орқа томондан қақшатар, ҳамиша уларни аскар юборишга мажбур қилар, фронтни ўқ-дори, озиқ-овқат билан муттасил таъминлашга, ярадор ва касалларни мамлакат ичкарисига жўнатишга доимо халақит берарди. Қўзғолонни бостириш учун фақат 8 ва 9-Қизил Армиянинг ўзидан йигирма мингга яқин аскар юборилган эди.

Республика революцион Ҳарбий Совети, қўзғолон қанчалик кенг тус олинганидан хабари бўлмаганлиги сабабли, уни бостириш учун ўз вақтида қатъий чоралар кўрмади. Олдин қўзғолончиларга қарши айрим отряд ва отрядчалар, чала тўлдирилган қисмлар, кичкина-кичкина тўсиқ отрядларигина юборилди (масалан, ВЦИК мактаби икки юз кишилик отряд берган эди, холос). Каттакон ёнғинни чўмичда сув

[1] Пакгауз — темир йўл бўйидаги склад. (*Тарж.*).

www.ziyouz.com kutubxonasi

сепиб ўчирмоқчи бўлишганди. Қўзғолончилар қўл остидаги эни бир юз тўқсон километр келадиган ўлкани тарқоқ қизил аскар қисмлари қуршовга олиб, умумий оператив план билан иш кўрмасди, ҳар қайсиси ўз ҳолига ҳаракат қиларди, шу сабабдан қўзғолончиларга қарши жанг қилаётганларнинг сони йигирма беш мингга етганига қарамай, тузукроқ натижадан дарак йўқ эди.

Қўзғолон зўрайиб кетмасин учун кетма-кет ўн тўртта марш ротаси, ўнларча тўсиқ отрядлари юборилганди; Тамбов, Воронеж ҳамда Рязандан курсантлар отрядлари келганди. Лекин қўзғолон кенгайиб, қўзғолончилар қизил аскарлардан тортиб олган пулемёт ва тўплар билан қуролланиб кучайганларидан кейингина 8-нчи ва 9-нчи армиялар ўз составидан биттадан Экспедицион дивизия, ҳамда шунга яраша тўп ва пулемёт командалари ажратиб беришди. Қўзғолончилар кўп талофот кўрганларига қарамай, ҳали ҳам енгилмаган эди.

Юқори Дон алангасининг учқунлари қўшни Хопер округига ҳам тарқалди. У ерда офицерлар раҳбарлиги остида айрим казак группалари бир неча марта ҳужум қилди. Урюпин станицасида қўшин старшинаси Алимов аллақанча казакларни ва қочиб юрган офицерларни ўз атрофига тўплади. Биринчи майга ўтар кечаси қўзғолон кўтариш мўлжалланганди, бироқ бу фитна ўз вақтида фош қилинди. Алимов билан бирмунча шериклари Преображенск станицасига қарашли қишлоқлардан бирида қўлга тушиб, ревтрибунал ҳукми билан отиб ташланди, шундай қилиб, раҳбарларидан ажраган фитначилар қўзғолон кўтаролмади, натижада Хопер округидаги аксилинқилобчи унсурлар Юқори Дондаги қўзғолончилар билан бирлашолмай қолди.

Май ойининг дастлабки кунларида ВЦИК мактабининг отряди Чертково станциясида поезддан тушди; қизилларнинг бир неча терма полклари ҳам шу ерда жойлашган эди. Чертково шарқ жанубий темир йўлнинг энг сўнгги станцияси бўлиб, қўзғолончилар фронтининг ғарбий участкаси билан бевосита чегарадош эди. Ўша кезлари Мигулин, Мешков ва

www.ziyouz.com kutubxonasi

Казанск станицаларининг суворий казаклари ниҳоятда зўр куч билан Казанск станицасининг чегарасига тўпланиб, ҳужумга ўтган қизил аскар қисмларига қарши жанг қилмоқда эдилар.

Станцияда «Казаклар Чертковони ўраб олибди, ҳадемай ҳужум бошлашади» деган миш-миш гап юрарди. Бу ернинг фронтдан эллик чақирим узоқлигига қарамай, мабодо казаклар ёриб ўтган тақдирда ҳам, уларни йўлда тўсадиган ва бу тўғрида хабар берадиган қизил аскар қисмлари борлигига қарамай, станцияда саросималик бошланди. Чертковонинг нарёғидан аллакимнинг: «Милтиқ-қа-а-а!» деб бақирган йўғон овози эшитилди. Одамлар кўчама-кўча югуришиб, ҳовлиқиб қолишди.

Натижада бекорга ваҳима қилинганлиги маълум бўлди. Маньково слободаси томондан станицага яқинлашиб келаётган қизил аскарлар эскадронини казакларга ўхшатишган экан. Курсантлар ҳамда икки терма полк аскарлари Казанск станицаси томон жўнашди.

Орадан бир кун ўтгач, яқиндагина фронтга келган Кронштадт полкининг қарийб ҳамма матросларини казаклар қириб ташладилар.

Кронштадтликлар билан бўлган биринчи жангдан кейиноқ, казаклар кечаси шабохун урдилар. Полк қўзғолончилар ташлаб кетган қишлоққа киришдан хавотирланиб, теварак-атрофга пойлоқчилар қўйган, пистирма қуриб, даштда тунаган эди. Ярим кечада бир неча суворий казак сотнялари полкни ўраб олиб шиддатли ўт очди, аллаким ўйлаб чиқарган каттакон тартаракларни ишга солиб, даштни бошларига кўтаришди. Қўзғолончилар учун бу тартараклар қоронғи кечада пулемёт ўрнини босарди: ҳар ҳолда уларнинг тариллашини пулемётникидан унчалик ажратиб бўлмасди.

Қуршовда қолган кронштадтликлар зим-зиё қоронғилик ичида тариллаган жуда кўп «пулемётларнинг» овозини, ўз пойлоқчиларининг ҳовлиқиб ўқ узишини, казакларнинг суронини, яқинлашиб келаётган отларнинг олатасирини эшитган ҳамон душман орасини ёриб, Донга қараб қочишди, бироқ суворий

www.ziyouz.com kutubxonasi

лар ҳужумига бардош беролмай орқага қайтишди. Натижада бутун бошлиқ полкдан бир неча одамгина баҳорда тўлиб тошган Дондан сузиб ўтиб қутулган эди.

Май ойида қўзғолончилар фронтида жанг қилаётган қизилларга Донец томондан устма-уст мадад кучлари келиб қўшилаверди. 33-нчи Кубань дивизияси келгандан кейин, Григорий Мелехов ҳақиқий зарба нима эканлигини умрида биринчи марта ҳис этди. Кубанликлар унинг 1-нчи дивизиясини олдиларига солиб қувдилар; Григорий кетма-кет ҳамма қишлоқларни бўшатиб шимолга, Дон томонга чекина бошлади. Чир чегарасига етгач, Каргин станицаси ёнида у бир кун тўхтади, лекин ўзидан кучли бўлган қизилларнинг ҳужумига бардош беролмай, Каргинни таслим этишга ва шошилинч суратда мадад сўрашга мажбур бўлди.

Кондрат Медведев ўз дивизиясидан саккизта суворий сотняни унга юборди. Унинг казаклари анжом ва кийим-бош билан яхши таъминланган эди. Уларнинг патрони мўл, уст-боши, оёқ кийими бекам-кўст бўлиб, ҳаммасини асир тушган қизил аскарлардан шилиб олишган эди. Казансклик казакларнинг кўпчилиги кун иссиқлигига қарамай, чарм курткаларини кўз-кўз қилиб юришарди, деярли ҳаммаси ё наган, ё дурбин тақиб олганди. Казанскликлар тиккасига бостириб келаётган 33-нчи Кубань дивизиясининг ҳужумини бир неча вақтгача тўхтатиб турди. Григорий шу пайтдан фойдаланиб бир кунга Вёшенскаяга бориб-келишга қарор қилди, чунки Кудинов уни мажлисга чақира бериб безор қилган эди.

LVIII

Григорий каллаи саҳарда Вёшенскаяга кириб борди.

Доннинг тошқин суви пасая бошлаган эди. Терак кучалаларининг елимдай ёпишқоқ чучмал ҳидлари ҳавода анқиб юрарди. Эман дарахтлари тўқ-яшил баргларини шилдиратиб, Дон бўйида мудрашарди. Сув кетиб, очилиб қолган ерлардан буғ кўтариларди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бундай жойларда аллақачон кўкат униб, найча бўлиб қолган эди, лекин пастқам жойларнинг суви ҳали ҳам тарқамай йилтираб ётар, сув буқаларининг бўкирган овози келарди. Тонг отиб офтоб кўтарилганига қарамай, балчиқ ҳидига тўлган зах ҳавода лак-лак чивинлар қайнар эди.

Штабда сўлоғи чиққан ёзув машинка тиқир-тиқир қилар, уй ичи одамга, тамаки тутунига тўлган эди.

Кудинов ғалати бир иш билан банд бўлган вақтда, Григорий устига бориб қолди. Кудинов астагина кириб келган Григорийга эътибор бермасдан, астойдил, ҳафсала билан каттакон йилтироқ кўк пашшанинг оёқларини юлар эди. Оёқларини узиб ташлаб, пашшани кафт орасига оларди-да, қулоғи тагига обориб, бошини энгаштирар, пашшанинг гоҳ ғўнғиллаганини, гоҳ чивиндай ғинғиллаганини тингларди.

У Григорийни кўриб қолди-да, жиркангандай, жаҳл билан пашшани стол тагига ташлади, кафтини шимига артди-ю, ишқаланавериб йиртилиб кетган курсига ясланиб олди.

— Ўтир, Григорий Пантелеевич.

— Саломатмисан?

— Ҳей, саломатлигим-ку жойида-я, лекинига ишнинг мазаси йўқ. Хўш, у ёқда нима гаплар бор? Аҳволинг тангми?

— Танг бўлганда қандоғ!

— Чир бўйида тўхтаб турибсанми?

— Ҳа, лекин узоқ вақтгача туролмасман. Яхшики, казанскликлар жонимга ора киришди.

— Гап бундай, Мелехов, — Кудинов хомтеридан қилинган кавказча камарининг учини бармоғига ўраб, унинг қорайган кумуш тўқасига жўрттага зеҳн солиб тикилиб қолди. — Бундан ҳам баттар аҳволга тушадиганга ўхшаймиз. Донецда нима бўлаётганига сира тушунмайман. Ё бизникилар қизилларни орқага суриб, фронтни тилка-тилка қилишяпти, ё бўлмаса ҳамма касофат бизда эканини қизиллар тушуниб, энди бизни исканжага олишмоқчи.

— Қадетларда қандай янгилик бор? Сўнгги аэроплан билан бирон хабар юборишибдими?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Арзийдиган ҳеч гап йўқ. Улар сенминам мендан муҳим сирларни яширадилар, биродар. Сидорин — учига чиққан туллак! Ўла қолса ҳам бировга ёрилмайди. Уларда бир план бор: қизиллар фронтини ёриб, бизга мадад юборишмоқчи. «Ёрдам берамиз» деб ваъда қилишган эди. Бироқ, ҳаммаям ваъдага вафо қилавермайди. Фронтни ёриб ўтиш ҳам осон гап эмас, бир вақтлар генерал Брусиловминам фронтни ёриб ўтганмиз, бунинг нималигини биламан. Қизилларнинг Донецда қанча кучи борлигини сенминам мен қайдан биламиз? Балки улар Колчак фронтидан бир неча корпусни олиб келиб ишга солишгандир, нима дединг? Оламда нима бўлаётганидан бехабармиз! Тумшуғимиз тагидан сал нарироқдаги нарсани кўролмаймиз!

— Мен билан нима тўғрида гаплашмоқчи эдинг? Қанақа мажлис?— деб сўради Григорий зериккандай, эснаб.

Григорий қўзғолон оқибати учун унчалик қайғурмас, бу нарса уни ортиқ қизиқтирмасди. Йил ўн икки ой шу масала атрофида, хирмонда увол тошни судраган от сингари, гир айланиб бош қотиравериб, ахийри: «Совет ҳукумати билан энди бизни ҳеч ким яраштиролмайди, чунки иккала ёқдан ҳам жуда кўп қон тўкилди, кадетлар бўлса, ҳозирча кифтимизга қоқишяпти, лекин, охири келиб елкамизга миниши муқаррар. Сатқаи саримга! Бўлганича бўлар!» деб қўл силтаб қўйган эди.

Кудинов харитани ёйди-да, ҳали ҳам Григорийга қарамасдан гапира бошлади:

— Бу ерда биз сен келмасдан бурун ўзаро маслаҳатлашиб, шундай қарорга келдик...

— Ким билан маслаҳатлашдинг, кенас биланми?— деб гапни бўлди Григорий; қиш куни шу уйда бўлган мажлис ва кавказлик подполковник эсига тушган эди.

Кудиновнинг қовоғи осилиб, ранги ўзгариб кетди.

— Ҳозир у орамизда йўқ.

— Нима дединг?— Григорий ҳовлиқиб кетди.

— Мен сенга айтганим йўқмиди? Ўртоқ Георгидзени ўлдиришди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Сен билан менга ўртоқ эмас эди у... Ошланган тери пўстин эгнидан тушгунча ноилож ўртоқ эди. Борди-ю,— худо кўрсатмасин, тирик қолиб кадетларга қўшилиб олгандами, эртаси куниёқ мўйловини бўяб, олифта бўлворарди-да, қўл бериб кўришиш ўрнига жимжилоғининг учини мана бундай узатарди,— Григорий қоп-қора кир бармоғини чўзиб, хохолаб кулиб юборди, тишлари йилтираб кетди.

Кудиновнинг қовоғи баттар осилиб кетди. Унинг ранжиганлиги, бир оз жаҳли чиққанлиги кўзларидан ҳам, овозидан ҳам сезилиб турарди:

— Бу ерда куладиган гап йўқ. Ўлган одамни кулиб масхара қилиб бўлмайди. Сен худди Ванюшка тентакка ўхшаб қопсан, ука. Биров: «ўлди», деса, сен: «Баттар бўлсин?» деб куласан.

Кудиновнинг бу гапидан Григорий бир оз ранжиган бўлса-да, сир бой бермасдан кулги билан енгди.

— Бундай одамлар ўлса, парво қилиш керакмас. Бунақа қўли оппоқ, юзи оппоқ олифталарга юрагим сира ачимайди.

— Шундай қилиб, уни ўлдириб юборишди.

— Жангдами?

— Нима десамикин... Жудаям ғалати воқеа: қанчалик суриштирсам ҳам тагига етолмадим. Менинг буйруғимминам у обозга юборилган эди. Ҳар ҳолда, казакларминам чиқишолмаган бўлса керак. Дударев станицаси ёнида жанг бошланганда ўша обоз жанг майдонидан икки чақирим чамаси берида экан. Георгидзе арава шотиси устида ўтирган экан (казаклар менга шундай деб айтишди), ана ўша ерда дайди ўқ тегиб кетганмиш. Тил тортмай ўлибди. Казаклар аблаҳлик қилиб, ўзлари ўлдиришган бўлса керак...

— Ўлдиришган бўлса савоб иш қилишибди!

— Бўлди-да, энди! Ҳадеб тишга тегаверасанми?

— Жаҳлинг чиқмасин. Мен ҳазиллашяпман.

— Баъзан ҳазилниям суюқлаштирворасан... Сен нон кўрлик қилма: тузини ичиб, тузлиқни булғаган одамга ўхшайсан. Сенингча, офицерларни ўлдиравериш керакми? Ҳамон «йўқолсин погон», деб бақирай-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ликми? Қачон сенга ақл кираркин, Григорий? Одам деган ҳар қадамда янглишавермайди-да!

— Ҳовлиқмасдан гапиравер!

— Нимасини гапираман? Билдимки, казаклар ўлдирган; ўша ерга бориб казаклар билан мулойимгина гаплашдим. «Яна қадимги кирдикорни бошладингларми, итваччалар? Тағин ҳовлиқиб офицерларни отишга тушдингларми? Бултур кузда-ку, ҳаммасини отиб қўйиб, қизиллар адабларингни бергандан кейин, офицер қидириб қолувдинглар. Ахир, ўзларинг тиз чўкиб бориб: «Бизга командир бўл, раҳбарлик қил!» деб ялинган эдинглар-ку. Эски одатларингни яна қиляпсанларми!» деб койидим, изза қилдим. Ҳамма баб-баравар: «Худо урсин, биз уни ўлдирганимиз йўқ» деб тониб турволди. Лекин безрайган ўғри кўзларидан кўриб турипманки, уни шу ж...ларнинг ўзи ўлдирган? Улардан нима талаб қилиш мумкин? Бошларидан сийворсанг, оби раҳмат ёғди деб безрайиб тураверишади.— Кудинов жаҳл билан камарини мижиғлади, қизариб кетди.— Билимдон бир кишини бекордан-бекорга ўлдириб юборишди, мана энди усиз оёқ-қўлим боғлиқ. Ким план тузади? Ким маслаҳат беради? Сенминан мен шунақа гапларга устамизу, стратегия-тактика масаласига келганда-оғзинг қани деса, қулоғимизни кўрсатамиз. Яхшиям Петро Богатирев учиб келди, йўқса, маслаҳатлашадиган одам қолмовди... Ҳа, майли, бу гапни бас қилайлик! Масала бундай: агар бизникилар Донец томондан қизиллар фронтини ёриб ўтолмаса, биз бу ерда узоқ туролмаймиз. Шунинг учун илгариги гапгап: ўттиз минглик армия билан фронтни ёриб ўтиб чекинишга қарор қилдик. Агар сиқиб келишса, Донгача чекиниб боравер, Усть-Хопердан то Казанскка довур дарёнинг ўнг қирғоғини қизилларга бўшатиб берамиз. Доннинг устида траншея қазиб, ўрнашиб оламизда, ўзимни ўзимиз мудофаа қилаверамиз.

Эшикни биров қаттиқ тақиллатди.

— Ким у? Киравер!— деб шанғиллади Кудинов.

6-нчи бригада командири Григорий Богатирев кирди. Унинг терлаб кетган қип-қизил соғлом юзи йилтирар, сарғайиб кетган қошлари чимирилган эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тердан аврасигача ҳўл бўлиб кетган фуражкасини олмасдан стол ёнига ўтирди.

Кудинов унга тикилиб:

— Нима ишминам келдинг?— деб сўради кулимсираб.

— Патрон берасан.

— Бердим-ку! Патронга тўясанми ўзинг? Нима, бу ерда менинг патрон заводим борми?

— Ахир, қанча патрон бердинг? Одам бошига биттаданми? Улар мени пулемётлардан ўққа тутишяпти, мен бўлсам, икки букилиб, биқиниб ётибман. Шуям уруш бўлдими? Азоб-уқубат-ку! Туриб-туриб йиғлаворгинг келади. Мана аҳвол!..

— Бир оз сабр қил, Богатирев, бу ерда муҳим гап бор, бироқ Богатирев кетмоқчи бўлиб ўрнидан турганини кўриб:— тўхта, кетмай тур, сендан яширадиган сиримиз йўқ...— деди.— Гап шундай, Мелехов, агар дарёнинг бу томонида қололмасак, фронтни ёриб ўтишга бел боғлаймиз. Сафда бўлмаган ҳамма одамни қолдирамиз, обозлардан кечамизу, пиёда аскарни араваларга солиб, учта батареяни олиб, Донецга ўтиб олишга ҳаракат қиламиз. Сен ўз одамларинг билан олдинга тушиб, йўл очиб берасан. Қаршимасмисан?

— Менга барибир. Аммо, лекин бола-чақаларимиз нима бўлади? Хотин-халаж, чолларимиздан ажраймиз экан-да.

— Бошқа илож йўқ. Ҳаммамиз баравар қирилгандан кўра, шулардан ажраганимиз маъқулроқ.

Кудинов лабларининг икки четини осилтириб, анчагача индамай турди-да, ниҳоят, стол қутисидан газета олди.

— Айтгандай, яна битта янгилик бор: аскарларига раҳбарлик қилмоқ учун бош қўмондоннинг ўзи келибди. Эшитишимга қараганда, у ҳозир Миллеровода ё Кантемировкада бўлса керак. Улар бизга қаттиқ тикилган!

Григорий ишонмасдан:

— Аниқ гапми?— деб сўради.

— Аниқ, аниқ гап! Мана, ўқиб кўр. Казанскликлар менга юборишган экан. Кеча эрталаб Шумилин разъ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ездининг нарёғида бизнинг одамлар икки отлиққа дуч келишибди. Иккаласи ҳам қизил курсантлардан экан. Қазаклар икковиниям чопиб ўлдиришибди, биттаси ўрта яшармиш, комиссар бўлсаям ажабмас,— ўшанинг планшеткасидан шу ойнинг ўн иккинчи куни чиққан мана шу «В пути» номли газета топилибди. Қизиллар бизни жудаям ғалати қилиб тасвирлашибдида!— Кудинов бир чети тамаки ўраш учун йиртиб олинган газетани Мелеховга узатди.

Григорий остига кўк қалам билан чизиб қўйилган мақола сарлавҳасига наридан-бери кўз югуртириб чиқди-да, ўқий бошлади.

ФРОНТ ОРҚАСИДАГИ ҚЎЗҒОЛОН

«Дон казакларининг қўзғолони бир неча ҳафталардан бери давом этмоқда: Қўзғолон Деникин агентлари ва аксилинқилобчи офицерлар томонидан ташкил қилинган. Казакларнинг кулак табақалари унга таянч бўлган. Ўртаҳол казакларнинг анчагина қисмини кулаклар ўз орқасидан эргаштирган. Ҳар ҳолда Совет ҳукуматининг айрим вакиллари казакларга нисбатан бирор адолатсизлик қилган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Деникин агентлари ана шу нарсалардан фойдаланиб, қўзғолон алангасини авж олдирганлар. Оқ гвардиячи аблаҳлар эса, ўртаҳол казакларга яхши кўриниш учун қўзғолон кўтарган районларда ўзларини Совет ҳокимияти тарафдори қилиб кўрсатмоқчи бўладилар. Бунинг натижасида аксилинқилобчилик найранги, кулаклар манфаати ҳамда казаклар оммасининг нодонлиги вақтинча бирлашиб, Жанубий фронтдаги армиямизнинг орқа томонида жиноятқорона фитна чиқишига сабаб бўлди. Армиянинг орқа томонидаги қўзғолон елкага чиққан чипқондек гап. Урушмоқ учун, совет мамлакатини мудофаа қилмоқ учун, деникинчи помешчик шайкаларини тор-мор этмоқ учун, аввало ишчи-деҳқон армиясининг орқа томони тинч, ишончли ва мустаҳкам бўлмоғи шарт. Шунинг учун ҳозирги энг муҳим вазифа Донни қўзғолондан ва қўзғолончилардан тозалашдир.

Марказий Совет ҳукумати бу масалани энг қисқа муддат ичида ҳал қилишни буюрди. Хоин аксилинқилобий қўзғолонга қарши курашаётган экспедицион аскарлардан энг яхши мададчи кучлар ёрдамга келди ва келиб қўшилмоқда. Энг ўткир ташки-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лотчи ходимлар бу зарур вазифани ҳал қилмоқ учун ўша ерга жўнатилмоқда.

Қўзғолонни тезроқ тугатиш лозим. Бизнинг қизил аскарларимиз шу нарсани яхши тушуниб олсинларки, Вёшенская, Елан ёки Буканов станицаларидаги исёнчилар Деникин ва Колчак каби оқ гвардиячи генералларнинг дастёрларидир. Қўзғолон қанчалик узоқ чўзилса, ҳар икки томондан шунча кўп қон тўкилади. Хунрезликка барҳам бермоқ учун бирдан-бир йўл: исёнчиларга тезлик билан қақшатғич зарба беришдир.

Исённи тор-мор қилиш лозим. Елкага чиққан чипқонни ёриб, қизиган темир билан куйдириш даркор. Ана ўшанда душманга ўлим зарбасини бермоқ учун Жанубий фронтимизнинг қўли бўшайди».

Григорий ўқиб бўлиб, ғамгин илжайди. Мақола унинг жаҳлини чиқарди. «Қаламни бир тебратиш билан бизни Деникинга дастёр қилиб қўйишибди...»

— Қалай, боплабдими? Қизиган темир билан куйдиришмоқчи. Кўрамиз ҳали, ким кимни куйдиришини! Шундайми, Мелехов?— Кудинов бир лаҳза жавоб кутиб турди-да, Богатиревга мурожаат қилди:— Патрон керакми? Берамиз! Бригадангдаги ҳар бир отлиққа ўттизтадан патрон берамиз. Етадими?.. Складга бориб оловур. Сен таъминот бўлимининг бошлиғига учрашгин, ордер ёзиб беради. Сен энди, Богатирев, қилични кўпроқ ишлат, ҳийла-ю найрангни ишга сол, мундан яхши йўл йўқ!

— Жуҳутдан жузя!— деб кулди-да Богатирев, хайрлашиб чиқиб кетди.

Яқин орада Донга чекиниш масаласида Кудинов билан бир қарорга келгандан сўнг Григорий Мелехов ҳам қўзғалди. Кетар олдида:

— Агар мен бутун дивизиямни Базкига олиб келсам, дарёдан нимада ўтамиз?— деб сўради.

— Шунгаям ташвишми? Отлиқ аскар Дондан сузиб ўтади. Бирон жойда суворий аскарнинг дарёдан ўтказиб қўйилганини кўрганмисан?

— Менда Дон бўйидаги одамлар жуда оз, шуни унутма. Чирлик казаклар юзишни билмайди. Умрини даштда ўтказган, юзишни қайдан билсин. Улар ҳаммаси чўкиб ўлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳечқиси йўқ: от устида ўтаверади. Биз маневрларда дарёдан шундай қилиб ўтардик, герман урушидаям кўпинча шундай қилганмиз.

— Мен пиёда аскар тўғрисида гапиряппан.

— Паром бор. Қайиқлар тайёрлаймиз, хотиржам бўл.

— Аҳоли ҳам қўшилиб ўтади.

— Биламан.

— Ҳамма нарсани тахт қилиб қўй, биронта одам қолиб кетмасин тағин, худди кекирдагингни суғуриб оламан-а! Халқимиз қолиб кетса, яхши иш бўлмайди.

— Ҳамма нарсани тахт қилиб қўяман.

— Тўпларни нима қиламиз?

— Мортир тўпларни портлатгин, уч дюймалиларни шу ерга олиб кел. Қайиқларни қўшоқ-қўшоқ қилиб, тўпларни нариги қирғоққа ўтказиб оламиз.

Григорий газетадаги мақола таъсири остида штабдан чиқди.

«Келиб-келиб Деникиннинг дастёри, деган номга эга бўлдик... Дарвоқе, биз киммиз? Нафсиламр, дастёрнинг ўзгинасимиз. Аччиқ ҳақиқат гап дарров қаттиқ ботди...» Григорий марҳум Яков Тақачи айтган гапларни эслади. Бир куни у Каргинда ўз қўшхонасига кечаси қайтиб келаётиб, майдондаги уйлардан бирига жойлашган тўпчилар ёнига кирган эди; даҳлизда этигини супургига артаётиб, Яков Тақачининг аллаким билан баҳслашаётганини эшитиб қолганди: «Ўз бошимизга мустақил бўлволдик, дедингми? Энди ўзимиз хон, ўзимиз бек бўламизми? Балли сенга! Калла деб хом ошқовоқни кўтариб юрибсан! Гапнинг очиғи шуки, биз ҳозир дайди кучукка ўхшаб қолдик: баъзи бир ит бирон номаъқулчилик қилиб қўйиб, уйдан қочади, хўш, қайга бора олади? Бўриларга қўшилай деса, биладики, улар ваҳшийлар жинсидан, уйга қайтай деса, эгасининг калтагидан қўрқади. Биз ҳам шу аҳволга тушганмиз. Шу гап қулоғингда бўлсин; бир кунмас бир кун биз думимизни қисиб, кадетлар оёғига йиқиламизу, товонларини ялаймиз. «Жон биродарлар, раҳм қилинг, гуноҳимизни кечиринг, бизларни даргоҳингизга қабул қилинг!»— деб ялинамиз. Мана

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўрарсан, худди шундай бўлади, сенга бир айтдим-қўйдим!» деган эди ўшанда Яков Тақачи.

Григорий ўша Климовка ёнидаги жангда матросларни чопиб ўлдирганидан бери кўнгли муздай совиб, ҳеч нарсага қизиқмайдиган бўлиб қолган эди. Кулиш нималигини, севиниш нималигини унутган, боши хам бўлган эди. Иттифоқо, ўлган Иван Алексеевичга юраги жаз этиб ачишгандай бўлди-ю, сал орада раҳмдиллик ҳисси яна кўнглидан кўтарилди. Унинг учун дунёда биттагина нарса қолган эди (ўзича шундай гумон қиларди), бу — Аксиньяга нисбатан бўлган эҳтиросининг яна жўш уриб уйғонганлиги эди. Кузда қоп-қоронғи аёз кечада адашиб юрган мусофирни даштнинг бир бурчагида йилтираган гулхан ўзига қандай жалб қилса, Аксинья уни ўзига шундай тортарди.

Мана ҳозир ҳам, штабдан келаётиб, Аксиньяни эслади: «Биз-ку, чекинамиз-а, у нима бўлади?— деб ўйланди-да, иккиланмасдан, бош қотирмасдан дарҳол масалани ҳал қилди-қўйди:— Наталья болаларига бош бўлиб онам билан қолади, Аксиньяни ўзим билан олиб кетаман. Остига от бераман, штабим ёнида юраверсин».

Григорий Дондан ўтиб, Базкидаги қўшхонасига борди. Қўйин дафтарчасидан бир варақ йиртиб олиб, қуйидаги хатни ёзди:

«Ксюша! Эҳтимолки, биз Доннинг чап қирғоғига чекинишга мажбур бўлармиз; ҳамма нарсангдан кечгину, тўғри Вёшкига етиб келгин. Мени ўша ерда топасан, иккимиз бирга бўламиз».

Хатни суюқ олча елими билан ёпиштирди-да, Прохор Зиковга берди. Қизариб-бўзариб, Прохорга сир бой бермаслик учун жўрттага юзига қаҳрли тус бериб:

— Татарскка бор, манави хатни Аксинья Астаховага топшир,— деди.— Эҳтиёт бўл, хат берганингни ҳеч ким билмасин, масалан, бизнинг уйдагилардан биронтаси кўриб қолмасин тағин... Тушундингми? Яхшиси, кечаси обкириб бер. Жавоби керакмас. Энди буёғини эшит: сенга икки суткалик отпуска бераман. Хайр энди, жўнайвер!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Прохор оти олдига кетаётганда Григорийнинг эсига бир нима тушиб, уни қайтарди.

— Бизнинг уйга кириб онамга ё Натальяга тайинлагин: кийим-кечак ва бошқа арзийдиган буюмларни барвақтроқ бу томонга ўтказиб қўйишсин. Дон-дунни ўрага кўмишсин, молларни Дондан ҳайдаб ўтказишсин.

LIX

22 майда қўзғолончилар аскари ўнг қирғоқни ташлаб, чекина бошлади. Қисмлар ҳар маррада бир тўхтаб, жанг билан чекинишарди. Даш томондаги қишлоқларнинг аҳолиси ваҳимага тушиб, Дон бўйига қочиб кела бошлади. Чоллар билан аёллар рўзғорларида қолган от-уловни қўшиб, сандиқларни, уй анжомларини, дон-дунни юклаб гўдакларни аравага ўтқазишган эди. Ҳар ким ўз сигир ва қўйларини подадан ажратиб олиб, ҳайда-ҳайдага тушган эди. Сон-саноқсиз аравалар армиядан ўзиб, Дон бўйидаги қишлоқлар томон келарди.

Бош қўмондон штабининг буйруғига мувофиқ пиёда аскарлар бир кун олдин чекина бошлади. Татарсклик пиёда казаклар билан ўзга юртлардан кўчиб келган кишилардан тузилган вёшенскаялик пиёда дружина 21 май куни Усть-Хопер станицасига қарашли Чеботарев қишлоғидан чиқиб, қирқ чақиримдан ортиқроқ йўл босганидан кейин Вёшенская станицасининг Рибний қишлоғида тунади.

22 май куни эрталабданоқ бутун осмонни оппоқ парда қоплаб олди. Ғира-шира ёришган бепоён осмонда биронта булут парчаси кўринмасди, фақат жануб томонда, Дон бўйидаги довон устида бир парча қизғиш-шаффоф булут қуёш кўтарилиши олдидан пайдо бўлди. Унинг кун чиқишига ўгирилган томони қипқизил қонга ўхшаб яллиғланарди. Муздай шабнамга тўйган чап қирғоқдаги қумтепалар ортидан қуёш кўтарилиши биланоқ, булут кўздан ғойиб бўлди. Пичанзор орасида қизилоёқлар чийиллаб сайрашар, қаноти ингичка кўм-кўк балиқчи қушлар Доннинг саёз жойларига шўнғиб, кумушдай йилтироқ балиқчаларни ўткир тумшуқлари билан тишлаб, ҳавога кўтарилишарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тушга яқин кун саратондагидек қизиб кетди. Худди ёмғир ёғадиганга ўхшаб ҳаво дим эди. Кун чиқмасдан илгари шарқдан Дон бўйлаб келаётган қочоқларнинг аравалари Вёшенскаяга йўл олган эди. Гетман йўлида арава ғилдиракларининг шалдираши бир дам тинмасди. Отларнинг кишнаши, ҳўкизларнинг бўкириши ва одамлар овози тоғдан то сойликкача эшитиларди.

Икки юзга яқин жангчидан ташкил топган вёшенскаялик дружина ҳали ҳам Рибний қишлоғидан қўзғалмаган эди. Эрталаб соат ўнларда Вёшенскаядан буйруқ келди, унда: «Дружина Катта Громки қишлоғига ўтсин, Гетман йўлига ва ҳамма кўчаларга одам қўйилиб, хизмат ёшида бўлган казакларни Вёшенскаяга ўтказмай, ушлаб қолинсин» дейилган эди.

Вёшенская томон қочиб келаётган одамларнинг олдинги аравалари Громкига етди. Чангга беланган, офтобда қорайиб кетган аёллар молларини ҳайдашар, отлиқлар йўл ёқасидан келишарди. Ғижирлаган ғилдираклар, пишқирган отлар, маъраган сигирлар, қўйлар, йиғлаган болалар, инграган касаллар (тиф касали билан оғриганларни ҳам аравага солиб олишган эди) овозлари олчазор ичида жимгина ётган қишлоқни бошига кўтарган эди. Бир-бирига қўшилиб кетган бу хилма-хил овозлар шу қадар ваҳимали эдики, қишлоқ итлари акиллайвериб, овозлари хиппа бўғилди, ҳозир энди ҳар бир пиёда кишига илгаригидек ташланмас, аравалар кетидан бир чақирим жойгача эргашиб бормас эди.

Прохор Зиков икки сутка уйида меҳмон бўлди. Григорийнинг хатини Аксинья Астаховага топшириб, тайинлаган гапларини Ильинична билан Натальяга айтиб, йигирма иккинчида йўлга чиқди.

У ўз сотнясига Базкида етиб олишни мўлжаллаганди. Лекин тўпларнинг гумбурлаши Дон бўйидан эшитилиб турар, худди Чирнинг ёнгинасида отилаётгандай туюларди, шунинг учун, жанг қизиган томонга боргиси келмади-да, бир амаллаб Базкига бориб олишга ва Григорийнинг 1-нчи дивизияси Донга етиб келгунча, ўша ерда кутишга жазм қилди.

Прохор Громки қишлоғига келар экан, қочоқлар

www.ziyouz.com kutubxonasi

тушган аравалар ундан ўзиб кетар эдилар. У шошмасдан, отини чоптирмасдан секин-аста келарди, шошиладиган иши ҳам йўқ эди. Рубежиндан чиққач, яқинда ташкил топган Усть-Хопер полкининг штабига ҳамроҳ бўлиб олди.

Бу штаб битта рессорли дрожки[1] билан иккита жўн аравага жойлашган эди. Арава кетларига штаб ходимларининг олтита эгарлоғлик отлари боғланганди. Бир аравага телефон аппаратлари ва аллақандай қоғозлар ортилган бўлиб, дрожкида ёши қайтган ярадор казак билан яна битта одам ётарди; чўпдай озиб кетган, қирра бурунли, офицерча қоракўл папоқ кийган бу одам бошини эгар ёстиқчасидан кўтармасди. Афтидан, яқиндагина терлама касалидан ўнглангани кўриниб турарди. Оғиз-бурнигача шинелга бурканиб, чўзилиб ётарди; оқариб кетган дўнг пешонасига, сумакдай бўлиб қолган йилтироқ бурнига чанг қўнар, лекин у бирор иссиқ нарса билан оёқларини ўраб қўйишни дамба-дам илтимос қилар, қоқ суяк, пайдор қўли билан пешона терини артиб, сўкинарди:

— Аблаҳлар! Ҳайвонлар! Оёғимга шамол тегяпти, эшитдингларми? Поликарп, эшитдингми, йўқми? Шолча ташлаб қўйинглар! Соғлигимда керак бўлувдим, энди ҳамманг мендан...— деб киртайган сўник кўзларини аланглатиб атрофга қаранарди.

Номи тилга олинган Поликарп эса, новча бўйли, норғилдан келган эски мазҳабли йигит эди; у дамбадам отдан тушиб, арава олдига борар ва:

— Бу аҳволда баттар совуқ ейсиз, Самойло Иванович,— дерди.

— Устимни ёп, деяппан сенга!

Поликарп «ҳўп» деб унинг айтганини қилар ва жойига қайтарди.

Прохор кўзи билан беморни кўрсатиб:

— Бу ўзи ким?— деб сўради Поликарпдан.

— Устмедведицалик офицер. Бизнинг штабимизда юрардилар.

Усть-Хоперга қарашли Тюковно, Боброво, Круто-

---

[1] Тўрт ғилдиракли енгил арава (*Тарж.*).

www.ziyouz.com kutubxonasi

во, Зимовно ва бошқа қишлоқлардан чиққан қочоқлар ҳам штабга эргашиб борар эдилар.

Том баравар қилиб бало-ю баттар ортилган арава устида қўнқайиб ўтирган бир чолдан Прохор:

— Сенга бало борми, қайси гўрга ошиқасан?— деб сўради.

— Биз ҳам Вёшкига етиб олмоқчимиз.

— Сизларни биров Вёшкига чақирдими?

— Чақиргани-ку йўғ-а, бироқ кимни ўлимга тоби бор дейсан, болам? Ваҳим босгандан кейин чақирмасаям бораверасан.

— Сўраганимнинг сабаби бор: Вёшкидан бошқа жой қуриб кетдими? Елан ёнида дарёдан ўта қолсаларинг-ку, мунча қийналмасдиларинг демоқчиман.

— Нимада ўтамиз? Одамлар у ерда паром йўқ дейишли.

— Хўш, Вёшкида нимада ўтасиз? Ҳаммани қўйиб, сенинг лаш-лушингга паром беради деб ўйлайсанми? Аскарларни қирғоқда қолдириб, сени арава-параванг билан ўтказиб қўйишсинми? Ҳей, буважон, ҳамманг ҳам эсингни еб қопсан! Орқа-ўнгини суриштирмай, боши оғган томонга жўнайвериш керак экан-да.— Прохор арава ёнига яқинроқ борди-да, энсаси қотиб:— Шунча юкни нега аравага ортиб олдинг?— деб сўради аравадаги тугунларни қамчиси билан кўрсатиб.

— Нима десанг, топилади! Қийим-кечак ҳам бор, хомут ҳам, ун ҳам, ишқилиб, керакли тошнинг оғирлиги йўқ дегандай, ҳаммасидан бор... Ташлашга кўзим қиймади. Қуп-қуруқ бир уйга кириб борсам, асқатади. Шуни ўйлаб, бир жуфт отминам уч жуфт ҳўкиз қўшдиму, аравага сиққанича юкладим, устига хотинларни ўтирғизиб жўнайвердим. Ҳей, болам, мен бу нарсаларни пешона териминам, кўз ёшиминам, белимнинг кучиминам қийналиб топганман, ташлаб кетаверсам увол бўлмайдими? Иложини топсам, уйимниям аравага ортардим, қизилларга қолдирмасдим. Жин урсин уларни!

— Хўш, манови қақир-қуқурни олмасанг, кунинг ўтмасмиди? Еинки, манови курсиларни ортиб, сенга

www.ziyouz.com kutubxonasi

нима зарил келди? Қизиллар бунақа матони бошига урадими!

— Сен жудаям ғалати экансан-ку... Қолдиришнинг иложи бўлмади, ахир! Қолдирсам, қизиллар ё синдиришади, ё ўтга ёқишади. Йўқ, мен уларга анойи эмасман. Балога гирифтор бўлишсин! Уйимда борини аравага босдим!

Оёғини аранг судраб келаётган семиз отларга чол қамчи ўқталди-да, кетига бурилиб қаради ва орқада келаётган учинчи ҳўкиз аравани қамчи учи билан кўрсатиб:

— Ҳув анави ҳўкиз ҳайдаб келаётган, рўмол ўраган қиз, менинг қизим бўлади,— деди.— Ўша аравада болалаган чўчқа бор. Ўзи бўғоз эди, аравага ортятканимизда қорни эзилган бўлса керак, кечаси аравада болалаб қўйди. Ана, мечкайлари чийиллашяпти, эшитяпсанми? Йўқ, қизилларга мен битта чўп ҳам қолдирганим йўқ, арвоҳ урсин уларни!

— Мабодо паром ёнида сени кўриб қолсам-чи, бува!— деди Прохор ғазаб билан чолнинг терлаб-пишган кепчикдай башарасига тикилиб.— Паром ёнида кўзимга кўринсанг, тамомий ашқол-дашқолингни чўчқа-пўчқаларинг билан қўшиб Донга ағдараман!

— Мен нима гуноҳ қилдим?— чолнинг кўзлари қинидан чиқиб кета ёзди.

— Гуноҳинг шуки, одамлар қирилиб, бор-йўғидан ажралиб турган бир маҳалда, сен шайтон, ўргимчакка ўхшаб илинганини судраб кетяпсан!— деб бақирди, доим секин гапириб ўрганган ювош Прохор.— Сен сиёқли гандахўрларни жиним ёқтирмайди! Сендақаларни кўрсам, жоним халқумимга келади!

— Йўлингдан қолма! Кетавер!— чол жаҳл билан юзини тескари ўгириб, бурнини тортди.— Сендақа амалдорни қара-ю! Бировнинг мол-мулкини Донга ағдарармиш... Мен уни «яхши йигит экан» деб, кўнглим тортиб гапирсам... Мениям ўғлим вахмистр, ҳозир бир сотня аскарминан қизилларни тўсиб турибди... Ана катта кўча, марҳамат, ўтавер! Бировнинг мол-мулкига кўз олайтирма! Ўзинг ҳам тузукроқ дунё орттирсанг, кўзинг мунчалик алангламасди!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Прохор от чоптириб кетди. Жон-жаҳди билан чийиллаган мечкайнинг овози, она чўчқанинг безовта бўлиб хўриллагани эшитиларди. Мечкайларнинг қийчуви қулоғига бигиздай қадаларди.

Дрожкида ётган офицер изтироб ичида юзини буриштириб, йиғламоқдан бери бўлиб:

— Бу нима бало? Чўчқача қаёқдан пайдо бўлди? Поликарп!.. деб бақирди.

— Бир мечкай аравадан тушиб кетган экан, оёғини ғилдирак босибди,— деб жавоб қилди, отда етиб келган Поликарп.

— Бориб айт, эгасига бориб айтгин, чўчқачани бўғизлаб қўя қолсин. Аравада касаллар бор, дегин... Ўзимиз зўрға кетётканимизда, чийиллагани ошиб тушди-ку. Тезроқ! Бориб айт!

Прохор дрожки ёнига яқин бориб, қирра бурун офицер юзини бужмайтирганини, кўзларини лўқ қилиб, чўчқанинг овозини тинглаганини кўрди. Офицер қоракўл папоғини қулоқларигача бостириб эшитмасликка ҳаракат қиларди...

Поликарп қайтиб келди.

— Эгаси сўйишга унамади, Самойло Иванович. Ўзи тузалиб кетади, дейди, тузалмаса, кечқурун сўярмиз, дейди.

Офицернинг ранги оқариб кетди, зўрғатдан гавдасини кўтариб, оёғини осилтириб ўтириб олди.

— Тўппончам қаерда? Отларни тўхтат! Чўчқанинг эгаси қани? Мен унга кўрсатиб қўяй... Қайси аравада ўзи?

Қурумсоқ чолни ахийри чўчқасини сўйишга мажбур қилишди.

Прохор кула-кула, отини чоптириб, устьхоперликлар карвонидан ўзиб кетди. Бир чақирим чамаси олдинроқда яна бошқа аравалар билан отлиқлар кўринди. Аравалар икки юздан кам эмасди, тарқоқ ҳолда кетаётган отлиқлар қирқтача келарди.

«Паром тепасида қиёмат бўлади энди!»— деб қўйди ичида Прохор.

У араваларга етиб олди. Олға қараб кетаётган араваларнинг бош томонидан қора-тўриқ аслзод от минган бир аёл унга томон ўқдай учиб келаверди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Прохор ёнига етган заҳоти, у жиловни тортди. Остидаги отга ҳашаматли эгар урилган, юган ва ўмилдириқ тўқалари кумушдан, ҳатто эгар қанотларигача яп-янги эди, қоринбоғ ва эгар кўрпачалари асл чармдан қилинган бўлиб, йилтираб турарди. Хотин эгар устида ихчам ўтирар эди, қизил мағиз қўли билан жиловни маҳкам ушлаб олганди; бироқ бўйдор арғумоқ, аёл кишини ёқтирмаганлигидан қон талашган кўзларини ғилтиллатиб, бўйнини гажак қилиб сап-сариқ тишларини иржайтирар: юбка остидан чиқиб турган юмалоқ тиззасини тишламоқчи бўларди.

Аёл янги ювилиб синькага бўялган рўмолини кўзига тушириб танғиб олганди. У рўмолни лабларидан пастроқ туширди-да:

— Амаки, ярадорлар тушган аравани учратганинг йўқми?— деб сўради.

— Кўп учратдим. Нимайди?

— Шўрим қурсин,— деб нолий бошлади жувон,— эримни тополмаяпман. Эрим лазаретминам Усть-Хопердан чиққан экан. Оёғидан ярадор бўпти. Ҳозир яраси маддалаб кетганмиш, ҳамқишлоқларидан «отимни обкелсин» деб айтдириб юборган экан. Манави ўшанинг оти,— қамчиси билан отнинг терлаган бўйнига уриб қўйди,— мен отни эгарладиму, Усть-Хоперга бордим, лазарет йўқ, жўнаб кетибди. У ёқни қидириб кўрдим, бу ёқни қидириб кўрдим, ҳеч дараги йўқ.

Прохор казак хотиннинг ширмойдай лўппи ва чиройли юзига тикилиб тўймас, мулойим ва ёқимли овозидан жони роҳатланарди.

— Уҳ, садағанг кетай! Эрингни қидириб нима қиласан? Қўёвур уни, лазаретдан қолмасин. Шундай оти бўлган сендай соҳибжамолни ҳаммаям жон деб олади! Ўлай агар, мен ҳам йўқ демасдим.

Аёл зўрма-зўраки жилмайиб қўйди-да, бутун гавдаси билан энгашиб туриб, очилиб қолган тиззасини беркитиб олди.

— Сен менга майнавозлик қилмасдан жавоб бер: лазарет учратдингми, йўқми?

— Ҳов анави тўдада касаллар ҳам бор, ярадорлар ҳам,— деди Прохор хўрсиниб қўйиб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Аёл қамчи босди, от олдинги оёқларини кўтариб, кетинги оёқлари устида шартта бурилди-да, чов ораларидаги кўпикларни йилт эткизиб, шаталоқ отди, лўкиллай-лўкиллай, ниҳоят бир текис чопиб кетди.

Аравалар имиллаб борарди. Ҳўкизлар ҳар замонда думларини қимирлатиб, ғўнғиллаган сўналардан ўзларини қўришарди. Кун шу қадар қизиб кетган, ҳаво шу қадар дим эдики, ҳатто йўл ёқасидаги ўсиб-унмаган ёш кунгабоқарларнинг барглари сўлиб, бужмайиб қолар эди.

Прохор яна аравалар қаторига кирди. Одамлар орасида ёш-ёш казакларнинг кўплиги уни ҳайратда қолдирди. Булар ё ўз сотняларини йўқотиб қўйган, ё эса, тўғридан-тўғри дезертирлик қилиб, ўз оилалари билан биргаликда паром томонга йўл олишган эди. Баъзилари сафда минадиган отларини арава кетига боғлаб, ўзлари аравада ётишарди, хотинлари билан гап сотишиб, болаларини овутиб, вақт ўтказишарди. Баъзилари эса, милтиқ қиличларини ечмасданоқ от устида бемалол келишарди. Прохор казакларнинг авзойига қараб: «Ўз қисмларини ташлаб қочишяпти» деган фикрга келди.

Ҳамма ёқни от ва ҳўкизларнинг тер ҳиди, рўзғор анжомларининг, қизиган ғилдиракларнинг, гупчак мойларининг иси босиб кетганди. Ҳўкизлар бошларини энгаштириб зўрғатдан аравани судрашарди. Осилган тиллари учидан маржонга ўхшаш сўлакайлари чанги билқиллаган йўл устига оқиб тушарди. Аравалар соатига тўрт-беш чақирим йўл босарди. Ҳаттоки, от қўшилган аравалар ҳам ҳўкизлардан ўзиб кетолмасди. Қаердандир, йироқдан, жануб томондан замбарак товуши эшитилиши билан ҳамма ҳаракатга келди: икки отлик ва бир отлик аравалар тартибни бузиб, турна қатор бўлиб келаётган аравалар орасидан четга чиқиб олишди. Отлар йўртиб кетди, қамчилар визилаб: «Чу, ҳаром ўлгур! Чу, жонивор!» деган хилма-хил овозлар эшитилди. Ҳўкизлар сағрисига хипчин ва таёқлар келиб туша бошлади, ғилдираклар шалдирай бошлади. Ваҳимага тушган одамлар тезроқ қимирлаб қолди. Ердан бурқсиб кўтарилган иссиқ чанг

www.ziyouz.com kutubxonasi

буралиб-буралиб орқа томонга сузиб кетди, бориб-бориб экинлар ва кўкатлар устига қўна бошлади.

Прохорнинг остидаги чайир от йўл-йўлакай бўйнини чўзиб, гоҳ қашқабедани, гоҳ сариқ гулли шумғияларни, гоҳ аччиқ ўтни юлиб оларди, юлиб оларди-ю, қулоқларини қимирлатиб чайнай бошларди, танглайини қавартирган сувлиқни тили билан чиқармоқчи бўлиб уринарди. Тўп овозини эшитгандан кейин Прохор пошнаси билан унинг биқинига ниқтади, от жонивор ҳам ўтлаб юрадиган пайт эмаслигини тушунгандай, лўкиллаб кетди.

Тўп овозлари тобора зўрая бошлади. Устма-уст отилган ўқларнинг даҳшатли овозлари бир-бирига қўшилиб, иссиқ ҳавони ларзага келтириб, момақалдироқдай янгради.

— Худоё худовондо, ўзинг асра!— деб чўқинди аравада келаётган ёшгина аёл; сути томиб, йилтираб турган пушти ранг маммасини боласининг оғзидан олди-да, тирсиллаган сарғиш кўксини кўйлак ичига беркитди.

— Ҳой, аскар бола!— деб чақирди Прохорни ҳўкизлар ёнида келаётган чол.— Бизникилар отяпканмикин ё ановиларми?

— Қизиллар отяпти, бува. Бизникиларда тўп ўқи йўқ.

— Ё биби Марям, ўз паноҳингда асра!

Чол арқонни қўйиб юборди-да, казакча эски фуражкасини бошидан олиб, юриб кетаётган йўлида юзини кун чиқиш томонга ўгириб чўқинди.

Устини ям-яшил кечки маккажўхори қоплаган ғарб томондаги дўнгнинг орқасида қорамтир сийрак булут пайдо бўлди; бора-бора уфқнинг ярмини эгаллади, осмон қора пардага бурканди.

— Қатта ёнғин, қаранглар!— деб бақирди аллаким аравадан туриб.

— Бу нима бўлиши мумкин?

Ғилдиракларнинг тарақа-туруқи орасидан:

— Қаерга ўт тушибди?— деган овозлар эшитилди.

— Чир бўйига.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Қизиллар Чир бўйидаги қишлоқларга ўт қўйишяпти!

— Худо кўрсатмасин...

— Уни қара, осмонни қоп-қора тутун босиб кетди!

— Бир нечта қишлоқ баравар ёняпти!

— Каргиндан тортиб пастки томон, Чир бўйидаги қишлоқлар ёняпти, айтгандай ҳозир ўша ерда жанг бўляпти...

— Қора дарё томонгаям ўт кетган бўлса-я! Чу десанг-чи, Иван!

— Ана ёнғин, мана ёнғин!

Қора тутун кенг ёйилиб, тобора кўпроқ жойни эгаллаб борарди. Тўпларнинг гумбурлаши тобора авжига чиқарди. Ярим соатдан кейин жанубдан турган шамол, ўттиз беш чақирим наридаги, Чир бўйидаги қишлоқларни кўкка совураётган ёнғиннинг аччиқ ҳидини Гетман йўлига довур учириб келди.

LX

Катта Громки қишлоғига борадиган йўл кўк харсанг тошдан қилинган девор ёнидан ўтарди, сўнгра тикка Донга қараб буриларди-ю, суви қуриган жарга тушарди; бу жар унчалик чуқур бўлмаса ҳам, устига ёғочдан кўприк солинганди.

Қуруқчилик вақтларда жар тагидаги қум сап-сариқ, шағали рангба-ранг тусда йилтираб ётарди, лекин ёзда жала қуйгандан кейин лойқаланган ёмғир сувлари жилға-жилға бўлиб, қирдан тўғри жарга қуйиларди, жилғалар бир-бирига қўшилиб, жар четларини ювиб, тошларни думалатиб, шовиллаганича Донга оқиб тушарди.

Шундай пайтларда кўприкни сув босиб кетарди; орадан бир-икки соат ўтгач, ҳалигина полизларни қийратиб, четанларни қозиғи билан суғуриб кетган сел суви тўхтарди, жар тагидаги ўзан очилиб қолар, ювилиб, топ-тоза бўлиб қолган шағалдан бўр ҳиди келарди, ўзаннинг икки четини сап-сариқ лой босиб кетарди.

Жарнинг икки бетида толу терак қалин ўсган эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ёзнинг энг иссиқ кунларида ҳам бу ер соя-салқин бўларди.

Вёшенскаялик дружинанинг пойлоқчилари салқинга учиб, ана шу кўприк ёнига жойлашди. Булар ўн бир киши эди. Қочоқлар тушган аравалар ҳали бу ерга етиб келмагани учун дружиначилар бемалол кўприк тагида ёнбошлаб карта ўйнашар, тамаки чекишарди, баъзилари, яланғоч бўлволиб, кўйлак-иштонларининг чокларини тимирскилашар, солдат қонини сўриб семирган битларни ўлдиришарди; икки киши взвод командиридан рухсат олиб, Донга чўмилгани кетган эди.

Бироқ уларнинг истироҳати узоққа бормади. Кўп ўтмай қочоқларнинг олдинги аравалари кўприкка етиб келди. Аравалар кетма-кет тиқилиб келди; жимгина салқин тор кўча одамга тўлиб, шов-шув босиб кетди, аравалар гўё қир ва даштнинг иссиғи, чанг-тўзонни қишлоққа олиб келгандай бўлди.

Пойлоқчилар бошлиғи — қотмадан келган, қўнғир соқоли дукатланган, қулоғи диккайган новча унтер-офицер аслида дружинанинг 3-нчи взвод командири эди; у қўлини наганининг титилиб кетган ғилофига қўйиб, кўприк ёнида турарди. Йигирма чоқли аравани индамай ўтказиб юборди, лекин аравалардан бирида йигирма беш яшар чамасидаги казак йигитни кўриб қолди-да, қисқача қилиб:

— Тўхта!— деб буюрди.

Казак тизгинни тортиб хўмрайди.

Взвод офицери аравага яқинлашиб:

— Қайси қисмдансан?— деб сўради жаҳл билан.

— Сизга нима керак ўзи?

— Қайси қисмдансан, деяппан? А?

— Рубежинлик сотняданман. Ўзингиз ким бўласиз?

— Аравадан туш!

— Ўзингиз кимсиз?

— Туш деяппан сенга!

Взвод офицерининг чучвара нусха қулоқлари қизариб кетди. У тўппонча ғилофини очди-да, наганини чиқариб, чап қўлига оливолди. Казак тизгинни хотинига тутқазиб, аравадан ирғиб тушди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Нега ўз сотнянгдан кетиб қолдинг? Қаёққа кетяпсан?— деб суриштирди офицер.

— Қасалман. Базкига кетяппан ҳозир... Онлам билан йўлга чиққандим.

— Қасаллигинг тўғрисида справканг борми?

— Справкани қайдан олайин? Сотнямизда фершал йўқ...

— Ҳа, йўқми?.. Қани, Карпенко, буни мактабга обор-чи!

— Ахир, ўзингиз ким бўласиз?

— Кимлигимизни ўша ерга борганда кўрасан!

— Мен ўз сотнямга боришим керак! Мени ушлашга ҳақинг йўқ!

— Биз ўзимиз сени жўнатамиз. Қуролинг ёнингдами?

— Милтиғим бор, холос...

— Милтиғингни олиб, тезроқ юр, йўқса, ул-булларингни улоқтириб ташлайман. Ёппа-ёш йигитсанку, итвачча, хотинингнинг этаги остига бекинасан! Нима, сени биз ҳимоя қилишимиз керакми? Ҳа, муттаҳам!— деб унинг кетидан бақириб қолди офицер.

Қазак шолча тагидан милтиғини олди-да, хотининг қўлидан ушлади-ю, бироқ эл кўзида ўпишга истеҳола қилиб, унинг озғин қўлини бирпас ушлаб турди, қулоғига алланимани шивирлади-да, дружиначининг олдига тушиб, қишлоқ мактаби томон жўнади.

Тор кўчада тўпланиб қолган аравалар кўприкни тарақлатиб яна ўта бошлади.

Пойлоқчилар бир соатнинг ичида элликка яқин дезертирни ушлади. Буларнинг баъзилари ушлаганларга қаршилик кўрсатишди; айниқса Елан станицасининг Нижне-Кривск қишлоғидан чиққан мўйлови шопдай, басавлат, ўрта яшар бир казак кўп тўполон қилди. Пойлоқчилар бошлиғининг: «аравадан туш» деган буйруғига қулоқ солмай, отларини савалаб қочмоқчи бўлди, бироқ кўприкнинг нариги ёғида икки дружиначи отларининг жиловидан ушлаб тўхтатишди. Казак ҳам ўйланиб ўтирмасдан этаги остидан американча винчестирни шартта олди-ю, қўндоғини кифтига тираб ўқталди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Йўлни бўшат! Отиб ўлдираман, аблаҳ!

— Туш, туш! Ким бўйинсунмаса отамиз, шундай буйруқ бор. Сендан олдин биз жойлаб қўймайлик тағин!

— Му-жиквач-чалар!.. Кечагина қизиллар билан юрувдиларинг, энди казакларга хўжайинлик қиласизми-а?.. Исқиртлар!.. Йўлни бўшат, худди солвораман!..

Яп-янги қишлик обмотка ўраган дружиначи аравaнинг олдинги ғилдирагига чиқиб бирпас олишгандан сўнг казакнинг қўлидаги винчестирни тортиб олди. Лекин казак мушукдай буралиб энгашди; шолча тагига қўлини суқиб, қиличини қинидан суғуриб олдида, аравага боғлаб қўйилган гулдор бешик орқасида тиззалаб туриб дружиначига қилич солди; агар у лип этиб ўзини четга олмаганида қилич учи бошига тегиши аниқ эди.

Афт-башараси хунук, чўпдай озиб кетган бир аёл — тўполончи казакнинг хотини:

— Тимоша, қўйсанг-чи, Тимонюшка! Ҳой, Тимоша!.. Бўлди-да, энди!.. Буларга бас келиб бўладими? Сени ўлдиришади!..— деб ялиниб йиғларди.

Бироқ у аравадан ғоз туриб олиб, кўкиш пўлат қиличини айлантириб, анчагача дружиначиларни арава ёнига йўлатмади. У хириллаб сўкинар, кўзларини ўқрайтириб атрофга аланглаб қарар: «Қо-оч!.. Чопиб ташлайман!» деб бақирарди. Қозоннинг куясидек қоп-қора юзлари лип-лип учиб турар, сарғиш мўйловлари остида оғзи кўпириб кетган, чақир кўзлари тобора қонга тўларди. Ахийри, зўр машаққат билан уни қуролсизлантириб ётқизишди-да, қўл-оёғини боғлашди.

Казакнинг юрагига ўғит солган нарса нималиги бирпасда аниқланди: аравани ахтаришганда, оғзи очиқ хумда ўткир қўлбола самогон топилди...

Тор кўчада йўл тирбанд бўлиб қолди. Аравалар шу қадар тиқилишиб кетган эдики, ҳўкизу, отларни чиқариб, араваларни судраб кўприкдан ўтишдан бошқа чора қолмаганди. Арава шотилари, отёғочлар қарсиллаб синар, отлар ҳангиллар, сўна талаган ҳўкизлар эгаларининг бақирганига қарамай, қутургандай четан

www.ziyouz.com kutubxonasi

деворга ирғишарди. Қўприк ёнида анча маҳалгача сўкинган ва бақирган одамларнинг овозлари, қамчиларнинг тарсиллаши, хотинларнинг қарғиш ва фарёдлари эшитилиб турди. Орқароқда келаётганлар бурилладиган жой топишиб, араваларини орқага қайтаришди-да, яна катта йўлга тушиб, ўшанақаси Базкини мўлжаллаб жўнаб қолишди. Қўлга тушган дезертирларни соқчилар назорати остида Базкига ҳайдатишди, бироқ ҳаммасида қурол бўлгани учун соқчилар уларни ушлаб қололмади. Қўприкнинг нарёғига ўтишлари биланоқ, дезертирлар соқчилар билан муштлаша бошлади. Орадан сал вақт ўтгач, соқчилар қайтиб кетишди, дезертирлар эса, саф тортиб, ўзликўзи Вёшенскаяга жўнашди.

Прохор Зиковни ҳам Громкида тўхтатишди. Лекин у Григорий Мелехов берган отпуска қоғозини кўрсатиб, монесиз ўтиб кетди.

У кечга яқин Базкига кириб борди. Чир бўйидаги қишлоқлардан келган мингларча арава кўча ва тор кўчаларга тиқилиб кетганди. Дон бўйидаги аҳволни таърифлашга қалам ожизлик қиларди. Дарё бўйлаб икки чақирим келадиган жойни қочоқларнинг аравалари эгаллаб олган эди. Эллик минг одам ўрмонда подадай ёйилиб, дарёдан ўтиб олиш учун паром кутарди.

Вёшенскаянинг рўпарасида тўпларни, штаб ва ҳарбий анжомларни паром билан дарёдан ўтказишмоқда эди. Пиёда аскарларни кичкина қайиқларда олиб ўтишарди. Ўнлаб қайиқлар учтадан-тўрттадан одам солиб, Доннинг бу ёғидан у ёғига бориб келиб туришарди. Пристань олдида, сувнинг ёнгинасида сур-сур, итар-итар бошланди. Арьергардда[1] қолдирилган суворийлардан ҳали ҳам дарак йўқ эди. Чир томондан ҳали ҳам, боягидай тўп овозлари эшитилар, қўланса куюнди ҳиди димоғни ачитарди. Тонг отгунча дарёдан ўтиб туришди. Кечаси соат ўн икки деганда, дастлабки сотнялар етиб келишди. Тонг ёриши билан, улар дарёдан кечиб ўтишлари керак эди.

---

[1] Чекинаётган аскарни ортда қолиб ҳимоя қилувчи куч. *(тарж.)*.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Прохор Зиков суриштириб кўриб, 1-дивизиянинг суворий қисмлари ҳали бу ерга етиб келмаганини билгач, ўз сотнясини Базкида кутмоқчи бўлди. У отини етаклаб, Базки касалхонасининг девори ёнида тиқилиб қолган аравалар ичидан аранг ўтиб олди, эгарини олмасдан аллакимнинг араваси кетига отини боғлаб, сувлиғини чиқарди-да, ўзи қочоқлар орасидан танишларини қидириб кетди.

Тўғон ёнида Аксинья Астаховани олисдан кўриб қолди. У кичкина тугунчани кўксига босиб, жун кофтасини елкасига ташлаб, Донга томон тушиб келарди. Унинг ойдай жамоли дарё бўйида тўп-тўп бўлиб турган пиёда аскарлар эътиборини ўзига тортарди. Улар Аксиньяга чапанича гап отишарди, терлаган, чанг босган башараларини тиржайтириб, тишларининг оқини кўрсатиб, қаҳ-қаҳ уриб кулишар, қочирим гап қилиб ҳингиллашарди. Кўйлак устидан белбоғ боғлаган, папоғи қийшайиб кетган новча бўйли малла казак орқасидан келиб, уни қучоқлаб олди-да, қорамағиздан келган бўйнидан ўпди. Прохор Аксиньянинг бу казакни итариб ташлаганини, сўкиниб тишларини иржайтирганини кўрди. Атрофдаги одамлар хохолаб кулишди, казак бўлса, папоғини бошидан олиб хирилдоқ овоз билан: «Уҳ, холажон! Битта ўптира қол!» деб ялинди.

Аксинья қадамини тезлатиб, Прохор ёнидан ўтиб кетди. Унинг қалин лабларида нафрат аралаш истеҳзоли кулги ўйнарди. Прохор уни чақирмади; у кўзлари билан оломон орасидан ҳамқишлоқ танишларини ахтарарди. Шотилари кўтариб қўйилган аравалар орасидан секин-аста ўтиб борар экан, Прохор мастларнинг овозини, хохолаб кулишларини эшитди. Арава тагига солинган шолча устида ўтирган уч чолни кўрди. Улардан бири челакдаги самогонни икки оёғининг орасига қўйиб олган эди. Қайфи ошиб қолган чоллар, тўп ўқининг гильзасидан қилинган мис кружкани навбатма-навбат челакка ботириб самогон ичишар, қоқи балиқни тамадди қилишарди. Самогоннинг ўткир иси ва тузланган балиқнинг шўртанг ҳиди қорни оч Прохорни тўхташга мажбур этди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Аскар бола! Яхшиларнинг соғлиғи учун бизминам бирга ич!— деди чоллардан бири унга мурожаат қилиб.

Прохорнинг жони кириб дарҳол ўтирди, чўқинди, оғзининг таноби қочиб, меҳмондўст чолнинг қўлидан бир кружка хушбўй самогонни олди.

— Ич! Бу дунёда ичганинг қолади! Манави балиқни тамадди қил! Қариялардан ҳазар қилиш керакмас. Қари билганини, пари билмайди. Сиз, ёшлар ҳали биздан кўп таълим олишларинг керак, қандай умр кечиришни, ароқни қандай ичишни биздан ўрганишларинг керак,— деб минғилларди устки лаби билан бурни ўпирилган манқа чол.

Прохор бурни тушиб кетган чолга қўрқа-писа кўз ташлаб туриб, самогонни ичди. Иккинчи кружкани ҳам бўшатиб, учинчисини олганда, сабри чидамай:

— Заҳм бўлганмидинг, бува?— деб сўради.

— Йў-ў-ўқ, азизим! Тумовдан бўлган бу. Болалик чоғимда шамоллаб кўп тумов бўлганман, ўшани иллати бурунга урган.

— Сал бўлса мен: ҳалигидақа мараз юқиб бурни тушиб кетганмикин, деган хаёлга борувдим. Ишқилиб, шунақа балолардан худо асрасин!— деб Прохор хавотирланганини очиқ айтди-қўйди.

Лекин бобонинг гапидан кўнгли тинчиб, энди хавотирланмасдан, кружкадаги самогонни дам олмай ичиб тамом қилди.

Самогоннинг эгаси гирдиғумдан келган соғлом бир чол:

— Турмушимиз расво бўляпти! Ичмаса бўладими?— деб бақирарди.— Мана, икки юз пуд донни ортиб келдим, минг пудчаси уйда қолди. Беш жуфт ҳўкизни ҳайдаб келганман, Дондан олиб ўтишнинг иложи бўлмагандан кейин, ҳаммасини шу ерга ташлашга тўғри келади-да! Орттирган мол-мулким нест-нобуд бўлди! Ашула хумор қиляпти! Ўйнаб қол, станицалик шоввозлар!— чол қизариб кетди, кўзлари ёшланди.

— Бақирма, Трофим Иванич. Москва кўз ёшларингга ҳеч ишонмайди. Ўлмасак, яна орттирамиз,— деб уни овутмоқчи бўларди манқа чол.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бақирмай туроламанми, ахир!— юзлари бужмайиб, кўзлари жиққа ёшга тўлган чол қаттиқроқ чинқирди.— Дону дундан ажрайман! Ҳўкизлар ҳаром ўлади! Қизиллар уйимга ўт қўяди! Кузда ўғлимни ўлдиришди! Мен дод демай, ким дод десин? Буларни ким учун орттирганман, ахир? Бир ёзда ўнта кўйлакни тўзитардим, мана энди яп-яланғоч, яланг оёқ қоладиган бўлдим... Ич!

Прохор патнусдай келадиган балиқни гап орасида паққос туширди, етти кружка самогон ичди, кайфи ниҳоятда ошиб кетганлигидан, қийнала-қийнала, аранг ўрнидан турди.

— Аскар бола! Ҳимоячимиз сенсан! Отингга ем ола кетасанми? Қанча берай?

Атрофида нима бўлаётганининг фарқига борматан Прохор оғзига келганини айтди қўйди:

— Бир қоп!

Чол чипта қопга тўлғазиб уруғсоп сули солди-да, орқалатиб юборди.

— Қопни келтириб бер! Эсингдан чиқмасин, барака топкур!— деб Прохорни қучоқлаб, кўзидан ёш оқизар эди.

Прохорнинг негадир ўжарлиги тутиб:

— Йўқ, келтириб бермайман. Келтириб бермайман дедимми, келтириб бермайман...— дер эди.

У гандираклай-гандираклай арава ёнидан кетди. Қоп оғирлик қилганидан икки букилиб, гандираклаб борарди. Прохор назарида, сирғанчоқ жойдан юраётганга ўхшарди, у худди муз устида кетаётган тақасиз от сингари тайғанар, оёқлари қалтирарди. Гандираклаб яна бир неча қадам қўйди-да, тўхтади. Ҳали бу ёққа келганимда бошимда шапкам бормиди, йўқмиди, деб ўйлаб ўйига етолмади. Аравага боғланган оққашқали тўриқ ахта сулининг ҳидини пайқади-да, бўйнини чўзиб қопнинг бурчидан тишлади. Тешилган жойдан сули шувиллаб тўкилди. Юки енгиллашгач, Прохор яна юриб кетди.

Йўлда ишкал чиқмаганда, балки у, қолган сулини бир амаллаб отига обориб берса ҳам ажаб эмасди; бироқ каттакон бир ҳўкиз, ўтиб кетаётган Прохорнинг биқинига тепиб юборди, Прохор учиб бориб, гуп-

www.ziyouz.com kutubxonasi

чакка бошини уриб олди-да, чалпак бўлиб ерга йиқилди-ю, ўша заҳотиёқ уйқуга кетди. Сўнаю чивин талайвериб, иссиқда қичинавериб безор бўлган бу ҳўкиз ҳеч кимни яқинига йўлатмас ва ўша куни Прохордан бошқа яна бир неча кишини қақшатганди.

Прохор ярим кечада уйғонди. Унинг қоқ тепасида, мовий осмон қўйнида паға-паға кўкимтир, кул ранг булутлар ғарб томон югуришарди. Булутлар орасидан, гоҳо ялт этиб ўроқнусха ой кўринар ва ўша заҳоти осмон булут пардасига бурканиб, оламни қоронғилик босар, муздай шамол турганга ўхшаб туюларди.

Прохор ётган жойдаги араванинг нарёғидан суворийлар ўтмоқда эди. Тақаланган сонсиз от туёқларизарбидан ер гумбурлар эди. Отлар ёмғир ҳидини сезиб пишқиришарди; қиличлар узангига тегиб шиқирлар, папирослар учқунланарди. Ўтаётган сотнядан терлаган отларнинг сассиғи, қайиш, эгар-жабдуқларнинг шўртанг ҳиди анқирди.

Аскарликда юрган бошқа казаклар қатори Прохор ҳам уруш йиллари давомида ёлғиз суворийларга хос бўлган бу ҳидга ўрганиб қолганди. Бу ҳид йўлда ҳам, чўлда ҳам, Пруссия ва Буковинадан тортиб Дон даштларига довур казакларга илашиб келган эди; суворий қисмларда ҳамиша учрайдиган бу ҳидни казаклар искаганларида худди ўз уйларининг ҳидини искагандай роҳатланишарди.

Прохор бурун катакларини кериб исканди-да, зилдай оғир бошини кўтарди.

— Бу қайси қисм, биродарлар?

— Отлиқлар ...— деб ҳазиллашди қоронғилик ичидан йўғон бир овоз.

— Қимнинг қисми бу? Айта қолинг!

— Петлюраники...— деб жавоб берди яна ҳалиги овоз.

— Вой аблаҳ-эй! ...— Прохор бир пасдан кейин яна сўради:— Ўртоқлар бу қайси полк?

— Боков полки.

Прохор ўрнидан турмоқчи бўлди-ю, бироқ боши лўқиллаб кетди, томоғига бир нарса қадалиб кўнгли

www.ziyouz.com kutubxonasi

ағдарилди. Ёнбошлади-ю, яна уйқуга кетди. Тонг маҳалида Дондан рутубат кўтарилди, совуқ турди.

Уйқу аралаш қулоғига:

— Ўлмаяптими?— деган овоз келди тепасидан.

Аллаким қулоғи остида шанғиллаб:

— Иссиғи бор... ўлгудай ичибди!— деб жавоб берди.

— Судра, бу ҳаром ўлгурни! Ўлигини ташлаб ётишини қара! Оч биқинига солворгин, кўзи очилсин!

Отда турган одам ҳали ўзига келмаган Прохорнинг биқинига найзанинг орқаси билан қаттиқ турт-ди, аллаким оёқларидан ушлаб бир четга судраб кетди.

— Араваларингни четга торт! Бари данг қотиб қопти-ку! Қизиллар изма-из қувиб келяпти-ю, булар уйларидагидек бемалол ухлашяпти! Араваларингни бир четга торт, бу ердан тўплар ўтади! Тезроқ!.. Йўлни тўсиб олишибди... Одамларга бир бало бўлди!— деб вағилларди бир одам қаҳр билан.

Аравалар устида ва остида ухлаётган қочоқлар ғимирлаб қолишди. Прохор ирғиб ўрнидан турди. Унинг милтиғи ҳам, қиличи ҳам, ўнг оёғидаги этиги ҳам йўқ эди, ҳаммасини у кеча кайфи ошиб йўқотиб қўйганди. Прохор нима бўлганини тушунолмай, энди арава тагини ахтара бошлаганда, отлардан сакраб тушган суворийлар билан тўпчилар аравани сандиқ-пандиғи билан ағдариб ташлаб, тўпларга йўл очиб беришди.

— Ҳай-да-а-а!

Суворийлар отларига минишди. Сербар қайишдан тикилган постромкалар тортилиб таранглашди. Ғилофли тўпнинг каттакон ғилдираклари чуқурчадан ғирчиллаб ўтди. Тўп ўқи солинган яшик арава шотисига илиниб қолиб, уни чўрт узиб юборди.

— Фронтни ташлаб қочяпсизми? Хайф-эй, сиздақа аскарларга!— деб бақирди, кеча кечқурун Прохор билан ичишган манқа чол.

Тўпчилар индамай ўтишар, паромга етиб олиш учун шошиларди. Прохор ғира-шира тонг ёруғида анчагача оти билан милтиғини ахтарди. Минг қидирса ҳам тополмади. Қайиқ ёнида чап оёғидаги этигини

www.ziyouz.com kutubxonasi

ечиб сувга улоқтирди-да; тарс ёрилай деб оғриётган бошидан роса сув куйди.

Кун чиққан маҳалда отлиқ аскарлар дарёдан ўта бошлади.

Бир гала пиёда казаклар 1-нчи сотнянинг юз элликта яйдоқ отини, Дон шарққа қараб шартта буриладиган жойдан сал юқорироқдан сувга солишди. Қирра бурун, кўринишдан баджаҳл, кўзларигача малла тук босиб кетган сотня командири ёввойи тўнғизнинг нақ ўзгинаси эди. Чап қўли қон доғлари босган кир латта билан бўйнига тортиб қўйилган, ўнг қўли тинмай қамчи ўйнар эди.

У малла мўйлови остидан оппоқ озиқ тишларини кўрсатиб, отини сувга олиб тушаётган казакларга:

— Отларга сув ичирма! Ҳайда! Чу десанг-чи! Бу нимаси... онангни... онангни... сувдан ҳам қўрқасанми? Қанд эмассанки, эриб кетсанг!— деб бақирарди.

Отлар тихирлик қилиб, муздай сувга тушгилари келмай оёқларини тирашар, казаклар бақиришар, қамчилиб уришарди. Дастлаб оқ тумшуқ, юлдуз қашқа қора от сузиб кетди. Бу от сузишнинг машқини олиб қолган кўринарди. Унинг сағрисида тўлқин ўйнаб, пахмоқ думини оқим бир ёққа судрар, бўйни билан орқаси сувдан чиқиб турарди. Отлар унинг кетидан сувни ёриб, пишқириб, кўпирган дарёда сузиб кетишди. Олтита қайиққа тушиб олган казаклар уларнинг кетидан сузиб кетдилар. Ҳайдовчилардан бири эҳтиёт шарт учун қўлида арқон билан қайиқнинг уч томонида кузатиб борарди.

— Олдинга ўтма! Оқимга қиялаб сол! Ҳушёр бўл, отларни сув оқизиб кетмасин!

Юзбошининг қўлидаги қамчи ҳавода ўйнаб, оҳак чанги ўтириб қолган этигининг қўнжига тарс этиб тушди.

Дарёнинг оқими отларни судрай бошлади. Қора арғумоқ бошқа отлардан тўрт-беш қулоч олдинда бемалол сузиб борарди. Дастлаб чап қирғоқдаги саёз қумлоқ жойга ўша от чиқиб олди. Ўша заҳоти бақатеракнинг тарвақайлаган шохлари орасидан қуёш ҳам

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўринди, унинг қизғиш шуъласи қора арғумоқ устига тушди-ю, намдан сип-силлиқ бўлган териси бир лаҳза оловдай ялт этиб товланиб кетди.

— Мрихиннинг биясига ҳушёр бўл! Ёрдамлашивор!.. Югани оғзида экан. Қайиқни ҳайда! Ҳайдасангчи тезроқ!..— деб бўғилиб бақирарди тўнғизга ўхшаган юзбоши.

Отлар эсон-омон ўтиб олишди. Дарёнинг нариги бетида уларни казаклар кутиб туришарди. Ҳар ким ўз отини ажратиб, юган сола бошлади. Дарёнинг бу ёғида қолган эгарларни олиб ўта бошладилар.

— Кеча қаерга ўт тушди?— деб сўради Прохор қайиқ ёнига эгар ташиётган казакдан.

— Чир бўйларига.

— Тўп ўқидан ёнғин чиқдими?

— Йўғ-э! Қизиллар ўт қўйишяпти,— деб жавоб берди казак зарда билан.

— Бир бошдан ўт қўйишяптими?

— Йў-ў-ўқ... Бойларнинг уйига ўт қўйишяпти, тунука томлик ёки қўраси яхши уйларга, холос.

— Қайси қишлоқларга ўт қўйилди?

— Вислогузовдан тортиб Грачевга довур ҳамма қишлоқларга.

— Биринчи дивизия штаби ҳозир қаердалигини билмайсанми?

— Чукаринда.

Прохор аравалар ёнига қайтиб келди. Дарёнинг бир ёғини эгаллаб олган қочоқлар манзили устида шох-шабба ва таппининг аччиқ тутунини шамол учириб юрарди: аёллар овқат тайёрламоқда эдилар.

Кечаси билан ўнг қирғоқдаги дашт атрофларидан яна бир неча минг қочоқ келиб қўшилди.

Гулхан ёнида, арава устида ўтирган одамлар аридай ғунғиллашарди:

— Бизга навбат келармикин, қачон дарёдан ўтаркинмиз-а? Кута-кута кўзимиз тешилади чоғим!

— Худо урсин, ҳамма донимни дарёга оқизмасам. Қизилларга қолдириб бўпман!

— Паром ёнида тумонат одам тўпланибди, нақ қиёмат!

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳой дардисар, сандиқларни дарё бўйида қолдириб кетаверамизми?

— Тўплаб-тўплаб, мана энди... Худоё худовондо, ўзинг ҳаллақсан!

— Ўз қишлоғимиз ёнида дарёдан ўтишни иложи бўлганда-ку...

— Бизларни бу Вёшкига шайтон бошлаб келди-я!

— Калинов Угол куйиб соп бўлганмиш.

— Паромга етиб олайлик деб, тухумимиз оғзимизга келди.

— Бўлмаса сенга раҳм қилишармиди?

— Уларда: етти ёшдан тортиб етмиш ёшгача ҳамма казакларни ўлдирилсин, деган буйруқ бор.

— Ҳаммамиз бу ёқда қолиб кетамиз... У ёғи нима бўлади?

— Гўштимиз бир бурдадан бўлади!..

Тавричанча нақшинкор арава ёнида қадди-қомати келишган, қоши оқарган бир чол гап сотмоқда; унинг афт-ангори ва омирона қилиқлари — қишлоқ атамани эканидан, банди мис билан қопланган атаманлик асоси бир неча йил қўлидан тушмаганлигидан далолат берарди:

— ...Мен жаноби олийларга: «Мундан чиқди, халқ дарё бўйида қирилиб кетар экан-да? Ахир, биз болачақаларимиз билан қачон нариги томонга ўтамиз? Қизиллар бизни қириб ташлайди-ку!» девдим, жаноби олийлари менга шундай дедилар: «Сира хавотир бўлма, отахон! Ҳамма одам ўтиб бўлганча позициядан силжимай, мудофаа қиламиз. Ўзимиз қирилсак-қириламизки, лекин хотин-халаж, бола-чақа, қарияларимизни қолдириб кетмаймиз.»

Қошлари оқарган атаманни қариялар ва аёллар ўраб олишиб, зўр эътибор билан унинг гапини тинглади, сўнгра ҳамма баравар чуғурлай бошлади:

— Ундай бўлса, тўплар нега жўнаб қолди?

— Одамларни босиб кетишига сал қолди, паромга қараб чопишди-да!..

— Суворийлар ҳам келди...

— Григорий Мелехов фронтни ташлаб кетганмиш.

— Шу ҳам тартиб бўлдими? Халқ бу ёқда қолиб, ўзлари...

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Аскарлар думини хода қилиб қочяпти...
— Бизларни ким ҳимоя қилади?
— Отлиқлар ҳув ана, сузиб ўтишяпти!..
— Ҳар кимнинг жони ўзига ширин...
— Бўлмаса-чи!
— Ҳаммаси бизни сотиб кетди!
— Кунимиз битди вассалом!
— Қарияларни нон-туз билан қизиллар олдига юбориш керак. Балким, раҳм қилишиб, бизларни ўлдиришмас.

Тор кўчага киравериштаги касалхонанинг ғиштин иморати ёнида отлиқ одам кўринди. Милтиғи эгар қошига илинган, яшил рангга бўялган найзаси ёнбош томонида солланиб келмоқда эди.

— Вой ўлай, бу ахир менинг Микишкам-ку!— суюнганидан чинқириб юборди рўмолига бурканган қари хотин.

Кампир шотидан хатлаб, арава ва отлар орасидан ўтиб боласи томон югурди. Отлиқни узангисидан ушлаб тўхтатдилар. Лекин, у сурғуч печатли кўк пакетни кўрсатиб бақирди:

— Ахборот билан бош штабга кетяппан! Қўйворинглар!

— Микиша! Болагинам!— деб ҳаяжонланиб чақирарди кампир. Оқ оралаган қоп-қора сочлари тўзиб чақнаган юзларини тўсиб қолди. Она жон-жаҳди билан терлаган от биқинига, узангига ёпишади, унинг лаблари титраб илжайди:

— Қишлоғимизда бўлдингми?

— Бўлдим. Ҳозир қишлоғимиз қизиллар қўлида...

— Бизнинг уй-чи?

— Уйимиз турибди, лекин Федотникига ўт қўйишди. Бизнинг бостирмага энди ўтганда, ўзлари ўчиришибди. Фетиска ўша ёқдан қочиб келиб гапириб берди, қизилларнинг каттакони: «Биронта камбағалнинг уйига ўт кетмасин, лекин бойларникининг кули кўкка совурилсин»,— деганмиш.

— Уҳ, хайрият, худога шукур-эй! Худоё ўзинг асра!— деб чўқинди она.

Бадқовоқ бир чол ғазабланиб сўради:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бу нимаси, ойимтилла? Қўшнининг уйига ўт қўйишса: «худога шукур», дейсан?

— Қўшнимни жин урмайди!— деб бидирлаб кетди хотин.— У яна бошқа уй солиб олади, агар меникига ўт қўйишганда, янгидан уй солишга қурбим келармиди? Федотнинг бир хум тилласи бор, мендачи... умрбўйи бировларнинг хизматидаман, қашшоқликдан бошим чиқмаган!

— Мени қўйворинг, онажон! Пакетни тезроқ обориб беришим керак,— деб ялинди йигит отдан энгашиб.

Она от ёнида сал юриб борди-да, ўғлининг офтобда қорайган қўлидан ўпиб, ўз араваси томон чопди, боласи эса ўспиринча ингичка овоз билан жингиллади:

— Йўл бўшат! Қўмондонга пакет обкетяппан! Йўл бўшат!

Унинг остидаги от қизишиб, ўйноқилаб турарди.

Одамлар шошмасдан йўл беришди, отлиқ бола имиллаб кетаётганга ўхшаса ҳам, лекин бирпасда аравалар орқасидан, ҳўкиз ва отлар орасида кўринмай кўздан ғойиб бўлди, ёлғиз унинг найзаси оломон тепасида соллониб Донга томон яқинлашиб бораверди.

LXI

Бир кун ичида ҳамма қўзғолончи қисмлар ва қочоқлар Доннинг чап томонига ўтиб олишди. Григорий Мелехов қўл остидаги 1-нчи дивизиянинг Вёшенск полкига қарашли отлиқ сотнялари энг кейин дарёдан ўтди.

Григорий ўн иккита энг сара сотнялар билан қизилларнинг 38-нчи Кубань дивизиясининг ҳужумини қайтариб турди. Соат бешларга яқин Кудиновдан: «ҳарбий қисмлар ва қочоқлар дарёдан ўтиб бўлди» деган хабар келгандан кейингина, у чекиниш тўғрисида буйруқ берди.

Олдиндан ишлаб чиқилган планга кўра, Дон бўйида ташкил топган қўзғолончи сотнялар дарёдан ўтгач, ҳар қайсиси ўз қишлоғи рўпарасига жойлашмоғи

www.ziyouz.com kutubxonasi

керак эди. Тушга яқин штабга сотнялардан хабар кела бошлади. Кўпчилик қисмлар чап қирғоқда, ўз қишлоқлари қаршисида ўрнашиб олган эди.

Ана шундан кейин қишлоқлар оралигида бўш қолган ерларга даштлик казак сотнялари жойлаштирилди. Кружилин, Максаево — Сингин, Каргин, Латишев, Лиховидово, Грачевдан чиққан сотнялар — Пегаревка, Вёшенская, Лебяжин, Красноярск оралиғидаги жойларни ишғол қилишди, қолганлари орқа томонга, Дуровка, Черний, Горховка қишлоқларига жойлашди; Сафоновнинг фикрига кўра, мабодо қизиллар фронтни ёриб ўтсалар, буларни резерв куч сифатида ишга солиш кўзда тутиларди. Казанск станицасига қарашли энг чеккадаги қишлоқлардан тортиб Усть-Хоперга довур, Доннинг чап қирғоғи бўйлаб юз эллик чақиримча келадиган жойни қўзғолончилар фронти энлаб ётарди.

Казаклар дарёдан ўтиб олиб, позицион урушга тайёрланишар: шошилинч суръатда траншея қазишар, тол, терак ва эманларни кесиб, блиндаж қуришар, пулемётлар учун пистирма қилишарди. Қочоқлар бисотида бўлган ҳамма бўш қопларни йиғиб, қум тўлғазиб, траншеялар олдига ётқизишарди.

Кечга яқин траншея қазиш иши ҳамма ерда тамомланди. Вёшенскаянинг орқасидаги қарағайзор ичига қўзғолончиларнинг 1-нчи ва 3-нчи батареялари яширилиб қўйилган эди. Саккиз тўпга фақат бештагина ўқ бор эди. Милтиқ ўқлари ҳам тугай деб қолганди. Кудинов махсус чопар орқали буйруқ юбориб, ўқ отишни қатъиян ман этди. Буйруқда: «Ҳар бир сотня биттадан ё иккитадан энг ўткир мерган ажратсин ва уларни етарли ўқ билан таъмин этсин, дейилганди; бу мерганлар қизилларнинг пулемётчиларини ва ўнг қирғоқдаги қишлоқ кўчаларида пайдо бўлган қизил аскарларни отиб ўлдириши керак эди. Қолган казакларга фақат қизиллар дарёдан ўтмоқчи бўлиб ҳаракат қилгандагина ўқ узишга рухсат этилган эди.

Григорий Мелехов Дон бўйлаб жойлашган ўз дивизиясининг тарқоқ қисмларини айланиб чиққун-

www.ziyouz.com kutubxonasi

на қоронғи тушди, қайтиб келиб Вёшенскаяда тунади.

Ялангликда олов ёқиш тақиқланганди; Вёшенскаяда ҳам чироқ кўринмасди. Доннинг чап қирғоғи зулмат ичида эди.

Эрталаб Базки томондаги дўнг устида қизилларнинг биринчи разъездлари кўринди. Бир оздан кейин улар Усть-Хопер билан Казанск орасида бўлган ўнг қирғоқдаги ҳамма тепалар устида югуришиб қолишди. Қизиллар фронти қудратли вулқон ловалари сингари Донга томон бостириб келмоқда эди. Сўнгра разъездлар ғойиб бўлиб, ҳамма ёқ сув қуйгандай оғир сукунатга чўмди.

Шамол чанг-тўзон қуюнларини Гетман йўлида учириб юрарди. Жануб томондан ҳали ҳам ёнғиннинг қизғиш қора тутуни кўтариларди. Шамол тўзитган булутлар қайта тўпланар, дўнг устига қуш қаноти шаклидаги соя тушиб турарди. Ёп-ёруғ кундуз куни ялт этиб чақмоқ чақнади. Кўм-кўк булут парчасининг зеҳлари бир он зарварақдай ярқираб кетди, бир учи олмос найзадай қоровул тепанинг қуббасимон кўксига санчилди. Момақалдироқ зарбидан ҳайбатли қора булутнинг кўкси чок-чок бўлиб, жала қуйиб юборди. Шамол уни қиялатиб учирар, Дон бўйидаги бўр тоғларининг этакларидан оппоқ ўйноқи сел тўлқинларини иссиқдан сўлиган кунгабоқарлар орасига, шалпайиб қолган экинзорлар ичига оқизиб келарди.

Чангдан оқариб, сўлинқираб қолган баргларга ёмғир даво бўлди. Баҳори экинлар кўм-кўк бўлиб йилтирай бошлади, кунгабоқарлар сап-сариқ юмалоқ бошларини кўтардилар, полизлар гулга кирган ошқовоқларнинг ўткир ҳидига тўлди. Чанқоғи қонган тупроқдан анча вақтгача буғ кўтарилиб турди.

Доннинг устки ёғидан то Азов денгизигача чўзилган тоғ этакларида онда-сонда бир учрайдиган қоровул тепалар устида яна қизил аскар разъездлари пайдо бўлди.

Бу тепалардан Доннинг нарёғида ўнлаб чақирим жойгача чўзилган ям-яшил чакалакзорлар, дўппайиб турган сап-сариқ қумтепалар яққол кўринарди. Қизил

www.ziyouz.com kutubxonasi

аскар разъездлари ҳадиксираб, секин-аста қишлоқларга кира бошлади. Пиёда аскарлар саф-саф бўлиб дўнгдан туша бошлади. Қадим замонларда қипчоқлар ва жанговар славянлар душман пойлаган қоравул тепалар орқасига қизилларнинг тўплари жойлашди.

Белогор тоғига ўрнашиб олган батарея Вёшенскаяни тўпга тутди. Биринчи ўқ майдонга тушиб портлади, ана шундан кейин тўп ўқи портлашидан ҳосил бўлган кўкиш тутун билан штрапнелларнинг шамолда таралиб кетувчи сутдай оқ тутуни бутун станицани қоплаб олди. Яна учта батарея Вёшенскаяни ва Дон бўйидаги казаклар траншеяларини ўққа тутди.

Катта Громкида пулемётлар тариллаб ўқ ёғдира бошлади. Икки «гочкинс» калта-калта қилиб ўқ сочар, лекин овози йўғон «максим» бўлса, сидирғасига тўхтовсиз тариллар, Доннинг нарёғида тўп-тўп бўлиб, у ердан-бу ерга чопиб ўтаётган қўзғолончи пиёда аскарларни мўлжалга олар эди. Обозлар дўнг ёнларига келтирила бошланди. Ёввойи тоғолча ўсган тоғ этакларида окоп қазишарди. Гетман йўли бўйлаб икки ғилдиракли, тўрт ғилдиракли аравалар шалдираб ўтар, уларнинг кетидан бурқсиб чанг кўтариларди.

Бутун фронт бўйлаб тўплар гумбурларди. Теварак-атроф кафтдай кўринадиган Дон тоғлари устига жойлашган қизилларнинг тўплари Доннинг нариги бетини қоронғи тушгунча ўққа тутди. Лекин Казанск билан Усть-Хопер орасига траншеялар қазилган ўйдим-чўнқир бўлиб кетган ялангликдан садо чиқмасди. От етакловчи казаклар отлар билан чуқурликдаги қамиш, қиёқ ва қўға ўсган чакалакзор ичига биқиниб олишган эди. Ў ерда отларни чивин таламайди, дарахтларни ёввойи чирмовиқ ўраб олганлигидан муздай салқин бўлади. Дарахтлар отларни қизил аскар пойлоқчиларнинг кўзидан пинҳон тутарди.

Ям-яшил сойликдаги пичанзорда одам боласи кўринмасди. Аҳён-аҳёнда пичанзор орасида Дондан олисроқ жойга қочиб ўтаётган биронта қочоқнинг букчайган қораси кўриниб қоларди. Қизиллар пулемёти си-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дирғасига бир неча ўқ узарди, ўқлар шувиллаб ўтганда қочоқларнинг капалаги учиб, ўзини таппа ерга ташларди. Шу аҳволда қалин кўкат орасида ётиб-ётиб, қоронғи тушгандан кейин кетига қарамай йўрғалаганича шимол томонга, қарағай ва ольха дарахтлари чакалак бўлиб ётган ўрмонга қочиб ўтарди.

* * *

Икки кунгача Вёшенская станицаси зўр бериб тўпга тутилди. Одамлар ертўла ва ўралардан чиқмай қўйишди. Тўп ўқидан ўйдим-чўнқир бўлиб кетган кўчаларда фақат кечалари одам пайдо бўларди.

Штабдагилар: «бу қадар тўхтовсиз ўққа тутиш — ҳужум бошлашга, дарёдан ўтишга тайёргарликдан бошқа нарса бўлмаса керак», деб фараз қилишарди. Қизиллар аввал Вёшенскаяни ишғол этиш ва тиккасига чўзилган фронтнинг ўртасига суқилиб кириб, уни иккига ажратиб ташлаш мақсадида муқаррар Вёшенскаянинг рўпарасида дарёдан ўта бошлайди, деб ваҳима қилишарди; ана ундан кейин улар Калачдан ва Усть-Медведицадан — икки ёқдан баравар ҳужум бошлаб, қўзғолонни тор-мор қилишлари мумкин эди.

Кудиновнинг буйруғига биноан Вёшенскаяга, Дон бўйига йигирмадан ортиқ пулемёт ўрнатилган, улар етарли миқдорда ўқ ленталари билан таъминланган эди. Батарея командирлари, қизиллар дарёдан ўтишга уринган тақдирдагина қолган ўқлар отилсин, деб буйруқ олишди. Паром билан ҳамма қайиқларни Вёшенскаядан юқорироқдаги кўлга элтиб, тепасига бирталай соқчи қўйилди.

Григорий Мелеховнинг назарида штабдагилар бекордан-бекорга ваҳима қилаётгандай туюларди. 24 майда ўтказилган мажлисда у Илья Сафоновни ҳамда унинг гапини маъқуллаган кишиларни масхара қилиб сўзга чиқди.

— Қизиллар Вёшкининг рўпарасида дарёдан нимада ўтишади? Бир ўйлаб кўринг, ахир, шу ердан ўтиб бўладими? Бу ёғи тап-тақир кафтдай қирғоқ. Дон бўйи теп-текис қумлоқ, на дарахт бор, на бута, қай-

www.ziyouz.com kutubxonasi

си аҳмоқ шундай жойдан ўтаркин, а? Ёлғиз Илья Сафоновгина корчалонлик қилиб балонинг оғзига ўзини уриши мумкин... Бундай яланг қирғоқда пулемёт одамни тутдек тўкади! Сенчи Кудинов, қизиллар биздан кўра лақмароқ деб ўйламай қўя қол! Уларнинг орасида сен билан менга дарс берадиганлар кўп! Улар тиккасига Вёшкига ўтмайди, биз уларни бу ердан эмас, бошқа ёқдан кутишимиз керак; улар, *албатта* саёз жойни, суви ёйилган осон кечувларни, ёки дарё бўйини дарахтлар қоплаган, ўнқир-чўнқир *пастқам* жойларни мўлжаллашади. Ана шундай хавфли жойларни, айниқса кечалари қаттиқ назорат *остига олишимиз* керак; казакларни қаттиқ огоҳлантириш лозим: ғафлатда қолишмасин, кўзларини каттароқ *очишсин*; қизиллар кўринган заҳоти, уларни дарҳол даф қилиш учун хавотирли жойларга олдиндан резерв кучларни тахт қилиб қўйиш лозим.

— Улар Вёшкига ўтмайди, дейсанми? Ундай бўлса, нега станицани кечгача тўпга тутишади?..— деб савол берди Сафоновнинг муовини.

— Сен буни улардан бориб сўра. Ёлғиз Вёшкини тўпга тутишяптими? Казанскниям, Еринскниям тўпга тутишяпти, ҳув анави Семёнов тоғидан ҳам тўп отишяпти. Улар ҳамма ёқни баравар тўпга тутишяпти. Уларда тўп ўқи биздагидан қитдай кўпроқ бўлса керак. Бизнинг ўйинчоқ тўпларимизда бештагина ўқ бор холос, шуларниям ўқдони ёғочдан ясалган.

Кудинов хохолаб кулди:

— Роса бопладинг, қийиб юбординг!

— Кариллаб танқид қилаверма кўп! — деб ўпкалади мажлисда қатнашган 3-нчи батарея командири.— Бу ерда бўладиган гапни гапириш керак.

— Гапир, ким сенинг оғзингни бекитяпти?— Кудинов қовоғини солиб, камар учини ўйнай бошлади.— Сиз карқулоқларга: «Бўлар-бўлмасга ўқ *отманглар*, отадиган пайти келади, ўқни эҳтиёт қилинглар»,— деб кўп тайинладик. Қулоқ солмадинглар, *отавердинглар* суриштирмай, ҳатто обозгаям тўп ўқи сарф бўлди. Энди танқид қилса, алам қиляптими? Ёғочдан ясалган тўпларингни Мелехов масхара қилгани жудаям

www.ziyouz.com kutubxonasi

тўғри. Тўпларинг масхара қилиб кулишдан бошқага арзимайди!

Кудинов Григорийнинг ёнини олди, дарёдан ўтишга қулай жойларни қаттиқ қўриқлаш ва хавфли участкалар яқинига резерв қисмлар келтириб қўйиш тўғрисидаги таклифини маъқуллади. Вёшенскаяда бўлган пулемётлардан бир қанчасини ажратиб Белогор, Меркулов ва Громки сотняларига беришга қарор қилинди, чунки, қизиллар шуларнинг участкасида дарёдан ўтишлари мумкин эди.

Григорийнинг: қизиллар Вёшенскаянинг рўпарасида дарёдан ўтишга уринмайди, бунинг учун бошқа бир қулай жой қидириб топишади, деган фикри эртаси куниёқ тасдиқланди. Эрталаб Громки сотнясининг командири, қизиллар дарёдан ўтишга тайёрланаётгани тўғрисида хабар келтирди. Туни билан Доннинг нариги бетида ғовур-ғувур овозлар, болғаларнинг тарақлагани, ғилдиракларнинг ғичирлагани эшитилиб турди. Жуда кўп аравларда аллақаёқлардан тахта ортиб келиб Громкига туширишди, ўша заҳотиёқ арраларнинг ғариллагани, болта ва болғаларнинг тўқиллагани эшитила бошлади. Мана шуларнинг ҳаммаси қизиллар, қандайдир бир нарса қураётганидан далолат берарди. Олдин казаклар: «понтонли кўприк солишяпти» деб гумон қилишди. Кечаси икки довюрак казак арра, болта товуши чиққан жойдан икки чақирим юқорироққа бориб, ечиниб дарёга тушишди ва бошларини шох-шабба билан пана қилиб олиб, секинаста пастга томон сузиб кетишди. Улар қирғоқ бўйлаб сузиб боришарди, сал нарида пулемёт пистирмаси ёнидаги толлар тагига жойлашган қизил аскарлар ўзора гаплашиб ётишарди; уларнинг овози ва қишлоқ томонда болталар тарақлагани аниқ эшитиларди-ю, бироқ сувда ҳеч нарса кўринмасди. Ҳар ҳолда қизиллар кўприк эмас, бошқа бир нарса қураётган бўлишлари мумкин эди.

Громкилик юзбоши қизиллар жабҳаси устидан назоратни кучайтирди. Тонг маҳалида дурбиндан кўз узмаган пойлоқчилар анчагача ҳеч нарсани кўра олмадилар. Лекин сал орада улардан бири, герман урушида «полкнинг энг ўткир мергани», деб ном чиқар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган казак ғира-шира тонг қоронғисида, эгарлоғлик икки от билан Донга тушиб келаётган қизил аскарни кўриб қолди.

Қазак ўртоғига:

— Қизил аскар сувга тушяпти,— деб пичирладида, дурбинни бир четга олиб қўйди.

Отлар тизза бўйи сувга кириб, ича бошлади.

Қазак милтиқнинг узун қайишини чап тирсагига ўради-да, мўлжал рамасини кўтариб, астойдил қадалиб қорага олди.

Ўқ чиққан заҳоти бир от секингина ёнбошига қулади, иккинчиси тоққа қараб қочди. Қизил аскар ўлган отнинг эгарини олмоқчи бўлиб энгашди. Қазак яна ўқ ўзиб, пиқирлаб кулиб юборди: қизил аскар дарҳол қаддини ростлаб, Дондан чопиб чиқмоқчи бўлди-ю, бироқ шартта қулади. Муккасига тушганича қайтиб турмади...

Григорий Мелехов қизилларнинг дарёдан ўтишга тайёрланаётгани тўғрисида хабар олган заҳоти отини эгарлаб, Громки сотняси турган жойга жўнади. Станицанинг нарёғида Дондан ажралиб чиққан энсиз кўлдан от солиб ўтди-да, ўрмон ичи билан кетди. Йўл пичанзор орасидан ўтарди, бироқ пичанзордан юриш хавфли бўлгани учун Григорий бир оз олис бўлса ҳам, ўрмон ичи билан Расохово кўлининг этагигача етиб борди, у ердан пуштама-пушта, чакалакма-чакалак юриб, Қалмоқ кечувга келди (бу — пичанзордаги батқоқлардан бирини Постойлица кўли билан бирлаштирган торгина ирмоқ бўлиб, ичини нилуфар, қалампиргул ва қамиш босиб кетганди), ана шу ботқоқли Қалмоқ кечувдан ўтиб олгандан кейингина отини тўхтатиб, бирпас дам берди.

Дон бўйигача икки чақирим қолганди. Пичанзор билан тиккасига борадиган бўлса, ўққа дучор бўлиши муқаррар эди, қош қорайгунча кутиб турса, теп-текис пичанзордан бемалол ўтиб оларди, бироқ, Григорий кутишни ёмон кўрар, доим: «оламда энг ёмон нарса — кутиш ва қувиб етиш» деб гапириб юрарди, шунинг учун ҳозир жўнашга жазм қилди. «Отимнинг туёғини ерга теккизмай учириб ҳайдайман, балки ўқлари хато кетар!»— деб ўйлади Григорий бутазордан чиқаётиб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Дон бўйидаги ўрмон этагидан нарироқдаги ям-яшил толларни мўлжаллаб, отга қамчи босди. Қамчи зарбидан сағриси ловиллаб ачишган, эгасининг ваҳшиёна қийқиришидан ҳурккан от қулоқларини чимирди-ю, тобора чопишини тезлатиб, Донга томон қушдай учиб кетди. Григорий эллик саржин жойга бормай туриб, ўнг қирғоқдаги дўнгдан пулемёт сидирғасига ўт очиб қолди. Ўқлар «Вийт! Вийт! Вийт! Вию! Вию!» этиб суғурчасига чийиллашарди. Григорий оёқларини от биқинига маҳкам тираб, тизгинни қўйиб юборди-да, ичида: «Ўқинг баландлаб кетяпти, амаки!»— деб қўйди ва бошини энгаштириб, рўпарадан келган шамол пириллатиб учирган от ёлига юзини қўйиб олди. Оқарган дўнгнинг аллақаеридаги станок пулемётнинг яшил қалқони орқасида ётган пулемётчи — қизил аскар худди унинг кўнглидагини топгандай, олдинроқни мўлжалга олди-да, пастлатиб пулемётдан сидирғасига ўт очди: ўқлар отнинг олдинги оёқлари остига тушиб, азбаройи қизиб кетганлигидан илондай вишиллай бошлади. Тошқин сувнинг нами ҳали қуримаган тупроққа устма-уст ўқ санчилар, қайноқ лой парчаларини сачратарди. «Чалп! Пшшуу! Чалп!» Чалп!» этган товушлар тинмасди. Григорийнинг боши устидан ва оти ёнидан ўқлар ҳуштак чалиб ўта бошлади.

Григорий узангига оёқларини тираб, от бўйнига чўзилиб ётиб олганди. Боя мўлжалланган яшил толлар рўпарадан қуюндай учиб келаётгандек эди. Ярим йўлга етганида Семёнов дўнгидан тўп отилди. Тўп ўқининг ваҳиллашидан ҳаво ларзага келди. Ўқ яқин жойга тушиб портлаганида Григорий эгар устида қаттиқ тебраниб кетди. Ҳали унинг гумбурлаши, ўқ парчаларининг қарсиллаши қулоғидан кетмай туриб, кучли ҳаво тўлқинида эгилиб қолган яқин кўлларда-ги қамишлар қаддини кўтармай туриб, тоғда гумбурлаб яна тўп отилди, ваҳиллаб яқинлашиб келаётган ўқнинг ваҳимаси Григорийни яна энгаштириб, эгарга қапиштириб қўйди.

Григорийнинг назарида, одамнинг юрак-бағрини эзувчи бу товуш энг баланд авжига чиқиб бирдам тўхтаб қолгандай туюлди, лекин ўша онда, унинг кўз

www.ziyouz.com kutubxonasi

олдида осмон баробар қора булут ердан отилиб чиқди, шиддатли зарбдан ҳамма ёқ ларзага келди, отнинг олдинги оёқлари ерга кириб кетгандай бўлди.

Григорий отдан ағдарилаётган пайтда кўзини очди. У ерга шу қадар қаттиқ тушдики, мовут чалвори тиззасидан тарс йиртилиб, иплари узилиб кетди. Портлашдан ҳосил бўлган кучли ҳаво тўлқини уни отдан анча нарига учириб юборди, йиқилгандан кейин яна анча жойгача сидирилиб борди, кафту бетлари қирилиб кетди.

Қулоғи битиб қолган Григорий оёққа турди. Осмондан қоп-қора бўлиб кесагу лой, кўкат илдизлари ёғилмоқда эди... Тўп ўқи портлаган жойдан йигирма қадамча нарироқда оти ётарди. Унинг боши қимирламас, лекин тупроқ босиб қолган кейинги оёқлари, тердан жиққа ҳўл бўлган сағриси ва думғазаси билинар-билинмас дириллаб титрарди.

Доннинг нариги бетидаги пулемётнинг овози ўчди. Беш минутгача ҳамма ёқ жимиб қолди. Қўлчалар устида кўм-кўк балиқчи қушлар тинмай чийиллашарди. Григорий боши айланаётганига қарамай, отга томон юрди. Унинг зилдай оғирлашган оёқлари қалтирар, узоқ вақт ноқулай ўтириб қолган одамга ўхшаб аранг юрарди, қон тўхтаб, оёқлари увишиб қолган киши қадам қўйганда аъзойи бадани худди шундай зирқираб оғрийди...

Григорий ўлган отнинг эгарини шипириб олиб, ўқ парчалари қийратган энг яқин қамишзорга кириши билан яна пулемёт тариллай бошлади. Ўқларнинг шувиллаши бу ердан эшитилмасди; афтидан, қизилларнинг дўнгдаги пулемёти энди бошқа бир нарсани мўлжалга олганга ўхшарди.

Бир соатдан кейин у юзбошининг ертўласига етиб олди.

— Устачилигини ҳозиргина йиғиштиришди,— деди сотня командири,— кечаси, албатта яна ишга тушишади. Бизга патрондан қарашвормасангиз, иш чатоқ: киши бошига битта, иккита обоймадан ўқимиз қолди, кимга дод деймиз!

— Кечқурун патрон обкелишади. Нариги қирғоқдан кўз узма, ҳушёр бўл!

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳалиям ҳушёрмиз. Бугун кечаси талабгорларни ишга солмоқчиман: нариги ёққа сузиб ўтиб, нима қилишяпканини билиб келишсин.

— Нега кечаси юбора қолмадинг?

— Юбордим, Григорий Пантелевич, икки кишини юбордим, бироқ улар қўрқиб қишлоққа киришолмабди. Дарё бўйи билан сузиб ўтишибди-ю, лекин қишлоққа киришга юраклари чопмабди... Ҳозир кимни мажбур қилиб бўлади, ахир? Бу иш ниҳоятда хатарли: пистирмасиґа рўпара келиб қўлга тушсанг, оёґингни осмондан келтиришади. Қазаклар ўз уйлари ёнида, негадир, унча ботирлик кўрсатишмаяпти... Герман уруши вақтида крест оламан деб жон куйдирувчиларнинг сон-саноғи йўқ эди, ҳозир эса, узоқ разведка у ёқда турсин, анчайин пистирмага қўяй десанг, одам топилмайди. Ҳаммасидан ҳам хотинлар бало бўлди: эрларини топволиб шу ерда, окопда тунашяпти, ҳайдай десам, кучим етмайди. Кеча хотинларни ҳайдай бошловдим, казаклар дарров: «Айтиб қўйинглар, ўзини сал босиб олсин, бўлмаса бирпасда танобини тортиб қўямиз!»— деб дўқ қилишибди.

Григорий юзбошининг ертўласидан чиқиб, траншеялар ёнига борди. Дондан йигирма саржин берироқдаги қазилган траншеялар илон изига ўхшаб, ўрмон ораси билан чўзилиб кетганди. Бу ерда ўсган эман дарахтлари ва чакалак бўлиб кетган майда тераклар билан жинғил туплари брустверлар ёнида уйилиб ётган сариқ тупроқни қизил аскарлар кўзидан пинҳон тутарди. Траншеялардан блиндажларга ўтиш учун хандақлар қазилган эди. Қазаклар шу блиндажларда дам олишарди. Ертўлалар ёнида қоқи балиқнинг йилтироқ пўсти, қўй устихонлари, семечка қобиғи, тамаки қолдиқлари, аллақандай латта-путталар ётарди; дарахт шохларига ювилган пайпоқ, бўз кўйлак-иштон, пайтава, хотинлар кўйлаги ва юбкаси илиб қўйилган эди.

Биринчи ертўладан сочлари пахмайган, ухлайвериб шишиб кетган ёшгина бир аёл бошини чиқарди. У кўзларини ишқалаб, Григорийга бепарво қараб қўйди, сўнгра юмронқозиқдек ертўлага кириб беркинди. Унинг ёнидаги ертўладан ашула овози келар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди. Эркакларга қўшилиб, ингичка ва ўткир овозли бир аёл хиргойи қиларди. Учинчи ертўлага кираверишда озода кийинган ўрта яшар бир хотин ўтирганди. Сочига оқ оралаган бир казак унинг тиззасига бошини қўйиб ётарди. У ёнбошлаб олиб мудрар, хотини бўлса, эпчиллик билан битини боқар, қоп-қора соч битларини ёғоч тароққа қўйиб ўлдирарди, қарий бошлаган «ёри»нинг юзига қўнган пашшаларни ҳайдарди. Агар Доннинг нарёғида пулемёт тарилламаганда, Мингулиндами ё Казанскдами, аллақайси ёқларда отилаётган тўпларнинг гумбурлаган овози сув орқали эшитилиб турмаганда, Дон бўйига ўроқчилар кўчиб чиқибди, деб ўйлаш мумкин эди, чунки Громки сотняси фронтнинг олдинги чизиғига жойлашганига қарамай, мутлақо ҳарбий қисмга ўхшамай қолганди.

Беш йиллик уруш мобайнида Григорий бундай ғалати позицион уруш манзарасини биринчи марта учратди. У кулгисини тўхтатолмай, ертўлалар ёнидан ўтиб борар ва ҳар қадамда хотинларни кўрарди: улар эрларининг йиртиқ-ямоғини тикишар, кирларини ювишар, овқат пиширишар ва енгил-елпи тушликдан сўнг идиш-товоқ ювишга тушишарди.

Григорий юзбошининг ертўласига қайтиб келгач,

— Турмушларинг ёмон эмас! Шинам...— деди.

Юзбоши кулди:

— Турмуш эмас — нуқул роҳат.

— Жудаям ҳаддан оширворибсиз!— Григорий қовоғини солди.— Хотинларни бу ердан тезроқ йўқот! Урушдаям шунақа бўладими?... Бу ер бозорми, ярмарками? Бу нимаси, ахир? Бу аҳволда қизиллар Дондан ўтганини эшитмай қоласиз: хотинларнинг қўйнига кириб олгандан кейин, қизиллар эсга келармиди... Ҳали қоронғи тушгандан кейин ҳамма сочи узунларни ҳайда! Эртага келганимда биронта юбкаликни кўрсам, энг аввал сенинг каллангни оламан!

— Рост айтасиз...— деб кўна қолди юзбоши.— Ўзим ҳам хотинлардан безорман, бироқ казаклар кўнмаса, нима қилайлик, ахир! Интизом сусайиб кетди... Хотинлари ҳам эрларини соғинган, ахир уч ойдан бери урушдан бўшамаймиз!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Юзбоши шолғомдай қизариб, супачага ўтирди, супача устида ётган қизил фартуғни орқаси билан тўсмоқчи бўлди, Григорийга тескари қараб олиб, ертўланинг бурчагига тўсиб қўйилган шолча томон хўмрайиб тикилди, чунки шолчанинг орқасидан унинг ўз хотини қоп-қора кўзлари билан кулиб, мўралаб турган эди.

LXII

Аксинья Астахова Вёшенскаяга келиб, станицанинг четида, янги черковдан сал нарироқда истиқомат қилувчи холасиникига тушди. Биринчи кунни у Григорийни излаш билан ўтказди, бироқ Григорий ҳали Вёшенскаяга келмаганди, иккинчи куни ҳамма кўчаю тор кўчаларда кечгача ўқ визиллаб, тўп ўқлари портлаб турганлигидан Аксинья уйдан бош суқиб чиқа олмади.

Аксинья меҳмонхонадаги сандиқ устида ётиб, сўлғин лабларини тишлаб хаёл сурар: «Бирга турайлик, деб мени Вёшкига чақиртириб, ўзи аллақайси гўрларда юрибди!»— деб хуноб бўларди. Қампир холаси дераза олдида пайпоқ тўқиб ўтирар ва ҳар гал тўп отилганда чўқинарди.

— Худоё ўзинг асра! Ваҳимаси қурсин-эй! Нега урушаркин булар. Бир-бирлари билан нега қирқ пичоқ бўлишаркин?

Кўчада, уйдан ўн беш саржин нарироқда тўп ўқи портлади, дераза кўзлари жаранглаб, чил-чил бўлди.

— Холажон! Деразадан қочинг, ахир, сизни отиб қўйишлари мумкин!— деб ялинди Аксинья.

Қампир кўзойнак тагидан унга кулиб қаради, афсусланиб жавоб қайтарди:

— Эй, Аксюшка! Қараб турсам, ҳалиям ақлинг кирмабди. Мен нима, қизилларга душманманми? Суриштирмай-нетмай, мени бекордан-бекорга нега отишсин, ахир?

— Билмасдан отиб қўйишади! Ўқлари қаерга тушганини кошки улар кўрса...

— Мени отиб бўбди! Улар балони кўради! Казак-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларга ўқ отишяпти, қизилларнинг душмани казак, мен бечора, бева кампирни бошларига урармиди? Улар билади, милтиғу тўпларидан кимни мўлжалга олиш кераклигини жуда яхши билишади.

Айни туш пайти Григорий от бўйнига энгашиб олганича, тўғри, пастки муюлиш томон от чоптириб ўтди. Аксинья уни деразадан кўриб қолиб, югурганича, аймоқи ток ўраб олган зинапояга чиқди-да: «Гриша...» деб чақирди, бироқ Григорий муюлиш орқасида ғойиб бўлди, фақат от туёқлари остидан кўтарилган чанг кўчага секин-секин қўнмоқда эди. Кетидан югуришнинг фойдаси йўқ эди. Аксинья зинапояда бирпас туриб қолди, ниҳоят, аламига чидолмай йиғлаб юборди.

— Чопиб ўтган Степан эмасми? Нега мунча ҳовлиқиб югуриб чиқдинг?— деб сўради холаси.

— Йўқ... Бизнинг қишлоқлик бир одам...— кўз ёши аралаш жавоб берди Аксинья.

— Бўлмаса, нега йиғладинг?— деб гумонсираб текшираверди кампир.

— Сизга нима дахли бор, хола? Айтганим билан барибир тушунмайсиз!

— Ҳаммани қўйиб биз тушунмас эканмиз-да. Айтмасанг ҳам от чоптириб ўтган одам суйганинг эканини билиб турибман. Бўлмасам-чи! Бекордан-бекорга бақириб-чақирмасдинг... Мениям бошимдан ўтган, биламан ахир!

Кечқурун Прохор Зиков уйга кириб келди.

— Яхши турибсизми, онажон? Сизникига Татарскдан ҳеч ким келмадими?

— Прохор!— суюнганидан чинқириб, меҳмонхонадан югуриб чиқди Аксинья.

— Вой, қиз ўлмагур, роса сарсон қилдинг-а! Сени излаб оёғимда оёқ қолмади! Қанақалигини биласан-ку! Қайсарлиги дадасиникидан ошиб тушади. Ҳамма ёқда қасир-қусур, тирик жон писиб ётибди-ку, у бўлса: «Ҳозир топиб келасан, йўқса, терингни шилиб оламан!» дейди холос.

Аксинья Прохорнинг кўйлак енгидан ушлаб даҳлизга судради.

— Қаерда у бадбахт?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳм... Қаерда бўларди? Позициядан пиёда келди. Остидаги оти бугун ўқ еб ўлибди. Худди занжирдаги кўппакдай қутуриб қайтди. «Топдингми?»— деб сўради. «Қаердан топаман, ахир? Ерга кирдими, осмонга учдими, қайдан билай!» дедим. «Одам игна эмас, топасан»,— деб менга бир ўшқирдики... Худди одам қиёфасидаги бўрининг нақ ўзгинаси?

— У нима деб тайинлади?

— Майда-чуйдаларингни йиғиштир, бошқа гап кетмайди!

Аксинья бирпасда тугунини тугди, холаси билан наридан-бери хайрлашди.

— Степан юборибдими?

— Ҳа, Степан юборибди, холажон!

— Салом деб қўйгин. Нега ўзи кела қолмабди? Сут ичарди, ана, шунча чучвара ортиб қолди, еб оларди...

Аксинья гапнинг охиригача қулоқ солмай, уйдан чопиб чиқди.

Григорий турган ҳовлига етгунча ҳаллослаб қолди, ранги оқариб кетди, шу қадар тез юрдики, пироварди-да Прохор унга ялина бошлади.

— Менга қулоқ сол! Мен ҳам ёшлигимда қизлар кетидан кўп юргурганман, лекин умримда ҳеч қачон сенчалик шошган эмасдим. Сабринг чидамай, ўлиб боряпсанми ўзинг? Ё сени ёв қувдими? Нафасим тиқилиб қолди-ку! Қумлоқ ерда шунақа чопиб бўладими? Икковингнинг ҳам қилиқларинг ғалати: биринг-бирингдан баттарсан...

Прохор ичида: «Булар яна топишди... Энди буларни ҳеч ким ажратолмайди. Роҳатини иккиси кўради-ю, мен бу қанжиқни ўқ остида югуриб-елиб қидириб юрсам...— деб ўйланарди.— Худо кўрсатмасин, агар Наталья эшитиб қолсами, худди бошимдан сув қуяди... Қоршуновлар авлодини кўп яхши биламиз. Агар мастликда фалокат босиб от билан милтиғимни йўқотмаганимда, ўла қолсам ҳам сен тавияни қидирмасдим! Ўзларинг искашгансан, ўзларинг топишавер!»

Дераза қопқоқлари маҳкам беркитилган уйда қора чироқ тутаб ёнарди. Григорий стол ёнида ўтирарди. У эндигина милтиғини тозалаб олган эди, маузер тиғини

www.ziyouz.com kutubxonasi

артиб бўлмасдан эшик ғирчиллаб очилди. Аксинья остонада тўхтаб қолди. Оппоққина, энсиз пешонаси терлаб сув бўлиб кетганди, докадай оқарган юзларига, еб қўйгудай ўқрайиб, ўтдай чақнаган ғазабнок кўзларига бир қарашдаёқ, Григорийнинг юраги севинчга тўлиб, орзиқиб кетди.

— Мени чақиртириб... ўзинг бўлса... қорангни кўрсатмайсан...— ҳарсиллаб гапирарди Аксинья.

Унинг учун ҳозир, худди қадимдагидек, ишқ-муҳаббатларининг дастлабки давридагидек, дунёда Григорийдан бошқа ҳеч нарса қолмаган эди. Григорий бўлмаса, олам унинг кўзига қоронғи, агар у қошида бўлса, олам ёруғ, гулистон эди. Аксинья Прохордан уялмай, чопиб бориб Григорийнинг бўйнидан маҳкам қучоқлаб олди-да, йиғлаб-сиқтаб, ошиғининг соқоли тикандек бетларидан, буруну пешонасидан, лабу кўзларидан чўлпиллатиб ўпаверди, ўксиб-ўксиб:

— Сарғайиб сомон бўлдим! Адойи тамом бўлдим! Гришенька! Жондан азизим менинг!— деб шивирлади.

— Ана... Ана холос!.. Шошмасанг-чи, ахир!.. Аксинья қўй энди...—Григорий хижолат чекиб чулдирар, Прохордан кўзини обқочиб, юзини тескари ўгирарди.

У Аксиньяни курсига ўтирғизди, бўйнига тушиб кетган шол рўмолини олиб, ҳурпайган сочларини силади.

— Жудаям ғалатисан-а...

— Илгари қандай бўлсам, ўшандайман! Лекин, сен...

— Йўқ, худо урсин, сенга жин тегибди!

Аксинья қўлини Григорийнинг кифтига қўйиб, кўз ёши аралаш кулиб, тез-тез гапира бошлади:

— Шуям иш бўптими? Мени чақиртирибсан... Мен ҳамма нарсамдан кечиб... пиёда келсаму... сендан дарак бўлмаса... Кўчадан ўтиб қолдинг, мен уйдан чиқа солиб чақирдим, сен муюлишда кўринмай кетдинг... Сени отиб қўйишса нима бўларди? Дийдор кўришмай қолаверардим...

У юракдан чиқариб яна алланималар дер, энг ширин сўзлар билан Григорийни эркалатиб, айланиб-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўргилар, қўллари унинг кифтларини силашдан тўхтамас, итоаткор кўзлари билан унинг кўзларига тикилиб тўймасди.

Аксиньянинг боқишларида қандайдир ожизлик ва маъюслик ифодаси бор эди, лекин айни замонда кўзлари ўлим ваҳмига тушган бўриники сингари олакула бўлиб турарди, уни кўрган сари Григорий ўнғайсизланиб, юрак-бағри эзиларди.

Григорий офтобда куйган киприклари билан кўзларини беркитиб зўрма-зўраки илжаяр, чурқ этмасди, бироқ Аксиньянинг бетлари тобора чўғдай қизариб, ловуллаб ёнар, кўз қорачиғларини кўкимтир туман қоплагандай бўларди.

Прохор хайрлашмасдан чиқиб кетди, даҳлизда ерга туфлади-да, туфугини оёғи билан ишқалаб ташлади.

— Бош оғриғи!— деди у зинадан тушаётиб. зардаси қайнаганидан жўрттага эшикни тарақлатиб ёпиб кетди.

LXIII

Иккисининг тонг отгани билан ҳам, кун ботгани билан ҳам иши йўқ эди. Ҳамма нарсани унутиб, худди тушдагидай, бир ёстиқдан икки сутка бош кўтаришмади. Баъзан Григорий калтагина маст уйқудан уйғонар ва ғира-шира қоронғилик орасида Аксиньянинг астойдил синчковлаб унга тикилиб турганини кўрарди. Аксинья кўпинча кафтини жағига тираб, ёнбошлаб ётар ва кўзларини юммай тикиларди.

— Нега тикиласан?— сўради Григорий.

— Дийдорингга тўйиб олмоқчиман... Сени ўлдиришади, менга аён бўлди.

— Ҳай, майли, аён бўлса, роса кўриб ол,— деб кулди Григорий.

Учинчи куни у кўчага чиқди. Кудинов эрталабдан бери устма-уст одам юборавериб, мажлисга чақиртиравериб безор қилганди. «Бормайман. Мажлисни мансиз ўтказаверсин»,— деб чопарларни қайтарганди Григорий.

Прохор унга штабдан бошқа бир от топиб келди, кечаси Громкидаги сотняга бориб, ўша ерда қолган

www.ziyouz.com kutubxonasi

эгарини келтирди. Аксинья Григорийнинг жўнаш тараддудига тушганини кўриб, капалаги учиб кетди:

— Қаёққа?— деб сўради.

— Татарскка бориб қайтаман, бизникилар қишлоқни қандай мудофаа қилаётганини кўриб келаман, ўшанақаси оилам қаердалигини суриштириб кўраман.

— Болаларингни соғиндингми?— Аксинья совқотгандай, қорамағиздан келган кифтларини шол рўмол билан ўраб олди.

— Соғиндим.

— Бормасанг бўларди, а?

— Йўқ, бораман.

— Бормагин!— деб ялинди Аксинья; унинг чуқур тушиб кетган кўзлари ўтдай чақнаб кетди.— Демак, мендан кўра сенга оила азиз экан-да? Шундайми? Кўнглинг ҳам у ёқда, ҳам бу ёқда эканда? Ундай бўлса, мени ҳам ёнингга оливол, Наталья билан бир амаллаб чиқишиб кетармиз... Ҳа, майли! Жўнайвер! Менинг олдимга қайтиб кела кўрма! Ёнимга йўлатмайман. Бунақа майнавозликка тобим йўқ!.. Хоҳламайман!

Григорий индамай ҳовлига чиқди-ю, отга минди.

* * *

Татарсклик пиёда сотня казаклари траншея қазишдан эринишди.

— Бу аҳмоқларнинг топган ишини кўринг,— деб пўнғилларди Христоня.— Биз нима, герман фронтидамизми? Ўзимиз билган росмана окопдан қолмайлик, тизза бўйи қилиб окоп қазийверинглар, биродарлар. Мундоғ ўйлаб кўринглар: шундай заранг ерни икки газ чуқур қилиб кавлаб бўладими? Белкурак у ёқда турсин, бунга метин ҳам ўтмас...

Казаклар унинг гапига кириб, чап қирғоқни тиккасига кесиб тушган жар тепасидан ётиш учун окоплар қазишди, ўрмон ичида ертўлалар қилиб олишди.

— Мана энди биз ҳам суғурчасига кун кечираверамиз!— деб аския қиларди хафагарчилик нималиги-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни билмайдиган Аникушка.— Инларга кириб яшайверамиз, ўтми, чўпми ошайверамиз, доим сизга қаймоқлик юпқа, гўшт-ёғ, стерлядь солинган угра қаёқда?.. Исмолоққа тобингиз йўқми?

Қизиллар татарскликларни унчалик безовта қилишмасди. Қишлоқ қаршисига тўп ҳам ўрнатилмаганди. Аҳён-аҳёнда ўнг қирғоқдан пулемёт тариллаб, окопдан бош чиқарган пойлоқчи казакларга қарата калта-калта қилиб ўт очарди-да, яна ҳамма ёқ анчагача жимиб қоларди.

Қизил аскарларнинг окоплари тоғда эди. Ўша томондан ҳам баъзан ўқ чиқиб турарди, лекин қизил аскарлар қишлоққа фақат кечалари тушишар ва кўп тўхтамай чиқиб кетишарди.

* * *

Григорий кечга яқин ўзи ўйнаб-ўсган жойга етиб келди.

Бу ердаги ҳамма нарса унга таниш эди, ҳар туп дарахт бир хотирани эсига соларди... Йўл Қиздаланинг ўртасидан ўтарди; казаклар ҳар йили Петр кунида пичанзорни тақсимлаб бўлганларидан сўнг шу ерга келиб ароқ ичишарди. Сайҳонликка суқулиб кирган дарахтзорни «Алёшка ўрмончаси» деб аталарди. Қадимги замонда, бу номсиз ўрмончада татарсклик Алексей исмли казакнинг сигирини бўрилар бўғиб кетган экан. Алексей ўлиб, ҳамманинг эсидан чиқиб кетган бўлса ҳам, ҳатто фамилиясини қўни-қўшни, қариндошуруғлари унутиб юборган бўлса ҳам, унинг номига қўйилган ўрмончада ҳанузгача қайрағоч ва эман дарахтлари кўм-кўк бўлиб қад кўтариб туради. Бу дарахтларни татарсклик казаклар рўзғорга керакли ҳар хил нарсага ишлатиш учун кесиб олишади, лекин илдизи бақувват тўнкалар кўкламда янгидан сурх новда чиқариб, бир-икки йилнинг ичида «Алёшканинг ўрмончаси» яна аслига қайтади: ёзда фирузадай ямяшил бўлиб яшнайверади, куз келса, тилладан либос кийиб олади, жимжимадор эман барглари эрталабки қуёш шуъласида зарварақдай товланади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ёз кунлари Алёшка ўрмончасида намхуш ер бетини сертикан маймунжон буталари ўраб олади, эски патларини ташлаб, янгидан безаниб олган кўк қарға-ю, заҒизҒонлар каттакон қайраҒочлар тепасига уя солишади, ҳамма ёқни эман ёнҒоқлари билан хазон-баргларнинг ёқимли ва ўткир ҳиди босиб кетган куз маҳалида эса, жанубга учиб кетаётган лойхўраклар бу ўрмончага қўниб ўтишади; қишда эса ҳамма ёқни чойшапдек қоплаб олган қор устига қатор-қатор тулки излари тушиб қолади. Григорий ўспиринлик чоҒида тулкига қопқон қўйгали Алёшка ўрмончасига кўп келар эди...

Ҳозир у соя-салқин дарахтзор ичидан, ўт босган бултурги арава изи билан бормоқда эди. Қиздаладан ўтиб, Қора жарга етганида, бирданига ёшлик хотиралари эсига тушиб, юраги орзиқиб кетди. Бир вақтлар у ана шу уч теракнинг ёнидаги кўлобчада, ҳали учирма бўлмаган ёввойи ўрдак жўжаларини тутмоқчи бўлиб қувлаган, тўгарак кўлда азондан кечгача балиқ овлаган эди... Сал нариоқда сададай ўсган бир туп бодрезак ёлғиз ўзи бир четда қаққайиб қаримоқда. Бу дарахт Мелеховлар қўрасидан бемалол кўринади. Григорий ҳар йили, кузда пешайвонга чиқиб, олисдан қип-қизил чўғдай яллиғланган бу бодрезакни томоша қиларди. Раҳматли Петро унинг нордон ва тахир меваси солинган сомсани бирам яхши кўрардики...

Григорий болалик чоҒидан ўзига ошна бўлган жойларни кўздан кечирар экан, маъюсланарди. Остидаги от ҳавода ҒуҒ-ҒуҒ жубўлиб қайнаган пашшаларни, жигар рангли қонхўр чивинларни думи билан қўриб, имиллаб борарди. Ям-яшил буғдойиқ билан ёввойи сули шамолда оҳиста бошларини эгар, пичанзор кўм-кўк сув тўлқинига ўхшаб жимирлашарди.

Григорий татарсклик пиёда казаклар окопига етгач, дадасини чақириб келгани одам юборди. Чап қанотдаги окопнинг бир бурчидан Христонянинг бақирган овози эшитилди:

— Прокофич! Тезроқ бор, Григорий келганга ўхшайди!..

www.ziyouz.com kutubxonasi

Григорий отдан тушиб, тизгинни Аникушканинг қўлига берди, олисдан оқсаб, тез-тез юриб келаётган отасини узоқдан кўрди.

— Ҳорманг, хўжайин!

— Салом дада.

— Келдингми?

— Зўрға фурсат топиб келдим-да! Хўш, уйдагилар қалай? Онам билан Наталья қаерда?

Пантелей Прокофьевич қўл силтаб, юзини бужмайтирди. Қоп-қора бетидан кўз ёши оқиб тушди...

— Ҳа, нима гап? Уларга бир нима- бўлдими? — хавотирланиб сўради Григорий.

— Ўша ёқда қолишди. . .

— Нега энди?

— Бу ёққа ўтишимиздан икки кун илгари Наталья тўсатдан ётиб қолди. Терлама касалига йўлиққан бўлса керак... Онанг бўлса, уни ташлаб кетгиси келмади... Кўп ташвишланаверма, болам, у ёқ тинчлик, уларга ҳеч ким тегмайди.

— Болалар-чи? Мишатка? Полюшка?

— Болалар ҳам ўша ёқда. Аммо Дуняшка бу ёққа ўтиб келди. У ёқда қолгани қўрқди... Ўзингга маълум, қиз боланинг иши қийин. Ҳозир у Аникушканинг хотини билан Волоховга кетди. Мен икки марта уйда бўлдим. Кечаси қайиқ билан дарёдан секингина ўтиб, хабар олиб қайтдим. Натальянинг аҳволи жуда оғир, болаларинг, худога шукур, туппа-тузук юришибди... Натальюшка ўзини билмайди, иситмаси зўр, лаблари қовжираб, қсиаб кетибди.

— Сен уларни нега буёққа олиб ўтмадинг, а? — ғазабланиб бақирди Григорий.

Чолнинг жаҳли чиқди, овози қалтираганидан ўғлининг гапи унга алам қилганлиги билиниб турарди. У:

— Ўзинг қаёқда юрувдинг? Бирров уйга келиб, уларни дарёдан ўтказиб қўйишга қўлинг тегмадими?— деб гинахонлик қилди.

— Менда дивизия бор! Мен дивизияни дарёдан ўтказишим керак эди?— деб эътироз билдирди Григорий тажанг бўлиб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Эшитдик, Вёшкида нима қилиб юрганингни... Бола-чақа керак бўлмай қолибди-да, а? Ҳой, Григорий, кўзингни оч! Одамларни ўйлагинг келмаса, лоақал, худони ўйлагин... Мен бошқа жойда дарёдан ўтдим, шу ерда бўлганимда ҳаммасини ўзим олиб ўтмасмидим? Менинг взводим Еланда эди, бу ерга етиб келгунимча қизиллар қишлоқни олиб қўйган экан.

— Мен Вёшкида!.. Буни сенга алоқаси йўқ... Сен менга...— Григорийнинг овози хириллаб, бўғилиб қолди.

— Мен бир нима дедимми?— чол қўрқиб кетди, хижолат тортиб, нарироқда тўпланиб турган казакларга қараб қўйди. — Мен у тўғрида оғиз очганим йўқ... Секинроқ гапир, ахир, одамлар эшитяпти... — Чол пичирлаб сўзлашга ўтди: — Ёш бола эмассан, ўзинг ҳам тушунишинг керак. Оила тўғрисида кўп қайғурма. Худо хоҳласа, Наталья тузалиб кетади, қизиллар уларга тегяпкани йўқ. Аммо, лекин бир яшар ғунажинчани сўйиб ейишибди. Майли, ҳечқиси йўқ. Худо инсоф бериб, безовта қиляпканлари йўқ. Қирқ чоракча донимизни олишибди. Уруш зиён-захматсиз бўлмайди, болам!

— Ҳалиям бўлса, уларни олиб ўта қолсакмикин, а?

— Менимча, ҳеч кераги йўқ. Аввало, касални қаерга жойлаштирасан? Иккиламчидан дарёдан ўтиш жуда хавотирли. Уларга ўша ёқ тинч. Қампир уй-рўзғорга қараб туради, мениям кўнглим тўқ бўлади, ахир қишлоқда кўп уйларга ўт қўйилди.

— Кимларнинг уйига ўт кетди?

— Майдон бутунлай куйди, Кўпчилиги купецларнинг уйлари. Коршунов қудамники бутунлай куйиб бўлди. Қайнананг Лукинична ҳозир Андроповода. Гришак бува бўлса, уй пойлагани қолибди. Онанг менга гапириб берди. Гришак бува «Ўз қўрамни ташлаб ҳеч қаёққа бормайман, худо безорилар менинг олдимга кириб бўпти, бутдан қўрқишади»,— деганмиш. Пировардида мияси бутунлай айний бошлади. Маълум бўлдики, қизиллар унинг бутидан қўрқмаптилар: уйи-ю, қўрадаги тамомий иморатлари аланга ичида қолиб кетибди, бироқ чолдан дарак йўқ... Ёш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни яшаб, ошини ошаб бўлди. вақт-соати келди. Ўзига тобут ясатиб қўйганига йигирма йил бўлди-ю, ҳалиям тирик... Айтгандай, қишлоққа ўт қўяётган,— сенинг дўстинг, худоё, жувонмарг бўлсин!

— Ким?

— Мишка Қошевой, минг лаънат шундай одамга!

— Йўғ-э?

— Худо урсин, ўша! Уйга кирибди, сени суриштирибди. «Нариги ёққа ўтганимиздан кейин биринчи навбатда Григорийнинг бўйнига сиртмоқ солинади. Энг баланд эман дарахтига осаман, қиличимни унга текизиб, ҳаром қилиб ўтирмайман»,— дебди онангга. Мени сўрабди, жаҳли чиқиб: «Чўлоққа у ёқда пишириб қўйиптимикин? Уйда қолиб, печь устида ётаверса бўлмасмиди? Қўлимга тушса, ўлдирмайману, аммо, лекин қамчи билан шундай савалайманки, умрбод эсдан чиқмайдиган бўлади»,— дебди. Дўстинг шунақа расвойи жаҳон чиқди! Қишлоқда кўчама-кўча юриб, купецларминам попларнинг уйларига ўт қўярмиш: «Иван Алексеевичнинг ҳамда Штокманнинг хуни учун бутун Вёшкининг кулини совураман!» — дермиш. Бунисига нима дейсан?

Григорий ярим соатча отаси билан гаплашди-да, отининг ёнига кетди.

Чол Аксинья тўғрисида яна оғиз очмаганлигига қарамай, барибир, Григорийнинг дили сиёҳ бўлган эди. «Дадамки эшитгандан кейин, демак, билмаган одам қолмабди? Ким айтган бўлиши мумкин? Прохордан бошқа ким бизни кўрган? Наҳотки, Степан ҳам билган бўлса?» Григорий азбаройи уялганидан тишлари ғижирлаб кетди.

Қазаклар билан бир оз гаплашиб турди. Аникушка, ҳазиллашиб, сотнядагиларга бир неча челак самогон келтириб беришни илтимос қилди.

— Бизга патрон ҳам керакмас, фақат ароқижон бўлса — бас! — деб хохоларди у кўзини қисиб; у кўйлагининг кир ёқасига маъноли қилиб чертиб қўйди.

Григорий асраб қўйган тамакиси билан Христоняни ва бошқа ҳамқишлоқларини сийлади; ниҳоят, жўнаш олдида Степан Астаховни кўрди. Степан яқин

www.ziyouz.com kutubxonasi

келиб, шошмасдан сўрашди, бироқ қўл бериб кўришмади.

Григорий қўзғолон кўтарилгандан бери унга биринчи марта дуч келган эди, шунинг учун синчков назар ташлаб, безовталаниб: «Эшитканмикин?» деб ҳадиксираб турарди. Лекин Степаннинг чиройли қотма юзи қадимгисидай беғубор, қайтага хурсанд экани кўриниб турарди; Григорийнинг кўнгли жойига тушиб: «Йўқ, эшитишмабди!» деб эркин нафас олди.

LVIX

Григорий ўз дивизияси жойлашган ерларни айланиб чиқиб, икки кундан сўнг қайтиб келди. Қўмондон штаби Черний қишлоғига кўчиб ўтган эди. Григорий Вёшенская ёнида отига ярим соатча дам бериб, суғорди-да, станицага кирмасдан, тўғри Чернийга жўнади.

Кудинов уни кутиб олди, кулимсираб юзига тикилди-да, ҳазил аралаш:

— Хўш, Григорий Пантелеевич, нималарни кўрдинг? Қани, сўзлаб бер,— деди.

— Қазакларни кўрдим, дўнгда юрган қизилларни кўрдим.

— Ҳо, анча нарса кўрибсан-ку! Бу ерга учта аэроплан келди, патрон олиб келди, ғалати хатлар бор...

— Улфатинг генарал Сидорин нима деб ёзибди сенга?

— Менинг жўрам,— деб сўзида давом этди Кудинов;— кучинг борича қаттиқ тургин, қизилларни дарёдан ўтказмагин, деб ёзибди. Дон армияси бугун-эрта қатъий ҳужумга ўтади, дебди.— У ниҳоятда хурсанд, ҳали ҳам боягидай, ҳазил аралаш гапирарди.

— Ширин гаплар.

Кудинов жиддийлашди.

— Фронтни ёриб ўтишга шайланишипти. Ёлғиз

www.ziyouz.com kutubxonasi

сенга айтяппан, бутунлай махфий гап бу! Бир ҳафтадан кейин Саккизинчи Қизил Армиянинг фронтини ёриб, ўтишади. Ўшангача маҳкам туриб беришимиз керак.

— Ҳалиям маҳкам турибмиз.

— Громкида қизиллар дарёдан ўтишга тайёргарлик қилишяпти.

— Ҳалиям тарақ-туруқлари тўхтамабдими?— ҳайрон бўлиб сўради Григорий.

— Тўхтамабди... Қани, айт-чи, нима кўрдинг? Қаерларда бўлдинг? Вёшкида маза қилиб дам оливолдинг шекилли? Балким, ҳеч ёққа бормагандирсан! Ўтган куни бутун станицани тит-пит қилиб, сени роса қидиртирдим. Ахири юборган одамларимдан бири: «Мелехов уйида йўқ, ичкаридан кўзлари шишган чиройли бир хотин чиқиб: «Григорий Пантелевич жўнаб кетди», деб жавоб берди, дейди. «Ўйлаб туриб мен ҳам: «Балким, комдивимиз жонон билан айшишратдан бўшамай, биздан қочиб юрибдими?» — деган хаёлга бордим.

Григорийнинг қовоғи осилиб кетди. Кудиновнинг ҳазили унга ёқмади.

— Сен ёлғончиларнинг гапига камроқ қулоқ солсанг, орденарецларнинг ҳам тили қисқароғини танлаб олсанг яхши бўларди. Мабодо менинг олдимга тили узунларини юборадиган бўлсанг, тилини қилич билан кесиб оламан... минбаъд ёлғон-яшиқ гапирмайдиган бўлади.

Кудинов хохолаб кулди, Григорийнинг кифтига қоқиб қўйди.

— Озиб-ёзиб бир ҳазиллашсам шуям малол келдими сенга? Қўй, ҳазилни бас қилайлик! Сенга жиддий гапим бор. Аввало, бизга битта «тилчи» зарил бўп қолди, шуни тутиб келиш керак — бу бир, иккиламчидан — Казанск чегараси атрофидаги бирон жойдан икки сотня суворийни кечаси дарёнинг нариги бетига ўтказиб, қизилларни безовта қилсак яхши бўларди. Балким, тўғри Громкига ўтиб, юракларига ғулғула солсак, а? Сен нима дейсан?

Григорий ўйланиб қолди, ниҳоят жавоб берди.

— Чакки бўлмас, дейман.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Масалан, сен,— Кудинов «сен» сўзини чертиб гапирди,— шу сотняларга бош бўлармидинг?

— Нима учун мен?

— Бунга довюрак командир даркор, мана шунинг учун! Ниҳоятда ўткир командир бўлиши шарт, чунки бу ҳазилакам ишмас... Ўтишга ўтиб олиб, ҳаммаси ўша ёқда қирилиб кетмасин тағин!

Григорийнинг боши осмонга етиб, ўйламай-нетмай кўна қолди:

— Бораман, албатта!

Кудинов ўрнидан туриб, меҳмонхона полини ғижирлатиб у ёқдан-бу ёққа юриб, қизишиб гапира бошлади:

— Бу ерда биз ўйлаб-ўйлаб, шундай план туздик: жудаям олислаб орқа томонга ўтиш керакмас, фақат Дон атрофидаги икки-уч қишлоққа кириб, уларни шундай боплаш керакки, қочгани жой тополмай қолишсин, сўнгра патрон, тўп ўқи ўлжа қилиб, асирларни ҳайдаб, борган йўлдан яна қайтиш керак. Бир кечада шу ишнинг ҳаммасини бажариб, тонг отар маҳалида кечувда бўлиш керак. Тўғрими? Гап шундай, сен буни ўйлаб чиққин, эртага истаган казакларингни ёнингга олгину, таваккал қилиб жўнайвер. Биз: бу ишни ёлғиз Мелехов эплай олади, деган қарорга келганмиз. Бажарсанг, Дон қўшини бу хизматингни унутмайди. Ўзимизникилар билан қўшилган заҳоти, мен бу хусусда қўшин атаманига рапорт ёзиб юбораман. Ҳамма хизматларингни бирма-бир кўрсатиб, сенга баланд даражали...

Кудинов Григорийга кўз ташлади-ю, гапи оғзида қолди: шу дамгача индамай турган Григорийнинг сокин чеҳраси бирдан ўзгариб, ғазабдан тутоқишган юзи тиришиб, бўриқиб кетди.

— Мен сенга нима?..— Григорий чаққонлик билан қўлларини орқага қилиб, шартта ўрнидан турди.— Мени мансаб учун ўлиб юрибди деб ўйладингми ҳали?.. Малай қилиб ёлламоқчимисан?.. Баланд даража ваъда қилмоқчимисан?.. Биласанми, мен...

— Шошмасанг-чи, ахир!

—... Мансабларингга туфураман!

— Шошмагин! Сен мени нотўғри...

www.ziyouz.com kutubxonasi

—... Туфураман!

— Мени нотўғри тушунибсан, Мелехов!

— Яхши тушундим!— Григорий чуқур нафас олиб, яна табуреткага ўтирди.— Бошқа одам топ, мен казакларни Дондан олиб ўтмайман!

— Бекорга қизишяпсан, Григорий?

— Ўтмайман, дедим — вассалом! Бу тўғрида энди оғиз очма.

— Мен сени мажбур ҳам қилмайман, ялинмайман ҳам. Истасанг бор, истамасанг, ихтиёр ўзингда. Аҳволимиз ниҳоятда танг бўлганлиги учун қизиллар юрагига ғулғула солиб, дарёдан ўтишга тайёргарлик кўришларига халақит бермоқчи эдик. Даражангни ошириш тўғрисидаги гапим — анчайин ҳазил! Ҳазилниям билмайсанми? Хотин тўғрисидаги бояги гапим ҳам ҳазил эди, қарасам, ўзингдан-ўзинг хуноб бўляпсан, қани, яна пича қитиғига тегай-чи, деб яна ҳазиллашдим-да! Ҳамма билмаса ҳам, сени мен биламан: большевик бўлишингга сал қолган, даража-мансаб деган нарсани ёқтирмайсан. Сен ҳали ҳазилимга чиндан иноний юрибсанми?— Кудинов ўзини оқламоқчи бўлиб, шу қадар ростакам кулардики, ҳатто Григорий бир лаҳза дудмалланиб: «Дарвоқе, ҳазиллашиб гапирган бўлса ажаб эмас», деган хаёлга ҳам борди.— Сен бўлсанг, биродар... хах-аха ха-ха!.. бекордан-бекорга ҳовлиқиб кетдинг-а! Худо урсин, ҳазиллашувдим! Жиғингга тегмоқчи эдим...

— Ўлсам ҳам энди Доннинг нари бетига ўтишга унамайман, бояги фикримдан қайтдим.

Кудинов камарининг учини ўйнаб, анчагача индамай туриб қолди, ниҳоят:

— Ҳа, майли, фикрингдан қайтдингми ё қўрқиб кетдингми,—ҳеч аҳамияти йўқ. Бизнинг планимизни бузяпсан,—шу ёғи чатоқ, холос! Биз, албатта, бошқа бировни топиб юборамиз. Оламда сендан бошқа одам қуриб кетмагандир... Лекин аҳволимиз ниҳоятда танглигини ўзинг ҳам кўриб турибсан. Бугун Кондрат Медведов Шумилин станицасида қўлга тушган янги бир буйруқни менга юборибди. Қизиллар бизнинг устимизга аскар юборишяпти экан. Мана, буйруқ, ўзинг ўқиб кўр, йўқса, бунгаям ишонмассан...—Кудинов ҳар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

бий сумкасидан, четларига қон тегиб қотиб қолган бир варақ сариқ қоғозни олиб, унга узатди.— Аллақандай интернационал ротанинг комиссари ёнидан чиқибди. Комиссар латиш экан. Сўнгги патрони тугагунча отишибди, аблаҳ, ўқи тамом бўлгандан кейин милтиғининг найзасини тўғрилаб, бир взвод казаклар устига ташланибди. Улардаям шунақалар бўлади, маслаки учун жонидан кечворади... Комиссарни Кондратнинг ўзи қулатибди. Унинг кўкрак чўнтагидан манави буйруқни топиб, менга юборибди...

Қон сачраган бир варақ сариқ қоғозга майда қора ҳарфлар билан қуйидаги сўзлар босилган эди:

БУЙРУҚ

Экспедицион аскарларга

8 № 100

Богучар *25 май 1919 йил.*

Ҳамма роталарда, эскадрон, батарея ва командаларда ўқиб эшитдирилсин.

Хоин Дон қўзғолонининг куни битди!

Сўнгги соати келди!

Керакли ҳамма тайёргарлик ишлари тахт бўлди. Хоинлар ва сотқинлар бошига қирон солиш учун етарли миқдорда аскар шайлаб қўйилди. Бизнинг Жанубий фронтда жанг қилаётган армияларимизни икки ойдан бери тинчитмай орқадан туриб ханжар солаётган мунофиқларнинг жазосини бериш пайти келди.

Бутун ишчи-деҳқон Россияси ана шу мигулинлик, вёшенскаялик, еланлик, шумилинлик жирканч бандитлардан нафратланади, чунки улар, ёлғондан қизил байроқ кўтариб, қора гуруҳ помешчикларга: Деникин ва Колчакка ёрдам бермоқдалар.

Жазо отрядларининг солдатлари, командир ва комиссарлари!

Тайёргарлик ишлари тугалланди. Керакли куч ва ҳамма воситалар тахт қилинди. Сафларингиз ҳужумга тайёр бўлди.

Энди, сигнал берилган ҳамон — олға!

Виждонсиз хоинлар ва сотқинлар уяси вайрон қилинсин. Мунофиқларни қириб ташлансин, қаршилик кўрсатган станицаларга мутлақо шафқат йўқ! Фақат ўз ихтиёри билан қуролларини топширган ва бизнинг томонимизга ўтган казакларгагина марҳамат

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилинади. Колчак ва Деникин ёрдамчиларининг жазоси — фақат ўқ, қилич, олов!

Ўртоқ солдатлар, Совет Россияси сизларга инонади. Биз бир неча кун ичида Донни бу қора доғдан тозалашимиз керак.

Вақт-соати келди!

Ҳамма бир жон, бир тан бўлиб — олға!

LXV

Ўн тўққизинчи май куни, 9-нчи армия экспедицион бригадаси штабининг бошлиғи Гумановский Мишка Кошевойни шошилинч пакет билан, 32-нчи полк штабига жўнатди; бу полк Гумановскийнинг қўлидаги маълумотларга кўра, ҳозир Горбатово қишлоғида бўлиши керак эди.

Ўша куни кечқурун Кошевой Горбатовога етиб борди, бироқ 32-нчи полк штабини у ердан тополмади. Қишлоқ кўчалари 23-нчи дивизияга қарашли иккинчи даражали обоз билан лиқ-лиқ тўлганди. Аравалар икки рота пиёда аскарнинг ҳимоясида Донецдан Усть-Медведица томонга жўнамоқда эди.

Мишка бир неча соатгача қишлоқни роса айланиб, штабнинг қаердалигини сўраб суриштирди. Ниҳоят, отлиқ қизил аскарлардан бири, 32-нчи полк штабини кеча Боков станицаси ёнидаги Евлантьев қишлоғида кўрганлигини айтди.

Мишка отини хашаклатиб олди-да, кечаси Евлантьевга жўнади, бироқ у ерда ҳам штаб йўқ эди. Ярим кечадан оғган маҳалда Кошевой Горбатовога қайтиб келаётиб, даштда қизил аскарлар разъездига йўлиқди.

— Ким у?— деб бақирди биров олисдан.

— Ошно.

— Кўрай-чи, қанақа ошна экансан...— деб пўнғиллади томоғини совуқ олган одам яқинроқ келиб; кубанча оқ телпак, кавказча кўк чакмон кийган бу киши командир эди.— Қайси қисмдансан?

— Тўққизинчи армиянинг экспедицион бригадасидан.

— Бригададан қоғозинг борми?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мишка ҳужжатини кўрсатди. Командир уни ой ёруғига тутиб ўқир экан, ишонмасдан ҳадеб савол берарди.

— Бригада командири ким?

— Ўртоқ Лозовский.

— Хўш, ҳозир бригада қаерда?

— Доннинг нарёғида. Ўзингиз қайси қисмдан бўласиз, ўртоқ? Ўттиз иккинчи полкдан эмасми?

— Йўқ. Биз 33-нчи Кубань дивизиясидан. Сен ўзинг қаёқдан келяпсан?

— Елантьевдан.

— Қайға кетяпсан?

— Горбатовога.

— Ана холос! Горбатовода ҳозир казаклар бор-ку.

— Бўлмаган гап!— Мишка ҳанг-манг бўлиб қолди.

— Рост айтяппан сенга, у ерда қўзғолончи казаклар бор. Биз ҳозир ўша ёқдан келяпмиз.

— Энди қайси йўл билан Бобровскка борсам экан?— деб сўради Мишка саросималикка тушиб.

— У ёғини ўзинг биласан.

Командир сағриси паст, қора отини чу деб ҳайдади, нарироқ боргач, эгарда кетига қайрилиб:

— Биз билан юра қол, йўқса, бирор касофат бўлиб, бошинг кетмасин, тағин,— деб маслаҳат берди.

Мишка бажону дил рози бўлиб, уларга қўшилди. Қизил аскарлар билан биргаликда ўша кечасиёқ Кружилин қишлоғига етди ва ўша ердаги 294-нчи Таганрог полкининг командирига пакетни берди, нима сабабдан пакетни эгасига топширолмаганини гапириб бўлгандан кейин, шу полкда қолиб, отлиқ разведкачилар қатори хизмат этишга ижозат олди.

Тамань армиясининг қисмларидан ва кубанлик кўнгиллилардан яқиндагина ташкил топган 33-нчи Кубань дивизияси Астрахань ёнидан олиниб, Воронеж-Лиски районига юборилган эди. Таганрог, Дербент ва Васильков полкларидан иборат бир бригада қўзғолончилар устига юборилган эди. Худди ана шу бригада Григорийнинг 1-нчи дивизиясини тўс-тўс қилиб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Доннинг нариги қирғоғига улоқтириб ташлаган эди.

Бригада узлуксиз жанглар билан Доннинг ўнг қирғоғи бўйлаб йўл юриб, Казанск юртидан то Усть-Хопер станицасининг жанубидаги чекка қишлоқларга довур борди, Чир бўйидаги қишлоқларни ўнг қаноти билан ўраб олиб, Дон атрофида икки ҳафта чамаси тўхтаб қолди, ана шундан кейин шартта кетига бурилди.

Мишка Каргин станицасини ва Чир бўйидаги бирмунча қишлоқларни ишғол этишда қатнашди. 27-нчи куни эрталаб даштда Нижне-Грушнск қишлоғининг нарёгида, 294-нчи Таганрог полкининг 3-рота командири қизил аскарларни йўл бўйига тизиб, янги олинган буйруқни ўқиб берди. Ўша буйруқдаги: «Виждонсиз хоинлар ва сотқинлар уяси вайрон қилинсин...» ҳамда: «Колчак ва Деникин ёрдамчиларининг жазоси — фақат ўқ, қилич ва олов!» деган сўзлар Мишканинг миясига қаттиқ ўрнашиб қолганди.

Штокман ўлдирилганлиги ва бунинг устига Иван Алексеевич билан еланлик коммунистларнинг қандай ҳалок бўлганлигини эшитгандан сўнг Мишканинг юраги тошга айланиб, казакларга нисбатан қалбида чексиз нафрат уйғонди. Қўлига қўзғолончи казаклар асир тушганда, у энди ўйланиб ўтирмас, раҳм-шафқат деган нарсани кўнглидан чиқариб ташлар эди. Ўшандан бери биронта казак унинг қўлидан тирик қутулмади. У кўм-кўк кўзлари билан еб қўйгудай бўлиб асирга тикилар: «Совет ҳукумати билан курашиб бўлдингми?»— деб сўрарди ва жавобини кутмасдан, унинг мурдадай оқариб кетган юзига қарамай, шартта чопиб ташларди. Бутун аламини қиличдан оларди! Бу билан ҳам қаноатланмас, қўзғолончилар ташлаб кетган қишлоқ уйларининг бўғотига ўт қўярди. Қўралар ёниб, ҳўкизу сигирлар аланга ваҳмидан четанларни қийратиб, жон халпида бўкириб, кўчаларга қочиб чиққанларида, Мишка милтиқдан ўқ узиб қулатаверади.

Кошевой казакларга қарши, казакларнинг тўқлигига қарши, казакларнинг мунофиқлигига қарши шафқатсиз курашар, басавлат иморатлар ичкарисида

www.ziyouz.com kutubxonasi

асрлардан бери ўзгармай ҳукм суриб келган эски ҳаётнинг тамомий анъаналарига қарши жанг олиб борар эди. Штокман билан Иван Алексеевичнинг ўлими юрагидаги адоват ўтини ланғиллатар, буйруқнинг сўзлари эса, Мишканинг кўнглидаги ҳисларни ифода этарди... Ўша куни у уч ўртоғини ёнига олиб, Каргин станицасида юз элликтача уйга ўт қўйди. Аллақайси бир купецнинг магазини складидан бир идиш керосин топиб олди, бир қути гугуртни қоп-қора кафтида маҳкам тутамлаганича майдон бўйлаб кетди. Унинг кетидан қоп-қора, аччиқ тутун аралаш аланга кўтарилиб, попларнинг, бой казакларнинг нақшинкор, сирланган уйлари ёна бошлади, «Нодон казаклар оммасини қўзғолон кўтаришга ундаган зотлар» мана шу ҳашаматли уйларнинг эгалари эди.

Қўзғолончилар ташлаб кетган қишлоқларга аввало отлиқ разведкачилар кирарди; пиёда аскарлар етиб келгунча Қошевой энг бой казак уйларининг кулини кўкка совурарди. Қандай қилиб бўлса ҳам, у Татарскка бориб олишга ва қишлоқнинг ярмига ўт қўйиб, Иван Алексеевич билан еланлик коммунистлар учун қасос олишга шошиларди. У кимларнинг уйига ўт қўйиш кераклигини бирма-бир хаёлидан ўтказди, мабодо унинг қисми Чирдан чиқиб, Вёшенскаядан чапроқ томонга юрадиган бўлса, Мишка, ҳеч кимдан сўрамай, кечаси ўз қишлоғига бориб келишга аҳд қилиб қўйди.

Мишканинг Татарскка боргиси келиб, шошилганлигига яна бошқа сабаб ҳам бор эди... Сўнгги икки йил ичида у ора-сира Дуняшка Мелехова билан учрашиб туради; иккиси бир-бирига кўнгил қўйган бўлса ҳам, бу тўғрида оғиз очишмасди. Дуняшка қорамтир бармоқлари билан ранго-ранг гул солиб тиккан шокиладор тамаки халтани Мишкага тақдим этганди, эчки тивитидан тўқилган майин қўлқопни ҳам унга, қишда уйдагилардан яшириб, Дуняшка келтириб берганди, солдатча гимнастёркасининг кўкрак чўнтагида кўз қорачиғидай асраб юрган мана шу гулдор дастрўмолча ҳам илгари Дуняшканики эди. Мана у кичкина дастрўмолчани уч ойдан бери ёнида олиб юрар ва унинг ҳар бир ғижимидан муат-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тар пичан ҳидига ўхшаш қиз боланинг ажойиб ҳиди келарди; Қошевой учун энг қимматбаҳо хотира шу эди! Ҳар гал холи жой топиб, бу рўмолчани қўлига олганида: қудуқ ёнидаги оппоқ қиров босган бир туп терак, бўзарган осмондан бўрон аралаш ёғаётган лайлак қор, Дуняшканинг титраб турган лаблари, қайрилма киприклари устидаги қор учқунларининг ялт-йилт қилиб эриши беихтиёр кўз олдига келиб, юраги орзиқиб кетарди...

Мишка уйга боришга астойдил тайёрлана бошлади. Каргинлик купецнинг уйида деворга осиб қўйилган чиройли гиламни олиб ёпиқ қилди. Бу ёпиқ ниҳоятда отига ярашиб, рангба-ранг гуллари, жимжимадор ҳошиялари билан олисдан кўзни қамаштирарди. Аллақайси казакнинг сандиғидан яп-янги ҳошиядор чалвор топди, олтита шол рўмолдан уч жуфт пайтава қилди, ипдан тўқилган, зайфона қўлқопни эса, уруш бўлиб турган кунлари бекорга тўзитгиси келмай, Татарскка яқинлашиб, дўнгга етгандагина кийишни мўлжаллаб, тўрвасига солиб қўйди.

Қадимги замондан қолган одат бўйича хизматдан қайтган ҳар бир казак уйга ясаниб-безаниб қайтмоғи шарт эди. Казаклар анъанаси таъсиридан қутулолмаган Мишка, Қизил Армия жангчиси бўла туриб, ҳалиям эски расм-русмга қаттиқ риоя этишга ҳаракат қиларди.

Остидаги қора тўриқ, оқ тумшуқ от ниҳоятда келишган бедов эди. Илгариги эгаси устьхоперлик казак эди, Кошевой уни жангда чопиб ўлдиргандан сўнг от унга ўлжа қолганди. Унинг қадди-бастига, учқурлигига, сафда қадам ташлашига одамнинг ҳаваси келарди. Ёлғиз эгар масаласи чатоқ эди. Эгар кўрпаси қирқ ямоқ, қоринбоғи хом теридан, узангиларини занг босган, минг ишқалаган билан зангги кетмасди. Юганн ҳам кўримсиз: бironта безаги йўқ эди. Ҳеч бўлмаганда юганини эпақага келтириш учун бирон чора топмагунча кўнгли жойига тушмасди. Мишка бу масала устида анчагача бош қотирди, ўйлаб-ўйлаб ахийри топди-ю, суюниб кетди. Купец уйининг ёнгинасида ялтироқ никель каравот турарди, уйга ўт тушганда, купецнинг хизматкорлари уларни майдонга

www.ziyouz.com kutubxonasi

чиқариб ташлаганди. Қаравотнинг тўрт бурчагидаги тўрт соққаси офтобда ялтираб кўз қамаштирарди. Шу соққаларни бураб ё синдириб олинса-ю, юганга тақилса борми, юган бутунлай бошқача бўлиб кўринадида. Мишка каравотнинг ичи ковок соққаларини бураб чиқарди-да, ипак шнурга ўтказиб, иккитасини юганнинг икки ҳалқасига, иккитасини пешона ипининг икки чаккасига тақди, соққалар от бошида қуёшдай чақнаб турарди. Офтоб шуъласида улар шу қадар ярақлар эдики, от жонивор кунга қарши юрганда кўзлари қамашар, дамба-дам қоқилиб кетар, ҳадиксираб оёқларини тўғри босолмасди. Лекин соққаларнинг ялтираганидан отнинг кўзлари хиралашганига, дув-дув ёш оққанига қарамай, Мишка биронта соққани югандан олиб ташламади. Орадан кўп вақт ўтмай, ярми куйиб, ҳамма ёқни ўтда куйган ғишт билан кул ҳиди босиб кетган Қаргин станицасидан жўнашга тўғри келди.

Полк Дон бўйига, Вёшенская томон юриши керак эди. Шунинг учун ҳам разведка командири Мишканинг илтимосини қайтармасдан, онасини кўриб келишга рухсат берди.

Командир қисқа муддатли отпуска бериш билан бирга, унга яна бир яхшилик қилди:

— Уйланганмисан?— деб сўради у Мишкадан.

— Йўқ.

— Жазманларинг ҳам йўқми?

— Қанақа жазман?.. У нима деганингиз?— ҳайрон бўлиб сўради Мишка.

— Ўйнашинг!

— Ҳа-а... Унақаси йўқ. Лекин суйганим бор, ўзи покиза қиз.

— Занжирлик соатинг борми?

— Йўқ, ўртоқ.

— Вой, сени қара-ю!

Разведка командири аслида ставрополлик, муддатидан ортиқ хизмат этган собиқ унтер-офицерлардан бўлиб, эски армияда юрган вақтларида отпуска билан уйига неча марта бориб келган эди, аскарнинг ўз қишлоғига қуп-қуруқ, сўррайиб кириб келиши қанчалик хунук эканини яхши биларди. Шунинг учун у

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўзининг соати билан зилдай занжирини кўксидан олиб Мишкага узатди:

— Сен азамат жангчисан! Ма, уйга борганингда қизларга кўз-кўз қилиб тақиб юргин, учинчи взвод командирини эсга олгин. Мен ҳам ёшлигимда кўп қизларни йўлдан урганман, жувонлар билан юрганман, биламан... Занжири американча янги тилладан. Биров сўраса, шундай деявер: Мабодо бирон шилқим: «Пробасини кўрсат» деб хиралик қиладиган бўлса, сол тумшуғига! Шунақанги сурбет одамлар бор, уларнинг тумшуғига тушираверишш керак. Мениям баъзан ошхонада ёинки жамоат орасида, баъзан ж... хонада шунақа шилқим гумашта ва мирзаларга дуч келган вақтларим бўлган, одамлар олдида мени шарманда қилмоқчи бўлишиб: «Манави занжирни савлатга осилтириб қорнингизга тақиб олибсиз, кошки асл тилла бўлса... Қани, кўрайлик-чи, пробаси борми ўзи?» деб ёнимга келволиб суриштиришарди. Мен унақаларга сира бўш келганмасман: «Пробасими? Мана проба!»— Мишканинг соддадил командири чақалоқнинг калласидай келадиган қорамтир мушти билан кучи борича олга ҳамла қилиб, қандай жавоб қилиш керакликини кўрсатиб берди.

Мишка соатни тақиб, кечаси гулхан ёруғида соқолини олди-да, отини эгарлаб жўнаб қолди. Тонг маҳалида у Татарскка кириб келди.

Қишлоқ сира ўзгармаганди: ўша ғиштин черковнинг пастак мезанаси устидаги ранги ўнгиб кетган зарҳал крест ҳали ҳам қадимгисидай қаққайиб турар, поплар ва купецларнинг ҳашаматли иморатлари ҳали ҳам қишлоқ майдонида қад кўтариб турар, Қошевойнинг ярим хароба кулбаси ёнидаги терак ҳалиям боягисидай шилдираб хасрат қилгандай бўларди.

Лекин сув қуйгандак жимжит қишлоқнинг бу қадар оғир сукутга чўкканлиги кишини ҳайратда қолдирарди. Кўчаларда зоғ учмас, одам боласи кўринмасди. Уйларнинг дераза қопқоқлари михлаб ташланган, баъзи эшикларга қулф солинганди, бироқ аксари эшиклар ланг очиқ ётарди. Гўё қишлоққа қирғин келиб, қўра-ю, кўчаларда тирик жон қўймай олиб кет-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган, обод уйларни қабристондай ҳувиллатиб, эгасиз қолдирган эди.

На биронта инсон товуши келар, на хўроз қичқиргани ва на молларнинг маърагани эшитиларди. Ёлғиз чумчуқларгина бостирма бўғотлари тагида, шох-шабба уйилган жойларда, ёмғир ҳидини сезгандай, тўхтовсиз чирқиллашарди.

Мишка ўз ҳовлисига кирди. Бирон киши чиқиб, уни кутиб олмади. Даҳлиз эшиги ланг очиқ эди, остона ёнида: қизил аскарлар ўрайдиган йиртиқ обмотка, қоп-қора қонга бўялган, ғижимланган бинт, товуқ патлари, пашша талаб сасий бошлаган каллалари ётарди. Бундан бир неча кун илгари бу уйда қизил аскарлар овқат пишириб егани кўриниб турарди: идиш-товоқ синиқлари, тозаланган товуқ устихонлари, папирос қолдиқлари, газета парчалари полда сочилиб ётарди... Мишка нафаси қайтиб ютинди-да, ҳужрага кирди. У ерда ҳамма нарса илгаригисидай, фақат кузда тарвуз сақланадиган ер тўла қопқоғининг бир палласи салгина очилиб қолгандай эди.

Мишканинг онаси болалардан яшириб ҳар доим шу ерга олма қоқи қўярди.

Шу нарса эсига тушиб, Мишка қопқоқ олдига борди. «Наҳотки ойим мени кутмаган бўлса? Бирор нарса яшириб қўйганмикин?» деган хаёлда қиличини суғуриб, бор кучи билан қопқоқнинг четидан кўтарди. Қопқоқ ғичирлаб очилди. Ертўладан зах аралаш моғор ҳиди димоғига урилди. Мишка тиз чўкиб олди. Кўзлари қоронғига ўрганмагани учун анчагача ҳеч нимани ажратолмади, ниҳоят, кўра бошлади: эски дастурхон устига ярим шиша самогон, моғорлаб қолган бир това қуймоқ, ярмини сичқон еб кетган нон, оғзи ёғоч кружка билан маҳкам ёпилган кўза қўйилганди... Демак, кампир ўғлини кутган. Энг азиз меҳмонини тўрт кўзлаб кутган! Мишка ертўлага тушди, муҳаббат билан тўлган қалби шодликдан орзиқиб кетди. Мана шу топ-тоза эски дастурхонча устига тартиб билан териб қўйилган шу таомларга меҳрибон онанинг муборак қўллари кечагина текканку!.. Ертўла тўсинига осиб қўйилган оппоқ бўз халтага кўзи тушди. Мишка шоша-пиша халтани

www.ziyouz.com kutubxonasi

олиб қаради: чиройли қилиб ямалган, ювилиб, яхшилаб тахланган бир жуфт эски кўйлак-иштонини кўрди.

Сичқонлар таомни ҳаром қилиб кетган, лекин қатиқ билан самогонга тегмаганди. Мишка самогонни ичди, ертўлада муздай турган қатиқни ҳам ичди-да, кўйлак-иштонини олиб ертўладан чиқди.

«Онам Доннинг нарёғида бўлса керак. Уйда қолишга қўрққан, бир ҳисобда тўғри қилган, казаклар барибир тирик қўймасди. Ҳалиям менинг касримга бечорани роса қийнашган бўлса керак...»— деган хаёл ичида ҳовлига чиқди. Отини ечди, бироқ Мелеховлар уйига боришга юраги чопмади, чунки уларнинг қўраси Донга жуда яқин эди, дарёнинг нариги бетидан биронта кўзи ўткир мерган қўзғолончилар ясаган қўлбола қўрғошин ўқ билан Мишкани осонгина жойлаб қўйиши мумкин эди. Шунинг учун Мишка ҳозирчалик Коршуновникига боришга, қоронғи тушганда майдонга қайтиб келиб, Моховнинг, бошқа купец ва поплар-нинг уйига ўт қўйишга аҳд қилди.

У қўралар орти билан отини ҳайдаб, Коршуновнинг каттакон қўрасига борди, ланг очиқ қолган дарвозадан ҳовлига кириб, отини панжарага боғлади-да, энди уйга кирмоқчи бўлганда, Гришак бобо ичкаридан чиқиб қолди. Сочлари қордай оқариб кетган боши қалтирар, қариликдан хиралашган кўзларини худди шапкўрдек сузиб боқарди. Ҳали ҳам тўзмаган ўша қадимги яғири чиққан ёқали, қизил боғичли казакча кул ранг мундири ихчам қилиб тугмаланганди, бироқ чалвори ҳадеб тушиб кетавергани учун бобо дамбадам уни кўтариб қўярди.

— Салом бува!— Мишка қамчисини ўйнатиб зинапоя олдига келиб тўхтади.

Гришак бобо индамади. Ғазаб ва нафратга тўлган кўзлари билан ҳўмрайиб қараб тураверди.

— Саломатмисан, деяпман сенга!— Мишка қаттиғроқ сўради бу гал.

— Худога шукур,— деди чол истар-истамас.

Бобо ғижиниб, Мишкага қаттиқ тикилиб қолди, бироқ Мишка писанд қилмасдан оёқларини кериб тураверди; у ҳадеб қамчисини ўйнар, қовоғини осилти-

www.ziyouz.com kutubxonasi

риб, қиз боланикидай дўрдоқ лабларини чўччайтирарди.

— Сен нега Доннинг нарёғига қочиб ўтмадинг, Гришак бува?

— Отим нималигини сен қайдан биласан?

— Шу ерда туғилганман, шунинг учун биламан.

— Кимди боласисан ўзинг?

— Қошевойди.

— Акимди ўғлимисан? Бизникида хизматкорлик қилган ўша Акимди боласимисан ҳали?

— Худди ўша.

— Ҳали ўша жаноб мен бўламан, дегин! Чўқинтирганда отингни Мишка қўйишувди, шекилли? Балли! Дадангга ўхшайсан! Даданг ҳамиша яхшиликка ёмонлик қиларди, сен ҳам албатта, ўшанақа бўлсанг керак, а?

Қошевой қўлқопини ечди-да, баттар қовоғини солиб олди.

— Отим нималигини, қанақа одамлигимди сенга дахли йўқ. Нега Дондан ўтиб кетмадинг, деяппан?

— Хоҳламадим, шунинг учун кетмадим. Сениям худо урибди-ку! Дажжолга шогирд тушдингми? Шапкангга қизил юлдуз тақиб олибсан? Ҳали сен, итвачча, ҳаромхўр, бизнинг казакларга қарши чиқдингми? Ўз ҳамқишлоқларингга қарши-я?

Гришак бобо гандираклай-гандираклай, аранг зинапоядан пастга тушди. Қоршуновлар оиласи Дондан ўтиб кетганидан бери овқатдан қийналиб, мазаси қочганлиги кўриниб турарди. Ғамхўрларидан айрилиб, чўпдай озиб кетган, ўзини эплолмай қолган иркит чол Мишканинг рўпарасига келиб тўхтади-да, ҳайрон бўлиб, ғазаб билан унинг юзига тикилди.

— Қарши чиқдим,— деб жавоб берди Мишка.— Ҳали қараб тур: ҳаммаси асфаласофинга кетади!

— Биласанми, муқаддас китобда нима дейилган? «Бировга чоҳ қазисанг, ўзинг йиқиласан» дейилган. Қалай?

— Сен, бува, муқаддас китобларинг билан миямни ачитма, мен бу ерга ваъзхонлик эшитишга келганим йўқ. Ҳозир уйни бўшат!— Мишка тутақиб кетди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бу нима деганинг?

— Шунақа деганим.

— Сенга нима бўлди ўзи?

— Ҳеч нима бўлгани йўқ! Уйдан чиқиб кет деяпман сенга!..

— Ҳеч қаёққа кетмайман. Уй меники, нима қилишни ўзим биламан... Сен дажжолнинг малайисан, шапкангда тамғаси бор! Зикриё пайғамбар бир ҳодисаларида худди сизларни баён этганлар: «Аларға мен шувоқ едуруб, зардоб ичиргайманким, ул нопоклар жасадидин ер юзи мудор бўлғусидур», деганлар. Замона бузилиб, бола-отага, ака-укага қарши чиқди...

— Сен мени кўп чалғитаверма, бува! Бу ерда гап ака-укадамас, ҳар бир ишда ҳисоб-китоб даркор: менинг дадам то кўзи юмилгунча эшигингизда хизматкорлик қилган, ўзим ҳам урушдан олдин буғдойингизни янчганман, ёш жонимга жабр қилиб, майиб бўлганимга қарамай, қанорлаб донларингизни ташиганман, мана энди орани очиқ қилиб оладиган пайт келди. Уйни бўшат, мен ҳозир ўт қўяман! Яхши-яхши уйларда хўп яшадингиз, энди сизлар ҳам бизга ўхшаб лойсувоқ кулбаларда ҳам яшаб кўринг. Тушундингми, чол!

— Ана айтдим-ку! Худди ўша гап рост чиқяпти! Исо пайғамбар ҳадисда шуни баён этганлар: «Одамлар чиқиб қарагайлар ва мендан юз ўгурганларнинг ўлукларини кўргайлар, аларнинг мурдалари қуртлаб, доим ўтда ёниб ётгайким, бани-одам нафратланиб, алардин юз ўгургай...»

— Бас энди, сен билан ади-бади айтишиб ўтиришга вақтим йўқ!— деди хунук овоз билан Мишка тутоқишиб.— Уйдан чиқасанми, йўқми?

— Йўқ! Йўқол худо безори!

— Сендақа хурофотга берилган жоҳилларнинг касрига қолиб уруш бошланди-да! Халқни революцияга қарши қўзғатган фақат сизсиз!..— Мишка шошапиша елкасидан карабинини олди...

Ўқ узилгач, Гришак бобо муккасига қулади-ю, дона-дона қилиб:

— Илло... ўз ажалим биланмас... парвардигор амри ила жон бердим... Ё раб, қулингни ўз даргоҳингда қа-

www.ziyouz.com kutubxonasi

бул қилгайсан...— деб хириллади, оппоқ мўйлови қип-қизил қон бўлди.

— Қабул қилар! Сен қари шайтонни аллақачон ўша ёққа жўнатиш керак эди!

Мишка зинапоя ёнида чўзилиб ётган жасаддан ҳазар қилгандай четлаб ўтди-да, пешайвонга чопиб чиқди.

Даҳлизга шамол уйиб ташлаган қуп-қуруқ пайраҳа, хашак лоп этиб ёниб кетди, даҳлиз билан қазноқ орасидаги тахта девор бирпасда ловиллаб ёнди, тутуни шипга урди, у ёқдан кириб, бу ёқдан чиқиб кетаётган шамол ҳамма хоналарни тутунга тўлдирди.

Кошевой ҳовлига чиқди, то бостирма-ю, омборхоналарга ўт қўйиб бўлгунича, уйнинг алангаси эшикдеразалардан чиқиб қарағай ромлар билан қопқоқларини ялаб, томга ўта бошлади...

Мишка қоронғи тушгунча ўша атрофдаги чорбоғда, ёввойи чирмовуқ ўраб олган тоғолча соясида ухлади. Эгари олиниб, тушовлаб қўйиб юборилган оти ҳам ўша ердаги майса буғдойиқни чимдиб юрарди. Кечқурун от чанқаб кишнади-да, эгасини уйғотиб юборди.

Мишка ўрнидан туриб, шинелини бўктармага танғиди, ўша чорбоғдаги қудуқдан отини суғорди, сўнгра эгарлаб минди-да, тор кўчага чиқди.

Коршуновнинг қўраси куйиб бўлган эди, лекин ҳали ҳам қоп-қора кўмирга айланган сўқалардан тутун бурқсаб, ҳамма ёққа аччиқ ҳиди тараларди. Каттакон иморатдан ёлғиз ғишт пойдевору, қоп-қора мўриси ҳавода қаққайиб, кулай деб турган печдан бўлак ҳеч нарса қолмаган эди.

Кошевой тўғри Мелеховлар қўраси томон юрди.

Ильинична бостирма тагида этагига пайраҳа териб солаётган пайтда, Мишка отдан тушмасдан кўча эшикни очиб, ҳовлига кирди.

— Салом холажон!— деб мулойимгина сўрашди у кампир билан.

Лекин кампирнинг капалаги учиб, тили калимага келмай қолди, қўллари бўшашиб. этагидаги пайраҳалар тўкилиб кетди...

— Саломатмисиз, холажон?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Шукур... худога шукур,— бўшашиб жавоб берди Ильинична.

— Эсон-омон юрибсизми?

— Бошим омон бўлгани билан соғлигимнинг мазаси йўқ.

— Казакларингиз қаёқда?

Мишка отдан тушиб, бостирма ёнига борди.

— Доннинг нарёғида...

— Кадетларни кутиб ётишибдими?

— Мен аёл киши бўлсам... бунақа ишларга ақлим етармиди...

— Евдокия Пантелеевна уйдами?

— У ҳам ўша ёқда.

— У ёқда пишириб қўйибдимикин!— Мишканинг жаҳли чиққанидан овози ўзгариб кетди.— Бўлмаса холажон, менинг гапимни эшитиб олинг: ўғлингиз Григорий,— Совет ҳукуматининг энг ёвуз душмани бўлиб чиқди. Дарёдан ўтамиз-у, дастлаб ўшанинг бўйнига сиртмоқ соламиз. Лекин Пантелей Прокофич бекорга қочибди, ўзи қариган, чўлоқ одам, тинчгина уйда ўтирса бўларди...

— Ажалини кутиб, а?— зарда билан сўради Ильинична. У пайраҳаларни териб яна этагига сола бошлади.

— Ажалига ҳали анча бор. Бир оз калтаклардик холос, лекин, ўлдирмасдик уни. Мен бошқа бир иш билан сизнинг олдингизга келувдим.— Мишка кўкрагидаги соат занжирини тузатиб қўйди-да, бошини қуйи солди.— Мен Евдокия Пантелевнани кўргани келувдим. Чекинганларга қўшилиб кетгани менга жудаям алам қилди, ҳар ҳолда, сиз унга она бўласиз, арзимни эшитинг, холажон. Гапим шуки, анча бўлди, қизингизга кўнгил берганман, лекин ҳозирги вақтда аксилинқилобчилар билан жанг қилиб, уларга шафқатсиз зарба бераётганимиз учун, қизларга жигарсўхталик қилишга қўлимиз тегмаяпти. Ана ўшаларни тугатиб, бутун дунёда тинчликпарвар Совет ҳокимияти ўрнатилгандан кейин мен сизга, холажон, совчи юбориб, қизингиз Евдокияни сўратаман.

— Ҳозир бу гапларнинг вақти эмас!

— Бекор айтибсиз, айни вақти!— Мишка қовоғи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни солиб олди, икки қошининг ораси чимирилиб кетди.— Унашадиган вақт эмас, албатта, лекин айни оғиз соладиган хонаси. Ҳозир гаплашиб қўймасам, кейин вақтим ё бўлади, ё йўқ. Бугун бу ердаман, балким эртага мени Донецнинг нарёғига жўнатишар. Шунинг учун олдини олиб, сизга тайинлаб қўймоқчиман: тағин фалокат босиб Евдокияни бирон кишига бериб қўйманглар, кети ёмон бўлади: мендан осонликча қутулмайсиз. Агарда менинг қисмимдан: «Мишка ҳалок бўлди» деган хат келса, кимга берсангиз бераверинг, йўқса мумкинмас, чунки иккимизнинг орамизда муҳаббат бор. Мен унга бирон совға обкелолмадим, совға бўларлик нарсани ҳеч ердан топиб бўлмайди, мабодо сизга буржуйлар, купецлар, мол-мулкидан бирон нарса керак бўлса, айтинг: дарров келтириб берайин.

— Худо сақласин! Кўз очиб бировнинг буюмини олганмасмиз!

— Майли, ихтиёр ўзингизда. Мабодо Евдокия Пантелеевнани мендан олдин сиз кўрсангиз, менинг номимдан кўпдан-кўп салом деб қўйинг, энди хайр, холажон, менинг гапларим, албатта, қулоғингизда бўлсин.

Ильинична индамасдан уйга қараб кетди, Мишка эса, отига миниб майдон томон жўнади.

Кечаси қизил аскарлар тоғдан тушиб қишлоққа киришди. Кўча-кўйни уларнинг ғовур-ғувури босиб кетди. Қўл пулемёт кўтариб Дон бўйидаги пистирма томон келаётган уч қизил аскар Мишкани тўхтатиб, ҳужжатларини текширди. Семён Чугуннинг уйи рўпарасига етганида яна тўрт қизил аскарга дуч келди. Иккитаси аравада сули ортиб келмоқда эди, иккитаси Чугуннинг сил хотини билан бир қоп ун, ҳамда оёқ машина кўтариб олишганди.

Хотин Мишкани таниб, салом берди.

— Нима обкеляпсан, хола?— деб сўради Мишка.

Қизил аскарлардан бири бидирлаб:

— Бир камбағал аёл рўзғорини тиклаб олсин, деб манави машина билан унни уйига обориб бермоқчимиз, буржуйникидан олиб чиқдик,— деди.

Мишка сидирғасига етти уйга: Донецнинг нарёғи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

га қочиб кетган купецлардан Мохов билан Атепин Цацанинг, Виссарион поп билан Панкратий ҳазратнинг ва яна учта бой казакнинг уйларига ўт қўйиб, кўнгли жойига тушгандан кейин отига миниб қишлоқдан жўнади.

Дўнгга чиққач, отини буриб кетига қаради. Пастда, Татарск қишлоғининг қоқ тепасида қоп-қора осмонга, тулки думига ўхшаш қўнғир олов ловуллаб кўтариларди. Аланга гоҳ кучайиб, унинг шуъласи Дон сувларида жимирлашиб акс этар, гоҳ пасайиб, кун ботар томонга оғиб, иморатларни ямлаб юта бошларди.

Шарқдан, даштдан майин шабада турди. У алангани пуфлаб тобора ловуллатиб, қоп-қора йилтироқ қурумини олисларга учириб кетди...

1961 йил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЭСЛАТМА

Михаил Александрович Шолохов «Тинч Дон» романининг учинчи китоби устида 1928 йилдан 1931 йилгача, уч йил муттасил ишлади. Бу асарни яратишда ёзувчи кўпгина қийинчиликларга дуч келди. Асарни бадиий жиҳатдан ишлашнинг ўзи ғоят мураккаб бўлиб, ундан зўр ижодий куч талаб этар эди. бунинг устига деярли ҳеч қандай материал йўқлиги ишни янада оғирлаштирди. Шолохов Юқори-Дон, яъни «Вёшенская қўзғолони» деб аталган оқ казаклар қўзғолонини тасвир этишга киришган пайтда, унинг қўлида қизил аскар газеталарида, варақаларда онда-сонда учраган майда-чуйда хабарлардан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Қолган ҳамма материалларни асосан ўша воқеаларнинг тирик қолган иштирокчилари билан суҳбат орқали тўплади.

1930 йил май ойининг охирларида, ростовлик китобхонлар билан учрашув маҳалида М. А. Шолохов, учинчи китоб устидаги ишларининг хусусиятларига тўхтаб, шундай деган эди: «Яна бир қийин томони шуки, мен бу китобда, ҳали ҳеч қаерда ёритилмаган Вёшенская қўзғолонини тасвирламоқчиман» («На подъёме» журнали 1930, № 6, 175 бет.)

Кейинчалик «Тинч Дон» романининг учинчи китоби матбуотда биринчи марта эълон қилинганда (журнал редакциясига — LIX бобга, китобда — LXII бобга) авторнинг қуйидаги изоҳи илова этилганди: «шуниси характерлики, граждан уруши тарихи устида ишлаётган тарихчиларимиз Юқори-Дон қўзғолонининг ҳақиқий кўламини ҳозиргача ҳам тўғри аниқлаб бермадилар. Масалан Н. Какурин ўзининг муфассал ва жуда фойдали китобида («Революция қандай курашди». Давлат нашриёти, 1925, том 1) Юқори-Дон қўзғолонини шундай таърифлайди:

«Қизил армиянинг Великороссия ва Урал томонларидаги фронтлари яқинида рўй берган аксилинқилобий хуружлар ичида

www.ziyouz.com kutubxonasi

энг пухта уюштирилгани ва энг кучлиси, 1918 йил августдаги Ижев-Воткин қўзғолони-ю, 1919 йил март ойида Дон вилоятининг шимолий қисмида бош кўтарган Дон казакларининг қўзғолони эди. Бу қўзғолон Жанубий фронтдаги Тўққизинчи армиямизнинг орқасида, ҳар иккала томон бутун диққат эътиборини худди шу фронтга жалб этиб турган нозик пайтда юз берди: *Юқорида зикр этилган Ижев-Воткин қўзғолони ҳар иккала* душман орасидаги фронтлар эндигина аниқланиб келаётган пайтда бошланган бўлса, аксинча бу қўзғолон, талайгина аскар тўплаган, муайян ҳолга кирган фронтнинг орқа томонида, фронтнинг нақ ёнгинасида ва қатъий ҳужум операциялари бошланадиган маҳалда рўй берди; шу сабабдан ҳам унинг салбий таъсири анча кучли бўлди, натижада қизиллар қўмондонлиги буни бостириш учун анча куч ва вақт сарф этишга мажбур бўлди. Қўзғолон маркази Вёшенская станицаси эди; қўзғолон 10.000 квадрат километр *жойни ўз гирдобига олган* бўлиб, Усть-Медведица станицасидан то Богучар шаҳрига давр ёйилганди; қўзғолон кўтарган казаклар сони 15000 кишига етди, улар бир неча пулемётга эга эди. Ана шу асосий қўзғолон бўлган жойлар атрофида. Новохоперск, Бутурлиновка ва бошқа районларда яна бир мунча майда-чуйда қўзғолонлар ҳам пайдо бўлганки, улар асосан дезертирлар хуружидан иборат эди. Қўзғолон қисқа вақт ичида бостирилмаса, оқ армияга қарши *турган фронтнинг бир участка*сини ишдан чиқарадиганга ўхшаб қолди, бу нарса фронтдаги аскарлардан бирталайини шу ёққа юбориб, фронтни заифлаштиришга мажбур этди. Апрель ойи ичида 8-нчи ва 9-нчи Қизил Армия қўзғолончиларига қарши кураш учун биттадан экспедицион дивизия ажратиб берди; бу икки дивизияда 14000 жангчи бўлиб, артиллерия ва пулемётлар билан таъминланганди. Бу кучлар тўрт юз километрлик қўзғолон жабҳаси бўйлаб тарқоқ ҳолда ҳар қайсиси ўз ҳолича ҳаракат қиларди. Бу қўзғолон ҳам Ижев қўзғолони *сингари дастлабки кунлари* эсерча тус олганди: қўзғолончилар Совет ҳукуматини, лекин коммунистлар аралашмаган Совет ҳукуматини сақлаб қолишга ҳаракат этишарди. 8-нчи армиянинг собиқ командири ўртоқ Хвесинни қўзғолончиларга қарши жанг қилаётган ҳамма экспедицион кучларга қўмондон қилиб тайинланиши биланоқ, қўзғолонни бостириш иши тезлаб кетди: 1919 йил 24 майдан 1 июнгача бўлган бир ҳафталик давр ичида Дон дарёсининг ўнг қирғоғидаги қўзғолон бостирилди».

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳақиқатда эса қўзғолончилар сони 15000 эмас, 30000-35000 кишига етар, апрель, май ойларида уларда «бир неча пулемёт» эмас, балки йигирма беш замбарак (булардан иккитаси мортир тўпи), юзга яқин пулемёт ва одам бошига биттадан милтиқ бор эди. Бундан ташқари, Юқори-Дон қўзғолонининг характеристикасига бағишланган бобнинг охирида муҳим бир нуқсон бор: Доннинг ўнг қирғоғида қўзғолон Ўрт Какурин ёзганидек май ойида бостирилган эмасди. Экспедицион қизил аскарлар томонидан Доннинг ўнг қирғоғидаги ерлар қўзғолончилардан тозаланган холос, лекин қўзғолончиларнинг қуролли кучлари, ҳамда бутун аҳоли Доннинг чап томонига чекинганди. Дон бўйлаб икки юз чақирим жойгача траншеялар қазилган, қўзғолончилар траншеялар ичига беркиниб олиб, икки ҳафтагача, Дон армиясининг асосий кучлари билан бирлашгунларига қадар ўзларини мудофаа қилганлар (М. Ш.)» («Октябрь» журнали, 1932, № 7, 1-бет).

Кулак ва оқ гвардиячи унсурларнинг иғвогарлик ва қўпорувчилик ташвиқотлари таъсири остида Юқори донлик казакларнинг кўпгина қисми Совет ҳокимиятига қарши чиқди. Кулак ва оқ гвардиячилар: Ватанга муҳаббат тўғрисидаги сафсаталари билан халқ оммасини алдаган эдилар. Дондаги аксилинқилобий лагерь саркорларини ва «арбобларини» Шолохов қуйидаги сўзлар билан тасвирлаб берди: «Граждан уруши йилларида ҳам ватанга муҳаббат тўғрисида гапирдилар. Масалан, атаман Краснов ва шу сингари сиёсатчи муттаҳамлар шу гапни сақич қилиб чайнадилар; бир ёқдан гапириб туриб, иккинчи ёқдан немис оккупантларини, сўнгра, «иттифоқдош» деб аталмиш инглиз ва французларни Донга таклиф этдилар. Ватанга муҳаббат тўғрисида гап сотишарди-ю, лекин айни замонда казакларни кўтарасига сотар, Совет ҳокимиятига, рус халқига қарши курашмоқ учун уларни яроғ-аслаҳага алиштирар эдилар. Тарих кишиларга уларнинг сўзига қараб эмас, ишига қараб баҳо беради. Тарих инсоннинг ватанга муҳаббати қанчалик эканини ва бу муҳаббанинг қадр-қимматини синовдан ўтказади. Ватанга бўлган чин муҳаббатни Краснов ва бошқа сотқин аблаҳлар рўй-рост таҳқир этдилар, меҳнаткаш казакларни мунофиқлик йўли билан алдаб, граждан уруши гирдобига ташладилар. («М. Шолохов. Сайловчилар олдида гапирган нутқи, «Санъат усталари — СССР Олий Совети депутатлари» номли тўплам. М. 1938, 40 бет.»)

Шолохов 1931 йил 6 июнда Вёшенская станицасидан А. М. Горькийга юборган мактубида: «Юқори Дондаги казаклар қўзғолони ўрта ҳол казакларга нисбатан қинғирликка йўл қўйил-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ганлиги натижасида кўтарилган»,— деб таъкидлайди. Шолохов тарихий ҳақиқатга содиқ бўлган санъаткор сифатида, казакларни қўзғолон кўтаришга мажбур этган сабабларни ўз романида изчиллик билан охиригача очиб ташлашга интилади.

Асар ғоясининг мураккаблиги, бу соҳада тарихий материалларнинг йўқлиги учинчи китоб устидаги ишларни анча вақтгача тўхтатиб қўйди. Ёзувчи романнинг иккинчи китобини тамомлаши биланоқ, 1928 йилда учинчи китобни бошлаган эди. (Учинчи китобнинг биринчи бобидан «Казакларнинг «Уруш ва тинчлиги» сарлавҳали парча Ростовда чиқадиган «Молот» газетасида босилган, 28 декабрь, 1928 йил). Иш тўхтаб қолишига қисман яна шу нарса сабаб бўлган эдики, ёзувчи учинчи китоб билан бир вақтда «Очилган қўриқ» романининг биринчи қисмини бошлаб юборган эди.

Ёзиб тамом қилинди деса бўладиган учинчи китобнинг қўлёзмасини Шолохов қайта-қайта ишлаб тузатар, бостиришга шошилмасди. «Сенга шуни маълум қилмоқчиманки,— деб ёзган эди у 1929 йил 3 октябрда ростовлик адабиётшунос А. Бусигинга,— мен бу йил «Октябрь» журналида «Тинч Дон» ни бостирмайман. Сабаби шуки, романнинг давомини беролмайман, ҳали еттинчи қисми тайёр эмас, олтинчисининг ҳам баъзи жойлари қайта ишланмоқда.» (А. М. Горький номидаги Жаҳон адабиёти Институтининг архиви, П. 68, 1051).

1931 йил баҳорида «Тинч Дон» романининг учинчи китоби тамомланиб, «Октябрь» журналига босишга топширилди. Бироқ Шолохов яна каттакон тўсиқларга дуч келди. Журналнинг баъзи ходимлари бу янги китобнинг асосий ғоясини тушунмасдан, уни анча қисқартириб беришни ёзувчидан талаб этишди.

Шолохов 1931 йил 6 июнда А. М. Горькийга ёзган мактубида шундай дейди: «Китобнинг олтинчи қисмида мен Совет ҳукумати идораларида ишлаган баъзи бир фаросатсиз корчолонларнинг образини берганман (мусодара қилинган кийимларни олиб кетмоқ учун округдан келган йигит, оқлар томонидан ранжитилган луганлик, Тўққизинчи армиянинг комиссари Малкин, ҳақиқатан ўша даврда бўлган одам ва унинг қилиқларини мен эски мазҳабли аравакаш тилидан ҳикоя қилдим), бундан мақсад буларни Қошевойга, Штокманга, Иван Алексеевичга қарши қўйиш ва бу «қинғаючилар» Совет ҳокимиятинниг идеясини сохталаштирганларини кўрсатиш эди.»

Раппдаги танқидчилар ва редакторлар ёзувчи олдида турган мана шу мураккаб вазифани тушуна олмадилар. Шолохов ўша

www.ziyouz.com kutubxonasi

хатда шундай дейди: «Баъзи бир» «Ортодоксаль» кишилар, Раппнинг «саркорлари» китобнинг олтинчи қисмини ўқиб чиқиб, мени *айблай* бошладилар, гўёки мен, *Юқори Дондаги казакларни сиқиш* фактларини кўрсатишим билан қўзғолонни оқлаганмишман. Шу тўғрими? Қўзғолондан олдинги аҳвол, аччиқ ҳақиқат қандай бўлса, мен бўртдирмасдан тўғрисини кўрсатиб бердим...» Хатнинг кетидан «Меним учун энг қимматли бўлган баъзи бобларни (лирик чекинишларни, яна бир мунча жойларини) олиб ташлангандагина китоб босилади, деган шарт қўйишмоқда. Қизиғи шуки, *ўн киши ўн жойини олиб ташлашни таклиф этади*, агар ҳаммасига қулоқ солинса, китобнинг тўртдан уч қисмини олиб ташлашга тўғри келади... Зўр сабрсизлик билан Сиздан хат ёки телеграмма кутаман. Шу бир ярим йил ичида шу китобнинг ташвишида юрак-бағрим эзилиб кетди, бир оғиз гапингизга интизорман: яхши десангиз ҳам, ёмон десангиз ҳам шу дардисар масалани менга очти қилиб берсангиз бениҳоя хурсанд бўламан.»

А. М. Горький қўлёзмани ўқиб чиққач, ўз таассуротини А. А. Фадеев билан ўртоқлашди. Унга ёзган хатида шундай дейди: «Тинч Дон» романининг учинчи қисми (гап учинчи китоб устида — Ред.) менинг фикримча, бадиий жиҳатдан юксак даражали асардир, иккинчи китобга қараганда анча баланд туради, яхши ёзилган», «Шолохов — талантли ёзувчи, келажакда у энг уста совет адиби бўлиб етишиши мумкин...»

Кейинчалик А. М. Горький романнинг аҳамияти устида қайта-қайта тўхталиб ўтган эди. Бир қатор хатларда, мақола ва нутқларида романнинг айрим жойларини мақтаб гапирган, унга чуқур мазмунли характеристика берган эди.

Горькийнинг аралашгани туфайли учинчи китобнинг нашри тезлаштирилди. Дастлаб у «Октябрь» журналида босилди (1929 йилдаги 1—3 сонларда ва 1932 йилдаги 1—8 ва 10, сонларда, 1933 февраль ойида Давлат бадиий адабиёт нашриётида тўла равишда босилиб чиқди, ўша йили «Роман — газетада» ҳам босилди. Кейин бир неча марта қайта нашр этилди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУНДАРИЖА

Учинчи китоб

Олтинчи қисм 7
Эслатма 500

На узбекском языке

Михаил Александрович
ШОЛОХОВ

Собрание сочинений, том 4

Гослитиздат УзССР—Ташкент—1963

М. Шолоховнинг 1956—1960 йилларда
Гослитиздат нашр қилган 8 томлик
асарлар тўпламидан таржима

www.ziyouz.com kutubxonasi

Редакторлар *М. Мирзоидов* ва *М. Осимов.*
Рассом *А. Ошейко*
Техн. редактор *Л. Ильина.*
Расмлар редактори *Г. Остапенко.*
Корректорлар:
А. Сулаймонов ва *Н. Аҳророва*

* * *

Босмахонага берилди 20/XI-61 й. Босишга рухсат этилди 2/II-62 й. Формати 84×108 1/32. Босма л. 15,75. Шартли босма л. 25,83. Нашр. л. 25,09. Индекс *б/а.* Тиражи 15 000. ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти, Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 46—59.

* * *

ЎзССР Маданият министрлиги Ўзглавиздатининг Ихтисослаштирилган ҳарф терув фабрикасида терилиб, матрицадан 1-босмахонада босилди. Тошкент, Ҳамза к. 21. 1963 йил. Заказ № 764. Баҳоси 96 т.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТУЗАТИШ

Бет	Сатр		Босилган	Ўқилсин
	юқо-ридан	паст-дан		
45	12	—	каваклари	қовоқлари
169	7	—	каваклар	казаклар
183	—	17	сенга	менга
497	8	—	ҳодисаларида	ҳалисларида
501	16	—	1961 йил	1928 — 1931 йиллар

764-заказга.

www.ziyouz.com kutubxonasi